

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АЛИШЕР НАВОЙ НОМИДАГИ ХАЛҚАРО ЖАМОАТ ФОНДИ**

**АЛИШЕР НАВОЙНИНГ ЖАҲОН  
АДАБИЁТИДА ТУТГАН ЎРНИ**

мавзусидаги республика илмий-амалий анжуман  
(20 май, 2021 йил)

**САМАРҚАНД – 2021**

**УДК: 891.709**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 октябрдаги ПҚ-4865-сонли “Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, 2021 йил 20 май куни Самарқанд давлат университети филология факультетидаги ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда Алишер Навоийнинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган “Алишер Навоийнинг жаҳон адабиётида тутган ўрни” мавзусидаги республика илмий-амалий конференция ўтказилди. Унда республикамизнинг етакчи олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот институтларининг таниқли навоийшунослари билан бирга хорижлик олимлари ҳам ўз маъruzalari билан қатнашидилар. Мазкур тўпламда анжуман қатнашчиларининг мақолалари киритилган.

Тўпламдан ўрин олган мақолаларнинг савияси, сифати ва илмий далилларнинг аниқлиги юзасидан муаллифлар масъулдор.

**Масъул мухаррир:**

Муслиҳиддин Муҳиддинов  
филология фанлари доктори, профессор

**Тақризчилар:**

Хотам Умурев  
филология фанлари доктори, профессор  
Афтондил Эркинов  
филология фанлари доктори

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

Р.И.Халмурадов (таҳрир ҳайъати раиси), Х.Очилов, М.Қ.Муҳиддинов (масъул мухаррир), Мустафа Ўғурлу (Туркия), Алмаз Улви Биннатова (Озарбайжон), И.К.Мирзаев, Ж.Ҳамроев, Ш.Ҳасанов, А.Б.Пардаев, О.Давлатов, И.И.Сулаймонов

**Нашрга тайёрловчилар:**

С.Тоҳиров, филология фанлари номзоди, доцент  
Н.Муҳитдикова, PhD, доцент  
А.Раззоқов, PhD, ўқитувчи

**Мусахҳихлар:**

М.Ҳасанова, PhD, ўқитувчи  
Ҳ.Асланова, PhD, ўқитувчи

# ХОРИЖИЙ НАВОИЙШУНОСЛИК: ТАДҚИҚ ВА ТАРЖИМА МАСАЛАЛАРИ

## AZƏRBAYCAN NƏVAİŞÜNASLIĞININ YENİ SƏHİFƏSİ

*Akademik Həbibbəyli İsa Əkbər oğlu<sup>1</sup>*

**Açar sözlər:** *Əlişir Nəvai, Azərbaycan-özbək ədəbi əlaqələri, Almaz Ülvi, klassik irs, ortaq ədəbi abidələr, Əlişir Nəvai və Azərbaycan, "Əlişir Nəvainin əsri və nəsri" monografiyası*

**Kalit so'zlar:** *Alisher Navoiy, Ozarbayjon-o'zbek adabiy aloqalari, Almaz Ulvi (Binnatova), mumtoz meros, umumiy adabiy yodgorliklar, Alisher Navoiy va Ozarbayjon, "Alisher Navoiyning asri va nasri" monografiyası*

**Ключевые слова:** Алишер Навай, азербайджано-узбекские литературные отношения, Алмаз Ульви (Биннатова), классическое наследие, общие литературные памятники, Алишер Навай и Азербайджан, монография «Век и проза Алишера Навои»

**Keywords:** *Alisher Navai, Azerbaijani-Uzbek literary relations, Almaz Ulvi (Binnatova), classical heritage, common literary monuments, Alisher Navai and Azerbaijan, monograph "Century and prose of Alisher Navoi"*

Azərbaycan-özbək ədəbi əlaqələri qədim tarixə və böyük ənənələrə malik olsada əsasən Əlişir Nəvai üzərində qurulmuşdur. Böyük özbək mütəfəkkiri və şairi Əlişir Nəvainin adı və əsərləri Azərbaycan-Özbəkistan ədəbi-mədəni əlaqələrinin bünövrəsini təşkil edir. Belə də demək mümkündür ki, Əlişir Nəvai Azərbaycan-Özbəkistan ədəbi əlaqələrinin rəmzidir. Əlişir Nəvainin böyük ustad hesab etdiyi Nizami Gəncəviyə münasibəti və Məhəmməd Füzulinin Əlişir Nəvai haqqındaki yüksək fikirləri xalqlarımız arasındaki ədəbi əlaqələrin məhəkə daşına çevrilmişdir.

Ona görə də müqayisəli ədəbiyyatşunaslıq elmində Azərbaycan-özbək ədəbi əlaqələrindən söz açarkən, ilk növbədə türk dilində ilk dəfə "Xəmsə" yaratmış bu böyük sənətkardan bəhs etməmək mümkün deyildir. Əlişir Nəvainin həyat və yaradıcılığını diqqət mərkəzinə çəkmək həm Azərbaycanda, həm də Özbəkistanda tədqiqatçılar üçün elmi cəhətdən zəngin mənbə - reallıq olmaqla bərabər, həm də

<sup>1</sup>Azərbaycan Milli Elmlər Akademiyasının vitse-prezidenti, Nizami Gəncəvi adına Ədəbiyyat İnstitutunun direktoru, azer-turkmen-ozbek@mail.ru

mənəvi borc hesab edilmişdir. Beləliklə, Əlişir Nəvai Azərbaycan-Özbəkistan ədəbi-mədəni əlaqələrinin əsas hərəkətverici qüvvəsi kimi çıxış edir.

Azərbaycan Milli Elmlər Akademiyası Nizami Gəncəvi adına Ədəbiyyat İnstytutunun “Azərbaycan-Türkmənistan-Özbəkistan ədəbi əlaqələri” şöbəsinin müdürü, filologiya elmləri doktoru Almaz Ülvi Binnətova da otuz ilə yaxın bir dövr ərzində davam etməkdə olan tədqiqatlarında iki qardaş xalq arasında ədəbi əlaqələrin müxtəlif dövrləri və aspektlərindən bəhs edərkən ilk növbədə, Əlişir Nəvaidən söz açmışdır.

Almaz Ülvi üçün Əlişir Nəvai Azərbaycan-özbək ədəbi əlaqələrinin bünövrəsi olmaqla bərabər, həm də start nöqtəsidir – bu əlaqələrin möhkəmlənməsində böyük rol oynayaan mənəvi qüvvədir. Məhz buna görə Almaz Ülvinin ədəbi əlaqələrimizin müxtəlif inkişaf mərhələlərinə və ayrı-ayrı görkəmli şəxsiyyətlərinə həsr olunmuş elmi tədqiqatlarının hamısında Əlişir Nəvai mövzusu mütləq öz əksini tapmışdır.

Son illərdə Almaz Ülvinin elmi fəaliyyətində Əlişir Nəvai mövzusu bir neçə istiqamətdə inkişaf etdirilməkdədir.

Əvvəla, Almaz xanım demək olar ki, hər il Özbəkistanın müxtəlif şəhərlərində keçirilən Əlişir Nəvai günlərində məruzələrlə çıxış edir. Özbəkistan Universitetlərində “Əlişir Nəvai və Azərbaycan” mövzusunda tələbələr qarşısında ustad dərsləri keçir. Hətta Özbəkistanda dissertasiya müdafiə edən alımların üç rəyindən biri Almaz Ülvi imzası ilə diqqətə çatdırılır. Özbək alımları Almaz Ülvinci ədəbiyyatşunaslıq elmi sahəsində Azərbaycanın elçisi kimi tanıyırlar.

İkincisi, Almaz Ülvi Azərbaycanda özbək ədəbiyyatının və o cümlədən də Əlişir Nəvai sənətinin əsas tədqiqatçısı və təbliğatçısı olaraq qəbul olunur. Bu cəhətdən Almaz Ülvi özbək ədəbiyyatı və ədəbiyyatşunaslıq elminin etibarlı daimi nümayəndəsi funksiyasını şərəflə və məsuliyyətlə yerinə yetirir.

Üçüncüüsü isə, Almaz Ülvi artıq on üç ildən çoxdur ki, Nizami Gəncəvi adına Ədəbiyyat İnstytutunda Əlişir Nəvai irsinə və ümumən Azərbaycan ədəbiyyatına həsr olunmuş elmi konfransların əsas təşkilatçılarından biridir. Məhz Almaz

Ülvinin təşəbbüsü ilə keçirilmiş elmi konfransların materialları da kitab halında çap olunaraq Azərbaycanda də, Özbəkistanda da yayılır.

Nizami Gəncəvi adına Ədəbiyyat İnstytutunun Elmi Şurasının qərarı ilə İnstytutda yaradılmış “Əlişir Nəvai Ədəbiyyatşunaslıq Mərkəzi”nin, sözün əsl mənasında, elmi mərkəzə çevriləməsi də Almaz Ülvinin böyük zəhmətinin nəticəsidir.

Almaz Ülvinin “Əlişir Nəvainin əsri və nəsri” (elmi-filoloji və dini-təsəvvüfi əsərləri) monoqrafiyası Azərbaycan nəvaişunaslığının qiymətli nümunələrindən biridir. Bu sanballı monoqrafik tədqiqat əsərində Əlişir Nəvainin dövrü və həyatı ilə yanaşı, bədii nəsri dərindən, əhatəli şəkildə araşdırılmaqla oxuculara təqdim olunur.

Xüsusən, Əlişir Nəvainin poeziyası ilə müqayisədə ustad sənətkarın nisbətən az öyrənilmiş bədii nəsr sahəsindəki xidmətləri haqqında aparılmış tədqiqatlar özbək ədəbiyyatını araşdırmaqla məşğul oan ədəbiyyatşunaslar üçün yeni və əhəmiyyətlidir.

Kitabda Əlişir Nəvainin tədqiqata cəlb olunan iyirmi bir əsəri vasitəsilə şairin şəxsiyyətinin öyrənilməsində və dərkində də dəqiq və ilkin mənbə kimi dəyərlidir.

Bu əsərlər dövrün mənzərəsini təsvir etməklə yanaşı, “Əlişir Nəvainin əsri və nəsri” (elmi-filoloji və dini-təsəvvüfi əsərləri) monoqrafiyası tanınmış Azərbaycan özbəkşunası Almaz Ülvinin beynəlxalq miqyasa malik olan nəvaişunaslıq qiymətli elmi əlavəsidir.

Bu əhəmiyyətli kitab Azərbaycan özbəkşunaslığının yeni bir Əlişir Nəvai səhifəsidir. Təqdim olunan qiymətli monoqrafiya, eyni zamanda, Azərbaycan-Özbəkistan ədəbi əlaqələrinin ölkəmizdə yüksək elmi səviyyədə uğurla davam etdirilməkdə olmasının da mühüm bir göstəricisidir.

“Əlişir Nəvainin əsri və nəsri” (elmi-filoloji və dini-təsəvvüfi əsərləri) əsəri nəşr olunmamışdan əvvəl hissə-hissə Azərbaycanın və Özbəkistanın nüfuzlu elmi dərgilərində, ədəbiyyat toplularında, mətbuat orqanlarında dərc edilmiş və müzakirələrə cəlb olunmuşdur. Bu nəşrlərin sayı təxminən 60-a yaxındır. Bütövlükdə isə Əlişir Nəvai və özbək ədəbiyyatı mövzusunda kitablar (“Əlişir Nəvai Azərbaycan ədəbiyyatşunaslığında”, “Azərbaycan-özbək ədəbi əlaqələri dövrlər, simalar, janrlar və təmayüllər”), “Özbək ədəbiyyatı”, “Fuat Köprülü. Əlişir Nəvai”, “Şərq təzkirəcilik tarixindən”, “Əlişir Nəvai. Hikmətli sözlər” və b.) və 300-ə yaxın məqalə nəşr etdirmişdir ki, bu siyahı əsərin “Ədəbiyyat” bölməsində təqdim olunur.

Azərbaycan-özbək ədəbi əlaqələr tarixində ilk dəfə 2019-cu ildə hazırlanaraq nəşr edilən “Azərbaycanca-özbəkcə, özbəkcə-azərbaycanca lüğət (25.000 söz)” kitabınn müəlliflərindən biridir.

Azərbaycandan bəlkə də ilk dəfə məhz Almaz Ülvinin simasında qədim Herat torpaqlarına Əlişir Nəvai, o cümlədən Baysunqur Mirzə, Gövhərşad Bəyim, Sultan Hüseyn Bayqara, Zahirəddin Məhəmməd Babur, Xoca Abdulla Ənsari, Əbdürəhman Cami, Şah Qasım Ənvar və başqa mütəffəkirlərin qəbrlərinə ziyarət edilib. Tədqiqatçı bu sevgisini Herat adlı yazısında daha aydın təqdim etmişdir.

İnanırıq ki, Almaz Ülvi Bünnətovanın “Əlişir Nəvainin əsri və nəsri” (elmi-filoloji və dini-təsəvvüfi əsərləri) monoqrafiyası Azərbaycanda olduğu kimi, qardaş Özbəkistanda da elmi ictimaiyyətin marağına səbəb ola biləcəkdir.

### **Ədəbiyyat:**

1. Almaz Ülvi. Əlişir Nəvainin əsri və nəsri (elmi-filoloji və dini - təsəvvüfi əsərləri (monoqrafiya) // Almaz Ülvi (Almaz Qasım qızı Binnətova) elmi redak-

torlar: akademik İsa Həbibbəyli (ön sözün müəllifi) və professor Şöhrət Siracəddinov. – Bakı, “Elm və təhsil”, 2020. – 570 səh.

2. Almaz Qasım qızı Binnətova (Almaz Ülvi). Azərbaycan - özbək (cığatay) ədəbi əlaqələri (dövrlər, simalar, janrlar, təmayüllər). – Bakı, “Qartal” nəşr., 2008. 334 səh.

3. Olmos Ulviy. O'zbek adabiyoti va Ozarbayjon (tadqiqotlar, adabiy portretlar, suhbatlar) // Mas'ul muharrir va so'zboshi mualliflari: professor Qozoqboy Yo'ldoshev, dosent Sirdaryoxon O'tanova, taqrizchi: fil.fan.nom. Ergash Ochilov. – Toshkent, “Kamalak-PRESS” nashriyoti, 2016. – 176 bet.

## ƏLİŞİR NƏVAİNİN ƏDƏBİ TƏXƏLLÜSLƏRİ

*Almaz ÜLVİ BİNNATOVA<sup>2</sup>*

**Açar sözlər:** Əlişir Nəvainin təxəllüsləri, Azərbaycan-özbək ədəbi əlaqələri, klassik irlər, Əlişir Nəvai və Azərbaycan, “Əlişir Nəvainin əsri və nəsri” monoqrafiyası

**Kalit so'zlar:** Alisher Navoiy taxallusları, Ozarbayjon-o'zbek adabiy aloqalari, mumtoz meros, Alisher Navoiy va Ozarbayjon, "Alisher Navoiyning asri va nasri" monografiyası

**Ключевые слова:** Псевдонимы Алишер Навои, азербайджано-узбекские литературные отношения, классическое наследие, Алишер Навай и Азербайджан, монография «Век и проза Алишера Навои»

**Keywords:** Alisher Navoi's pseudonyms, Azerbaijani-Uzbek literary relations, classical heritage, Alisher Navai and Azerbaijan, monograph "Century and prose of Alisher Navoi"

**“NƏVAİ”:** Nəvai – çoxmənalı sözdür. Daha çox – avaz, ahəng, nəğmə, səs, melodiya, təravətli mənalarında işlənir [Навоий, 1983:418]. Məsələn, deyərlər ki, bülbü'lün xoş nəvası, xoş avazı var.

<sup>2</sup> Filologiya elmləri doktoru, professor, AMEA Nizami Gəncəvi adına Ədəbiyyat İnstitutunun “Azərbaycan-Türkmənistan-Özbəkistan ədəbi əlaqələr” şöbəsinin müdürü, Azərbaycan, Bakı, +994 50 382 74 59; [almazulvi1960@mail.ru](mailto:almazulvi1960@mail.ru)

Qeyri-adi istedadı, iti zəkası, düşünceli təfəkkürü ilə fərqlənən Əlişir yeddi-səkkiz yaşlarından şeir yazırıdı. Artıq elə bu yaşlarından şair kimi tanınmasına baxmayaraq özünə hələ bir təxəllüs seçməmişdi.

Bir gün bağçada yeni yazdığı şeirini ucadan avazla zülməmə edərkən bülbüll onun şirin və əks-sədalı qiraətini eşidir, onu diqqətlə dinləyərək avazına (səs ritminə, melodiyasına) valeh olur:

- Sənin oxuduğun şeir bülbüllərin nəvasından (avazından) cazibəli və təsirlidir. Adın nədir?
- Əlişir.
- Aha, demək yeni tanınan şair sənsən. Elə isə özünə gözəl bir təxəllüs seç, şeir yazanda axırıncı bəndini möhürlə.

Əlişirə bülbülin dilindən çıxan “nəva” sözü daha doğma gəlir və özünə Nəvai sözünü təxəllüs götürür.

Erqaş Açılovun təbirincə desək, Nəvai sözünün ahəng, səs, nəğmə, melodiyadan başqa, bu söz azuqə, nemət, qida; bəylilik, dövlət; ehtiyat; qismət, bəhrə; tədbir tökən, məsləhətçi, xeyirxah, problem həll edən, bir iş görən; nizam-intizamlı, sıfariş, rifah; zamin olan, girov qoyulmuş əmlak; səs-səda; yaşayış imkanları yaradan, yaşamaq lazımlı olan şeyləri həll edən və s. kimi mənaları da ifadə edir [Очилов, 2013: 27-29]. Əlişir Nəvai bütün əsərlərində bu sözü müxtəlif mənalarda nəzmə düzənmişdir. E.Açılovun da sözün bu mənalarını şairin elə öz əsərlərinin içindən seçdiyini müşahidə etdik. “Əlişir Nəvai əsərlərinin izahlı lüğəti” dörd cildlik kitabında “Nəva” sözünün əsərlərdən nümunələrlə məna izahı verilmişdir. Məsələn [Навоий, 1983:418].

“Mühakimətul-lüğəteyn” əsərində: “*hər birinin özünəməxsus ... nəva və tərənnümləri var*”.

“Xəzainul-məani” divanında:

“*Ayrılıq içrə Nəvai ol gülsüz,  
Bülbüлə der ki, yox onda nəva*”.

“Xəzainul-məani” divanında:

“*Nəvai istəmə çox eşq ilə nəva hər kim,  
bağ bülbüлə yetmədi nəva hətgiz*”.

“Fərhad və Şirin”də:

*Müğənni oxuyur dilkəş nəvalar,*

*Qızıl qübbə içrə düşür sədalar*” [Nəvai, 2004: 59].

“Fərhad və Şirin”də: “Mey iç bir dəm qalxsın işrət nəvası, Məhv etməmiş səni ömr əjdahası” [Nəvai, 2004: 84].

“Fərhad və Şirin”də: “Yetirəndə bura Fərhad nəvani, Yetişdi ağızına incmiş canı [Нэмфш, 2004: 263].

Görkəmli nəvaişünas alim İzzət Sultan “Qəlb dəftəri” əsərində şairin -  
*Dəhr bağında tapıb kamım rəva,*  
*Taleyim tapdı nəzmimdən nəva* [Haəsuū, 2011: 285]

(Mənası: “Bu dünya bağında məqsədim amala yetişib, bəxtli insanlar şeirlərimdən bəhrələndilər”) məzmunдən beytindən çıxış edərək “bəhrə vermək, qismət, məqsəd” mənasında eyni təxəllüsü seçib yazdı ki, bu fikirdə həqiqət var [Султон, 1969]. Şair şeiriyyətini ruh qidası, qəlb azuqəsi bilib yenə təxəllüsünün belə bir mənasını açır.

Ümumiyyətlə, yaradıcı insanlar təxəllüs seçəndə onun öz yaradıcı düşüncələrinə və məqsədlərinə görə yox, daha çox çoxmənalılığına diqqət edərlər.

Əlişir Nəvainin az yaşında seçdiyi bu təxəllüsü onun müdrik aqlının, uca və ali qəlbinin səsi, nəvasıdır. O, bu çoxmənalı sözün yazılış və ruh mənalarını əsərlərində söz-fikir oynatmaları, gerçək anlamını isə həyat salnaməsində (xeyir-xah məqsəd və niyyətlərində) eks etdirmişdir.

Nəticədə qeyd edək ki, şair “Nəva” təxəllüsünü türkcə yazdığını əsərlərində istifadə etmişdir. Yalnız “Lisanut-teyr” əsərini “Fani” təxəllüsü ilə yazıb, onun da içində 79-cu bölmədə təqdim etdiyi “Şeyx Sənan” hekayətini – qissəsini “Nəvai” təxəllüsü ilə möhürləyib. Amma yuxarıda qeyd etdiyimiz kimi, elə bu əsərinin də içində dəfələrlə nəva sözünü müxtəlif mənalarda nəzmə düzmişdir.

**FANI’:** Əlişir Nəvai “Fani” təxəllüsünü fars dilində yazdığını əsərlərində işlətmüşdi. Mənası: boş, ötəri, keçici, müvəqqəti, yox olma, həmişəlik olmayan, puç, axırı puç, axırı olmayan; qalmayan və s. deməkdir.

Fani – həm müstəqim, həm də məcazi mənada işlənən bu sözün “Nəvai” kimi mənaları çoxdur. El sözüdür, “bu dünya fani dünyadır, axırı heçdir, puçdur”. Dünyəvi və təsəvvüfi mənada işlənən fani sözü əslində “fəna” sözündədir. Təsəvvüfdəki yeddi vadinin (tələb, eşq, mərifət, istığna, tövhid, heyrət, fəqrü fəna – bu vadilərin hər biri haqqında bu əsərin “Lisanut-teyr” fəslində bəhs edilib) axırıncısı Fəna, əslində həqiqətin başlangıcıdır. “Lisanut-teyr” dini-təsəvvüfi əsərinin əsas məzmunu da məhz gəlib bu məntiqə çatır. Ona görə Əlişir Nəvai bu əsərini sonda “Fani” təxəllüsü ilə möhürləmişdir. Təsəvvüf alımlarının yazdıqlarına istinadən, fənadan sonra bəqa gəlir. Bəqa isə əbədiyyət, daimilik, sonsuzluq deməkdir.

Əlişir Nəvainin tərcümeyi-halından məlumdur ki, o, təsəvvüf əhlinə daimi hörmət bəsləyib. Hətta özü tamamilə dərvişlik yoluna qədəm qoymaq istəyib. Dostu Sultan Hüseyn Bayqaranın təkidli xahişi ilə o bu yoldan çəkilib, nəqsibəndlilik təriqətinə meyl edib.

Ustadım, pirim deyə daim sayğı göstərdiyi dahi mütəfəkkir Əbdürəhman Caminin müridi olaraq 1476-cı ildən rəsmən bu təriqətə daxil olmuşdu.

Nəticə etibarilə də, piri Əbdürəhman Caminin rəhbərliyi altında bu təriqətin riyazi (əməllərini) mərhələlərini keçərək və fənafillah (Allah yolunda həlak olan)

statusuna çatdı [Очилов, 2013: 26-33]. Ömrünün sonuncu illerinde tamamlağı “Lisanut-teyr” əsərini əslində bu etiqadına ədəbi abidə kimi də dəyərləndirmək olar.

*Farsi nəzm içrə çün sürdü qələm,  
Nəzmin hər sindinə qıldım rəqəm.  
Feyz etcək o mənadan manqo,  
Tapdı nişanə nəzmi Fanidan manqo  
Çün “Lisanut-teyr”lə avaz eylədim,  
Müxtəlif quşlarla pərvaz eylədim.*

Dörd cildlik “Əlişir Nəvai əsərlərinin izahlı lüğəti” kitabında “Fəna” sözünün əsərlərdən nümunələrlə məna izahı verilmişdir. Məsələn [Навоий, 1983: 354]; “Fərhad və Şirin”, “Leyli və Məcnun”, “Məhbubul-külub” (“Könüllərin sevgilisi”), “Lisanut-teyr” (“Quş dili”), “Tarixi-ənbiya və hükəma” (“Peyğəmbərlərin və müdriklərin (filosofların, alimlərin) tarixi”) “Məcalisun-nəfais” (“Nəfis məclislər”) və s. əsərlərindən nümunələrlə Fani sözünün çoxmənalılığı diqqətə çatdırılır.

### ƏDƏBİYYAT:

1. Nəvai, Əlişir. Seçilmiş əsərləri (tərcümə edənlər: Əliağa Vahid, Mirvarid Dilbazi, Məmməd Rahim, Nigar Rəfibəyli, Ələkbər Ziyatay) / ön söz, şərhlər və lüğətin müəllifi: Həmid Araslı. – Bakı, Öndər, 2004.
2. Ülvi, Almaz (Binnətova). Azərbaycan - özbək (cığatay) ədəbi əlaqələri (dövrlər, simalar, janrlar, təmayüllər). – Bakı, “Qartal” nəşr., 2008.
3. Ülvi, Almaz(Binnətova). Əlişir Nəvainin əsri və nəsri (elmi-filoloji və dini - təsəvvüfi əsərləri (monoqrafiya) // elmi redaktorlar: akademik İsa Həbibbəyli (ön sözün müəllifi) və professor Şöhrət Siracəddinov. – Bakı, “Elm və təhsil”, 2020.
4. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. 4-ж.лик (1-4ж.). – Т.: 1983.
5. ([http://www.ziyouz.com/index.php?option=com\\_repository&Itemid=57&func=fileinfo &id=3393](http://www.ziyouz.com/index.php?option=com_repository&Itemid=57&func=fileinfo &id=3393))
6. Навоий, Алишер. Муншаот // Тўла асарлар тўплами, 10 жилдлик, 9-жилд. – Тошкент, Fafur Fulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2011.
7. Очилов Э. Алишер Навоий. Т., 2013.
8. Султон И. Навоийнинг қалб дафтари. Т., 1969.

## ФРАНСУА БЕЛЕННИНГ (1817–1877) АЛИШЕР НАВОИЙ ХАҚИДАГИ МАҚОЛАСИ (1861 ЙИЛ)

*Эркинов Афтондил,  
филология фанлари доктори*

Франсуа Альфонс Белен (1817-1877) франциялик олим бўлиб, унинг кўпгина нашрлари Усмонлилар (1299-1923) сулоласи тарихига оид тадқиқотлардан иборат бўлган. Белен Парижда Коллеж де Франс ва Шарқ тиллари олий мактабида Антуан Исаак, Сильвестр де Саси (Antoine Isaac, Baron Silvestre de Sacy) (1758-1938) ва Эътен Катремер (Etienne Marc Quatremèr) (1782-1857) каби машҳур шарқшунос олимлар қўлида таҳсил олган. Ф.Белен 1843 йили Франциянинг Эрзурумдаги консуллигида, 1846 йили Қоҳирадаги консуллигида таржимон сифатида ишлаган. 1852 йили Франциянинг Истанбулдаги элчихонаси котиби вазифасини бажарувчи, 1868-1877 йилларда эса Франциянинг Истанбулдаги генерал консули сифатида фаолият юритган. Араб, форс ва туркий тилларни ўрганган. Усмонлилар тарихи ҳамда шарқ қонунчилигига оид тадқиқотларини нашр қилган.

Ф.Беленнинг Алишер Навоий мероси билан ҳам қизиқиб, бу ҳақда мақолалар нашр этган. Франция Миллий кутубхонасида сақланаётган туркий ва форсий тиллардаги тарихий манбаларга, шунингдек, француз шарқшуносларининг Шарқ халқлари тарихи, маданияти ва адабиётига бағишилаб ёзилган илмий асарларига таянган ҳолда Навоий ижодини ўрганиш ва тадқиқ қилишга киришади.

Унинг Навоий ижоди ва даврига оид дастлабки мақоласи “Алишер Навоий таржимаи ҳоли ва адабий ҳаётига оид маълумотлар, унинг асарларидан олинган парчалар иловаси билан” деб номланган. Француз тилидаги мазкур мақола 1861 йили “Journal Asiatique” (Журнал Азиатик – Осиё журнали)нинг 17-сонида икки қисмда (февраль-март ва апрель-май) эълон қилинган<sup>3</sup>. Мазкур мақола “Алишер Навоий таржима ҳоли ва адабий ҳаётига оид маълумотлар, унинг асарларидан олинган парчалар иловаси билан” (“Notice biographique et littéraire sur Mir Ali-Chir Nevaii, suivie d’extraits tirés des œuvres du même auteur”) деб номланади.

Икки қисмдан иборат мазкур тадқиқотнинг биринчи қисмида Навоийнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳакида фикр юритилса, иккинчи қисмида олим Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис” ва “Хамсат ул-

<sup>3</sup> Belin F.A. Notice biographique et littéraire sur Mir Ali-Chir Nevaii, suivie d’extraits tirés des œuvres du même auteur // Journal Asiatique. № 17. 1861. P.175-256, 281-357.

мутахайирин” асарларидан парчаларни асл нусхада (яъни, араб эски ўзбек тили ва ёзуvida) ва француз тилига таржимасини изоҳлар билан нашр этади.

1866 йил Беленнинг «Шарқ донолари» туркумида ёзилган «Мир Алишер Навоийнинг фазилатлари, эстетик ва фалсафий қарашлари» номли иккинчи тадқиқоти эълон қилинади<sup>4</sup>. Тадқиқотда француз олими «Маҳбубул-қулуб» асарини таҳлил қилиб, айрим бобларнинг французча таржимасини унга ёзилган изоҳлар билан келтиради.

Белен “Алишер Навоий таржима ҳоли ва адабий ҳаётига оид маълумотлар, унинг асарларидан олинган парчалар иловаси билан” мақоласида Навоий ўз даврининг энг таниқли ва энг сермаҳсул ижодкорларидан бири эди, ўз насл-насабидан ифтихор ҳиссини туйган Алишер форсийда ҳам иқтидор билан ёза олган, шунга қарамасдан, насру назмда туркий тилнинг форсийдан қолишмаслигини ва афзалликларини намойиш этиш орқали ватанпарварлик намунасини кўрсатди, каби хуносаларни чиқарган.

Франсуа Беленнинг мақоласидан кейин ўтган бир ярим асрдан зиёд давр ичида Алишер Навоий ижодини тадқиқ этиш бўйича кўплаб тадқиқотлар яратилди. Шу боис бугунги кун навоийшунослиги учун Белен мақоласидаги маълумотлар ҳамма вақт ҳам янгилик бўлмаслиги эҳтимоли йўқ эмас. Аммо Ф.Белен мақоласи 1861 йили Европалик олим тарафидан ёзилганлиги ва ҳали навоийшунослик фани шаклланмаган бир даврда Навоий бўйича шунчалик маълумот бера олганлиги, яъни ўз даври учун анча аҳамиятлидир. Ф.Беленнинг Алишер Навоий бўйича тадқиқотларини ўрганиш навоийшунослик тарихи учун аҳамиятлидир.

Хозирда Ф.Беленнинг Алишер Навоий ҳаёти ва меросига оид нашр этилган, юқорида тилга олганимиз дастлабки мақоласини ўзбек тилига таржима қилиш галдаги вазифалардандир.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Белен // Энциклопедический словарь Ф.А.Брокгауза и И.А.Ефона. Том III. 1891. С. 363.
2. Belin F.A. Moralistes orientaux. Caractères, maximes et pensées de Mir Ali Chir Névâii // Journal asiatique. № 7, 1866. P. 523-552; Journal asiatique. № 8, 1866. P. 126-154.

<sup>4</sup> Belin F.A. Moralistes orientaux. Caractères, maximes et pensées de Mir Ali Chir Névâii // Journal asiatique. № 7, 1866. P. 523-552; Journal asiatique. № 8, 1866. P. 126-154.

3. Belin F.A. Notice biographique et littéraire sur Mir Ali-Chir Nevaii, suivie d'extraits tirés des œuvres du même auteur // Journal Asiatique. n° 17 (1861). P.175-256, 281-357.
4. Bouvat L. Essai sur la civilisation timouride. // Journal Asiatique, Tome CCVIII, Paris, 1926. P. 193-299.
5. Bouvat L. Le “Debat des deux languages” Mohākemet ul-loughatein de Mīr ‘Alī Chir Nevāī. // Journal Asiatique. № 19, Paris 1902. P. 367-372.
6. Bouvat L. Le domaine geographique et linguistique du djagatai. //Revue du monde musulman. Publiee par la mission scientifique du Maroc. Vol.3, 1907. P. 259-270.

## **СЕМЁНОВ – МАНБАШУНОС, БИБЛИОГРАФ ОЛИМ**

**Озода Тоҗибоеева  
ТДҮТАУ, (PhD)**

**Аннотация:** Мазкур мақолада ўзбек ва тожик халқлари илм-фани ривожига амалий жиҳатдан улкан ҳисса қўшган олим А.А.Семёновнинг манбашинослик фаолияти ҳақида мулоҳаза юритилади.

**Калим сўзлар:** тарих, этнография, қўллэзма манба, таржима.

**Abstract:** The article examines the source study sources of the scientist A.A. Semenov, who made a great practical contribution to the development of science of the Uzbek and Tajik peoples.

**Key words:** history, ethnography, handwritten source, translation.

Ўтган асрнинг бошларида Чор Россиясидан ташриф буюрган амалдорлар қаторида Марказий Осиё халқлари тарихи, оғзаки ва ёзма адабиётини, умуман олганда барча соҳаларни ўрганишда амалий ҳисса қўшган олимлар ҳам анчагина. Ерли халқлар турмуш тарзи, урф-одатлари, маданияти, тарихи, кўп асрлик қўллэзма манбаларни ўрганиш борасидаги ўз даврида очилмаган қўриқ сингари бажарилган фундаментал ишлар бугун ҳам катта илмий қимматга эга. Рус шарқшунослари қаторида айнан шу заминда яшаб, ўзбек халқи илм-фани ривожига бемисл ҳисса қўшган олимлардан бири Александр Александрович Семёновдир. Семёнов кенг фаолият доирасига эга қомусий олим. У чуқур кириб ўрганган соҳалар шу даражада кўпки, деярли ҳар бир йўналишда мутлақо янги, дастлабки ишларни бажарган. Олим педагог сифатида ТошДУ асосчиларидан бири, жумладан, шарқшунослик факультети ташкилотчиси, археологик экспедициялар аъзоси,

музиқашунос, тарихчи, этнограф, адабиётшунос, тилшунос, диншунос, манбашунос, таржимон, кутубхона асосчиси, библиограф, раҳбар ходим сифатида масъул вазифаларда етакчи, умуман фаолият қамрови жуда кенг, ҳатто имкондан ортиқ. Шунингдек, олим бажарган ишлар салмоғи ҳам фундаментал асосга эга.

Мавжуд маълумотларда қайд этилишича, уч тилни биладиган бу олимни ерли ҳалқ шу даражада яхши қўрган эканки, ҳамманинг эшиги у учун ҳар доим очиқ экан.

Семёновнинг фаолияти самарали кечганини унинг имкониятлари билан ҳам боғлаш мумкин. Биринчидан, у ҳар доим юқоридан юборилган, бошлиқ ёки ишчи гуруҳ аъзоси, иккинчидан, объектга холис ёндашган, ўз ишини юқори даражада бажарган. Агар бу ҳаракатлар Чор Россияси манфаатлари учун эди, деган фикр билан қарасак ҳам барибир улар ўз даврида дастлабки иш сифатида қадрли бўлган, ҳатто ҳозирги кунда ҳам илмий қимматини йўқотган эмас. Олим кейинги ҳаётини ҳам ўзбек ва тожик ҳалқлари билан чамбарчас боғлаган, шу заминга хос бойликларни ўрганишни умрининг мазмuni деб билган. Тожик олими Бобоҷон Ғофуров билан ёзишмаларида олимнинг юксак ахлоқий маданияти, ҳурмати сезилиб турадики, мазкур ҳатлар замонавий иншо намунаси сифатида эътироф этилади. Зеро, ҳар икки ҳалқ тарихида муҳим тадқиқотлар яратган олимнинг илмий изланишларини бугун янгидан ўрганиш ҳам турфа ва жадал суръатларда кечган тарихимиздаги муҳим шахслар меҳнатини қайта ёдга солади, улардан ибрат олишга, қадрлашга ундейди.

А.А.Семёновнинг Ўзбекистон илм-фани олдидағи хизматлари катта. У қадимий шаҳарлардаги машҳур экспедициялар иштирокчиси, йирик ишларнинг ташкилотчиси сифатида тинимсиз меҳнат қилган. Қайсики шаҳарда фаолият олиб борса, натижаси маҳсулдор бўлган. Бу фаолият самараси мақолаларда, илмий нашрларда акс этган. Бухородаги фаолияти давомида Бухоро кутубхонасидаги қўлёзмалар библиографиясини тузган. Бухоро мусиқасини ўрганиб, Дарвеш Али Чангий, Нажмиддин Кавкабий ҳақида маҳсус тадқиқотлар эълон қилган. Кейинчалик Муҳаммад Юсуф Муншийнинг “Тарихи Муқимхоний” ва Мирмуҳаммад Амин Бухорийнинг “Убайдулланома” асарларини тожик тилидан рус тилига таржима қилган ва нашр эттирган. (Олим ҳақида маълумот берувчи бош манбада Семёнов уйига тилла соат юборгани, орқасида Бухоро амири муҳри туширилгани айтилади. Семёнов бир муддат ҳибсда бўлади, балки шу сабаб ҳам бўлиши мумкин).

XX аср бошлари Марказий Осиё тарихи, адабиёти билан шуғулланган рус шарқшунослари қаторида Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини ўрганишда

Семёновнинг ҳам катта улуши бор. Олимнинг навоийшунослик фаолиятини бошқа олимлардан фарқли ўлароқ иккига ажратиш мумкин:

1. Алишер Навоий таржимаи ҳоли, ижодига доир мақолалар.
2. Алишер Навоий асарлари манбалари, қўлёзмалари тавсифига доир рисола ва библиографиялар.

Айнан Навоий ҳаёти ва ижодига бағишлиланган тадқиқотлари сирасида «Персидская новелла о Мир-Али-Шире «Неваи», «Гератская художественная рукопись эпохи Навои и ее творцы», «Взаимоотношения Алишера Навои и султана Хусейн-Мирзы» каби мақолалари тарихий маълумотларга асосланган.

Олимнинг илмий фаолиятида кўпроқ манбашунослик етакчилик қиласди. Ўзбек китобхони Навоий асарларининг биринчи марта библиографияси билан ҳам Семёновнинг китоблари орқали танишган десак, хато қилмаган бўламиз. Сабаби олим Алишер Навоий асарларининг тўлиқ тавсифлари билан манбаларини инвентардан ўtkазиб, библиография шакллантирган. Олимнинг Алишер Навоий асарларининг қўлёзма манбалари тавсифига доир бир қанча нашр ишлари мавжуд. Жумладан, “Каталог рукописей исторического отдела Бухарской Центральной Библиотеки”, “Описание рукописей произведений Навои, хранящихся в Государственной публичной библиотеке УзССР”, “Материалы к библиографическому указателю печатных произведений Алишера Навои и литературы о нем”, “Описание персидских, арабских и турецких рукописей Фундаментальной библиотеки Среднеазиатского государственного университета” номли библиографиялари шулар жумласидандир. Олиб борилган фаолият натижалари кейинги катта ишларга замин яратган. Олим бугун шарқшуносларимизнинг асосий манбаси бўлган 14 жилдан иборат Ўзбекистон Шарқ қўлёзмалари тўпламининг (СВР) 5 жилдини тайёрлашда бош бўлган ва ўзи сўзбоши ёзган, 6-жилдини ҳам тайёрлашда етакчи бўлгани ва улгурмай қолгани сўзбошида айтиб ўтилади.

Олимнинг биринчи тузган библиографияси Бухоро кутубхонасидаги қўлёзмалар ҳисобланади [1, 1925]. Китоб 1925 йилда тузилган бўлиб, китобга ёзилган сўзбошида олим иш жараёнини тўлиқ ёритган. 1922 йили ёз ойларида Туркистон Шарқшунослик институти талabalари Бухоро иқтисодиётини ўрганишга келгани ва П.П.Ивановдан кутубхонадаги китобларни инвертаризациядан ўтказиш учун талabalardan бирини сўраб олганини айтади. Иванов унинг таклифини қўллаб-куватлаб, бироқ ўзи касалга чалиниб айrim ишларда ёрдам беролмагани сабаб иш бироз тугал бўлмаганини таъкидлайди. Китобларнинг мусулмон адабиётига биноан ҳажми, шакли, сахифалари аниқ кўрсатилмагани, шунингдек, уларни Европа

талаблари доирасида ҳам шакллантира олмагани, бироқ шундай бўлса-да, бу иш кейинги ишлар учун дебоча бўлишини билдиради. Қўлёзмаларни инвентарда бериш тартиби, иш услубини изоҳлайди. Китобни вараклар эканмиз, ҳақиқатдан ҳам олимнинг тавсифлаш усули содда ва айни дамда қизиқарли. Бироқ 1940 йилда ўзи тузган библиографиялардан фарқ қиласиди. Бу борада олимнинг ўзи таъкидлайди, Шарқ қўлёзмаларини бериш тартибини кўриш учун бу ерда китоблар етишмаслиги, 1889 йили нашр этилган Е.Кальнинг Туркистон кутубхоналаридағи Шарқ қўлёзмалари каталоги ҳам сотилиб, тугаб кетгани, фойдаланиш учун йўқлигини айтади.

Китобдан Алишер Навоийнинг бир қанча асарлари қўлёзмалари ўрин олган. Жумладан, 40-инвентарь ракамда “Мажолис ун-нафоис” ва “Тарихи Ажам” бирга кўчирилган. Чигатой тилида ёзилган, биринчиси форсий тарих, иккинчиси сўфийлар ҳаёти ҳақида деб ёзилган. Тавсифда Навоий ҳаётини қисқача ёритади. Негадир туғилган ва вафоти санасини 1440-1500 йиллар деб беради. Олим юқорида таъкидлаб ўтганидек, номукаммал бўлган бу библиографияда асар ҳажми, шакли, ҳолати ва кўчирилган санасига тўхталиб ўтмаган. Муҳими шу кутубхонада мана шу китоблар борлигини билдириб ўтиш.

Шоир Биноийнинг “Ашъор”ини форсий шоир, Бенаи ёки Беннаи дейди ва Навоийнинг замондоши, Савафийлар Самарқандга борганда ўлдирилди. 6000 мисра шеъри бор, дейди. Олим Биноий шахсиятига тўхталмайди-ю, тарихий маълумотларни қисқароқ бериб ўтади. Абдураҳмон Жомий, Хондамир, Восифий асарларини, Абдулғафур Лорий Жомийнинг севимли шогирди эканлиги ҳамда фаолияти тарихини қисқа бўлса-да ёритади. Гўёки тазкиралар сингари тарихий фактларнинг эслатиб ўтилиши ҳам тавсифни бойитган. Бу борада олимнинг Марказий Осиё тарихини яхши билиши кенг фикрлаш ва иш юритиш имкониятини кенгайтирган.

Қўлёзмада шу тариқа берилган шекилли, олим “Хулосаи тарихи Ажам” деб қайд этади. Яна кутубхонада “Мажолис ун-нафоис” ҳам мавжуд. Бу китоб Муҳаммад Юсуф Муншийнинг “Тарихи Муқимхоний” асари билан бир жилдда. Шунингдек, Навоий замондошларининг асарлари ҳам анчагина бўлиб, олим уларнинг ҳар бирига тўхталганида Алишер Навоий замондоши деб эслатиб ўтади.

Қўлёзмалар деярли қадимий эмас, агар айрича хусусияти бўлганида олим албатта қайд этган бўларди. Яна бир хусусияти, қўлёзмаларнинг аксарият кўпчилигига уларнинг Европа кутубхоналарида тузилган манбалари ҳам кўрсатилган. Китобга ёзилган сўзбошида таҳrir учун академик Бартольдга, ўз кутубхонасидан хорижий манбаларни улашишда берган ёрдами учун профессор А.Э.Шмидтга миннатдорчилик билдиради. Умуман

олганда, китобда фақат асар номи араб алифбосида берилган, тавсифлар эса рус тилида бўлиб, кўпроқ муаллиф ҳақида қисқа бўлса-да тушунтириб кетилган. Китобнинг илмий қиммати манбаларнинг тарихий маълумотлар асосида изохлангани, дунё бўйича мавқеи ва халқаро кутубхоналардаги қўшимча манбалари кўрсатилгани билан белгиланади.

Кейинги 1935 йилда тузган форсий, араб, туркий қўлёзмалар каталогида Алишер Навоийнинг фақат битта асари киритилган [2, 1935].

Олимнинг 1945 йилда тузилган “Материалы к библиографическому указателю печатных произведений Алишера Навои и литературы о нем” китоби ўзбек адабиётидаги биринчи библиографиялардан биридир [4, 1945]. Китоб 2 қисмдан иборат:

1. Алишер Навоий асарлари киритилган нашрлар тавсифи ва тошбосмадаги асарлари нашри.

2. Алишер Навоий ҳақида ёзилган асарлар, қўлёзмалари критилган библиографиялар.

Семёновнинг услубидаги ўзига хослик китоб ҳақида тўлиқ маълумот олишга қулайлик яратади. Олим сўзбошида аниқ тарзда ўз иш жараёнини ёритади. Китобни қандай шакллантиргани, манбаларни қандай тўплагани, араб алифбосидаги матнни маҳаллий нашриётларда шароит йўқлиги сабаб кўпгина матнларни рус тилида беришга мажбур бўлгани, асарларни беришда назмга ва насрга ажратгани, деярли барча ҳолат бўйича тушунтириш бериб ўтади. Айни дамда бу маълумотлар ўтган аср бошларидағи навоийшуносликнинг бориши ҳолатини аниқ тасаввур қилишимизга кўмаклашади.

Хориждаги илк навоийшунослик ҳақида айнан ушбу китобдан маълумот олиш мумкин. Дастребки маълумот 1841 йил Катрмер томонидан тузилган хрестоматия ва унга киритилган “Муҳокамат ул-лугатайн”, “Тарихи мулуки ажам” асари ҳақида. Шунингдек, Белин, Мартин Хартман, Березин, Вамбери ва бошқа шарқшунослар асарларида берилган маълумотлар хронологик тарзда жойлаштирилган. Тартиби билан ўша йилларда Ильин, Орифжонов каби тошбосма матбааларда нашр этилган Навоий асарлари нашри ҳам келтирилган. Мазкур нашрлардан Ўзбекистондаги тошбосма матбаалар фаолияти ва улардаги Алишер Навоий асарларининг илк нашрлари борасида ҳам маълумот олиш мумкин. Шахсан, тадқиқотлар жараёнида “Насри Хамсай беназир”ни Семёнов маълумоти асосида излаб, Орифжонов матбаасининг иш бошлиши ва китобнинг нашр йилини аниқлашга муваффақ бўлганмиз (Семёнов келтирган нашр санаси китоб нусхаларида учрамаган). Қолаверса, ўша китоблар нашри жараёнида фаол иштирок этган ноширлар, хаттотлар ҳақида ҳам маълумотларни билиш мумкин. Жумладан, улар орасида

Сиддиқхўжа Хўжандий каби китоб тожирлари ҳам бор. Рўйхат 1938 йилга қадар олинган.

Иккинчи қисмда ҳам Силвестер де Саси, Ниткитский, Чарльз Ръё, Залеман, Эдгар Блошет каби олимлар тузган каталоглар, маҳсус бағишиланган асарлар қаторида Давлатшоҳ Самарқандий, Бобур асарларининг Туркия, Қозон нашрлари ҳамда аср бошларидағи олимларнинг вақтли матбуотдаги нашрлари келтирилади. Бу бўлимда ҳам хронологик тартибга риоя қилинган. Масалан, Буюк Британия кутубхоналарида сақланаётган Алишер Навоий асарларини тавсифлаган Чарльз Ръёning тавсифини кетма-кет кўрсатадики, ҳар қандай тадқиқотчи учун мазкур маълумотлар катта аҳамият касб этади.

Китобни М.Ҳакимов тузган қўлёзма китоблар сингари тавсиф деб оладиган бўлсак, олим ўзи айтганидек, китобларнинг ҳажми, шаклини бериб ўтмаган. Китоб қўпроқ библиографик характерга эга. Хорижий манбаларнинг тўлиқ тавсифи олимнинг тил билиш имконияти, бугунгидек интернет ривожланмаган бир даврда ҳам китоблар алмашинуви кенг миқёсда бўлганини кўрсатади. Умуман олганда, Семёнов ушбу китоб тузилган вақтга қадар чоп этилган китобларни қамраб олган. Бугун навоийшунослик тарихида бир неча маротаба Алишер Навоий асарлари бўйича библиографиялар яратилган бўлса-да, мазкур китоб дастлабки иш сифатида қадрли.

Олимнинг илмий фаолиятини бугун у фаолият олиб борган барча соҳаларда ўрганиш, меҳнатининг муносиб баҳосини бериш зарур. Зоро, илк навоийшунослардан бири сифатида бажарган ишлари, манбашунослик фаолияти ҳам тадқиқ этишга арзиди.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Семенов А.А. «Каталог рукописей исторического отдела Бухарской Центральной Библиотеки». – Ташкент, 1925.
2. Семенов А.А. Описание персидских, арабских и турецких рукописей Фундаментальной библиотеки Среднеазиатского государственного университета. Ташкент, 1935 (Труды САГУ. Сер. 2. Orientalia. Вып. 4).
3. Семенов А.А. Описание таджикских, персидских, арабских и тюркских рукописей Фундаментальной библиотеки Среднеазиатского Государственного университета. Вып. 2. Ташкент, 1956.
4. Семенов А.А. Материалы к библиографическому указателю печатных произведений Алишера Навои и литературы о нем. Ташкент, 1940.
5. Семенов А.А. Описание рукописей произведений Навои, хранящихся в Государственной публичной библиотеке УзССР [Текст] / Юбилейный ком-

т Навои. Гос. публ. б-ка УзССР. – Ташкент: Гостехиздат УзССР, 1940. - 48 с.

6. Семенов А.А. Взаимоотношения Алишера Навои и султана Хусейн-Мирзы // Исследования по истории культуры народов Востока: сб. в честь акад. И. А. Орбели / М.-Л, 1960. – 527. С. 237–249.

7. Семенов А. А. Гератская художественная рукопись эпохи Навои и ее творцы. – В сб.: Алишер Навои. М. – Л., 1946. – 235. – С. 153-174.

8. Семенов А.А. «Персидская новелла о Мир-Али-Шире «Неваи» // Бюллетень САГУ, № 13, Ташкент, 1926, с. 177–186.

## FOREIGN NAVOISM: RESEARCH AND TRANSLATION PROBLEMS

### (ХОРИЖИЙ НАВОИЙШУНОСЛИК: ТАДҚИҚ ВА ТАРЖИМА МАСАЛАЛАРИ)

*M. Сотволдиева,  
Андижон вилоят телерадиокомпанияси мухбири*

“Дунё илмида ёзилмаган бир қоида бор:  
сен мавзуинг бўйича ўзингдан олдин ёзилган  
ва чоп этилган барча ишлардан,  
улар қайси тилда бўлишидан қатъий назар,  
хабардор бўлишинг керак”<sup>5</sup>

Оғаҳ Сирри Левенд, турқ олими

**Annotation.** In this study - the emergence of interest in Uzbek literature (mainly about the life and work of A. Navoi) on specialized and non-specialized sites of two countries (Russian and English), culturally, regionally and territorially distant from each other, in Europe and Russia the degree The awareness of European and Asian countries about each other's cultural heritage is explored by identifying critical and analytical differences in the coverage of the study.

**Keywords.** Navoi's works, mass publications, European sites, interest in the heritage of Navoi in the west, Western orientalists, the history of Temuri, articles written in several European languages.

Ўзбек адабиёти бирдан шаклланмаган ва унинг бугунгача етиб келишида узоқ йўллар босиб ўтилган. Адабиёт - миллат маданияти, тарихи,

<sup>5</sup> Оғаҳ Сирри. "Туркиядаги Навоий қўлёзмалари". - Туркия, 1958 й

ривожланиш хусусияти ва босқичларини ўзида акс эттирган бебаҳо мерос сифатида ҳар доим кенг ўрганилган ва ўрганилиб келинмоқда. Ўзбек адабиётининг тараққий этишида эса А.Навоийнинг ижодий мероси бениҳоя аҳамият касб этади.

Европада ўзбек адабиётининг забардаст вакили, шоирлар султони бўлмиш А.Навоий ижодига бугунги кунда энг кўп ва катта қизиқиш билдирилмоқда ва улар томонидан Навоий ҳаёти ва ижоди борасида турли тадқиқотлар олиб борилмода. XVI - XIX асрларда Фарбда ҳам Алишер Навоий меросига бўлган қизиқиш, асарларини нашр этиш, таржима қилиш кўзга ташланганди. Навоийнинг айрим асарлари бошқа халқларнинг тилига таржима қилинади ва янги асарларнинг яратилишида асос бўлади. Масалан, Христофор Арманийнинг 1557 йилда италян тилида Венецияда нашр этилган "*Сарандиб шоҳи уч ёши ўғлонининг зиёрати*" асарининг иккинчи қисмida Навоийнинг "*Сабъаи сайёр*" достонидан Баҳром ва Дилором саргузашти ҳикоя қилинади. XVII асрнинг биринчи ярмида ўтган грузин шоири Нодор Персаданиодзе: "Навоий бу қиссани ("Сабъаи сайёр" ни) чифатой (қадимги ўзбек ) тилида ёзган, биз шоирликда бирон кишини у билан тенглаштириб тасаввур қила оламизми?" - деган эди. Навоий асарларини таржима қилиш кейин ҳам давом этади."<sup>6</sup>

Бу жиҳатдан француз шарқшуноси М.Беленнинг мақолалари ҳамда "Хамсат ул-мутаҳайирин", "Маҳбуб-ул-қулуб"дан парчаларнинг чоп этиши (1861, 1866 йиллар), Катрмернинг эса "Тарихи мулки Ажсам", "Муҳокамат ул-лугатайн" асарларини аслиятда нашр этиши (1841), М.Никитскийнинг Хондамир, Давлатшоҳ ва Мирзонинг асарларидан фойдаланиб, Европада илк бор "Амир Низомиддин Алишер, унинг давлат ва адабиёт соҳасидаги аҳамияти" номли магистрлик диссертациясини яратиши (1856 йил. Асар Европадаги ўзбек адабиётини тўлароқ акс эттирган илк нашрлардан бири бўлган), Калифорния университети (АҚШ) профессори Марк Тутоннинг 2014-йилда Навоий "Хамса" си бўйича биринчилардан бўлиб докторлик ишини ёқлаши, Паве де Куртейл, Н.Илминский, И.Березин ва бошқаларнинг бу борада олиб борган турли хилдаги тадқиқотларини эслаш кифоя.

Тўғри, Фарб шарқшунослари асарларининг ҳаммаси ҳам бир хил савияда ёзилган, уларнинг ҳаммасида ҳам Алишер Навоий меъросига юксак баҳо берилган деб бўлмайди. Чунки бу соҳадаги изланишлар энди бошланди.

1861-йилда Истанбулдаги "*Asiatique journal*" ("Осиё журнали") да Франция консулхонаасининг таржимони бўлиб хизмат қилган М.Беленнинг Навоий ҳаёти ва фаолиятига доир мақоласи босилиб чиқади. Унда

<sup>6</sup> Архангелский А.С. Введение в историю русской литературы. – Москва, 1986.-Б.143

Навоийнинг давлат идора ишлари ва маданий ҳаётдаги хизматларига ижобий баҳо берилади. Бироқ Навоийнинг нафақат бадиий асарларини пухта ўрганмайди, балки ҳеч қандай асоссиз: "Навоий Хисрав Деҳлавий, Низомий ва Жомийларнинг таржимонидир", - деб даъво қиласиди. Француз шарқшуноси Э.Блоше эса Навоий асарларининг бадиий қимматини камситади.

Хорижда навоийшунослик деган алоҳида соҳа йўқ. Навоий ижоди ўзбек адабиётини тадқиқ қилиш доирасида ўрганилади. Қолаверса, шоир ижодини ўрганиш бўйича библиографиялар эски ва уларга хориждаги Навоий ижоди бўйича ёзилган тадқиқотларнинг жуда кам қисми киритилган.

2003 йили Германияда "Алишер Навоий" номли тўпламдан Навоий ижоди, унинг шахсияти ва Темурийлар муҳити бўйича немис ва инглиз тилларида ёзилган мақолалар, Барбара Келлнер Хенкель, Юрген Паул, Клаус Шониг, Эрика Таувбе, Клаудя Ромер, Марк Киршнер, Зигрид Клайнмихел ва Ёхим Гирлишс каби германиялик олимларнинг тадқиқотлари ўрин олган.

Навоий ижоди бўйича тадқиқот олиб бораётган олималардан бири канадалик олима Мария Сабтелнидир. У 1979 йилда Гарвард университетида "Хусайн Бойқаро саройидаги адабий муҳит ва унинг сиёсий хусусияти" деган мавзуда докторлик диссертациясини ёқлаган. Кейинчалик олима Навоий ижоди бўйича бир қанча мақолалар ёзган. Немис олимаси Зигрид Клайнмихел эса Навоийнинг турк адабиётига таъсири ҳақида қисқа, аммо чуқур мақола ёзган. Навоий ижодиётининг айнан қайси нуқталари усмонли турк шеъриятига таъсир этганлигини асосли ёритган.<sup>7</sup>

Туркиялик адабиётшунос Юсуф Четинтоғнинг "Алишер Навоийнинг усмонли турк шеъриятига таъсири" номли 2006 йилда чоп этилган туркча китоби ўзбек тилига ҳам таржима қилинди. Мазкур китобда Навоий ғазалларига турк шоирлари эргашиб ёзган ғазаллар ҳақида сўз кетади. Яна бир турк олими Огах Сирри Левенд 1958 йили "Муҳаббатнома"нинг таркибига кирган Навоий ва бошқа шоирларнинг таркиби ҳақида ўзининг "Туркиядаги Навоий қўлёзмалари" мақолосида ёзиб ўтган.<sup>8</sup>

Немис тили бўйича мутахассис Йўлдош Парда бундан анча йиллар олдин Навоий асарларини йифиб, француз ва немис тилларига таржима қилди. У 2000 йилда "Шарқ" нашриётида китоб ҳолида нашр этилди.<sup>9</sup> Шунингдек, Францияда нашр қилинган "Ўзбек шеърияти антологияси"га ҳам Навоий шеърлари киритилган.

<sup>7</sup> Долимов У. Туркистанда жадид мактаблари. - Тошкент, 2006 й. – Б.67

<sup>8</sup> Дмитриева Д. Каталог тюркских рукописей. – Москва, 2002 й. – Б.39

<sup>9</sup> Валихўжаев Б. Ўзбек адабиётшунослиги тарихи. – Тошкент, "Ўзбекистон" 1993 й. – Б.154

Хозирги пайтда Берлин давлат кутубхонасида алломанинг 30 га яқин турли асарлари қўллётмалари сақланмоқда. Навоий ижодидаги чуқур фалсафа, поэтик образлар турфа хиллиги билан адабиёт мухлисларини ўзига жалб этаётир. Мухтасар айтганда, Навоий феномени Ўрта асрлар Шарқидаги ўзбек халқи ҳамда бошқа халқлар маданияти ва маънавий ҳаётининг равнақи ҳамда гуллаб-яшнашининг тажассумидир.

Ф.Брессаннинг фикрича, Навоийнинг ҳаёти ва ижоди ёшлар тарбиясида, халқлар ўртасида дўстлик, тинчлик, муҳаббат ва толерантлик ғояларини илгари суриш учун маънавий манба бўлиб хизмат қиласди. Чунки у ўз асарларида ана шундай эзгуликларни тараннум этган. Ўз навбатида, Ф.Брессан ўзбек халқининг ноёб тарихий-маданий меросини қўллаб-қувватлаш ва тарғиб этишга Ўзбекистон раҳбарияти томонидан йўналтирилган саъй-ҳаракатларга юқори баҳо беради.

Калифорния университети (АҚШ) профессори Марк Тутон бир неча йиллардан буён Алишер Навоийнинг ижодий меросини ўрганиш билан шуғулланаётганини маълум қилди. У ўзининг 2014-йили ёқлаган докторлик диссертациясида Алишер Навоийнинг “Ҳамса”сини ўрта асрлардаги бошқа муаллифларнинг турдош асарлари билан қиёсий таҳлил қилганини айтди, - “Шоир ижодини ўрганишни бошлабоқ, унинг нақадар буюк даҳо эканлигини англадим”, дея таъкидлайди американлик олим халқаро конференсияларнинг бирида.

Шарқда Рус олими Н.И.Илминский Навоийнинг *“Муҳокамат-уллугатайн”* асарини хийла чуқур ўрганиб, Навоийни ўз она тили – ўзбек адабий тили учун курашган қудратли киши сифатида таърифлайди. Шундай қилиб, рус Ғарбий Европа шарқшунослари ўтмишда Навоийнинг ҳаёти ва фаолияти юзасидан материал тўплаш, уларни системага солиш, умумлаштириш, Навоий асарларини нашр этиш, Навоийнинг тил соҳасидаги хизматларини ўрганиш ва бошқалар бўйича маълум ютуқларга эришган бўлсалар ҳам, лекин уларнинг текшириш ишлари биография ва лингвистика масалалари билан чегараланиб қолди.

1940-йилда нашр этилган *“Родоначалник узбекской литературы”* тўплами иккинчи жаҳон урушигача бўлган собиқ совет навоийшунослигининг муҳим ва катта ютуғи бўлди. Бу тўпламда А.Боровковнинг *“Навоийнинг ҳаёти ва ижодиётини ўрганиши”*, Е.Э.Бертельснинг *“Лайли ва Мажнун”* ва бошқа олимларнинг мақолаларини ўз ичига олади. Бироқ Улуғ Ватан уруши даврида юбилей кечикирилади. Даҳшатли уруш шароитида фронтдан узоқ Ўзбекистондагина эмас, балки Москвада ва қамалда қолган Санкт-Петербургда ҳам Навоий меросини ўрганиш давом этди.

“Собиқ СССР Иттифоқига қарши бошланган уруш, – дейди профессор Й.Э.Бертельс “Навоий” монографиясида, – Навоий юбилейини мўлжалланганидек нишонлаш имконини бермади. Санкт-Петербурглик шарқшунослар қамал халқасида қолдилар. Бирок шу оғир шароитда ҳам иш давом этди. Мен 1941-йилнинг декабрида Навоий ижодига бағишлиланган ва даҳшатли бомбардировка ҳамда артиллерия отишмалари остида ўтган йиғилишда сўзга чиққан эдим. Гарчи йиғилиш бинонинг юқори қаватида ўтиб, у ер ҳаводан келаётган оғир зарбалар билан тебраниб турса ҳам, йиғилиш қатнашчиларидан бирон киши зални ташлаб чиқиб кетмади ва йиғилиш охирига етказилди”<sup>10</sup>.

Таъкидлаш жоизки, АҚШ, Буюк Британия, Лондон, Англия, Австралия, Колумбия ва ҳоказо Европа, Америка давлатлари га тегишли бўлган [www.iranicaonline.org](http://www.iranicaonline.org), <https://muse.jhu.edu>, [citeseerx.ist.psu.edu](http://citeseerx.ist.psu.edu), <https://journals.openedition.org>, <https://www.questia.com>, <https://www.afternic.com>, <https://www.people-travels.com>, <https://www.britannica.com>, <https://www.advantour.com>, <http://berlin.hosted.exlibrisgroup.com> каби ушбу бир қанча интернет нашрлари га А.Навоийга доир кўплаб маълумотлар киритилган.

Мазкур <http://www.alishernavoiy.ru/index.php> сайти эса Навоий хаёти ва ижодини ўрганишга бағишлиланган маҳсус сайт. Ушбу интернет саҳифага шоирнинг рус тилига ўгирилган деярли барча лирик ва эпик асарлари киритилган. Сайт орқали китобхон нафақат ўқиб ўрганиши, балки Навоий асарларини аудио ва видео лавҳаларда томошо қилиб, эшитиши, ёздириб олиши ҳам мумкин.

Хулоса ўрнида айтишимиз мумкинки, бутун дунё жамиятининг маънавий, шу билан бирга, маданий жиҳатидан ҳамжиҳатликка интилиб яшashi, адабиёти ҳамда санъатини ўрганишга кучли қизиқиши ҳозирги кунда табиий жараён сифатида баҳоланмоқда. Негаки шарқ давлатларининг ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳаётини етарли даражада билиш эҳтиёжи, шарқшунослик билимлари ривожидаги муҳим омиллардан бири саналади.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Бертельс И.Э. Навоий. И.Мирзаев рус тилидан таржимаси. - Тошкент, 2007 й. Б 201
2. Валихўжаев Б. Ўзбек адабиётшунослиги тарихи. – Тошкент, “Ўзбекистон” 1993 й. – Б 154.

<sup>10</sup> Й.Э.Бертельс. “Навоий” монография. Москва. - Б.201

3. Каримов F.K. Рус шарқшунослигида Навоий ижодини ўрганиш масалалари. – Тошкент, 1967 й. – Б 97.
4. Архангелеский А.С. Введение в историю русской литературы. – Москва, 1986.-Б.143
5. Халлиева Г. XX аср Россия шарқшунослиги ва ўзбек мумтоз адабиёти – Тошкент, Монография. 2018 й. – Б 109.
6. Долимов У. Туркистанда жадид мактаблари. – Тошкент, 2006 й. – Б.67
7. Дмитриева Д. Каталог тюркских рукописей. – Москва, 2002 й. – Б.39
8. <http://ru.wikipedia.org/wiki>
9. <https://www.questia.com>
10. <https://www.britannica.com>
11. www.literature.ru

**ҲИРОТ МАДАНИЙ ВА СИЁСИЙ МУҲИТИДА АЛИШЕР  
НАВОИЙ РОЛИНИНГ АҲАМИЯТИ (МАРИА САБТЕЛНИ  
ТАДҚИҚОТЛАРИ АСОСИДА)**

*Юлдашева Гуландом,  
Тошкент Давлат Шарқшунослик  
университети мустақил тадқиқотчиси*

Кейинги йилларда хориждаги навоийшунослик тадқиқотларни ўрганишга эътибор кучайди<sup>11</sup>. Ҳазрати Алишер Навоий (1441-1501) туркий халқларнинг сўз устаси, темурийлар саройи бой маданий меросининг йўлбошчиси ва туркий тилда достоннависликни йўлга кўйган буюк мутафаккир сифатида гавдаланади. Мир Алишер Навоий Ҳирот маданий марказининг гултожи ва Темурий шаҳзодаларни парокандаликдан саклашга уринган буюк давлат арбоби сифатида ҳам танилган шахсdir. Алоҳида навоийшунос олимлар фаолияти ва тадқиқотлари дикқат марказида бўла бошлади<sup>12</sup>.

---

<sup>11</sup> Эркинов А. “Хорижий навоийшуносликка бир назар” // “Алишер Навоий дунё шарқшунослари нигоҳида” мавзуудаги халқаро илмий-амалий анжуман материаллари. Тошкент, 2021. Б.70-77; Эркинов А. “Оlam аҳли, билингизким...” Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди жаҳон олимлари нигоҳида ([https://uz.a.ua/uz/posts/olam-ahli-bilingizkim\\_246283](https://uz.a.ua/uz/posts/olam-ahli-bilingizkim_246283)).

<sup>12</sup> Эркинов А., Курбонов А. “Зигрид Клейнмихел – Навоий ижодининг хорижлик тадқиқотчиси” // "Алишер Навоий" халқаро журнали. 2021 йил, 1-сон. Б.82-85; Клейнмихел З. "Алишер Навоий ва усмонли турк шоирлари" // Alisher Navoiy xalqaro jurnal. 1-jild, 1-son. 2021. Б.85-91 (турк тилидан ўзбек тилига О.Мадалиева таржимаси).

Канадалик олимлар Э.Бирнбаум ва М.Сабтелниларнинг Алишер Навоий меросини ўрганишга оид мақолалари бор<sup>13</sup>. Канаданинг Торонто Университети профессори Мария Ева Сабтелни Яқин Шарқ тиллари ва Цивилизациялари кафедрасида ишлайди. У Ислом цивилизацияси йўналишида лекциялар ўтиб, форс адабиёти, XV аср Хурросон ижтимоий-сиёсий, маданий-тарихий ҳаёти, темурийлар салтанатининг административ-бошқарув тизими ва шахзодалар саройи сиёсати ҳақида қатор мақолалар чоп этиб келаётган олимадир. Сабтелни хоним темурийлар даври маданияти, тарихи, сиёсий-ижтимоий ва маънавий-маърифий жиҳатларини “Темурийлар ўтиш даврида: ўрта асрлардаги Эронда туркий-форсий сиёсат ва маданийлашиш жараёни” асари очиб бериб, 2008 йили “Хушанг Пуршариати Эроний тадқиқотлар китоби учун мукофоти”га (Houshang Pourshgariati Iranian Studies Book Award) лойик деб топилган. Биз М.Сабтелнининг Темурийлар ва Ҳусайн Боқаро даври, Навоий ижодига оид тадқиқотларини ўрганиб келмоқдамиз<sup>14</sup>.

Алишер Навоий ва темурийлар даври маданий ва сиёсий ҳаётига бўлган қизиқишимиз юқори бўлганлигидан Сабтелни хонимнинг Ғарб шарқшунослигига олиб бораётган изланишларини ўрганишга унданоқда. Навбатдаги мақоламизда олиманинг илмий изланишлари кирган нашрларини ўзбек тилига таржима қилиб, улар билан илмий жамоатчиликни таништиришдан иборат.

Сабтелни хоним Шарқ адабиётида машхур бўлган кўплаб араб, форс ва туркий манбалари, шу жумладан, Фахри Ҳиравийнинг Алишер Навоий “Мажолис ун-нафоис” асарининг форсча таржимаси, Зайниддин Восифийнинг “Бадоев ул-воқеа”, Давлатшоҳ Самарқандийнинг “Тазкират

<sup>13</sup> Эркинов А. “Канадалик олим Э.Бирнбаум – Алишер Навоий қўллэзмалари тадқиқотчиси” // “Алишер Навоий ижодий меросининг умумбашарият маънавий-маърифий тараққиётидаги ўрни” мавзусидаги III анъанавий халқаро конференция материаллари (2019 йил 4-6 февраль, Ўзбекистон, Навоий ш.). Тошкент: Фан, 2019. Б.295-299; Эркинов А. “Канадалик навоийшунос” // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 2020 йил, 7 февраль, 7-сон. Б.4; Эркинов А., Юлдашева Г. “Навоий ижодининг канадалик тадқиқотчилари (Элизар Бирнбаум ва Мария Сабтелни)” // “Алишер Навоий дунё шарқшунослари нигоҳида” мавзуудаги халқаро илмий-амалий анжуман материаллари. Тошкент, 2021, бб. 93-96.

<sup>14</sup>Gulandom Akram. “Navoiy ijodi xohijliklar nigo힀ida” // Til va adabiyot ta’limi. 2018, 12-сон. B.44-45; Юлдашева Г. “Исследование творчества Навои канадским ученым (на примере статьи М.Сабтельни “Алишер Навои: Бахши и бек”)” // Материалы международной научной конференции «Роль художественной литературы в межкультурном диалоге». 4-5 декабря 2018 г. Сумгайит (Азербайджан). 2018, 4-5 декабря. – С.153-155; Юлдашева Г. “Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди канадалик олима Мария Эва Сабтелни нигоҳида” // “Алишер Навоий ва XXI аср” мавзуудаги халқаро илмий-назарий анжумани материаллари. Тошкент: Navoiy universiteti, 2019. Б.495-498; Юлдашева Г. “Maria Sabtelni Alisher Navoiy hayoti va ijodi haqida” // “Алишер Навоий ва XXI аср” мавзуудаги халқаро илмий-назарий анжумани материаллари. Тошкент: Navoiy universiteti, 2020, Б. 200-205; Юлдашева Г. Канадалик шарқшунос олима Мария Сабтельнининг Навоий ҳаёти ва ижоди ҳақидаги тадқиқотлари. 09.02.2020 ([http://uza.uz/oz/society/kanadalik-shar-shunos-olima-maria-sabtelnining-navoiy-ayeti--09-02-2020?phrase\\_id=13476860](http://uza.uz/oz/society/kanadalik-shar-shunos-olima-maria-sabtelnining-navoiy-ayeti--09-02-2020?phrase_id=13476860)); Юлдашева Г. “Хирот маданий мухитига оид Мария Сабтельнининг қарашлари” // Алишер Навоий мероси ўзбек шарқшунослиги талқинида. Илмий-амалий анжуман тўплами-2. Тошкент, 2020. Б.115-122.

уш-шуаро”, Мұхаммад Ҳайдар Дүглотнинг “Иқтибос аз Тарихи Рашидий”, Сом Мирзонинг “Тұхфайи соми”, Алишер Навоийнинг “Мажолис уннафоис”, Бобур Мирзонинг “Бобурнома”, Хондамирнинг “Тарихи Ҳабиб усияр” каби асарларни ўрганиб, Ғарб адабиётшунослигига катта ҳисса қўшиб келаётган шарқшунос олима ҳисобланади<sup>15</sup>. Сабтелни хонимнинг манбалар устида синчковлик билан ишлаш қобилияти XIII–XVI асрлар Марказий Осиё давлатчилик сиёсати, Ҳурросон ва Мовароуннаҳр ижтимоий-сиёсий оламига ўзгача назар, Чингизхон ва унинг авлодлари минтақага сингдириб кетган яса қонуни, темурийлар саройида маданиятнинг гуллаб-яшнагани, Султон Ҳусайн Бойқаронинг 40 йил давомида Ҳирот давлатчилик сиёсатида ва маданий ҳаётида тутган ўрни, Мир Алишер Навоийнинг ҳомийлик фаолияти ва маънавий раҳнамолигини усталик билан очиб берган. Шунингдек, Сабтелни хоним ўз тадқиқодларида совет олимлари асарларидан ҳам кенг фойдаланган. В.В.Бартольднинг “Сочинения”, Якубовскийнинг “Черты общественной и культурной жизни эпохи Алишера Навои”, А.А.Боровков нашри остида тайёрланган *Алишер Навои: Сборник статей*, Э.Э.Бертельснинг “Литература на персидском языке в Средней Азии”, А.А.Семеновнинг “Культурный уровень”, П.М.Мелиоранский нашрға тайёрлаган Мұхаммад Солиҳнинг “Шайбонийнома” асарларидан кенг фойдаланган. Шу ўринда, Сабтельни хонимнинг “16-аср бошида Марказий Осиёда маданий ва сиёсий ҳаёт” мақоласида Ғарб шарқшунослик мактаби совет олими А.Н.Болдыревга Зайниддин Восифийнинг “Бадоев ул-вокеа” асарининг танқидий матнини нашрға таёрлаганлигидан чуқур миннатдорчилигини билдириб ўтади. Шунингдек, М.Сабтельни хоним А.Н.Болдырев томонидан тайёрланган [“Тазкира Ҳасанхожа Нисорий” “Мемуары Зайниддина Восифи как [новый] источник для изучения культурной жизни Средней Азии и Хорасана на рубеже 15-16 веков” тадқиқотларидан фойдаланганлигини кўрсатган. Сабтелни хоним Жон Вудс, Аннемари Шиммел, Г. Бровн, Э.Бирнбаум, Урсула Отт, Ян Рипка, Аннетте Бевериж, Ф.А.Белен, Ханс Роберт Реомер каби йирик Ғарб олимлари тадқиқотларидан фойдаланганлиги ғарб шарқшунослигининг Ислом тарихи ва Марказий Осиё маънавиятига қизиқиши жиддий эканлигидан далолат беради<sup>16</sup>.

Сабтелни хоним Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижодига бағишлиланган мақолаларидан бири “Мир Алишер Навоий” Ислом энциклопедиясиға

<sup>15</sup> М.Сабтелни араб, форс, турк, ўзбек, немис, француз, инглиз ва рус тилларидаги манбаларни бемалол таҳлил қила олади.

<sup>16</sup> John Woods, Annemarie Schimmel, G.Browne, E.Birnbaum, Ursula Ott, Jan Ripka, Annette Beveridge, F.A.Belin, Hans Robert Reomer ғарб шарқшунослигига катта изланишлар қилган олимлар сирасига киради.

киритилган<sup>17</sup>. Темурийлар саройининг якуний даврида Ҳирот маданий ва сиёсий муҳитида Навоийнинг Султон Ҳусайн Бойқаро саройидаги хизматлари, вакф ерларида амалга оширган ишлари, Ҳирот маданий ҳаётининг ҳомийиси ва аждодларининг маърифатпарвар котиблар эканлиги айни мақолада акс эттирилган.

Сабтелнининг “Алишер Навоий: Бахши ва Бек” мақоласида Алишер Навоийнинг темурийлар давридаги ҳаёти ва фаолияти, келиб чиқиш тарихи ва аждодлари фаолияти ёритиб берган<sup>18</sup>. Мақолада Хурросон тарихида ҳунармандлар, китобат санъати усталари, хаттотлар ва хонандалар, мусаввир ва муҳаррирлар, тарихчи ва зарҳалчилар мисли кўрилмаган маданий ютуқларга эришиб, ғарб шарқшунослигига Султон Ҳусайн Бойқаро саройи ютуқлари “Темурийлар Ренессанси” деган ном билан киритилди. Мақолада Ҳусайн Бойқаро ва Алишер Навоийнинг қўкалдошлиқ муносабатлари, кичиклигидан саройда бирга улғайгани, темурийлар саройида Навоийнинг лавозими, аждодларининг келиб чиқиши, Навоийнинг молиявий ҳолати ёритилган.

“Алишер Навоийнинг “Вақфия” асари тавба-тазарру йўлида” мақоласида Навоийнинг туркий тилда битган қисқа тазкирасида темурийлар даври сўнгги палласида шарқий Хурросон ижтимоий-иқтисодий, маданий, ҳатто тарихий ҳолатини очиб берган ноёб манба ҳисобланади<sup>19</sup>. Сабтелни “Вақфия” асарининг яхши ўрганилмаганлигининг сабаблари, аслида бадиий характердаги биографик асарлиги, ўрта асрлар вақфнома ҳужжатларидан ўзга мақсадда ёзилгани, Навоийнинг мусулмон аҳли олдида жон куйдурувчи хақиқий вакил ўлароқ гавдаланиши, замондошлари ва кейинги авлод олдида ўз сиёсий қарашларини мусулмон банда сифатида оқлаши, Ҳусайн Бойқаро саройида эгаллаган лавозими ва бой бадавлатликда тенги йўқлиги ҳақида мақоласида тадқиқ қиласи.

“XVI аср I ярмида Марказий Осиёда маданий ва сиёсий ҳаёт” мақоласида Сабтелни темурийлар салтанатининг Шайбонийхон ихтиёрига ўтиш даврини тасвирлаб берган<sup>20</sup>. Бунда Ҳусайн Бойқаронинг 40 йиллик ҳукмронлигига Ҳирот маданий ҳаётининг қайноқ даври, Алишер Навоий ва Абдураҳмон Жомийнинг адабий анъаналар бошида фаолият юритганлиги,

<sup>17</sup> Subtelny M.E. “Mir Ali Shir Nawa’i” // Encyclopedie de l’Islam. 2<sup>nd</sup> edition, vol.VII. Leiden-Paris:Brill, 1993. pp 90-93. Шу мақола таржимаси эълон қилинган. Қаранг: Юлдашева Г., Мария Сабтелни Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди// Алишер Навоий ва XXI аср мавзусидаги халқаро илмий-назарий анжумани материаллари. Тошкент: Navoiy universiteti, 2020, 200-205 66

<sup>18</sup> Subtelny M. “Ali Shir Navai: Bakhshi and Beg”// Harvard Ukrainian Studies, vol.3/4, part 2. Euchaisterion: Essays presented to Omeljan Pritsak on his 60-birthday by his Colleagues and Students (1979-1980). pp 797-807

<sup>19</sup> Subtelny M. “The Vaqfiya of Mir Ali Shir Nava’i as Apologia”// Journal of Turkish Studies. Vol.15, 1991. Fahir Iz Festschrift II. Pp. 257-271.

<sup>20</sup> Subtelny M. “Art and Politics in Early 16<sup>th</sup> Century Central Asia” // Central Asiatic Journal. 27/1-2, 1983. pp 121-148

манбаларда фақат номи камдан-кам учрайдиган наққош, зарҳалчи, хаттот, созанда, мусаввир, ҳонанда, мусиқа санъати намоёндалари, китобат санъати усталари, тазкиранавислар исм ва фаолиятининг чуқур из қолдирганлиги ҳақида сўзланади. Амир Темур салтанати бошқарув тизимининг Чингизхондан ўтган қипчоқ давлатчилик сиёсатига асосланиб шаҳар маданияти қоидалари билан қоришгани мақолада акс этган. Амир Темур аждодлари тарихи, Шайбонийхоннинг илк Ўзбек хонлиги буюк хони ва илм маърифат эгаси сифатида гавдаланиши, Шайбонийхон саройида Ҳусайн Бойқаро даври муширига кечаларининг тақорланиши, тазкиранавислик анъаналарининг давом эттирилиши, Шайбонийхон саройида Навоий сиймосининг кўкка кўтарилиши каби қизиқ фактлар мақолада очиб берилган.

“Темурийлар даври таълим ва ҳомийлик асослари: XV аср Ҳиротда Алишер Навоий Ихлосия мажмуаси ва унинг вақф қилиниши” номли мақоласида Сабтелни хоним давр анъанасининг катта қисми бўлган вақф ишларига катта маблағини ажратган Навоий ҳақида сўз юритади<sup>21</sup>. Ўрта аср исломий жамиятининг инфратузилмасини шакллантирган диний, маърифий ва хайрия ташкилотлари молиявий асосларини вақф ишлари ташкил қилган. XV аср маърифий ва хайрия ташкилоти Ихлосия мадрасаси Навоий томонидан қурилган йирик вақф иншооти ҳисобланади. Мақолада Темурийлар даври Ҳиротда кенг тарқалган вақф фаолиятининг моҳияти, унинг кўринишлари, Ихлосиянинг тузилиши ва ходимларнинг фаолияти ҳақида сўз юритади. Олиманинг Ихлосиянинг тартиб-қоидалари, юритилган фаолияти, мутаваллий, мударрис, шайх, хофиз, имоми хатиб каби мажмуа ходимларининг кундалик фаолияти ва даражасига биноан маош кўринишлари, вақф бўлган ерларнинг қонунийлаштирилиши каби масалалар ёритилган.

Шунингдек, Мария Сабтелнининг бошқа муҳим тадқиқотлари мавжудки, булар ҳақида кейинги изланишларимизда ёритиб берамиз деган умиддамиз. Мақоламизда канадалик олим Мария Сабтелни илмий фаолияти ва нашр қилган ишларига назар солдик.

<sup>21</sup> Subtelny M. “A Timurid Educational and Charitable Foundation: The Ikhlasiyah Complex of Ali Shir Nava'i in 15<sup>th</sup> century Herat and its Endowment” // Journal of the American Oriental Society, vol.111, #1, (Jan-Mar. 1991), pp. 38-61

# **NAVOIY ASARLARINI INGLIZ TILIGA TARJIMA QILISHDAGI MUAMMOLAR**

*Abduqodirova Mohlaroy,  
Oripova Kamolaxon*

**Annotation:** This article is devoted to Navoi's works and also solutions for translating problems.

**Key words:** laughter, motive, image, project, etymology

**Annotatsiya:** Ushbu maqola Navoiyning asarlari va tarjima jarayonidagi muammolarga bag'ishlangan.

**Kalit so'zlar:** g'uluv, motiv, obraz, loyiha, etimologiya

Bobokalonimiz Alisher Navoiy ijodi xorijiy mamlakatlarda ham sevib o'qilib, asarlari bot-bot tarjima qilinmoqda. Amerika Qo'shma shtatlarining Massachusetts shtatida istiqomad qiluvchi adabiyotshunos olim, yozuvchi va shoir Denis Deli ko'p yillik izlanishlari tufayli Alisher Navoiyning g'azallarini ingliz tiliga o'girdi, hamda "Cervena Barva Press" nashiryotida "Alisher Navoiyning yigirma bir g'azali" (Twenty one ghazals by Alisher Navoiy) deb nomlangan chop ettirdi. To'plam xorijliklar tomonidan juda yaxshi kutib olindi. Alisher Navoiy – buyuk shoirlardan biri. Italiyaliklar uchun Dante qancha qadrli bo'lsa Navoiy ham o'zbeklar uchun shunchalik buyuk shaxs. Qisqa vaqt ichida uning barcha ijodi bilan tanishish mushkul. Buning uchun bir insonning umri yetmaydi. Men uning ingliz, fransuz, rus tillaridagi tarjima asarlarini ko'zdan kechirdim. Angladimki, Alisher Navoiy ijodiga butun dunyoning qiziqishi hamon davom etib kelmoqda. Ulug' shoir ijodining bir qatrasini kashf qilgan kishi borki, hayratini yashira olamaydi. Tezroq Navoiy haqida zamondoshlariga xabar bergisi, uning yozganlarini o'z ona tiliga tarjima qilgisi keladi. Men bunga aminman. Masalan, mamlakatimizda Alisher Navoiy ijodi haqida ilmiy tadqiqot olib brogan kanadalik Harri Dik Navoiyga "Dunyon ma'naviy tanazzuldan qutqara oladigan ko'ngil bog'ining bog'boni" deya ta'rif beradi va "Lison ut-tayr" asarini ingliz tiliga tarjima qiladi.

Navoiy ijodi shu qadar serqirraki, uning tarjimasiga qo'l urish uchun, avvalo, islom dini g'oyasi va qarashlari, turkiylar, madaniyati, yashash tarzi, so'zlarning kelib chiqish etimologiyasini ham bilish juda zarur ekan. Qisqasi, Alisher Navoiy o'z ijodi bilan menga chinakam izlanishni o'rgatdi. Tarjima jarayonida hatto bir so'z uchun necha kunlab kitob varaqlashga, sharqshunos olimlardan maslahat so'rashga to'g'ri keldi. Bildimki, dastlan Navoiy g'azallari ma'nosini to'g'ri va

to‘liq tushunish va uni qalbdan his eta bilish kerak ekanligini. Keyin asl ma’nodan uzoqlashmasdan nazm bayoniga o‘tish kerak ekan. Alisher Navoiy hayoti va ijodini mamlakatimiz va xalqaro miqyosda keng o‘rganish va targ‘ib qilish maqsadida Prezidentimizning „Alisher Navoiy nomidagi xalqaro jamoat fondini tashkil etish to‘g‘risida”gi qaror loyihasini ishlab chiqishdek muhim vazifa belgilangan.

Xorijda o‘zbek mumtoz adabiyotini o‘rganish boshlanayotganiga ancha bo‘ldi. Xususan, Alisher Navoiy va uning ijodi g‘arb olimlarining diqqat markaziga tushganidan beri bir necha asrlar o‘tdi. Afsuski, XX asrda sho‘ro tuzumi siyosati oqibatida ma’naviy va ilmiy aloqalar uzilib qolgani bois xorijdagi o‘zbek adabiyoti tadqiqotchilarining izlanishlaridan ko‘p jihatdan bexabar va bebahra qoldik. Endilikda g‘arb olimlari va ular yaratgan ilmiy asarlar bilan tanishish imkonи kengayib bormoqda. Inglizlarning sharq adabiyoti qiziqishi kecha yoki bugun paydo bo‘lgan emas, Sharq adabiyotining g‘arbga yoyilishi sharqona g‘oyalar, motivlar, obrazlarning g‘arbga ko‘chishi uzoq tarixga ega. XV-XVI asrlarda g‘arb adabiyotida sharqqa intilish kuchaydi. Bu davrda Sharq adabiyotining ko‘plab durdona asarlari g‘arb tillariga tarjima qilindi. O‘zbek adabiyotining namunalarining ingliz tiliga qilingan ilk tarjimalari, tabiiyki, Alisher Navoiy nomi bilan bog‘liq. Buyuk mutafakkirning “Lison ut- tayr” dostoni Ye. Fittsjerald tomonidan inglizchaga tarjima qilinib, 1899- yilda AQSHning Boston shahrida nashr etilgan edi. Xuddi shu asarning nasriy bayoni kanadalik tarjimon Garri Dik tomonidan o‘zbek tarjimashunos olimi N. Qambarov hamkorligida ingliz tiliga o‘girildi.

Ma’lumki, bir tildagi asarni ikkinchi tilga ikki yo'l bilan tarjima qilish mumkin: bevosita va bilvosita. Ayni paytda, tarjimondan xorijiy tillardan o‘zbek tiliga bevosita va bilvosita o‘girilayotgan asliyat asarlarda mujassam bo‘lgan milliy ma’naviy va til madaniyatini tarjima qilish xalqiga asl ma’nosida yetkazib berish talab qilinadi. Tarjimon asliyat asardagi ijodkorning mohirona tasvirlangan milliy ma’naviyat va til madaniyatini tarjima tilda qayta yaratishdan iborat. Agar tarjimon asliyatda mujassam bo‘lgan milliy ma’naviyat va til madaniyatini tarjima tilda noto‘g‘ri talqin etsa, birinchidan, asliyatdagi asar va uning muallifi hamda ana shu asar mansub bo‘lgan xalq sha’niga dog‘ tushurib qo‘yadi, ikinchidan esa, tarjima tili xalqning milliy ma’naviyati va til madaniyatiga nisbatan nojoizlik paydo bo‘ladi va asar saviyasiga putur yetadi.

Fikrimiz isboti sifatida quyidagi tarjimaga nazar solaylik:

Lolazor ermaski, ohimdin jong‘a tushti o‘t,

Yo‘q shafaqkim, bir qiroqdin osmong‘a tushti o‘t.

Tarjima:

Tulip fields blaze the face of my soul’s fire,

Sunsets sear across the sky, touch the earth with fire.

Asliyatda shoir – “Ko‘rib turganingiz bu lolazor emas, mening ohimdan jahonga tushgan o‘tdir”, - deydi va g‘uluvning yuqori darajasini ishlatadi. Tarjimada “lolazor mening ohimdan yoqinroq bo‘lib ketdi” deb g‘uluvning ishonish mumkin bo‘lgan quyiroq darajasi qo‘llangan. Bir so‘z bilan aytganda, Alisher Navoiy ijodini tushunganicha tarjima qilib, o‘z zamondoshlariga havola etayotgan xorijlik tarjimonlar g‘azallar ortiga yashiringan so‘z o‘yinlarining o‘ndan birini kashf eta olmagan bo‘lsalarda, bu tarjimalar o‘qiganlarni hayratga solmoqda. Navoiy she’riyati tarjimasi sohasida chinakam muvaffaqiyat navoiyshunos olim va xorijlik tarjimon hamkorligi yo‘lga qo‘yilgan loyihalarda ko‘rinadi. Alisher Navoiy bobomiz asarlaridan tarjima qilinishi va uni xorijliklar tomonidan sevib o‘qilishi xalqimiz uchun bu katta tuhfa va sharafdir. Bugungi kunda dunyo bo‘ylab shu qatori bizning yurtimizda ham kommunikatsiya sohlarida imkoniyatlar juda kuchayib bormoqda, Navoiyning 21 g‘azalini tarjima qilgan va uni nashr ettirgan amerikalik yozuvchi, olim Denis Deli bilan suhbat qilindi. U shunday fikrlar keltirdi: “Bu siz uchun bir ochilish bo‘ldi . Yangi bir olamni kashf etasiz. Nega u haqida oldinroq eshitmadim? Mening yoshimdagি boshqa kishilar singari asosan G‘arb dunyosini ko‘proq o‘qib organaganman. Lekin dunyoning boshqa chekkasida yozilgan nodirliklar tarjima orqali bizga yetib kelishi mumkin”, - deydi olim.

### **Adabiyotlar:**

1. [www.google.com](http://www.google.com)
2. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)

**ЎЗБЕКИСТОНДА НАВОЙШУНОСЛИК ТАРИХИ.  
МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА НАВОЙШУНОСЛИК  
МАКТАБЛАРИ**

**АКАДЕМИК Е.Э.БЕРТЕЛЬС АБДУРАҲМОН  
САЪДИЙНИНГ ДОКТОРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ ҲАҚИДА**

*Проф. Мирзаев И.К. (СамДУ)*

Академик Е.Э.Бертельс нафақат форс-тожик адабиёти, мумтоз Шарқ тасаввуф илми, ҳазрат бобокалон шоиримиз Низомиддин Мир Алишер Навоий ҳаёти ва ижодининг бетимсол билимдони ва холис тадқиқотчиси, балки ёш филолог олимларнинг меҳрибон ҳамдаadolатли устози ҳам бўлган.

Сўзининг аввалида Е.Э.Бертельс Абдураҳмон Саъдий диссертацияси кейинги йилларда Алишер Навоий ҳаёти ижодини ўрганишга бағишлиланган тадқиқотларнинг ўзига хос натижаси эканлигини, унда муаллифнинг фикрича ўз ечимини топмаган қўйидаги масалалар таҳлилига тортилганлигини санаб ўтади:

1. Навоийга нисбат бериладиган “Ўзбек адабиёти ва адабий тили асосчиси” эпитити моҳиятини очиб бериш.
2. Навоий ижодининг прогрессив томонларини ва, биринчи навбатда, унинг инсонпарварлик ғоялари моҳиятини очиб бериш.
3. Навоий эстетик қарашларини унинг салафлари эстетик қарашлари билан қиёслаш.
4. Навоийнинг ижодий йўлини аниқлаш.
5. Навоий лирикаси, хусусан, ғазаллари тадқиқи.
6. “Хамса” достонлари асосий образларини таҳлили.
7. Алишер Навоийнинг ўзбек ва қисман татар адабиётига таъсирини ўрганиш.

Профессор А.Саъдий китобининг<sup>22</sup> кириш қисми икки катта қисмдан ташкил топган: а) давр тавсифи ва Навоий ҳаётининг даврланиши бўйича қайдлар; б) Навоий ўзининг қарашларига кўра муътализийлар таълимотларига яқин турганини асослаш.

А.Саъдий ўзининг китобида (1-жилд) академик В.В.Бартолднинг “Мир-Али-Шер ва сиёсий ҳаёт” номли машхур мақоласини танқид қилади ва

<sup>22</sup> А Саъдийнинг докторлик диссертация китоб ҳолида ҳам чоп этилгани учун Е.Э.Бертельс у ҳақда гап кетганда диссертация ва китоб сўзларини ишлатади.

Алишер Навоийнинг султон Ҳусайн саройидаги душманлари билан кураши прогрессив ва консерватив кишилар гурухлари орасидаги кураш дея таъкидланади. “Бу, албатта, тўғри. Аммо муаллиф баъзи кишиларнинг консервативлиги моҳиятини, афсуски, очиб беролмаганини ҳам қайд этиш лозим” (Бертельс, 435)

Китобда Навоий вазир Маждадиддин (ҳа, шундай. Муаллиф қанчалик урғу бермасин, Мажаддин эмас) нима масалада келишмаганлиги ҳам кўрсатиб берилмаган. Холбуки, бу ерда декларатив характердаги умумий сўзларни эмас, балки Навоийнинг реал харакатларини кўрсатиб бериш керак эди. Е.Э.Бертельснинг ёзишича, улар орасидаги асосий зиддиятлар нимадан иборат бўлганини ҳозирча аниқ айтиш жуда қийин.

Маждадиддиннинг ёвуз кишига чиқариб қўйиш жуда осон. Аммо шундай қилинса беназир тафаккур ва улкан қалб соҳиби бўлган Жомийдек кишининг Маждадиддинга ошкора ҳамдард бўлганлигини ва ҳатто, уни султон ҳузурида ёнини олмоқчи бўлганлиги ҳақида нима дейиш мумкин?

Шунингдек, Е.Э.Бертельс ёзишича, муаллиф ўзи тилга олган шахсларга “гуманист” нисбатини гўё у касб ёки мансабдек бир нарсадек каби қўллагани ҳам тушунарсиз. Чунки бу XV аср Ўрта Осиё арбобларига нисбатан ҳар қандай конкрет маънодан мосуво, қуруқ товушлар йифиндисидан бошқа нарса эмас. Нима, Навоий бирон киши ҳақида ижобий фикр билдирган бўлса, унга бу нисбатни беравериш керакми? Кейинги мисраларда Алишер Навоийнинг мұттализийлар оқимиға мансублиги ҳақидаги фикр ҳам асосланмасдан қолган. Бу тақризчининг фикрича, жуда катта материал таҳлилига талаб ўта қиласидиган мураккаб масала. Мазкур ишнинг шу бўлимида айrim ислом мутафаккирлари ҳақида билдирган фикрлар ҳам шубҳали. Ибн ал-Арабийдек мураккаб ва зиддиятли шахсни билимни онг туфайли Куръонга қарши қўйгани (противостоялъял познание через разум Корану) билан чекланиб, ёмон отли қилиш тўғри эмас. Қолаверса, айнан Ибн ал-Арабий билим манабаининг бевосита муроқабада (интуицияда), мутасаввуф Куръондан ташқарида ҳам идрок этиши мумкин бўлган кутилмаган нарсада (откровение) эканлигини тан олади. Агар у профессор Саъдий нисбат берган тор диний позицияда турган бўлса, уламолар унга нега энг буюк бидъатчилардан (еретиклардан) бири сифатида эътиқод қилгандар, деган саволга жавоб беришга тўғри келади [қаранг: Бертельс, 454].

А.Саъдий Навоийнинг Арасту ҳақида айтилган илиқ мулоҳазаларига асосланиб, унга перипатетик шахс сифатида қараши тўғри эмас. Чунки Навоий неоплатониклар асарларини эмас, балки уларнинг фақат исмларини билган ва айrim назарияларни араб муаллифларининг баёнида ўқиган.

Бу борадаги фикрларини Е.Э.Бертельс шундай умумлаштиради: “Шундан кейин профессор Саъдий бутун эътиборини Навоий Қуръонни яратилган (сотворенный) деб ҳисоблаганини исботлашга қаратади. Бироқ бу мұттализийлар таълимотининг, дарвоқе, бу мактабнинг турли вакиллари турлиша шарҳлаган кичик бир тафсилотидир. Агар шу мавзуга қўл уриш керак бўлган бўлса, у ҳолда мўттализийларга доир барча адабиётларни жалб этиш ва Навоийнинг улар таълимоти билан туташган ўринларини қўрсатиб бериш керак эди” [Бертельс, 454]. “Садди Искандарий”дан олинган бўлиши мумкин эмаслиги, чунки бу унинг вазни бўлмагани ёки мутлақо бузиб берилганлиги, “Айни ҳақиқатдур мажоз” ибораси нотўғри тушунилганлиги, профессор Саъдий уни моддий оламга ҳақ қўзи билан қараганда” тарзида нотўғри таржима қилгани, бу билан Алишер Навоийни чинакам материалистга чиқариб қўйгани, у ерда моддийлик ҳақида, умумант гап кетмаётгани ҳақида ёзади

Тақризчи киришнинг ҳар иккала қисмида ҳам жиддий эътиrozларга сабаб бўладиган ўринлар кўплигини қайд этади. Бунга ҳайратланмаса ҳам бўлади, чунки XIV-XV аср Ўрта Осиё фалсафий қарашлари ҳозиргacha мутлақо ўрганилмаган.

Иккинчи қисм таҳлилига ўтар экан, Е.Э.Бертельс профессор Саъдий Алишер Навоийнинг ўзбек адабий тили ва адабиёти тараққиётидаги ўрни ҳақида ёзганларига жиддий эътиroz билдиrmайди. Бироқ, ўтмиш мутафаккирлари айтмаган ёки айттолмаган сўзларни уларга нисбат бериш тўғри эмаслигини, бу ерда эски ўзбек тили билан ҳозирги ўзбек адабий тили орасидаги муносабатларни холис ўрганиш мақсадага мувофиқлигини ўқтиради.

Шунингдек, тақризчи Саъдий Навоийнинг ишқий кечинмалари (лирикада) реал воқелик сифатида талқин қилинганига қўшилмайди. Қолаверса, бундай дейиш Навоийнинг ўзига нисбатан ҳам ҳурматсизлик экани ҳақида ёзади.

Ушбу қисмнинг иккинчи фасли Навоий ижодида прогрессив унсурлар масаласига бағишлиланган. Унда баён қилинган мулоҳазалар ҳам, тақризчининг ёзишича, эътиroz уйғотмайди. Аммо, майда-чуйда эътиrozлар ҳам кам эмас. Алишер Навоийнинг дунёқарashi халқ қўзғолонлари таъсирида шаклланган дейиш қанчалик тўғри? Шундай бўлса, Алишер Навоий катта амалдор эмас, балки революционер бўлиб чиқади-ку? Шу ва шунча ўхшаш ҳолатлар Навоийни замонавийлаштиришга интилишдан бошқа нарса эмас. Профессор Садий ёзганидек, Навоийнинг антик давр фалсафасини ўқишга даъват қилгани (69-бет) ҳам шубҳали. Шундай қилингандан, бундай даъват ўша даврлар учун бемаъни бўлган бўлур эди. Чунки аксарият ҳиротлик

ўкувчилар бу фалсафа билан танишиш имконига эга бўлмаган.

Шундан кейин Профессор Е.Э.Бертельс Саъдийнинг Навоий гуманизми моҳияти исломнинг ортодоксал (изчил, қатъий, қизғин) ақидасига зид (76-бет) дейиш тўғри эмаслигини, Ҳофиз ва Ҳайёмдан келтирган иқтибослари изчил ва илмий эмаслиги, манбалар устида жиддий ишламаганини тадқиқотчи У.Ф.Каримовнинг “Хамса” достони тарихига доир ҳақидаги гўзал ишидан таниш бўлмаганлигини, айрим исмларни ёзишда хатоликларга йўл қўйганини танқид қиласди.

Е.Э.Бертельснинг ёзишича, шайхларни фош этиш яқин Шарқ адабиётчилари учун Навоийдан жуда олдин ҳам характерли бўлган. Бундан суфизмга нисбатан нотўғри муносабатда бўлиш ёки суфизмни ёқтираслик ҳақида хулоса чиқариш тўғри эмас. Чунки Навоийнинг тасаввуф шайхи Жомийга буюк садоқати ҳаммага маълум. Проф. Саъдийнинг Навоий лирикаси ҳозиргача изчил ўрганилмаган, унинг достонлари хронологиясини аниқлаш жуда оғир, деган фикри тўғри. Буни унинг ўзи эплай олмагани ҳам айни ҳақиқатdir. Шунингдек, ишнинг 168-саҳифасида келтирилган “риндона тасаввуф” термини ҳам ўзини оқламаган. Афсуски, А.Саъдий уларни ўрганмаган. Тақризчининг ёзишича, Навоий лирикасини XIX-XX аср рус символистлари шеърларига яқинлаштиришдан эҳтиёт бўлиш керак. Чунки бу пировард натижада турли тарихий категорияларни аралаш-қуралаш бўлиб кетишига олиб келади. Шу нуқатай назардан А.Блокнинг шеърларини ҳавола келтириш лозим экан, уни, энг аввало, тўғри ёза билиш керак эди.

Академик Е.Э.Бертельс А.Саъдийнинг Навоий “Хамса” достонлари образига бағишлиланган охирги фасли асосий фикрларига эътиroz билдирмагани ҳолда, “Фарҳод”ни ҳалқ учун курашган шахс сифатида талқин қилганини ноўрин ҳисоблайди. Саъдийнинг Навоий юон олимларини жуда яхши билган, дейиши ҳам (186-бет) ҳақиқтдан йироқ. Чунки ҳозирча Навоий бу файласуфлар номлари ва уларнинг асарларини билгани ҳақида аниқ маълумотлар йўқ.

Тақризчи А.Саъдий китобининг охирги жилдида (ўзбек тилида ёзилган) Алишер Навоий ижодининг ўзбек ва татар адабиётига таъсири масаласини ижобий баҳолайди ва уни ушбу улкан тадқиқиотнинг энг қизиқарли қисми сифатида қайд этади. Агар шу масалалар бошдан оёқ жиддий ўрганилганда, ишни ҳақиқий докторлик диссертацияси сифатида баҳолаш мумкин бўларди.

Е.Э.Бертельснинг мазкур тадқиқотда яна санаб ўтиши мумкин бўлган турли-туман камчиликлар истаганча топишии, бу камчиликларга муаллиф нималар биландир эътиroz билдириши мумкинлиги. бироқ уларнинг аксарияти билан келишишнинг алсо имкони йўқлиги ҳақида гапириб, уни батамом йўққа чиқармайди. Аксинча, унинг муаллифга филология фанлари

доктори илмий даражаси бериш мумкинлигини ўқтиради. Чунки у мавзу билан ўттиз йилдан ортиқ шуғулланган, юздан зиёд илмий иш эълон қилган, татар адабиёти тарихида эса, А.Саъдий маълум маънода кашшоф. Бунинг устига, у Ўзбекистоннинг иккита университетида катта педагогик фаолият билан шуғулланади ва айтиш мумкинки, ўз соҳасининг Ўзбекистондаги ягона мутахассиси ҳамдир.

Хулоса ўрнида академик Е.Э.Бертельснинг қуйидаги якунловчи сўзларини келтирамиз: “Мен томондан қайд этилган камчиликлар муаллифлар бизнинг рус филология мактабида ишлаб чиқилган методлардан мутлақо бошқа илмий методлар руҳида тарбияланган. Бу фарқ билан хисоблашмаслик эса асло мумкин эмас”.<sup>23</sup>

## **САМАРҚАНД ВА БУХОРО ИЛМИЙ-АДАБИЙ МУҲИТИ ҲАМКОРЛИГИ САМАРАЛАРИ**

*Эшонқұлов Ҳусниддин,  
БухДУ ўзбек тили ва адабиёти  
кафедраси мудири, филология фанлари доктори*

**Annotation.** The article discusses the scientific cooperation between professors and teachers of Samarkand and Bukhara State University in the study of the works of Alisher Navoi and classical poets.

**Key words:** scientific and literary environment, scientific cooperation, classical poets, dissertation, scientific research, scientific adviser, opponent, review

Самарқанд ва Бухоро илмий-адабий муҳити ҳамкорлиги мавзусининг тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалиши ва кўламининг анча кенглиги барчамизга аён. Шу боис биз республикамиздаги ўзига хос ўрни ва тарихига эга бўлган икки мўътабар илм даргоҳи: Самарқанд ва Бухоро давлат университетларида илмий-педагогик фаолият олиб бориб, ўзбек ва мусулмон минтақа халқлари мумтоз адабиёти тадқиқи йўлида умрларини баҳш этган, устоз ва шогирдлик анъаналарини бошлаб бериб, ўзаро ҳамкорликнинг яхши самараларини кўриш баҳтига муюссар бўлган таниқли фанимиз заҳматкашлари хусусида имкон қадар фикр юритмоқчимиз.

Таъкидлаб ўтилган бундай хайрли илмий ҳамкорликнинг сарҳалқасини таниқли адаб ва нуктадон олим, устод С.Айний ҳамда мумтоз адабиётимизнинг забардаст тадқиқотчиси, серқирра илм соҳиби, профессор

<sup>23</sup> Е.Э.Бертельс тақризининг тўлиқ матни таржимаси “Халқаро Алишер Навоий журнали”нинг келгуси сонларининг бирида чоп этилиши режалаштирилган.

А.Фитрат сингари улуғларимизнинг Самарқанддек шаҳри азимда олиб борган фаолиятлари ташкил этади. Бу хайрли анъанага чинакамига рух бағишилаш баҳти таниқли адабиётшунос, академик В.Абдуллаевга насиб этди. Салоҳиятли олим ҳаётининг эллик йилдан ортиқроқ даври Шарқ халқлари мумтоз адабиёти, хусусан, ўзбек мумтоз адабиётини илмий ўрганишга бағишиланди. В.Абдуллаев кўнглида милтиллаб турган илм учқунларини Устод Садриддин Айний, забардаст шарқшунос олим Е.Э.Бертельс ва бошқа илму маърифат фидойилари қўмагида порлоқ машъалга айлантириб, зиёталаблар қалбини ёритди. Шу боис устоз адабиётшунослар Б.Валихўжаев, Р.Воҳидовларнинг заҳматкаш олим В.Абдуллаевнинг ибратли ҳаёт йўли ва илмий-ижодий фаолиятига бағишиланган рисолалари “Эзгулик – умр мазмуни” [Валихўжаев ва Воҳидов, 1992: 99],- дея номланади. Ана шу руҳда ёзилган китоблару мақолалар ҳамда хотираларда В.Абдуллаевнинг яна бир эзгуликка дахлдор хизмати - Бухоройи шарифда адабиётшунослик илми равнақига муносиб ҳисса қўшганидан баҳс этилади.

XX аср 30-йилларининг иккинчи ярмида қисмат В.Абдуллаев ҳаётини Бухоройи шариф билан боғлаб қўйди. Шўро хуқумати зиёлиларга нисбатан қиличини қайраб турган бу даврда аспирантура таҳсилини тутатган ёш истеъоддли олим дастлаб Тошкентда Республика ўқитувчилар малакасини ошириш институти, С.М.Киров номидаги драмастудия ва “Ёш куч” журналида адабий ходим бўлиб ишлайди. 1936 йилда Бухоро давлат педагогика институти (ҳозирги БухДУ)нинг ўзбек адабиёти кафедрасида илмий-педагогик фаолиятини давом эттиради. В.Абдуллаев 1938 йилга қадар шу илм даргоҳида ўзбек адабиёти кафедрасини бошқарди [Валихўжаев ва Мирзаев, 1982: 4]. Республика матбуотида ўзининг долзарб мавзудаги мақолалари билан танила бошлаган, айни чоқда “Алишер Навоийнинг ҳаёти ва Самарқанддаги адабий фаолияти” мавзусидаги номзодлик диссертацияси устида қизғин изланишлар олиб бораётган истеъоддли тадқиқотчининг дарс машғулотлари, илмий мулоҳазалари, баҳслари, шубҳасизки, институт талабалари, қолаверса, кафедра жамоасининг қўнглидаги шундай ишларга майлни кучайтирди. В.Абдуллаевнинг Бухорода кечган 2-3 йиллик илмий-педагогик фаолияти олимни умри давомида шу заминга вояга етган истеъодд эгаларига раҳнамолик қилишга унданаган кўринади. Зоро, Алишер Навоий ҳаётининг ибратли лавҳалари билан яқиндан танишган В.Абдуллаевдек зукко олимнинг шундай фазилат эгаси бўлиши табиийдир.

Салоҳиятли адабиётшунос Бухоро илмий мактаби билан ўзаро ҳамкорликни умрининг охирига қадар давом эттиради. Бухоро давлат педагогика институтига Давлат имтиҳон комиссиясининг раиси сифатида ташриф буюрган йилларида устоз адабиётшунос ўз фаолиятига киришгунга

қадар ўзбек тили ва адабиёти бўлими талабаларига маҳсус курслардан қисқа муддатли сабоқ беради. Профессор Р.Воҳидовнинг адабиётшунос олим Т.Қораев хотирасига бағишлиб ёзган “Мумтоз адабиётдан саодат топган инсон” номли мақоласида қуйидаги жумлалар келтирилади: “Айни жараёнлар ўша йилларда кафедрада ўқитувчи бўлиб ишлаётган О.Р.Расурова, Ҳ.Б.Зикриёева, М.Ҳ.Қосимова, М.А.Абдураҳмонов, С.Д.Панченко, талабалардан Тожи ака ва бошқаларни профессор В.Абдуллаевга анча яқинлаштириб қўяди. Алоҳида қониқиш билан қайд этмоқ лозимки, юқоридаги рўйхатга исми шарифлари тилга олинган инсонларнинг ҳаммалари кейинчалик отахон адабиётшунос раҳнамолигида ҳамда беминнат мадади билан номзодлик диссертациясини ҳимоя қилдилар...” [Воҳидов, 2006: 21] В.Абдуллаев бу йилларда чинакамига ўзбек адабиётшунослигининг йирик вакили сифатида танилган, кенг мушоҳадакорликка таянган теран илмий тадқиқотлари ҳамда олийжаноб инсоний фазилатлари билан кўпчиликнинг меҳрини қозонишга улгурган эди. Олимнинг юқорида номи келтирилган номзодлик диссертациясининг ўзидаёқ адабиётшунослик илми равнақини белгиловчи тадқиқот манбалари хусусида қатор илмий мулоҳазалар баён этилганди. Кейинги йилларда ана шу ғоялар янада теранлаштирилди, нафақат илмга майл қўрсатган кафедра ўқитувчиларини, балки Т.Қораев сингари иқтидорли талабаларни ҳам қизиқтириб қўйди. Шундай қилиб, биз ҳам ўтган асрнинг 90-йилларида О.Р.Расурова, М.Ҳ.Қосимова, Т.Қораев сингари олимларнинг сабоқларини мароқ билан тинглаганимизда, буларнинг бари улуғ устознинг меҳр билан кўнгилларга илм уруфининг қадагани самараси эканини тушуниб етдик.

В.Абдуллаевнинг яна бир ибрат бўларли юксак инсоний фазилати ёшлар, хусусан, талабалар кўнглига тез йўл топа олишида намоён бўлади. 60-йилларда олимнинг мартабаю унвонлари қанчалик ошиб, нуфузи юксаклик сари парвоз қилган бўлса, у шунчалик талабалар томон интилди, уларнинг ташвишу интилишларини ўзиники деб билди. Таниқли файласуф олим ва жамоат арбоби Равшан Раҳмоновнинг ҳаёт йўлига бағишлиланган профессорлар О.Сафаров ва М.Маҳмудовларнинг “Саодатли тақдир соҳиби” номли рисолаларида СамДУ ректори бўлган В.Абдуллаевнинг ҳаёти билан боғлиқ ана шундай ибратли лавҳаларга ўрин берилади [Сафаров ва Маҳмудов, 2004: 5-8]. Шунингдек, муҳтарам устозимиз, навоийшунос олим, профессор Р.Ж.Воҳидов ҳам В.Абдуллаевдан сабоқ олганини шукроналик билан эслайди ҳамда ҳаётининг талабалик деб аталмиш олтин даврида Ботирхон Валихўжаев билан анча яқинлашиб қолганликларининг боисини ана шу меҳридарё олимнинг синчковлигидан деб билади [Воҳидов, 2012: 77-85].

Бу икки забардаст адабиётшунос олимнинг кўнгли эҳсон нури билан лиммо-лим тўла, уларнинг минглаб шогирдлари қаторида Р.Воҳидов ҳам ана шу зиёдан баҳраманд бўлди. Б.Валихўжаев билан ораларида жуда самимий устозу шогирдлик муносабатларининг пайдо бўлиши билан қалби эзгуликка ташна устозимиз кўнгли нурга тўла бошлади. Р.Ж.Воҳидов 1970 йилнинг 30 июнида профессор Б.Н.Валихўжаев илмий раҳбарлигида “Амир Шайхим Суҳайлий ҳаёти ва адабий мероси” мавзуида номзодлик, 1988 йилнинг 19 майида профессор Б.Н.Валихўжаев илмий маслаҳатчилигида “XV асрнинг II ярми, XVI асрнинг бошларида ўзбек, форс-тожик адабий алоқалари (қиёсий-типолигик йўналиш)” мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. Академик Б.Н.Валихўжаев ва профессор Р.Ж.Воҳидовнинг устозу шогирдлик муносабатлари-ю, педагогик ҳамда илм-фан тараққиёти йўлидаги фаолиятлари кўпчилик учун ибратлидир. Айни йўналишдаги заҳматли изланишлар ва уларнинг самарасини кўриш баҳтидан ҳосил бўнган фараҳли онлар баёни Р.Воҳидовнинг устоз Б.Валихўжаев хотирасига бағишланган “Самарқанднинг илмий виждони” [Воҳидов, 2006] рисоласида ўз ифодасини топган. Тунни кунга улаб китоб билан ошно бўлиш, дунё ҳодисаларини басират кўзи билан кўра олувчи мумтоз ижодкорларимиз, хусусан, Алишер Навоий ижодини илмий ўрганиш профессор Р.Ж.Воҳидовни ҳам қалби эҳсондан мунаввар инсонга айлантириди.

Р.Ж.Воҳидов етмиш йиллик ҳаёти давомида ниҳоятда долзарб мавзуларда ёзилган юзлаб мақолалари, элликка яқин рисолаю ўкув қўлланмалари билан устозлари сингари забардаст олим сифатида танилди. У киши раҳбарлигида ўн нафар тадқиқотчи номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Таъкидлаш лозимкки, профессор Р.Воҳидов 1990-2010 йиллар давомида СамДУ хузуридаги К067.04.01 рақамли фан номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация ҳимояси бўйича Ихтисослашган илмий кенгаш аъзоси сифатида фаолият кўрсатди. Шу йиллар давомида таникли олим илмий раҳбарлигида вужудга келган Ю.Ю.Азимов, Д.Каримова, Қ.Р.Тўхсанов, Ҳ.Эшонқулов, Ҳ.Сафарова, М.Ражабова, С.Бобокалоновларнинг номзодлик диссертациялари ана шу Ихтисослашган илмий кенгашда муваффақиятли ҳимоя қилинди ва номлари қайд этилган тадқиқотчilar илмий-педагогик фаолиятларини давом эттириб, айни анъананинг бардавомлиги йўлида хизмат қилмоқдалар. Таъкидлаш лозимки, СамДУда қизғин муҳокама этилган диссертацион ишлар жараёнида таникли олимлар профессор Р.Орзивеков, доцент Қ.Тоҳировларнинг куюнчаклик билан теран мулоҳазакорлик асосида билдирган фикрлари илмий тадқиқотларнинг муҳим ютуғи сифатида эсланишга арзигулиқдир. Ўйлайманки, В.Абдуллаев, Б.Валихўжаев, Р.Орзивеков, Р.Воҳидов,

Қ.Тоҳиров сингари узтозларимизнинг кўрсатган бу эҳсонлари умр йўлларини безаб, номларини абадийликка муҳрлади. Шу боис улуғ мутафаккир шоир Алишер Навоийнинг “Махбуб ул-қулуб” асаридан ўрин олган қуидаги мисралари ана шундай юзларидан нур балқиб турувчи заҳматкаш олимларимз шаънига битилгандек таассурот уйғотади:

*Кишида барча ахлоқи ҳамида,  
Чу жамъ бўлди қоярлар отин эҳсон.  
Бири андин саходур, бир мурувват,  
Булар гар йўқдур, инсон эрмас инсон* [6, 110-111].

Умрларини эзгулик йўлида баҳш этган, қалби эҳсондан мунаvvар устозларимизнинг ўзаро илмий ҳамкорликларидан бунёд бўлган мумтоз адабиётимизнинг долзарб мавзуларидан баҳс этувчи муҳим тадқиқотлари бугун абадийликка дахлдор чинор янглиғ бўй кўрсатди. Ундан баҳра олиб, чинакамига мангу барҳаётлигини таъминлаш йўлида жиддий саъиҳаракатлар кўрсатиш ҳар биримиздан жуда катта масъулият талаб этиши билан бир қаторда кўнгилларимизга сурур баҳш этади.

Ана шу масъулият ва бу илмий мактабларга дахлдорлик саодати бугун ҳам самарасини беришда давом этмоқда. Самарқандлик профессорлар М.Муҳиддинов, Ж.Ҳамроев, Д.Салоҳий, филология фанлари докторлари У.Қобилов, И.Сулаймоновлар БухДУда фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчиларнинг Алишер Навоий ва бошқа мумтоз шоирлар асарлари юзасидан фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияларининг тайёрланишида илмий маслаҳатчи, БухДУ хузуридаги Ихтисослашган илмий кенгаш ва унинг илмий семинари аъзоси сифатида фаолият олиб бораётганликлари, ҳар иккала университетда тайёрланган диссертацияларга тақризчи, оппонент сифатида баҳо берилаётгани сингари жабҳаларда давом эттирилмоқда. Жумладан, 2020 йилда БухДУнинг ўзбек тили ва адабиёти кафедрасида тайёрланган икки докторлик (DSc) диссертацияси: Ш.А.Ҳайитовнинг “Алишер Навоий насрода комил инсон образи” номли диссертациясига профессор Д.Салоҳий, бизнинг “Алишер Навоий ғазалиётидаги ишқ поэтикасининг қиёсий-типологик таҳлили” номли диссертациямизга профессор М.Муҳиддиновнинг илмий маслаҳатчи, филология фанлари доктори У.Қобиловнинг тақризчи ва оппонент сифатидаги илмий фаолият олиб борганликлари фикримизнинг ёрқин далилидир. Кўринадики, ҳар иккала университетдаги профессор-ўқитувчиларнинг Алишер Навоий ва бошқа ўзбек мумтоз адабиёти вакилларининг ижодий меросини тадқиқ этиш, ўзбек-тожик адабий алоқаларини илмий ўрганиш борасида фаолиятлари бардавомлиги давом этмоқда ва самара кўрсатиб бормоқда. Ўйлаймизки, улуғ устозлар тамал

тошини қўйиб, ўзига хос анъанага айланган бу илмий ҳамкорлик янги-янги шаклларда давом этиб, самарасини беришда давом этади.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Валихўжаев Ботирхон ва Раҳим Воҳидов. 1992. Эзгулик – умр мазмуни. Тошкент: “Фан”.
2. Валихўжаев Б., Мирзаев С. 1982. “Сержило аллома” Воҳид Абдуллаев. Сайланма, 3-8-бетлар. Тошкент: “Фан”.
3. Воҳидов, Раҳим. 2006. “Мумтоз адабиётдан саодат топган инсон”. Профессор Тожи Қораев замондошлари хотирасида, 19-28-бетлар. Тошкент: “Фан”.
4. Воҳидов, Р. 2006. Самарқанднинг илмий виждони. Тошкент: “Муҳаррир”.
5. Воҳидов, Р. 2012. Умрим дафтаридан саҳифалар. Тошкент: “Муҳаррир”.
6. Навоий, А. 1998. Муқаммал асарлар тўплами. XX томлик, 14-том. Тошкент: “Фан”.
7. Сафаров Охунжон ва Мэлс Маҳмудов. 2004. Саодатли тақдир соҳиби. Тошкент: “Шарқ”.

## **ЎЗБЕК НАВОЙШУНОСЛИГИНИНГ ТАРИХИЙ ЙЎЛИ**

***И.И.Сулаймонов,***  
*филология фанлари доктори*

Алишер Навоийнинг поэтик услуби принципларини назарий асосларда илмий ўрганиш Ўзбекистонда XX аср 30-йилларининг иккинчи яримларида илк бор ўзбек олимларидан академик Ойбек, Мақсуд Шайхзода, Ҳоди Зариф асарларида амалга оширилди. Бу илмий жараёнга Иккинчи жаҳон уруши йилларида қамалдаги Ленинграддан Ўзбекистонга эвакуация қилинган рус олимлари Е.Э.Бертельс, А.К. Боровков ҳам ўз ҳиссаларини қўщдилар. Академик Ойбекнинг 1936 йилда ёзилиб, 1961 йилда «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журналининг 1, 2, 5-сонларида эълон қилинган Навоий ғазалиёти ҳақидаги икки мақоласида шоир лирикасининг асосий моҳияти, поэтикасининг хусусиятлари соҳасида фикр юритилади. Жумладан, муаллиф шоир поэтик услубини таҳлил этар экан, унинг бадиий тасвир принципларига алоҳида эътибор беради. Бир ўринда: «Навоийнинг поэзияси метафорикдир, - деб ёзди олим, - Навоийнинг метафоралари аксар ҳақиқатан чукур, оригинал

бўлади. Умуман, Навоийда сўз юқори нарсаларга ишора қилиши керак». Ойбек Навоий поэзиясининг мазмун ва бадиий шакл жиҳатидан характерли белгиларини қайд этади.

Алишер Навоий лирикасини назарий жиҳатдан тадқиқ этишда Мақсуд Шайхзоданинг илмий фаолияти айниқса диққатга сазовордир. Олим «Навоийнинг лирик қаҳрамони» номли илмий иши ва шу соҳадаги қатор мақолаларида шоир лирик қаҳрамони хусусиятлари, унинг ғоявий интилишлари, шоир лирикасидаги бадиий тасвир принципларини ўрганиш ҳақида мулоҳазалар билдиради.

Шайхзода илмий текширишларининг услубий асослари Навоий лирикасини назарий ўрганишнинг ўзига хос етук босқичи сифатида кўзга ташланади. Навоий поэтикасини ўрганиш соҳасида кейинги даврда чиққан ва чиқаётган монографик тадқиқотларда Шайхзода илмий услубининг бевосита таъсири борлиги муҳим аҳамиятга эгадир. Зеро, бу нарса ўзбек адабиётшунослигининг замонавий жаҳон адабиётшунослиги услубий асосларида тараққий этишига восита бўлган сабаблардан биридир.

Навоий поэтикаси масалаларини маҳсус ўрганиш Ҳоди Зарифнинг «Рубоий», «Лутфий ва Навоий» номли мақолаларида тилга олиниб, шоир лирикасининг ғоявий-бадиий моҳияти, ўзбек поэзияси анъаналарининг Навоий шеърияти тараққиётида тутган ўрни каби соҳаларда жиддий фикрлар баён қилинади.

Самарқанд навоийшунослик мактаби асосчилари академик Воҳид Абдуллаев ва профессор Абдураҳмон Саъдий томонидан амалга оширилган катта илмий қимматга молик тадқиқотларда ҳам Навоий лирикаси хусусиятлари, ундаги оригинал бадиий тасвир кўринишлари, унинг назарий асослари ва адабий таъсир доираси каби масалаларга аҳамият берилади.

Ўзбек адабиётшунослиги ва адабий танқидчилигининг 60-йиллардан бугунги кунларгача бўлган фаолияти Навоий лирикаси масалаларини поэтика илмининг назарий асослари, специфик қонуниятлари нуқтаи назаридан илмий ўрганишнинг ҳажм ва илмий салоҳият, салмоқ жиҳатидан юксак тараққиёт босқичига чиқаётганлигидан гувоҳлик беради.

Н.Маллаевнинг «Ўзбек адабиётида ғазал ва унинг ривожида Навоийнинг роли», «Навоий лирикаси», акад. В.Зоҳидовнинг «Улуғ шоир ижодининг қалби», А.Абдуғафуровнинг «Навоий ижодида сатира», шунингдек, М.Юнусов, Э.Рустамов, О.Носиров, И.Ҳаққулов, Ш.Шариповларнинг монографик тадқиқот ва мақолалари шоир лирик меросини турли йўналишда текширишга бағишлиланади.

Б.Валихўжаевнинг Навоий лирикаси бадиияти хусусиятлари ва шоир санъаткорлиги кўринишларига бағишлиланган «Мумтоз сиймолар», «Алишер

Навоий шеърияти» номли асарлари ва бир қатор мақолаларида, М.Муҳиддиновнинг адабий алоқа ва ўзаро таъсир масалалари аспектидаги «Алишер Навоий ва унинг салафлари ижодида инсон концепцияси» номли докторлик диссертациясида, Р.Орзивековнинг «Ўзбек лирик поэзиясида ғазал ва мусаммат» номли монографиясида шоир поэтикасига алоқадор муҳим масалалар таҳлил этилади.

Республикамиз ўз мустақиллигини қўлга киритгандан сўнг, буюк мутафаккир илмий-бадиий меросининг шу кунгача тадқиқ этилмаган қирраларини очиб беришга эътибор кучайиб кетди. И.Ҳаққулов, С.Олимов каби адабиётшунос олимларнинг бу соҳадаги фаолиятлари дикқатга сазовордир. И.Ҳаққулов Навоийнинг фалсафий-тасаввуфий дунёқараши, илоҳиётга муносабати, асарларидағи теран маърифий маъно-мазмун, тимсоллар ва рамзлар ҳақида қатор монография, рисола ва илмий мақолалар ёздики, бу ҳодиса навоийшунослик фанининг ўзига хос янги йўналишдаги тараққиётiga сабаб бўлди.

Навоий поэтикасининг асосий хусусиятлари, ундаги образлар тизими, бадиий тасвир усуллари, лирик жанрлар ривожига тааллуқли системали равишдаги изчил тадқиқотлар А.Ҳайитметовнинг «Навоий лирикаси» ва Ё.Исҳоқовнинг «Алишер Навоий илк лирикаси», «Навоий поэтикаси» каби монографиялари ва қатор мақолаларида таҳлил этилди ва бу нарса Навоий лирикасини поэтиканинг ўзига хос тизими қонуниятлари нуқтаи назаридан илмий-услубий йўналишда ўрганишни бошлаб берди.

«Навоий лирикаси» асарида А.Ҳайитметов Алишер Навоий лирикасининг тур хусусиятлари, тематикаси ва асосий образларини тадқиқ этади. Муаллиф шоир лирикасининг ғоявий-бадиий хусусиятлари, унинг шарқона лирик анъаналарга муносабати масалаларини батафсил мухокама этади. А.Ҳайитметов «Алишер Навоийнинг ижодий методи масалалари», «Навоий даҳоси» монографияларида ҳам шоир лирикаси ва ижодий услубининг бир қатор муҳим хусусиятлари, унинг лирик асарларида ижодий услуб ифодаси мавзуига диққатини жалб этади.

Ё.Исҳоқов биринчи бўлиб Навоий лирикасининг бадиий эволюциясини босқичма-босқич, унинг илк давридан балоғат босқичига етгунга қадар намоён бўладиган хусусиятларини, шу босқичлар орасидаги умумий боғланишни ўрганиш мақсадида шоирнинг «Илк девон»ига мурожаат қиласиди. «Илк девон»нинг, унинг асосида Навоий илк лирикасининг маҳсус ўрганилиши шоир ижодий маҳоратининг тадрижий такомили, санъаткорлиги ва ғоявий дунёқарашининг ўзига хос ўзгаришлари, камолот босқичига етиш жараёнини қузатишга имкон беради.

Олим ўзининг кейинги асари «Навоий поэтикаси»да лирик жанрлар ва бадиий тасвир поэтикаси хусусиятларини мухокама этади. Бу асар Навоий поэтиканини ўрганиш соҳасидаги кейинги тадқиқотлар учун ўзига хос таянч манба бўлиб ҳам хизмат қиласди. Чунки, ўзбек лирик поэзиясининг жанр жиҳатидан бойиб, мукаммал ҳолга келишида Навоий ғазалиётининг ўрни ва роли масаласи, шоир поэтиканини ички специфик қонуниятлари ва поэтик услубининг оригиналлигини таъминловчи асосий омиллар бу асарда изчил таҳлил этилган.

Алишер Навоий лирикаси масалаларини янгича йўналишда, ўзига хос илмий нуқтаи назардан тадқиқ этиш XX аср 90-йилларида А.Абдуғафуров томонидан йўлга қўйилди. Олим Навоий лирик девонларининг яратилиш даврларини аниқ белгилаш, девонларга кирмай қолган шеърларни аниқлаш юзасидан кузатувлар олиб бориш, девонлар дебочаларида намоён бўлган буюк шоирнинг ўзига хос бадиий тасвир услубини очиб бериш, шу нуқтаи назарлардан Навоийнинг ўзидан кейинги шоирлар ижодига бўлган таъсирини текшириш каби масалаларни тадқиқ этишни мақсад қилиб қўяди. «Бадоев ул-бидоя», «Хазойин ул-маоний» девонларининг тартиб берилиш саналари жиддий илмий далиллар асосида аниқланиши олимнинг навоийшунослик фани ривожи учун амалга оширган муҳим хизматларидан биридир. Шунингдек, Навоий қаламига мансуб бўлиб, бошқа шоирга нисбат берилган шеърлар, шоир ижодига нисбатан бўлган эътиборсизлик натижасида юзага келган чалкашлик, хатоликларга ҳам олим биринчилардан бўлиб очиқ муносабат билдиради.

Улуғ шоир шеъриятидаги бадиий санъатлар, уларнинг хусусиятлари, истилоҳ ва таърифлари ва шу билан боғлиқ жуда кўп масалаларни алоҳида мавзу сифатида ўрганиш лозимлигини “Ғазал мулкининг сultonи” номли мақоласида Мақсуд Шайхзода таъкидлаб айтган эди. Таниқли олим А.Рустамов устоз олим белгилаб кетган бу соҳада қимматли тадқиқот яратди. У Навоий асарлари бадиияти сирларини чуқур ўрганиб, “Навоийнинг бадиий маҳорати” номли китоб ёзди ва унда “Навоийнинг бадиий воситалари”, “Навоийнинг қофия ва саъжлари”, “Навоийнинг вазнлари” номли сарлавҳалар остида шоир маҳорати, ижодининг бадиий етуклиги асосларини чуқур тадқиқ қилиб беришга мұяссар бўлди.

Алишер Навоийнинг адабий-эстетик қарашлари таниқли олим Ҳ.Кудратуллаев илмий ишларида ўзининг кенг ва батафсил ифодасини топди.

Замонавий навоийшуносликда М.И момназаровнинг алоҳида ўрни борлигини таъкидлаши зарур. Олим Алишер Навоий асарлари конкордансининг илмий ва услубий тадқиқи бўйича ўзига хос йўналишини

яратган. Унда қайд этилишича, 1967-1990 йиллар (24 йил) давомида Алишер Навоий ҳаёти ва ижодига оид 107 та алоҳида китоб ва рисолалар, турли нашрларда шоир ижодидан 230 та намуналар ва 2418 та мақола эълон қилинган. Ўз-ўзидан бу қадар катта ҳажмдаги ишларда Алишер Навоий мероси талқинида ўхшаш ва фарқли жиҳатлар бўлиши табиий эканлигини қайд этади олим.

Навоийшунос олим Ш.Сирожиддиновнинг “Алишер Навоий. Манбаларнинг қиёсий-типологик, текстологик таҳлили” номли монографиясида 20 дан ортиқ муаллифларнинг асарларида буюк ўзбек мутафаккири ва шоирининг ҳаёти ҳамда фаолиятига баҳо берилгани таъкидланади. Монографияда келтирилган асарларнинг аксарияти форс тилида ёзилган бўлиб, улардан, Навоий қаламига мансуб шахсий қайдлардан ташқари, факат иккитаси туркий тилда битилган. Булар – Ҳусайн Бойқаронинг “Рисола” ҳамда Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” асарларидир.

Навоийшунослик фанининг мустақиллик йилларида янги миллий мафкуравий дунёкараси ва илмий-тадқиқот мезонлари доирасида тараққий этишида навоийшунос оlimа Д.Салоҳийнинг ҳам хизматлари бор. Унинг буюк шоирнинг бадиий-эстетик ва ижтимоий-фалсафий қарашларини ифода этган девонларига бағишиланган тадқиқотлари адабиётшунослик учун муҳим аҳамият касб этади. Оlimа «Навоийнинг шеърий услуби масалалари” номли монографиясида шоир поэтик услубининг тадрижий такомилига боғлиқ масалаларни атрофлича ёритиб беради.

Навоийшуносликимизнинг кейинги даври вакиллари ҳам навоийшунослик шеършунослиги соҳасида ўзларининг бир қатор изчил илмий тадқиқотларини юзага келтирдилар. Шоир девонлари манбалари, текстологияси ва герменевтик талқинлари соҳасида А.Эркинов, шоир лирикаси тасаввуфий талқинлари хусусида К.Муллахўжаева, Д.Юсупова, З.Мамадалиева, Н.Бозорова, Н.Бекова, М.Ражабова, О.Давлатов, З.Ҳамирова, А.Раззоқов, Н.Рамазонов, М.Асадовлар ўзларининг қимматли тадқиқотларини яратдилар.

Навоий назмиётини ўрганишнинг мазкур хронологияси назарий нуқтаи назардан амалга оширилган асарлар юзасидан бўлиб, бу соҳадаги матншунослик, яъни шоир лирик меросининг илмий-танқидий матнини яратиш мақсадида олиб борилган тадқиқотлар ҳам катта аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистонда ўзбек навоийшунослиги соҳаси бугунги кунда катта илмий-ижодий ривож ва муваффақият билан давом этмоқда.

# АЛИШЕР НАВОЙ ЛИРИКАСИНинг ЎРГАНИЛИШ ТАРИХИДАН

*Дилноза Рустамова,  
ЎзРФА Давлат адабиёт  
музейи илмий ходими*

**Annotation.** The article discusses the research of literary critics such as M. Shaykhanzoda, A. Hayitmetov, Y. Is'akov on the history of the study of Navoi lyrics. Focused on their similarities and differences.

**Keywords:** Navoi studies, devon, lyric, measure, genre, ghazal, subject.

Навоий лирикасини ўрганиш XX асрнинг 30-йилларидан бошланган бўлса, у асосан икки йўналишда олиб борилди. Биринчи йўналиш шоир асарларини текстологик жиҳатдан текширишни ташкил қилди. Бунда адабиётшунос Ҳамид Сулаймон томонидан “Ҳазойин ул-маоний”нинг академик нашри ва илмий танқидий матни тайёрланиши билан боғлиқ ишлар амалга оширилди. Лирикага оид назарий характердаги ilk тадқиқотларни академик Ойбек, Е.Э.Бертельс, М.Шайхзода, А.Ҳайитметовнинг илмий асарларида кузатиш мумкин.

Умуман, Навоий лирикасини бадиият илмининг қонуниятлари нуқтаи назаридан ўрганиш, муносабат билдириш шоир ҳаётлигига ёқ бошланган эди. Жомий, Лутфий, Бобур, Сайд Ҳасан Ардашер, Паҳлавон Муҳаммад каби замондошлари унга бетараф ва холис баҳоларини беришган. Фундаментал навоийшунослик фани юзага келиб, унинг ўрганилишини эса шартли равишда икки тарихий даврга бўлиш мумкин: мустақилликкача ва мустақилликдан кейин амалга оширилган илмий тадқиқотлар. Мақсад Шайхзоданинг “Навоийнинг лирик қаҳрамони” мавзусидаги изланишлари ва қатор мақолалари мустақилликкача бўлган илмий тадқиқотларнинг дастлабкиси ва алоҳида босқичидир. Изланишлар “Ғаройиб ус-сиғар” бўйича амалга оширилган бўлса-да, унда Навоий лирикасига оид умумий назарий қарашлар мавжуд. Тадқиқотда шоирнинг лирик қаҳрамонига хос сифатларни аниқлаш, лириканинг баъзи бир поэтик усувлари ҳакида тўхталиш, Шарқ девончилик анъанаси ва Навоий девонларидағи ўзига хосликни фарқлаш, мумтоз шеърият тадқиқида илми бадеънинг ўрнини белгилаш борасида назарий қарашлар берилган ва у ўзидан кейинги тадқиқотларга жиддий таъсир ўтказган.

Барча девонлардаги каби “Ғаройиб ус-сиғар”нинг “асосий организм”ини ғазал ташкил қиласар экан, олим ижодкор маҳоратини қуидагича баҳолайди:

“Навоий ғазалининг асосий ва биринчи хислати унинг мантиқий тарзда тузилиши, бир моментнинг иккинчи моментдан туғилиб келишидир”. [Шайхзода, 1972:198] Шоир ғазалларида мукаммал воқеабанд, сюжетли лирик ҳолат яратиш, яъни тадрижийлик принсиби образ такомилида ҳам сезилади. Навоий лирикаси моҳиятини чуқурроқ англашда, таҳлил ва тадқиқ этишда Мақсуд Шайхзода маънавий санъатлардан таносуб ва тазодга батафсил тўхталади ҳамда шоир лирик обидасининг беназир наъмуналаридан келтиради.

Проф. А.Ҳайитметовнинг “Навоий лирикаси” деб номланган монографик характердаги фундаментал тадқиқоти ҳам навоийшунослиқдаги муҳим қадамлардан бири бўлган. Олим Навоий лирикасининг тур хусусиятлари, ижодий метод хусусиятлари, энг фаол жанр саналган ғазалда мурожаат қилинган мавзулар, асосий лирик образларнинг характерли жиҳатлари ҳақида тадқиқотлар олиб борган. Хусусан, “Хазойин ул-маоний”га киритилган шеърларнинг ҳақиқий хронологиясини аниқлаш, даврлаштириш масаласига филология фанлари доктори Ҳамид Сулаймон томонидан илмий хуносага келинган – Навоий ҳаётлигига қўчирилган қўллёзма асарларнинг вақтига қараб, улар айнан умрнинг тўрт фаслида ёзилмаганлигини Мақсуд Шайхзода ҳам, А.Ҳайитметов ҳам бирдек тасдиқлашган. Қолаверса, Навоий лирикасининг жанр хусусиятларини ўрганиш ижодкор лирик меросини ўрганишнинг бош масаласи сифатида қаралади. Шу боис монографияда қитъа, фард, соқийнома, чистон, муаммо, рубоий, туюқ жанрларининг шоир лирикасида янги хусусиятлар билан бойигани, ҳар томонлама ривожлангани қайд этилган. Ғазал жанрига эса алоҳида тўхталинган. Навоийнинг ғазалнавис салафлари Саъдий, Хофиз, Лутфий, Отойи, Жомий, Хусрав Деҳлавий ва даврнинг адабий анъаналарига амал қилган ҳолда ғазалчиликдаги бекиёс ютуғи вазн, мавзу, ўзига хос янги тафсилларида кўринади. Мақсуд Шайхзода лирик қаҳрамонни Навоийнинг ўзи деб таъриф берса, А.Ҳайитметов асосий образларга тўхталар экан, лирик қаҳрамон – ошиқ, маъшуқа, шоирнинг ўзи, шайх ва бошқа образлар деб кўрсатади. Лирик қаҳрамонинг асосий уч хусусиятини ҳам келтиради: “... у биринчи навбатда, оташин ошиқ, иккинчи навбатда, севгани азобларидан ҳаддан ортиқ эзилган ва маваффақиятсизликларга учраганда ринд, майхўр, учинчи навбатда, шоир-мутафаккир, ҳаёт ва борлиқ ҳақида, илм ва санъат ҳақида ўйловчи, бош қотирувчи, бу ҳақида шеърлар ёзувчи киши”. [Ҳайитметов, 2015: 194]

Юкорида кўрганимиз Шайхзода ва А.Ҳайитметов тадқиқотларида айrim мулоҳазали ҳолатлар мавжуд. Хусусан, Шайхзода жанрлар ҳақида ёза туриб, девонда қасида ёки мадхияни кўрмаймиз. Навоий расмий характерда ёзилган

шеърларни лирик девонига лойик кўрмаган (ҳолбуки унинг Бойқаро ҳақида бир қанча қасидалар ёзгани мълум), дейди. [Шайхзода, 1972: 197] Аммо А.Ҳайитметов “Бадое ул-васат”нинг деярли ҳамма қўлёзмаларида мавжуд “Ҳилолия” қасидасини ғоят оригинал ва энг кам ўрганилган жанр сифатида таъкидлайди. [Ҳайитметов, 2015: 55] Албатта, Шайхзоданинг тадқиқот обьекти “Ғаройиб ус-сифар” учун бу мулоҳаза тўғри, аммо унинг умумий характерда берилиши “лойик кўрмаган” жумласининг муаммоли эканлигини кўрсатмоқда.

Ё.Исҳоқовнинг дастлабки тадқиқоти Навоийнинг муҳлислари томонидан тузилган “Илк девон”га бағишиланиб, “Алишер Навоийнинг ilk лирикаси” деб номланган. Унда биринчи марта илк лириканинг ғоявий-бадиий хусусиятлари таҳлил этилган, шоирнинг ўз даври лирик анъаналарига бўлган муносабати аниқланган. Булар Навоий ижодининг туб моҳиятини англашга ёрдам берган. Зеро, унинг балоғат босқичига кўтарилилгунга қадар босиб ўтган мураккаб ижодий йўлини кузатиш, ҳар бир босқични ўрганиш орқали инсонпарварликнинг дастлабки кўринишлари айнан илк лирикасида намоён бўлганига эътибор қаратилган. Олимнинг “Навоий поэтикаси” асарида эса “Ҳазойин ул-маоний” куллиётининг жанрлар поэтикаси ҳамда бадиий тасвир поетикасига хос хусусиятлари атрофлича таҳлил қилинади. Мумтоз адабиёт тарихида лирик жанрлар ривожи ва янги босқичга кўтарилиши бевосита Навоий ижоди билан боғлиқлиги, ҳар бир жанрнинг ўз тасвир обьекти бўлиши, бир жанр иккинчи бир жанрнинг вазифасини бажара олмаслиги илмий назарий жиҳатдан асослаб берилади. “Поэтик тасвирнинг баъзи усул ва воситалари” бобида шеър мазмунининг ўзига хос тасвирлаш усули стилистик-композицион воситалар асосида таҳлил этади.

Ё.Исҳоқов ҳам Шайхзода ва А.Ҳайитметов каби ғазаллар мавзусига мурожаат қиласи ва улардан фарқли равишда ишқий мавзудаги ғазалларни “Ҳазойин ул маоний” дебочасида ёзилганларга кўра, васф характеридаги ғазаллар, таъриф ва тавсифнинг қўшилишидан ҳосил бўлган васф типидаги ғазаллар, муҳокама-мулоҳаза типидаги ғазаллар, таъриф-тавсиф характеридаги ғазаллар, сюжетли ғазалларга ажратади.

Адабиётшунос Навоий ғазалларининг поэтикаси ҳақидаги фикрини шундай умумлаштиради: Навоий ўз ғазаллари орқали бу жанрнинг хилмачил имкониятларини амалда намойиш қилган; Навоий ғазалиёти ғазалчилик тарихида сон жиҳатдан кўплиги билан ажralиб туради; ғазаллар арузнинг хилма-хил вазнларида яратилган; уларнинг мазмун ва шакл жиҳатдан яхлитлиги, мукаммаллиги алоҳида ҳодисадир; ғазалларда индивидуал биографик асос муҳим мавқе тутади. [Исҳоқов, 1983: 166]

Олим ўрта асрлар ўзбек шеъриятидаги асосий услубларни туркона, классик, олий ёки навоиёна услугуга бўлади. Барча услублар учун хос бўлган энг характерли жиҳатларининг синтезидан иборат мутлақо янги ҳодиса сифатида навоиёна услугуни келтиради. Унинг юзага келишига лириканинг фалсафий-ижтимоий моҳияти, пафоси, жанрлар ички эвоюцияси, динамикаси каби омиллар таъсир қилишини асослаб беради. [Навоийнинг ижод олами, 2001:65]

Истиқлол даври навоийшунослари шоир ижодининг кам ўрганилган жиҳатларига эътибор қаратдилар. Н.Комилов, И.Хақкулов, А.Абдуқодиров, Дилором Салоҳий, С.Олим, К.Муллахўжаева ва бошқа олимлар шоир шеъриятининг тасаввуфий жиҳатларига, сўфиёна тимсолларига таяниб тақиқотлар амалга оширедилар. Хусусан, Н.Комилов томонидан тасаввуф ва тариқат ғоялари асосида Навоий асарларининг таҳлил этилганлиги, ғазаллар шарҳлари, И.Хақкуловнинг Навоий шеъриятининг баъзи долзарб масалаларига бағишланган “Навоийга қайтиш” туркум мақолаларида ғазал, қитъа, рубой таҳлиллари, Дилором Салоҳийнинг ғазал матнлари қиёсий таҳлили, шоир поэтик услубининг тадрижий такомилига оид тадқиқотлари, К.Муллахўжаеванинг ҳамд ва наът ғазалларда маъно, тимсол ва бадиий санъатлар, сўфиёна қарашлар ифодасига бағишланган изланишлари шулар жумласидандир.

Хулоса қилиб айтганда, Навоий лирикасини ўрганиш тарихи қарийб юз йилликни босиб ўтаётган бир пайтда бу унинг фундаментал фан сифатида шаклланиши, тадқиқ қамрови кенгайишига сабаб бўлди. Ўрганиш обьекти умумийликдан хусусийликка томон йўналди, хилма-хил талқинлар пайдо бўлди. Бугунги кун навоийшунослиги олдига эса шоир лирикасининг янгича талқинлари, нашрдаги хатоликларни тузатиш масалалари турибди.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Шайхзода. Сайланма. 4-жилд.1972. 258 бет.
2. А.Ҳайитметов. Навоий лирикаси. Ўзбекистон. 2015.
3. Ё.Исҳоқов. Навоийнинг илк лирикаси. Фан. 1965.142 бет.
4. Ё.Исҳоқов. Навоий поэтикаси. Фан. 1983.167 бет.
5. Навоийнинг ижод олами.Фан. 2001. 198 бет.

# БЕГАЛИ ҚОСИМОВНИНГ “ЗАМОНЛАРНИ БИР-БИРИГА УЛАГАН ШОИР” ҲАҚИДАГИ ҚАРАШЛАРИ ХУСУСИДА

*Г.Р.Бекташева,  
Андижон давлат университети  
1 курс докторанти  
[bahor2288@gmail.com](mailto:bahor2288@gmail.com)*

**Аннотация:** Мақолада Навоий шахси ва ижодиётининг буюклиги, миллий уйғониши даври тадқиқотчиси сифатида профессор Б.Қосимов XIX аср охиди XX аср бошларидаги адабий жараёнга мумтоз адабиётнинг, хусусан, Навоий меросининг таъсири масаласи, шоир шеъриятидаги миллат ва миллият тушунчалари таҳлил этилган.

**Калит сўзлар:** лирик мерос, эпитет, ташбех, таносуб, иштиқоқ, истиора, адабий жараён, шеърий санъатлар, миллат ва миллият, инсонпарварлик.

**Annotation:** In the article, the greatness of Navoi's personality and creativity, Professor as a researcher of the national revival period. B.Kasimov analyzes the influence of classical literature, in particular, the heritage of Navoi, on the literary process of the late XIX and early XX centuries, the concepts of nation and nationhood in the poetry of the poet.

**Keywords:** lyrical heritage, epithet, allegory, proportion, passion, allegory, literary process, poetic arts, nation and nation, humanity.

Ўзбек адабиёти тарихида ўз номи билан мумтоз (асл) бойликка айланган нодир хазиналар борки, унинг бошида Алишер Навоий шахси ва ижодиёти тамал тоши бўлиб туради. Шу маънода профессор Бегали Қосимовнинг илмий тадқиқотларида буюк шоир мероси ҳақида айрим фикр-мулоҳазалар мавжуд. Жумладан, “Уйғонган миллат маърифати” китобида Навоий ижодига “Иккинчи минг йиллик даҳоси – Навоий” деган алоҳида боб ажратилган. Унинг “Буюк мураббий”, “Мерос ва замон”, “Халқ рухининг меъмори”, “Насаф ва Кеш Навоий қаламида”, “Навоий ижоди – ўзбек мумтоз адабиётининг чўққиси”, “Навоий асарларида миллат ва миллият масалаларининг қўйилиши”, “Ўлмас ҳақиқатлар” каби мақолаларида Навоийнинг адабий меросини таҳлил қилас, “шоир абадиятиниг сири, замонасининг энг маърифатли, энг истеъдодли кишиси” эканини ёритиб беради. Навоийнинг доҳийлигини шундай исбот этадики, у бир шахс бўлсада, шунча асрлар ўтиб, ҳар бир ўқувчи онгидаги ҳар кишининг “ўз Навоийси”

бор. Бугун шоир ижодини ўқиган миллатидан қатъий назар, ҳар қандай миллионлаб ўқувчилар Навоий илгари сурган ғоялардан маънавий озуқа оладилар. Жаҳон адбиёти хазинасида ўлмас дурдонага айланган Алишер Навоий ижодиёти, у илгари сурган ғоялар профессор Б. Қосимов таъкидлаганидек, “миллий, диний, даврий хусусиятларни ўзида ташиган бўлса-да, унинг сарҳадларини писанд қилмайдиган, эҳтимолки, шу туфайли завол билмайдиган умумбашарий, умуминсоний ғоялар эди. Ниҳоят, у туркий тилнинг, туркий адабиётнинг Бобур ибораси билан айтсак, “мураббий ва муқаввий” бир устози, фидоийси бўлиб майдонга тушди.” [Қосимов,2011: 109] Олим “бир киприк қоккудек лаҳза — умрни абадиятга айлантира оладиганларни доҳийлар” деймиз дея Навоийнинг чин доҳий эканини таъкидлайди. Ҳақиқатда шоир умри инсониятга ибрат бўладиган даражада улуғ ишларга бой. Умрининг ҳар лаҳзасини яхши амаллар билан бойитгани, бадиий ва илмий мероси билангина эмас, ҳаёт йўли билан ҳам инсониятга ўрнак бўладиган шахслиги барчага маълум.

*Навоий ул гул учун ҳой- ҳой йиглама кўп,  
Ки ҳа дегунча не гулбун, не гунча, не гул бор!*

Навоий ғазалнинг мақтасида ўзига мурожаат қилиб, Навоий кўп (хой-хой) йиглама, зеро, умр ўткинчи, шунчалар тез ўтадики, на гулбун, на ғунча, на гул қолади. Шу биргина байтда иштиқоқ (гул, гулбун), таносуб (гул, ғунча, гулбун), эпитет (ул гул), истиора (гул - маъшуқа), такрир (не, не), муболаға каби шеърий санъатларни қўллаб, ҳаёт фалсафаси ҳақидаги бу дунёning фонийлигини, алдамчилигини, шунинг учун ортиқча қайғурмасликни шоир лирик қаҳрамонга айтиш орқали ифодалаб беради. Шундай “ҳа дегунча” ўтгувчи умрда доҳийга айланиш фақат Навоий каби улуғ зотларгагина мұяссар бўлади.

Навоийнинг лирик мероси шарқона лутф-у карам либосига ўранган одамийлик мавзуси етакчи бўлиб, кичик фардидан то йирик ҳажмли асарларигача оригинал ва такрорланмасдир. Унинг “Ҳайрат ул- абров” достонида шундай мисралар бор:

*Ганжинг аро нақд фаровон эди,  
Лек боридин ғараз инсон эди.*

Олим ушбу байтни таҳлил қиласар экан, Навоийнинг эътиқодича, “дунёning яратилишидан муддао аслида инсон эканлигини, инсондан улуғ мавжудот йўқлигини, инсон – ҳилқатнинг тожи, борлиқнинг меҳвари” эканлигини таъкидлаб ўтади. Муқаддас Қуръони каримнинг “Исрө” сурасида “Батаҳқиқ, биз Бани Одамни азизу мукаррам қилиб қўйдик ва уларни қуруқлигу дengизда (улов-ла) кўтардик ҳамда уларни пок нарсалар илиа ризқлантиридик ва уни ўзимиз яратган кўп нарсалардан мутлақо афзал қилиб

қўйдик” (70- оят) дейилади. Навоийнинг исломий билим ва маърифат эгаси эканлигини ушбу изоҳлар ҳам исбот этади. Аллоҳ таоло инсонни шундай азиз ва мукаррам қилиб яратган экан, унинг ҳулқи ва одоби ҳам шундай улуғ бўлиши кераклигини уқтиради.

*Борчасини гарчи латиф айладинг,  
Борчадин инсонни шариф айладинг.*

Б.Қосимов Навоий кўттарган “одамият” масаласини Шарқ адабий тафаккурида, хусусан, форсий шеъриятда мумтоз мавқени тутганлигини аytар экан, замонавий шеърият билан ҳам қиёслаб кетади. Шоир Э.Воҳидовнинг “Инсон қасидаси”га тўхталади. Демак, Навоийга хос масалалар замонавий шеъриятимиз учун ҳам бугун мавзу бўла олади. Чунки ҳозирги адабиёт мумтоз адабиётдан озиқланиб, шакл ва мазмун мундарижаси бир оз ўзгарган бўлса-да, мумтоз анъаналар ҳамон давом этмоқда. Навоийни ўзига устоз тутган шоир Огаҳий, 20-йилларнинг машхур ижодкори Чўлпон ва Алишер Навоийни бир-бирига мазмунан боғлаган олим муштарак робита - инсонпарварлик, элпарварлик эканини айтиб, Навоийга “барча замонлар шоири, Ҳар бир авлод ундан ўзига керакли гап топа олади. У замонларни бир-бирига улаган шоир. Унинг инсон ҳақидаги, умр ҳақидаги, ҳаёт ҳақидаги, ишқ ҳақидаги фикрлари ҳеч қачон эскирмайдиган фикрлар”, дея ўз эҳтиромини билдиради.

*Бу гулшан иҷраки йўқтур бақо гулига сабот,  
Ажаб саодат эрур чиқса яҳшилиқ била от.*

Б.Қосимов байтни “бу гулшанда сўлмайдиган гул йўқ экан, ҳамма бирин-кетин ажал шарбатини иchar экан, яҳшилиқ билан чиқарилган от туфайлигина абадий яшаб қолиш мумкин... ўлмасликнинг йўли битта — яхши ном — мана шоир умрининг мазмуни, ижодининг бош шиори. Бу умр мазмунига тегишли гап. Унинг бош шиори комил инсон” дея шарҳлайди. [Қосимов, 2011:85]

*Одамий эрсанг, демагил одами,  
Ониким йўқ ҳалқ ғамидин ғами.*

Ҳақиқий одам одамийликни касб қиласди, ҳалқнинг ғамини ўз ғами деб билади. Б.Қосимов Навоийнинг машҳур иккилигининг ғоявий мазмуни жадид адабиётида сақланганлигини С.Хондайлиқийнинг “Ҳама одам ўғли бир аъзо эрур, Ки ҳилқатда бир дурри танҳо эрур. Бир узвингни ранжитса гар рўзгор, Бўлак узвларда қолурми қарор?!“шеъри мисолида изоҳлайди. Яъни одамийлик нафақат Шарқ адабиётида 500 йил олдин жаранг сочибигина қолмасдан, бу умумбашарий масалага айланганини эътироф этади. Француз маърифатпарвари Жан Жак Руссонинг “Одамлар, инсонпарвар бўлинг! Бу –

сизнинг бурчингиз!” фикрини келтирас экан, бу каби мавзулар умумжаҳон адабиётининг “таянч нукталари”дан бири эканлигини айтиб ўтади.

“Алишер Навоий фавқулодда шахсият, доҳий санъаткор. Тарих ҳар замонда бир инъом этадиган санъаткор. Унинг ижоди ҳудудсиз бир уммон. Унга тушган ғаввос қуруқ чиқмайди. Ҳар ким ўз ақлига кўра, ўз ғайратига кўра қунт-чидамига кўра албатта, нимадир топиб чиқади. Аввало, унда ҳар бир саволга жавоб бор. Инсоннинг кундалик ҳаётидан инсониятнинг долзарб муаммоларигача.” [Қосимов, 2011: 84] Навоийнинг сатрларини ўқиб-ўрганиш, тушуниш ўқувчидан исломий билим, сабр ва тафаккурни талаб этади. Чунки эски ўзбек тилидаги сўзларни ўқиб, уларнинг маъно мағзини идрок қилиш инсонда сабр-қаноат, ғайрат каби сифатларни шакллантиради. Навоийни ўқиши ўзиёқ инсонни тарбиялайди. Унинг маъносини тўлақонли тушуниш эса инсон тафаккурини кенгайтириб, олам ва одамийлик сирларини ўргатади, мия фаолиятининг ўсишини тезлаштиради. Унда олим айтиб ўтганидек, ҳар бир саволга жавоб бор. Демак, ҳар ким ўз дунёқарашидан келиб чиқиб, Навоийни ўзича тушунади. Навоийни тўлақонли тушуниш учун ўқувчи Навоийчалик билим ва тафаккур эгаси бўлиши лозим. Биз ўрганаётган Навоий ҳақидаги тадқиқлар Навоий мероси уммонидан томчилар холос. Б.Қосимов академик Конраднинг “Алишер Навоийдек шоирнинг бўлганидан қувонамиз. Бизга бундай шоирни тухфа этган ўзбек халқига миннатдорчилигимизни билдирамиз. Уни ўрганибгина қолмаймиз, ўқиймиз. Ўқибгина қолмаймиз. Ўйлаймиз, ўзлаштирамиз...” [Қосимов, 2011: 98] каби фикрларини келтириш билан Навоий ижодини ўрганишни даъват қиласади.

Навоий ижодий чўққиси ҳали забт этилмаган виқорли тоғларга ўхшайди. Унга яқинлашган сари кишига бўй-бастини кўрсатиб, маънавий комиллик сари етаклайди.

Миллий уйғониш даври тадқиқотчиси сифатида Б.Қосимов XIX аср охири XX аср бошларидаги адабий жараёнга мумтоз адабиётнинг, хусусан, Навоий меросининг таъсири масаласини ёритиб берди. Зоро, ҳар қандай кейинги давр ўзбек адабиётини Навоий меросисиз, унинг маънавий таъсирисиз тасаввур этиш қийин. Унда миллат ва миллият тушунчалари билан қуролланган азалий инсонпарварлик, дунёни янгича идрок этиш, ўзликни англаш мавзулари етакчилик қиласади.

Олим “миллат” тушунчасига урғу берар экан, Навоий ёзган барча жанрларда “миллат” атамаси учрашини айтиб ўтади. Айрим ўринларда — дин-мазҳаб тушунчаларини англатса, илмий ишлари, замондошлари ҳақидаги хотираларида этник тушунча сифатида ишлатилганини, бундай маъно бериш Навоийгача бўлган туркий адабиётда учрамаганлигини эътироф этади.

Б.Қосимов “Куръони карим”да “миллат” сўзи 11 сурада 14 оятда учраганлиги ва уларда дин, шариат ва мазҳаб маъноларида ишлатилганлигини айтар экан, Навоий ҳам “Тарихи мулуки ажам”, “Тарихи анбиё ва хукамо”, “Насойим ул-муҳаббат” асарларида шу маънода қўллаганлигини қайд этади.

Сенинг миллатингдан чу топиб шараф, Саодат либоси кийиб ашқиё,- мисраларида олим миллат тушунчасини “борлиққа кўчган аллоҳнинг тазхири” маъносида шарҳлайди. “Мезон ул-авzon”дан парча келтириб, “араб шуароси”, “ажам- форс шуароси”, “турк-ўзбек шуароси” жумлалари “миллат” маъносида қўллаганлигини таъкидлайди. Навоийнинг фикрича, “тил миллат тушунчасининг биринчи унсуридир.” Шунга кўра, тил ва миллат тушунчаларини ёнма-ён қўйган жадидлар ҳам “тилни йўқотиш миллийликни йўқотиш” деб тушунганлар. Миллатнинг ўзлигини сақлашдан ташқари, унинг бирдамлигини таъминлашда ҳам тилнинг аҳамияти айрича. Алишер Навоий “Муҳокамат-ул луготайн” асарида таъриф этган тил ҳақидаги дардли кечинмаларини олим бугун учун ҳам долзарблигини таъкидлайди. Унда тил ва миллатдан ташқари миллий бирлик ғояси ҳам илгари сурилганлигини айтиб ўтади.

*Сени доно демак ёҳуд хирадманد,  
Демакдурким, ачиғ майдур, чучук қанд.*

Б.Қосимов Навоий ҳоқоннинг Фарҳодга таърифини келтирган парча орқали Навоийга бўлган муносабат ҳам худди шундай эканлигини, майнинг аччиқлиги, қанднинг ширинлиги барчага аён ҳақиқат бўлгани ҳолда, “Навоийни буюк демоқ ҳам шундай” дея юқори таърифлайди. Жадидларга хос шижаот “Чигатой гурунги”да миллий тилни тикламак ғояси уларнинг тилагида бўлган бўлса, Навоий XV асрдаёқ туркий тилнинг мавқеи борасида амалий ҳамда назарий ишларни амалга оширди. “Муҳокамат ул- луготайн” асари тилшунослик тараққиётида назарий жиҳатдан туркий тилнинг обрўсини тиклаб берди.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, Б.Қосимов таъкидлаганидек, “туркий адабиётнинг мураббий ва муқаввийси” бўлмиш Алишер Навоий меросини тадқиқ ва таҳлил этиш, ўрганиш орқали Навоий ижодий меросига яна-да чуқурроқ кириб бориш, шахсиятига яқинлашиш адабиётшунослик олдида турган доимий долзарб масалалардан биридир.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. 20 жилдлик. XIV жилди. – Т.: Фан, 1989.
2. Адабиёт назарияси. Икки томлик. – Т.: Фан, 1978.

3. Болтабоев Ҳ. Адабиёт энциклопедияси. – Т.: Мумтоз сўз, 2015.
4. Бердак Ю. Мумтоз адабий асарлар лугати. Шарқ, Тошкент – 2010.
5. Қосимов Б. Уйғонган миллат маърифати. Т., Маънавият, 2011.  
(Б.84,85,98,109).

# АЛИШЕР НАВОЙИ ИЖОДИГА ЯНГИЧА ҚАРАШ: ШАРҲ ВА ТАЛҚИН МУАММОЛАРИ

## МАЊНАВИЙ ВАЛОДАТ ВА ЎЗЛИК КАМОЛИ

Иброҳим ҲАҚҚУЛ,  
филология фанлари доктори, профессор

*Одам бўлиши ўзликни англаш экан....*

*(Мирзо Бедил)*

**Аннотация:** Мақолада комиллик сир-асрорини очиб берадиган ва маҳсус тадқиқ қилишини талаб қиласидиган иккинчи мањнавий тугилиши ҳақида баҳс юритилган. Ва унда улуғ шоирнинг шеърларидан олинган мисоллар таҳлил қилинган. Бу мавзу Навоий шеъриятига янгича қарашни жорий этишига ҳам яқиндан ёрдам беради.

**Калим сўзлар:** валодат, ўзлик, менлик, нафс, руҳ, ирфон, масаввуш, тариқат, сўфиј, рамз.

**Annotation:** The article discusses the second spiritual birth, which reveals the secret of perfection and requires special research. And in it the examples taken from the poems of the great poet are analyzed. This theme also closely assists to introduce a new approach to Navoi poetry.

**Keywords:** birth, identity, ego, temptation, spirit, gnosis, mysticism, sect tariqat, sufi, symbol.

Маълумки, Шарқ мумтоз адабиёти шарқ халқларининг дунёқараши, оғзаки ижоди, дини, маданияти, мањнавий эҳтиёжлари ва бадиий завқига асосланган. Ғарб дунёсига уни ўқиб ўрганишга қизиқишнинг кенгайиши, ҳеч шубҳасизки, унинг фойдасига хизмат қилган. Илмий тадқиқ ва талқинда бу адабиётнинг туб моҳияти, психологик тамойили, рамзий-мажозий таркибини тўғри англамаслик эса унга зиён етказган. Совет даври рус адабиётшунослиги таъсирида шаклланган ўзбек адабиётшунослиги бунга қарши туриб, ўз нуқтаи назарини илгари суриш эркига ҳам, лаёқатига ҳам эга бўлмаган. Натижада ўзбек адабиётшунослари ўрганган мавзу ва масалалар, асосан, хориждан ўзлаштирилган ёки нусха кўчирилган. Бунинг бошқа йўли ҳам бўлмаган. Чунки синфијлик, партиявијлик, ғоявијлик ҳамма амал қилиши шарт ва зарур бўлган қонун-қоида ўлароқ белгиланган чизикдан чиқмасликни тўла таъминлаган.

Шарқ классик адабиётида олам ва одамга муҳаббат Аллоҳ ва унинг суюкли расули Мухаммад алайҳиссаломга ишқдан бошланади. Инсон ўзини

билиши ва ўзлигини намоён айлаши учун, энг аввало, илоҳий ишқ сир-асорини билиши ва ўзлаштириши зарур. Акс ҳолда у ҳаётнинг улкан ва боқий ҳақиқатлари қатори ишқ-муҳаббатда ҳам адашади. Умрини ўткинчи хирсу ҳавас ва майллардан муҳофаза қилолмай хатолар гирдобига тушади. Аллоҳ, дин ва шариатга қарши муросасиз ҳужум бошлаган даҳрийлик ақидаси ғалабасидан кейин адабиётшуносликда ҳам халқ ва Холик, пайғамбар ва уммат, тириклик ва охират масалаларидан сўзлаш таъқиқланганди. Шўро ҳокимияти сиёсати ва коммунистик партия кўрсатмаларига мақбул фикр-мулоҳазаларни баён этиш эса мисли кўрилмаган ёлғон ва уйдирмаларни жорий қилиш эди. Шундай қилиб диний адабиёт билан бир қаторда қарийб етмиш йил мобайнида адабиётдаги диний-ахлоқий мавзуларни текшириш таъқиқлаб келинди. Куръони карим ва нубувват таълимоти заминида ривожланиб келган адабиёт намуналарини асрий ўзанидан ажратиб унинг табиати ва тарихига бутунлай ёт бир идеологияга мувофиқ равишда тадқиқ ва талқин қилишнинг самараси қандай бўлган? Афсуски, бу саволга ҳанузгача очиқ ва аниқ жавоб берилгани йўқ. Мумтоз шоирларимиздан ҳеч бири синфийлик ёки ғоявийлик тушунчаларини хаёлга ҳам келтирган эмас. Аммо уларнинг ҳаёти ва ижодиётига доир тадқиқотлар билан танишилса, синфийлик ақидасини ҳар бири ўзича олдиндан пайқаб қалам тебратгандай таассурот уйғонади. Марказида Аллоҳ ва Пайғамбар турган адабиётда инсон ва инсониятга тегишли, деярли, барча тоя ёки масалалар бевосита ё билвосита тарзда ана шу зотлар билан алоқадорликда ҳал этиладики, бунинг тафаккур, таълим-тарбияга таъсири ҳам ўзгача бўлади. Мумтоз асарларни ўқишидан туғиладиган маъруфий рағбат ва ирфоний завқ нима учун вақт ўтган сайин сусайиб сўниб борган? Чунки уларнинг замирида яширинган моҳият билан, олимлар томонидан илгари сурилган мазмун бир-биридан кескин фарқланган. Адабий матннаги туйғу, кайфият, ҳолат, рух оҳангидеккагина жонлантирилмаса, шеърхонни на шарҳ, на талқин чуқур қизиқтирувчи таҳлилларнинг-ку фойдаси ҳам бўлмайди.

Инсонни ўзига танитиш, ўзлик дунёсини образли шаклларда сувратлантириш бадиий ижоднинг биринчи вазифалари дандир. Зеро, “мен” унинг мавжудлигини таъминлайди. “Мен” шахснинг ўзгаларга ўхшамайдиган хусусиятларини акс эттиради. Унда банданинг кучли ва кучсиз, хусусий ва умумий томонлари очилади.

Шарқ маданияти ва маърифати тарихида “Ўз”, “Ўзлик”, “Мен”, “Менлик” тавсифи иккига ажратилган. Биринчиси, башарий, иккинчиси, маънавий менлик. Башарий менлик инсоннинг табиий, яъни туғма хусусиятлари, нафсоний майллари асосида шакллангани боис тасаввуф ва

маломат аҳли уни тубдан ислоҳ қилиш, ҳайвоний, шайтоний ҳирслардан фориг, сайқалланган бир “мен”ни шакллантириш ғоясини илгари суришган. Ба бунга маънавий – иккинчи туғилиш дейилган. Бу туғилиш асосан сайри сулук жараёнида комил бир пир ёки муршиднинг таълим-тарбияси орқали юзага келган. Юнус Эмронинг “Бир мен бордир менда, мендан ичкари”, деган эътирофи ана шу менга тегишлидир. Тасаввуф ва тариқатда нафсни таниш, нафсга қарши муросасиз курашиш тажрибаси инсоннинг ўзи, ички тасаввурлари ҳақидаги фикрларини ўзгартириб юборган.

“Инсон ўзининг ички оламини билишдан, – дейди турк файласуфи Нуриддин Тўпчи, – моҳиятан ўзи билан юзлашишдан қўрқади. Шунинг учун у ҳаётининг бир босқичида олдингиларига ўхшамайдиган бир тарзда ўзидан қочади”<sup>24</sup>.

Ваҳоланки, инсон ўзининг кимлигини билиш, менлигини тўғри мушоҳада этмоғи учун қўрқиш, чекиниш, иккиланиш туйғуларидан ғолиб келишга уринмоғи керак.

Машхур психолог Г.Гуржиевга кўра: “Инсон ўзини қачон англайбошласа, у ўзида ўзи қўрқадиган даҳшатларни кўради... Одам шундай қўрқиш ҳолига етмас экан, ўзи ҳақида ҳеч нимани билмайди”<sup>25</sup>. Сўфий, дарвеш, тариқатчилар эса инсон ботинидаги салбий қувват ва ноқисликларни муросасизлик билан ўрганиб маънавий валодат – янги маънавий менлик таълимотини яратганлар. Уларнинг ишончи бўйича, Исо алайҳиссалом “Икки карра туғилмаган малакут (поклик, эркинлик, илоҳийлик) самосига юксалолмайди”, – деган экан. Шу фикрга таяниб сўфий ва мутасавифлар икки валодат, яъни инсоннинг жисмоний ва маънавий туғилишидан сўз юритишган. Бу туғилиш ва улғайишга эса баданни билиш (Навоий буни “Ўз вужудинга тафаккур айлагил”, – дея урғулаган), нафсни таниш, ахлоқни қувватлантириш, қалб ва рухни софлаштириш билан эришилган.

Вужуд, нафс, ахлоқ, қалб ва рух илми ўзликни таниш, одамийлик моҳиятини кенг кашф айлашга равнақ берганидек, тасаввуф ва тасаввуф адабиётининг ривожини ҳам таъминлаган. Адабиёт, айниқса, нафсшуносликдан йироқлашиб, руҳоният оламига қизиқиши сусайгандан кейин XX асрга келиб, одамшуносликнинг бадиий ижоддаги нуфузи ва таъсири кескин пасайган. Нафс нима, рух ва гўзаллик нималигини фарқлашга зарурият айтарли қолмаган. Навоий янги “менлик” тушунчасини кўпинча учта сўзда ҳал қиласди. Булар: нафс, ўзлик ва фано. Башарий “менлик” талабларига чек қўйишни шоир битта рубоийда ҳам талқин қилиб берган.

*Нафс амрида ҳар нечаки толпингайсен,*

<sup>24</sup> Тўпчи Н. Мавжудлик. Итанбул: 2011, – Б. 75.

<sup>25</sup> Гуржиев Г. Вестник грядущего добр. Петербург: 1993, – С. 180.

*Кўп гарчи бутунлук тиласанг сингайсен,  
Ком истаю неча элга ёлингайсен,  
Нафсингга хилоф айлаким тингайсен.*

Инсон бутунлик тилаши, ўзини бутун шахс қиёфасида кўриши мумкин. Лекин хотири нафс ва хотири шайтон гумаштаси бўлар экан, у синиш, тамаъ ва хирс тегирмонида эзилишдан ўзини қутқаролмайди. Машхур араб тасаввуфшуноси А.А.Афиий ёзади: “Ихвони сафо” ташкилотининг намояндларига кўра, “мен” ва “сен” деб ифодаланадиган нарса ҳар биримизнинг нафс деб атаганимиз мавжудлиқдир. Хоҳ амалий, хоҳ назарий бўлсин, нафснинг мавжудлигига маърифатдан бошқа далил йўқдир”<sup>26</sup>. Тариқатга мансуб ориф зотлар эса “мен”нинг “сен”дан ажралишини, ажралганда ҳам оламшумул маъно касб этишини асослаб беришган. Дарвоҷе, менликни билиш, уни ўзгартириш учун нега, асосан, маърифатга суюнилади. Чунки маърифат – қалб мушоҳадаси ва завқидан туғиладиган ботиний илмдир. Маърифатда кўнгилнинг руҳоний куч – қуввати, покизалиги ва имтиёзлари аксини топган.

Илк сўфийларда фано сўзи менлик шуурни тарқ айлаш ва “мен”нинг айрим сифати ҳамда хусусиятларига барҳам бериш мазмунида ишлатилган. Кейинчалик эса нафсдан фоне бўлиш, Аллоҳ висолига восил бўлишнинг асосий шарти снаналган. Қитъаларидан бирида Навоий ёзади.

*Кимки ўзлук иморатин бузди,  
Бўлди нақди фано ажинг музди.  
Ул иморатни бузмайин солик,  
Бўла олмас бу нақдга молик.*

“Ўзлук иморатин” бузуб, нақди фанони қўлга киритиш башарий сифатлардан фориғ қудратли янги бир маънавий “мен”га соҳиб бўлишдир. “Ўзлук иморати”, албатта, нафс. Ундан қутулиш изтироби тасаввуф адабиётидаги асосий изтиробдир. Машхур шарқшунос Р.Никольсоннинг ёзиича, “сўфий шоир нафсингдан халос бўлмоқ учун шароб ич, деганда илоҳий томоша оғушида моддий борлигингни тарқ қил, дейишни истаган”<sup>27</sup>. Тасаввуф ва тасаввуф адабиётининг, деярли, барча вакилларининг нуқтаи назарида башарий “мен” ва менликнинг ўрни, мақоми паст, иккинчиси – маънавий “мен”ники жуда юқори ҳисобланган. Чунки дастлабкиси башарий, яъни жисмоний, моддий, зоҳирий, ҳиссий, ҳайвоний ва нафсоний ўзлиқдир. Иккинчиси эса маънавий, руҳоний, ғайбий, малакий сифатларни ўзида мужассамлаштирган. Тасаввуф шу икки “мен”дан устунликка эришганини намуна ва ибрат этиб кўрсатган. Ва солик неки ахтарса, фанодан топишига

<sup>26</sup> Афиий А. Ислом тушунчасига доир мақолалар. – Б. 359.

<sup>27</sup> Ислом сўфийлари. – Б. 28.

ваколат берган. Фано аслида йўқни бор, борни эса йўқ, деб билишдир. Мавжудлик, яъни дунё адам – йўқликдан яралган ва яна йўқликка қайтажак. Шунинг учун инсон, энг аввало, эришишида йўқотиш, йўқотишда эришув борлигини англаши зарур. Ана шунда у нимагадир боғланиб, маънан тўхтаб қолмаганидек, хом ва ўткинчи мақсад, нафсоний манфаат ва иддаолар тузогига тушиб, умрини ғафлатда ўтказмайди. “Боязид Бистомийнинг олий мақсади, – дейди Сулаймон Улутоғ, – бир “мен” ва “менлик”дан кечиб, таъсир, манфаат, таҳликага берилмайдиган мутлақо эркин бир ўзликни яратишидир”<sup>28</sup>. Хуллас, эран, фақир ва дарвешлар ҳур, фаол, мустақил “мен”ни камолга етказишга шунчалик диққат қилишганки, улар нафс таъсиридан халос бўлмагунча, сўзлаш ёки ёзишдан кўра, сукут сақлашни афзал билиб, бунга қатъий риоя қилишган. Уларнинг фикр-қарашлари бўйича, “Сўз ақлни сархуш қилувчи шаробга ўхшайди. Бу шаробни ичишга мубтало бўлган кимса ҳеч қачон ундан воз кечолмайди. Сўзнинг офати тасаввуф аҳлига аён бўлганлиги боис чиндан зарурият сезилмагунча, улар ҳеч гапирмайдилар. Ва сўзнинг аввалига ҳам, охирига ҳам, ниҳоятда, диққат билан қарайдилар”<sup>29</sup>. Сўзга, фикрга бундай дақиқ муносабат бугун эртакка ўхшайди. Истеъоддинг биринчи белгиси сўзни теран ҳис қилиш, маънида унга янги ҳаёт бағишлишдир. Нафсига тобе шоир, адаб, олим ҳеч вақт бундай ишни амалга оширолмайди.

Сўфий ва мутасавифлар дунёқарашнинг яна бир жиҳатига тўхталиш зарурга ўхшайди.

Одам қавми неча асрлар давомида яхшилик, эзгулик, ҳиммат, меҳр-муҳаббат, фидойилик тўғрисида гапириб бошқаларни шу хислат ва фазилатларни эгаллашга чорлаган. Лекин вақт ўтган сайин сўз билан амал, мақсад билан иш орасида узилиш ортиб борган. Ёлғон, алдов, риё, сафсата жаврини тортган кишиларнинг сўз ва гапдан ҳафсаласи пир бўлган. Шунда аҳли тасаввуф тарғиб ё ташвиқ йўли билан яхшилик ва хайрни кўпайтириш учун эмас, балки қалб ва хотирни дунёвий қайфу, моддий хирслардан тозалаб, ахлоқларини тарбиялаш, кўнгилдан ғафлатни қувиш учун қатъият ва азият чекишган<sup>30</sup>.

Навоий олам аҳли деганда молпараст, дунёсевар, вазият ва шароитга қараб қиёфасини ўзгартиришдан толиқмайдиган каззоб, юлғич ва ашаддий товламачи кимсаларни ҳам назарда тутиб, ҳамиша улардан четлашишни тарғибу ташвиқ қилган. Улуғ мутафаккир шоир бир ғазалида:

*Фард бўлким ул киши дунёда бўлмиш аҳли марқ,*

<sup>28</sup> Улутоғ У. Боязид Бистомий. – Б. 153.

<sup>29</sup> Ҳужвирий. Каşф ул-махжуб. – Б. 503.

<sup>30</sup> Кушайрий А. Рисолаи Кушуайрий. – Б. 198.

*Ким фано йўлида тарки аҳли дунёй айламиши,—  
деса, бошқа бирида:*

*Эй Навоий, қилсанг эрди оғият кунжсин ватан,  
Мунча мунглуг жонигга озор бўлгайму эди, —  
дейди.*

Бугунги аҳли дунёй, аҳли давлат, аҳли ғафлат олдингиларига қараганда ўзгариб, бошқача бўлиб қолганми? Мана бу орзуга эътибор беринг:

*Муҳандисе топаю эгнима қанот ясатай,  
Учуб ҳавосида қушлар аро ўзумни қотай.*

Кимда-ким бу туйғу мозийда қолиб кетган, бундай фирор – қочиш ҳеч кимни илҳомлантирумайди деса, демак, башарий менлигидан қутулиш учун шоир қанчалик ранж ва изтироб чекканини хаёлига ҳам яқинлатолмайди.

Жавонмардлик, сўфиийлик, риндлик, маломатийлик маслаги Шарқ халқларининг ўзини таниш ва янги рухоний “мен”ни яратиш орзусини руёбга чиқаришда зўр таъсир ўтказган. Аммо ушбу таълимотларни бирлаштирган руҳий қудрат ва имконият фано ва фановашлик ҳоли эди. Буни ҳар жиҳатдан холис ўрганмай, билмай мумтоз шоирларнинг, хусусан, Алишер Навоийнинг “мен” ва “менлик” тушунчасини ҳаққоний ёритиб бермаслиги аниқ.

Бундан-да фойдалиси эса фано суврати одам, сийрати ҳайвон, зоҳиран фаришта, ботинан шайтон, кўринишда дўст, пинҳона ашаддий ғаним кимсаларнинг асл қиёфасини таниш ва хаёлга ҳам келмас макру ҳийлаларига алданмасликка яқиндан ёрдам беради.

Покистоннинг буюк мутафаккир шоири Муҳаммад Иқбол “Дунё фоний, “мен” боқий. Менликдан ўзга ҳеч ниманинг бақоси йўқ. Менлик ҳақиқатига етиштиromoқ учун сийратингга яширин...”, дейди. Шу маънода ҳам Навоий ижодиётини ўқиб-ўрганиш илҳомбахш, қайтарилмас дарсхонадир.

## **ЖОН ВА РУҲ МАҶНАВИЯТИДА АЛИШЕР НАВОЙ МЕРОСИ**

*Ҳотам Умурев  
СамДУ профессори*

**Аннотация:** Ўзликни англаш учун халқимизнинг маънавий-маърифий меросини ўрганиш ва англаш зарур. Бу мероснинг меҳварини Алишер Навоийнинг ижоди ташкил қиласи. Шу боис, “Ўзбек Навоийни ўқимай қўйса” маънавияти мукаммал бўлмайди.

**Таянч сўз ва иборалар:** Маънавий-марифий ишлар. Президент Шавкат Мирзиёев. Эркин Воҳидов: “Ўзбек Навоийни ўқимай қўйса”. Алишер Навоий мероси. Меросни ўрганишнинг зарурлиги.

**Аннотация:** для восприятия наследия требуется изучение народного духовно-просветительского наследия. Осью (лучом) этого наследия является творчество Алишера Наваи. Совершенство духовности не обрести если, «Если узбек перестанет читать Наваи».

**Ключевые слова и выражения:** Духовно-просветительская работа, Президент Шавкат Мирзияев. Эркин Вахидов «Если узбек перестанет читать Наваи». Наследие Алишера Наваи. Необходимость изучения наследия.

**Annotation:** To understand ourselves, we need to study and understand the spiritual and enlightenment heritage of our people. The axis of this heritage is the work of Alisher Navoi. Therefore, the spirituality of "Uzbek Navoi without reading" will not be perfect.

**Keywords and phrases:** Spiritual and educational work. President Shavkat Mirziyoyev. Erkin Vahidov: "If uzbeks should not read Navoi". Alisher Navoi's legacy. The need to study heritage.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 19 январь куни маънавий-маърифий ишлар тузулмасини тубдан такомиллаштириш, бу борада давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш масалалари бўйича ўтказган йиғилишида деди:

“Агар жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавиятдир. Биз янги Ўзбекистонни барпо қилишга қарор қилган еканмиз, Иккита мустаҳкам устунга таянамиз. **Биринчи** – бозор тамойилларига асосланаган кучли иқтисодиёт. **Иккинчи** – аждодларимизнинг бой мероси ва миллий қадириятларга асосланган кучли маданият”.

Демакки, инсон моҳиятини кўрсатувчи қудрат жон ва руҳ экан, қайси макон ва замонда яшшимиздан қатъи-назар маданий-маърифий қадриятлар доимо бирламчидир. Чунки, “Руҳни танимоқ ҳақиқати ўзлигини танимоқдир” (Имом Фаззолий).

Ўзлигини таниган инсон оддамийликка байроқ қилиб, эзгуликни яхшиликни, бунёдкорликни, савобли ишларни, солиҳ амалларни қилишга бел боғлади. Унинг фикр ва ҳаракатлари Ватанга, Истиқлолга, оиласига, авлодига бўлган ишқидан туғилади. Чунки ишқ покликдир, ҳиссиётларимиз сардоридир, туйғуларимизнинг энг гўзалидир, эзгуликка етакловчи кучdir.

Бу ишқиз у ўзини ҳам, ўзгани ҳам англай олмайди. Ўзгалар ҳисобига яшашни афзал кўради. Таъмагирликни оддий бир муомалага айлантиради. Ҳаромга ўч бўлади. Мансаб ва пул деб ўлиб-тирилади. Манманлик жиловини маҳкам ушлайди. Шахсий ҳузур-ҳаловатни бирламчи санайди. Унга эришиш йўлида алдамчиликдан, ёлғондан, тухматдан, мунофиқликдан, мутеликдан усталик билан фойдаланади.

Инсонларга хос бундай олийжаноб фазилату ёмон иллатларнинг барчаси, уларни туғдирган туйғуларнинг ҳаммаси ҳазрат Алишер Навоийнинг ижодида тасвирини топгандир. Инсон маънавиятиadolat ва одиллик билан, инсонийлик ва комиллик ила, бекиёс даражада тадқиқу таҳлил қилингандир.

Агар – яшаш билмоқ, ҳис-қилмоқ, дард чекмоқ, севмоқ, ёнмоқ, яратмоқ, ҳузур топмоқ бўлса, буларнинг барчасини ҳазрат Алишер Навоий асарлари орқали ўрганиш мумкин. Шу боис, халқимизнинг маънавий-маърифий мероси ичиди Алишер Навоийнинг бой ва серқирра ижодий мероси алоҳида ўрин тутади. Унда умуминсоний ғоялар,тилимизнинг бекиёс сўз бойлиги ва чексиз ифода имкониятлари гўзал ифодасини топган. Янги уйғониш - учинчи Ренессанснинг пойдеворини яратишга бел боғлаган бугунги кунда Алишер Навоийнинг меросини чуқур ўрганмасдан илгарилаш анча қийиндир.

Бунинг исботини забардаст шоиримиз Эркин Воҳидов йигирма йиллар олдин ёзилган асари билан яққол исботини берган ва барчамизга тушунарли тарзда қалбимизга етиб борадиган тарзда юксак ибрат қилиб кўрсатганди.

Бу – “Ўзбек Навоийни ўқимай қўйса”дир. Бу асар Истиқлол ғоясига чамбарчаслиги билан ухлаганни уйғотади, уйғонганни фикрлатади, фикрлаганни ҳаракатга солади, ҳаракатга тушганни эзгуликка етаклади. Ҳиссиётининг жўшқинлиги, оҳангининг ўйноқилиги, мазмунининг чуқурлиги сабаб ҳаммада ҳайрат қўзгатади:

Ўзбек Навоийни ўқимай қўйса,  
Олтин бошнинг калла бўлгани шудир.  
Бедил қолиб Демъян Беднийни суйса,  
Қора сочнинг малла бўлгани шудир.

Юрагингиз ҳапқириб кетдими? Оддий ва доно ҳақиқатнинг мағзига бирдан етдингизми? Буюклигинизни, кимлигинизни ҳис қилдингизми? 150 йиллик босқиннинг шафқатсиз ва аянчли фожиасини туйдингизми? Бир олам мазмунни икки байтга сиғдира билган шоир маҳоратига ҳайратландингизми? Сўзларнинг оддийлигига, маънодорлигига, ўз ўрнида нурланишига, рангдор оҳангига – барининг созлигига, сехрига лолмисиз?

Бир бандданоқ хаёлингизни банд этган, унда денгиздай ҳайқираётган туйгуларни ўйғотган, у туйгуларингиздаги баҳодирона қудратни ва мутеликнинг оқибатини пафос даражасига кўтарган поэтик кашфга, шоирнинг чечанлигига тўймайсиз, кейинги бандга шошамиз:

Ўзбек Навоийни ўқимай қўйса,  
Дод демоқقا палла бўлгани шудир.  
Маърифатдан айру ўйнаса, кулса,  
Аза чоги ялла бўлгани шудир.

Асардаги лирик қаҳрамон - Истиқлол қалбини ўзида жо этган замондошимиздир. Бор ҳақиқатни айтишдан қўрқмайдиган, мавжуд касалликнинг моҳиятини очувчи ва ундан қутилиш йўлини кўрсатувчи ёниб, куйиб яшаётган уйғоқ қалбли биродаримиздир.

Ўзбек Навоийни ўқимай қўйса,  
Алдангани, алла бўлгани шудир.  
Юлғич азиз бўлиб, билгич хор бўлса,  
Пайтаванинг салла бўлгани шудир.

Бу банд кучли қалбингизга энг катта зарбни уради: ларзага тушасиз. Ундаги мазмун ва эҳтирос кучли зилзиладек, ғами зил-замбил темирдек. Юракни тарс ёрворадигандек қудратли.

Айниқса, “Алла” сўзининг “Гўдакни ухлатишда айтиладиган қўшиқ”-дан, яна бошқача – “Чирпирак бўлиб, қуламоқ” маъносини ташишини билганингиздан сўнг шоирнинг топқирлигига, сўз сеҳргари эканлигига қойил қоласиз. Қалбингизда тўлқин тошади. Мардоалик ва равшанлик билан, поэзия тилида – теран айтилган залворли ҳақиқат руҳи қалбингизга кўчади. Бир ўқишданоқ ёд олган мисраларингизни такрорламасликка имкон топа олмайсиз; чунки у сизнинг ҳам, менинг ҳам қалбимдаги жароҳатни уйғотиб юборди:

Юлғич азиз бўлиб, билгич хор бўлса,  
Пайтаванинг салла бўлгани шудир.

Бу балолардан, касофатлардан қандай қутилиш мумкин? Қанақа йўллари бор? Ёруғлик қанисан? Умид борми? ... Чекаётган қайғунгиздан қутилишга интиқлик сезасиз. Шоир таранг тортилган, оловланган туйғуларни ечиш йўлига ўтади. Комил бўлиш учун ҳам, халқ қалби тўла нур бўлиши учун ҳам, ўзликни англаш учун ҳам Навоийнинг ўлмас таълимоти зарурлигига ишонтиради. Юзлаб навоийшуносларнинг ташвиқини, орзуларини биргина

поэтик асари билан миллионлаб қалбларга сингдиради, Навоийга ошно этади. Шундай ечим туфайли бир оз енгил тортасиз, қалбингизда яратиш руҳи ҳукмрон кучга айланади:

Эл комил бўлмаса, юрт эмас улуғ,  
Бекадр маҳалла бўлгани шудир.  
Қалб тўла нур халқнинг ризқи ҳам тўлуғ,  
Омбор тўла ғалла бўлгани шудир.

Ўзбек ўзлигин англаса бекам,  
Унинг “Баракалла” бўлгани шудир.  
Оlamга Навоий наслиман деган,  
Овози баралла бўлгани шудир.

Кашфиёт бўлиб туғилган бу асар чуқур замонавий ҳамдир. Ўзбекона миллийликни ташиши билан, айни пайтда, умуминсоний ҳамдир. Қалб ва онгларни бирлаштириб эзгулиқ, комилликка етакловчи оқилона илҳомнинг бетакрор, хайратомуз мевасидир.

Шу боис, “Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарорда Президентимиз “Улуғ шоир ва мутафаккирнинг адабий-илмий меросини мамлакатимизда ва халқаро миқёсда янада чуқур тадқиқ қилиш ва кенг тарғиб этиш” йўлида бежиз жон куйдирмаганлар. Алишер Навоий номидагиу халқаро жамоат фондини таъсис этишни, Алишер Навоий асарларини узлуксиз ўқитиш концепциясини, Алишер Навоий номидаги ижод мактабини, Алишер Навоий ижоди бўйича турли адабий кечалар ва танловларни ўтказиш каби одилона таклифларини шодлик билан қўллаб-қувватлаймиз. Албатта, бу ишларга ҳаммамиз ҳам ҳиссамизни қўшамиз. Бизларда ҳам Алишер Навоийнинг Самарқанддаги ҳаёти ва фаолиятига бағишлиланган музей очилса нур устига нур бўларди. “Оlamга Навоий наслиман деган овозимиз баралла “ янгради.

### **Адабиётлар:**

1. Мирзиёев Ш. Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида, Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 20.10.2020 (1395-сон).
2. Мирзиёев Ш. Жамият ҳаётининг танаси Иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавиятдир, “Халқ сўзи”, 20 январ 2021.
3. Воҳидов Э. Сайланма. Учинчи жилд, Т., “Шарқ”, 2001.
4. Умиров X. Таҳлил чизгилари, Т., “Мухаррир”, 2013.

## “ЛИСОН УТ-ТАЙР”НИНГ ТУБ МОҲИЯТИ

### ОЛИМОВ Султонмурод Ҳошимович\*<sup>31</sup>

**Аннотация:** Маърузада Алишер Фоний (Навоий) “Лисон ут-тайр” достонининг туб моҳиятини очиб беришга ҳаракат қилинади. Бунинг учун ҳар қандай бадиий асарни матн изн берган даражада талқин этиш зарурлигидан келиб чиқилади. Шунингдек, шўро даври адабиётшунослигидаги бу буюк адабий ёдгорликка коммунистик мафкура талабларидан келиб чиқиб, хато муносабатда бўлингани танқид қилинади.

**Калит сўзлар:** меърож, тасаввуф, “Мантиқ ут-тайр”, “Лисон ут-тайр”, сўфий, водий, ҳикоят.

**Annotation:** The report seeks to reveal the essence of the epic “Lison ut - tayr” by Alisher Foni (Navoi). This is due to the need to interpret any work of art to the extend permitted by the text. It is also criticized that this great literary monument in Soviet-era literary criticism was mistreated due to the demands of communist ideology.

**Keywords:** me’raj, mysticism, “Mantiq ut-tayr”, “Lison ut-tayr”, Sufi, valley, story.

Ҳовузга чўмич солиб, бир челак сув олиб бўлмайди. Денгизга кичик тўр ташлаб, катта балиқ тутишнинг ҳам иложи йўқ. Тўр солғанда: “Фақат фалон балиқдан тутаман”, – деб ҳам бўлмайди. Чунки тўрга нима тушишини олдиндан билиш – қийин.

Навоийга, жумладан, унинг “Фоний” тахаллуси билан ёзилган “Лисон ут-тайр” достонига аксар шўро олимлари, хусусан, дарслклар муаллифларининг муносабатида ана шу талаблар ҳисобга олинмади. Бу ерда мисоллар келтириб, ҳам вақтни олиб, ҳам ўтиб кетган устозларимиз рухларини безовта қилиб ўтиromoқчи эмасмиз. Яхшиси, достон туб моҳиятини очишга ҳаракат қилиб кўрайлик.

Фақат шуни алоҳида қайд этишимиз керакки, улар олдиндан мафкуравий жиҳатдан қуролланиб, асадан ўзлари ясад олган тўрга ўзлари хоҳлаган балиқнигина тутишга ҳаракат қилишди. Оқибатда асарнинг туб моҳияти тамоман хато, чалкаш, энг ёмони, тескари талқин этилди.

---

\*Филология фанлари номзоди, СамДУ тадқиқотчisi, smo54@mail.ru

Масалан, достондаги:

*Ўз вужудингга тафаккур айлагил,  
Ҳар не истарсен, ўзунгдин истагил* [Навоий, 1996: 270], –

байтига суюниб, яъни уни достон туб моҳиятидан юлиб олиб талқин қилиш оқибатида: “Шоир қушларнинг шунча азоб-уқубат чекиб, Симурғни излашлари бефойда кетди. Чунки ўзлари “си” (“ўттиз”) “мурғ” (“қуши”) эканликларини англашиди”, – қабилидаги хулоса илгари сурилди. Ҳолбуки, бу қараш – достон туб моҳиятига мутлақо зид. Навоийнинг кичик замондоши Ғиёсиддин Хондамир ўзининг “Макорим ул-ахлок” асарида: “Ул ҳазратнинг ўзи ҳам машойихлар ва авлиёларнинг ҳаёти ва фаолияти, шунингдек, сайру сулук йўли тўғрисида бир неча китоб ёзди” [Хондамир, 2017: 120.], – деб битиб, бунга “Насойим ул-муҳабbat мин шамойим ул-футувват” тазкираси ва “Лисон ут-тайр”ни мисол келтиради. “Лисон ут-тайр” ҳақида эса: “Ушибу қуттулуг асарда фано йўлидаги сайру сулук ҳамда Ҳудованд даргоҳига яқинлик мақомига етишиши йўл-йўриқлари тўғрисида ҳикоя қилинади” [Хондамир, 2017: 121], – дейилади.

Ахир, достонда бошдан-охир айнан ана шу – кишининг ўз вужудида тафаккур айлаши ва ҳар нарсани ўзидан исташининг йўллари кўрсатилади-ку.

Хўш, ҳозир ҳам кўплар “Лисон ут-тайр” ҳақида айнан ўша шўро даври босган тамға асосидаги тасаввур билан юрмаганига ким кафолат беради?

2019 йилнинг 4 – 6 феврали кунлари Навоий шаҳрида “Алишер Навоий ижодий меросининг умумбашарият маънавий-маърифий тараққиётидаги ўрни” мавзусидаги III анъанавий халқаро илмий конференциянинг ялпи очилиш мажлисида сўзга чиқкан Олий Мажлисимизнинг бир депутати, ҳатто, “Лисон ут-тайр”да айнан қушларнинг парвози бефойда экани, асар қушларнинг ўзи “си мурғ”, яъни “ўттиз қуши” экани исботлангани билан Фаридиддин Атторнинг “Мантиқ ут-тайр”идан кескин фарқ қилишини айтди. Ҳолбуки, бу жиҳатдан “Мантиқ ут-тайр” билан “Лисон ут-тайр” ўртасида ҳеч қандай фарқ йўқ. Демак, ҳозирги пайтда ҳам, ҳамма “Лисон ут-тайр”нинг туб моҳиятини тушуниб етди, деб ҳисоблаб бўлмайди.

Достоннинг 190-бобида келган ҳикоятда бир кишининг сўфийлик йўлига ўтсамми-ўтмасамми деб юрган иккиланиш ҳолати ҳикоя қилинади. У ҳар куни йўлдан ўтаётганида бир эски деворнинг бир томонга қараб тобора қийшайиб бораётганини кузатиб юрар эди. Охири бир куни қараса, шу девор ерга қулаб, одамларнинг йўлини тўсиб қўйибди. Ҳамма бу муаммодан хафа бўлиб турганида у хурсандчилигини баён этиб, чинқиришга тушди. Сабабини

сўраганларида у буни: “Менга ишора бўлди. Энди ҳеч иккиланмасдан масаввуф йўлига киришим керак”, – деб тушунтириди. Айрим олимлар бу ҳақда: “Навоий бу хомхаёл шахснинг устидан кулади”, – деб ёзишган ва ҳоказо.

Хўш, бу ҳикоятни шоир достоннинг қайси ўрнида келтириди? Мазмунини шарҳлашга киришишдан олдин ана шунга диққат қилишимиз – шарт.

Ҳолбуки, бу ҳикоятни шоир “Бу китоб назмида ўз муносабатининг тақриби” деб аталган ва Фаридиддин Атторнинг “Мантқ ут-тайр”ига туркий тилда жавобия достон ёзиш унинг узоқ йиллардан бери кўнглида тугиб келаётган орзуси эканини баён этган бобга илова, яъни иллюстрация тарзида келтиради. Айнан ўзини ўша узоқ йиллар деворнинг қийшайишини кузатиб юрган, лекин мақсади сари қатъий қадам ташламай келаётган бўлғуси сўфийга қиёс қиласи. Нима, шоир бу ерда ўзининг устидан ўзи қулганми?

Достоннинг туб моҳият тўғри англанса, бундай ғалати, қулгили, хато хулосаларга келинмас эди.

Бир маъруза доирасида катта бир достоннинг туб моҳиятини ёритиб беришнинг ҳеч имкони йўқ. Буни фақат икки янги тезисни илгари суриш билангина амалга оширишга ҳаракат қиласи.

Биринчиси шуки, “Лисон ут-тайр” – муножотнома.

Навоийнинг “Хамса”даги беш достони ҳам, “Лисон ут-тайр” ҳам лиро-эпик асар. Лекин айнан “Лисон ут-тайр”да лириклик “Хамса”даги достонлардагидан кўра анча катта ўрин тутади.

Достондаги “Кушларнинг фано ҳусулидин бақо вусулиға еткони” деган 169-боб билан кушларнинг факру фано водийсига этиб, ўзларининг “си” “мурғ” бўлганини англағани воқеаси баёни тугайди. Аммо шоир шундан кейин гўёки янги бир достон бошлайди. Лирик қаҳрамон, худди кушлар каби, китобхон билан биргаликда руҳан ана шу етти водийни босиб ўтади. Яъни Талаб, Ишқ, Маърифат, Истиғно, Ҳайрат, Тавҳид ва Фано тариқи адосида муножотлар битади. Охирги, яъни еттинчи муножоти охирида асл мақсадини содда ва равон тарзда баён этиб кўя қолади:

*Қил ўзунѓа будени аввал набуд,  
Ул набуде ичра бергил бир вужуд, –*

*Ким анга иш ул вужуд ичра тамом,  
Бўлға-ю, топқой висолинг, вассалом* (Навоий, 1996: 292).

Демак, қушлар тимсолида кўрсатилган сўфийнинг орзуси бевосита лирик қаҳрамоннинг ҳам орзуси ҳисобланади.

Шуларга таяниб, “Лисон ут-тайр” – бус-бутуница муножостнома асар, деган хulosани баралла айта оламиз.

Иккинчи тезис шуки, “Лисон ут-тайр” – меърожнома асар.

Шайх Фаридиддин Аттор – Шарқнинг машхур сўфий шоири. Тахминан милодий 1148/51 йиллар орасида туғилиб, 1219/21 йиллар орасида мўғул лашкари қўлида шаҳид бўлган. Унинг 1175 йили битилган “Мантиқ ут-тайр” (“Мақомоти таюор” деб ҳам юритилади) достони умумтасаввуф адабиётида алоҳида ўрин тутади [Қаранг: Абдуназар, 2005: 189].

Алишер Фоний (Навоий) шу достонга жавобия (назира, татаббуъ, ўхшатма) тарзида битилган “Лисон ут-тайр”ида салафининг “Мусибатнома”, “Илоҳийнома”, “Уштурнома”, “Тазкират” (“Тазкират ул-авлиё”) асарлари, қасида, ғазал, рубоийларини таърифлаб келиб: “Буларнинг ҳаммаси – бир тараф-у, “Мантиқ ут-тайр”нинг ўзи – бир тараф”, – дейди:

*Бир тараф борига ойину шараф,  
“Мантиқ ут-тайр”иға ойин – бир тараф  
[Навоий, 1996: 30].*

Атторнинг ўзи “Хусравнома” достонида “Мантиқ ут-тайр”ни шундай эслаб ўтади:

*“Мақомоти таюор” аммо чунон аст, –  
Ки мурғи ишқро меърочи ҷон аст  
[Аттор, 1990: 43].*

Мазмуни: “Бизнинг қуилар мақомоти (асар)имиз (“Мантиқ ут-тайр”имиз) шундайки (унда) ишқ қуши жон меърожи (ҳисобланади)”.

Шу биргина байт ҳам киши кўнглида бир неча савол туғдиради.

“Мантиқ ут-тайр” амалда “қуилар нутқи” деган маънони беради. Атторнинг ўзи уни “Мақомоти таюор”, яъни “Қуилар мақомлари” дея иккинчи ном билан тилга олаётган бўлса, бу достонда қушларнинг қандай мақомлари ҳақида сўз боради?

*“Ишқ қуши” нима?  
“Меърож”-чи?  
Нега ишқ айнан “жон меърожи” дейиляпти?*

То масала ана шундай муайян ва аниқ қилиб қўйилмас экан, мумтоз шеъриятимиз моҳиятига етиб бўлмайди.

Фаридиддин Аттор “Мантиқ ут-тайр”и моҳиятига етиш эса ҳазрат Алишер Навоий “Лисон ут-тайр”ини тушуниш сари йўл очади.

Воқеасигагина қаралса, “Лисон ут-тайр” – қушлар ҳақидаги достон. Аслида эса асарда қушлар – бир восита, холос. Мақсад шу орқали соликлар, яъни руҳини ҳадди аълосига еткариб, равнақ топтиришга бел боғлаган сўфийлар, яъни Аллоҳга ошиқлар сиймоларини яратиш эди. Руҳи Аллоҳга етган киши эса комил ҳисобланади. Қушларнинг шоҳ қуш – Симурғни топишга интилиши моҳияттан соликларнинг комил инсонлик даражаси сари ҳаракатини англатади.

Тасаввуфдан ажратиб олиб қаралганда ҳам, комил инсон масаласи – бағоят аҳамиятли ғоя. Чунки бадиий адабиёт талқинида у, ўз-ўзидан, фақат хос, яъни алоҳида кишилар машғулоти бўлмиш тасаввуфнинг тор чегараларидан чиқиб, кенг китобхонлар ҳукмига ҳавола этилади ва шу тариқа умуминсоний бир орзу янглиғ жаранглайди.

Шу маънода “Лисон ут-тайр” фақат бир гурӯҳ кишиларгагина тасаввуфдан таълим берадиган дастур эмас. Балки у – инсонни ҳамиша эзгуликларнигина мақсад қилиб яшашга, умрни бир пок ва буюк орзу сари интилиш билан ўткаришга, Аллоҳ, бутун дунё, демакки, инсоннинг ҳам асл моҳиятини англаш учун тинимсиз ҳаракат қилишга чорловчи бир буюк бадиий асар.

Лекин достон қаҳрамонларининг қушлар экани Навоийнинг иродаси билангина ҳал қилинган масала эмас, албатта.

Хўш, Фаридиддин Аттор нега Аллоҳ васлига етиш йўлларини айнан қушлар тимсолида кўрсатган?

Айни саволга ҳам даб-дурустдан жавоб бериш – мушкул. Бунинг учун аввал: “*Нега мусулмон Шарқи достоннавислиги анъанасида Аллоҳ ҳамди, пайғамбар (с. а. в.) наъти, унинг тарқибида, албатта, Мұҳаммад (с. а. в.) меърожи таърифи берилади?*” – деган мантиқий масалани ўртага қўйишга тўғри келади. Айтайлик, Навоийнинг мавжуд олти достонида ҳам меъроjга бағищланган махсус боб бор: “Ҳайрат ул-аброр”нинг ўн биринчи, “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун”, “Сабъайи сайёр”, “Садди Искандарий” ва “Лисон ут-тайр” достонларининг тўртинчи бобларида бевосита меъроj таърифланади.

Ахир, меъроj пайғамбаримиз(с. а. в.)нинг мўъжизаларидан биригина, холос-ку. Манбаларда Мұҳаммад(с. а. в.)нинг 133 мўъжизаси саналади. Бироқ нима учун сўфий шоирлар мўъжизалар ичидан айнан меъроjга айрича эътибор билан қарайди? Меъроj ўзи нима? У қандай мўъжиза?

Ҳатто, шўро даврида ҳам келажакни олдиндан кўра билган ҳолда событлик қилиб, исломшунослик билан шуғулланган Алихонтўра Соғунийнинг “Тарихи Мұҳаммадий” асарида бу саволларга осон тушуниладиган жавоблар топамиз. Китобда “Меъроj воқеаси” деган махсус

fasl бор. Унда меърежнинг қандай содир бўлгани батафсил сўзланади. Ана шу тафсилотларга таянган ҳолда меърежни қисқача тасвиirlаб ўтиш мумкин.

Айтиш зарур бўлган биринчи гап шуки, исломда ҳар бир воқеа-ҳодиса хужжат, яъни исботу далил талаб қиласди. Динимиздаги биринчи асос – Қуръони карим, иккинчиси – ҳадислар. Меъреж ҳакида Қуръоннинг: “Субҳон ал-азнал масжид ил-Ҳароми ил-ал-масжид ил-Ақсо ал-лазий боракна хавлаҳу, линурияҳу миноётино, иннаҳу ҳувассами ул-басир”, – деган оятида далолат қилинади. Бунинг маъносини Алихонтўра шундай баён этади: “Ариғ зотлик (яъни тоза) ул Ҳудоким, масжиди Ҳаромдин қули Мұхаммадни кечалаб хайру барака билан ўралган масжиди Ақсога элтди. Бу элтишида улуғ құдратимизнинг аломатларини унга қўрсатамиз” [Соғуний, 1991: 50].

Бу оятда пайғамбаримиз(с. а. в.)нинг Маккадаги масжиди Ҳаромдан Қуддусдаги масжиди Асқога жаннатдан туширилган Буроқ деган учар отда Жаброил (а.) етагида боргани баён этилган. Буроқ шунчалар тез учар эдик, у кўзи етган ергача жойни бир қадам қиласди. Масжиди Асқода Мұхаммад (с. а. в.) ўзидан олдин ўтган пайғамбар(а.)ларни кўрди, барчалари Мұхаммад (с. а. в.) имомлигида икки ракъат намоз ўқиди. Кейин яна ўша Буроққа миниб, Жаброил (а.) етагида осмонга – Аллоҳ ҳузурига томон парвоз қилди.

Бу парвоз бадиий адабиётда тез-тез турли сабаблар билан, баъзан, бир ташбих янглиғ тилга олинади. Масалан, Навоий “Садди Искандарий”да Искандарнинг Кашир қалъасини бузганидан кейин шаҳар қўргони сари юришини пайғамбар(с. а. в.)нинг чархи гардон, яъни айланиб турувчи фалак сари парвозига ўхшатади:

*Деди: “Айлагай азм қўргон сари,  
Нечукким, наби – чархи гардон сари”* [Навоий, 1993: 248].

Лекин бу ҳали меърежнинг адабиётдаги тўлиқ тасвири эмас.

Пайғамбаримиз(с. а. в.)нинг Маккадан Қуддусга етиб боргани – “исро” ва Қуддусдан Аллоҳ ҳузурига парвози – “меъроҷ” дейилади. Шунинг учун ҳам Қуръони каримнинг исро ва меъреж мўъжизаси ҳакида сўз борадиган сураси “Ал-Исро” деб аталади. Бу сура: “(Аллоҳ) бир кеча, ўз бандаси(Мұхаммад)ни – унга оят ва мўъжизаларимиздан қўрсатиш учун (Қуддусдаги) Биз атрофини барокотли қилиб қўйган масжид ал-Ақсоға сайр қилдирган (барча айбу нуқсондан) пок зотдир. Дарҳақиқат, эшишувчи, қўрувчи зотдир” [Қуръони карим, 1992: 18-оят], – деган оят билан бошланади.

Биласиз, осмон – қават-қават. Меъреж кечаси пайғамбаримиз (с. а. в.) ана шу қаватлардан учиб ўтди.

Биринчи қават осмонда Мұхаммад пайғамбар (с. а. в.) Одам(а.)га дуч келди.

Иккінчи қават осмонда эса Исо (а.) ва Яҳъё (а.)га учради.

Учинчи қават осмонда Юсуф (а.) макон тутган эди.

Түртінчи қават ҳазрати Идрис(а.)нинг мақоми эди.

Бешинчи қаватда Мұхаммад пайғамбар (с. а. в.) Хорун (а.) билан юзлашди.

Олтинчи қаватда пайғамбаримиз (с. а. в.) Мусо (а.) дийдорига мушарраф бўлди.

Еттинчи қаватда Мұхаммад улуғ бобоси бўлмиш ҳазрати Иброҳим(а.)ни кўрди [Қаранг: Рабғузий, 1991: 146 – 147].

Шу ерда бир нозик масала юзага чиқади. Ана шу еттинчи қаватда гап – кўп. Чунки, Алихонтўранинг ёзишича, Иброҳим пайғамбар (а.) Мұхаммад(с. а. в.)га: “Эй азиз фарзандим, на яхши келдинг! Қандоқ улуг мақомларга етдинг!” [Софуний, 1991: 51] – деди. Давомидан ўқиймиз: “Пайғамбаримиз кўрдиларким, Иброҳим Ҳалиуллоҳ осмон фаришталарининг Каъбаси – “Байт ул-Маъмур”га суюниб ўтирибдилар. “Байт ул-Маъмур” биноси Каъба тўғрисидаги бир уйдирким, унинг ҳақиқатини Аллоҳ билур. Ер устида Каъбани тавоғ (Нашрда “тавоб” деб ёзилган, биз тузатиб кўчирдик. – муаллиф) қилганларидек, осмонда фаришталар ани тавоғ қилурлар. Ул уй яратилгандин бери, пайғамбаримизнинг айтишиларича, ҳар куни етмиши минг фаришта тавоғ қилиб кетгайлар. Аларнинг кўплигидан бир қатим (марта, карра, бора – муаллиф) тавоғ қилганлари иккинчи келишига қиёматгача навбат топа олмайдилар” [Софуний, 1991: 51].

Байт ул-Маъмур – Каъба – Иброҳим пайғамбар (а)...

Бу учаласи – бир-бирига чамбарчас боғлик.

Меъроj кечаси пайғамбаримиз (с. а. в.), мана, еттинчи осмонда Иброҳим(а.)ни худди шу Маккадаги Каъбанинг тўппа-тўғрисида жойлашган “Байт ул-Маъмур”га суюниб ўтирган ҳолда учратибди. Маккадаги Каъба – ана шу еттинчи осмондаги асл Каъбанинг нусхаси.

“Тарихи Мұхаммадий”да “Байтуллоҳнинг дастлабки биноси”да деган фасл ҳам мавжуд. Унда ёзилишича, ҳақиқий Каъба осмонда бўлган. У ерда фаришталар ибодат қилишган. “Байт ул-Маъмур” – ана ўша фаришталар ибодат қиласидиган муқаддас жойнинг ўзгинаси.

Хўш, Маккадаги Каъба қачон, нега ва қандай дунёга келди?

Бу саволга жавобни ҳам Алихонтўра Соғуний китобидан топамиз. Ана ўша “Байтуллоҳнинг дастлабки биноси” фаслида битилишича, инсон насли яратилмасидан илгари Ер юзи Бани Жон наслига макон эди. Иблис, яъни

Шайтон ҳам ана шулардан эди. Бу тоифа Ер устида кўп гуноҳу фисқу фасод қилди. Охири Аллоҳ уларни ҳалок этиш учун тўртинчи қават осмон фаришталарини юборди. Фаришталар Ерга тушди. Лекин уларга маконларига қайтиш учун рухсат бўлмади. Шунинг учун улар бир фурсат Ер юзида қолди. Шунда фаришталар Аллоҳга Ер юзида ўз маконларида бўлган қизил ёқутдан ясалган Байт ул-Маъмур каби ибодат биноси ясашни илтижо қилишди. Бу дуолар ижобат бўлиб, Аллоҳ таоло худди ўша Байт ул-Маъмурнинг тўппа-тўғрисида Каъбатуллоҳни бино қилди. Каъбани “Аллоҳнинг уйи” дейиш – шундан. Фаришталарга энди ана шу Каъбани тавоғ қилиш буорилди. Каъба зиёрати шундан бошланган.

Каъбанинг биринчи биноси – шу.

Иккинчи биноси эса, *Одам (а.) тарафидан қурилди*, деб ривоят қилинади.

Учинчи бор уни Одам(а.)нинг ўғиллари қурди.

Тўртинчи карра Иброҳим (а.) курдиргани Қуръонда очик айтилган.

Бешинчи марта уни Амолиқа, Жамхум араблари бунёд этди.

Еттинчи дафъа Муҳаммад пайғамбар(с. а. в.)нинг бешинчи бобоси бўлмиш Қусай ибн Қилоб курдирган.

Саккизинчи бор эса Муҳаммад пайғамбар (с. а. в.) ўттиз беш ёшда бўлгани вақтда (унга қирқ ёшларидан ваҳий кела бошлаган) Қурайш қабиласи вакиллари қурди.

Бу ерда шуни қайд этиб ўтиш керакки, Алихонтўра Соғуний китобида бир чалкашлик ҳам бор. Асарнинг “*Каъбатуллоҳнинг дастлабки биноси*” фаслида Байт ул-Маъмурнинг тўртинчи осмонда экани ҳақида маълумот берилади [Қаранг: Соғуний, 1991: 51]. Лекин “*Меъроҷ воқеаси*” фаслида унинг етинчи қаватда бўлгани қайд этилади. Биз учун муҳим жойи – ана шу Байт ул-Маъмурнинг тўртинчи эмас, балки айнан еттинчи осмонда бўлиши. Иброҳим(а.)нинг еттинчи қаватда Байт ул-Маъмурга суюниб ўтириши – янада аҳамиятлироқ. Чунки ислом аҳли ана шу Иброҳим(а.)ни ўзига *асл ота* деб билади.

Шунча маълумотларни кўриб ўтганимиздан кейин “Мантиқ ут-тайр” ва “Лисон ут-тайр”га қайтайлик. Бу достонларда қушлар шоҳ Симурғни топиш учун айнан етти водийдан учиб ўтишади.

Лекин осмон етти қаватгина эмас!

Тўққиз осмон борлигини Навоий кўп ёзган. Масалан, “Садди Искандарий”да шундай байт бор:

*Тўқуз гунбад ул навъ чекдинг баланд, –*

*Ки ваҳм анда руст айлай олмас каманд* [Навоий, 1993: 9].

Шундан кейинги байтларда бу тўққиз фалакнинг бир-бирига узсан вобасталикда ҳаракат қилиши ҳақида сўз боради.

Хуллас, меърож – пайғамбаримиз(с. а. в.)нинг арши аълога парвози. XIV аср адиби Носириддин Бурҳониддин Рабғузий “Қисаси Рабғузий”да: “Расул алайҳиссаломни меъројсга элтмак фаришталарни кўргузмак тақи (тагин, яна – муаллиф) пайғамбаримизни кўргузмак эрди” [Рабғузий, 1991: 148], – деб ёзади. Шу асарда яна ўқиймиз: “Маккадин Байт ул-муқаддасга, андин уфқи аълога, уфқи аълодин Сидрат ул-мунтаҳоға, Сидрат ул-мунтаҳодин қоби қовсайнга. Қоби қовсайндин уёғ ҳолинда жони сирри бирла тун ичинда яна келтурдилар. Тақи ўрун тўшаги совумайин иссиғ эрди” [Рабғузий, 1991: 161].

Пайғамбаримиз(с. а. в.)нинг бу парвози Буроқ лақабли учар от воситасида амалга ошганини, унга фаришта Жаброил (а.) ҳамроҳлик қилганини айтиб ўтган эдик. Лекин Буроқ билан Жаброил (а.) ҳамроҳлиги ҳам фақат етти водийга етгунга қадар юз берадики, бу ҳақда яна сўз юритамиз.

Масала ойдинлаша бошлади: “Мантик ут-тайр” билан “Лисон ут-тайр”да воқеалар қушлар тимсолида қўрсатилгани бежиз эмас. Демак, Муҳаммад пайғамбар(с. а. в.)нинг арши аъло сари парвози билан қушлар сайри ўртасида табиий вобасталик бор. Ахир, қушлар осмон жониворлари ҳисобланади ва улар ҳам уча олади-да.

Навоий “Хамса”сининг дастлабки тўрт достони меъројномалари насрий сарлавҳаларида қушлар билан боғлиқ ишоралар йўқ. Лекин “Садди Искандарий” меъројномаси насрий сарлавҳаси: “Ул ҳўмойи баланпарвоз таяронинг суръати таърифидаким...” [Навоий, 1993: 24], – сўzlари билан бошланади. Бу: “У баланд парвоз этадиган ҳўмой қушининг учиши суръати таърифидаким...” – дегани. “Баланд парвоз этадиган ҳўмо қуши” дейилганда эса Муҳаммад пайғамбар (с. а. в.) кўзда тутилган.

“Лисон ут-тайр”нинг меъројнома боби насрий сарлавҳасида тасвир тамоман қушлар билан боғлиқ истиоралар воситасида кечади: “Ул рисолат қофи анқосининг баландпарвозлиги ва Маҳбуби ҳақиқий васлига етиб, қуши тили била тақаллум ва ҳамрозлиги” [Рабғузий, 1991: 161]. (16).

Бунда пайғамбар (с. а. в.) “рисолат қофи анқоси” деган истиора билан таърифланадики, у “пайғамбар(а.)лар тогининг анқо қуши” деган маънони беради. Қоф – энг узоқ ва энг баланд афсонавий тоғ. Анқо – ана шу Қоф тогида яшайди, деб қараладиган ўта ноёб афсонавий қуш. Топилмас нарсаларга “анқонинг уруғи” деган ибора қўлланиши ҳам – шундан. “Баланд паврозлиги” сўzlари ўз маъносида ишлатилган. Унда Расулуллоҳ(с. а. в.)нинг

меъреж кечасида баланд осмонда учиши, “Маҳбуби ҳақиқий” дейилганда эса Аллоҳ таоло кўзда тутилган. Бу сарлавҳада, энг муҳими, Муҳаммад(с. а. в.)нинг ана шу ҳақиқий маҳбуб васлига етгани қайд этиляпти. Чунки меъреж тасаввуфий адабиётда ошиқнинг маъшуққа етиши янглиғ таърифланади.

Масалан, “Қисаси Рабғузий”да қуйидаги қизиқ савол-жавоб келтирилади:

“САВОЛ: *Муҳаммадни меърожсга ошурмоқда ҳикмат не эрди?*  
Эшиштил, тун-ла элтти, кундуз элтмади. Ҳикмат не эрди?”

ЖАВОБ бу туур: *Кундуз элтса, тамом ҳалқ кўргай эрди. Тун-ла элтти, мувофиқдин ва мунофиқдин ва сиддиқдин ва зиндиқдин белгулук бўлсун теб. Тақи дўст дўстга, ошиқ маъшуқга, маҳбуб маҳбубга тун-ла қовушур бўлур*” [Рабғузий, 1991: 161].

Хўш, ошиқ, яъни Муҳаммад пайғамбар(с. а. в.)нинг маъшуқ, яъни Аллоҳ таолога явуқлашуви қай даражада бўлган?

Умумий қилиб айтганда, пайғамбаримиз (с. а. в.) Аллоҳга энг юқори даражада, яъни бошқа ҳеч бир хилқатга насиб этмаган мақомда яқинлашдик, бундай имконият, ҳатто, бирон-бир фариштага ҳам берилган эмас. Яна “Қисаси Рабғузий” ёрдамга келади: “Қачон Сидрат ул-Мунтаҳоға тегдилар эрса, Жаброил турди (тўхтади – муаллиф). Расул алаиҳиссалом Жаброилнинг илкин тутуб, илгару тортди. Андоғ ҳайбатлиғ, азаматлиғ Жаброил Мавло таоло ҳайбатинда ёй киришиштек инчкалди. Айди: “Ё Расулуллоҳ, ма манна илла лаҳу мақомун ўта кечак ўт келиб, бизни куйдурур”, – теди. Расул алаиҳиссалом айди: “Жаброил, Муҳаммадни ошдургучи сен эрсанг, мундин устун нега элтмассен?” Жаброилни анда қўйди, ўзи подишоҳлар менгизлик кувану боруб, Аришга ошти. Андин ўта кечти. Етти қат кўк фаришталари ани кўруб, тонглаштилар. Айдилар: “Илоҳий, бу ким туур? Мундог ёлгузун истоҳлиқ бирла бору туур. Ариши кўзга илмас, курсига боқмас. Ужмоҳни, тамуғни сақишига олмас. Бу ким туур?” Яратқан Изи(Эга, Худо – муаллиф)миздин ёрлиғ келди: “Эй менинг фаришталарим, бу ул туурким, қачон манинг ариғ отим эшишсангиз: “Ла илаҳа илла-Ллоҳу Муҳаммадун расул у-Ллоҳи”, – теб, сўнгунча анинг оти туур. Аридин, курсидин кечти. Ҳижоблардин ўта чиқди, ҳижоблар кўрди. Ул мақомга тегдиким, Мавло таоло ёрлиқлар: “Фа каана қоба қавсайни ав адна”. Яъни икки ёй андозасинча тиклик Мавлонинг азамати ва далолатига ёвушти, андин устун мақом йўқ. Набийи мурсал, маликим муқарраб тегмас ерга тегди. Аммо Мавло таолога зот соридин ёвушти, темак раво бўлмас, куфр бўлур. Ким Ҳақ таолони юқори-қуви, остин-устун, илгару-ортгару

*бирла ёд қилса, коғир бўлур. Наъузу би-Ллаҳи мин залик”* [Рабғузий, 1991: 151].

Бу жумлаларда пайғамбаримиз(с. а. в.)нинг Аллоҳ васлига етгани тасвирланади. Тасаввуфни айнан ана шу васл қизиқтиради. Тасаввуф адабиётида бир умр худди шундай васлни орзулаган инсон куйланади. Демак, сўфийнинг улуғ нияти – ана шу Муҳаммад пайғамбарга тириклиқда насиб этган улуғ васлга етиш.

Навоий “Хазойин ул-маоний”даги З-девон бўлмиш “Бадоеъ ул-васат”нинг 650-ғазалида парвона бевосита Жаброил(а.)га ўхшатилади ва тўғридан-тўғри унинг васлдан хушхабар олиб келиши орзу қилинади:

*Дема “паврона”, де “Жибрил”, агар бир ғам туни ногаҳ,  
Кишига берса бир шамъи шабистон васли пайгоми.*

[Навоий, 1990: 450].

Бу байтда зимдан меъроj кўзда тутилаётгани қўриниб турибди.

Хўш, оддий мусулмон банда Муҳаммад (с. а. в.) етган буюк мақомни орзулаш билан пайғамбарлик даъво қилган бўлмайдими?

Йўқ. Чунки буюк муҳаддис – Ҳаким Термизий нақл этганидек: “Солиҳ мўминларда нубувват (пайғамбарлик) шони бордир. Нишони бордир. Нечукким, пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам марҳамат этар: “Ким Куръонни ўқиса, буйругини тутса, пайғамбарлик унинг икки қоши орасида тебранур”. Ва яна айтмисилар: “Яхши туси пайғамбарликнинг қирқ олти жузъидан бир жузъидур”. Зоро Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам жанобимиз пайғамбарлик муддатини олган йигирма уч йилнинг олти ойида илоҳий амрларни туси орқали қабул қилиб олганларини айтганлар. Олти ой эса йигирма уч йилнинг қирқ олти жузъидан бир жузъидур” [Аттор. 1993].

Ана шу исломий тушунчалардан бехабар ҳолда ўқий бошласак, мумтоз шеъриятимиздаги кўп тасвирлар моҳиятига тўлиқ ета олмаймиз. Масалан, Мавлоно Лутфийнинг Сайид Ҳасан Ардашер жуда хуш қўрган [Бу ҳақда қаранг: Навоий, 1999: 92] бир матласи бор:

*Лайлам ул-меъроjнинг шарҳи сочи тобинدادур,  
Қоба қавсайн иттиҳоди қоши мөхробинدادур*  
[Лутфий, 2012: 26].

Бунда ёрнинг сочи жингаласида меъроj кечасининг шарҳи ва икки ёй яқинлигича қовушиш мавжудлиги айтиляпти.

Умуман, сўфийларнинг Аллоҳга руҳан яқинлашувини парвоз янглиғ таърифлаш Навоийдан олдинги форсий шеъриятда ҳам, туркий шеъриятда ҳам етарлича мавжуд эди. Масалан, Аҳмад Яссавийнинг:

*Пири музон хизматида югруб юрдум,  
Хизмат қилиб, кўзим юммай ҳозир турдим.  
Мадад қилди, Азозилни қовлаб сурдим,  
Андин сўнгра қанот қоқиб, учдим мано* [Яссавий, 1990:45], –

деган сатрларида келган “қанот қоқиб учдим мано” сўзларида айнан ана шу меърожга тақлидан Ҳаққа сари интилиш кўзда тутилган. Ёки Аҳмад Яссавийнинг ҳам тариқатдаю ҳам шеъриятдаги бевосита издоши – Сулаймон Бокирғонийнинг бир ҳикматида Аллоҳ номидан “зокир қуллар”, яъни зикр тушувчи сўфийлар учун, худди Муҳаммад(с. а. в.)га насиб этгани каби, сонсиз Буроқ оти ҳозирлангани айтиладики, бу сўфийларнинг меърожга ўхшаш васлни орзулашларини ёрқин акс эттириб турибди:

*Фармон келгай: “Ё Муҳаммад, мингил Буроқ,  
Ҳабибимсан, мандин санга йўқ ул фироқ.*

*Адн ичра яратдим ман сонсиз Буроқ,  
Зикр айгон зокир қуллар учсун тею”*

[Бокирғоний, 1991: 23].

Ана шу талқинларга асосланиб ҳам айтиш мумкинки, зоҳидлар жаннат тиласа, сўфийлар меърож истайди. Бу ерда мақсадлар ўртасида кескин фарқ бор. Навоий шеърлари лирик қаҳрамонининг зоҳид тимсолига зидфикр-гояларни илгари суриши ҳам – шундан. Чунки, “Ғаройиб ус-сигар” девони 40-ғазалида айтилганидек, ҳар ким ўзига керакли нарсани орзу қилади:

*Тиласа равзани зоҳид, Навою кўюнг, –  
Ки ҳар киши истарки, бор анга марғуб* [Навоий, 1988: 56].

Бу таҳлиллар орқали тасаввуфий достонларда нега маҳсус меърожнома боблар битилиши ҳам, нима учун “Мантиқ ут-тайр”у “Лисон ут-тайр”да воқеа учиш имкони бўлган қушлар тимсолида кўрсатилгани ҳам бир оз ойдинлашгандек бўлди. Биринчидан, бу дунёда фақат ва фақат бир кишигагина – Муҳаммад пайғамбар(с. а. в.)гагина бўлса ҳам, тириклайн васл насиб этдими, бас, сўфий ҳам шуни орзулаши мумкин. Иккинчидан, бу

vaslga Расулуллоҳ (с. а. в.) парвоз орқали эришди, шунинг учун ҳам учиш Аллоҳга ишқнинг йўли янглиғ кўп қаламга олинади. Бунда руҳнинг кўтарилиши кўзда тутилади, албатта:

“Наводир уш-шабоб”нинг 40-ғазалида шоир лирик қаҳрамони Навоийни кўзи боғлиқ қушга ўхшатади. Бу билан у ўзининг бу дунёга боғланмаганлигига ишора қиласи ва бу чаман, яъни мавжуд оламда учишнинг унга насиб этишини Аллоҳдан сўрайдик, бу парвознинг тагзаминида ҳам Тангри васли сари интилиш ётади:

*Чун Навоий кўзи боғлиқ қуши эрур олам аро,  
Бу чамандин анга учмозни насиб эт, ё Раб* [Навоий, 1989: 34].

Шу девоннинг 650-ғазалида эса мана бу байт мавжуд:

*Ҳавоий ишиқида кўнглумда ҳуши қолмадики,  
Бу телба қушининг эрур ул ҳавода парвози* [Навоий, 1989: 469].

“Телба қуши” деганда Навоий кўнгилни кўзда тутаётгани, кўнгил эса ёр истаётгани, Аллоҳга интилаётгани – аниқ. “Бадоев ул-васат”нинг 3-ғазалида шоир васлга интилиб учган қушларнинг барчаси ҳам орзусига етавермагани, лекин сидқидилдан парвоз этганлари етгани ҳақида сўзлайдики, бу “Мантиқ ут-тайр” воқеалари асосида айтилгани кўриниб турибди:

*Гулишани васлингга ҳар қушики ҳаво кўргузди,  
Етмади, лек агар етти қилиб эрди ҳаво* [Навоий, 1990: 9].

Бу байдаги “етти” сўзи бира-тўла икки маънода келган: биринчиси – “етишди”, “етиб борди”, иккинчиси – рақам маъносидаги “етти”. Шундан келиб чиқадики, учган ҳар қуши васлингга етмади, агар етти (водийни) учиб ўтган бўлса у васлга етди, дейилмоқчи.

Навоий “Садди Искандарий”да ёзганидек, Шарқ нужумиётида юлдузлар ҳам еттига тақсим қилинади, қадим жўғрофия Ер юзини ҳам етти иқлимга бўлади:

*Кавобгаким, етти тақсим эрур,  
Жаҳон мулки ҳам етти иқлим эрур* [Навоий, 1993: 237].

“Мантиқ ут-тайр” билан “Лисон ут-тайр”да масала қушларнинг парвози орқали талқин этилиши бекорга эмас. Эътиборли жойи шундаки, пайғамбар

(с. а. в.) ана шу дастлабки етти осмонга Буроқ ва Жаброил (а.) кўмагида парвоз қиласди. Аммо зот ул-буруж – саккизинчи осмон кўринганда Буроқ билан Жаброил (а.), худди қушдан икки пар тушиб кетгандек, қолади. Чунки бундан буёғига уларга рухсат йўқ. Ҳолбуки, яна икки осмон мавжуд. Саккизинчи осмондан кейин тўққизинчи фалак – аршу курси келади. Бу ёғига Муҳаммад (с. а. в.), “Қисаси Рабғузий”дан келтирилган парчада айтилганидек, Рафраф ёрдамида яккаю ёлғиз сайр этади.

Бироқ меъроj йўлидаги ана шу етти фалакда гап – кўп. Ундан у ёғи – Ҳаққа яқинликка, яъни қурбга етишган Муҳаммад(с. а. в.)гагина насиб этадиган даража. Навоий шеъриятида бу воқеа қайта-қайта қаламга олинганини кўрамиз. Масалан, “Наводир уш-шабоб” девонининг 242-ғазалида шундай байтни ўқиймиз:

*Чу қурб қофиға еттинг, етишмади Жибрил,  
Не навъ Ҳудҳуд Симурғ ила бўлур йўлдош* [Навоий, 1989: 177].

Бу ерда бевосита “Мантиқ ут-тайр”га алоқадорлик бор. Чунки байтда айнан меъроj кўзда тутилаётганидан ташқари, Ҳудҳуд ва Симурғ ҳам тилга олиняпти. Ҳудҳуд – “Мантиқ ут-тайр”да қушларни Симурғ сари етаклаган раҳнамо қуш. Аттор асарида у мажозан пир рамзи бўлиб келган. Симурғ эса бу достонда Аллоҳ таоло тимсоли янглиғ талқин этилади. Келтирилган байтдаги Ҳудҳуд эса Жаброил(а.)га қиёсланган. Ҳудҳуд эса – “Мантиқ ут-тайр”да пир рамзи. Демак, пир сўфийни еттинчи водийгача етаклаши мумкин, холос. Кўриниб турибдики, бу байтда Жаброил(а.)ни Ҳудҳудга ўхшатиш Навоий учун анъанавий ташбеҳлардан ҳисобланади. Бу фикр исботи учун яна бир мисол келтирамиз:

*Эй пўяда маркабингга таъжил,  
Оллингда ҳақир пайки Жибрил.*

*Ҳудҳудга не моя, қадру сомон,  
Сайр айласа Ер уза Сулаймон* [Навоий, 1992: 18].

“Лайли ва Мажнун”дан олинган бу парчада Сулаймон пайғамбар (а.) Ер уза сайр қилганда Ҳудҳудга ҳожат бўлмагани янглиғ, Муҳаммад(с. а. в.)нинг зимдан меъроjнинг якуний босқичи, яъни саккизинчи ва тўққизинчи осмонга парвозида Жаброилга эҳтиёж сезмагани кўзда тутиляпти. Ҳудҳуд, биламизки, Сулаймон пайғамбар(а.)нинг қушлар ичидаги ёрдамчиси эди.

Ана шу тасвирлардан ҳам кўринадики, меъроj кечаси Жаброил пайғамбар(с. а. в.)ни вasl сари етаклагани каби, пир ҳам – соликни Аллоҳ сари етакловчи раҳнамо. Жаброил пайғамбар(с. а. в.)ни Аллоҳга қандай боғлаб турган бўлса, пир ҳам сўфийни Тангрига шундай боғлайди. Пайғамбар (с. а. в.) еттинчи осмонга етганидан кейин Жаброилга ҳожат қолмагани сингари, сўфий ҳам муайян даражотга етгач, пир унга оқ фотиха беради.

Навоий шеъриятида ана шу еттинчи осмондаги Сидра дарахти ҳам муҳим тимсоллардан бири ҳисобланади. “Лисон ут-тайр”да Худхуд Товуқнинг (Аслида, Хўroz кўзда тутилган, шоир бу ерда “Товуқ” сўзини умумий маънода қўллаган – *муаллиф*) баҳонасини рад этар экан, Сидра дарахти устида қимирламай ўтирадиган қуш ҳақида ҳикоят келтиради [Бу ҳақда батафсилоқ маълумот олиш учун қаранг: Олим, 1996: 131 – 140].

Шоирнинг бевосита наът ғазалларидан бирида пайғамбаримиз(с. а. в.)нинг Сидрага етгани алоҳида эътибор билан қаламга олинади:

*Эй келиб минбарнинг уч поя била Сидрага сен,  
Сен чу анда тутуб ором бўлур Сидранишин*  
[Навоий, 1990: 309].

Биринчи мисрада пайғамбар(с. а. в.)нинг уч қадам билан Сидрага етгани, иккинчисида эса ўша дарахт устида ўтиргани тилга олинган. “Уч поя” дейилишига сабаб бор. Бошроқда “Қисаси Рабғузий”дан келтирилган бир парчада айтилганидек, Муҳаммад (с. а. в.) меъроj кечаси аввал Байт ул-муқаддасдан – кўкка, кейин кўқдан – уфқи аълога, уфқи аълодан – Сидрат ул-мунтаҳога парвоз қилгани айтилади. Демак, Ердан Сидрагача уч босқич ўтилган.

Ушбу ғазалнинг кейинги байтида айтиладики, пайғамбар(с. а. в.)нинг Сидра сари бу сафарида мингани – руҳи равон, яъни Буроқ ва қаноти – Рух ул-амин, яъни фаришта Жаброил (а.) эди:

*Ул сафар иҷраки, сен Сидра сари айлаб азим,  
Марқабинг – руҳи равон, пайкинг ўлуб – Рух ул-амин*  
[Навоий, 1990: 309].

Сидрага етиш ҳам фақат ана шу Муҳаммад пайғамбар(с. а. в.)гагина насиб этди. Шунда шоир, *Сидрани минбар қилиб, сўзлагудек бўлсанг, барча расуллар (яъни пайғамбарлар) очиқ оятлар эшиитиши учун жамъ бўлишиади, дейди:*

*Сидрани минбар этиб, нукта десанг эрди, русул –  
Жамъи бўлган эди эшишткали оёти мубин*

[Навоий, 1990: 310].

*Бу эса, – дейди давом этиб шоир, – худди Сидрага ўхшаши минбари узра гоҳида ҳадис айтганингдан ҳар тарафдан пайғамбар(с. а. в.)га ўхшаши сұхбатдошлар ийғилганига ўхшайди:*

*Уйлаким, Сидра киби минбар уза гоҳи ҳадис,  
Йигилур ҳар сори асҳоби рисолатойин*

[Навоий, 1990: 310].

Мұхаммад(с. а. в.)га йигирма уч йил мобайнода Жаброил (а.) орқали вахй келиб турди. Лекин Жаброил (а.) Мұхаммад(с. а. в.)га ҳамиша бир тенгдоши каби кўринар эди. Икки мартагина пайғамбар (с. а. в.) уни фаришта суратида кўрди. Бир гал, Рабғузий сўзлари билан айтилса: “Кўкнинг этаклари Ерга қовушган ерда кун тугартек” [Рабғузий, 1991: 148]. Иккинчи сафар ана шу Сидрат ул-мунтаҳода Мұхаммад (с. а. в.) Жаброил(а.)ни кўрди: “Бу гал пайғамбар уни қуши янглиг қўрдилар. Тамом қанотларини ёзди. Жаброилнинг олти минг қаноти бор” [Рабғузий, 1991: 148]. Барча қаноти зумрад, инжу, гавҳар, ёқут билан безатилган.

Рабғузийнинг ҳикоя қилишича [Қаранг: Рабғузий, 1991: 147], Сидра дарахти мева ҳам тугади. Унинг мевалари Ҳажр қабиласи ишлатадиган сув идиши – қиллага ўхшаш даражада катта. Қиллага эса олтмиш ботмон сув кетади. Барглари филнинг қулоқларига ўхшайди. Энг муҳим жойи шундаки, ана шу дарахт остидан тўрт ариқ оқади. Ичкаридаги икки ариқ тўғри жаннатга йўналган, четдаги икки ариқдан бири – Нил, иккинчиси – Фурот дарёси.

Бу тасвирлардан ҳам кўриниб турибдики, ана шу еттинчи қават осмоннинг, яъни Сидрат ул-мунтаҳонинг бевосита жаннатга алоқадорлиги бор.

Яна бир муҳим жиҳати шуки, фаришталар осмоннинг ана шу етти қатидагина бўлади. Ундан у ёғига кўтарилишга уларнинг имкони йўқ. Рабғузий меъроj тунида етти кўк фаришталари пайғамбар(с. а. в.)га ҳавас қилғанларини қайта-қайта ёзади: “Етти кўк фаришталари ани кўруб тонглаштилар” [Рабғузий, 1991: 151], “Етти қат кўк фаришталари ибодат қилиб савоб бўлур эрса, ул икки ракъат намоз ўтаб, сўнгича бу калимотни ўқиганларга онча савоб бергайман, теб ёрлиқади” [Рабғузий, 1991: 156].

Арш – Аллоҳ таолонинг рамзий макони. Шундай тасаввур қилинади. Рамзийлиги шундаки, Аллоҳ таоло – аслида, ҳамма жойда ҳозир нозир. Шунинг учун, ҳатто: “*Аллоҳнинг назари фалон жойга тушибди*”, – дегани ҳам тимсолий бир ифода, холос. Сабаби – бу дунёю у дунёда Аллоҳнинг назари тушмаган ернинг ўзи йўқ. Лекин Аршда малойиклар йўқ. Шунинг учун улар зикру тасбех деб, ҳар сари пешоналарини сурта олмайди:

*Даргаҳинг Аришурур, анда малойик не ажаб,  
Зикру тасбех дебон суртса ҳар сори жабин*  
[Навоий, 1990: 310].

Шоир тасаввурида пайғамбар (с. а. в.) Аршга чиққанида чарх бошидан сочиқи сочиш учун тўқиз дастурхон, яъни осмон ичида юлдузларни қимматбаҳо дурлардек сочиб юборган:

*Сен чу Арии узра чиқиб, чарх нисорингга ясаб,  
Бу тўқуз хон ичида анжум ила дурри самин*  
[Навоий, 1990: 310].

Одатдагидек, шоирнинг бу тасвиrlаридан кўзлаган “тамаъ”си бор. У ҳам бўлса, гуноҳлари кўпайиб кетганидан қўрққани учун қиёмат куни пайғамбар(с. а. в.)нинг унга бир назар ташлаб, шафоат этиши, яъни Аллоҳдан унинг гуноҳларидан ўтишни сўрашидан умидворлик қилади:

*Журму исён кўпидин бўлди Навоий бехуд,  
Бир назар айла аниңг сорики, бор асрру ҳазин*  
[Навоий, 1990: 310].

Сўфийликнинг меърежга бевосита вобасталигини далилловчи яна бир жиҳат бор. Пайғамбар (с. а. в.) Аллоҳ васли сари қават-қават осмонлардан бирин-кетин ўтгани каби, сўфий ҳам кўнгил равнақини босқичма-босқич амалга ошира боради. “Мантиқ ту-тайр” ва “Лисон ут-тайр” мантиғига кўра, фақру фанога этиш – сўфий учун олий истак. Унга эса даражама-даражада, манзилма-манзил яқинлаша боради.

Келинг, шунча таҳлиллардан кейин энди етти водий тасвирини ҳам тасаввуфий, ҳам дунёвий маънода тушунишга уриниб кўрайлик.

Т а л а б водийси инсонни олдига бир улуғ мақсад қўйишга ундейди. Бош мақсад аниқлашдими, демак, энди бари майда-чуйда, икир-чикир жиҳатлар, яъни жамики иккинчи, учинчи, тўртинчи... даражали ният ё

истаклар четга сурлади. Бу водийда мақсад шу тариқа батамом ойдинлашади.

И ш қ водийсида ана шу муайянлашган мақсадга меҳр қўйилади. Шу меҳр чинакам ишққа айланади. Шу ишқ кишининг йўлини ёритади. Бунда одам ана шу бош мақсади йўлида қўйиб-ёнади, ўртанади. Ахир, халқона айтганда, жон куйдирмасанг, жонона қайдади!

Маърифат водийсида ҳар ким олий мақсади сари ўз йўлидан юради, лекин йўлдагиларнинг бари бир – асл мақсадга интиляпти. Олий мақсад – ҳатто, инсоннинг дини, эътиқодидан қатъи назар, бир ва у эзгуликлару гўзалликлар мажмуаси, яъни манбасидан иборат. Бироқ маърифат ҳар кимга факат сезгилар, яккаш ақл эмас, балки, кўнгил билан билиш йўли бўлиб хизмат қилиши лозим. Шунинг учун ҳам Навоийнинг “Назм ул-жавоҳир”ида (бу тўплам пайғамбар алайҳиссаломнинг куёвлари – ҳазрати Алининг сўзлари мазмуни асосидаги рубоийлардан ташкил топган) айтилганидек:

*Тоат кўпидин маърифат ози яхши!*

[Навоий, 1999: 157].

Шунга ҳам аниқлик киритиб ўтиш зарурки, “маърифат” сўзи тилимизда ҳозир бир оз бошқачароқ, кенгроқ, яъни русча “просвещение” маънодасида қўлланади. Жадидчилик ҳаракатини “маърифатпарварлик ҳаракати” ҳам деймиз. Республика Маънавият ва маърифат кенгаши, унинг ташкилий гурухи – ижроия идораси ҳисобланадиган Республика Маънавият ва маърифат маркази фаолият олиб боряпти. Бироқ Навоий асарларида “маърифат” сўзи тасаввуфий истилоҳ ҳисобланади ва унинг хос маънолари мавжуд. Юқорида келтирилган мисрада у, ҳатто, “тасаввуф” атамасининг маънодоши (синоними) сифатида қўлланган. Чунки “маърифат” сўзининг ўзаги “арафа”. Бу биздаги “яқинлашмоқ” дегани. Бироқ тасаввуфий маънода Зотга, яъни Худога яқинлашмоқ кўзда тутилади.

“Мантиқ ут-тайр” ва “Лисон ут-тайр”даги “Маърифат водийси” тасаввунинг бир босқичини англатади.

Улуғ аллома ва шайх Ҳаким Термизий маърифатни ниҳоят даражада улуғлаб, шундай деб ёзади: “Эскирган камон билан қанчалик ўқ отмагин, ўқ нишонга тегмасдан, хато кетаверади. Шундай ҳолат тан билан ҳам юз беради. Уни қаровсиз қолдирсанг, ундаги ҳирслар кучайиб, ичидаги ҳарорати ошади ва ҳавоий нафс зулмати ортиб боради. Охир-оқибат у ҳам юқори мақомдан қуийи мақомга тушиб қолади. Юқори мақом эса ақл нури, маърифат нури, руҳ нури ҳамда илм-фан нуридир. Қалбдаги бу нурлар

қанчалик кучли бўлса, улар ҳирслар оловини шунчалик шиддат билан ёқиб юборади” [Термизий, 2015: 52]. Давомидан яна ўқиймиз: “Қалб маърифат нури, ақл нури, илм-фан нури, Аллоҳ берган фойдали нур ила ўз жойига қайтади” [Термизий, 2015: 53]. Нур билан боғлиқ талқин мана бундай давом эттирилади: “Киши манманлик диёридан қалбига тушиган нур воситасидагина чиқиб кетади” [Термизий, 2015: 58]. Қалбни поклашнинг энг муҳим воситаларидан бирини эса аллома қуйидаги ҳадиси шариф билан асослайди: “Қалбларингизни оз таом билан покланглар, шу йўл билан қалб тозаланади, нозиклашади, қувватланади ва мулойим бўлади” [Термизий, 2015: 59]. Ҳаким Термизий Муҳаммад пайғамбар (с. а. в.) ҳадисларига таяниб, яна ёзади: “Кўрдикки, ул зот (пайғамбар – С. О.) кишиларни маърифатга (Аллоҳга танишига) буюриб, уни “илмнинг боши” деб атадилар. Дарҳақиқат, [Расууллоҳ(с. а. в.)га мурожаат қилган киши] мусулмон бўлиб, ул зотдан мазкур илмнинг гаройиботларини ўргатишни сўраганди. Ул зот эса маърифат борасида энг билимдон киши эди” [Термизий, 2015: 69].

“Лисон ут-тайр”даги маърифат водийси тасвирида бир зўр ҳикоят келтирилади (Худди шу сюжет асосидаги ҳикоят Жалолиддин Румийнинг “Маснавий маънавий” асарида ҳам бор).

Фил бўлмайдиган мамлакатда яшайдиган бир неча кўзи ожиз мусофири Ҳиндистонга боради. Қайтиб келишганида улардан: “Филни кўрдингизларми?” – деб сўрашади. “Ҳа”, – дейишади улар. Кейин ҳар биридан уни тасвирлаб беришни илтимос қилишади. Масалан, оёқларини (Навоий “қўлларини” дейди, чунки олдинги оёқлари кўзда тутилган, аслида) силаб кўрган киши: “Сутунга ўхшайди”, – дейди. Фақат қорнини пайпаслаган бирори: “Бесутун уй томига ўхшайди”, – дейди. Хартумини ушлаб кўрган бу жониворнинг аждаҳога менгзашини айтади. Тишларига қўлларини теккизган: “Иккита суждан иборат экан фил деганлари”, – тарзида хулоса билдиради. Думини ушлаган уни, осилиб турган илон, деб тасаввур қилганини билдиради. Бошини сийпалаган: “Қоянинг тумшузи”, – деб таърифлайди. Қулоғини ушлаб кўрган одам: “Тинимсиз ҳаракатланиб турган елтигич”, – дейди...

Ҳамма гап шундаки, агар ана шу ожиз кишиларнинг барча айтганлари бир ерга жамланса, ўшанда фил ҳақида ҳақиқий, яъни бутун, тўлиқ тасаввур пайдо бўлиши мумкин. Бу билан, биринчидан, маърифатга ҳар ким ўз билгича эришади, иккинчидан, инсон бу дунё моҳиятини фақат кўрган-билгани, яъни сезгилари билангина англай олмайди, учинчидан, маърифат –Ҳақ таоло ва бутун борлиқни бир бутунликда кўриши дегани, дейилмоқчи. Рост-да – моҳият ақл билангина англарадиган нарса эмас, уни ҳис этиш, кўнгил билан фаҳмлаш керак.

И стиғно водийси кишининг, бу дунёда барча – тенг, деган тушунчага келиши жараёнини тасвирлайди. “Истиғно”нинг маъноси – муҳтож бўлмаслик, эҳтиёжсизлик. Солик бу водийда аъло (баланд, олий) билан адно(паст, тубан)нинг баробарлигини обдон тушунади. Умуман, тасаввуфга алоқасиз равишда ҳам Аллоҳ олдида, динию мазҳаби, ирқио миллати, бойлигию камбағаллигидан қатъи назар, ҳамманинг тенглигини теран англаш олий маданият белгиси ҳисобланади.

Оlamda ҳамманинг баб-баробарлигини англаганингиздан кейин, умуман, бу дунёning ўзи уйғун ва яхлит эканини тушунишга бир баҳя қолади.

Та в ҳ и д водийси тасаввуфга алоқасиз равишда ҳам бизга ана шундай маърифий таълим беради. Энди: “Бу – мен, эдим, бу – сен эдинг” ёки “Сен – кимсан-у, мен – кимман?!?” – деган масала у ёқда турсин: “Бу – Аллоҳ эди-ю, бу – инсон эди”, – деган тушунча ҳам қолмайди. Ахир, Холиқ, яъни Аллоҳ ҳам, маҳлук, яъни барча яратилганлар, жумладан, одам ҳам ана шу бир бутунликнинг ичида-ку. Бирлик ғояси шунинг учун ҳам муҳимки, инсон ўзини ҳам ана шу умумий ягоналиктининг ичида кўради. Бу эса кишига наинки бутун башариятни, балки ялпи оламни – ўзи, ўзини эса – ялпи олам деб билиш туйғусига олиб келади.

Қанийди, ҳамма бу дунёни, унинг жонзотларию мавжудотларию тоғу тошларигача ўз жисми каби ҳис этса... Унда бу олам ҳозиргидан кўра гўзалроқ, мусаффороқ, бехатарроқ, ширинроқ, қадрлироқ бўлиши аниқ эди.

Энди ана шу бир бутунлик, яъни тавҳидни англашнинг ҳам мукофоти бор. Кейинги водийни шундай талқин этиш ҳам мумкин.

Ҳ а й р а т водийсида киши тамом ҳайратга тушади. Ана шунда бу дунёning моҳиятини тушуна борган сари у бутунлай гунгу лол бўлиб қолади: кеча ёки кундуз, йўқ ёки бор ва бошқа шу каби барча тушунчалар моҳиятини батамом йўқотади, инсон ана шундай юксак фалсафий мушоҳада юритиш имконини қўлга киритади. Тафаккур шу даражага етадики, бундай кишидан: “Сен бормисан ё йўқмисан?” – деб сўрасалар ҳам, у бундай ўта оддий саволга ҳам жавоб беролмайдиган бўлиб қолади. Агар салгина чукурроқ ўйланса, бу бор ё йўқлигимиз ҳам – ниҳоятда нисбий, бағоят омонат, жуда-жуда ёлғондек, бу ҳаёт ҳам кўз очиб-юмгунча ўтиб кетаётган нарсадек бўлиб туюлади-ку, ахир. Бундан ҳар кимнинг ҳам ҳайратга тушмай иложи йўқ. Бу борлиққа беписандлик эмас. Асло. Аксинча – ҳатто, киши бундай фалсафий мушоҳада поғонасига етганидан кейин бутун олам тугул, унинг ҳар бир кўз илғамас заррасига ҳам ҳайрат кўзи билан боқадиган бўлади.

Навоий “Хамса”сининг ilk достонини “Ҳайрат ул-аброр”, яъни “Яхшилар ҳайрати” деб бекорга номлаган эмас. Теранроқ мулоҳаза қилинса, ҳаётнинг ўзи – бошдан-охир ҳайратлардан иборат. Тиканли новдадан ўсиб

чиқиб, чамандек бўлиб очилган гулни кўриб, бир-бири билан ўйнашаётган мусичаларни томоша қилиб, бешикка бойланган эмизак, яъни сўргични момик қўлчалари билан тортқилаётган жажжи чақалоқни кузатиб: “*O Аллоҳ, мен сени қанчалар яхши кўраман-a!*” – деб, ич-ичидан ҳайратга тушадиганлар камми бу дунёда??!

Фақру фано водийси – солик учун бир буюк орзу. Чунки Ҳақиқатга – бақога шундан кейин етилади-да. “Мантиқ ут-тайр” ва “Лисон ут-тайр”даги Фақру фано водийси илмда бир қадар таърифланган, таҳлил этилган [Қаранг: Олимов, 1991: 154 – 164; Олим, 1992: 7 – 42]. Шунинг учун бу ерда биргина ўхшатишни эслаш билан чекланамиз. Фақру фанога етган киши ўзини денгиз юзидағи мавж янглиғ сезади. Чунки бу ерда фақат денгиз бор. Тўлқинлар эса – ҳаддан ташқари омонат. Улар қандай бир зумда пайдо бўлган бўлса, шундай бир зумда йўқ бўлиб, денгизга сингиб кетаверади. Оддий одамни қўя турайлик, бу ерда энди кимсан – Аллоҳнинг элчиси, яъни пайғамбар (а.) бўлса ҳам, бир мавждеккина тушунилади. Бу билан киши бу дунёда Худодан бошқа ҳеч қандай абадий, яъни боқий нарса йўқлигини тўла англайди. Инсон ўзининг ўта ва ўта ўткинчи бир жонзот эканини агар ана шу “Лисон ут-тайр”да талқин этилгани қадар тушунса, бу дунё умрни бемаъни ҳою ҳаваслар, фитнаю иғволар, ҳасаду ҳасудлар билан ўткариб юборадиган неъмат эмаслигини ҳис қиласди. Бу ҳақиқатни ҳис этган одам фақат яхшиликлар сари интилиши, ҳеч бўлмагандага, ёмонлик қилмасликка уриниши мумкин.

Шу тариқа руҳан, яъни маънан камолга ета борар экан, инсон: “*Бу дунё мендан иборат!*” – деган зўр фикрга келади. Сабабки, Аллоҳнинг бу оламларни яратишдан мақсади ҳам Инсон эди. Шунинг учун ҳам Инсон Зот, яъни Худонинг ижмоли, яъни муҳтасарлигига тафсил, яъни батафсиллик ва вужуд ишколи, яъни чалкашлигига таъвил, яъни йўйилганлик, тушунтирилганлик ҳисобланади:

*Ким сен-ўқсен ҳар неким мақсуд эрур,  
Сендин ўзга йўқ, неки мавжуд эрур.*

*Зотнинг ижмолига тафсилсен,  
Ҳам вужуд ишколига таъвилсен* [Навоий, 1996: 238].

Лекин Аллоҳнинг мақсади шунчаки одамни эмас, айнан комил инсонни кўриш. Меъроҷ мўъжизаси орқали Муҳаммад (с. а. в.) шундай юксак комиллик даражасига етган эди. Тасаввуф талқинига кўра, ана шу баҳт ҳамма

учун бир мезон, барчага бир ҳаёт чироғи, бани башар учун бир буюк орзу бўлиши керак.

Меърож – инсоннинг комиллик мезони. Етти водийдан парвоз қилиб ўтиш ҳам – меърождек гап.

Ана энди яна бир нозик нуқтага аниқлик киритиб ўтиш имкони туғилди. Мумтоз адабиётимиз вакиллари ижодидан даҳриёна фикрлар қидириш расм бўлган шўро замонларида Бобораҳим Машрабнинг:

*Ёрсиз ҳам бодасиз Маккага бормоқ не керак,*

*Иброҳимдин қолғон ул эски дўконни на қилай*

[Машраб, 2017: 92], –

деган байтини айнан “худосизлик” деб баҳолаш бўлди. “Иброҳимдин қолған ул эски дўкон” эса Каъба экани – бугун барчага аён. Лекин бу буюк шоир лирик қаҳрамони нега Каъбани рад этяпти? Гап шундаки, унга Аллоҳнинг уйи эмас, балки, унинг Ўзи керак! Бу – васл, яъни меърожнинг оташин иштиёқи билан айтилган шоирона хитоб. Бундай висолни орзулаш кўп шоирлар шеърларида, шунингдек, Навоийнинг ўзида, жумладан, “Фавойид ул-кибар” девонининг 92-ғазалида ҳам бор:

*Ҳарими қурб аро матлуб васлидин бўлуб маҳзуз,*

*Йўқ андоқким, ҳарими Каъба ичра зумрайи ҳужжсојж*

[Навоий, 1990: 70].

Ғазалдаги лирик қаҳрамон “ҳарими қурб”, яъни яқинлик ҳаримида матлуб, яъни Аллоҳ васлидан ҳузур топишни Каъбада ҳаж қилаётгандар ҳаловатидан устун кўради.

Хуллас, “Лисон ут-тайр”нинг ахлоқий-маърифий моҳияти ана шундай чуқур маъноларга асосланади. Келтирилган таҳлиллар достонни бемалол “меъроjnома асар” деб аташга тўла асос бўла олади.

169-боб билан достоннинг қушлар парвозига алоқадор қисми тугайди. Шунинг учун “Қушларнинг фано ҳусулидин бақо вусулига еткони” деб номланган бу бобда шоир, таъбир жоиз бўлса, назарий хулосалари баёнига ўтади. Шунинг бу бобда достоннинг энг муҳим жойи келади – қушларнинг ўzlари Симурғ, яъни “си” (“ўттиз”) “мурғ” (“қуши”) бўлгани ҳақида сўз боради. Шоир пайғамбар (с. а. в.) меърожи билан етти водий ўртасидаги вобасталикни очиқ таърифлаб ўтади:

*Бордур инсон зотида онча шараф, –*

*Ким ямон ахлоқни этса бартараф.*

*Бўлмаса фиръавнлигнинг пайвари,  
Қолмас ондин жуз сифоти мавлавий.*

*У шараф ганжига топиб аҳллиқ,  
Салб қиласа сийрати Бу Жаҳллиқ,*

*Шон анга бўлур Ҳабибуллоҳдек,  
Буд ила нобуддин огоҳдек, –*

*Ким қилиб меърожи ваҳдатқа гузар,  
Ли мо Аллоҳ сирридин бергай хабар.*

*Васл нуридин кўз ул янглиғ ёрур, –  
Ким ародин менлику сенлик борур [Навоий, 1996: 237].*

“Бу Жаҳл” дейилганда Муҳаммад пайғамбар давридаги ислом динига қаттиқ қарши турган Абу Жаҳл кўзда тутилган. Исломий адабиётда у кофирилик тимсолига айланган. Муҳаммад (с. а. в.) эса мусулмонликнинг, ҳаттоқи, умуман, инсонликнинг олийдан олий намунаси хисобланади. Тасаввуфий талқинга кўра, ҳаттоқи, Аллоҳ таолонинг икки оламни яратишдан кўзлаган бош мақсади ҳам Муҳаммад пайғамбар(с. а. в.)нинг кўнглини яратиш эди.

Инсон, биринчидан, ёмон ахлоқни ўзидан бартараф этса, иккинчидан, фиръавнлардек ёки Абу Жаҳлдек кофирилик қилмаса, Яратган уни Ҳабибуллоҳ, яъни Муҳаммад пайғамбар(с. а. в.)га насиб этган шону шарафга мұяссар айлайди, шунда у бору йўқдан огоҳ бўла олади, ҳатто, меърождагидек ваҳдат, яъни Аллоҳ билан бирикувга эришиб, Тангрининг сирларидан воқиғлик топади, васлга етади, у билан Худо ўртасида “мен”лигу “сен”лик барҳам топади, қушлар ўзлари Симурғ бўлгани сингари, бундай одам ҳам васлга етишади.

Келтирилган бу нисбатан каттароқ парчанинг 5-байтида “меърож” эслаб ўтилгани ҳам бекорга эмас.

Шу тариқа меърож пайғамбар мўъжизалари ичida тасаввуф учун энг олий мезон экани ойдинлашди. Навоийнинг моҳиятан меърож билан энг кўп ва бевосита боғланган достони – айнан ана шу “Лисон ут-тайр” экани ҳам маълум бўлди.

Лекин чуқурроқ тадқиқу таҳлил этилса, “Лисон ут-тайр”гина эмас, Навоийнинг бошқа достонларидаги меърожномалар ҳам ана шундай бевосита

ёхуд билвосита асар моҳияти билан туташади. Чунки шоир маснавийларида бадиий интизом шу даражада юксак баракамоллик мартабасидаки, уларнинг бошидан охиригача муаллиф мақсади ва умуммоҳиятдан айри ё унга бегона биргина сатр ҳам йўқ.

“Лисон ут-тайр”да меърож ва етти водий вобасталиги таҳлилидан яна бир муҳим хulosага келамизки, Навоий асарларидаги ўзликдан кечиш, жисмдан қутулиш ғоялари – бизнинг тасаввуримизда йиллар мобайнида қора бўёқлар билан шакллантирилган таркидунёчиликдан тамоман бошқа фалсафий-маънавий мазмуну моҳиятга эга.

Меърож – ана шу асл моҳиятни англаш учун бафоят зарур мўъжиза.

Ялпи олганда, “Лисон ут-тайр”да меърож тасвирий асос ҳисобланади.

Демак, “Лисон ут-тайр” моҳиятан меърожнома достонлар сирасига киради. Соф меърожномалардан унинг фарқи шундаки, бунда меърож тўғридан-тўғри, яъни бевосита эмас, мажозан – қушлар тимсоли орқали, яъни билвосита қаламга олинган. Бошқача айтганда, Навоий меърожнинг ўзини эмас, соликлар руҳининг меърожга интилишини тасвирлаган.

Қушлар минг меҳнату мاشаққатлар билан сафар қилишди. Баъзилари Симурғ сари учиш фикридан кечмоқчи ҳам бўлди. Лекин Ҳудҳуд уларни таъсирчан ваъзлари билан тўғри йўлга солиб турди. Охири уларда сидқу ихлос пайдо бўлди. Шу иккиси охири иккинчи фано ичра уларни ёрга ошно этди. Васл ҳосил бўлди. Яъни қушлар олдида шундай бир кўзгу пайдо бўлди, улар қаёққа боқса ҳам, ўзини кўрди:

*Ҳар гул ул гулишанда бир кўзгу эди, –*

*Ким қаён боқса, алар ўтру эди...*

*Кўрдилар ўзни қаёнким, тушиби кўз,*

*Аллоҳ-Аллоҳ, не ажойиббур бу сўз, –*

*Ким қилиб Симурғ ўттуз қуши ҳавас,*

*Ўзларин кўрдилар ул “си” “мурғ”у, бас [Навоий, 1996: 268].*

Бу тасвирларни ўқиган китобхон беихтиёр Муҳаммад(с. а. в.)нинг меърож кечаси Арши аълода Аллоҳ таоло билан васл ҳосил қилганини хаёлига келтиради. Бу васл ҳолати тасвирида шоир “ман араф” (“яқинлик”) истилоҳини ҳам қўллади:

*Мунда зоҳир бўлди сирри “ман араф”,*

*Ким кўрубтур гавҳар ўлмоғлиғ садаф?! [Навоий, 1996: 268].*

Гавхар – нима? У чиганок, яъни садаф ичида пайдо бўладиган ялтироқ тош. Шоир бу истиоравий тасвирларида “гавхар” деганда мажозан қушларни, “садаф” деганда Аллоҳ таолони назарда тутяпти. Аммо бу ерда садафнинг тўлиғича гавхарга айлангани айтиляпти.

Яъни васл туфайли энди: “Бу садаф эди” ёки “Бу гавхар эди”, – деб ўтириб бўлмайди. Чунки улар бир-бирига қовушиб, бир бутунга айланиб кетган. Бошқача айтганда, “Симурғ” тушунчаси, бир қарасангиз, “си” (“ўттиз”) ва “мурғ” (“қуши”)ни, бир қарасангиз, эса қушлар подшоҳи ҳисобланмиш Симурғни англатади. Муҳими, энди уларни бир-биридан ажратиб тушуниб бўлмайди. “Васл” дегани – шу.

Ана энди шоир: “Эй кўнгул”, – дея мурожаат қилиш орқали лирик чекинишга ўтиб, нақд 37 байтли катта парчада айтадики, киши риёзатлар билан рухониятини камол топтирса, нафсоният бартараф бўлиб, унда рухониятнинг ўзигина қолади. Бу дегани – амалда, ўзини барча ёмон ахлоқдан қутултириши, дегани. Бошқача айтганда, бу – Шайтон васвасасидан тамоман қутулиб, бутунлай Раҳмон йўлига юриши, дегани. Шунда инсонни фиръавнлик, яъни кофирилик тамоман тарк этиб, унда мусавийлик, яъни мусулмонлик сифатидан бошқа нарса қолмайди.

“Лисон ут-тайр”нинг 1-боби – тавхид ҳамд, 2-боби – муножот ҳамд. Кейинги икки боб – наът. 3-боб “Бу номига Саид ул-мурсалин наъти била туғро тузмак ва шафиъ ул-музанинбин мадҳи била зийнат кўргузмак” [Навоий, 1991: 14] деб номланади. У:

*Анбиё сарҳайли султони русул, –*

*Ким эрур онинг туфайли жузви кулл* [Навоий, 1996: 14], –

деган байт билан бошланади. Бунда бутун борлиқ (“жузви кулл”) айнан унинг туфайли яратилгани айтиляпти.

*Улки Одамдин бурун ул бор эди,*

*Ҳам наби, ҳам соҳиби асрор эди* [Навоий, 1996: 14], –

байти эса шу фикрни қувватлаб келган. Исбот шуки: “Нури мавжуд оғаринишидин бурун” [Навоий, 1996: 14]. Демак, бутун борлиқ яратилишдан олдин Муҳаммад пайғамбар(с. а. в.)нинг нури бор эди. Одам Атодан то Муҳаммад(с. а. в.)нинг отаси Абдуллоҳга қадар барча инсонлар ана шу нур туфайли яратилди.

“Ул рисолат Қофи Анқосининг баландпарвозлиги ва Маҳбуби ҳақиқий васлига етиб, қуши тили била тақаллум ва ҳамроллиги” [Навоий, 1996: 16] дея номланган 4-бобда меъроj таъриф ва тавсиф этилади. Меъроj таърифу тавсифи “Хамса”даги ҳар бир достонда ҳам бор. Лекин уларнинг ҳеч бири асар моҳиятига “Лисон ут-тайр”дагичалик бевоситалик билан боғланган эмас. Бу ерда пайғамбар(с. а. в.)нинг меъроj кечасидаги парвози ҳақида гап кетаётгандан, биринчидан, “Анқо” (қуши) истиораси тилга олинади, иккинчидан, “қуши тили била тақаллум ва ҳамроллиги” сўзларида ҳам асар воқеаси ва қуш қаҳрамонлари билан чамбарчас вобасталик бор.

“Лисон ут-тайр” – меъроjнома асар, деган илмий хулоса Фаридиддин Атторнинг “Мантиқ ут-тайр” достонига ҳам бирдай тегишли.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. *А б д у н а з а р* X. Фаридиддин Аттор // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Ж. 9. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2005. – Б. 189.
2. *Алихонтўра Соғуний*. Тарихи Муҳаммадий. Китоб 1. – Тошкент: Ёзувчи, 1991.
3. *Алишер Навоий*. Асарлар. 15 томлик. Т. 14. – Тошкент: Фан, 1967.
4. *Алишер Навоий*. Муқаммал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 3. – Тошкент: Фан, 1988.
5. *Алишер Навоий*. Муқаммал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 4. – Тошкент: Фан, 1989. *Алишер Навоий*. Муқаммал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 5. – Тошкент: Фан, 1990.
6. *Алишер Навоий*. Муқаммал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 6. – Тошкент: Фан, 1990.
7. *Алишер Навоий*. Муқаммал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 9. – Тошкент: Фан, 1992.
8. *Алишер Навоий*. Муқаммал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 11. – Тошкент: Фан, 1993.
9. *Алишер Навоий*. Муқаммал асарлар тўплами. 20 жилдлик. Т. 12. – Тошкент: Фан, 1996.
10. *Алишер Навоий*. Муқаммал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 15. – Тошкент: Фан, 1999.
11. *Ал-Ҳаким ат - Термизи*. Инсон одоби. Таржимон ва изохлар муаллифи: Комилжон Раҳимов. – Тошкент: Noshir, 2015.
12. *Аҳмад Яссави*. Ҳикматлар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1990.

13. *Бобораҳим Маршаб*. Куллиёт. – Тошкент: Muharrir nashriyoti, 2017.
14. *Лумфий*. Девон. – Тошкент: Faafur Fulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2012.
15. *Носируддин Бурхониддин Рабгузий*. 2-китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1991.
16. *Олим С. Нақшбанд ва Навоий*. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996.
17. *Олим С. Ишқ, ошиқ ва маъшуқ*. – Тошкент: Фан, 1992.
18. *Оломоғ С. Мунда Фоний бўлмай иш ўлмас тамом (“Лисон уттайр”ни қайта варақлагандаги...)*. / Шарқ юлдузи, 1991 йил, № 2.
19. *Сулаймон Борзогоний*. Боқирғон китоби. Шеърлар ва достон. – Тошкент: Ёзувчи, 1991.
20. *Фариодиддин Аттоғор*. Тазкират ул-авлиё. Туркча таржимадан ўзбек туркласига Мирзо Кенжабек уйғунлаштирган / Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1993 йил, 18 июнь.
21. *Фариуддин Аттоғор*. Хусравнома. – Душанбе: Ирфон, 1990.
22. Қуръони карим / Шарқ юлдузи, 1992 йил. № 8 – 9. – 18-оят.
23. *Ғиёсиддин Ҳондамор*. Макорим ул-ахлоқ. – Форс тилидан таржима, изоҳлар, кириш ва иловалар муаллифи Комилжон Раҳимов. – Тошкент: Akademnashr, 2017.

# **“САБЬАИ САЙЁР”ДАГИ АХИЙ ҲИКОЯТИДА ФУТУВВАТ ГОЯСИННИНГ БАДИЙ ИФОДАСИ**

## **ARTISTIC EXPRESSION OF FUTUWWAT IDEA IN НІКАYATE AXI IN "SAB'AI SAYOR"**

*Нурбой Жабборов\**

### **Abstract**

The article is devoted to the study of the artistic interpretation of the idea of futuvvat (the lexical meaning is "youth" as a term: being known for good qualities among the people, overcoming the needs of desire) of Ahi's hikayat in "Sab'ai Sayyor" - the fourth dastan of "Khamsa" by Alisher Navoi. Hikayat is analyzed on the basis of the rules of three degrees of futuvvat, highlighted by Hussein Vaiz Kashifi: 1) sahovat (generosity), that is, not to regret what a person has; 2) sappho (impeccability), that is, keeping the heart pure from arrogance, anger and anger; 3) wafo (loyalty), that is, eternal service to the people. As a result, it was concluded that Ahi's hikayat reflects the essence of the creative concept, worldview of the great thinker Alisher Navoi.

**Key words:** hikayat, plot, image, futuvvat, generosity, purity of heart, patriotism, artistic skill, interpretation.

Футувват тасаввуф таълимоти ривожида алоҳида ўрин тутиши исбот талаб қилмайди. Ҳусайн Воиз Кошифий таъбирича: футувват – “тасаввуф ва тавҳид илмининг бир бўлаги” ҳисобланиб, унинг асосий мавзуи – инсон рухи. Арабча “фатий” сўзи луғатда “ёш йигит” маъносини билдириши маълум. Истилоҳда эса, “омма орасида яхши сифатлар ва намунали ахлоқ билан машҳур бўлиш... Хос таъриф юзасидан эса футувват инсоний фитрат нури зуҳурининг нафсоний белгилар – зулматга қарши қўйилиши, (шу зулматни) ёриб ўтишидан иборатдир” [Кошифий 2019: 294]. Демак, камолот йўлидаги инсоннинг нафс билан курашда ундан ғолиб бўлиши – футувватнинг асосини ташкил этади. Шарқ мумтоз адабиётида футувват гоясининг бадиий талқини етакчи ўрин тутиши сабаби шунда.

Ҳазрат Алишер Навоийнинг “Футувват барча қилмакдур, демак йўқ” [Навоий 2011 (4):741], деган таърифи ушбу истилоҳнинг моҳиятини тўлақонли ифода этади. “Насойим ул-муҳаббат” асарида бу таълимотнинг асосларини ёритиб берган [Навоий 2011 (10)] буюк шоир “Сабъай сайёр” достонида футувватнинг образли тасвирини беради. Жумладан, мутафаккир

\*Филология фанлари доктори, профессор. Тошкент Давлат ўзбек тили ва адабиёти университети,  
[jabborov-nurboy@rambler.ru](mailto:jabborov-nurboy@rambler.ru)

“Фарҳод, Масъуд, Саъд, Фаррух, Искандар, Шопур, Муқбил сингари ҳақиқий жавонмардлар тимсолида ўзининг бу масалага доир қарашларини етарли даражада ифодалай олган” [Исҳоқов 2002: 49]. “Сабъаи сайёр”даги Ахий ҳикоятида улуғ мутафаккир футувват ғоясини юксак маҳорат билан поэтик ифода этган. Ушбу ҳикоятни футувватнинг Ҳусайн Воиз Кошифий алоҳида ажратиб кўрсатган уч мартабаси кесимида таҳлил этиш, бизнингча, муаммо моҳиятини нисбатан чуқурроқ очиш имконини беради.

**Саховат, яъни бор нарсасини ҳеч кимдан қизғанмаслик** – футувватнинг биринчи мартабаси. “Сабъаи сайёр”даги биринчи мусофири ҳикоятида воқеа гарчи Ҳинд мулкининг шоҳи Жасрат ва унинг “*Бори илму камол аро моҳир, зотидин юз камол зоҳир*” бўлган ўғли Фаррух образлари тасвири билан бошланса ҳам, сюжетни ҳаракатлантирувчи образ Ахийдир. Ҳазрат Навоий ҳикоят асосига қўйган футувват ғоясининг асосида ҳам ана шу образ туради. Улуғ шоир Ахийни *Ҳалабда энг гани, меҳмондорлиқ шиору фани*, дея таърифлайди. Унинг табиатидаги саховат, яъни бор нарсасини ҳеч кимдан қизғанмаслик туйғуси асарда қўйидагича талқин этилади:

Қайда топса ғариби мазлуме,  
Хастау номуроду маҳруме.

Бўлубон бир нафас анга ҳамдам,  
Ёқибон кўнгли захмиға марҳам.

Негаким бўлса муқтазои зоти,  
Айлабон ул қадар мурооти. [Навоий 2011 (7):408]

*Ғаріб, мазлум, номурод, маҳрум* сифатлашлари воситасида Ахийнинг ҳаёт маслаги, яъни кимларга ҳамдам бўлгани-ю қай кўнгиллар ярасига малҳам кўйгани санъаткорона ифодаланган. Ҳазрат Навоий талқинича, футувват Ахийда тажриба давомида кейинчалик пайдо бўлиб қолган хусусият эмас, балки муқтазои зотий. Яъни футувватнинг асосий шартларидан бўлган сахийлик унинг асл табиатида бор. Май сухбати боис кўнглини ёрган Фаррухнинг ҳикоятини тинглар экан, Ахийнинг жисмига тоб, қалбига изтироб тушади. Чунки меҳмони айтиётган маъшуқа ҳарами иффатига содик, яъни унинг жуфти ҳалоли эди. Шунга қарамай, Фаррухнинг ишқ таврида бу сифат содик эканини кўргач, мана бундай кутилмаган қарорга келади:

Деди, фикр айлабон мурувват ила,  
Топти бу нуктани футувват ила –

Ким: Бу янглиғ ғарибу ҳам ошиқ,

Ишқ таврида бу сифат содиқ –

Ки, бу ғурбатни ихтиёр этган,  
Тарк оламда ҳар не бор этган.

Ишқ аро кирмайин жаҳон кўзига,  
Тутмиш ўлғой ўлумни ҳам ўзига.

Эмгакидек кишида эмгак йўқ,  
Ҳажр аро ўлгусидурур шак йўқ.

Менки, онинг ғамиға қолурмен,  
Дардига чора айлай олурмен.

Қилмасам, ўлса, ул муруват эмас  
Они яхши муруват аҳли демас.

Киши бу ишга чора қилмасму,  
Манга аҳли ҳарам топилмасму? [Навоий 2011 (7):414]

Натижада ўз маҳбубасини талоқ қилмоқ, уни бу ишга ризо этмоқ учун бор хунарини ишга солиб, Ахийга никоҳлаб беради. Шу ўринда савол туғилади? Ахийдаги ўз номига муносиб футувватнинг – жўмардликнинг даражасини қарангки, ишқ таврида содиқ бегона бир бир ошиқ аҳволига раҳм қилиб, ўз жуфти ҳалолидан ҳам кечеётири. Бундай йўл тутишга уни нима мажбур қилди? Бизнингча, бу саволнинг жавобини ҳам тасаввупнинг илдизларидан, ҳазрат Навоий дунёқарашининг асоси бўлган манбалардан қидирмоқ зарур.

Буюк шоир фалсафий қарашлари негизида Қуръони карим таълимоти туриши исбот талаб қилмайди. Оли Имрон сураси 14-оятда мана бундай дейилган: “Одамларга аёллардан, болалардан, тўп-тўп тилло ва қумушдан, гўзал отлардан, чорвадан, экин-тикиндан иборат шаҳватларнинг муҳаббати зийнатланди. Улар дунё ҳаётининг матоҳидир. Аллоҳнинг ҳузурида эса ҳуснли қайтар жой бор”. Мазкур ояти каримани Шайх Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф қуидагича тафсир қилган: “Ояти каримада ушбу нарсаларнинг муҳаббати зийнатланди, дейилмоқда... Модомики, ушбу рағбатлар инсон табиатида бор экан, Аллоҳнинг Ўзи инсонни шундай яратган экан, бу нарсалар инсон ҳаётини муҳофаза қилишда, унинг гўзал ва завқли кечишида хизмат қилмоғи лозим. Шунинг учун ислом дини бу нарсаларни ман қилишни эмас, тартибга солишни йўлга қўйган. Ислом

кишиларни тарбия қилиб, шаҳват дарёсида ҳалок бўлмасликка чақиради. Инсон мазкур шаҳватларнинг қули бўлиб қолмаслиги керак. Балки, у уларнинг хожаси бўлиб, ўз тасарруфига олиши даркор” [Шайх Муҳаммад Содик 2008: 316-317].

Улуғ шоирнинг “Ғаройиб ус-сиғар” девонидан олинган мана бу байт айни шу концептуал қарашни ифода этгани билан аҳамиятлидир:

Эй Навоий, эр эсанг дунё арусин қил талоқ,

Бир йўли бўлма забун бу золи маккор оллида. [Навоий 2011 (1): 47]

Буюк шоир шеърларида “дунё” тимсоли аксар “аёл” образи орқали сувратланади. Асли арабча сўз бўлган “дунё” аёл жинси (женский род)га мансуб экани маълум. Юқоридаги ояти каримада ҳам одамларга зийнат қилиб кўрсатилган шаҳватлар ҳақида сўз кетар экан, биринчи навбатда, “аёллар” тилга олинган. Ҳазрат Навоий дунё аруси – келинчагини талоқ қилишни эрликнинг муҳим шарти сифатида талқин этади. Зийнатланиб келин сувратида кўрингани билан у, аслида, “золи маккор” – макру ҳийлани ҳаётий аъмол қилган кампир эканини айтиб, унинг олдида ҳеч қачон забун бўлмасликка чақиради. Ўзаги “дун” бўлган “дунё” сўзи, бундан ташқари, “тубан”, “паст” маъноларини ҳам англатади. Яъни, буюк мутафаккир наздида, дунё – инсоннинг камолотга эришмоғи йўлидаги тўсиқ, уни тубанликка қулатгувчи иллатдир. Ҳам луғавий маъно, ҳам жинс, ҳам асл моҳият, ҳам бадиий талқин жиҳатидан бу даражадаги уйғунлик – юксак балофат ва фасоҳат самараси. Бундай мутаносиблиқ, биринчидан, ҳазрат Навоийнинг фалсафий ва поэтик тафаккури нечоғлиқ теран ва ўзаро уйғун эканини кўрсатса, иккинчидан, улуғ шоир асарларидағи ғоялар мўътабар манбалардан озиқлангани исботидир.

Ана шу дунёқараш асосида баҳоланса, Ахий ҳикоятидаги “аёл” – дунё тимсоли. Ахий унинг тимсолида ўз суюклисини эмас, дунёни талоқ қилмоқда. Ўз навбатида, Фаррух ҳам – футувват соҳиби. Маъшуқа висолига эришаётганидан ўзини баҳтиёр ҳис этган Фаррух ёр кўнглида дард, кўзида ёш кўргач, бунинг сабабини сўрайди. Асл моҳиятни билгач, мана бундай қарорга келади:

Гар анга бу қадар мурувват бор,

Бизда ҳам шаммаи футувват бор. [Навоий 2011 (7):420],

Натижада Фаррух ҳам, гарчи ҳикоятда бу сўз айтилмаган бўлса ҳам, ёрини талоқ қилиб, “Менга икки жаҳон сингил бўлғил”, дея у билан ака-сингил киришади. Футувватга футувват билан жавоб қайтаради. Деххудонинг тасаввуфга доир “Луғатнома”сида дунё тушунчасига “нокас, хасис аёл” дея изоҳ берилган [5]. Тасаввуфшунос Саййид Сажжодий фикрича: “Дунёнинг яна бир сехри (макри) шуки, у сенга дўст бўлиб

кўринади. Бу у сени ўзига ошиқ қилгунча давом этади. Ногоҳ бир вақт унинг сенга душманлиги кўринади. У нобакор аёлга ўхшайдики, эрга ўзининг келишган жойларини кўрсатиб ошиқ қиласи ва хонасига бошлаб у ерда ҳалок қиласи” [Сажжодий 1992: 394].

Ушбу изоҳлар Ахий ва Фаррухнинг аёлинни талоқ қилиши замирида теран тасаввуфий-фалсафий маъно борлигини тасдиқлайди. Агар улар нафсга бўйсунгандা, нафс йўриғига юрганда эди, аёл суратида дунёни талоқ қила олмаган бўлар эди.

Хусайн Воиз Кошифий таъкидлашича, футувватнинг иккинчи мартабаси – **сафо, яъни қалбни кибру ҳаво, гина-кудурат, қасд-ғазабдан покиза, пок тутиш**. Ҳикоят қаҳрамонлари табиатида ана шу фазилат тўлик мужассам экани қузатилади.

Фаррухнинг инсоний сифатларини таърифлар экан, ҳазрат Навоий мана бундай ёзади:

Зухду тақво келиб шиори анинг,

Бўлубон поклик ҳисори анинг. [Навоий 2011 (7):396]

Яъни унинг учун ибодат ва тақво ҳаётий аъмол даражасига кўтарилиган. Шу боис вужуди поклик қўрғони билан ҳимоялангандир. Шоҳ Жасрат ўғлига бор мулку тахту тожини ҳам, Ҳинд молию Хито хирожинъ ҳам беришдан тафохур (ифтихор) туйса, кўнгли пок Фаррух кўнглида дунё матоҳига танофор (нафрат) ҳисси бор. Улуг шоир бу орқали Фаррухнинг қалби табиатан сафога – покликка мойил бўлганини таъкидлайди. Бу пок кўнгил эгасининг ишқ талаби билан Қуддусга етгандаги ҳолати асарда мана бундай таъсирланади:

Фаррух ул пок ерга чун етти,

Пок кўнгли била тавоф этти. [Навоий 2011 (7):400]

Бу ўринда ҳазрат Навоийнинг “пок” сифатига ургу бергани бежиз эмас. Чунки Фаррухнинг кўнгли кибру ҳаво, гина-кудурат, қасд-ғазабдан холи. Унда нафратдан асар ҳам йўқ, пок қалби ишқ билан лиммо-лим. Қуддус тупроғига ниёз билан юз қўйиши, шам янглиғ гудоз билан йиғлаши сабаби шунда. Отаси уни қудратли лашкар билан юборган эди. Шаҳзоданинг барчага рухсат бериб, ёлғиз қолиши, шоҳона либосни эгнидан олиб, шомранг – қора палос кийиши замирида ҳам ниятнинг поклиги туради. Туъмаси – озиғи ҳам ишқ, қуввату қути ҳам ишқ билан дард бўлган Фаррух – ошиқи покбоз тимсоли. Унинг кўнгли шу қадар тозаки, ҳикоятнинг яна бир қаҳрамони Ахий аҳвол сўраганда, нечоғлиқ оғир аҳволда бўлмасин, ундан ҳеч нарса тама қилмайди. Аксинча, ғамининг асари унинг кўнглиги юқмаслиги, жонига қалбидаги ўтнинг шарари – учқуни тушмаслиги учун

ўзидан йироқ юришини ўтинади. Табийки, *күнгли раҳиму табъи сахий* дея сифатланган Ахий ҳам қароридан қайтмай, уни ўзи билан олиб кетади.

Нафс тақозосига нечоғлиқ зид бўлмасин, жуфти ҳалолидан воз кечиб, покбоз ошиқقا никоҳлаб бергани Ахий кўнглининг дунё муҳаббатидан қанчалик пок экани тасдиғидир. Қалби соф бўлгани учун ҳам Ҳинд мулкига келиб, ота тахтини эгаллаган Фаррух тутинган синглисига Ҳалабда Ахий қасрида кўргани каби айнан мутаносиб шароит яратиб беради. Унга оқкўнгиллик билан самимий акадек муносабатда бўлади.

Ҳикоятдаги Ахий – пир тимсоли, дейиш мумкин. У футувватнинг барча қоидаларига оғишмай риоя этади. Элга, шу жумладан Фаррухга кўрсатган саховатини заррача миннат қилмайди. Бу иши билан Фаррухга сабоқ беради. Ҳинд мулки подшоҳи даражасига етишган Фаррух саховатда айнан Ахий кўрсатган йўлдан боради. Ахийда футувват туйғуси шу қадар кучлики, экинига халал етган, савдоси зиёнга юз тутган, зиндонбанд этилиб, бир амаллаб қутулган, бор-будидан айрилган ҳолида ҳам ўзида сабр ва сабот топа билади. Ҳинд мулкига келиб, Фаррухдан мерос қора палосни ёпиниб, ғариб ҳолда кун кечирганда ҳам эътиқодига содик қолади. Вайроналарга ҳам кириб, бечоралар ҳолидан хабар олишни одат қилган Фаррух уни харобадан топиб, ўз ёри висолига етишувида кўмак беради.

Футувватнинг учинчи мартабаси – **вафо, яъни ҳамма вақт ҳалқ хизматида бўлиш ҳам ҳикоят қаҳрамонларининг асл табиатида бор эканини таъкидлаш керак.** Ҳикоятнинг асосий қаҳрамонлари Фаррух, Ахий ва унинг аёли – барчаси вафода тенгсиз инсонлар. Жумладан Ахий дунё молини Ҳақ таолонинг омонати деб билади. Топганини эл манфаати йўлига сарф этади. Унда комил инсонга хос барча фазилатлар мужассам. Айниқса, вафо – унинг характеристига хос асосий хусусият. Футувват тақозосига кўра ёридан айрилишга аҳд қилган вақтда жуфти ҳалолига айтган мана бу сўзлари тақдирга ризолик орқали алмийсоқдаги ваъдасига вафони ифода этгани билан алоҳида аҳамиятга эга:

Ки: “Неким Тенгри айламиш тақдир,  
Айлай олмас киши анга тадбир.  
Сангау бизга васл даврони  
Мунча ёзмиш қазои Яздони”. [Навоий 2011 (7):416]

Ҳақ таоло ризоси учун нафс хоҳишига зид йўл тутар экан, Ахий заррача иккиланмайди. Ҳар қандай ҳолда дилида ҳам, тилида ҳам шукр қиласи. Висол айёмида шод, қайғудан озод чоқларида қандай шукронга билан яшаган бўлса, “Эмди бўлди муфорақат чоғи, Шукр вожибдуур бу дам доғи” [Навоий 2011 (7):416], дея ҳижронда ҳам қалбида ана шу туйғуни ҳис этади.

Тангри таоло муҳаббатига вафо, дўстга вафо, халқ хизматига камарбасталик – умуман, унинг сурати ҳам, сийрати ҳам вафо расми асосига қурилган.

Ҳикоятда Ахий камолот ёшида ғарибу мискинлар ҳомийси, тайёр фатий сифатида намоён бўлса, Фаррухни болалиқдан илму маърифатга рағбати кучли, дунё матоҳига – тожу тахтга эмас, ишққа толиб ошиқ сифатида таниймиз. Истаган нарсаси муҳайё қилиниши мумкин бўлган шаҳзода кезларида ҳам, сафарга йирик ададдаги лашкар билан кузатилган валиаҳд пайтида ҳам, тушда кўрган ёрини излаб топа олмай бечора хаста ҳолига тушган вақтида ҳам Фаррух покдил, ишққа вафодор шахс сифатида аҳдига содик қолади. У нафс бандаси эмас, ичию таши вафо билан йўғрилган инсон. Футувват қоидасига кўра Ахий ўз ёрини унга никоҳлаб берганини билган заҳоти бу гўзал ўзининг эмас, дўстининг хасми эканини дилдан хис этади. Омонатга хиёнат қилмай, ўша дақиқадан уни маъшуқа эмас, сингил деб билади. Ахий учун асрайди ва уни топиши билан ҳалол-пок ҳолда дўстига никоҳлаб беради. Ҳикоятда футувватнинг учинчи мартабаси саналган вафо – ҳар иккала дўст учун ҳаётий аъмол экани уларнинг ҳар бир ҳаракатида, сўзида ва амалида мукаммал тарзда намоён бўлади.

Аёл – ҳикоятда унинг номи тилга олинмайди, аслида, дунё тимсоли бўлган бу қаҳрамон ҳам вафо рамзи. Гарчи эри Ахий бу ишни ўз розилиги билан амалга оширган бўлса ҳам, Фаррухга никоҳлаб берилган гўзал кўз очиб кўрган ёрига вафодор эканини намоён этади. Кўнглидаги ғусса сабабини сўраган Фаррухга асл ҳақиқатни айтади. Бу образ орқали ҳазрат Алишер Навоий моҳиятан бевафо бўлган дунё ҳам вафо ахлига вафо кўрсатиши мумкинлигини мукаммал поэтик тасвирлайди. Дунёни бўйсундиришнинг ягона йўли – унга муҳабат қўймаслик, футувват қоидасига кўра яшамоқ эканини концептуал тарзда бадиий талқин этади.

Ҳикоятнинг асосий қаҳрамонлари Ахий ҳам, Фаррух ҳам ҳар доим эл хизматига шай туради. Мискину ғарибларнинг кўнглини шод этмоқни одат қиласиди. Уларга мурувват кўрсатади. Жумладан, жоҳу моли хисобу ададдан ташқари бўлган Ахий саховати билан барчани банда қилгани айтилади. Қадди ғамдан букилган мусофир Фаррухнинг кўнгил дардига малҳам қўймок учун у бор-будидан кечади. Ахийдан футувват сабоғини олган Фаррух унинг жуфтига Ҳалабдаги каби шароит яратади, ўз синглиси каби эъзозлайди. Шаҳарни мунтазам сайр қилиб, ғариблар кўнглини шод этмоқни одат қиласиди.

Ҳикоятда валиаҳд шаҳзода Фаррух Ҳинд мулкига келгунга қадар унинг отаси шоҳ Жасратнинг вафот этгани зикр этилади. Мамлакатга Ахий тарбияти билан фатийга айланган Фаррух ҳукмдор бўлади ҳамда давлатни футувват расмига мувофиқ тарзда бошқаради. Ҳазрат Навоий бу орқали, гарчи очиқ-ошкор бўлмаса-да, шоҳ қандай сифатларга эга бўлиши

масаласига алоҳида урғу бергани кузатилади. Яъни саховат, сафо ҳамда вафо сингари футувватнинг ҳар учала мартабасига эришган комил шахс фазилатларига эга идеал шоҳ ҳақидаги орзусини Фаррух образи воситасида сувратлантиради. Ахий ҳикоятидаги бу усул чинакам буюк ижодкор бадиий асарда улкан ҳақиқатларни айтмасдан ҳам айта олишига ёрқин далилдир. Зеро, юксак бадиият намунасида баён эмас, ижодкор концепциясининг бадиий ифодаси муҳимроқдир. Ҳақиқий мутафаккир шоир кичик бир ишора орқали ҳам катта маънони ифода эта билади. Буни англамоқ учун тагматнда акс этган маъно қатламларини уқиши талаб қилинади.

Хулоса қилиб айтганда, таҳлил этилган хусусиятлар ҳикоятда футувват ғояси теран бадиий талқин этилганидан далолат беради. Умуман, “Сабъай сайёр” достонидаги Ахий ҳикояти ҳазрат Алишер Навоий ижод концепциясининг, буюк мутафаккир дунёқарашининг асл моҳиятини ифода этгани билан алоҳида бадиий-эстетик қимматга эга.

### **АДАБИЁТЛАР**

1. Алишер Навоий. Ғаройиб ус-сиғар. /Тўла асарлар тўплами. Ўн жилдлик. Биринчи жилд. – Тошкент: Faafur Fулом номидаги НМИУ, 2011.
2. Алишер Навоий. Фавойид ул-кибар. /Тўла асарлар тўплами. Ўн жилдлик. Тўртинчи жилд. – Тошкент: Faafur Fулом номидаги НМИУ, 2011.
3. Алишер Навоий. Сабъай сайёр. /Тўла асарлар тўплами. Ўн жилдлик. Еттинчи жилд. – Тошкент: Faafur Fулом номидаги НМИУ, 2011.
4. Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. /Тўла асарлар тўплами. Ўн жилдлик. Ўнинчи жилд. – Тошкент: Faafur Fулом номидаги НМИУ, 2011.
5. Деххудо, Алиакбар. Луғатнома. - Техрон: Тажриш нашриёти, 1377.
6. Исҳоқов Ё. Нақшбандия таълимоти ва ўзбек адабиёти. – Тошкент: Халқ мероси, 2002.
7. Кошифий, Ҳусайн Воиз. Футувватномаи сultonий ёхуд жавонмардлик тариқати (Таржимон: Н.Комилов). – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти, 2011.
8. Сайид Сажжодий. Фарҳанги истилоҳоти ва таъбироти ирфоний. Техрон, 1992.
9. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Тафсири Ҳилол. Биринчи жуз. – Тошкент: Шарқ, 2008.
- 10.Qur'oni karim va o'zbek tilidagi ma'nolar tarjimasasi (Tarjimon: Shayx Muhammad Sodiq Muhammad Yusuf). – Toshkent: Hilol-Nashr, 2020.

# АЛИШЕР НАВОИЙ ВА НАҚШБАНДИЙЛИК

*Сайфиддин РАФИДДИНОВ,  
филология фанлари номзоди, ЎзР ФА  
Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори  
институти катта илмий ходими  
[alfaqir@mail.ru](mailto:alfaqir@mail.ru) Тел: +99890-315-30-58*

**Аннотация:** Мазкур мақолада Алишер Навоийнинг нақшбандийлик тариқатига доир муносабати, фикр-қарашлари, асосий принциплари баён этилган. Бутун умри давомида нақшбандиянинг тарғиботчиси сифатида амалий ва назарий фаолият олиб борган шоирнинг ижодий ўзига хослигига эътибор қаратилган. Шунингдек, тасаввуфнинг бош ғоялари, етакчи образлари, хожагон-нақшбандия машойихлари ва ушбу тариқатнинг муҳим масалалари ҳам алоҳида тадқиқ қилинган.

**Калит сўзлар:** нақшбандийлик, тариқат, тасаввуф, образ, шайх, солик, муршид.

**ANNOTATION:** This article describes Alisher Navoi's attitude to the Naqshbandi sect, his views and basic principles. Emphasis is placed on the creative originality of the poet, who throughout his life has been engaged in practical and theoretical work as a promoter of Naqshbandi. The main ideas of mysticism, leading images, Khojagon-Naqshbandi mashayiks and important issues of this sect are also studied separately.

**Keywords:** naqshbandiylik, sect, mysticism, image, sheikh, solik.

Улуғ шоир Алишер Навоийнинг ҳаёт йўли ҳақида тарихий ва илмий ва манбаларда кўп фикрлар билдирилган. Шу жумладан, унинг нақшбандия тариқатига бўлган муносабати ҳам у ёки бу даражада ёритилган<sup>32</sup>. Аммо шоир ҳаёти ва ижодидан чуқур жой олган бу мавзу янада теранроқ ўрганишни тақозо қиласди.

Алишер Навоий 1476-1477-йиллар 35-36 ёшлар орасида ўз даврининг Хиротдаги машҳур шайхи Абдураҳмон Жомийга расман қўл бериб нақшбандия тариқатини қабул қиласди[8:63].

Навоий бутун умри давомида нақшбандиянинг тарғиботчиси сифатида амалий ва назарий фаолият олиб боради. Унинг бевосита тарбияси ва марҳаматларидан баҳраманд бўлган тарихчи Хондамир “Макорим ул-ахлоқ” китобида шоирнинг кўплаб масжид-мадраса қургани, шайх-дарвешларни иззат-икром қиласди ва шоирнинг ёшлиқ пайтиданоқ дарвешваш ва

<sup>32</sup> Алишер Навоийнинг ҳаёти ва нақшбандия муносабати ҳақида ўтмиш тарихчи олим ва шоирлардан Давлатшоҳ Самарқандий (1435-1495), Мирхонд (1433-1498), Хондамир (1475-1535), Зайниддин Восифий (1485-1566), Содикбек Содикий (1533-1610) кабилар ўз асарларида маълумот бериб ўтишган. Шунингдек ўтган ва ҳозирги асримизнинг бир қатор хорижлик ва ўзбек олимларидан: В.В. Бартольд, М.Никитский, А. Мирзоев, О. Шарафиддинов, С.Айний, Ойбек, В.Зохидов, В.Абдуллаев, И.Султонов, А. Ҳайитметов, А.Рустамов, Э. Рустамов, П. Шамсиев, А.Ўринбоев, С.Фаниева, Ё.Исҳоқов, И.Ҳаккулов, М.Ҳасаний ва бошқаларнинг тадқиқотларида бу мавзу ҳақида фикру мулоҳазалар билдирилган.

тасаввуфга мойил бўлгани, ҳақида маълумот беради[9:62-63]. Навоий ҳар доим, ҳатто иши кўп бўлган мансабдорлик пайтларида ҳам тасаввуф йўлидан сусаймаган. Хондамирнинг хабар беришича, султон Ҳусайн Бойқаро 892 (1487) ҳижрий йилда Мозандарон вилоятини бошқаришни қатъий таклиф билан унга топширади. Амир Навоий икки ярим йилдан кейин ҳукумат ишларидан этак йиғишириб, Ҳиротга қайтади. Шоир мана шундай лавозимларда ишлаган пайтларида ҳам “ҳеч қачон ахли диллар харакатига пайравлик қилишдан бир соат ҳам ғофил эмасди. Ҳар доим илм ва ирфон ахлларига ихлос ва эътиқод қадами билан хизмат қиласди. Ҳусусан, олижаноб Махдумийга (Жомийга) яқин мулозаматда бўлиб, у киши хузурида дарвеш ва сўфиларнинг китобларини ўқиш билан шуғулланарди[9:65].

Маълум бўладики, Навоий бутун ҳаёти давомида тасаввуфга эътибор қаратган, юксак ахлоқ эгаси бўлган, нафснинг ҳою ҳавасларини тарк этиб, зикр ва ибодатларга жиддий аҳамият берган.

Хондамир яна “ Ул ҳазрат томонидан ҳам, машойих ва сўфия зикрида ва сайр -сулук йўллари баёнида асарлар юзага келган”ни ва “Насойимул-муҳабbat” ва Лисонут –тайр” китобларини зикр этади. Шунингдек “фуқаро ва дарвешларнинг фаровонлиги, ғариф ва мусофириларнинг фарогати учун Ҳурросон атрофларида кўп миқдорда хонақоҳ, работ, ҳовуз ва ҳаммомлар қурган” лигини таъкидлаб уларнинг номларини келтириб ўтади[9:66-68].

Навоий тасаввуфни комиллик йўли деб билади. Тасаввуф ғоялари гоҳ ошкоро гоҳ яширин тарзда унинг кўплаб асарлари қатидан мустаҳкам жой олганки, улар алоҳида тадқиқотлар талаб қиласди. Шоир “Фавойид ул-кибар” девонининг 306-газалида тасаввуфни шундай таърифлайди:

*Бирорга мусаллам тариқи тасаввуф  
Ки, зотида мавжуд эмастур таҳаллуф .*

*Тасаввуф ризо аҳлидин яхши ахлоқ ,  
Эрур истилоҳоти зебу тақаллуф .*

*Тасаввуф эмас зуҳду тақво-ю тоат  
Ки , анда риёй йўл тонар бетаваққуф .*

*Эрур маҳз тақво-ю лекин риёсиз  
Убудият сарфу айни талаттуф .*

*Не эл қавлу феълига андин таадди ,  
Не Ҳақ амру наҳийига андин тасарруф .*

*Ўзин уйла беихтиёр англабонким ,  
Не қолиб тараффуд анга, не таассуф.*

*Қилиб Ҳақ вужудида маҳв ўз вужудин,  
Навоий, муни бил тариқи тасаввуф.*

Навоийнинг ёзишича тасаввуф йўлига кирган одамда асосан қуидаги фазилатлар бўлиши керак:

- хилоф ишлар яъни шариат ва тариқатга зид ишлар бўлмаслик;
- Ризо аҳлидан бўлиб, хушахлоқ бўлишлик;
- Холис Аллоҳ учун ибодат ва риёзатли бўлиш;
- Зуҳду тақвою тоатида риё бўлмаслик, унинг тили ва феълидан халққа зарар етмаслик;
- Ҳақнинг амру наҳиларига тасарруф этмаслик яъни ўзбошимчалик билан харакат қилмаслик;
- Ходисалар қархисида тараддудга тушмаслик, қўлдан кетган нарсага афсус чекмаслик. Яъни содир бўлган воқеаларни Ҳақдан кўришлик.
- Ҳақ вужудида ўз вужудини маҳв этишлик. Яъни Аллоҳ ишқида фано бўлиш. Навоий бу ҳолатни тасаввуф деб атайди[5:71-72].

Шоир нақшбандияни “тариқати олия”, “қаноат тариқи” ва “фақр йўли” каби номлар билан атайди. У нақшбандия сулукига мансуб бўлган ҳолда бошқа тариқат шайхларига ҳам юксак эҳтиром кўрсатади. Нақшбандиянинг ўзига хос афзаллик жиҳатларини кўрсатиб беради. Маълумки, Навоий “Насойимул муҳаббат” асарида келган бошқа тариқат шайхларига фақат эҳтиром кўрсатиш эмас, балки, Жомий асарига киритилмаган машойихларни киритади. Шунингдек, Бобур “Бобурнома” асарида “Алишербек қошида мутасавифлар йиғилиб, важд ва самоъ қилурлар эрди” [4:238.], дейди.

Кўриб ўтганимиздек, Навоий хуфя зикр тарафдори бўлган ҳолда жаҳрия зикрни ҳам инкор этмаган ва ўзи ҳам бу йиғинларда иштирок этган.

Навоий асарларида нақшбандийликнинг икки йўналишда кўзга ташланади:

1. *Хожагон-Нақшбандия шайхларининг зикри.*
2. *Нақшбандия арконлари ва қоидаларининг тарғиб этилиши.*

Навоий назм ва насрдаги асарларида тасаввуф арбобларини, айниқса, хожагон-нақшбандия машойихларини алоҳида бобларда келтиради. Хусусан, “Хамса”, “Хазойин ул-маоний”, “Насойим ул-муҳаббат” ва “Лисон ут-тайр” каби асарларида Хожа Баҳоваддин Нақшбанд, Хожа Аҳрор, Хожа Муҳаммад Порсо ва Абдураҳмон Жомий каби зотларнинг муборак номларини тилга олади ва улар билан боғлиқ баъзи ривоятлар келтиради, ўзининг муносабатларини ҳам билдириб ўтади.

Жумладан, Навоий буюк “Хамса” асарининг дастлабки достони “Ҳайрат ул-аброр”да Баҳоваддин Нақшбанд қуддуса сирруху мадҳидаким..”, деб бошланадиган алоҳида фаслини шундай сўзлар билан бошлайди: “Сунъ Наққоши ҳикмат хомаси била рўзгор саҳифасида аниг вужуди нақшин исломий тарҳ этти ва сурати иршоди била қуфр аҳли кўнгли варақидин хитойи ва фарангни нақши кетти ва Хожа Убайдуллоҳ салламаҳумуллоҳга ниёз арзиким, ул Ҳазратқа халафи мутлақ, балки халифаи барҳақдуур”. Шоир асарда 31 марта “нақш” сўзини турли-туман маъноларда қўллайди. Жумладан, Сунъ наққоши яъни Аллоҳнинг қалами гўзал нақшлар чизган ҳолда, Баҳоваддиннинг нақшидек дилбар нақши бошқа яратмади. Унинг

кўнглидан аввало сахийлик нақши мустаҳкам ўрин олган, борлиқ сахифасидан вужуд нақши ўчиб кетган, Чин нақшлари ҳам у ясаган нақшларга teng эмас. Бутун олам унинг қўлида нақшли узукдек, у узукнинг нақшига моҳир наққош бўлган деву парилар ҳам бўйсўнар эди... Унинг нақши осмон нақшларидан ҳам афзал. Ўзининг ажойиб нақшлари билан оламга танилган нақш солувчилар шоҳи Баҳоваддин Нақшбанддир, бошқа киши эмас. У азиз жонига ранжу машаққатлар чекар, жони нақшлар макони бўлгани сабабли, нақшдан бошқа ҳамма нарсалар фоний, унинг жонида боқийлик нақшидан бошқа нарса қолмагунча, бошқа бирор нақшга қарамади. Кўриб ўтганимиздек Баҳоуддиннинг лақаблари бевосита у кишининг кимхобга нақш солиш касбларидан олинган бўлса ҳам, ҳар хил фалсафий – тасаввуфий маъноларда шарҳлаш учун имкон беради[7:180-181].

Достонда Баҳоваддин ҳазратларининг таърифлари тугагандан кейин Хожа Аҳори валий мадҳи бошланади. Навоий бу улуғ зотни Ҳазрат Нақшбандга ҳақиқий халафи мутлақи яъни ўринбосар, издош деб билади. Шоир таъкидлайдики, бу зот учун шоҳу гадо баробар, зиёратига подшоҳлар ошиқади ва мактубларини бош кийимлари орасига қистириб қўйишади, у кишининг бўз тўни ҳар бир ипи билан факр тариқида юз пир учун занжирдир. У зот одамларга Худонинг ҳукмларини тушунтирад экан шоҳу гадо баробар. Улуғ пир суҳбатини топғанлар жаҳон аҳлига эмас, осмондаги фаришталарга ҳам раҳнамодир, улар барча сулук аҳлига раҳбар бўлиб, қоронғу кечада йўлда қолганларга юлдуздирлар. Уларнинг юклари ичидаги фано бойлигидан тухфалар бўлиб, шу тухфалар орқали бой бўлишни истайдилар. Уларнинг кумуш тангалари фано конидан, дурлари эса йўқлик уммонидан, улар ҳамма ёқни кийим-кечак билан тўлдириб, дунёни тўрт томондан тўсганлар. Харидорлари зарар кўришдан қўрқсалар ҳам харид қилгач, фойда кўрганлар. Навоий шеър охирида Худога илтижо қилиб, Хожа Аҳорор руҳониятидан мадад етишини сўрайди:

*Ҳимматидин бизни ҳам этсун Худой  
Факр ўлида гани, имонга бой [6:44-49].*

Навоий “Лисон ут-тайр” достонида ҳам Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ҳақидаги ҳикоя ва унинг сўзини мукаммал фонийлик тимсоли сифатида келтиради. Шоир ёзилича, “Хожаи олий сифоти аржманд, Шаҳ баҳоул-ҳақ вад-дин Нақшбанд” ўз вужудини нимага қиёс қилса ҳам ундан ўзини кам биларди. Ногаҳон Хожанинг кўзи мурдор бир итга тушади ва ўзини унга тенглаштиради. Шунда кўзидан ёш оқиб дейди:

*Деди: “Ул аҳли вафодур, мен-эмон,  
Ўзни онинг бирла эмди teng демон.*

*Ул Худовандиға қилмас жуз вафо,  
Лек менда зоҳир ўлмай жуз жафо.”*

Соҳиб назар бундай хаёлларга бориб тургандан кейин ит унинг олдидан ўтиб кетади. У зот тупроғда ит аёғининг изини кўради. “Мен ортиқманми ё бу из?”, деган хаёлга боради ва дарҳол “Эй инсофсиз, У из вафо аҳли аёғидан

нишон, сен эсанг этагингни судраб вафосизлик сари борасан”, дейди ва эгилиб, у изга кўзини суртади. Шоир қиссадан хулоса чиқарип: Аҳли Ҳақ ана шундай вужудларини инкор этадилар, борлиқларини бу каби сабаблар ила нобуд қиласидилар. Ана шундай фано жомини ичиб ўзларидан асар қолмагандан кейин:

*Ҳақ вужудидин бақое топмайин,  
Жоми ваҳдатда лиқое топмайин.*

*Чун фано хайлиға дохил бўлдилар,  
Боқийи Мутлаққа восил бўлдилар.*

Алишер Навоий ўзининг бир қатор қитъаларида ҳам нақшбандия тариқининг адоси ҳақида тўхталиб ўтган. “Ғаройиб ус-сиғар” девонидаги “Қаноат нақшининг ифшосио нақшбандия тариқининг адоси” сарлавҳали 11 байтли қитъаси шоирнинг нақшбандия тариқи ҳақидаги қарашларининг хулосасидир. Кўнгул Ҳақ тажаллисининг мазҳари бўлгани учун Шоир унга хитоб қилиб, қаноат тариқига киришини, шунда иззатга мушарраф бўлишини таъкидлайди:

*Қаноат тариқига кир, эй кўнгул  
Ки, хатт ўлғай ойини иззат санга.*

Кейинги тўрт байтда шоир нақшбандия тариқининг соликка инъом этадиган маънавий мақом ва тухфалардан баҳс юритади ва олтинчи байтдан бошлиб ўзининг асл мақсадини, яъни нақшбандиянинг энг муҳим одобларини зикр этади.

*Десанг хилватим анжуман бўлмасун,  
Керак анжуман ичра хилват санга.*

Агар хилватим анжуман бўлмасин десанг, анжуманда хилват сақлагин. Яъни, анжуман ичида ҳам Аллоҳ билан бирга бўл. Кейинги байтда шоир “сафар дар ватан” қоидасини эслатади. Сафарнинг ҳам ўзига яраша фойдалари бор. Бироқ сафар қилишда меҳнат-машаққат бўладиган бўлса, ватан ичида ҳам сафар қилиб, маънавий сайр қилиш керак

*Ватан ичра сокин бўлуб сойир ўл,  
Сафардин агар бўлса меҳнат санга.*

Яна алардин (Ҳазрат Нақшбанддин) сўрдиларки :

Сизнинг тариқингизда зикри жаҳру хилват ва самоъ бўлур?

Дедиларки: Бўлмас!

Яна сўрдиларки :

Сизнинг тариқингиз биноси не ишгадур?

Дедиларки: Анжуманда хилват зоҳир юзидин халқ била ва ботин тарафидин Ҳақ субҳонаҳу ва таоло била.

Байт :

*Аз дарун шав оишнову ва-з берун бегонаваши ,  
Ин чунин зебо равииш кам мебувад андар жаҳон .*

Маъноси:

*Зоҳирда бегонадек ботиндан оишно бўл,*

*Бундай гўзал одат дунёда кам топилади[1:262].*

Кейинги байтда “назар бар қадам” шиорига амал қилишга ундаиди.

*Назарни қадамдин йироқ солмагил,*

*Бу йўл азми гар бўлса рағбат санга.*

Солик агар нақшбандия йўлида юришни қасд қилиб, рағбат кўрсатса ҳар бир қадамини билиб босиши ундан назарини узмаслиги, ғафлатда қолмаслиги керак. Навбатдаги байтда шоир “хуш дардам” қоидасини шарҳлади:

*Дамингдин йироқ тутмагил ҳушини*

*Ки, юзланмагай ҳар дам оғат санга.*

(Тариқатнинг йўлларини хатари кўп) дейди Аҳмад Яссавий бир ҳикматида. Агар солик бир лаҳза ғафлатда қолса унга оғатлар юзланиши мумкин. Шу боис “хуш дардам” яъни ҳар бир нафас олиш ва чиқаришда ҳушёр ва огоҳ бўлиш, ғафлатда қолмаслик лозим. Кўриб ўтганимиздек юқоридаги тўрт байтда Навоий нақшбандиянинг энг муҳим қоидаларидан баҳс юритган ва уларга бефарқ бўлмасликни таъкидлаб ўтган. Аслида бу тўрт қоидани Юсуф Ҳамадоний нақшбандияга жорий қилган.

Навоий кўнглига хитоб қилиб бу тўрт иш билан рубъи маскун яъни ер юзининг тўртдан бирига шоҳ бўлсанг, сенга қутлов ноғоралари чалинса ажаб эмас!, дейди.

*Бу тўрт иш била рубъи маскун аро,*

*Чалинмоқ не тонг кўси давлат санга.*

Қитъанинг охирги байтида Навоий нақшбанд бўлиш шартини тўрт иш яъни тўрт қоидани бажаришга боғлади. Ва айтадики: Эй Навоий, агар сенга навбат етса бу оҳанг ила (тўрт иш воситасида чалинган давлат ноғорасининг оҳангি билан) нақшбанд бўласан.

*Бу оҳанг ила бўлгасен нақшбанд,*

*Навоий, агар етса навбат санга.*

Навоий “Бадоєъ ул-васат” девонидаги бир қитъасида “Ал косибу ҳабибуллоҳ” ҳадисини ҳазрат Нақшбанд томонидан қилинган талқинига тўхталади. Қитъанинг матни қуидагича:

Ҳадис мазмуниким “ал-косиб ҳабибуллоҳ” ҳазрат Хожаи Нақшбанд қуддиса сирруҳу мундоқ баён қилибдурким:

*Нукта асносида Ҳабибуллоҳ*

*Деди: “Ал-косибу ҳабибуллоҳ”.*

*Маъни айтур бу сўзга пири комил*

*Ки , сўзи эрди Ҳақ сари шомил .*

*Ғараз эрмас бу касбдин дунё ,*

*Бал эрур касбдин мурод фано*

Ҳадис мазмуни “косиб Аллоҳнинг дўсти” дегани. Навоий Ҳазрат Нақшбанднинг ҳадисни ботиний маънода тафсир қилганларига эътибор қаратади. У зотнинг касбдан мақсад бу дунёга ружуъ қўйиш, тирикчиликка

шўнғиб кетиш эмас, Аллоҳга интилиш, Унинг ишқида фано бўлиш, деган талқинларини келтиради.

Алишер Навоий “Ғаройиб ус-сигар” девонидаги “ўзликдан қутулмоқ суубатида ва аноният тарки шиддатида” сарлавҳали бир қитъасида қўнгилга хитоб қилиб “тан тахтасининг бу тубсиз гирдобдан (шайтоний майлу ҳаваслардан) соҳилга чиқишини истасанг бу осон эмас” дейди:

*Эй қўнгул, тан тахтасин бу қаъри йўқ гирдобдин,  
Истасанг соҳилга чекмак, билки, бу – осон эмас.*

Шоир кейинги байтда бу ишнинг чораси сифатида тасаввуф йўлини кўрсатади ва уни амалга ошириш учун нима қилиш лозимлигини айтади.

*Пиру истеъдоду тавфиқ ўлмаса, бўлмас бу иш,  
Кимдууруким, баѓру бу хасратдин онинг қон эмас.*

Демак, байт мазмунидан англашилмоқдаки, тасаввуфда муваффақият қозониш, ўзлик юкидан халос бўлиш учун уч нарса лозим: 1) Пир, яъни муршиди комил; 2) истеъдод, яъни муриднинг сулук йўлида оқилона ва қатъият билан ҳаракат қилиши.

Маноқиблардан маълумки, Ҳазрат Нақшбанд Бухоро мозорларини зиёрат қилиш пайтида хожагон шайхлари хусусан, Хожа Хожа Абдухолик Ғиждувоний ҳазратларининг руҳоният билан учрашади. Навоий ҳам бу руҳоний мулоқотни “Насойим ул-муҳаббат” тазкирасида келтиради. Ҳазрат Нақшбанд айтган эканлар: “Мабодии аҳволда бир кеча ғалаботи жазаботдин Бухоро мазоротидин уч мозорға етишдим. Ҳар мазорда бир чироғдан кўрдум ёнадурғон, ёғи тўла ва фатилалари ёғ ичинда. Аммо фатилаларга бирор нима ҳаракат бермак керак эрдики, яхши туташқой ва ёруғой”. Бу ҳолни Абдухолик Ғиждувоний ҳазратлари изоҳлаб шундай дейдилар: “Ул чироғларки, ул кайфият била сенга кўргуздилар ишорату башоратдур сенга бу йўл қобилият ва истеъдодидин. Аммо истеъдод фатиласин ҳаракатға келтурмак керак, то ёруғай ва асрор зухур қилғай[2:262]. Демак, бу йўлда истеъдод Ҳудонинг улуғ неъматидир. 3) тавфиқ яъни Аллоҳнинг рушди ҳидояти. Баъзилар тавфиқ сўзини “пир билан истеъдод эгасининг мақсадлари мувоғиқ келиши” деб изоҳлаганлар[7:93].

Шоир “Фавоийид ул-кибар” девонининг 309-ғазалида юқоридаги қитъага ҳамоҳанг бир қатор тасаввуфнинг муҳим масалаларидан баҳс юритади. Биринчи байтда, “фано дайри”даги “пири тариқ”нинг бетариққа Ҳақнинг ҳидояту тавфиқи етмас, деган нозик сўзи келтирилади. “Бетариқ” тариқатсиз дегани. Аммо бу тариқат нима ва қандай йўл, бу саволга иккинчи байтда жавоб берилади:

*Тариқ жоддаи шаръ эрур бу дайр ичра  
Ки , анда кимки сулук этти -бўлди аҳли тариқ .*

Демак, “Тариқ”дан мақсад, бу жодаи шаръ, яъни шариат йўли, шариат аҳкомлари экан. Кимки, шариат доирасида сулук этсагина у ҳақиқий маънода аҳли тариқатдир. Сўрадилар (ҳазрат Нақшбанддан) сизнинг тариқангизни қандай топиш мумкин: Айтдилар: “Шариатни маҳкам тутиш ва Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам суннатларига тўлиқ амал қилиш билан” [3:78].

Навбатдаги байтда “тавфиқ” сўзига ургу берилади. Аҳли тариқат бўлиш, унда маънавий мақомларни забт этишнинг яна бир шарти, ҳидояту тавфиқдурким, Ҳақ томонидан ҳақиқат кишварига қатъий йўл олиш истагининг пайдо бўлишидир.

*Яна ҳидояти тавфиқ улки , бергай Ҳақ ,  
Кўнгулга дагдаги азми кишвари таҳқиқ .*

Аммо бу кишвари таҳқиқни забт этиш осонми? Йўқ, асло. Шоирнинг ёзишича Унинг йўли жуда ҳам бўртоқ, нотекис, туни зулмату дашти олис. Тариқ аҳли унда кўпу аммо ҳеч кимга рафиқ, йўлдош йўқ.

*Йўл осру бўртоқ эрур , тун қоронғу , дашт узун ,  
Кўп осру қатъи тариқ аҳли-ю йўқ анда рафиқ .*

Шундай бир шароитда қандай йўл тутиш керак? Шоир қуйидаги байтда чорасини айтади:

*Кишига бўлмаса ҳодий , падид эмас мақсад ,  
Ҳидоят ўлмай аниңг қатъин этмагил тасдиқ .*

Ҳа, демак, байтда икки асосий нарсага эътибор қаратилмоқда. Аллоҳнинг ҳидояти, иккинчиси, ҳодий яъни ҳидоятга бошловчи пир лозим. Агар шу иккиси бўлмаса, у йўлни забт этиб бўлмайди. Бу даштни қатъ этиб, ҳақиқатга етиш оғирлигини эътироф этган шоир илоҳий ишқдан сармаст қиласиган соқийга – пирга мурожаат этади ва агар қадаҳ ғами қадар чукур бўлса ҳам уни тўлдириб май беришини сўрайди:

*Бу дашт қатъи ажаб саъб эрур , тут , эй соқий ,  
Тўла қадаҳки , ғамим баҳри янглиғ ўлса амиқ .*

Шоир ҳақиқаи кишварини бир денгизга ўхшатади ва шу денгиз ичига шавқ кемасини суриб ҳам ўзлигим ҳам ўзим унда ғарқ бўлсан, дейди.

*Ким уйла баҳр ичига шавқ заврақин сурсам  
Ҳам ўзлукум , ҳам ўзум бўлгай анда барча гариқ .*

Бу денгиз оддий денгиз эмас, ҳаробот денгизидир яъни ошиқларнинг сармаст бўладиган бепоён макондир. Кошки унда муғбачалар интизор ва шафқатли бўлиб ишқ жомининг майидан тутсалар.

*Эрур бу баҳри ҳаробот ишқ жоми майи,  
Тумарға муғбачалар бўлса дилпазиру шафиқ .*

Ғазал сўнгига шоир ўзига хитоб қилиб: “Эй Навоий, балки, сени маст ҳолда кўрган киши ҳақиқат баҳрида ғарқ бўлган деб ўйлагандир”:

*Навоиё, сени ул баҳрнинг гариқи деган  
Магарки маст кўруб, бўйла айлади таҳқиқ .*

Кўриб ўтканимиздек шоир бу ғазалида юқоридаги қитъага ҳамоҳанг фикр ва туйғуларини изҳор этади ва қайсиdir маънода тасаввуфга бўлган муносабатини акс эттиради. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Навоий сохта шайх ва риёкор сўфийларни қаттиқ танқид қиласиди. Сохта шайхни мазаммат қилиб “шайх” радифли алоҳида ғазал ҳам битган. Умуман, Навоий тариқат йўлидаги риёкорликни аямайди. “Махбуб ул-қулуб” асарида “Риёйи шайхлар зикрида” сохта шайхнинг сурат ва сийратини ҳажв қиласиди. Сохта шайхни ташқарисига олтин юритилган мисга ўхшатади. Унинг “Таши хушнамо, ичи

нохуш”. “Оросталиғи барча қайд ва қаромати тамом шайд. Амомаси риёсат юки, бошида ҳар фосид хаёл ҳар туки. Ридоси уюбининг пардадори ва риё чархи иғирған ҳар тори. Мисвоки тамаъ тишин элтурга сухон; шонадонида ришханд олати ниҳон. ...узунроқ намоздин ғарази эл кўрмак. Кулоҳи давлат ул давлатмандга дастор ва узунроқ алоқаси тулку қўйруқидин намудор. Маҳалсиз сайҳаси бағоят совуқ, андоқки, вақтсиз ун тортқон товуқ”. “...Воқеаси бари ясалғон. Уйгоқлиғида дегани барча ёлғон”

Аммо афсуски, бундай тоифаларга мурид ҳам топилади. Шоир ана шу муриidlар ҳолига ҳам афсусланади: “Бу хабис зотға мунча оройиш, эранлар ҳолидин анда намойиш.

Ҳайҳот-ҳайҳот, уят, юз минг уят. Турфа буқим, бу мазҳарға муриidlар ҳам бор, хизматида барча шефтау қарор. Ул бу дўконни юрутиб тадбир била ва маъракани қуруб тазвир билаким, шаётинға маҳалли ҳайратдур ва деви лайнға мүжиби ибрат ва нафратдур”[1:44].

Шунинг учун ҳам Навоий муршиднинг комил ва муридинг сулук йўлида астойдил бўлишни асарларида қайта-қайта таъкидлайди. Бир байтида бунга ишора қилиб айтади:

*Шиор айламасанг нақшбанд ойинини,  
Риёю зуҳд била бўлма нақшибин боре.*

Яъни, Нақшбанд тариқини ўзингтга шиор қилмасанг, риёйу зуҳд билан ўзингни кўз-кўз қилмагин, дейди.

Хуллас, Алишер Навоий ҳаёти ва ижодида нақшбандия тариқати таълимотининг тамойиллари, йўриқлари, одобу арконлари ва яшаш тарзи теран ўз аксини топган. Тасаввуф таълимотини, нақшбандия тариқатини яхши билмасдан туриб шоир асарларининг мазмун-моҳиятига тўла эришиб бўлмайди.

#### Адабиётлар:

1. Алишер Навоий. МАТ. 20 жилдлик, 14-жилд. Тошкент. “Фан” нашриёти, 1998.
2. Алишер Навоий. МАТ. 20 жилдлик, 17-жилд. Тошкент. “Фан” нашриёти, 1998.
3. Баҳоуддин Балогардон. Тошкент, “Ёзувчи” нашриёти. 1993.
4. Бобурнома. Т.: ФАН. 1960.
5. Қаранг: Алийбег Рустамий. Ҳазрат-и Навоийнинг эътиқоди. – Тошкент: EXTREMUM PRESS, 2010.
6. Иззат Султон. Баҳоваддин Нақшбанд абадияти. – Тошкент: “Фан” нашриёти. 1994.
7. Султонмурод Олим. Нақшбанд ва Навоий. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996.
8. Ўзбек адабиёти тарихи. V жилдлик. II жилд. Тошкент, “Фан” нашриёти, 1977.
9. Хондамир. Макорим ул-ахлоқ. Ғафур Ғулом номидаги бадиий нашриёти. Тошкент. 1967.

# АЛИШЕР НАВОЙ ШЕЪРИЯТИДА НУБУВВАТ ҲАҚИҚАТЛАРИ БАДИЙ ТАЛҚИНИГА ДОИР

СамДУ доценти,  
филология фанлари доктори  
**У.У.Қобилов**

**Аннотация:** Ушбу илмий мақола Алишер Навоий шеъриятида нубувват (профетология) ҳақиқати бадиий талқини масалаларининг айрим жиҳатларини ёритишга бағишиланади. Унда нубувват тушунчаси ва унинг шоир лирикасида тасвирланган баъзи рамзий-мажозий ифодалари ҳақида фикр юритилади.

**Калит сўзлар:** Алишер Навоий шеърияти, нубувват таълимоти, образли тасвир, бадиий талқин, рамзий-мажозий ифодалар, тимсол ва таҳлил.

**Аннотация:** Данная научная статья посвящена решению некоторых аспектов художественного осмысления пророческой истины в поэзии Алишера Навои. В нём обсуждается концепция пророчества и некоторые его символические выражения, описанные в лирике поэта.

**Ключевые слова:** Поэзия Алишера Навои, учение пророчества, изображение, художественная интерпретация, символико-метафорические выражения, символ и анализ

**Abstract:** This scientific article is devoted to solving some aspects of the artistic interpretation of prophetic truth in the poetry of Alisher Navoi. It discusses the concept of prophecy and some of its symbolic expressions described in the poet's lyrics.

**Key words:** Poetry of Alisher Navoi, nubuvvat teaching, image, artistic interpretation, symbolic and metaphorical expressions, symbol and analysis.

Алишер Навоий ижоди туркий-ўзбек ва умуман жаҳон бадиий тафаккур тараққиётида бетакрор бир ҳодиса ҳисобланади. У дунё бадиий ижод соҳиблари орасида жуда кам кузатиладиган қобилият, иқтидор ва маҳоратга эга бўлган шахсиятдир. Алишер Навоий бошқа ижодкорлардан ўзининг теран бадиий концепциялари, олам ва одам ҳақидаги теран фалсафий-маърифий қарашлари, илмий-назарий фикрлари билан ажralиб туради. Бугунги навоийшунослик шоир ижодида бундай теранлик ва комиллик руҳини таъминлаган жиҳатларга алоҳида эътибор бериши талаб этилади. Шунга кўра, Алишер Навоий шеърияти жозибадорлиги ва оламшумуллигини белгилаган жиҳатлардан бири, шубҳасиз, нубувват маърифати саналади.

Бизнинг назаримизда, нубувват таълимоти мутафаккир яратган муҳташам ижод биносининг мустаҳкам пойдевори ва чинаккам илҳомбахш замини ҳисобланади. Манбаларга биноан сўз юритганда, нубувват тушунчасининг маъно қирралари ранг-барангдир. У қадимги иврий-араб тилларида бир неча асосдан иборатлиги айтилади. Нубувват “набъун” – хабар, “набва” (нубув) – юксалиш, “наби” – пайғамбар маъноларини билдиради[6.45]. Шу маънода “набъун” – Ҳақдан юборилган “муқаддас сўзлар”, “набва” – самовий юксаклик, “наби” – “хабарчи” маъноларини англатади. Кўринадики, “илоҳий хабар”, “ваҳий”, “нузул” тушунчанинг бирламчи маъносидир. Жаҳон адабиётшунослигида унга синоним сифатида профетология термини ишлатилади. Профетология “пророк” ва “логос” сўзларидан олинган бўлиб, “пайғамбарлик таълимоти” маъносини билдиради. Тадқиқотларга кўра, Куръони Каримнинг тўртдан бир қисми пайғамбарлар қиссаларидан иборат, нубувват-пайғамбар калимаси эса саксон етти маротаба зикр этилади. Шарқ-ислом адабиёти мумтозлиги тавҳид-нубувват бадиий ифодаси биландир. Шу боис тадқиқотларда Шарқ ва Ғарб адабиётидаги ўзига хослик ҳақида гап кетганда тавҳид-нубувват Шарқ адабиётининг оламшумуллиги сифатида қаралади. Шарқ-ислом адабиёт ва манбаларида “барча пайғамбарлар йўли – тавҳид йўли”, “ислом – барча пайғамбарлар дини” эканлиги дарж этилади. Тасаввуф адабиётида нубувват “Аллоҳдан етган таблиғ”, “Ҳақдан келган хабар”, “малақдан келган илоҳий билим” сифатида баҳоланади. Манбаларда пайғамбарларга нубувват келиши ҳодисасининг қирқ олти тури қайд этилади (“Солиҳ туш – нубувватнинг қирқ олти жузидан биридир”). Дин ва пайғамбарлик таълимоти нузул қоидаларида ниҳоятда жиддий масала ҳисобланади. Калом илмида “ваҳий ҳолати” алоҳида ботиний илм соҳаси сифатида қаралади. У инсон тафаккури ва онгидан хорижда бўлган илоҳий ҳодиса саналади. Айтиш лозимки, иймон ёки ботил ҳодисалар нубувват-ваҳий масалалари эътирофида намоён бўлади. Манбаларга кўра, ваҳий Аллоҳдан пайғамбарларга юборилган ҳар қандай нарсани англатади. У лугатларда ишорат, китобат, нома, хат, мактуб, хабар, махфий калом, махфий хабар, яширин сўз, Худонинг хабари ва илҳоми, Худонинг пайғамбарларига илқо қилинган нарсалари, Худойи Таоло томонидан бошқа суратда анбиёларга илқо (тушириладиган) қилинадиган сўз ёки ёзув каби маъноларда изоҳланади, истилоҳий маънода Худонинг шаърий каломи деб тушунириллади. Шундан пайғамбарларга тусириладиган ҳодиса - “ваҳий”, пайғамбар бўлмаганлар билан фаришта сўзлашиши - “кашф”, ғайбий масдардан тушган “илҳом” деб юритилади. Бунда ваҳий – анбиёлар, кашф – авлиёлар, илҳом – инсонлар улуши деб қаралади. Қуръон оятлари тасдик этишича, “нубувват-хабар” биринчидан, “ваҳий-илҳом”, иккинчидан, “парда

ортидан”, учинчидан, “элчи-фаришта” орқали индирилиши таъкидланади. Демак, ислом илоҳиётида нубувват-вахий инсон қалби ва руҳига йўл олган фикр, яъни “илҳом” маъносида келади. У “туш” шаклида ҳам намоён бўлади. Шу боис “пайғамбар туши – вахий” (руъё ал-анбиё – вахий) дейилади. Олимлар Қуръон оятларига таяниб, нубувват келишини асал арининг ҳосил йиғишига қиёслашади. Бу ҳақда Наҳл сурасида ниҳоятда ажойиб оят ҳам нозил этилган. Ундан қўринадики, асалари фаолияти “амри вахий” туфайлидир. Бу ҳолат вахий таққоси учун ниҳоятда жозибадор ва мантиқли қиёсdir. Асалари энг чиройли гуллардан энг тотли ва энг фойдали маҳсулотни келтиради. Шунга кўра, “вахий ҳолати” асалари хизматига таққосланади. Кейинги йиллар адабиётшунослигида бу қиёс ижодий илҳомга нисбатан ҳам ишлатилди. Айтиш мумкинки, илоҳий вахий етти хил кўринишда: 1) туш кўриш шаклида; 2) қалбга қуилиш тарзида; 3) қўнфироқ жарангидек овозда; 4) фариштанинг инсон суратига кирган шаклида; 5) Жаброилнинг ўз самовий қиёфасида; 6) парда ортидан гапириш ва 7) сўзлашиш (баъзан тушда) тарзида намоён бўлади. Шулардан Жаброил фаришта томонидан нубувват келтирилиши кўп қайд этилади. Чунончи, “Осмоний китоблар” ҳам айнан Жаброил орқали нозил этилганлиги дарж этилади. Алишер Навоий шеъриятида нубувват-вахий ҳодисасининг ўзига хос образли ифодалари мавжуд бўлиб, улардан “субҳ”, “жон”, “руҳ”, “парвона”, “Худҳуд”, “кабутар”, “лаъли лаб” ва бошқалар, айниқса, кенг қўлланади. Масалан, “Бадоев ул-бидоя” девонида кабутар тимсолига монанд талқин этади.

*Эй кабутар, восил ўлдум, нома келтурмакни қўй,  
Ким ҳарими ломаконда маҳрам эрмас Жабраил.*

Шеърий байтда ошиқнинг васл ҳолати тасвирга олинган бўлиб, лирик қаҳрамон кабутарга “висолга етдим, энди сен ёрдан нома-хат келтиришни қўйгин, Ломаконда Жаброил ҳам маҳрам, сирдош бўла олмайди”, - деган маънода фикр юритади. Бу ўринда уруж ҳоли назарда тутилган бўлиб, кабутарнинг хабарчи эканлиги Жаброилнинг шу вазифасига монандлашади. Эътибор берилса, байтнинг ҳар мисрасида бир ўзига хос лирик манзара кашф этилади. Биринчи мисрада “восил ўлдим” қўшма феъли масалани ҳал қилиб қўйгандек таассурот уйғотади. Шундан муҳибнинг маҳбуб дийдорига эришганлиги ҳолати гавдаланади. Кабутарнинг хабар келтириши шу маънода мажозлашади. Иккинчи мисрада уруж талқини масала моҳиятини ташкил этади. Бунда Жаброил фаришта манзилгача бўлган ҳамроҳ деб талқин этилади. Висол мақоми эса кабутарни Жаброил билан тамсиллаштиришда ботинан ҳам, зоҳиран ҳам дикқатга сазавор бадиий талқин ҳисобланади. Шу

сингари талқин “Бадоєъ ул-васат”да ҳам учрайди. Бунда “Жаброили амин” билан “номабар қүш” тимсоллари ўзга бир маънода ташбих этилади.

*Сўзунг номабар қүш йигар, айлагандек,  
Наби нуктасин Жабраили амин жам.*

Бу ўринда “номабар қүш” бирикмасида “нома” ва “бар” сўзлари маъно қатламларига кўра, мисрада “қүш”нинг аниқловчиси сифатида “хат” ва “ташимоқ” мазмунини ифода этиб келмоқда. Айтиб ўтилганидек, малаклар кўпинча қушлар тимсолида тасавур этилади. Шунда ҳам яшиндан тез, чақмоқдан илдамлиги, ирода этилиши биланоқ ҳар он ва жойда ҳозир бўла олиши қайд этилади. Байтда “Жаброили амин набиуллоҳ теран маъноли сўзларини ўзида жам этгани сингари сенинг сўзингни хат ташувчи қүш, яъни каптар йигади”, – мазмунида фикр билдирилади. Бунда “наби нуктаси” бирор калимада Ҳақ ҳукмидан холи бўлмаслиги уни Жаброили амин, яъни Мутлок зотнинг муракқаб фариштаси томонидан худди шундай сифатларга эга вакилларига келтиришидадир. Агар қайд этилган сатрларда каптар образи Жаброил тимсолига мажоз сифатида тасвирланган бўлса, бошқа бир мисраларда шу вазифани “парвона” образи ўтаганлиги кўринади. Каптарнинг мамлакатдан мамлакатга хабар элтувчилиги бадиий ифодада маъшуқдан ошиққа нома етказувчи сифатида талқин этилиб, бу манзара Жаброилнинг Ҳақдан набийга ваҳий келтиришига тамсиллик касб эттирилади. Алишер Навоийнинг “Бадоєъ ул-васат” девонидаги тавсифда эса бундай тамсиллик санъати, яъни Жаброилнинг Ҳақ теграсидан набийларга пайғом келтириш учун вакиллиги парвонанинг шам атрофида айланиши ҳолатига нисбатан мажоз вазифасини бажаради. Байтда “агар ғам тунида кишига висол хабарини қоронғулик шамъи мисол етказса, сен уни парвона дема, Жаброил деб атагин”, – деган мазмундаги бадиий фикр ифодаланади. Қоронғулик талқини бу поэтик манзарадаги тасвир табиийлиги ва бадиий мантиқни таъминлайди. Шам қоронғу кечада ёқилади, парвона унга тунда айланади. Талқинларда ваҳдат ва унинг бадиий ифодаси висол тасвирига ёрқин тамсил бўлган меъроҳ воқеаси ҳам тунда содир бўлганлиги қайд этилади. Ғам ҳам шодликка нисбатан акс тасвир бўлиб, ички моҳиятидан қоронғулик ва ёруғликни англатади.

*Дема парвона, де Жибрил, агар бир ғам туни ногаҳ,  
Кишига берса бир шамъи шабистон васли пайғомини.*

Шеъриятда бу сингари охорий тамсил-ташбеҳлардан бири Худхуд тимсолида ўз ифодасини топади. Фикримизча, нубувват ҳақиқатида Жаброил қандай ўринга эга бўлса, унинг бадиий ифодаси мумтоз адабий талқинларда Худхуд тимсолида шундай вазифани бажаради. Худхуд Қуръони Каримда ҳам зикр этилган жонивор саналади. Нубувват тариқида Ҳақ, Жаброил ва

набий учлиги бўлса, бадиий талқинда Симурғ, Ҳудҳуд ва қушлар учлиги мантиқий уйғунлик касб этади. Бунда Фаридуддин Аттор “Мантиқ ут-тайр”, Алишер Навоий “Лисон ут-тайр” достонлари ҳам ўзгача бир бадиий рамзиятлар ифодалагани кўринади. Аслида Ҳудҳуд афсонавий қуш бўлиб, рамзий талқинларда бошқа қушларга Симурғдан хабар беради. Унинг ана шу вазифаси “Бадойиъ ул-бидоя”да Жаброилнинг Ҳақдан набийларга хабар келтириши ҳолатига таққосланади.

*Чу қурб Қофиға еттинг, етишмади Жибрил,  
Не навъ Ҳудҳуд Симурғ ила бўлур йўлдош?*

Байтда келтирилган Қоф ер юзидаги барча бойликлар билан ўраб олинган, зумраддан кўтарилилган афсонавий тоғни билдиради. Талқинларга кўра, ер юзидаги ҳамма тоғлар у билан боғланади. Аллоҳнинг иродаси билан Қоф чўққисидан зилзила келиб чиқади. Унинг орқа томонини Яъжуж ва Маъжуж халқлари эгаллаган. Тоғ кундузи ўсишда давом этади. Шунинг учун бу халқлар ҳеч қачон ер юзига туша олмайди. Бу ишга Искандар Зулқарнайн ёрдамлашиб, Қоф тоғини ҳеч қачон бузилмайдиган ва ошиб ўтишнинг имкони бўлмайдиган девор-сад билан ўраб ташлайди. Шунинг учун Куръонда “сад-девор” зикр этилади. Бу тоғ ҳақида кўплаб қизиқарли мифологик афсоналар учрайди. Баъзиларида у ерда эртак шаҳарлар ва мамлакатлар жойлашгани, мўъжизакор аҳолилар борлиги, хур ва парилар яшаётганликлари ҳақида сўз боради. Шеърда ташқи томондан Қофнинг шундай муazzамлиги назарда тутилиб, “сен қурб Қофиға етдинг, Жаброил сенга етишмади. Ўйла, Ҳудҳуд қандай қилиб Симурғга йўлдош бўла олади?” – деган мазмунда фикр юритилади. Энди масала Жаброил тимсолида тасвири этилаётганлиги нуқтаи назаридан баҳоланса, ўзгача бир тафсилот келиб чиқади. Бу ўринда Қоф қурбнинг сифатловчиси бўлиб келмоқда. Асосий эътибор қурб мартабасига қаратилади. Қурб лугавий маънода яқинлиқдир. Умуман қурб ва Қоф ҳақида турли қараш ва талқинлар мавжудлигини айтиш керак. Лекин бир нарса аниқки, мазкур шеърда қурб фаришта Жаброил сифати бўлган муқаррабликка нисбатан олинган. Олдинги байтда масала қоронғулик тасвири асосида очилган бўлса, бу байтда талқин мана шу қурб тасвирида ёритилганлиги кўринади. Жаброил Аллоҳнинг қурб фаришталаридан бўлса, Ҳудҳуд Сулаймон пайғамбарнинг яқин қушларидан ҳисобланади. Шунинг учун ҳам Ҳазрат Алишер Навоий Ҳудҳудни бир ўринда “пайғамбарга маҳрам” дейди. Жаброилнинг Ҳаққа яқинлигидан набийларга ҳукмларини келтирса, Ҳудҳуд Симурғ ҳолига қурблиги боис ундан қушларга хабар бериб боради. Аммо қурбнинг висол, яъни уруж ҳолидаги қобақавсайн қадар яқинлиги Жибрилни ҳам ортда қолдиради. Бунинг далили қанча яқин бўлса-да, ҳеч қачон Ҳудҳуд Симурғга йўлдош

бўла олмаслигидир. Алишер Навоий ушбу фикрларини “Лисон ут-тайр” достони 16-бобида ўзга бир руҳиятда таъриф этади. Унда “Худхуд Симурӯғдин хабар бергач, қушлар хушҳол бўлиб, таҳдид қилғонлари” баён этилади. Бобда энди Ҳақ, Жаброил ва Расулуллоҳ учлиги тавсифи Билқис, Худхуд ва Сулаймон тимсоллари талқини билан мажозий ифода касб этади. Шарқ-ислом адабиётларида Сулаймон пайғамбар қиссаларида Худхуд образи тасвирланади. Худхуднинг жаҳон шоҳи ва пайғамбар Сулаймонга Билқис паридан “мужда” олиб келганлиги воқеаси мароқли бир қиссадир, лекин мажозий маънода Билқис – Ҳақ, Худхуд – Рух ул-Қудус Жаброил, Сулаймон – ўзи ёки Расулуллоҳ тимсолига монанд талқин этилиши бадиий тафаккур кашфиётидир. Достонда бу қушлар тилидан роз айтилади. Жаброил Муҳаммад Мустафога Ҳақнинг хабарларини етказгани сингари Худхуд Сулаймонга Сабо шаҳридаги Билқисдан хабар-нишон келтиради. Шу боис ислом манбаларида Худхуд жаннатга киритилиши ваъда қилинган ўнта ҳайвон-жониворнинг бири деб талқин этилади. Шоир асарда Худхуд Сулаймон пайғамбарга қандай мақомда эканлигини Жаброил Муҳаммад алайҳиссаломга шундай яқинлиги асносида қиёсий талқин этади. Айтиб ўтганимиз сингари Жаброил Аллоҳдан Муҳаммад алайҳиссаломга ваҳий келтиргани воқеоти учун Худхуднинг Билқисдан Сулаймонга хабар келтириши мажоз ифодаси бўлиб келади.

Хуллас, Ҳазрат Алишер Навоий шеъриятда бундай тафсилий-мажозий талқинлар нубувват ҳақиқатлари бадиий ифодалари сифатида намоён бўлади ва ранг-баранг рамзий тимсоллар орқали поэтик маъноларни юзага чиқаради.

### **Адабиётлар:**

1. Alisher Navoiy. To‘la asarlar to‘plami. Farhod va Shirin. – Toshkent: O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligi G‘ofur G‘ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyি, 2012. – 812 b.
2. Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. Биринчи том. Бадойиъ ул-бидоя. – Тошкент: “Фан”, 1987. – 724 бет.
3. Алишер Навоий: Қомусий луғат. 1-жилд. – Тошкент: Шарқ, 2016. – 536 бет.
4. Алишер Навоий: Қомусий луғат. 2-жилд. – Тошкент: Шарқ, 2016. – 480 бет.
5. Навоий асарлари луғати. – Тошкент: F. Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972. – 784 бет.
6. Жавҳар Шулул. Нубувват фалсафаси. Истанбул. 2010, 45 – бет
7. Қуръони Карим (Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур). – Тошкент: Чўлпон, 1992. – 544 б.

## ХАМСАНАВИСЛИК АНЬАНАСИННИГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ ХУСУСИДА

**Собирожн ТОҲИРОВ**

*Самарқанд давлат университети доценти,  
филология фанлари номзоди*

**Annotation.** This article analyzes Alisher Navoiy's attitudes towards the literatural traditions of "xamsa". Xamsa's motives, traditions and originality, historical realities and artistic compositions are studied.

**Key words:** tradition and singularity, story and composition, literature surroundings of Harasan, comparative analyze.

Маълумки, Амир Хусрав Дехлавийдан кейин хамсанавислик анъанасига нисбатан икки хил муносабат: Низомий Ганжавий ва Хусрав Дехлавий анъаналарига содиқлик ҳамда бу анъаналарни ўзгартиришга интилиш кузатилади. Хусусан, темурйилар даври адабиётида ҳам нафақат бевосита хамсанависликда, балки умуман ижодий жараёнда қадимий афсоналарга нисбатан танқидий муносабат тобора кучайиб борганлиги илмий манбаларда қайд этилади [1. 99-103]. Навоийнинг пири ва ижод йўлидаги асосий устози Абдураҳмон Жомий ҳам Низомий анъаналаридан қисман чекиниб, «Хусрав ва Ширин» ҳамда «Шоҳ Баҳром» мавзуларини четлаб ўтган эди. Бу ҳақда «Юсуф ва Зулайҳо» ҳамда «Хирадномаи Искандарий» достонларида изоҳ бериб, «Хусрав ва Ширин» ўрнида «Юсуф ва Зулайҳо», Баҳром ҳақидаги достон ўрнида «Сабҳат ул-аброр»ни «неъмалбадал»<sup>33</sup> [2. 246-247] қилганлигини айтган эди.

Шундай вазиятда Алишер Навоий ҳам жуда мураккаб танлов олдида турди: «Хамсатайн»нинг умумий қонуниятларига содиқ қолиб анъанани давом эттириш ёхуд ижодий эркинликка йўл бериб, янги мавзуларда асарлар яратиш. Алишер Навоий биринчи – нисбатан оғир ва қайсиdir маънода хавфли йўлни танлади. Зеро унинг мақсади нафақат туркий тилда илк хамсани майдонга келтириш, балки «назираи беназир» асар яратиб бу анъанани янада такомиллаштириш, яъни «хамса такмили» эди.

Айтиш жоизки, Шарқ адабиётининг мазкур мураккаб адабий ҳодисаси Алишер Навоий бадиий тафаккурини аввалдан жалб этган эди.<sup>34</sup> У Сайд Ҳасан Ардашерга ёзган мактубида 24-25 ёшларидаёқ ўзида хамса яратишдек

<sup>33</sup> Бирон нарсани ундан яхшироқ нарса билан алмаштириш.

<sup>34</sup> Бир қатор илмий манбаларда “Садди Искандарий” достони таркибидаги ушбу байтларда ҳам хамсанавис салафлари Низомий Ганжавий ва Амир Хусрав Дехлавийга бағишлиланганлиги қайд этилади:

Кичик эрконимдин бўлуб қошима,

Улуг муддао солдингиз бошима. [23. 34]

Бироқ бу байтлар “толеъи саъд” ва “баҳти баланд”га қаратилган бўлиб Навоий салафларига алоқаси йўқ. Бу ҳақда қаранг: Тоҳиров С. Ангоким етар иккингиздин мадад... // Ўзбек адабиётшунослиги ва тилшунослигининг баъзи муаммолари (Илмий мақолалар тўплами). 1-қисм. – Сам.: СамДУнашри, 2008. 34-39-бетлар.

улкан ижодий салоҳият ҳис қилаётганлигини фахрия байтлар воситасида ифода этган эди:

Умидим буким айлабон фатҳи боб,  
Кўлум бергай ул панжаға тоғи тоб  
Ўтуз йилки они Низомий демиш,  
Қошимда эрур икки-уч йиллик иш.

Ҳусайнин «Рисола»сида келтирган [3. 13] бу байтлар кейинчалик «Хазойин ул-маъони»га киритилаётганда тушириб қолдирилган. Алишер Навоий хамса ёзишга киришишдан олдин ниҳоятда катта тайёргарлик босқичидан ўтганлиги аниқ. Навоийшунос А.Еркинов бу жараён таркибий қисмларини қуйидагича тавсифлайди:

1. Мавзу билан боғлиқ барча тарихий асарларни кўриб чиқиши.
2. Янги фикр ва хулосалар айтиши.
3. Тарихий ҳақиқат масаласи.
4. Ишқ ва дарднинг муштарак тасвири.
5. Асос масаласи [1. 120].

Хамсанависликнинг Навоий таъкидлаган ушбу беш жиҳати ҳақида илмий мулоҳаза юритишда қуйидаги масалаларни ҳам эътибордан четда қолдирмаслик керак бўлади.

**1. Хамса достонларига нисбатан бу каби муносабат (олдингиларни тақорорламаслик, янги фикр ва хулосалар айтиши) ҳам анъанавий ва қайсиdir маънода хамсанависликнинг таркибий қисмларидан саналади.**

Низомий Ганжавийнинг «Панж ганж»и таркибидаги достонларидан бошлаб салафлар (Низомий «Хусрав ва Ширин», «Ҳафт пайкар» ва «Искандарнома» достонларида Фирдавсийни салаф деб билган) асарларига ҳам эҳтиром ҳам танқидий муносабат ифодаланади. Жумладан, «Хусрав ва Ширин»да:

Ҳакиме к-ин ҳикоят шарҳ кардаст,  
Ҳадиси ишқ аз эшон тарҳ кардаст...  
Нагуфтам ҳар чи доно гуфт аз оғоз,  
Ки фарраҳ нест гуфтан гуфтаро боз. [4. 53]

Мазмуни: *Бу ҳикояни шарҳлаган донишманд ундан ишқ сўзини ажратиб қўйди... У донишмандинг айтганларини мен айтмадим. Зоро айтилганни яна тақорорлашада файз йўқдир.*

Ёхуд Искандар ҳақидаги достонларини ёзишдан олдин қўплаб тарихий манбаларни «титкила»ганлигини эътироф этган эди:

Зиёдат зи торихҳойи нави,  
Яхудио насронию паҳлави.

Хусрав Дехлавий ўз навбатида Низомийни устоз, йўлбошловчи деб билса-да, асарларига нисбатан нозик ишоралар билан танқидий муносабат ҳам билдириган. Хусрав, Баҳром, Искандар ҳақидаги достонларини яратиш жараёнида янги тарихий манбаларни ўрганиб чиққанлигини таъкидлайди.

Демак, бу ҳам ўзига хос анъана. Хусусан, янги сўз айтиш, олдинги асарларни тақоррламаслик принципи ҳар бир муаллифнинг асосий мақсадларидан бири бўлган, бироқ бунинг қай даражада амалга ошганлиги бошқа масала.

## **2. Навоийнинг танқидий фикрлари барча достонларида эмас, асосан, «Фарҳод ва Ширин» ҳамда «Сабъайи сайёр»да акс этган.**

Хамсаларнинг илк достонлари ягона сюжетга эга эмас. Ҳар бир муаллиф шакл жиҳатдан муайян қоидаларга бўй сунган ҳолда, мавзуу ва мазмунни ўзи истаган тарзда танлаши ҳамда ўзи истаган мундарижа асосида жойлаштириши мумкин. Бинобарин, у ёки бу асарга таяниш, аниқроғи ундан узоклашишга интилиш шарт эмас. Шу туфайли илк достонларнинг биронтасида салафларга нисбатан танқидий фикр учрамайди.

«Хусрав ва Ширин» достонини, аниқроғи, унинг мавзусига Низомий ўз хоҳиши билан эмас замона аҳлининг талаб ва эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда мурожаат этган;

Маро чун «Махзан ул-асрор» ганже,  
Чи бояд дар ҳавас паймуд ранже.  
Ва лекин дар жаҳон имрӯз кас нест,  
Ки ўро дар ҳаваснома ҳавас нест. [4. 52]

Мазмуни: *Менинг «Махзан ул-асрор»дек ҳазинам бор, ҳавасни деб ранж чекишиимга не ҳожам? Аммо бугунги кунда оламда бирон бир инсон йўқки, унда ҳавасномаларга иштиёқ бўлмаса.*

Демак Низомий учун Хусрав ва Ширин қиссаси тафаккур нуқтаи назаридан ўртаҳол аудиторияни қизиқтирадиган романтик сюжет. Бироқ буюк мутафаккир фақат бу тоифадаги китобхон учун асар яратади. Бинобарин, муаллиф шу сюжет ёрдамида юксак дид ва тафаккур эгаларини ҳам қониқтирадиган асар яратиши лозим. Бунинг учун у «Ишқ» тушунчаси талқинларига мурожаат этади ва сюжетнинг ҳар бир эпизодини шу тушунчанинг таркибий қисмларига айлантиради. Шу мақсадда Низомий Хусравни эмас Ширинни бош тимсол сифатида танлаган. Достоннинг муқаддима бобларида ҳам асосан Ширин тимсоли тилга олинади.

Шу нуқтада «Хусрав ва Ширин» ҳамда «Лайли ва Мажнун» сюжетлари бир-биридан кескин фарқ қиласди. Лайли ва Қайс афсонаси айнан телбалик даражасигача борган ошиқ йигит тимсолини акс эттириш учун яратилган. Илк манбалардан бошлаб сюжетнинг ҳар бир эпизоди шу ғояга хизмат қиласди. Муаллифлар бадиий тафаккури ҳамда тасвирланаётган ишқнинг табиатидан келиб чиқиб (мажозий ва ҳақиқий, авом ишқи, хос ишқи, сиддиқлар ишқи, сурат ва маъни ишқи ва ҳоказо) эпизодларни танлайди ва ишлов беради. Бироқ бу эпизодларнинг ҳеч қайсиси ишқ тушунчасига зид эмас. Шу туфайли «Лайли ва Мажнун» достонларида салафларнинг асарларига нисбатан танқидий фикр (айрим умумий қайдларни инобатга олмагандан) деярли учрамайди. Бунинг иккинчи сабаби, кўпинча қиёсланадиган хамсалардаги достонлар сюжет нуқтаи назаридан Низомий Ганжавий достонини, у эса ўз навбатида араб манбаларидаги воқеаларни тақоррлайди. Бу эса нафақат достонларнинг сюжети балки умуман

архитектоникасига ҳам таъсир этган. Достонларнинг илк байтларини қиёслашнинг ўзи фикрни тасдиқлаши мумкин:

Эй номи ту беҳтарин сароғоз,

Бе номи ту нома кай кунам боз. **Низомий**

*Ей исми бошланишиларнинг энг яхиси бўлган Зот, Сенинг исминсиз қандай қилиб нома (асар) бошлигин?*

Эй дода ба дил хазинаи роз,

Ақл аз ту шуда хазинапардоз. **Хусрав Дехлавий**

*Ей кўнгилга сирлар хазинасини берган Зот, ақл Сен туфайли хазинабон бўлди.*

Эй хоки ту тожи сарбаландон,

Мажнуни ту ақли хушмандон. **Жомий**

*Ей тупроғи сарбаландлар (боши кўкка етганлар)нинг тожи бўлган Зот, ҳуши эгаларининг ақли Сенинг мажнунингдир (Сенинг даргоҳингда мажнун кабидир).*

Эй яхши отинг била сароғоз,

Анжомиғаким етар ҳар оғоз. **Навоий**

*Ейки ҳар қандай яхши бошланишилар Сенинг исминг билан бошланиб ниҳоясига етадиган Зот.*

Бу ҳолат «Хусрав ва Ширин» мавзусидаги достонларда кузатилмайди. Зеро Низомийдан бошлаб ҳар бир муаллиф Алишер Навоий қайд қилганидек, «тасвир дилкаш» бўлиши учун «авзоиға тағиyr» қилишга мажбур бўлган. Буни асослаш учун эса олдинги достонларга муносабат билдириш шарт. Жумладан, Низомий «Шоҳнома»да келтирилган Ширин Марямни заҳарлаганлиги хақидаги маълумотни инкор этади:

Дарандеш, эй ҳаким, аз кори айём,

Ки подоши амал бошад саранжом...

Чунон афтод тақдир илоҳий,

Ки бар Марям сар омад подшоҳи. [4. 239]

*Ей ҳаким (Фирдавсий) бу айём ишларидан эҳтиёт бўл, зеро амалнинг оқибати тайёр (ўзини куттирмайди)... Тақдир илоҳий шундай бўлдики, Марям давлати (умри) ниҳоясига етди.*

Ширин ҳатто рашк ўтида ёнишига сабаб бўлган рақибининг вафотидан қувонмайди. Зеро:

Ба дигар навъ ғамгин гашту дилсўз,

Ки оқил буду метарсид аз он рӯз. [4. 240]

(У) Ўзгача ғамга ботди ва юраги оғриди, Зеро у оқила эди ва охират ёки қиёмат куни ҳисобидан қўрқар эди.

Низомий достонига хос бўлган бу тенденция ҳам беихтиёр кейинги муаллифларнинг асарларига кўчган.

**3. Хамса достонларининг тарихий ҳақиқат билан ҳамоҳанглиги масаласини муҳокама қилишда тарихий ҳақиқатнинг бугунги кунда маълум бўлган суратини эмас достонлар яратилган даврдаги ҳолатини, бошқача қилиб айтганда, у ёки бу воқеа**

## **ҳақида муаллифларнинг маълумотлар базасини инобатга олиш лозим.**

Искандар (Александр Македонский), Бахром (Вараҳран V), Хусрав (Хусрав II Парвиз) ҳақидаги бугунги тарих илми эга бўлган маълумотлар билан ўрта асрларда маълум бўлган маълумот ва қарашлар ўртасида айrim тафовутлар мавжуд. Зеро бугунги тарих кўп жиҳатдан Европа илмининг ютуқларига, археология, генетика сингари ёндош соҳаларнинг ёрдамига таянади. Шарқда эса кўпроқ инсоният тарихининг умумий, даврий қонуниятларига таянилган. Айтайлик, Искандарнинг шиша сандиқ ясаб сув ости дунёсини забт этганилиги (ўрганганлиги) бирон-бир замонвий тарихий манбада қайд этилмайди. Бироқ Низомий ҳам унинг салафу халафлари ҳам бу воқеага ишонган ва уни турлича талқин этишга ҳаракат қилишган. Бинобарин, буни анъанавий бадиий тўқима деб бўлмайди.

Алишер Навоий айнан «Фарҳод ва Ширин» достонида тарихийлик ва тарихий манбаларга алоҳида урғу қаратган. Бунинг боиси мавзунинг тарихий воқелиги достон (иккинчи достонлар) учун танланган концепция – «Ишқ» талқини учун тўлалигича мос келмайди. Мавзу ҳам йўналиш ҳам аниқ бўлгани ҳолда сюжет тубдан ўзгартирилмаса, Низомий достонининг айнан такори бўлиб қолиш хавфи юзага келар эди. Хусрав Дехлавий вазиятдан чиқиши учун Ширин тимсолига эмас Хусрав образига асосий урғуни қаратди, уни такомиллаштиришга, «ошиқ» тимсолига имкон қадар яқинлаштиришга ҳаракат қилди. Буни у сюжетни тубдан ўзгартириш йўли билан эмас, Хусравнинг камчиликлари кўриниб қоладиган эпизодларни имкон қадар ташлаб юбориш (Хусравнинг шаҳзодалик даври), характерли эпизодларни таҳрир қилиш (Ширин билан учрашув, ота таҳти учун кураш, Шакар билан учрашув, Фарҳод билан сұхбат ва ҳоказо) ҳамда имкон туғилди дегунча Хусравни таъриф ва тавсифлаш каби воситалар ёрдамида амалга ошириди:

Чунон орост мулк аз донишу дод,  
Ки шаҳр осуда гашту кишвар обод.

*У (Хусрав) донишмандлик ва адолат билан мамлакатга оро берди.  
Натижада, шаҳар (лар) осуда, юрт обод бўлди.*

Бу усул Хусрав достонининг аригиналлигини таъминлаган бўлса-да, ишқ концепцияси ифодаси учун етарли эмас эди. Алишер Навоийнинг «Саросар бўлдилар Хусравга маддоҳ» ибораси кўприқ Хусрав Дехлавий асарига қаратилганлигини сезиш қийин эмас. Чунки Хусрав образига қанчалик ишлов берилмасин, у «гаҳе маҳбуб ўлуб гоҳи парастор» бўлган «подشاҳвор» ошиқдир.

Хўш, Алишер Навоий тарихий манбалардан нимани излади? Табиийки, буюк мутафаккир Фарҳод тимсолини биринчи планга олиб чиқиши имкониятларини излайди. Агар Фарҳод тимсолининг Низомийдан Навоийга қадар эволюциясини кўз олдимизга келтирадиган бўлсак, бу ғоянинг етилиб қолганлигини сезиш қийин эмас. Хусрав Дехлавий достонида энди Фарҳод шунчаки ҳунарманд эмас, Моний ва Аржангдан ҳунар ўрганишни афзал билганлиги

туфайли қувғинга учраган ўғил. Ягона муаммо унинг Арман диёрига келиб қолишини Ширин билан боғлаш. Алишер Навоий аниқлаган тарихий манбаларда ойина воқеаси, Юноистон сафари, Фарҳоднинг Хусрав қўшини Арманистонга кириб боришига тўсқинлик қилганлиги, Баҳром (Баҳром Чубин)нинг Хусрав билан эмас Широя билан жанг қилганлиги ҳақида тарихий фактларни аниқлаган бўлиши мумкинми? Бундай эҳтимол жуда ҳам оз. Бу сюжетни бадиий интерпретация қилишнинг навоиёна юксак истеъдод намунаси. Бизнингча, Алишер Навоий излаган асосий масала ва муаммо Хусравни Ширин билан учраштираслик, барча асарларда қайд этиладиганидек, шахзода Хусравнинг Ширин билан учрашиб ўртада муҳаббат ёки ҳавас (Низомий) уйғонганлиги эпизодини ташлаб юбориш имконияти. Зоро Навоий достонини мутолаа қилган киши фақат шу масалада жиддий эътиroz билдириши мумкин эди. Достондаги қолган воқеаларнинг биронтасини тарихий манбалар бутқул инкор эта олмайди.

Демак мумтоз достонларда тарихий ҳақиқат масаласи деганда шуни инобатга олишимиз керакки, асарда ифодаланган воқелик тарихий манбалар билан тасдиқланмаслиги мумкин, бироқ инкор этилмаслиги шарт. Муаллифлар ростлик, рост сўзлаш деганда айнан шуни назарда тутгандар.

«Садди Искандарий» достонини бошлаш жараёнида Искандарнинг насл-насаби масаласи жумбоқлигича қолади. Алишер Навоий шу мавзуда достон ёзаётган Жомий даргоҳига бориб маслаҳат сўрайди:

Анингдекки аслин Низомий деди,  
Ҳамул навъ фарзона Жомий деди.

*Низомий бу масаланинг асл ҳақиқатини қандай айтган бўлса, Жомий ҳам шу фикрни тасдиқлади.*

Умуман, «Садди Искандарий»нинг мазкур XV боби (аниқроғи, бобнинг дастлабки қисми) жузъий ўзгаришлар билан Низомийнинг достонидаги «Оғози достон ва насаби Искандар» бобининг таржимасидир. Бу бежиз эмас. Искандар шахсиятига оид энг мунозарали, ноаниқ масала унинг насл-насабидир. Шу туфайли Алишер Навоий бу борада масъулиятни Низомий бўйнига қўйиб унинг фикрларини келтириш билан чекланган. Бинобарин, бу боб Искандар саргузаштларининг бошланиши эмас, аннотатсиясидир. Шунингдек, Искандар аслида Файлақуснинг ўз ўғли эканлигини Алишер Навоий ҳам Низомий каби тасдиқлаган.

Хуллас, Алишер Навоийнинг ҳамсанавислик ва ҳамсанависларга муносабати, ижодий тамойиллари: тарих ва тарихийлик, воқеавийлик ва ишқу дард муносабати, мантиқий мутаносиблиқ, олдинги асарларни тақрорламаслик, танқидий муносабат билдириш кабилар ҳақида мулоҳаза ва муҳокама юритиш анча мураккаб масала. Уни ёритишда Алишер Навоийнинг фикрлари билангина чекланмаслик лозим бўлади.

### Адабиётлар

1. Эркинов А. Алишер Навоий «Хамса»си талқини манбалари. – Т.: Tamaddun, 2018.

2. Абдураҳмони Жоми. Осори мунтахаб. Жилди панжӯм. Лайли ва Мажнун. Хирадномаи Искандарий (Ба чоп тайёркунандагон А.Афсаҳов, А.Зуҳуриддинов). – Душанбе: Ирфон, 1964.
3. Шоҳ ва шоир Ҳусайн Бойқаро. Рисола. Девон. – Т.: Шарқ, 1995.
4. Низомии Ганҷави. Куллиёт. Жилди якум. Ҳусрав ва Ширин (Нашрга тайёрловчи З.Аҳориј). – Душанбе: Ирфон, 1983.

## АЛИШЕР НАВОИЙ ЛИРИКАСИДА МАДҲ МАВЗУСИ

*Олимжон Давлатов,  
филология фанлари  
бўйича фалсафа доктори (PhD),  
Алишер Навоий номидаги  
халқаро жамоат фонди ижрочи директори*

Алишер Навоийнинг ижодий биографиясида мадҳ мавзуси салмоқли ўрин эгаллайди. Султон Ҳусайн Бойқаро ҳокимият тепасига келгач, Ҳиротга қайтган Навоийнинг дастлабки асари – янги ҳукмдор мадҳидаги “Ҳилолия” қасидаси бўлди. Шунингдек, биографик тусдаги “Ҳамсат ул-мутаҳайирин”, “Ҳолоти Сайид Ҳасан Ардашер” ва “Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад” асарларини хисобга олмагандা, мутафаккир шоирнинг барча асарлари Султон Ҳусайн Бойқарога бағишланган бўлиб, уларда “Шоҳи Ғозий” энг олий даражадаги таърифу тавсифлар билан эсланган.

Навоийнинг мадҳ оҳангида битилган сатрлари, асарларидаги мадҳ мавзуси алоҳида тадқиқот учун мавзу. Шўро замонида Навоийдек шоир замон ҳукмдорини мадҳ этиши хато ҳисобланган бўлса, янги даврда бу масалага дахл қилиш ва Навоийнинг мадҳнома (мадҳия сўзи муносиброқ бўлса-да, ҳозирги тилимизда гимн маъносини билдиргани сабабли қўлламадик)лари замонамиз маддоҳларига “адабий дастак” бўлиши мумкинлигининг хавотири билан ушбу мавзуу “ёпиқ” лигича қолди.

Мумтоз адабиётда мадҳ мавзусида қалам тебратмаган шоир саноқли. Жумладан, Алишер Навоий ғазалнависликда устоз деб билган шоирлар – Амир Ҳусрав Деҳлавий, Ҳофиз Шерозий ва Абдураҳмон Жомийларнинг ижодида ҳам мадҳномалар салмоқли ўрин эгаллайди. Аммо буларнинг бағишловлари ва мадҳлари Фаррухий, Муиззий, Заҳир Форёбийларнинг қасидаларидан буткул фарқ қиласи. Биргина мисол келтирайлик: Фаррухий Систоний Султон Маҳмуд Ғазнавийга бағишлаган бир қасидасида шундай

бир фикр баён этади: “Каҳф” сурасида унинг ҳақида оятлар нозил бўлган Искандар Зулқарнайнинг Маҳмуд Ғазнавийдан тафовути – охирзамон пайғамбаридан аввал яшаб ўтганидир, холос. Агар, дейди Фаррухий, ислом пайғамбаридан кейин ваҳй эшиклари ёпилмаганда, Қуръоннинг камида учдан бир қисми Маҳмуди Ғозийнинг қаҳрамонликлари ҳақида бўларди.

Алишер Навоий ва унинг салафлари эса, мадҳни тарбиявий қуролга айлантириб, сultonни тавсиф ва мақташ орқали тўғри йўлга ҳидоят қилишни асосий мақсад қилиб олганлар. Навоий мадҳларининг бошқаларникига ўхшамаган яна бир жиҳати бор: мадҳ йўсинида ёзилган шеърларда талаб қисми мавжуд бўлиб, унда шоир мамдуҳ, яъни мадҳ қилинган одамдан ўзига керакли нарсани нозик шоирона ишоралар орқали тилаб олади. Навоий шеърларининг бирор жойида шундай таъма ва тилак оҳангидаги сатрларни учратмаймиз. Унинг мадҳлари самимий ва чин юракдан, бирор ғараз ё таъмасиз ёзилган. Иккинчи жиҳати – унинг лирик жанрлардаги мадҳномаларда шундай услугуб қўлланилганки, унда мамдуҳ реал шахс ёки тимсол эканлигини аниқлаш қийин кечади. Жумладан, таҳлил қилинаётган газалдаги биринчи байтда айнан кимга – Султон Ҳусайн Бойқаро, ёки севикли маҳбуба ва ёинки Аллоҳ таолога мурожаат қилинганини англаш қийин:

*Эй гадойингнинг гадои барча аҳли таҳту тож,  
Ким гадойингдур, анга йўқ таҳт ила тож эҳтиёж.*

Иккинчи байтда манзурнинг хумор кўзлари арзимас гуноҳ учун ҳам итобга олиниши, учинчи байтда эса чамандаги санавбар ва чинор дарахтининг ёр қомати расолиги учун қилган муноқашалари тасвирга олингани бу ғазалга ошиқона рух бағишилаган бўлса, тўртинчи ва бешинчи байтдаги маънолар ошиқона бўлиш баробарида ижтимоийлик руҳи ҳам устувор. Айникса, мазҳаби каломий (ўз матлабининг исботи учун латофат билан далил келтириш) санъати орқали иккинчи мисрада айтилган фикрлар – вайронга бўлган мулкка хирож солиб бўлмаслик (тўртинчи байт) ҳамда подшоҳи золим бўлган ўлкада бошқалар ҳам ҳукмдордан ўrnak олиб зулм ва ситам қилишлари (бешинчи байт) шунчаки ишқий матлабни далиллаштириш учун келтирилган оддий гаплар эмас. Навоий Султон Ҳусайн Бойқаронинг нозик табъи ҳамда шеърни англашдаги дақиқ заковатини биларди (бу ҳақда у газалнинг иккинчи байтида ишора ҳам қилган). Шунинг учун, у очиқ-ойдин насиҳатгўйликка киришмасдан, мулкнинг ободлиги хазина маъмурлигига сабаб бўлиши, бунинг учун эса одилона сиёsat юритилиши лозим эканлиги каби ҳақиқатларни шоирона лутф ва образли сўзлар ёрдамида айтишга эришган:

*Эйки, кўнглумни бузуб, дерсен, хаёлимни чиқар,*

*Ҳеч ким вайронадин ганж истамас ҳаргиз хирожс.*

*Сен жафо қилғач, күнгүл жон бирла тарким туттилар,*

*Бўлса шаҳ золим, эл ичра зулмга эрмии ривож.*

Шоҳнинг энг содик маслаҳатгўйи ва беғараз дўстининг ҳижронда қолиши, яъни бевосита жараёнда фаол аралашмасдан, четда назарда қолиши сабаб бўлган. Шундай адолатсизликларнинг олдини олиш ва зулм ривожига барҳам бериш учун Навоий шоҳнинг ёнида бўлишни истаб мурожаат қиласди. Подшоҳнинг ушбу масалага ижобий кўз билан қарамаслиги унинг дардини янада қучайтириб, тоқатини тоқ қиласди. Чунки, ҳаёт – ўткинчи, бутун оламнинг якка ҳукмдорлари ҳам вақт-соати келиб бу фоний дунёни тарк этиши муқаррарлигини билган мутафаккир берилган умр ва фурсатдан тўғри фойдаланиб, сulton кўмакчиси бўлиб адолатни барқарор этишда ўз ҳиссасини қўшмоқни истайди. Бир соатлик адолат икки олам аҳлининг бир йиллик ибодатидан афзаллигини англаган киши шоирнинг бу изтироби нақадар улуғвор эканини жуда яхши ҳис этади:

*Ҳажрдин дод истадим, дединг, сабур ўл,вой ким*

*Тоза дөгимга ёнар ўт бирла айларсен илож.*

*Чун фано гарди ёпар, не суд тахти жоҳинга*

*Кўкнинг анжумдин мукаллал атласин қилсанг дувож.*

Навоийнинг бу ёниб-куйишлари мансаб ва мартаба илинжида эмас. Сulton Ҳусайн салтанатининг ишончли одами бўлиш – у учун барча тожу тахтдан афзал. Адолатли сultonнинг хизматида бўлмоқлик олам подшоҳлигидан улуғроқ саодат эканини таъкидлаб, шоир тантанавор оҳангда ғазалга якун ясади. У бу чақириқ ва даъватлар сulton томонидан жавобсиз қолмаслигига ишонарди ва бунга ҳаёти давомида кўплаб маротаба гувоҳ бўлганди. Шу билан бирга, Навоийнинг ушбу мурожаатини Ҳак таоло даргоҳига муножот ўлароқ талқин қилиш ҳам мумкин. Бу талқинлар бир-бирини рад этмасдан, балки моҳият эътибори ила бир-бирини тўлдиради. Чунки, ал-Адл сифатининг соҳиби бўлган Аллоҳ таоло одил подшоҳларнинг ёри ва мададкоридир:

*То гадойингдур Навоий тахт ила тож жистамас,*

*Эй гадойингнинг гадойи барча аҳли тахту тож.*

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик. 1 Ж. Ғаройиб ус-сиғар. –Тошкент: F.Гулом номидаги НМИУ, 2011.

2. Алишер Навоий: қомусий луғат. 2 жилдлик. 1 Ж. – Тошкент: Шарқ НМАК, 2016.

3. Н.Комилов. Маънолар оламига сафар. –Тошкент: Тамаддун, 2012.
4. М.Мухиддинов. Кўнгил ҳайратлари. –Тошкент: Тамаддун, 2021.
5. И.Хаққул. Навоийга қайтиш. 4-китоб. –Тошкент: Тафаккур, 2021.

## АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ ТАРИХ ҲАҚИДАГИ ҚАРАШЛАРИ

**Отабек ЖЎРАБОЕВ**

*филология фанлари номзоди, доцент,  
ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Давлат  
адабиёт музейи директор ўринбосари.  
[atabekrj@gmail.com](mailto:atabekrj@gmail.com)*

**Annotation.** The article examines the historical views of Alisher Navoi. His historical works "Tarihi anbiyo va hukamo" and "Tarihi muluki ajam" focus on his originality and originality in the creation of historical works. It is also noted that Navoi was a teacher of historians of his time.

**Key words:** Alisher Navoi, history, source, historical thinking.

Буюк Алишер Навоийнинг алоҳида феномен сифатида XV аср тарихида тутган ўрни жуда муҳим бўлиш билан бирга, унинг ўз даври тарихи ва умуман тарихга муносабатини, тарихий қарашларини ўрганиш бирмунча аҳамиятлидир. Мазкур масала эса, фикримизча, қуидаги жиҳатларда кўринади:

1. Алишер Навоийнинг тарихшунос сифатида яратган тарихий асарларида;
2. Навоий қаламига мансуб ёднома-хотира (мемуар) асарларда тарихий шахс ва воқеликнинг баён этилишида (“Хамсат-ул-мутаҳайирин”, “Холоти Сайд Ҳасан Ардашер”, “Холоти Паҳлавон Муҳаммад”);
3. Бошқа (лирик, эпик ва прозаик) асарларда у ёки бу тарихий ҳодиса, шахс ёки воқеликка муаллиф муносабатида (“Хамса”, “Мажолис-ун-нағоис”, “Ҳазойин-ул-маоний” ва бошқ.).

Хусусан, дастлабки икки жиҳатда биз кўзда тутмоқчи бўлган масала аниқ-равшан акс этган. Сўзимиз аввалида яна бир муҳим фактни эътиборга олиш зарур, деб биламиз. У ҳам бўлса Навоийнинг ўша давр тарих фани ривожига қўшган беқиёс ҳиссасидир.

Алишер Навоийнинг адабиёт ва санъат тараққиётига ҳомийлик қилиши, илму фан ривожига, айниқса тарихга кенг эътибор бергани маълум. Ҳиротда яшаган кўпгина тарихчилар Навоийдан маслаҳатлар олишган. Жумладан, “Мирхонд, Хондамир каби машҳур тарихчилар тўғридан-тўғри Навоий раҳбарлиги остида, унинг моддий кўмаги ва ташвиқи билан катта тарих асарлари устида ишлаганлар” [Ойбек, 1979: 32].

Мұхаммад ибн Ховандшоҳ Мирхонд (1433-1498) “Равзат-ус-сафо фи сияри-л-анбиё вал-мулук вал-хулафо” (Набийлар, маликлар ва халифалар таржимаи ҳолида софлик боғи) асарини Навоийнинг маслаҳати ва раҳбарлиги остида яратган.

Жумладан, Мирхонд ёзади: “... Ва чун бо ақл машварат кардам гуфт ки, ҳарчанд ў дар таърихдони ягонаи замонаст, ҳануз ба шунидан воқеаҳои таърих бисёр ишитиёқ дорад. Бинобар ин бо таълифи китоби таърих ба ў наздики жуст... ва чун сухани ҳидоятсори ақл маъқул намуда баъд аз истижоза маърузи рои оламорои гашт. Ин ҳадис мустаҳсан ва матбуи табъи ваққодаши омада ишорати олий ноғиз гашт ки, бар муқтазои савобиди он мұжтаҳиди мусиб бар тартиби таърихи муборидат бояд намуд ки, иборат аз ҳатту ҳоли мажоз ва истиора ҳолий ва аз вусмати сирқату орият ори бошад... ва муштамал бар муқаддима ва ҳафт қисм ва хотима намуд...” [Мирхонд, 2<sup>б</sup>].

Маълум бўладики, Навоийнинг таъкидлашича, Мирхонд “Равзат-ус-сафо”ни ёзар экан – 1) асарнинг услуби ва тили турли хил ортиқча мажоз ва истиоралардан ҳоли бўлиши, 2) бошқа тарихий асарлардан катта-катта кўчирмалар олиб тўлдирилмаслиги, 3) муболагали ва ноаниқ жумлалардан тоза бўлмоғи керак.

Айнан мана шу уч хусусият ўрта асрлар Шарқ тарихнавислигига хос бўлиб, бу ўринда Навоий чиндан ҳам “тарихни билишда замонасининг ягонаси” сифатида мұхим жиҳатга ургу бермокда.

Энди Навоийнинг тарихий асарларига тўхталсак.

Хондамир Навоий ҳақидаги мемуарида келтиради: “... ўша замонда иккита қисқача тарих: бири – пайғамбарлар тўғрисида, иккинчиси – ажам подшоларининг аҳволлари ҳақида тасниф қилганлар. Бу икки қимматли нусхага қизиқ ҳикоялар ва ажойиб ривоятлар ёзганлар” [Хондамир, 1967: 58].

Навоийнинг ўзи ҳам “Мұхокаматул-луғатайн” асарида ижод маҳсулларидан бир қанчасини санаб, шундай таъкидлайди: “... “Хамса” шуғлидин чун фарогат топибмен, тахайюлим гетиинавардин салотин таърихи дашибига чопибмен, чун нома саводи зулматидин “Зубдатут-таворих” адосин тузупмен, салотин ўлган отин бу ҳайвон суйи била тиргузумен” [Навоий, 2000: 26].

Яъни: «Хамса»ни ёзиб бўлгач, жаҳонкезар хаёлотим оти султонлар тарихи дашибига қараб чопди; битикларнинг қора зулматидан “Тарихлар қаймоғи”ни чиқариб, асар туздим ва бу билан подшоҳларнинг ўлган номларини бу тириклик суви билан тирилтирдим».

Бироқ, Навоийнинг “Зубдат-ут-таворих” номли асари ҳанузгача фанга маълум эмас (ёки топилмаган). Академик А.Қаюмовнинг фикрича, Навоий Султон Ҳусайн ва унинг давлати тарихини ёзишга киришган. Аммо унинг бошланғич бўлакларигина ёзилиб битган, холос [Қаюмов, 2011: 234].

Бу фикрга маълум қадар қўшилиш мумкин. Сабаби, ўрта асрлар мусулмон тарихшунослигидаги муайян анъаналардан бири – бирор давлат ёхуд хукмдор тарихини ёзишдан аввал, бироз бўлса-да, пайғамбарлар ва асар

қаратилган подшоҳ ҳукмдорлик қилаётган регион (бу ўринда *ажам* – араб бўлмаган)даги тўрт сулола тарихини ҳам қаламга олиш зарур бўлган.

Ана шу зарурат туфайли бунёд бўлган “бу икки қимматли нусха” эса – “Тарихи анбиё ва хукамо” (Набийлар ва ҳакимлар тарихи) ва “Тарихи мулуки ажам” (Ажам маликлари тарихи)дир. Ҳақиқатан, Навоийнинг ушбу икки тарихий асари яратилиши режалаштирилган (ёки тугалланган) “Зубдатут-таворих”нинг дастлабки қисмлари эканлигига бу каби айрим жиҳатлар ишора беради. Мисол учун, Навоий “Тарихи мулуки ажам”да Баҳром бинни Яздижирд ҳақида ҳикоя қиласа экан унинг Журжон навоҳисида оз киши билан тунда хужум қилиб уч юз минглик кўшинни енганини келтиради ва бундай ишни ундан аввал ҳам, кейин ҳам ҳеч бир подшоҳ қилмаганини айтади. Сўнгра Навоий фақатгина Султон Ҳусайнгина бунга мұяссар бўлганини таъкидлаб, ўша воқеани воқеа ичида қисқача баён қиласи. Ва бу тарихий ҳодисани “*иниоаллоҳул-азизким, ўз маҳалида шарҳ била битилгай ва нақиру қатирига дегинча шарҳ қилилгай*” дея таъкидлайди [Навоий, 2000: 236].

Бироқ, ушбу икки асарни Навоий яна бошқа ниятларни ҳам кўзда тутган ҳолда ижод қилганига оид асосли тахминлар ҳам қилинади.

Навоийнинг олим, хусусан, тарихшунос олим сифатидаги фаолияти ҳам айнан мазкур икки асар билан белгиланади. Ҳар икки асар ҳам қисқа бўлса-да, муаллиф ёритмоқчи бўлган тарихнинг энг муҳим жиҳатларини акс эттира олганлиги, услубининг бу тахлит бошқа асарлардан фарқланиши билан ажralиб туради. Шунингдек, муаллиф ўзигача яратилган кўплаб бошқа тарихий асарлардан боҳабар эканлиги, улардан унумли ва танқидий фойдаланганлиги ҳар икки асар матнидан маълум бўлиб боради.

Масалан, Абу Ҳомид Фаззолийнинг “Насиҳатул-мулк”, Абу Жаъфар Табарийнинг “Тарих-ул-умам вал-мулук” (бошқа номлари – “Тарихи Табарий”, “Тарихи Жаъфарий”), Абу Али Мискавайҳнинг “Одоб-ул-араб вал-фурус”, Қози Байзовийнинг “Низом-ут-таворих”, Ҳамидуллоҳ Қазвенийнинг “Тарихи гузидা”, Абу Сулаймон Банокатийнинг “Девон-ул-насад” ва “Жомеъ-ут-таворих”, Алоуддин Жувайнийнинг “Тарихи жаҳонкушой”, Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома” ва Мирхонднинг “Равзат-ус-сафо” асарларидан Алишер Навоий “Тарихи анбиё ва хукамо” ҳамда “Тарихи мулуки ажам” асарини яратишда фойдаланган ва уларни тилга олган.

Аввало, “Тарихи анбиё ва хукамо”га тўхталадиган бўлсак; асарда исломгача яшаган пайғамбарлар ҳамда ҳаким (донишманд) зотларнинг қисқача тарихлари баён қилинган. Муаллиф, пайғамбарлар билан боғлиқ воқеа-ҳодисаларга тўхталар экан, бу маълумотларнинг бош манбаи – Куръони карим эканлигига ишора қиласи ва ўз фикрларини асослаш мақсадида бир неча ўринларда оятларга ҳаволалар беради (масалан, Одам алайҳиссалом ҳақидаги дастлабки парчада “Бақара” сураси 31-оят, “Хижр” сураси 19-, 35-, 50-оятлар, “Моида” сураси 31-оят; Иброҳим а. ҳақидаги ўринларда эса “Анъом” сураси 76-, 78-оятлар, “Иброҳим” сураси 37-оят; Юсуф а. ҳақидаги қисмда эса “Шўро” сураси 11-оят, “Юсуф” сураси 4-, 31-,

37-, 57-, 100-оятлар келтирилган); набийлар билан содир бўлган турли хил ибратли ва қизиқарли воқеаларни қаламга олади. Шу билан бирга, Навоий ўзигача ижод қилган мусулмон муаррихларидан ўзгачароқ йўл тутган. Улар қуидагиларда кўринади:

а) пайғамбарлар тарихига оид аксарият асарларда ҳазрати Мухаммад Мустафо (с.а.в.)гача бўлган набийлар ҳақида жуда қисқача бериб, асосий ўрин Расулуллоҳ тарихига бағишиланган. Навоийда эса исломгача келган пайғамбарлар тарихи ҳақида, муфассал бўлмаса-да, баён қилинади (Одам, Нуҳ, Мусо, Юсуф, Исо алайҳиссаломлар каби). Аммо Расулуллоҳ тарихига тўхталинмайди. Бу жиҳат бизнингча, муаллифга қадар Расулуллоҳ тарихларининг кўп яратилганлиги, аввалги пайғамбарларга эса нисбатан кам эътибор берилганлиги бўлиб, Навоий ўз диққатини ана шу “кемтиклик”ни маълум қадар тўлдиришга интилганидир;

б) Навоий ортиқча муболағали тафсилот, хаёлот доирасидан ўта узоқ ва шубҳали жиҳатларга тўхталмаган. Аксинча, бу борада бир неча ўринларда ўз танқидий мулоҳазаларини билдириб ўтган. Бу хусус “Тарихи мулуки ажам” учун ҳам хос бўлиб, муаллифнинг тарихга ўзига хос ва холис ёндашувини кўрсатади;

в) асарнинг “хукамо” (ҳаким-денишмандлар)га оид бўлаги эса анбиёлар қисмидан ҳам ўта қисқа бўлиб, унда умумий маълумот бериш билан чекланилган. Навоий Қуръони каримда номи кечган Луқмони ҳаким<sup>35</sup> билан бошлаб, қадимги юонон файласуфлари – Фишоғурс (Пифагор), Буқрот (Гиппократ), Суқрот (Сократ), Афлотун (Платон), Аристотилис (Арасту), форс денишмандларидан – Содик, Бузуржмехр кабиларга тўхталган (жами 13 олим). Ҳар бир пайғамбар ва ҳаким ҳақидаги баёндан сўнгра якунловчи бир байт шеър илова қилинган.

Баъзи мисолларга мурожаат қиласиз. Навоий Нуҳ пайғамбар авлодидан бўлган Ҳом ҳақида ёзар экан, унинг авлодлари турли мулкларга тарқалишининг тарихий манбаларда ихтилофли эканлигига ургу бериб, бу борада яқдил фикр йўқлиги ва шу билан сўзни узатмай қисқа қилиш лозимлигини таъкидлайди. Акс ҳолда бундай ихтилофли сўзлар ўкувчида шубҳа туғилишига сабаб бўлади.

“...*Бу тарихни мутолаа қилур маходим арзига еткурулурким, таворихики битибдурлар, бу мавзуъдин паришионроқ ер йўқтур. Асру кўп мухталиф ақвол бу ерда мазкурдуурким, битмаги ўқур элга мужиби тараффуд бўлур. Ул жиҳатдин баъзи муътабар кутубдин ушунчча сўз била ихтисор қилилди*” [Навоий, 2000: 106].

Ёки, “Зулқарнайнин Акбар” ҳақидаги ўринда Зулқарнайниннинг девор кўтариши ҳамда яъжуҷ ва маъжуҷ “сифотида” тарих китобларида шундай муболағалар қилинганки, ҳатто “*бу фақир қаламига ул қобилият йўқдурким, аҳли тарих биткондин таҳрир қилгай*” дея айтилади [Навоий, 2000: 112].

<sup>35</sup> Навоий уни набийлар қисмida ҳам келтирган ва “тарих аҳлидин баъзи они хукамо силкида мазкур қилибдурлар. Ва кўбрак эл ани пайғамбар дебдурлар” дея таъкид этади (МАТ. 16-жилд..., 168-бет). “Хукамо зикри” қисмida эса: “Чун Луқмоннинг ҳикмати ва нубуввати орасида ихтилофдур” сўзлари билан ҳамда “Анбиё зумрасида битилди ва хукамо орасида ҳам мазкур қилилди” дея қайд этади (190-бет).

Яъни, Навоийдек улуғ ва қудратли ижодкор ҳам тарих аҳли йўл қўйган ўта даражадаги муболағаларни таҳир қилишда “қобилиятсиз”дир. Албатта, бундай камтарликнинг ортида бироз ирония (киноя) ҳам бор. Чунки, Навоий худди шу парча якунидаги шеърда тарих аҳлининг ихтилофи қўплиги, аксар тарихий асарлар “Шоҳнома”дек сермуболаға лофга бойлиги, баъзи мутаассиблар эса фақат ўз сўзини тўғри деб туриб олишини айтади:

*Тарих аҳлининг ихтилофи қўптур,  
“Шоҳнома”нинг ул навъки лофи қўптур.  
Баъзи мутаассиб эл газофи қўптур,  
Сен ёзгали ҳам нуктаи вофи қўптур.*

Демакки, Алишер Навоий диний мазмун ва характердаги асарларда ҳам тарихий ҳақиқат ўнг планда бўлиши лозимлиги, пайғамбарлардек улуғ инсонларни эса биринчи галда реал тарихий шахс сифатида гавдалантиришга аҳамият беради. Асарнинг донишмандларга доир қисмида ҳам ҳар бир ҳаким (ёки файласуф) тарихига қисқача биографик характеристика беради, у кимнинг даврида яшаганлиги, устози ким эканлигини эслатиб, ундан қолган хикматли сўзлардан намуна келтиради. Ва шу билан уларни ҳам тарихий шахс сифатида тасвирлайди.

Бундай тамойилни унинг иккинчи тарихий асари “Тарихи мулуки ажам”да ҳам кўриш мумкин. Навоий ушбу асарни ёзиш билан ўзигача яратилган ажам подшоҳлари тарихи ёки замонавий тарзда айтилса: Эрон ҳукмдор сулолалари ҳақидаги тарихий хроникани анча тизимга солди. Унда қадимги даврларда Турон ва Эрон мулкида ҳукмронлик қилган тўрт асосий сулола: *пешодийлар, каёнийлар, ашконийлар* ва *сосонийлар* тарихи ҳақида хикоя қиласи. Навоий номларини келтирган 63 нафар подшоҳ Каюмардан бошлаб, Кисро Мехрижис билан тугайди. Уларнинг ичida учта аёл ҳукмдор ҳам бор (Хумой-Хумон, Турондўхт, Озармдўхт). Бунда ҳам ҳар бир подшоҳ ҳақида тўхталгач, якунида хulosавий шеър берилади.

Навоий ушбу асар баёни давомида тарих билимдони, воқеликка муносиб баҳо бера олувчи ўткир ақл соҳиби сифатида ҳам намоён бўлган. Асарда юзлаб географик ва шахс номлари, қўплаб воқеа-ходисаларнинг ўз ўрнида келиши муаллифнинг ўткир закоси, муаррих сифатида нуктадонлиги, хотира ва билим доирасининг кенглигига ҳам далолат қиласи. «“Тарихи мулуки ажам” автори ўз олдига асосий вазифа қилиб подшоҳларнинг шахсий ҳаётларини ёритишни эмас, балки уларнинг жамиятга, халқ ва мамлакат манфаатларига муносабатларини кўрсатишни қўйган. Ана шу ижобий факт Навоийдаги тарихни объектив тушуниш тенденциясини кўрсатади.» [Ўзбек адабиёти тарихи, 1977: 443].

Масалан, Жамшид ҳақида тўхталар экан, “Чун салтанатқа ўлтурди, жаҳон мулкин адл ва дод била тузди. Ва ҳусну жамолда дилпазир ва фазлу камолда беназир эрди” дея алоҳида таъкид этади [Навоий, 2000: 199].

Бу ўринда Навоий фақат Навоийгагина хос бўлган услуб ва бадиият билан ўз фикрини изхор қилган ва асослаган. Диққат этилса, матнда дастлаб Жамшиднинг подшоҳлик таҳтига ўтириши ва ўтирган заҳоти мамлакатни

адолат билан бошқара бошлаганлиги келмоқда. Сүнг эса, унинг шахсий сифати яни, ҳусну жамоли дилни ўртовчилиги ва фазлу камолда ҳам ўхшашсизлиги айтилмоқда. Бу эса, Навоийга қўра ҳукмдорнинг шахсий фазилатларидан ҳамadolatli шоҳ сифатидаги ўрни бирламчи эканлигига урғу бермоқда. Шу билан бирга, матндаги тагматн – иккиламчи маъно ҳам ўз-ўзидан юзага чиқади. Бу билан улуғ мутафаккир адаб инсон қанчаликadolatli ва халқ учун манфаатли бўлса, унинг ҳусни ва камолоти яна зиёда бўлади, деган эзгу ғояни илгари суради. Мана Навоийнинг тарихий шахс, ҳусусан, ҳукмдорга муносабатининг асос жиҳати.

Тарихнавислик учун яна бир муҳим масалага Навоий ўз нуқтаи назарини “Тарихи мулуки ажам” орқали билдириб кетган. У ҳам бўлса юқорироқда ёдга олинган “ихтилоф” масаласидир. Фақат бу ўринда янада аниқроқ ва лўндароқ акс этади. Мисол учун, Яздижирд бинни Баҳром ҳақидаги парчада унинг салтанат муддатини тарихчилар турлича беришлари айтилади: жумладан, Қазвиний “Тарихи гузида”да 1 йил, Банокатий “Девонул-насад”да 10 йил, “Жомеъ-ут-таворих”да 17 йил, Қози Байзовий “Низомуттаворих”да 18 йил. Навоий ана шуларни келтиради, лекин бу масалага ойдинлик киритмайди. Аксинча, “аҳли тарих” бу йилларни аниқлашда кўп ихтилофга борганлигини, бу эса фойдасизлигини билдиради.

Айтиш керакки, бу каби ўринларда Навоийнинг тарихга муносабатидаги принципиал ёндашуви маълум бўлади. У тарихий воқеа-ҳодисаларни мавҳум ва ихтилофли саналардан ҳам кўра уларнинг моҳиятига, шахсларни эса фаолият даражасига кўра баҳо беради. Зероки, “ўтмишни баҳолашнинг энг тўғри ва холисона йўли унга ҳаёт ҳақиқати, инсон ва жамият ўртасидаги боғлиқлик, уйғунлик, кишилик ҳаётининг узлуксиз тараққиёти замирида ётган муносабатлар, қарама-каршиликлар, манфаатлар орқали баҳо беришдир” [Жўраев, 2008: 17]. Айнан мана шу жиҳатлар Алишер Навоийнинг тарихни англаши, унда содир бўлган воқеа-ҳодисаларни баҳолаши ва инсон омилини тарихий тараққиётда қай тарзда кўра билганлигини кўрсатади.

“Навоий тарихий темада асар ёзганда тарихни бузмасликни, уни қандай бўлса шундай тасвирлашни, бунинг учун тарихий фактларни пухта ўрганишни талаб этар эди” [Ҳайитметов, 1959: 163]. Худди шу талабга муаллифнинг ўзи ҳам ҳар икки тарихий асарида қатъий амал қилган. Негаки, Навоий учун тарихий ҳақиқат бевосита аниқ-конкрет давр кишилари ҳаёти ва ҳаёт мантиғидир. Тарихда эса мавҳум ҳодиса ёки тушунча бўлмаслиги маълум. Тарих ҳам мантиқан, ҳам табиатан аниқлик орқали идрок этилади ва у аниқ воқелик натижасида ўз мазмуни, фалсафаси, ёки бошқачароқ айтганда, ўз ҳукмини кўрсата олади. Навоийнинг ажам подшоҳлари тарихига доир асарида ҳам мана шу ҳақиқат ва мантиқнинг юксак даражада бажо келтирилганига гувоҳ бўламиз.

Фикримиз исботи учун яна шуни ҳам айтиш мумкинки, Навоийнинг ушбу асари кейинги йилларда тарихий нуқтаи назардан янада қизиқарли ва асосли тадқиқотлар учун манба бўлиб хизмат қилмоқда. Масалан, “Тарихи

мулукі ажам” асаридан қадимги Эроннинг қўшни давлатлар ва халқлар, энг аввало, ўша даврнинг буюк империялари бўлган Турк хоқонлиги ва Рим (Византия) билан муносабатлари ва алоқаларига доир маълумотлар ҳам ўрин олган” [Эргашев, 2013: 25].

Бу каби жиҳатлар эса мазкур асарнинг нафақат Эрон тарихида ўтган тўрт хукмдор сулола, балки умумшарқ тарихига оид яна бошқа турли масалаларни ҳам ёритиб беришга хизмат қила оладиган бир мунча маълумотларга бой манба эканлигини ҳам кўрсатади. Демак, Навоийнинг тарихга принципиал, илмий ва холисона ёндашуви натижасида юзага келган бу икки асар ўз қамровининг кенглиги, ёритилаётган масалаларнинг ранг-баранглиги, ҳикоя қилинаётган воқеа-ҳодисаларнинг қизиқарли эканлиги билан бирга айни дамда ҳаққоний асосга эга эканлигини ҳам исбот этади.

Умумхулоса қилганда, ўзбек адабиётини янги ва юксак поғонага кўтарган Алишер Навоий тарихий мавзудаги асарлари билан ҳам ўз давридан бир қадар илгарилай олди. Унинг асарларидағи ижтимоий мазмундорлик айнан тарихий асарларида тарихга муносабатнинг акс этишида яққол кўзга ташланади. Жумладан, Навоий ижодиётида биринчи ўринда турувчи инсон ва инсонийлик мавзуи тарихий планда, тарихий шахсларни тарихий жараёнда тасвирланишида ҳам сезиларли даражада акс этган.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, Навоийнинг тарихий асарларидағи реал шахслар тасвири билан достонлари ёки бошқа битикларидағи қаҳрамонлар тасвиридан фарқ қиласи. Улар янада аникроқ, янада конкретроқ ва янада ҳаққонийроқ тасвир этилган. Лекин шу жиҳат ҳам борки, Навоийнинг бир қанча машҳур образлари (Фарҳод, Қайс-Мажнун, Баҳром, Искандар каби) реал тарихий прототипга эга қаҳрамонлардир.

Навоий ҳар бир асарини аниқ бир мақсад билан яратар экан, унинг тарихий асарлари ҳам ўз даври ва келгуси авлодга тарихни қандай тушуниш ва англаш кераклигини, тарих воқеа-ҳодисасига, тарихий шахсларга нисбатан қарашларини, изчил ва принципиал муносабатини, илмий ва бадиий жиҳатдан асосли заминга эга кузатишларини тақдим этган. Гарчанд у, ўзидан аввал ўтган тарихчилар каби, тарихни асосан шахсларга боғлаб тушунтиришда давом этган бўлса-да, лекин ёзиш ва баён қилиш услуби, тарихий асарга қараш нуқтаи назаридан тамоман мустақил йўл тутган муаррихдир. Улуғ Навоий диний-фалсафий заминга эга “Тарихи анбиё ва ҳуқамо”, ижтимоий-сиёсий мазмунга эга “Тарихи мулукі ажам” асарлари орқали “ҳеч нарса айтмай кўп нарса айта олиш маҳорати” билан ўзбек тилида тарихий асар ёзишнинг янги бир услубини яратади. Унга қадар ўзбек тилида шу типда ва айнан шу таҳлит асар яратилганлиги ҳануз маълум эмас.

**Навоий**, юқорироқда таъкидланганлардан ташқари, айнан шу жиҳатлари билан ҳам **оригинал тарихчи сифатида баҳоланишга муносиб**дир. Негаки, Навоий тарихий асарлари билан ўтмиш воқеа-ҳодисаларини ўз давридаги ўткир ижтимоий-сиёсий муаммоларга боғлаб ёрита олган ва бу жиҳатни юксак бадиий маҳорат орқали ифодалай билган улкан ижодкордир.

### **АДАБИЁТЛАР:**

1. Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. Йигирма жилдлик, 16-жилд. –Тошкент: Фан, 2000.
2. Жўраев Н. Тарих фалсафасининг назарий асослари. –Тошкент: Маънавият, 2008.
3. Ойбек. Муқаммал асарлар тўплами. 13-том. Адабий-танқидий мақолалар. –Тошкент: Фан, 1979.
4. Эргашев Қ. Ўзбек насрода иншо. –Тошкент: Muharrir, 2011.
5. Ўзбек адабиёти тарихи. Беш томлик. 2-том. –Тошкент: Фан, 1977.
6. Қаюмов А. Дилкушо такрорлар ва руҳафзо ашъорлар. –Тошкент: Mumtoz so‘z, 2011
7. Гиёсиддин Хондамир. Макорим-ул-ахлоқ. Форсчадан М.Фахридинов ва П.Шамсиев таржимаси. –Тошкент: Бадиий адабиёт, 1967.
8. Ҳайитметов А. Алишер Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари. – Тошкент: ЎзФАН, 1959.

### **БИР РУБОИЙ МАЪРИФАТИ**

*Alisher RAZZOQOV*

*Самарқанд давлат университети ўқитувчиси,  
филология фанлари бўйича фалсафа доктори*

**Annotation.** This article analyzes a rubai from Alisher Navoi's "Nazm ul-javohir". The religious-mystical, enlightenment essence of the issues raised in the rubai is analyzed with the help of sources on the subject.

**Keywords:** Navoi, "Nazm ul-javohir", rubai, Islam, sufizm, gnosis, enlightenment.

Миллий маънавиятимиз, адабиётимиз тарихида ўчмас из қолдирган Ҳазрат Низомиддин Мир Алишер Навоий ҳам шахсий ҳаёти, ҳам фикру дунёкараши ва бой адабий ижоди билан том маънодаги исломий маърифатнинг тимсолидир. Шу сабабдан ҳам ислом дининг маърифий асосларини теран англамасдан туриб Алишер Навоий ижодининг моҳиятини тўлалигича тушуниб етиш, мағзини чақиш имконсизdir. Ҳазрат Навоий учун бадиий ижод кўнгил майли эмас, балки эътиқод даражасидаги улуғ иш эди. Бу ижодни нафақат ақлан, балки қалбан англаган инсон ислом динининг қанчалик маърифат ва ҳаёт дини эканлигини ўз учун қайтадан кашф этади. Шунинг учун ҳам Ҳазрат Навоий асарлари қадим-қадимдан олиму фузалолар хонадонининг азиз мулки бўлиб келган.

Таҳлил қилмоқчи бўлганимиз Алишер Навоийнинг “Назм ул-жавоҳир” асаридан олинган қуидаги рубоий ҳам шоир тафаккур хазинасидан бир гавҳардир:

*Ирфон аҳлига эл ниёзи яхши,  
Таъзим ила лутфи дилнавози яхши,  
Гар маърифат ўлса чорасози яхши,  
Тоат кўпидин маърифат ози яхши* [Навоий. 2, 2011: 61].

Мазкур рубоийнинг тўрт мисрасида бир-бирини қувватлайдиган, тўлдирадиган тўрт хил фикр баён қилинган. “Яхши” сўзи радиф сифатида шу фикрларнинг афзаллигини таъкидлаш мақсадида тўрт бора такрорланган. Навоий маъқуллаётган тўрт хил ҳолат қуидагилар: 1. Инсонларнинг ирфон аҳлига ҳожатмандлиги, муҳтожлиги; 2. Инсонларнинг аҳли маърифатга доимо таъзимда бўлиб, уларга лутфу марҳамат кўрсатиши; 3. Одамларга маърифатнинг “чорасоз” – муаммоларига ечим бўлмоғи; 4. Кўп тоатдан кўра оз бўлса ҳам маърифатнинг афзаллиги. Мумтоз адабиётда рубоий жанри қонуниятига кўра охирги мисра умумлаштирувчи, холосавий аҳамиятга эгидир. Демак, бу рубоийда шоирнинг холосаси ҳам шу – кўп ибодатдан оз маърифат афзалдир!

Ҳазрат Навоийнинг бундай холосага келишига сабаб нимада? Шу саволга оз бўлса ҳам жавоб излашга ҳаракат қилиб кўрамиз. Аввало, шуни эътибордан соқит қилмаслигимиз лозимки, шеърда тилга олган “маърифат” сўзига бугунги замонавий таърифлар асосида эмас, балки Навоий яшаган даврлар дуёқараши нуқтаи назаридан муносабатда бўлишимиз лозим. Шунинг билан бирга Алишер Навоий бу шеъри орқали маърифатнинг ўзи бўлса кифоя, ибодат шарт эмас ҳам демаган. Навоий бу ўринда зинҳор ва зинҳор фарз ибодатларни назарда тутмаган. Ислом тарихида, айниқса шоир замони кишиси учун илм ва амал бир-биридан ажратилмаган. Навоийнинг ўзи буни ҳатто тасаввур ҳам қилмаган ва у ўзининг бутун онгли ҳаётини исломиятда яшаб ўтказган. Унинг сўнгги нафасигача бирга бўлган замондоши тарихчи Фиёсiddин Хондамир шундай гувоҳлик беради: “Бандалар ва ибодат қилувчиларнинг пушти паноҳи бўлган бу зот (Навоий – А.Р.)нинг жума ва жамоат намозларини ўқиши ташкиллаштиришдаги саъй-харакатлари ва ғайратлари шу даражада эдикӣ, Марғаний боғи ичида ўта чиройли безаклар билан зийнатланган бир масjid қуриб, ўз замонаси қориларининг сараси бўлган Хожа Ҳофиз Мухаммад Султоншоҳни ушбу масjid имомлигига тайинлагандилар ва ўзлари ҳам бу ерда беш маҳал жамоат билан ўқиладиган намозларнинг барчасида қатнашардилар” [Хондамир, 2018: 127]. Бошқа тарихчи муаллифларнинг асарларида ҳам Алишер Навоий шахсияти билан боғлиқ бундай маълумотлар албатта кўзга ташланади. Бас, шундай бўлгач, Алишер Навоийнинг ҳаёти билан ижоди ўртасида бир-бирини инкор қиласидиган зиддиятли ҳодиса бўлмаган. Шоирнинг ўзи ҳам ғазалларидан бирида тавҳид маърифатини билишни истаган киши шариат чегарасидан чиқган киши йўлдан адашишини шундай тушунтирган:

*Эйки дебсенким, билай тавҳид сирридин хабар,  
Шаръдин неким тажсовуз айлади илҳод бил* [Навоий. 1, 2011: 385].

Алишер Навоийга кичик замондош бўлган Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам Ҳожа Аҳрор Валийннинг “Рисолаи Волидиййа” асари шеърий таржимасида маърифат Ҳазрат Пайғамбар с.а.в.га тобе бўлмасдан ҳосил бўлмайди, бу йўлнинг етакчиси ҳам табаъиййат – тобелиқдир дейди:

*Маърифат бетабаъиййат бўлмас,  
Қоиди роҳ табаъиййатдуру бас* [Бобур, 2014: 382].

Гап шундаки, Алишер Навоий назарда тутаётган маърифатнинг маъноси бугун кўпчиликнинг тасаввуридагидан қўра кенг ва бошқачадир. Буни тушуниш учун ислом ва тасаввуф алломаларининг маърифат ҳақидаги таърифларини ўрганиш лозим. Шундай муаллифлардан бири маърифатни қўйидагича тушунтиради: “ Маърифат Аллоҳ таоло бандаларига фарз қиласан биринчи фарздир. Бунга ушбу ояти карима далилдир: Яъни, **Мен жинлар ва инсонларни фақат Ўзимга ибодат қилишлари учунгина яратдим** (Зориёт сураси, 56-оят). Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу оят тафсирида шундай деган: “яъни, Мени танимоқлари учун...” [Суламий, 2020: 21]. Демак, маърифат Аллоҳни таниш, имон келтириш ва Унга ибодатнинг муқаддимаси сифатида ҳам талқин этилмоқда. Ҳаким Термизий эса маърифатни янада кенгроқ, ўзгачароқ йўсинда таърифлайди: “Маърифат – Аллоҳ таолонинг мувахҳидлар қалбларига эккан қўчатдир. Улар шу қўчат тарбияси, яъни ўстиришга масъулдирлар. Парваришлари баробарида унинг самарасини кўрадилар. Кўчат бўй чўзган сари катталашади, йўғонлашиб боради. Илдиз ва шохлари бақувват, мевалари сархил, мазаси лаззатлироқ бўлиши учун бу дарахтнинг суви – илм, тупроғи – хайрли амаллар, қўриқчиси – парҳезкорлик бўлади. Бу дарахтнинг хаёти – Аллоҳни таниш, қуввати – амаллар, мевасининг сархиллиги – парҳез билан бўлади. Зоро, парҳезкорлик маърифатнинг қўрғонидир” [Термизий, 2018: 305 – 306].

Бу таърифлардан Алишер Навоийнинг қандай маърифатни назарда тутганини англагандек бўлдик. Чин маънодаги маърифат фақат кўплар тушунганидек фақат илмнинг ўзигина эмас, балки у, аввало, холис иймон, тафаккур ва шариатга тобеликнинг уйғунлиги экан. Бундай маърифат ва тафаккур ўз соҳибини, албатта, ибодатга, тақвога, парҳезкорликка бошламасдан қўймайди. Зоро, “...тафаккур иймонга етакловчи, иймонга қувват бўлувчи омилдир. Шунинг учун ҳам холис тафаккур холис ибодатнинг олий даражасидир” [Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф, 2018: 73].

“Назм ул-жавоҳир” рубоийларини маҳсус тадқиқ қилган адабийтшунос олима М.Ражабованинг таъкидлашича, “Назм ул-жавоҳир”даги рубоийларда ҳам, унга манба ҳисобланган “Наср ул-лаолий” ҳикматларида ҳам ислом дини арконлари, шариат қонун-қоидалари тарғиби билан бирга ижтимоий-маиший, ахлоқий-маърифий масалалар ҳам қамраб олинади. Зоро, Ҳазрат Али ҳикматларидаги ғоя ва қарашларга давр ўз муҳрини босган бўлса-да,

уларнинг аксарияти Навоий замонасида ҳам эскирмаган, долзарблигини йўқотмаган эди”[Ражабова, 2006: 16]. Биз бунга қўшимча тарзида айтишимиз мумкинки, “Назм ул-жавоҳир”даги рубоийларда кўтарилигган масалалар нафақат Навоий даври учун, балки ҳамма замонлар учун бирдек аҳамиятлидир. Чунки Ислом ғояларининг аҳамияти фақат бир замон ва макон билангина чегараланиб қолмаган, у барча макон ва замонлар учун бирдек салоҳиятли таълимотдир. Буни тўғри англаш учун одамзотга маърифат лозим. Балки шунинг учун ҳам Ҳазрат Навоий бир ғазалида инсоннинг жаҳолатда хаёт кечириб вафот этишини жуда оғир иш – фожеа санаб, аксинча маърифатда комилликка эришган инсон учун ўлим ҳам нуқсон бўла олмаслигини таъкидлайди:

*Эй Навоий, жаҳл ила ўлмак қатиқ ишидур, вали  
Чун камоли маърифат касб ўлди, не нуқсон ўлум.*

Бундан шундай хulosага келиш мумкинки, Алишер Навоий ислом дини асосларини жуда пухта билган ва уларга шахсан ўзи намуна бўлиб амал қилган, лекин зинҳор мутаассибликни тарғиб қилмаган. Унинг учун ибодат Аллоҳ таолога чинакам сидку ихлос ила бандалик қилиш ва бунинг моҳиятини англаш эса маърифатнинг бир қисмидир, холос. Маърифат билан уйғунлашган ибодат, албатта, ўз эгасининг ахлоқини, ҳаётини гўзаллаштиради, бундай инсонлар кўпайган жамиятнинг ҳам маънавий қиёфаси гўзаллашади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али Ҳаким Термизий. Орифлар тасаллиси. – Тошкент: Movarounnahr, 2018.
2. Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик: 1-жилд. – Тошкент: Faafur Fулом номидаги нашриёт матбаа уйи, 2011.
3. Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик: 10-жилд. – Тошкент: Faafur Fулом номидаги нашриёт матбаа уйи, 2011.
4. Захируддин Муҳаммад Бобур. Мубайян ва насрой баёни. “Рисолай Волидийя” асари назмий таржимаси ва шарҳи. – Тошкент: Sharq, 2014.
5. Имом Абу Абдураҳмон Суламий. Тасаввуф ва унинг ҳақиқати ҳақида муқаддима. Абдулҳамид Муҳаммад Турсун таржимаси. – Тошкент: Hilol-Nashr, 2020.
6. Ражабова М.Б. Алишер Навоий “Назм ул-жавоҳир” асарининг манбалари ва бадиияти. Филол.фан.номз.дисс.автореферати. – Самарқанд, 2006.
7. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Нақшбандия: вазифалар, зикрлар. – Тошкент: Hilol-Nashr, 2018.
8. Фиёсиддин Хондамир. Макорим ул-ахлоқ. Форс тилидан К.Рахимов таржимаси. – Тошкент: Akademnashr, 2018.

# “ХАМСАТ УЛ-МУТАҲАЙИРИН”ДА АБДУРАҲМОН ЖОМИЙ НАҚШБАНДИЙ СИЙМО СИФАТИДА

*Фаррухбек ОЛИМ<sup>36</sup>*

**Аннотация:** Мақолада “Хамсат ул-мутахайирин” асарида Навоийнинг пири ва устози Абдураҳмон Жомийнинг нақшбандий сўфийлиги, маломатия йўналишига амал қилиши ҳақида сўз боради. Асарда қаҳрамоннинг сўфийлик ва пирлик сифатлари қандай ёритилгани таҳлилга тортилади.

**Калит сўзлар:** нақшбандийлик, маломатия, сўфийлик, маломат, пир, мурид, хориқ ул-одот ҳодисалар

## NAQSHBANDI CHARACTER OF ABDURAHMAN JAMI IN THE WORK OF "KHAMSAT UL-MUTAHAYYIRIN"

**Annotation:** The article examines Navoi's mentor and Pir the Naqshbandi Sufiy Abdurahman Jami in the work "Khamsat ul-mutahayyirin". In the work analyzes how the protagonist's Sufism and pyrism are emphasized.

**Key words:** Naqshbandi, Malomatiya, Sufism, Malomat, Pir, Murid, Khoriq ul-odot.

Буюк бобокалонимиз Алишер Навоийнинг пири ва устози улуғ шоир ва мутафаккир, нақшбандийлик тариқатининг йирик арбоби Абдураҳмон Жомий эканини ҳаммамиз яхши биламиз. Навоийнинг ҳаёти ва ижодини Жомийсиз, Жомий фаолиятини эса Навоийсиз тасаввур этиб бўлмайди.

Навоий устози ҳақида жамулжам фикрларини айтиш, унинг хотирасини агадийлаштириш мақсадида Жомий вафотидан икки йил кейин, яъни 1494 йили у ҳақда маҳсус “Хамсат ул-мутахайирин” (“Хайратланарли бешлик”) асарини яратади.

Мазкур асар – муқаддима, уч мақолат ва хотимадан иборат. Шунингдек, асарнинг “Бисмилло...” билан бошланувчи маҳсус қисми ҳам бор. “Бисмилло...”да Навоий асарнинг ҳар бир қисмida айнан қайси масалаларни ёритмоқчи бўлганини алоҳида қайд этиб ўтади.

“Хамсат ул-мутахайирин”да ёзилишича, Жомий ўша даврдаги нақшбандийлик тариқатининг комил муршидларидан бири бўлмиш Саъдуддин Кошғарийга(Хиротнинг машҳур шайхларидан бири. 1456 йили вафот этган. Жомий Саъдуддин Кошғарийнинг неварасига уйланган)га мурид тушади. Бундан ташқари, муаллиф асарда устозининг Шайх Баҳоуддин Умар,

<sup>36</sup> филология фанлари бўйича фалсафа доктори, Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети (DSc) докторанти, [farolimbek@gmail.com](mailto:farolimbek@gmail.com)

Мавлоно Боязид Турунай, Мавлоно Мұхаммад Асад каби улут тасаввуф шайхлари сұхбатига ҳам мушарраф бўлганини қайд этади[Навоий, 1999:12].

Навоий асарда Жомийнинг, зоҳирй илмлар билан бир қаторда, ботиний илмларни ҳам эгаллаганини таъкидлаб, уларни алоҳида санаб ўтади:

Биринчиси – шеър, Жомий унинг ҳар турида ижод қилиб, барча шоирлардан кўра ҳам шуҳрат қозонди.

Иккинчиси – олдин ўтган шайх ва авлиёларнинг тасаввуфга оид, тушуниш мураккаб бўлган турли китобларини шундай шарҳлаш санъатини қўлга киритдики, бундан кўплаб эҳтиёжмандлар баҳраманд бўлди.

Учинчиси – тариқат одоби бобида шундай нозик йўл тутдики, унинг дунёвий илмлар, шеъриятдан ҳам улуғроқ бўлган ниҳоний иш, яъни тасаввуф билан машғул бўлганларини атрофдагилар билмади ва фаҳмламади ҳам[Навоий, 1999:12].

Жомий тасаввуфда нақшбандия тариқатининг йирик вакили эди. Нақшбандияга руҳан мос бўлган маломатия оқимига, одобига амал қиласр эди. “*Маломатия ва қаландария оқимлари ҳам моҳиятан ошиқона тасаввуфнинг шоҳобчасидир. Маломатийлар хокисорлик ва ўз-ўзини маломат қилиши билан Тангрига ихлосни ҳаддан ошириб, яъни ифромий тарзда ифодалайдилар. Улар ўзларини халқдан ажратмайдилар, авом ва хос тушунчаларини тан олмайдилар*”[Комилов, 1996:47].

Маломатийларнинг ботиний олами зоҳирда акс этмаслиги, яъни улар ташқи тарафдан оддий одамлардан фарқланмаслиги, шунингдек, уларнинг сўфиyllигини ҳеч ким сезмаслиги керак. Улар ўта камтарлик билан ўзларига маломат ёғдиришни исташган. Бирор киши маломат қилса, буни улар фаҳр деб билишган.

Абдураҳмон Жомий ҳам камтарликнинг олий намунасини кўрсатган. Навоий бу ҳақда: “*Аларнинг камолоти овозасин эшишиб, йироқ йўллар қатъ қилиб, муборак сұхбатларига мушарраф бўлурға келганлар аларни асҳоб орасида гояти бетаайюнлиғдин мутлақо танимаслар эдиким, ўлтуур-қўпарда ва айтмоқу эшиитмоқ ва емоқу киймоқда ўзлари билан сойир мулизимлари орасида тафовут йўқ эрди*” [Навоий, 1999:13], – дейди.

Навоий Жомийнинг сўфиyllик ва пирлик сифатларини “Хамсат ул-мутаҳайирин”нинг “Муқаддима”си ва “Аввалги мақолат”ида бироз тилга олган бўлса ҳам, Жомийнинг ботиний қиёфасини, асосан, асарнинг сўнгги боби, яъни “Хотима” қисмида тасвиirlайди. Бу бобда Навоий Жомийнинг маломатия йўналишида экани, буни шоирлик ва муллалик йўлида яширин тутиб юришини, ул зот ҳаётида баъзан ғаройиб нарсалар, фавқулодда воқеалар, хориқ ул-одот ҳодисалар содир бўлишини айтади. Шунингдек, ғайритабиий воқеалар акс этган бешта ҳикоят келтиради.

“Хотима”нинг бешинчи ҳикоятида Жомийнинг ўлими билан боғлиқ воқеа келтирилган. Жомий вафотидан ўттиз беш йил олдин Хожа Дехдор тушида Ҳазратни кўрибди. Улар тушда Дехдорга: “*Қуръон ўқи!*” – дебдилар. Етти-саккиз йил ўтиб, Дехдор тушида кўргани бу воқеани Навоийга айтиб берибди. Шунда Навоий, пир ишорат қилган бўлсалар, Куръонни ёдлаш керак, деган фикрга келади. Улуғ ўзбек шоирининг даъвати билан Хожа Дехдор Куръонни ёдлаб, қироат билан ўқийдиган қори бўлиб етишади.

Жомийнинг вафоти йилида Навоий Хожа Дехдорни айрим ишлар билан Астрободга жўнатади. У юмушларни битириб қайтаётганида бир манзилда оғир юкларини қолдириб, бесабаб шошилиб, шаҳарга кириб келади. Айни шу вақтда Жомий ўлим тўшагида эди. Аммо ҳазратнинг бошида Куръон ўқийдиган одам топилмаётган бўлади. Кутимагандан етиб келган Хожа Дехдор видо дийдорига мушарраф бўлиб, Куръон ўқий бошлайди. Хатмни тугатиши биланоқ, ҳазрат жон беради.

Бу жуда ғаройиб каромат! Навоий: “*Бу навъ каромат авлиёнинг камидин воқеъ бўлмиши бўлгайким, ўттуз йил ортуқроғдин сўнгра натижса зоҳир бўлмиши бўлгай*” [Навоий, 1999:76], – дейди. Муаллиф шу ўринда яна Жомийнинг: “*навъ ҳолот ва камолот ва каромат*”лари ҳақида Мавлоно Абулвосеъ, Мавлоно Аҳмад Пир Шамслар ўз китоб ва рисолаларида ёзиб қолдиришгани, истаганлар улардан ўқиб олиши мумкинлиги ва ўзи эса кўрган-билгандарининг юздан бирини ёзса ҳам, сўз узайиб кетишини, шу сабаб уч-тўрт воқеанигин баён этиш билан кифояланганини айтади.

Жомийнинг кароматлари ҳақидаги ҳикоятлардан кейин Навоий устозининг вафоти баёнига ўтади. Воқеани ҳикоя қилиш давомида улуғ пир ўлим олдидан нақшбандия тариқати вакиллари анъанаси асосида яширин, яъни хуфия зикр тушганини алоҳида таъкидлайди. Бу мисол ҳам Жомийнинг ҳақиқий нақшбандий пир бўлганини яна бир карра исботлайди.

Мустабид тузум даврида Жомийнинг ҳаёти, илмий-адабий мероси хусусида талайгина тадқиқотлар қилинган. Бироқ унинг сўфийлиги, айниқса, Навоийга муршидлиги масаласини етарлича ўрганишга имкон берилмаган. Шунинг учун ҳам бугунги кун Жомий ва Навоий ҳаётининг тасаввуфий жиҳатларини янада чуқурроқ ўрганишни талаб этади.

Биз фақат “Хамсат ул-мутаҳайирин”даги Жомийнинг тасаввуф арбоби ва Навоийнинг пири сифатида акс этган энг ёрқин нуқталаргагина назар ташладик, холос. Аслида, бутун асарнинг ўзи Навоийнинг Жомийга бўлган ҳақиқий муридлик муҳаббати билан йўғрилган. Буни унинг исталган бир саҳифасини варақлаб ҳам англаш мумкин.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Алишер Навои. Мукаммал асарлар тўплами. 20 жилдлик. 15-жилд.  
Хамсат ул-мутаҳайирин. – Т.: “Фан” нашриёти. 1999.

2. Комилов Н. Тасаввуф. Биринчи китоб. – Т.: “Ёзувчи” нашриёти.  
1996.

**НАВОИЙ ШЕЪРИЯТИДА ИШҚ МАВЗУСИ ВА ЛИРИК  
ҚАҲРАМОН ТАЛҚИННИ**

*Максуд Асадов,*

*филология фанлари доктори,*

*ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори*

*институти етакчи илмий ходими*

*E-mail: [alpbek202@mail.ru](mailto:alpbek202@mail.ru)*

**Аннотация:** Мазкур мақолада буюк мутафаккир шоир Алишер Навоий шеъриятининг ўзига хос жиҳатлари, хусусан, ундаги ишқ мавзуси ва ошиқ образи ҳақида баҳс юритилган. Улуг шоир лирик қаҳрамонининг ошиқлик тарихи, маънавий-ахлоқий қиёфаси ёрқин мисоллар билан очиб берилган.

**Калит сўзлар:** ишқ, лирик қаҳрамон, ошиқ, ошиқлик тарихи, солик, шайх, аласт базми, ваҳдат

**THE LOVE THEME IN NAVOI'S POETRY AND THE  
INTERPRETATION OF A LYRIC HERO**

*Maksud Asadov,*

*doctor of philological sciences,*

*Leading scientific worker of the Institute of Uzbek language, literature and  
folklore*

*E-mail: [alpbek202@mail.ru](mailto:alpbek202@mail.ru)*

**Annotation:** This article discusses the peculiarities of the great thinker Alisher Navoi's poetry, in particular, the love theme in it and the image of the lover. The history of the poet's lyrical hero of glory, his spiritual and moral appearance are revealed with vivid examples.

**Keywords:** Ishk (love), lyrical hero, lover (ashik), history of love, solik, sheikh, alast bazmi, unity

Маълумки, ишқ тушунчасисиз мумтоз адабиётимизни, жумладан, буюк мутафаккир шоир Алишер Навоий ижодини ҳам сира тасаввур этиб бўлмайди. Бу адабиётда “ишқ инсонни маърифатга олиб борадиган қудрат, уни моддий асосдан покловчи, холи этувчи муқаддас олов, солик вужудини куйдириб, руҳини мусаффо этувчи ўт” [Н.Комилов, 2009: 43] тимсоли сифатида талқин қилинган. Чунончи, “Лисон ут-тайр” достонида бу ҳақиқат қуидагича ёритилган: “*Ишқ барқи хонумонни куйдурур, Хонумон йўқум, жаҳонни куйдурур*” [Алишер Навоий, 2011: 270]. Ишқ ошиқликка, ошиқлик эса тириклиқ ва яшаш завқу сурурини тўла ҳис этиб, ҳаёт ҳақиқатларини теран англашга йўл очаверади. Чинакам ошиқ – Ҳақ муҳибу мухлиси, ишқ маслагидан ўзга мақсаду матлаби бўлмаган, қалбу руҳиятида – бутун борлиғида маъшуқа ёди ҳукмронлик қилувчи маънавий етуклиқ эгасидир. Шу боис, улуғ мутасаввиф Аҳмад Яссавий ҳикматларидан бирида тариқат йўлидаги ҳақиқий ишқ толибларни ана шундай ошиқликка даъват қилиб, “Зоҳид бўлма, обид бўлма, ошиқ бўлғил” дейди. Аммо ишқнинг мояси қайда, ошиқликнинг асоси нимада деган табиий савол туғилади? Биз мазкур мақолада буюк мутафаккир Алишер Навоийнинг “Фаройиб ус-сигар” девонидаги лирик қаҳрамоннинг ошиқлик тарихи хусусида тўхталамиз.

Навоий ғазалларида, хусусан, “Фаройиб ус-сигар”да ишқ ва ошиқлик масаласи кўпинча қисмат ёки тақдири азал билан боғлаб талқин қилинган. Қуидаги байтда ҳам лирик қаҳрамон ўзига ишқ ўтини ўчиришга журъат топишини, чора ахтаришини буюрган “шайх”га мурожаат қилиб, мана нима дейди:

Ўчарга ишқ ўти чора қил дединг, эй шайх,

Бўлурму қисматим ўлғон балоға чора қилиб? [Алишер Навоий, 2011: 85]

Бу ўринда “шайх” – ҳақиқий муҳаббатдан маҳрум, унинг мазмун-моҳиятини тўла англашга қодир бўлмаган соҳтакор образ сифатида гавдалантирилган. Лирик қаҳрамон – ошиқ эса “шайх”нинг тамоман акси: қалб ҳуррияти, руҳ ҳаловати, тийнату фитрат соғлигини фақатгина ишқдан топа олган бенуқсон тимсол. Ошиқликда ранжу машаққат – ҳаловатга, ғам-ҳасрат – шодликка, ғурбату ғариблиқ – шоҳликка теппа-тент. Тақдир ҳукми бўлган “балоға” тадбир топиш ишқ бандаси – лирик қаҳрамоннинг имконидан хориж бир ишдир. Маърифий адабиётда бало Ҳақнинг қулини таниши. Солик ўзида мавжуд бўлган яхши амалларга соҳиб ва содик бўлиши учун унга юборилган синов, азобу ранж демак. Бало қулнинг Ҳаққа яқинлигини ҳам билдиради. Ҳадисда айтилишича, “Энг шиддатли балоларга дучор бўлганлар пайғамбарлардир, сўнгра валилар” [Uludağ 1995: 92]. Юқоридаги байтда бало сўзи мана шундай маъноларни ҳам ифода этади.

Таниқли адабиётшунос А.Ҳайитметовнинг ёзишича, “Навоий лирикасида лирик қаҳрамон, яъни ошиқ ва шоир образини бир-биридан бутунлай ажралган ҳолда тушуниш асло мумкин эмас. Чунки лирик қаҳрамоннинг қалби шоир қалбидан ҳарорат олади, тафаккури шоир тафаккуридан озиқланади. У ёки бу газалнинг асосий қаҳрамони шоирнинг ўзи бўлганида, бундай асар кўпинча ҳаётий мазмун касб этади” [А.Ҳайитметов 2015: 86]. Ишқий мавзудаги шеърларда эса ҳаётийлик, ҳаққонийлик ва ижтимоий рух ифодаси, кўпинча, талмех санъати орқали юзага чиқади. Жумладан, Фарҳоднинг Ширинга, Мажнуннинг Лайлига, Баҳромнинг Дилоромга, Сулаймоннинг Билқисга бўлган соғ, самимий муҳаббатини ифодалаш орқали ошиқнинг завқу шавқини, қалб кечинмаларини, маънавий-рухий ҳолатини теран англаш мумкин. Аммо улуғ шоир шеъриятида, хусусан, “Ғаройиб ус-сиғар”да лирик қаҳрамонининг ошиқлик тарихи яна-да олдинроқдан, яъни одамнинг пайдо бўлиши ёки Одам атодан бошланади:

Одам ўлмишмен, ишқ аҳли менга авлод эрур,

Йўқса ёшдин менча кимнинг юз сари атфоли бор. [Алишер Навоий, 2011: 176]

Мумтоз адабиётда ишқ – борлиқнинг асоси, тириклик моҳияти, инсоний камолот йўлидир. Ошиқ учун ягона мақсад ҳам, аслида, ана шу – ишқ. “Фарҳод ва Ширин” достонида Хусравнинг “Недур сенга оламда пеша” деган сўроғига Фарҳод аниқ ва қатъий қилиб: “Ишқ ичра мажнунлиғ ҳамиша” деб жавоб беради. Дарҳақиқат, Ҳақ ошиғи учун ишқ водийсида “мажнунлик” – улуғ мақом. “Мажнун”ликнинг яна бир белгиси – ихтиёрсизлик. Тасаввуфда ишқнинг 8 та босқичи борлиги айтилиб, сўнгги – саккизинчи босқичда ошиқ ўз хоҳиш-истакларидан тамомила воз кечиб, севгилиниңг хоҳиш-истаклари билан яшай бошлайди. Дарҳақиқат, ошиқ қалбida севги, муҳаббат ва ёр соғинчи ҳамиша ҳукмрон бўлади. Аммо ишқ мақомига кўтарилиган ошиқнинг иродаси, бутун борлиғи – ишққа тобеликдир. Шу сабабли, лирик қаҳрамон:

Мени ёзғурмангиз қилсан сабуҳийким, азал субҳи,

Чиқиптур ихтиёр илгимдину иш ихтиёrimдин, [Алишер Навоий, 2011: 495]

– дейди.

Ирфоний шеъриятда сабуҳий бода илоҳий файз, маърифату ирфон завқи, пок ишқ тимсоли. Субҳ эса қалбда ваҳдат нурининг порлашидир. Ринд, яъни ошиқнинг “азал субҳида” “сабуҳий” қилиши қалбда ишқ туғёни жўш уришини, ошиқликнинг илк босқичини тамсил этади. “Ихтиёр”нинг “илиг”дин “чиқ”ишию “иш”нинг “ихтиёр” – хоҳиш-истакдан бегоналиги – ошиқнинг ишққа фонийлигини англатади. Чунки ихтиёр деганда ўз орзу-

истаклари, ўй-кечинмалари – иродасидан буткул халос бўлиб, ошиқнинг маъшуқа хаёли билан яшай бошлиши ҳам тушунилади.

Буюк шоир ўзининг “Ғаройиб ус-сиғар”даги илк ғазалида май, жом, майи вахдат, зарф, синғон сағол каби бир қатор тимсолларни қўллаган. Таниқли олим Н.Комиловга кўра “ушбу ғазал ўзидан кейин келадиган ғазаллар учун маълум маънода дастурий хусусиятга эга”. Яъни “мазкур ғазал маъноларини тўғри тушунган одам Навоий девонларидаги бошқа ғазалларни ҳам англаб етишга қалит топади”. Чунки “унда улуғ шоир дунёқарашининг асосий йўналиши акс этган ва у кейинги ғазалларда давом эттирилган”. Олимнинг изоҳлашича, “ғазалда оламнинг илоҳий моҳияти ва буни англаган инсон завқи шавқи, қалб сурури ифодаланганди” [Н.Комилов 2021: 14]. Дарҳақиқат, Навоий ижодиётида қўлланган май образи, унинг мазмун-моҳияти ҳам, энг аввало, мазкур ғазалда тўғри ва аниқ очиб берилган.

*Сен гумон қилғондин ўзга жому май мавжуд эрур,*

*Билмайин нағиётта майхона аҳлин, зоҳидо.* [Алишер Навоий, 2011: 12]

Мумтоз адабиётда май, бода, шароб, жом, қадаҳ ҳаётий ва илоҳий ҳақиқатларни ошкор этувчи ўзига хос тисоллардир. Шунингдек, улар ишқ ва ошиқликнинг турли даражаларини ҳам юзага чиқаради. Масалан, май “ишқнинг ғалаботи”, муҳаббат шавқи ила “масти мусрағрақ” бўлишни англатади [Сажжодий, 1332: 302]. Қадаҳ эса ишқ қуёши порлаган тоза, беғубор қалб тимсоли. Шу сабабли, қуйидаги байтда лирик қаҳрамон – ошиқ ишқ қадаҳидан илоҳий шароб ичиш ўзи учун қисмати азал эканини айтади:

Қадаҳ ичмак ёзук деб асрү мардуд этмагил, эй шайх,

Бу қисм эрса азалдин, бежихатдур бизни ёзғурмоқ. [Алишер Навоий, 2011: 316]

Тасаввупдаги вахдат ёки тавҳид таълимоти Куръони каримдаги “Аласту би-роббикум” – “Мен сизнинг роббингиз эмасманми”, сўровига асосланиши маълум. Яъни “*Аъроф*” сурасида келтирилишича, Тангрининг “мен сизнинг Раббингиз эмасманми?” – деган саволига, руҳлар “Раббимизсан”, – дея жавоб қайтаришган [Куръони карим, Аъроф:172]. Вахдат ул-вужуд таълимотига кўра, инсон ва умуман башариятнинг бутун ҳаёти ана ўша илоҳий аҳдни бажо айлаш ва “азалий ватан”га қайтиш ҳодисасидан иборат. Профессор И.Ҳаққулга кўра, важднинг охирги босқичи “камол ва ниҳоя” ҳам мана шудир [Иброҳим Ҳаққул 2001: 56]. Мумтоз адабиётда “аласт ҳамри”, “аласт базми” каби поэтик бирикмалар ҳам кўплаб учрайди. Бу орқали инсон яратилмасидан аввал Оллоҳ билан уларнинг руҳлари орасида кечган ана ўша аҳдлашувга ишора қилинади. Алишер Навоий шеъриятида ошиқлик тарихининг илк асоси, маънавий негизи, энг аввало, мана шу – аласт базми, аласт майи, аласт жоми билан бевосита боғлиқдир. Масалан:

Мени усрук кўрубон жомим ушутма, эй шайх,  
Ким, бу янглиғ мени маст этган эрур жоми аласт. [Алишер Навоий, 2011: 77]

Ошиқ кўнглига маънавий фараҳ етказувчи бу илоҳий шароб ҳақида қудсий ҳадисда шундай дейилган: “Эй Аҳмад (яъни Муҳаммад алайҳиссалом), менинг ҳузуримда дўстларим учун бир шароб бор. Қачонки (дўстларим) уни ичсалар маст бўладилар, агар маст бўлсалар хурсанд бўладилар, агар хурсанд бўлсалар талаб қиласалар, агар талаб қиласалар топадилар, агар топсалар тавба қиласалар, агар тавба қиласалар халос бўладилар, агар халос бўлсалар етадилар, агар бирлашсалар улар билан менинг орамда ҳеч қандай фарқ қолмайди”. Сўфий олим Ибн ул-Фарид: “Биз жонон жамолига етмоқ учун ишқ шаробини ичиб, маст бўлганимизда узум ҳануз пайдо бўлмаган эди”, – деб майнинг ана шу мазмунини назарда тутган [М.Асадов, 2020: 94]. Машхур озарбайжон шоири Имодиддин Насимий ҳам мана бу шеърида майнинг юқоридаги маъносига ишора қиласди:

*Бу дунё маъмур ўлмаган,  
Мусога ҳам Тур ўлмаган,  
Бу оби ангур ўлмаган,  
Ман ишқи жонон мастиям* [Насимий, 1985: 151].

Демак, лирик қаҳрамон – ошиқнинг насибаси бўлган илоҳий ишқ шаробидан ичиб, ишқ қисматини бошидан кечирмоғига ягона сабаб ҳам маъшуки азалдир. Шу сабабли, илк бора “азал субҳи”да юзланган ошиқлик саодати уни то “абад шоми”га қадар “маст”лик, яъни маънавий ҳузур ҳолига мушарраф этади:

Тонг эмас бўлса Навоий маст то шоми абад,  
Ким, азал субҳида бўлмиш қисмати жоми аласт. [Алишер Навоий, 2011: 88]

Шу тариқа, “жоми аласт”дан ичилган ваҳдат, яъни бирлик, ягоналик майи ошиқни пок ишқ ичра маству мустағрақ қилиб, завқ ва ҳузур мақомига юксалтиради. Яъни маърифат босқичларидан ўтиб, ишқ завқу шавқини ўзида теран ҳис қила олган чин ошиққина ҳақиқий камолот соҳиби бўла олади.

Кўринадики, Алишер Навоий шеъриятида, хусусан, “Ғаройиб уссиғар” девонида лирик қаҳрамоннинг ошиқлик завқу шавқи, маънавий сурури, энг аввало, инсон ва унинг моҳияти, ҳаёт ва тириклик асосини теран идрок қилиши билан белгиланади. Улуғ шоир ижодидаги лирик қаҳрамоннинг ошиқлик тарихини текшириш эса нафакат ишқ ва унинг ўзига хос хусусиятлари, балки Навоий ижодида ўз ва ўзлик масаласи, фано ва тавҳид таълимоти, қолаверса, буюк шоир дунёқарашининг характерли жиҳатларини кенгроқ тушунишга ҳам имкон беради.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик. 9-жилд. – Тошкент: Faafur Fulom nomidagi NMIU, 2011. – 768 б.
2. Асадов М. Соқийнома: тарих ва поэтика. – Тошкент: Тафаккур, 2020. – 356 б. .
3. Имодиддин Насими. Танланган асарлар // Озарбайжон классик адабиёти кутубхонаси. 20 жилдлик. 5-жилд. – Боку, 1985. – 468 б.
4. Комилов Н. Тасаввуф. – Тошкент: Мавороуннахр-Ўзбекистон, 2009. – 398 б.
5. Сажжодий Сайид Жаъфар. Фарҳанги мусталиҳоти урафои мутасаввифа ва шуаро. – Техрон, 1332 х. – 622 с.
6. Uludağ S. Tasavvuf terimleri sözlüğü. – Istanbul, 1995. – 378 б.
7. Қуръони карим маъноларининг ўзбекча тафсири. Араб тилидан Абдулазиз Мансур таржимаси. – “Аъроф” сураси, 172-оят.
8. Ҳайитметов А. Навоий лирикаси (тўлдирилган ва тузатилган иккинчи нашр). – Тошкент: Ўзбекистон, 2015. – 390 б.
9. Ҳаққул И. Навоийга қайтиш. 2-китоб. – Тошкент: Фан, 2011. – 226 б.

### **АҲЛИ ФАНО ВА ФАҚР МУРШИДИ (THE MURSHID (MENTOR) OF THE FANATICS AND THE POOR)**

Зулайҳо РАҲМОНОВА,  
ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти  
катта илмий ходими, филология фанлари бўйича фалсафа доктори  
[zuleyha2008@mail.ru](mailto:zuleyha2008@mail.ru) Тел: 97-7587926

**Аннотация:** Алишер Навоийнинг Сайид Ҳасан Ардашерга мактуби ёзилиши даври, жойи ва жсанрий хусусиятлари жиҳатидан бир неча бор тадқиқ этилган. Мазкур мақолада эса шоирнинг маънавий фарзанд сифатида Ардашерга муносабати ҳақида тўхталиниб, унинг тасаввуф ҳақидаги фикр-қарашларига ойдинлик киритилди. Шунингдек, муршиди комилларининг улуг мутасаввиғ Навоий тақдирига таъсиридан баҳс юритилди.

**Калим сўзлар:** тасаввуф, тариқат, сафар, фано, фақр, таваккул, муршид, солик, ирфон, ишқ.

**Annotation:** The period of Alisher Navoi's letter to Sayyid Hasan Ardashe has been studied several times in terms of place and genre. This article focuses on

*the poet's attitude to Ardascher as a spiritual child and clarifies his views on mysticism. As well as, the influence of the murshid on the fate of the great mystic Navoi was also discussed.*

**Keywords:** *mysticism, sect, travel, fano, faqr, hope (tawakkul), sheikh, solik, irfon, love.*

Улуг мутафаккир шоир Алишер Навоийнинг мураккаб ҳаёт йўли ва асарлари хусусидаги холис мулоҳазалар унинг устозлари билан ҳам бир қадар боғлиқ. Албатта, темурийлар салтанатида обрўли мавқега эга Ғиёсиддин кичкина оиласида таваллуд топган Алишер Навоий ўз даврининг энг илғор мураббийлари қўлида таҳсил олди. Илми бадиъдан илми нужумгача пухта ўрганди. Бироқ унинг қисматида қалб оламига таъсир қилган, руҳий тарбия этган муршиди комилларнинг ўрни алоҳида эътиборга молик. Ўз даврининг етук шахслари саналган бундай пири комиллар билан унинг муносабатини атрофлича ўрганиш лозим. Шунда шоирнинг салтанатда кечган зиддиятли умри, ҳалқ тақдиридаги ўрни ва асарларидағи мақсаду маслаги бир қадар ойдинлашади. Хожа Аҳрор Вали, Абдураҳмон Жомий каби шоир шахсияти шаклланишида муҳим роль ўйнаган муршиди комиллардан бири, шубҳасиз, Сайд Ҳасан Ардашердир.

Навоийнинг Сайд Ҳасан Ардашерга бўлган муҳаббати, ўзаро муносабати ўзига хос. У ҳақида маҳсус “Холоти Сайд Ҳасан Ардашер” номли рисоласидан ташқари қатор асарларида юрак изҳорлари бор. Шулардан бири маснавий номасидир<sup>37</sup>. Маълумки, маснавий Ватан соғинчи ила юрак ёниб, яқинлар меҳрини дил қўмсаб Самарқанд ихрожи давларида ёзилган ҳасби ҳол ҳисобланади. Навоийнинг Сайд Ҳасан Ардашерга бағишлиланган асарлари ва бағишивларида шоирнинг кўнгил оламини акс эттирувчи ўзига хос жиҳатлар бор. Бу ҳол бошқа ҳолотларида, номаларида ёрқин кўринмайди. Аввало, Навоий ўзини маънавий бир фарзанд образида тасвирлайди. Шу боис унинг дарду изҳори, фикр-қарашлари бевосита тасаввуф ирфонининг ўзига хос томонларини қамраб олган. Яъни кўз ўнгимизда Навоий мазкур шеърий мактубда Ҳақ ўйлини истаётган бир солик сифатида гавдаланади. Мактуб Аллоҳ таолога ҳамд ва Расулуллоҳ (с.а.в.)га наът билан бошланади. Айтиш мумкинки, бу асарда ўзига хос ҳол мавжуд. Бунда Навоий гўё ўтар дунёнинг бир фоний йўловчиси руҳий ҳолида ўз фикрларини баён қиласи. Ўн саккиз минг оламнинг яратилиш сабаби ва

<sup>37</sup> Ушбу шеърий мактуб бир неча машҳур тадқиқчилар томонидан турли нұктай назардан ўрганилган. Унинг ёзилиш санаси, жойи ҳақидаги қарашлар мунозарали бўлган. Шунингдек, унинг жанрий хусусиятлари ҳам илмий изланишларга сабаб бўлган. “Маснавий”, “Ҳасби ҳол”, “Сайд Ҳасан Ардашерга мактуб” каби ҳар хил номлар билан берилишининг ўзиёқ фикримизни кувватлайди (бу ҳақида қаранг: Е.Э.Бертельс. Навои. – Москва – Ленинград: Изд-во АН СССР, 1948; О.Шарафитдинов. Алишер Навоий. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 1948; А.Хайитметов. Навоий лирикаси. – Тошкент: “О’zbekiston” НМИУ, 2015).

инсоннинг моҳиятидан сўз очади. Одам авлодларининг заминга туширилиши ва бу ердаги бир муддатлик имтиҳон ҳақида Навоий ҳикматли қарашларини ўртага ташлайди. Ўтмиш, бугун ва охиратдан иборат маънавий сафарнинг сир-асрорларини тўла англашга уринади. Мана шундай ўй-хаёллар оғушида Сайид Ҳасан Ардашерни эслалини ва унга мактуб ёзиши табиийдир. Зоро, у “солики фоний ва гавҳари коний, орифи маоний [4:90]” бўлиш билан бирга Навоий таъкидлаганидек: “фақирни фақр тариқиға далолат ва иршод қилурлар эрди ва назм айтурға тарғиб кўргузурлар эрди [4:91]”. Шоир дунё ғурбатхонасида инсон бир мусоғир, овора, бечора солик эканлигини айтаркан, ушбу йўлда Аллоҳ таоло ёрдамчи, раҳбар бўлишини эслатади. Зоро, инсонга ишқ дардини неъмат айлаш ва овораликни насиб этиш ҳам Парвардигорнинг лутфу карамидир. Даشتি балода Ҳақ йўлчисига йўл озиғи тавакқул бўлган. Мактубда ана шундай тариқатдаги муҳим масалаларнинг ўртага ташланиши бежиз эмас. Чунки нома “*фано шомининг ёруғ шамъи*”, “*Адам хонақоҳида ихтиёр этган*”, “*жалол ва камолда тенгсиз*”, “*вафоу сахо кони*” Сайид Ҳасан Ардашерга ёзилмоқда. Шоирнинг унга маънавий бир робитаси борки:

*Зихи равзадин хулқунг ортуқ басе,  
Келиб боги қадрингда тубо хасе.*

*Чу сенсен бугун олам аҳлида фард,  
Ки ҳолин дейолгай санга аҳли дард.*

*Мангаким, видодингга хурсандмен,  
Жанобингга шогирду фарзандмен [2:526], –*

дейди. Навоий Сайид Ҳасан Ардашернинг ўзига бўлган муҳаббатидан баҳтиёр. Бошқа асаларидаги каби унинг устоди пир, ўзининг унга фарзанд эканлигидан ифтихор тужди. Кўнгил ором оловчи бир хилват орзу қилган “оввора мусоғир” беихтиёр қалб табиби – пирини эслайди:

*Сен эрдингки, ҳар ишида ёрим эдинг,  
Не ғамким етар, ғамгусорим эдинг.*

*Сени ҳам сипеҳри мухолифмазоқ,  
Ўкуш рев ила солди мендин йироқ [2:533].*

Ғаму андуҳ ичида қолган Навоийнинг Яратган, олам ва одам ҳақидаги қарашларини баён қилиши ҳам, албатта, дардкашининг маънавий мақоми билан боғлиқ:

*Эмас эрди мақсуд жуз одамий,  
Ки Ҳақ сиррининг бўлгай ул маҳрами.*

*Баридин гараз гарчи инсон эди,  
Анга даги мақсуд ирфон эди.*

*Бу сўз сидқига дағи бетаъну танз,  
Далолат қилур ояти «кунту канз» [2:535].*

Дунёнинг яратилишидан мақсад инсон, инсондан ғараз эса ирфондир. Бу ҳақиқатни ирфоний асарларда кўп бора тилга олинадиган “*Кунту канзан маҳфийян фаяхбабту ан уърафа фахалақтул халқа*”, яъни “*Мен яширин бир хазина эдим, билинишини истадим ва мени билсинлар дея маҳлуқотни яратдим*”, қудсий ҳадиси орқали изоҳлайди. Тассавуф манбаларида ушбу ҳадисга муҳим аҳамият қаратилиб, батафсил шарҳлар яратилган. Мутасаввифларнинг наздида, маҳфий хазина бўлган Аллоҳ азза ва жалла “ан урафа”, яъни танилишни “ахбабту”, яъни ҳуб, муҳаббат ила ихтиёр этган. Шундай оятлардан бири: “*Мен жин ва инсни ўзимга ибодат қилишлари учун яратдим* (Зориат: 51/56)”дир. Нажмиддин Кубро ҳазратлари: “*Менга ибодат қилсинлар*” ифодасини Ибн Аббос (р.а.) “*Мени билсинлар*”, дея изоҳлаган”, – дейди. Бу истакка жавоб берувчи эса маҳлуқотларнинг гултожи – комил инсон эди. Инсоннинг яратилиши билан оламларнинг яратилиши якун топди. Тажаллигоҳ бўлган оламнинг жилоси Инсон бўлди ва борлиқлар ичра жузъий ирода ва идрок этиш қобилияти ҳам унга берилди. Демак, инсон ишқ ва ирфон соҳиби бўлгандагина яширин хазинанинг сиррига етади. Бу муҳаббат ишқуллоҳ, бу ирфон – маърифатуллоҳдир. Ушбу юксак даражага эришмоқнинг икки йўли бор. Биринчиси ҳақида Навоий шундай дейди:

*Бири буки, бир жазба Ҳақдин етиб,  
Кўнгулни якин жомидин маст этиб.*

*...Анга қолмагай ҳам ўзидин хабар,  
Ўзидин неким, ўзлугидин асар.*

*Бўлуб рафъ имкони мавжудлуг,  
Тониб Ҳақ вужудида нобудлуг [2:535].*

Демак, илк тариқ мажзублар йўли бўлиб, уларга жазба Ҳақдан етади. Аллоҳ маҳбуб бандаларига воситасиз “яқийн жоми”дан насиб айлайдики, мастиқда дунёи дундан этак силкиб, ҳақиқат сари от чоптиришда эҳтиёжсиз этади. Улар ўзлигини маҳв этиб, “ҳақ вужуди”да неки мавжуд бўлса нобуд айлаб, ваҳдатга эришадилар. Улар манзилга етган, бироқ йўл сиррини англамаган мажзублардир. Иккинчиси эса:

*Яна бир будурким, гадо гар мулук  
Талаб йўлида қилгай онча сулук.*

*Бурун муршиди комил истай юруб,  
Ани топқач ўзин анга топшуруб.*

*Сулук амрида урмайин бешу кам,  
Анинг амридин айру дам ё қадам.*

*Фано даштида сайри бўлғач тамом,  
Ҳақ андин сўнг эткай ато ул мақом* [2:535], –

яъни тариқатдир дейди шоир. Сайри сулукда, аввало, бир пири комил топиб, унга том таслимият ила байъат қилинади. Фано даштида ҳам йўл охирига, ҳам йўл сиррига етган сулук ахлига ваҳдат мақоми насиб этади. Агар ўз розидан мушарраф айлаган маҳбубу мажзубларидан қилмаса, пир этагидан маҳкам тутиш лозим. Навоий бу икки савдо иштиёқида бекарорлиги, мабодо умри ўзлукни топиш йўлида талаф бўлса, унга энг олий шарафлигини бу йўлнинг “фақиру фоний”си “замхўр”, “ёвару” “ёр”ига га изҳор этади. Фано даштидаги саргардонликда Сайд Ҳасан Ардашердан ҳиммату мадад сўрайди. Навоий ҳақиқатидан бир пир остонасига бош уриб, тариқат ҳаётини орзу қилган Ҳақ йўлчиларидан эди. Самарқандда яшаган даврларида кўнгил сайрига иштиёқ жуда баланд бўлганлиги аниқ. Муаррих Фиёсиддин Хондамир “Макорим ул-ахлоқ”да шундай хабар беради: “Ёзувчиларнинг жимжимадор сўзлари ва котибларнинг мақтовларисиз ҳам пок Парвардигор илтифотлари марказларида бўлган ул зот ёшлиқ ва йигитлик даврининг гуллаб-яшнаган чоғларида ҳам ҳар доим “улар туриб ҳам, ўтириб ҳам, ётиб ҳам Аллоҳни зикр этадилар (Оли Имрон: 191)” ояти улар борасида туширилган дарвешлар билан мулоқотга бўлишга интилиб юрар, қўлидан келганича ва имконияти етганича иродат ва ихлос билан олий мартабали ушбу тоифага мансуб кишиларнинг хизматида бўлардилар [5: 208]”. Сайд Ҳасан Ардашер мана шундай улуғ зотлардан эди. Навоийда ҳамиша Сайд Ҳасан Ардашер соғинчи бўлган. Мана шундай руҳдаги сатрларидан бири:

*Фақр манзилларининг раҳрави бал раҳбари,*

*Ҳодийи аҳли фано муршиди аҳрор қани?*

*Мени мотамзадага ҳам ота, ҳам муршиду пир,*

*Балки ҳам ғамхўру ҳам ёвару ҳам ёр қани? [З: 531]*

Бу мисралар фано аҳлининг муршиди вафоти муносабати билан ёзилган. Навоий ижодида Фано етакчи мавзулардан, Фановашлик эса асосий холлардан саналади. Бироқ шоир фано мақомидан сўз очаркан, Сайид Ҳасан Ардашер номини тилга олади ёхуд Сайид Ҳасан Ардашерни хотирларган фаноликдан баҳс юритади. Мотамзадаликда яралган марсияда ҳам:

*Эй фалак, айтким ул солики автор қани,*

*Фақри автори аро кошифи асрор қани?*

*Ташлаб ўзлукни фано бодиясин қатъ эткан,*

*Уибу йўл ҳолидин огоҳу хабардор қани?*

декя фалакка арзу дод этади. Аслида қўнгил ижодкорининг кўплаб асарлари фано мақомига юксалиш асрорларини очишга, йўл-йўриқларини кўрсатишга қаратилган. Шу маънода Алишер Навоий ижодидаги маънан етук образлардан бири – комил инсон – Фонийдир. Фақру фано мақоми хақиқатларини очища “фақр манзилларининг раҳбари”, “фано муршиди”нинг маънавий таъсири бекиёс бўлган. Ва айтиш мумкинки, Навоий асарларида фақру фано мартабасининг соҳиби Сайид Ҳасан Ардашер сиймосида тасвир этилади. Шу маънода икки улуғ шахсиятнинг ўзаро муносабатини чуқурроқ ўрганиш, навоийшуносликда тўғри таҳлил ва теран талқинларга йўл очади.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Бертельс. Е.Э. Наваи. – Москва – Ленинград: Изд-во АН СССР, 1948.
2. Навоий А. МАТ. 3-жилд. – Тошкент: Фан, 1988.
3. Навоий А. МАТ. 4-жилд. – Тошкент: Фан, 1988.
4. Навоий А. МАТ. 15-жилд. – Тошкент: Фан, 1999.
5. Хондамир F. Макорим ул-ахлоқ”. – Тошкент: Faafur Fулом, 2015.
6. Шарафитдинов О. Алишер Навоий. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 1948.
7. Ҳайитметов. А. Навоий лирикаси. – Тошкент: “O’zbekiston” НМИУ, 2015.

# АЛИШЕР НАВОИЙ ТАРКИБАНДИДА САЙИД ҲАСАН АРДАШЕР ТАЛҚИНИ

Дилрабо Казакбаева,

Ўзбекистон Миллий университети катта ўқитувчиси  
[dilrabokazkbayeva0707@mail.com](mailto:dilrabokazkbayeva0707@mail.com)

+99893 561-12-01

**Annotatsiya:** Ushbu maqolada Alisher Navoiyning “Navodir ush-shabob” devoniga kirgan tarkibbandi tahvilga tortilgan. Navoiy qarashlariga muallifning munosabati bildirilgan.

**Kalit so‘zlar:** Navoiy, tarkibband, Sayyid Hasan Ardashev, marsiya.

**Annotation:** This article analyzes the first of tarkibband Alisher Navoi's divan “Navodir ush-shabob”. The author's attitude to Navoi's views is expressed.

**Key words:** Navoi, tarkibband, Sayyid Hasan Ardashev, marsiya.

Таркибанд инсон руҳий оламини кашф этишда, моддий борлиқقا бўлган муносабатларини теран ифодалашда шоирга кенг имкониятлар берадиган ўзига хос шеърий жанрdir. Аммо таркибанд ўзбек мумтоз адабиётида нисбатан кам ижод қилинган. Бу мазкур жанрнинг бир қадар мураккаб тузилиши, ҳажми ва ифода усули билан ҳам боғлиқ. Таркибанд ҳақида назарий адабиётлар ва луғатларда ҳам қисқароқ маълумотлар келтирилган. Жумладан, “Фиёс ул-луғот” муаллифи<sup>38</sup> ва XII аср назариётчisi Рашидиддин Ватвот таркибандни таржибандан ўсиб чиккан, деб ҳисоблайдилар<sup>39</sup>. Шайх Аҳмад Тарозийнинг “Фунун ул-балоға” асарида ҳам таркибанд ҳақидаги қарашлар юқоридагиларга ўхшаш: “Ва бешинчи қисми улким, ҳар бандининг қофияси бир тариқа бўлур ва таржиз байтлари тақи ҳар бири алоҳида қофия била келур ва мукаррар қилмаслар. Ва бу қисмда марсия ва мадҳ айтилур”<sup>40</sup>.

Кўринадики, таркибанд шаклан мураккаб тузилишга эга бўлган таркиб байтлардан иборат бўлса-да, мазмунан марсия характеристидадир. “Девони Фоний”да Абдураҳмон Жомий вафоти муносабати билан ёзилган “Марсияи ҳазрати Маҳдум” номли таркибанд келтирилган. “Наводир уш-шабоб” девонига эса Сайид Ҳасан Ардашер вафоти муносабати билан ёзилган таркибанд киритилган. Мақолада адабиётшунослигимизда деярли тадқиқ

<sup>38</sup> Фиёсиддин Мухаммад. Фиёс ул-луғот / Таҳиян матн бо пешгуфтор, мулҳақот, тавзеҳот ва фехристи А.Нуров. Чилдт 1. Душанбе: Адиб, 1987. - Б. 187.

<sup>39</sup> Ватват Рашид ад-Дин. Сады волшебства в тонкостях поэзии. Перевод с персидского. Исследование и комментарий Н.Ю.Чалисовой. - Москва, 1985. - С.323.

<sup>40</sup> Шайх Аҳмад ибн Худайдод Тарозий. Фунун ул-балоға. - Тошкент: MUMTOZ SO‘Z, 2017. - Б. 55.

қилинмаган Сайид Ҳасан Ардашерга бағишлиланган ана шу таркибанднинг ўзига хос хусусиятлари хақида фикр боради.

Таркибандда Навоий меҳрибон устози ва дўсти Сайид Ҳасаннинг вафоти уни чукур изтиробга солғанлигини айтади. Сайид Ҳасан Навоийнинг ота-онаси вафот этганидан сўнг унинг тарбияси билан шуғулланган илм-маърифатда етук кишиларидан эди. Биз буни Навоийнинг Сайид Ҳасанга шеърий мактуби ва “Ҳолоти Сайид Ҳасан Ардашер” номли рисоласи билан танишганимизда ҳам билиб оламиз. Шунингдек, Навоийнинг хабар беришича, Сайид Ҳасан Ардашер Лутфий ва Ҳофиздек забардаст шоирлар шеъриятининг аксар қисмини ёд билар эди ва адабий мажлисларда мароқ билан ўқир эди.

Сайид Ҳасан гўзал хислатлари ва ёқимли феъл-атвори билан катта-кичик ва яхши-ёмон кишилар қошида азиз ва мукаррам бўлган. Подшоҳ ўз фарзандларининг айрим феъли, ишлари ўзига мақбул бўлмаса, Сайид Ҳасанни кўзда тутиб: “Не бўлғай, сенинг афъол ва ҳисолинг ҳам фалониға ўхшаса эрди!”, дея уларга танбех ҳам берган. Бу ҳақдаги маълумотларга академик Азиз Қаюмовнинг Навоий ижодига бағишлиланган асарларида<sup>41</sup> ҳам дуч келамиз.

Навоий таркибандининг ҳар банди саккиз байтли бўлиб, етти банддан ташкил топган, жами 56 байт. Ҳар бир банд охирида мустакил байт келтирилади ва бу байтнинг мисралари ўзаро қофияланади. Биринчи бандида дунёning жафокор ва бевафолигидан шикоят қилинади:

*Даҳр боғики жафо шориидур ҳар чамани,  
Жуз жафо аҳлига сончилмади аниң тикани.  
Кимдаким дози вафо кўрса шаҳид айламаса,  
Лоласининг не учун қонга бўялмиши кафани.*

Бу дунёning ҳар чаманида жафо бор, лекин унинг тикани жафочиларга санчилмади. Кимда ким вафоли бўлса, бу даҳр, яъни дунёning тикани шу вафолига санчилди. Шунинг учун ҳам лоланинг бағри қон. Таркибанднинг охирги байтида шоир устози Сайид Ҳасан Ардашерни етти иқлим кўрмаган пок инсон сифатида таърифлайди.

*Баҳри урфон дури Сайид Ҳасан улким афлок  
Етти дуржи аро бир кўрмади андоқ дури пок<sup>42</sup>.*

Навоий таркибандининг кейинги учинчи ва тўртинчи бандларига эътиборимизни қаратайлик. Бу бандларда мамдуҳ (мадҳ этилаётган шахс)нинг оламдан ўтиш хабари ва унинг тавсифи берилади:

<sup>41</sup> Қаюмов А. Асарлар. З-жилд. - Тошкент: MUMTOZ SO‘Z, 2009, - Б. 231.

Қаюмов А. Дилкушо такрорлар ва руҳафзо ашъорлар. - Тошкент: MUMTOZ SO‘Z, 2011. - Б.43-52.

<sup>42</sup> Алишер Навоий. МАТ. Т.4. –Тошкент: 1989. Б.497-501. Кейинги мисоллар ҳам шу сахифалардан олинди.

*Гарчи факр аҳлиға бу навъ азо кам тушти,  
Мени савдоزادага ўзгача мотам тушти.*

Тўртинчи бандда мамдуҳ дунёқарashi ва характери очиб берилади ва унинг муҳтасар тавсифи ёритилади:

*Сенсизин даҳр элидин асру малолим бордур,  
Кошки келсангу кўрсангки, не ҳолим бордур.*

Яъни бу дунё Устозсиз менга малол келади. Зеро, устозсиз инсон йўлини йўқотган йўловчи кабидир. Бешинчи бандда мамдуҳ руҳи билан мулоқотининг гувоҳи бўламиз:

*Дўстлар бир-бiringиздин тиламанг жоми висол,  
Десангиз ичмали ҳижрон қадаҳин маломол бўлгай.*

Навоийнинг аламига алам қўшган яна бир нарса шуки, бу шеърдан ва шоирнинг “Холоти Сайид Ҳасан Ардашер” номли асаридан маълум бўлишича, Сайид Ҳасан вафот этган вақтда Навоий Ҳиротда эмас эди. Шунинг учун у устози билан видолаша олмай қолади ва унинг дағн этилиши маросимида ҳам қатнаша олмайди. Устозининг ёнида бўлиб, фарзандлик бурчини бажара олмаганигидан афсус-надоматлар чекади:

*Гаҳ бошингни тузатиб, гоҳ аёгинги ётиб,  
Эврулиб бошинга фарзандлиг айлаб изҳор.*

Гарчанд Навоий ўз бошига тушган кулфатни инсон тақдири, дунёниг фонийлиги каби мавҳум фикрлар билан боғлаб, асарга қисман фалсафий-тасаввуфий оҳанг берса ҳам, унда ҳаётый деталлар, реал ҳис-туйғулар етакчи ўрин тутади. Буни, айниқса, таркиббанднинг олтинчи бандида равшан ифоланади; мазкур бандни ўз яқин кишиси билан видолаша олмай қолган инсоннинг қалб нидолари, афсуномаси деб баҳолаш мумкин:

*Чора йўқтур бу чу навъ эрмас экандур тақдир,  
Мумкин эрмас киши тақдирга бермак тажир.*

Навоий Сайид Ҳасанни нафақат ота ўрнида кўради, балки маънавий йўлбошчиси, пир-муршиди деб билади. “Навоий учун Сайид Ҳасан Ардашер – инсони комил тимсоли. Навоий “Ҳамса” достонларида яратилган ижобий-ибратли тимсоллар билан Сайид Ҳасан орасида ўхшашлик кўп, агар “Ҳамса” образлари бадиий орзу-мушоҳада асосида вужудга келган таҳайюлий-романтик типлар бўлса, Сайид Ҳасан муайян тарихий шахс, яъни улуғ шоир ўзининг хаёлотидаги идеал инсоннинг хусусиятларини ўз замондошида кўра олган, дейиш мумкин”<sup>43</sup>. Адабиётшунос М.Асадов шоир шеъриятида ринд тимсолининг реал, ҳаётый асоси, прототипи мавжуд. Бу Сайид Ҳасан Ардашердир<sup>44</sup>, дея, унинг ринклар, дарвешлар билан

<sup>43</sup> Комилов Н. Тасаввуф. - Тошкент: Мовороуннаҳр-Ўзбекистон, 2009. - Б.357.

<sup>44</sup> Асадов М. Сокийнома: тарих ва поэтика. - Тошкент: Тафаккур, 2020. - Б. 209.

муносабатини чукур ёритиб берган. Дарҳақиқат, Навоий ва Фахрий Ҳиравий маълумотларига кўра, Сайид Ҳасан Ардашер давлат ишларидан чекиниб, дарвешлик, риндлик мақомида бўлишни ҳам афзал билган.

Таркиббанднинг охирги – еттинчи банди юқоридаги бандларининг умумий хулосаларидир:

*Дўстлар, даҳр вафосини хаёл айламангиз,  
Буржсу кохига тамаъ гайри завол айламангиз.  
...Ҳар киши комил эрур, бас анга ҳақ бандалиги,  
Мундин ўзга тамаъи касби камол айламангиз.*

Навоийнинг мазкур асари “Ҳолоти Сайид Ҳасан Ардашер” номли асаридан сўнг ўқилганда унинг моҳияти, шоирнинг умумлаштириш қобилияти ва поэтик маҳорати яна ҳам ёрқинроқ намоён бўлади. Яъни бу асарлар ҳам мазмунан, ҳам поэтик жиҳатдан бир-бирини тўлдиради.

Шеър бошидан охиригача шоирнинг ички кечинмаларини ҳаққоний равишда, чукур лиризм билан акс эттиради. Шеър аслида чин инсоний ҳистийғулар асосига қурилгани учун, ундаги унча-мунча анъанавий тасвирий образ ва иборалар унинг таъсир қучини камайтира олмайди ва шеър, умуман, лириканинг гўзал намунаси ҳисобланади<sup>45</sup>. Шу билан бирга, Навоий таркиббанднинг ҳар банд охиридаги байтида ўз фикрларини ҳаётий хулосалари билан уйғун тарзда ифодалайди.

Навоий таркиббандни рамали мусаммани солими маҳбуну маҳзуф вазнида ёзди.

<i>Ҳар</i>	<i>ки</i>	<i>ши</i>	<i>ко</i>	<i>ми</i>	<i>лэ</i>	<i>рур</i>	<i>бас</i>	<i>ан</i>	<i>га</i>	<i>ҳақ</i>	<i>бан</i>	<i>да</i>	<i>ли</i>	<i>зи</i>
-							-	-						

**Фо и ло тун фа и ло тун фа и ло тун фа и**  
**лун**

<i>Мун</i>	<i>ди</i>	<i>нўз</i>	<i>га</i>	<i>та</i>	<i>ма</i>	<i>и</i>	<i>кас</i>	<i>би</i>	<i>ка</i>	<i>мо</i>	<i>лай</i>	<i>ла</i>	<i>ма</i>	<i>нгиз</i>
-														-

**Фо и ло тун фа и ло тун фа и ло тун фа и**  
**лун**

Хуллас, Навоий таркибанди тузилиш жиҳатдан ниҳоятда пухта бўлиб, мамдуҳ дунёқараши ва характерининг умумлашган, муҳтасар тавсифини яратишга имкон берган. Таркиббандда бандлар охиридаги маснавийдек қофияланган байтлар унинг жанр хусусиятини ифода этиб келган. Навоий

<sup>45</sup> Ҳайитметов А. Навоий лирикаси. -Тошкент: -Б.1961.

таркибандида тахаллус қўллангани ҳам унинг яна бир ўзига хослигини далиллайди.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Асадов М. Соқийнома: тарих ва поэтика. - Тошкент: Тафаккур, 2020.
2. Ватват Рашид ад-Дин. Сады волшебства в тонкостях поэзии. Перевод с персидского. Исследование и комментарий Н.Ю.Чалисовой. - Москва, 1985.
3. Комилов Н. Тасаввуф. - Тошкент: Моворуннахр-Ўзбекистон, 2009.
4. Алишер Навоий. МАТ. Т. 4. - Тошкент: 1989.
5. Шайх Аҳмад ибн Ҳудайдод Тарозий. Фунун ул-балоға. - Тошкент: MUMTOZ SO'Z, 2017.
6. Носиров О., Жамолов С., Зиёвуддинов М. Ўзбек классик шеърияти жанрлари. - Тошкент: Ўқитувчи, 1979.
7. Қаюмов А. Асарлар. 3-жилд. - Тошкент: MUMTOZ SO'Z, 2009. - Б. 231.
8. Қаюмов А. Дилкушо такрорлар ва руҳафзо ашъорлар. - Тошкент: MUMTOZ SO'Z, 2011.
9. Ҳайитметов А. Навоий лирикаси. - Тошкент: - Б.1961.

**“ЛИСОНУ-Т-ТАЙР”ДА БАДИЙ ТУШ ВА САФАР УЙГУНЛИГИ  
HARMONY OF ARTISTIC DREAM AND TRAVEL AT “LISONU-T-TAYR” (THE LANGUAGE OF BIRDS)**

*Одилжон АВАЗНАЗАРОВ,  
филология фанлари бўйича фалсафа доктори,  
Қарши давлат университети  
[odiljon.avaznazarov@mail.ru](mailto:odiljon.avaznazarov@mail.ru)*

**Annotation.** The article examines the artistic dream and the motive of the trip in Alisher Navoi's epic "The language of birds".

**Key words:** epic, birds, dream, journey, psyche.

Алишер Навоий ижодида туш мотивининг ўзига хос ўрни бор. Унинг деярли барча асарларида, жумладан, “Хамса”да қаҳрамонларнинг ички кечинмалари, руҳият тасвири туш орқали очиб берилганига, умуман олганда, туш Навоий ижодида алоҳида аҳамиятга эга ҳодиса эканига амин бўламиз.

Тушлар, асосан, йўл, йўловчи образлари ҳамда сафар мотиви билан уйғунликда рўй беради. Жумладан, “Лисону-т-тайр” достонида бу яққол кўзга ташланади. Достонининг етакчи ғояларини чуқурроқ англашда Шайх Санъон ва Тарсо малика билан боғлиқ туш эпизодлари муҳим аҳамият касб этади. Бу хусусида тадқиқотчи олимлардан бири Ф.Исомиддинов ҳам ўзининг “Шайх Санъон ҳақидаги қиссаларнинг қиёсий таҳлили” номли

номзодлик ишида Аттор ҳамда Навоий ижодида тушлар муҳим ўрин тутгани таъкидлайди. “Лисону-т-тайр”нинг уч бобидаги (LXXIX, CXXXIV, CLX) ҳикоятларда тушлар сюжет ҳалқаларининг маълум бир қисмларига тааллуқли ҳисобланиб, ўzlари қатнашган ҳикоятларни шакллантиришга, ғоявий-бадиий қувватини юксалтиришга хизмат қиласди.

Ушбу тушларнинг дастлабкиси LXXIX бобдаги тушлардир. Шайх Санъон ва Тарсо қиз ҳақидаги бу ҳикоятнинг уч ўрнида туш эпизодлари учрайди. Ижодкор айни тушлар воситасида бадиий олам ичидан янги бадиий олам яратади. Айтиш ўринлики, “Лисону-т-тайр” достонини Шайх Санъон ва Тарсо малика ҳақидаги ҳикоясиз, ҳикояни эса Шайх Санъон ва Тарсо маликанинг тушларисиз тасаввур қилиш мушкул. Тушда кечадиган ҳодисалар асарнинг ажралмас қисмига айланади. Шайх Санъон қиссасидаги тушларнинг ўринини аниқлаш учун достондаги бош – қолипловчи ҳикояни ҳамда Шайх Санъон қиссасини қиёслаб ўрганиш лозим бўлади. Чунки икки ҳикоядан ҳам чиқадиган хулоса бир: олам – борлик Оллоҳнинг зухуридан иборатдир.

Шу маънода, достонда дунё қушларининг Симурғни излаб йўлга тушиши ҳақидаги қолипловчи ҳикоя Шайх Санъон қиссасининг рамзлаштирилган вариандидир. Шайх Санъон қиссаси рамзий шаклдаги қолипловчи ҳикояни реалликка яқинлаштиради. Бу эса асар моҳиятини янада равшанлаштиради. Икки ҳикоянинг ҳам сюжет тизимини синчиклаб қиёслаганда, уларнинг бир хиллигини, инсоннинг минг-минглаб яхши-ю ёмон хислатлари, ҳисларининг тимсоли бўлган қушлар – Шайх Санъон эканлигини англаш мумкин. Ҳудҳуд Симурғдан афсона айтгач, қушлар табиатида шавқ ўти алангаланиб, йўлга чиқадилар. Шайх Санъон тарсо қиз ҳақидаги тушни такрор-такрор кўргач, унга ошиқ бўлади ва сафарга отланади.

Аслида қушлар ҳам, шайх ҳам Оллоҳ висолини истаб йўлга тушган эдилар. Улар бу йўлда жуда кўп машаққатлар, заҳматлар чекадилар. Асл муддаога етгунга қадар қушлар минглаб ҳамроҳларидан, шайх эса саллаю дастори, динидан айриладилар ва тупроқ билан баравар бўладилар. Ушбу ўринда сийрат учун суратдан воз кечилганлигини кўриш мумкин. Ҳикоялар сўнгига келиб қушлар ва шайх висолига етдик деганларида, йўлларида яна бир тўсиқ пайдо бўлади. Бу – умидсизлик тўсиғи бўлиб, у қушлар келиб қолган манзилларида ўзларини ожиз ҳис қилиб, “Бу даргоҳ шундай азим ва қўрқинчли эканки, бу ерда бизга на сон бор экан, на салмоқ!”, дея “во ҳасрато” айта бошлаганларида ҳамда шайх тарсо қиз висолига етмай туриб, эгнига яна хирқа кийиб, Каъба сари отланганида кўринади.

Ўрни келганда таъкидлаш керакки, шайхнинг ўз йўлидан қайтишга уринишида энг яқин муридининг илтижолари сабабдир. Чунки Оллоҳ ҳар бир суюкли бандаларининг яхши ният билан қилган дуоларини ижобат қиласди. Мурид ҳам чексиз тоат-у ибодатлари натижаси ўлароқ бир кеча туш кўради. Тушида Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.) кириб дейдилар:

*Сидқ ила туз нийятингга офарин!*

*Саъю олий ҳимматингга офарин!  
Онча зоҳир айладинг ажзу ниёз,  
Ким тараҳҳум бирла ҳайи корсоз –  
Айлади ажзу ниёзингни қабул,  
Нолау сўзу гудозингни қабул [Навоий, 2011:121].*

Қушлар фанога эришишдан умидсизликка тушиб турганларида, Худхуднинг тўғри йўл кўрсатгани туфайли уларда қувват ҳосил бўлади. Шайх Санъон эса худди шундай ҳолатга тушиб ортга қайтаётганда, тарсо қиз туш кўради:

*Ноз уйқусида эрди ул пари,  
Кўрди тушким инди меҳри ховари [Навоий, 2011:124].*

Тушида Исо пайғамбар уни вафо бобида танқид қилиб, энди шайхнинг ортидан боришини буюриб, “Бот этиб, бўлғил мушарраф динига, Узрунг айтиб, кир анинг оинига”, дея таъкидлайди. Энди тарсо қиз сафарга отланади, шайхнинг ортидан йўлга чиқади.

Эътиборлиси шундаки, юқоридаги икки ҳолатда – қалбга ишқ ўтини солишда ва умидсизлик ҳолатида висолдан дарак беришда қолипловчи ҳикояда Ҳудҳуд бажарган вазифани Шайх Санъон қиссасида туш мотиви бажаради. Айтиш мумкинки, “Лисону-т-тайр”нинг қолипловчи ҳикоясида Ҳудҳуд қанчалик аҳамиятга молик бўлса, Шайх Санъон қиссасида туш шунчалик аҳамиятлидир. Ҳудҳуд ва туш образлари замирида инсон қалбида, руҳиятида мудом чарх уриб турувчи олий туйғу – Оллоҳга бўлган интилиш туйгуси борлигини кўриш мумкин. Чунки, инсон туйғулари рамзи бўлган қушларни Ҳудҳуд тимсолида, шайхни эса инсон руҳиятининг қўзгуси бўлган туш тимсолида сафарга чорлаган куч ана шу олий туйғудир.

“Лисону-т-тайр”нинг СХХХIV бобида келтирилган тушнинг ўрнини белгилашдан аввал ушбу ҳикоятнинг қандай ғояни исботлашга хизмат қилаётганини аниқлаб олиш керак. Достоннинг СХХХII бобида бир қуш Ҳудҳудга “Эй йўл кезувчи! Мен тангри хаёли билан доимо ўзимни хуш тутаман. Мен ундан шу тариқа бир нафас ҳам айрилиқда бўлмаганим ҳолда, у томонга сафар қилишимнинг нима ҳожати бор”, дея савол беради. У күшнинг Ҳудҳудга берган саволидан “Мен Оллоҳнинг зухуриман, шунинг учун сафар қилсан ҳам, қилмасам ҳам, барибир, бир куни унга қайтаман-ку”, деган мазмун келиб чиқади. СХХХIII бобда Ҳудҳуд савол берувчи қушга жавоб қиласди: “Сен тангри менинг қалбимда, деб қанчалик лоф урганинг билан у сенинг сўзингни қабул қилмаса, бекордир”. Ҳудҳуд ўз фикрларининг исботи сифатида СХХХIV бобда Шайх Бистомий ўлимидан сўнг бир куни муридининг тушига кирганлиги ҳақидаги ҳикоятни келтиради. Тушида мурид шайхдан “Бизга ҳолингдин аён этгил хабар, Ким санга не қилди ҳайи додгар?” дея аҳвол сўрайди. Шайх шундай жавоб қиласди: “Лаҳад қаърига кирганимдан сўнг, савол берувчи малоиклар мендан: сенинг яратувчинг ва абадий мураббийинг ким? деб сўрадилар.

*Мен дедим: “Бу сўзни мендин сўрмангиз,  
Гар жавобе демасам ёзғурмангиз.*

*Айлангиз бориб савол андинки: ул –  
Бандалиғ сори манга берурму йўл?  
Қуллуғумга гар қабул ўлса хитоб,  
Ул хитоб-ўқ сизга кофийдур жавоб [Навоий, 2011:188].*

Фаришталар шайхдан шу жавобни олиб турганларида, юқоридан олий хитоб келади:

*“К-эй савол аҳли, буқим масъулдор  
Бандаи мустаҳсану мақбулдор.  
Бўлмайин равшан онинг нурига кўз,  
Ўз демоқлик бирла келмас рост сўз” [Навоий, 2011:189].*

Мазкур ҳикоят Худхуд фикрини далиллашда қанчалик аҳамиятли бўлса, ушбу ҳикоят структурасида туш шунчалик аҳамиятли ва муҳимдир. Сабаби, тасаввуфда “туш бирор бир ғояни, эътиқодни тасдиқлаш, ўз йўлининг тўғрилигига ишора этиш ва бунинг учун улуғ салафлардан мадад ва шафоат тилаш истагига хизмат қилган” [Комилов, 2009:60].

Достондаги учинчи, яъни CLX бобдаги туш Ҳайрат водийсига берилган таърифни исботлашга хизмат қиласи. Унда жаҳонни забт этган бир подшоҳнинг гўзал қизи бир йигитга ошиқу бекарор бўлади. Сабаби қўйидагича:

*Иттифоқо бир кечаки туши кўрди ул,  
Пайкареким тоқатига урди йўл.  
Руҳдин бўлғон мужассам пайкари,  
Хусн авжси узра меҳри ховари [Навоий, 2011:228].*

Мазкур тушда ҳикоянинг келгуси воқеалари хақида ҳам башорат қилинади:

*Бу – чароғи меҳру, ул – бадри мунир,  
Иккиси бир таҳт уза оромгир.  
Дам-бадам нўши айлабон жоми висол,  
Бир-бираисидин олиб коми висол [Навоий, 2011:228-229].*

Малика юқоридаги тушни кўргач, уйқудан бекарор бўлиб уйғонади ва кўнгил мулкидан қарори йўқолади. Энди унда руҳий сафар жараёнлари бошланади.

Ҳайрат водийсига қадам қўйган кишининг кўнглида ишқ ўти бўлиши керак. Чунки ишқ ўтида куйган кишигини барча ҳодисотдан ҳайратга тушади. Демак, ишқ Ҳайрат водийсига қадам қўйиш учун зарур. Бу водийга қадам қўйиб ундан эсон-омон ўта олган кишигина Фано водийсига ўта олиши, ундан сўнг эса асл муддаога – Оллоҳ висолига этиши мумкин экан. Навоий эса ҳикоя қаҳрамони қалбида ана шу ишқни пайдо қилишда тушдан фойдаланади. Зоро, қароматли тушлар уйқуда ғайбнинг тажалли этишидир. Ғайб эса ойнадек пок ва шаффоф кўнгиллардагина жилва қиласи.

Демак, асардаги бадиий тушлар қаҳрамонларга Ҳақ йўлни қўрсатади, уларни сафарга чорлайди. Шу сабабдан достон қомпозициясидаги бадиий тушларни сафар мотиви билан уйғунликда тадқиқ қилиш асар мазмуни, бадиияти ва ғоясини янада чуқур англашга имкон беради.

### **Адабиётлар:**

1. Алишер Навоий. Лисон ут-тайр. Тўла асарлар тўплами. – Тошкент: Faafur Fулом, 2011. Ж. 9. – 768 б.
2. Комилов Н. Тасаввух. – Тошкент: Мовароуннахр, 2009. – 448 б.

**КИМКИ БИР ШИДДАТ АРО САБРУ ТАҲАММУЛ АЙЛАДИ...**

**HAS ANYONE HAD THE PATIENCE OF A CHALLENGE...**

*Хайдаров Ойбек Шавкат ўғли\*.*

*Илмий раҳбар: Тош ДЎТАУ ректори,  
филология фанлари доктори,  
профессор Шуҳрат Самариддинович Сирожиддинов.*

**Annotation:** This article is about the story from Alisher Navoi's „Mahbub ul-Qulub“, section 2, chapter 5 ( about Patience). The universal meaning of this story is scientifically based, since it represents an abbreviated module of life. The article is also based on the author's ability to add meaning to short lines.

**Калит сўзлар:** Қисқалик, умумбашарийлик, сабр-тоқат, кичрайтирилган ҳаёт модели, шоирнинг бадиий маҳорати, шоирнинг шахсий сифатлари, ҳикоятга асос бўлган воқеа, ҳикоятнинг маъно кўлами, рамзийлик.

Алишер Навоий – қисқа сатрларга олам-олам маъно юклай олган шоирдир. Бу худди зарра бағрига Қуёш қувватини сиғдира билишдай гап. Улкан Қуёш ҳақида тасаввур ҳосил қилиш учун ўша заррага бир назар ташласангиз кифоя – кўзингиз қамашиб, бу зарра нурига дош бера олмай ерга қарайсиз. Ҳайрат денгизига ғарқ бўласиз. Унинг ҳарорати жисмингизни куйдиради, равшанлигидан қалб кўзингиз-да қамашиб кетади.

Навоий ижодининг бир зарраси бўлган, «Маҳбуб ул-қулуб» асари 2-қисми 5-(Сабр зикрида) бобидан ўрин олган ҳажман икки саҳифага тенг бўлган сатрлар, Навоийдек адабиёт қуёши ижодининг бутун ҳароратини ўзида жамлаган. Унинг буюклиги мана шу икки саҳифада бор кўлами или намоён бўлади. Олдинга ўтиб шуни айтишимиз мумкинки, «Сабр зикрида» боби инсон ҳаётининг кичрайтирилган модулидир.

Хўш, бу бобнинг ўзига хос жиҳати нимада? Бу қадар кенг кўламли ҳодисани Навоий қандай қилиб кичик бир бобга сиғдира олди? Бу йўлда у қандай воситалардан фойдаланди?

Аслида, «Махбуб ул-қулуб»нинг ҳар бир боби, ҳар бир фасли, ҳар бир ҳикояти, ҳар бир мисраси, ўзига хос жиҳатлари билан бир-биридан ажралиб туради. Ҳатто асарнинг З-қисмидан ўрин олган кичик-кичик ҳажли 127 танбеҳнинг ҳар бири кўплаб тадқиқотларга, бадиий асарларга ғоялар бера олади. Асарни дикқат билан ўқиган, унга кўнгил кўзи билан қараган, унинг маънолар мағзини чақа олган китобхон бунга амин бўлади. «Забр зикрида» бобининг бизни ҳайратга солган жиҳати ҳам ўзига хосдир.

Маълумки, Навоий ўз услубига содик қолган ҳолда нафақат бутун «Махбуб ул-қулуб»ни, балки ҳар бир боб, фасл, танбиҳни ҳам тезис-антитетис-синтез тизими асосида қуради. Аввал бир ҳукм айтилади, кейин унинг далили берилади, ундан сўнг эса фикрлар яна умулаштирилади. Навоийнинг бу асардаги яна бир ўзига хос усули – бир мавзуга бир неча бор ҳукм беради, бир неча бор далил, ўхшатишлар келтиради. Бир неча бор хulosалайди. Фикрдан-фикрга маъно кўлами кучайиб боради ва охирги хulosада умумий ҳукм бериб кетилади. Ҳатто асарнинг биргина абзацини олиб таҳлил қилсангиз, унда ҳам айнан тезис-антитетис-синтез тизимидан четга чиқилмаганлигига гувоҳ бўласиз. Шунингдек, Навоий ҳар бир мавзуга, унинг долзарблиги, аҳамияти, мураккаблиги, уни қандай қилиб содда ва тушунарли тарзда ифодалаб бериш масалаларидан келиб чиқиб ёндашади. Мисол учун, оддийроқ мавзуларга қисқароқ, умумлашма ҳукмлар билан зеб беришга ҳаракат қиласи. Унга бўлган муносабати эса мавзунинг аҳамиятига қараб ё кескин, ё мўътадил, ёки хайриҳоҳлик руҳида бўлади. Мураккаброқ мавзуларга келганда эса, бироз ёйикроқ фикрларга (антитетис қисмida), далилу ўхшатишларга кенгроқ ўрин бериладики, китобхон бу мавзуларни тушунишда қийнчиликка дуч келмасин.

«Махбуб ул-қулуб»нинг мана шундай мураккаб мавзулар қаламга олинган 2- (Ҳамида афъол ва замима хисол хосияти) қисми саналади. Бунда Навоий ҳар ким ҳам осонликча тушуна олмайдиган – руҳий тарбия масаласига мурожаат қиласи. Унда жамланган мавзуларнинг мураккаблиги, аҳамиятини ҳисобга олиб, муаллиф бу қисмда бадиий ифода шакллари сонини кўпайтиради. Улардан бири – ҳикоятлардир.

Маълумки, биринчи ва учинчи қисмда Навоий ҳикоятларга мурожаат қилмайди. Асосан, саж (насрий) қофия асосида тузилган матн ва уни хulosалаш учун икки ёки тўрт мисра шеър бериб ўтади ва бу унсурлар мазкур қисмлардаги мавзулар моҳиятини очиб беришга кифоя қиласи.

Биринчи қисмда, асосан, жамият, ундаги ижтимоий табакалар, давлатчилик, уларнинг қандай бўлиши ва қандай бўлмаслиги ҳақида сўз боради ва ҳар қандай одам ҳам биринчи қисмда қаламга олинганларга реал хаётда дуч келиши мумкин. Учинчи қисм, асосан, қисқа-қисқа умумлашма

ўгитлар, мақолсифат сатрлардан иборат. Шу сабабдан, мазкур қисмда сўз юритилган мавзуларни тушунтира олиш (Навоий учун) унчалик мураккаб эмас. Шунинг учун ҳам улар нисбатан қисқа-қисқа сатрларда ифодаланади. Аммо иккинчи қисм – маъно кўлами жиҳатидан жуда кенг, моҳиятнан ўта мураккаб бўлган тасаввуф, руҳий тарбия билан боғлиқдирки, уни ифодалаш, китобхонга етказиб бериш учун нимадир қўшмаса бўлмас эди. Бу муаммони ҳал этиш учун Навоий, ҳикоятларга муржаат қиласди. Биринчи ва учинчи қисмда зикр қилинган мавзулар, ижтимоий табақалар, ҳаётда кўп учрайди ва уни китобхоннинг тушуниши ҳам унчалик қийин эмас, лекин тавба, зухд, таваккул, зикр, таважжух, ризо, ишқ каби мавзулар, бу йўлни тутган инсонлар кам бўлганлиги (Ҳатто ҳозирги замонда бўлиши мумкинлинги ҳам инсонларни ҳайратлантиради) учун, шу йўлдан оғишмай юриб валоят (авлиёлик, валийлик) даражасига етган тарихий зотлар ҳаётидаги ибратли воқеалар келтириб ўтилади. Натижада, китобхонда сўз юритилаётган мавзу ҳақида аниқроқ, тушунарлироқ тасаввур ҳосил бўлади. Масалан, тавба ҳақидаги бобда шайх Абдуллоҳ Муборак, (вафоти 787–788), зухдга бағишланган бобда мавлоно Шамсиддин Муидди Уча (XV асрда Жомда яшаган суфийлар бошлифи), таваккул бобида шайх Иброҳим Ситнаба (Иброҳим Адҳамнинг издошларидан) каби улуғлар ҳаётида рўй берган воқеаларни юқорида келтирган таърифларига, ўхшатишларига параллел тарзда жойлаштиради ва мавзунинг янада яхшироқ очилишини таъмин этади.

Биз тўхталмоқчи бўлган масала ҳам айнан ҳикоятлар, аниқроғи, «Сабр зикрида» бобига илова қилинган машҳур ҳикоят билан боғлиқ. Бу бобдаги ҳикоятнинг бошқаларидан фарқи, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, инсон ҳаётининг кичик бир моделини ўзида мужассам этганлигига кўринади. Яна бир ўзига хос томони, бу ҳикоятда Навоий, бошқаларидан фарқли равища, ҳикоят қаҳрамонининг исмини очиқ айтмайди. Лекин эътибор билан қаралса, тилгна олинган воқеа ва унинг қаҳрамони бутун ислом оламида жуда машҳурдир. Шунингдек, Навоий ҳикоятнинг баъзи бир ўринларида шундай ишоралар бериб кетадики, улардан ҳам воқеани бошидан кечирган шахс исми ойдинлашади. Бу ҳақда сал кейинроқ батафсил тўхталиб ўтамиз.

Дастлаб, ҳикоятга асос бўлган воқеа ҳақида. Бу воқеа бутун инсоният ҳаёти моҳиятини, унинг энг асосий шартини акс эттиргани, ҳаёт портретини, бу ўнқир-чўнқир йўл харитасини ихчам шаклда тасвиrlагани билан аҳамиятлидир. Воқеанинг қисқача мазмuni қўйидагича: бир «нотавон» кўнглига бир гулузнинг ишқи тушади. Бу ишқ йўлида у бечора кўплаб тухматларга учраб, охири зинданбанд этилади. Уни, айбингни тан ол, дея қийноққа соладилар, ҳисобсиз калтаклар билан баданини тимдалаб, қизил қонига бўяйдилар. Аммо ошиқ ноҳақ қўйилган айбни бўйнига олмайди. Азоб

берувчилар ура-ура ҳолдан тоядилар ҳамки, аммо ошиқнинг иродасини бука олмайдилар. Золимлар азоб беришни бас қилгач, мазлум оғзидан бир танга чиқаради. Тиш заҳмидан майда-майда бўлиб кетган танга. Яъни ошиқнинг сабри пўлат тангадан бақувват бўлиб чиқади. Яна маълум бўлишича, унинг бу азобларини Маъшуқ кузатиб турган экан. Ва ошиқ буни ҳис қилиб, ундан куч олиб, тишини тангага босиб, бу азобларга сабр қилган экан. Ниҳоят, Маъшуқ, ошиқ ёнига келиб, унинг яраларини даволайди. Ошиқ эса Маъшуқ кўз ўнгидаги ҳисобсиз қийноқларга саб этароқ ўз мартабасини оширади ва Маъшуқ висолига етади. Ҳатто хаёл ҳам ета олмайдиган ҳисобсиз неъматлар оғушида қолади.

Бир қарашда (зоҳиран) ҳикоят, бир қизга ошиқ бўлган бечора бир йигитнинг севгилиси висоли йўлида дуч келган жабр-ситамларга чираб, охири муродига етишига ўхшаган жўнгина таассурот қолдиради. Ҳикоятнинг улуғворлиги ҳам ана шу оддийликнинг буюклик сирларини ўзида яширганидадир.

Тасаввур қилайликки, бир сўлим гўшага бомоқчимиз. Аммо у маскан жуда узоқ. Йўли ўнқир-чўнқир, ҳавоси жазирама, зиён-заҳматларга тўла. Шу йўл ўтилса бас, у ёғи роҳат-фароғат. Ҳар бир яхши нарса қиммат бўлгани каби, бу сўлим гўшага етишнинг бадали ҳам, йўл давомида дуч келадиган синовларга сабр қилишдир.

Шу каби бу фоний дунё ҳам бир азобли йўл, демоқчи бўлади Навоий. Унда тухмат-маломат, зиён-заҳмат, азоб уқубатдан бошқа нарса йўқ. Ошиқнинг елкасида синган ҳисобсиз калтаклар ана шу азобларнинг умумлашма образидир. Ошиқ эса, Ҳақ йўл (Сироти мустақим)ни қасд қилган йўлчи, яъни солиҳ инсон рамзи. Унинг барча азобларини кўриб турган, якунда барча яраларга малҳам қўйган Маъшуқ эса, Аллоҳ таолодир.

Хўш, кичик бир ҳикоятнинг бу қадар улкан маънони ўзига сифдира олишининг сабаби нимада? Навоий ҳикоят бадииятини кучайтириш учун қандай воситалардан фойдаланган?

**1. Ҳикоят мавзусининг умумбашарийлиги.** Бу энг муҳим жиҳатлардан биридир. Чунки сабр ҳар қандай одам боласи ҳаёти билан узвий боғлик бўлган, унинг касб этиши зарурий ҳисобланган хислатларидан биридир. Мавзу умумбашарий бўлгач эса, у ҳар қандай инсон учун бирдек тегишли ва аҳамиятли бўлади. Қандай шахс ўқимасин, унга ўзини муқояса қилиб кўраверади. Янги-янги нарсаларни кашф этади, ибратланади. Дунёқарашидан келиб чиқиб, уни кимдир зоҳирий, кимдир эса ботиний (асл) маъносини тушунади ва бу ҳодиса оддийликдан мураккабликка томон ўсиб бораверади.

**2. Ҳикоятнинг рамзлар-ла зийнатланганлиги.** Ҳикоятдаги образлар ҳам деталлар ҳам рамзийлик пардасига ўралганки, натижада, ҳикоятнинг

бадиияти кучайиб, турли хил маъно қирраларини ифодалашга йўл очилган. Масалан, Ошиқ образи зоҳиран, кимнидир севиб қолган бир йигитни, ботинан эса Ҳақ ишқи кўнглига тушган солиҳ инсонни ифодалайди. Уни азоблаётган зиндонийлар зоҳиран қамоқхона хизматчилари, ботинан эса бу фоний дунё синовларининг айнан ўзи. Маъшуқ зоҳиран бир гулрухсор қиз бўлса, ботинан эса Аллоҳ таолога ишорадир. Ҳикоятдаги дирам (танга) ҳам ошиқ бошига тушган азобнинг нақадар қаттиқ эканининг гўзал бир бадиий ифодасидир. Маълумки, металл танга жуда қаттиқ бўлиб, унча-мунчага, синиш тугул, ҳатто эгилмайди ҳам. Ошиқнинг сабр олмосидан бўлган ўткир тишлари эса, бу қаттиқ метални пора-пора қилиб ташлайди. Ҳикоятда ошиқ азоблар тугаб, золимлар тақдирга тан бергандан кейингина оғзидағини кўрсатади. Бу эса мазлумнинг шундай қаттиқ зулм устидан ғалаба қозонгани ва бунга параллел ўлароқ шу вақтда металл дирамнинг ҳам майда-майда бўлиб кетгани ифодасидир. Бу тасвир билан муаллиф, инсон сабри, темирдек қаттиқ азоблардан ҳам устун келади, дейди гўё. Навоийнинг маҳорати ҳам, мана шу биргина детал орқали сабрнинг кучини гўзал шаклда кўрсатиб бера олганидадир.

**3. Ҳикоятнинг макон-замон кўлами икки замонни (фоний ва бокий дунёни) қамраб олганлиги.** Буни оддий қилиб тушунтирадиган бўлсак, бир ҳақ ошифи туғилди, бу дунё ситамларига сабр қилди, синовлардан муваффақиятли ўтди ва синовлар тугагач (ҳаёт шами сўнгач), бу сабри туфайли у ҳар қандай жароҳатлар унутилиб кетадиган, мангу мукофот ва роҳат макони бўлган Жаннати фирдавсга ва Ҳақ висолига етишди. Ҳикоятдаги азобларнинг тугаши тасвири, аслида, қаҳрамоннинг ёруғ дунёни (қачондир) тарқ этишига ишора. Ва шу нуқтадан иккинчи бир макон-замон кенгликлари бошланади. Ҳикоятда Машукнинг ошиқ олдига келиши, яраларига малҳам қўйиши воқеалари ўша тарафларда содир бўлади. У ёқда ошиқни Маъшуқ висолидек хаёл ҳам ета олмас мукофот кутади.

**4. Ҳикоятда ҳаётда юз берган реал воқеа қаламга олинганлиги.** Фикримизча, бу воқеа Ислом оламининг буюк муҳаддиси, Ҳанафий мазҳабининг асосчиси Имом Аъзам (Абу Ҳанифа роҳматуллоҳи алайх) ҳаётларида содир бўлган ўша машхур ҳодисанинг айнан ўзи.

Маълумки, Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ давларида Қуръон маҳлуқми (яъни бошқа нарсалар каби яратилганми, ёки Аллоҳнинг зотида азалдан бор эдими) ёки маҳлук эмасми, деган масала устида баҳслар, илмий мунозаралар, ақийдавий зиддиятлар кенг тарқалган, энг ёмони, Қуръон маҳлук дея иддао қилаётганлар ҳокимиятни эгаллаб олган, ҳатто халифани ҳам шунга ишонтирган эдилар. Ўзлари адашганлари етмагандек, бутун ислом умматини ҳам ўзлари билан залолат ботқоғига тортиш учун, даврининг энг

забардаст уламоси бўлган, бир гапи билан халқни ортидан эргаштира биладиган Имом Аъзамроҳматуллоҳи алаёҳга босим ўтказадилар. Куръон махлуқ, дея тан оласан ва буни оммага эълон қиласан, дея буюк имомни мажбуrlай бошлайдилар. Таҳдидлар самара бермагач эса уни зинданбанд этиб, мисликўрилмаган азобларга дучор этадилар. Лекин, Навоий ҳикоятда ёзганидек, золимлар азоб беришдан чарчайдилар ҳамки, Имомнинг иродаси букилмайди. У ўз муҳаббатига (Аллоҳга, Унинг Расулига, динига, соғ ақидага, уммати исломга, Ватанга) содик қолади. Имомнинг бу жасорати, ниҳоят, халифанинг кўзидаги ғафлат пардаси йиртилишига сабаб бўлади ва воқеалар ривожи умуман бошқа томонга бурилади. Золимлар жазоланади, уммати ислом эса катта бир фалокатдан қутулиб қолади. Имом Аъзам эса (Аллоҳ у кишини раҳматига олган бўлсин) ҳам фоний ҳам боқий дунё саодатига эришадилар. Буларнинг барчасига эса у зотдаги туганмас сабр васила бўлган эди. Йиллар ўтиб бу воқеа сабрнинг мукаммал мисолига, Имом Аъзам эса сабр қилувчиларнинг энг улуғларидан бирига айланадилар.

Кўринадики, Ҳикоятда келтирилган ва Имом Аъзам ҳаётларида содир бўлган воқеа айнан мос келади. Бундан ташқари, Навоий ҳикоятда воқеа қаҳрамонининг исмини тилга олмаса-да, баъзи бир ишоралар бериб кетадики, улар бизни айнан Абу Ҳанифага элтади. Мисол учун «...*Таёқ аъзосин андоқ ағгор қилдиким, қон ул маракани лолазор қилди. Мазлум мутлақо дам урмади ва иқрор тақаллумин тилга сурмади*» [Навоий, 1998: 57] жумласида келтирилган қийноқлар тасвири Имом Аъзамга етказилган азоблар тасвири билан бир хил. Шунингдек, Навоий «Иқрор калимасин тилга сурмади», деб ёзади. Золимларнинг Абу Ҳанифадан истаклари ҳам шу биргина *иқрор* эди.

**5. Муаллифнинг маънан баланд шахслиги, мавзуга мос келадиган воқеани топа олганлиги.** Албатта, Умумбашарий мавзуни қаламга олиш учун, муаллиф ҳам маънан баланд шахс бўлиши керак. Унумдор ердангина ҳосилдор дараҳт униб чиқади. Навоий ана шундай балоғат касб этмай туриб қалам сурмаган, ўзи моҳиятига етган, амал қилган нарсасинигина ёзган. Шунингдек, унинг учун сабр мавзусида тайёр ҳаётий воқеа бор эди ва Навоий уни ўз жойига қўя олди. Воқеани бадиият безаклари билан зийнатлади.

Хулоса қилиб айтганда, «Маҳбуб ул-қулуб»нинг ҳар бир сатрида чукур маъно, ибрат бор. 2-қисми руҳий тарбияга бағишлиланган. Бу қисмнинг сабр ҳақидаги 5-боби ҳажман Навоий ижодининг бир зарраси бўлса-да, унинг ижод қуёши ҳароратини бера олади. Мазкур боб кичрайтирилган ҳаёт моделини, бахтга етишишнинг энг муҳим шартларидан бирини бадиий акс эттиргани билан аҳамиятлидир. Бобга илова қилинган ҳикоят, шоир фикрларини қувватловчи кучли далил (антитезис) вазифасини ўтаган. У

ўзидан олдинги, сабр ҳақидаги тезислар билан бир хил тош босади. Уларга параллел қўйилади. Ҳикоят мавзунинг бадиийлик даражасини ҳам оширган. Бизнингча, ҳикоятга асос бўлган воқеа Абу Ҳанифа роҳматуллоҳи алайҳ ҳаётларида содир бўлган. Навоийнинг боб охирига илова қилган байти эса, мавзуни умумлаштирувчи хулоса (синтез) функсиясини бажарган. Биз ҳам фикрларимизнинг хулоса қисмини ушбу икки мисра билан қувватлашни, умулаштиришни лозим топдик.

*Кимки бир шиддат аро сабру таҳаммул айлади,  
Бахт аниң нишини нўшу хорини гул айлади* [Навоий, 1998: 58]...

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. [Навоий, 1998: 57 ].

2. [Навоий, 1998: 58]

\*Тош ДЎТАУ 2-босқич магистранти. <https://navoiy-uni.uz>

### **ALISHER NAVOIY IJODIDA FUTUVVAT G‘OYALARINING BADIY TALQINI ( Uchinchi iqlim yo‘lidan kelgan musofir hikoyati misolida).**

*Sardorbek UMAROV*

*O‘zbek tili, adabiyoti va folklori instituti kichik ilmiy xodim.*

*@ s.umar.91 mail.ru.*

Alisher Navoiy Sa’d hikoyati orqali o‘zining hayotiy-falsafiy, irfoniy, ishq va futuvvat g‘oyalarini ilgari suradi. Asardagi yashil rang tiriklik va yoshlik ramzidir. Ushbu hikoyatda Navoiyning tiriklik va hayot haqidagi konsepsiyalari bilan birgalikda ishq-muhabbat vasfi ham tarannum etiladi. Bu hikoyatda insonning qismati oldindan belgilab qo‘yilganligiga va inson shu qismatga bo‘ysinishi bayon etiladi.

Hikoyatda Sa’dning butun faoliyati oldindan belgilangan qismat ya’ni taqdiri azal taqazosiga ko‘ra amalga oshiriladi. Navoiy hikoyatga Sa’d obrazini bekorga kiritmadi. Chunki baxt va saxiylik timsoli edi. Uning ismining ma’nosini o‘zida bu mazmun anglashilib turadi. Sa’dning baxtiyorligi avval ishq bilan emas, balki himmat va saxovat bilan edi. Sa’d hikoyatda ilm-ma’rifatli, ochiqqo‘l, saxiy, marhamatli, beva-bechoralarga mehribon, mehmondo‘s, zakiy inson sifatida tasvirlanadi. Navoiy Sa’d obrazi orqali javonmardlik, fatiylik, axiylik g‘oyalarini ilgari suradi. Navoiyshunos olim Yoqubjon Is’hoqov “Naqshbandiya ta’limoti va o‘zbek adabiyoti” tadqiqotida “Sab’ai sayyor” dostonidagi yetti hikoyatdagi bir qancha javonmard timsollar borligini va Sa’d timsolida ham ana shunday sifatlar

mavjudligini aytadi.<sup>46</sup> Buni biz Sa'dning mehmonnavozligidan va saxiyligidan bilishimiz mumkin. Sa'ddag'i bunday sifatlar unga otasidan o'tgan. Odatda futuvvatning yana bir talablaridan biri mehmonnavozlilikdir. Husayn Voiz Koshifiy "Futuvvatnomayi sultoniy" kitobida bu haqida shunday deydi: "Futuvvat barchani o'zingdan afzal bilish va o'zini hech kimdan yuqori qo'ymaslikdir. Futuvvat takallufni tark etmoq va uyda nima bo'lsa, mehmon uchun hozir qilmoqdir":

*Borimizni mehr dasturxoniga hozir ayladik,  
Garchi arpa noni-yu sirkodin o'zga narsa yo 'q<sup>47</sup>.*

Navoiy oiladagi ta'lim-tarbiya bolaga butun umr ta'sir qilishini ham aytib o'tadi. Hikoyatda ota va og'il maxsus mehmonxona qurib u yerda musofirlarga mehribonlik ko'rsatar edilar. Sa'd bu ishlarni shuhratparastlik maqsadida emas, balki insonlarning suhbatini tinglash orqali o'z dunyoqarashini o'stirar edi. Navoiy bu hikoyat orqali bizga afsona, ertak aytayotgani yo'q, balki o'zi yashab turgan zamonda va o'zidan oldingi davrlarda ham mana shunday marhamatli, himmatli, saxiy, futuvvatli insonlar yashaganligini o'rnat sifatida ko'rsatmoqchi. U Sa'dning odamlarga yuksak himmatini, saxovatini va ularga ko'rsatgan lutf-u inoyatlarini bayon etish orqali uning fazl-u kamoli va bilim doirasi qanchalar ortganini namoyon etmoqda.

Hikoyatda keltirilgan ikki musofir mehmonlar zangori sabzazorlarga ko'milgan Shahrisabz shahridan edilar. Bu mamlakatning tabiat boy, yashil bog'lari ko'p edi. Uni Kesh ham deb ataydilar. Mehmonlar yana Sa'dga Shahrisabz yaqinidagi Kitvar degan joy to'g'risida, u yerdagi ajoyib butxona, unda tunagan odamning boshiga tushadigan turli savdolar to'g'risida so'zlab beradilar. Shunga ahamiyat berish kerakki, o'sha davrlarda kishilarning bilim doirasini kengaytiruvchi vosita asosan ana shunday suhbat va muulqotlar bo'lган. Sa'd bilan bu ikki musofir o'rtasidagi hamkorlik to hikoyatning oxirigacha davom etadi. Musofirlar Sa'dga Shahrisabz safarida hamroh bo'ladilar, uni Shahrisabz shohi huzuriga olib keladilar. Demak, Sa'd va musofirlar badiiy chizig'i hikoyatning boshidan oxirigacha izchillik bilan davom ettiriladi.

Butxonada tunashga qaror qilgan Sa'dning ichki holati, hayajonlari, vahima va nadomati, uning vujudini, qoplagan ta'sirli kechinmalar aniq va xilma-xil bo'yoqlarda tasvir etilgan.

*Dayr davrida Sa'd edi noshod,  
Qilg'onidin o'ziga ul bedod,  
Anga xud vahm ul sifat g'olib.  
Ki bo'lib chiqmog'iga ko'p tolib.  
Juz nadomat xayolig'a yetmay,  
Ul nadomat va lek sud etmay,  
Mutaazzir ko'ziga uyqu ishi.  
Bo'lmayin uyqu tush ko'rarmi kishi?*

<sup>46</sup> Исҳоков Ё. Накшбандия таълимоти ва ўзбек адабиёти. – Т.: Халқ мероси, 2002

<sup>47</sup> Хусайн Воиз Кошифий. Футувватномай султоний ёхуд жавонмардлик тариқати (Таржимон: Н.Комилов). – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти, 2011.

Ana shundan boshlab Sa'dning hayoti belgilab qo'yilgan qismat yo'lidan ketadi. Hatto uning mastlik behushligida dev Qatron qo'liga bandilikka tushishi, garchi bu voqealar mantiqidan kelib chiqqan bo'lsa-da, baribir yozmish tomonidan belgilab qo'yilgan edi. Lekin shuni unutmaslik kerakki, Sa'd sarguzashtlarining zamirida bu yigitning bilish ya'ni ilm olishga intilishi yotardi. Inson hamisha atrofidagi dunyoni, odamlarni, o'zini imkon boricha ko'proq, chuqurroq bilishga harakat qilishi kerak. Chunki futuvvatning yetmish ikki shartidan biri ko'proq ilm olishdir. Ilm insonni ulug'laydi, Alloho ni ma'rifatini anglashga undaydi. Shuning uchun ham bilishga intilish, komillikni o'ziga kasb qilish nainki futuvvatning, balki inson faoliyatining mohiyatini belgilovchi omildir.

Shu o'rinda yana bir bor voqealarning mantiqiy rivojiga nazar solaylik. Sa'd faqat ertangi kurash hayajoni bilangina emas, balki go'zal yor visolinining ishtiyoqi bilan ham to'lqinlanardi. Shuning uchun bazm davomida ishq va boda uning ko'nglidagi jang xavotirini tarqatib yuborgach, yor jozibasi uni o'rab oldi va «ichibon may ko'ngul murodi bila sanami mohchehra yodi bila» dildor dargohi sari yo'l soldi. Mastlikka cho'mgan bazm ahli Sa'dning tashqariga chiqib ketganidan ogoh bo'lmadilar. Mana yigit yor qo'rg'oni atrofida mastona gir kezadi. Bu yerda tasvir suvratda chizilgan singari aniq:

*Urar erdi hisor davrida gom,  
Iihila-qo 'pa tutmayin orom,  
Oshiqona chekib surud navo,  
Hardam aylab yuqori ko 'ngli havo.*

Sa'dning qo'rg'on homiysi dev bilan duch kelishi lavhasi ham tasvirning aniqligi, voqealarning haqiqiyligi, ular o'rtasidagi mantiqiy jipslikning zo'rliji bilan ajralib turadi. Sa'd nola chekib qo'rg'on atrofida mast tentirab yurganida o'sha «Zangiyi xunxor» ham:

*Qal'a davrin kezib tutar edi pos,  
Ko 'nglida biym yo'q, ichinda haros.*

Soqching qulog'iga Sa'd chekayotgan un kelib yetadi. Devning «g'azabdin boshig'a chiqtin tutun» va behush telbani tutib bandilikka soldi. Ammo dev bu asir o'zining ertangi raqibi ekanini bilmas edi. Shunday qilib birinchi qush aytgan fol ro'yobga chiqdi. Bu hol Sa'd xarakterining va Sa'dni o'ragan sharoitning taqozosiga ko'ra yuz berdi. Bu voqealarning mohiyati, rivoji va natijasida biror noaniqlik, ayniqsa sun'iylik zarracha ham yo'q. Ana shunday tasvir badiiy mahoratning kichik, ammo yorqin bir ko'rinishidir. Sa'd bilan Qatron o'rtasidagi kurashning tafsiloti berilmagan. Lekin muhra yordamida uxlatilgan devni Sa'd dast ko'tarib boshi ustidan oshirib yerga otishi g'oyat aniq va puxta ifodalarda ko'rsatilgan:

*(Devning) Ko 'zu chun bo 'ldi uyhuning vatani,  
Sa 'd andoq qo 'nqordi yerdin ani,  
Kim chu chiqtin boshi uza ul dev  
Yetti ul xalqdin falakka g'irev.*

Sa'dning devni yenggandan keyingi harakatlari uning xarakteridagi g'oliblik, qahramonlik, javonmardlik va fatiylik belgilarini ochadi, yana uning o'z

g’alabasidan mammunlik kayfiyatiga mos keladi. Ikkinchisi qo‘rg‘on soqchisi hakimni o‘ziga mute qilib bo‘lgach, Sa’d shohga dadil murojaat qiladi.

*Ki ne ishga yana shuru’ qilay,  
Qilur ish qaysidur, dengizki bilay!*

Navoiy ana shu kichik bir lavhada katta va chuqur, fikrni izhor etgan. Ushbu obrazlar tasavvufiy ma’no insonning kasrat olamidagi salbiy nafsi ammoraning istaklaridir. Sa’d o‘zida nafsni ilm, ishq va futuvvat kuchi bilan yengidi. Har qanday fusun va firibgarlik ilm-hikmat va jasorat qarshisida ojizdir. Hiyla va aldamchilikning tagi puch. U bir qat’iy zarba berilsa, yer bilan yakson bo’ladi. Uchinchi iqlim musofirining hikoyasida barcha voqealar Sa’d bilan bog’langan. Uning harakatlari hikoyatning asos mohiyatini tashkil etadi. Ammo bu harakatlarning kelib chiqishi va yo‘nalishida Faylaqusning ham o‘rni bor. Faylaqus aqdonish, ezgulik va futuvvatli inson timsoli. U g‘or ichida yuz yil yashab o‘z nafnsini yengib yuksak kamol kasb etdi. Faylaqusning taqdiri ezgulikning g‘alabasiga ishonchni bildiradi. Bu g‘alaba sabr va doimo kamolotga intilish orqali qo‘lga kiritiladi. Ammo Faylaqusning faoliyati faqat uning so‘zлari orqaligina berilgan. Biz uning o‘zini biror harakatda ko‘rmaymiz. Hikoyat voqealarning rivoji shuni taqozo qilar edi. Hikoyadagi boshqa obrazlar: ikki musofir, shoh, malika, dev Qatron, Hakim o‘ziga xos xarakterga ega. Lekin har birining voqealar taraqqiyotida o‘z o‘rni bor. Ulardan birortasi bo‘lmasa hikoyaning mazmunidagi to‘liqlik yo‘qoladi. Boshqa hikoyalar kabi uchinchi iqlim musofirining hikoyasi ham g‘oyat siqiq va lo‘nda qilib tuzilgan. Zangori rang bahor, tiriklik va navqironlik rangidir. Navoiy ushbu rang orqali fatiy yigitga xos bo‘lgan yoshlik va navqironlikni ilgari suradi. Shoir bu rang xususiyatini ta’riflab bunday deb yozadi:

*Rangi axzar bahor rangi erur,  
Sabzau marg ’zor rangi erur,  
Af’byn g’am chu elga ayladi zo ’r,  
Ani jomi zumurrad ayladi, ko ’r!*

(Ma’nosи: Zangor rang bahor rangidir, sabza va o‘tloqlar rangidir. G’am iloni elga zo’rlik qilganda uning ko‘zini zumrad (zangor) qadah ko‘r qildi (yashil may g‘amni yo‘qotdi) Bu Bahrom ko‘nglidagi dardlarning sal-sal yuvila boshlagani, baxtli visol umidi sabzalarining una boshlaganidan bir nishona edi.

Navoiy bu hikoyati orqali har qanday saxovat va himmatning ostida ilohiy ishq yotishini va bu ilohiy ishq futuvvat ilmining bir bo‘lagi bo‘lgan tavhid ilmi bilan birgalikda insonni Allohga yaqinlashtirishini bayon qiladi. Shoir Sa’d timsolida o‘zini va o‘zligini anglashga intilgan ma’rifatli oshiq timsolini ko‘radi.

### ADABIYOTLAR:

1. Исҳоқов Ё. Накшбандия таълимоти ва ўзбек адабиёти. – Т.: Халқ мероси, 2002.
2. Ҳусайн Воиз Кошифий. Футувватномаи султоний ёхуд жавонмардлик тариқати (Таржимон: Н.Комилов). – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти, 2011.

3. Алишер Навоий. Сабъай сайёр (Нашрга тайёрловчи С.Ҳасанов). – Тошкент: Фоур Гулом номидаги нашриёт матбаа бирлашаси. 1991.

## НАВОИЙ ТАХАЙЮЛИ МЎҶИЗАЛАРИДАН

*Муминова Д.Д.*

*СамДУ Мумтоз адабиёт  
тарихи кафедраси ўқитувчиси,*

*Ахророва Д.Д.*

*Самарқанд тумани ХТБга  
қарашли 23-умумтаълим мактаби  
ўқитувчиси*

Алишер Навоий даҳосининг сон-саноқсиз қирралари орасида ажойиб тахайюли, замонавий истилоҳлар билан айтганда, илмий фантастиканинг ҳайратомуз намуналари ҳам тилга олинади. Хусусан, “Фарҳод ва Ширин”даги “оини жаҳоннамо” ва “темиртан”, “Сабъайи сайёр”даги ҳаракатланувчи пиллапоя ва таҳт, “Садди Искандарий” достонидаги Кашмир жодусини енгиш учун ихтиро этилган сирли қурол, сув ости дунёсини “забт этиш” учун ясалган шиша сандик (батискаф) кабилар бир неча асрлар ўтиб юзага чиққан илмий фантазиялар сифатида эътироф этилади. Албатта, бундай илмий ихтиrolарнинг айримлари Алишер Навоийдан олдин ҳам турли ҳалқлар фолклорида ва ёзма адабиётда мавжуд эди. Шунга қарамай, Ҳазрат Навоий илмий тахайюлининг бойлиги, келажакни кўра олиш қобилияти кишини ҳайратлантирумай қолмайди.

Шундай “ихтиро”лардан бири - “Садди Искандарий” достонидаги сирли қурол ҳақида академик Б.Валихўжаев шундай ёзадилар: “Кашмирдаги сехрли қалъани олиш учун ишлатилган қуролнинг кашф этилиши, унинг тузилиши ва сифатлари тасвири кишини ҳайратга қолдиради. Бу қурол гўй-катта шар шаклида бўлиб, ичига турли хил моддалар жойлаштирилади. Шарга пилик қўядилар ва отганда пиликни ёндирадилар. Шар мўлжалланган жойга тушгач, ҳалиги пиликнинг олови унинг ичидаги моддаларга ўтади, натижада, шар портлайди. Шунда ундан, биринчидан, нихоят баҳайбат, қўрқинчли садо-овоз чиқадики, у сехрларни бузади; иккинчидан, шундай шўъла-нур, ўтолов тарқаладики, у қалъанинг эшикларини бузиб ташлайди; учинчидан, ундан қора тутун тарқалиб, ҳамма жойни қорайтиради; тўртинчидан эса ундан нихоят заарли хид тарқалади ва одамларнинг сезги аъзоларига заар

етказади. Ўйлаб кўрилса, бу қурилма XX асрда ихтиро қилинган атом бомбасининг ўзига хос бир кўриниши-моделига ўхшашдир”.

Тилга олинган “илмий мўъжиза”лардан ташқари «Фарҳод ва Ширин» достонида яна бир ўзига хос илмий фантазия намунасини қўришимиз мумкин. Достон композициясида энг муҳим ўринни эгаллайдиган қисмлардан бири XXV боб бўлиб, унда Юноистон мамлакатида тилсимлардан ўтган Фарҳоднинг Жамшид Жоми ёрдамида Суқрот яшайдиган горни топиши, Суқротнинг Хоқон ва Мулкоро билан сухбати ҳамда Фарҳодга насиҳатлари ўз ифодасини топган.

Маълумки, Жамшид Жоми («Жоми Жам») ҳақидаги афсоналар Шарқ халқлари фолклори ва ёзма адабиётида қадимдан кенг тарқалган бўлиб, уларда Жомнинг асосан икки хил хусусияти тилга олинади:

1. Унинг ичидаги суюқлик (май) ҳеч қачон тугамайди.
2. Унда бутун олам кўриниб туради (жаҳоннамо).

Ушбу машҳур байтда Жомнинг биринчи фазилатига кўпроқ ишора этилган:

Жоми Жам бирла Хизр суйи насибимдур мудом,  
Соқиё, то тарки жоҳ айлаб гадо бўлдум санго.

«Хазойин ул-маъоний”нинг илк ғазалидаги байтда эса, иккинчи фазилати (гетинамо) таъкидланади:

Эй хуш ул майким анга зарф ўлса бир синғон сафол,  
Жом ўлур гетинамо, Жамшид ани ичган гадо.

“Фарҳод ва Ширин” достонидаги Жамшид Жоми Суқрот ғорини топиш учун восита сифатида иштирок этади. Бироқ Фарҳод, баъзи манбаларда қайд этилганидек, «Жом гардишидаги Суқрот ҳузурига борадиган йўлни кўрсатувчи ёзув» ёрдамида эмас, бутун бошли мураккаб тизим ёрдамида горни топади. Мазкур саҳна достонда ниҳоятда мароқли яратилган. Унда Алишер Навоийнинг тахайюл дунёси нақадар бой эканлигига яна бир бор гувоҳ бўлиш мумкин:

Анга қилғоч назар истаб күшойиш,  
Жаҳон тимсолиға топти намойиш.  
Қаён боққач қилиб равшанназарлиқ,  
Бир иқлим этти зоҳир жилвагарлиқ.  
Бурун оғоқ мулкин қилди таслим,  
Жудо қилди яко-як етти иқлим.

Фарҳод Жомга «күшойиш» истаб назар солганда, унда «жаҳон тимсолини» (дунё харитаси ёки макети)ни кўрди. Оламни бир бутун ҳолга келтириб (макетлаштириб), етти иқлимни бир-биридан ажратди, яъни

чегараларни аниқлади. Албатта, Алишер Навоий яшаган даврғача бўлган географик атамалар, маълумотлар ва қарашлар бугунгидан кескин фарқ қиласди. Қадимда қуруқликнинг маданий қисми (Евроосиё ва Африканинг маълум ҳудудлари) етти иқлимга ажратилганлиги маълум. Шу туфайли Ер харитаси деганда фақат шу ҳудудлар назарда тутилган.

Фарҳод Жомда етти иқлимини ажратгач, Юнонистон иқлимини белгилаб олди. У дунё гўзаликларига чалғимасдан, асосий мақсадига киришди:

Мамолик жилвасидин кўзни ёпти  
Ки, Юнон мулкин ул жом ичра топти.  
Қилиб ҳар ён назарлар хайлин иблоғ,  
Анга еткурдиким бор эрди ул тоғ.

Мантиқий савол туғилади. Бутун олам қўриниб турадиган жомда (гарчанд, у катта бўлса ҳам) тоғни кўриш мумкинми. Йўқ, албатта. Бинобарин, Фарҳод Юнонистон иқлимининг ўзини белгилаб олиб, уни катталаштириди, деган хulosага келишимиз мумкин. Кейинги байтлар шу фикрни тасдиқлайди:

Чу тоғ аҳволини қилди шумора,  
Етиб ҳар ғорнинг жавфин назора.  
Назар топти ҳамул ғор ичра анжом  
Ки, топмиш эрди Суқрот анда ором.

Фарҳод ўзи олдида турган тоғни топгач, ундаги ғорларни бирин-кетин кузата бошлади. Суқрот яшайдиган ғорнинг қандайдир белгилари Фарҳодга маълум эдими? Бу хақда достонда маълумот йўқ. Бинобарин, «Суқрот яшайдиган ғорни топди» жумласини яشاши мумкин бўлган ғорни аниқлаб олди, деган маънода тушунсак, балки тўғри бўлар. Бироқ ғорни (экранда) топишнинг ўзи етарли эмас, унга олиб борадиган йўлни аниқлаб олиш керак, бунинг учун эса замонавий тил билан айтганда навигация илмидан (“кўп фикр ила”) хабардор бўлиш керак:

Топиб **кўп фикр ила** ғор оғзиға йўл,  
Киши топқон киби ёр оғзиға йўл.

Ушбу тасвиirlар Жамшид Жомининг бир томондан анъанавий (жаҳоннамо), иккинчи томондан фавқулодда янги, оригинал қирраларини номоён этади. У кўз олдимизда сунъий йўлдош билан уланган андроидли қурилма ёки google maps дастурининг белгиларини намоён этади.

Достонда Жомнинг яна бир хусусияти - ўзидан ёруғлик таратиб атрофни ёритиши ҳам қайд этилади:

Дедиким: олибон кирдилар аввал,  
Жаҳонбин жомни, андоқки машъал.

Алишер Навоий асарларида бу каби илмий мўъжизалар, олий тахайюл маҳсули бўлган келажак чизгилари талайгина бўлиб, улардан адабиёт таълими жараёнида унумли фойдаланиш ёш авлоднинг буюк даҳо адабий меросига бўлган қизиқишини янада оширишга хизмат қиласди.

## NAVOIY SHE'RIYATIDA TALMEH SAN'ATINING QO'LLANILISHI

*Nafisa ABDUMANNATOVA*

*Samarqand Davlat universiteti magistranti.*

**Annotation.** The article analyzes Alisher Navoi's poems based on the art of talmeh. It is also noted that in the works of Alisher Navoi, the use of talmeh art is dominated by bytes related to historical figures, attributing them to the heroes of famous works, referring to a famous historical place and historical event.

**Keywords:** poetic arts, Navoi lyrics, poetic art, spiritual art, talmeh, “Gharaib us-sigar”, “Khazayn ulmaoniy”.

Nizomiddin Mir Alisher Navoiyning lirik janrlar doirasini kengaytirish va poetik jihatdan rivojlantirish, ularning ijtimoiy mohiyatini oshirish borasidagi tashabbuslari yuksak g‘oyalarning mukammal badiiy shaklda ifodalanishi uchun imkon beradigan poetik vositalar topib, ijod jarayoniga keng joriy etish yuzasidan olib borgan jiddiy izlanishlari bilan bevosita qo‘silib ketgan. Binobarin, Navoiy lirikasining g‘oyaviy-badiiy qimmati, shoир san’atkorligining o‘ziga xos qirralari uning badiiy tasvir vositalari doirasi, shuningdek, ularni qo‘llash usullarida yanada aniq namoyon bo‘ladi. 16 ta lirik janrdan tashkil topgan “Xazoyin ul-maoniy“ devonida ma’naviy, lafziy va mushtarak san’atlarning yuzdan ortiq turi mavjud bo‘lib, ularning har biri xilma-xil yo‘nalishlarda ishlatilgan. Shulardan mutafakkirning ma’naviy san’atlar qo‘llanilgan qator g‘azallari, ruboilylari, qit’a va masnaviylari borki, ular navoiyshunos olimlar tomonidan tahlilga tortilgan. Shunday bo‘lsa-da, ularni yetarlicha deb bo‘lmaydi. Shoир she’riyati badiyatini chuqur va atroflicha, tizimli tadqiq etish navoiyshunoslik oldidagi muhim vazifalardan biridir.

Navoiy ijodini poetik jihatdan tadqiq etish masalasi qator olimlarni izlanishga chorladi. Ustoz shoир Maqsud Shayxzodaning “Alisher Navoiy lirikasining ba’zi bir poetik usullari haqida”, “Ustodning san’atxonasida”, “G‘azal mulkinining sultoni” nomli tadqiqotlarida (6 tomlik 4-tom 1972), Samarqand maktabining atoqli namoyondasi Boturxon Valixo‘jayevning “Alisher Navoiy she’riyati” o‘quv qo‘llanmasiga kiritilgan g‘azallar tahlilida [Valixo‘jayev, 2002. 96], Alibek Rustamovning “Navoiyning badiiy mahorati” kitobi [Rustamov A., 1979], Abduqodir Hayitmetovning “Navoiy lirikasi” (Toshkent, 1960) monografiyasida [Hayitmetov A., 1961], Yoqubjon Is’hoqovning “Navoiy

poetikasi” [Is’hoqov Yo. 1983] asarining 2-bobida, shuningdek, ayni shu muallifning “So‘z san’ati so‘zligi” asarida [Is’hoqov Yo., 2006], Najmiddin Komilovning “Ma’nolar olamiga safar” [Komilov N., 2012: 316], Suyima G‘aniyeva, Muslihiddin Muhiddinov, Dilorom Salohiy kabi ko‘plab navoiyshunos olimlarimiz tadqiqotlarida ma’naviy san’atlar, xususan, tanosib, talmeh, tajohulul-orif san’atlari badiyatiga asoslangan g‘azal va ruboiylar mohirona tahlil qilingan.

Alisher Navoiy she’riyatidagi teran ma’nolar hayotiy tasvir va go‘zal tashbehlar nafis va serbo‘yoq so‘zlar jozibasi, umuman, mutafakkir qalamining sehrli kuchi asrlar osha she’rxonlarning qalbini rom etib kelmoqda. Hazrat Alisher Navoiy benazir va ulug‘ lirik shoirdir. U Sa’diy, Hofiz, Xusrav, Jomiy, Lutfiy kabi o‘lmas so‘z san’atkorlarining an’analarini munosib davom ettirib, o‘zidan ming yilliklarga tatigulik tengsiz xazina qoldirdi. Alisher Navoiy she’riyatida fikrning obrazliligi va jozibadorligini ta’minlay oladigan, ma’noni bo‘rttirishga xizmat qiladigan ko‘plab ma’naviy san’atlarga murojaat qilgan. Shunday ma’naviy san’atlardan biri talmehdir.

Ilmi bade’ga bag‘ishlangan ko‘plab adabiyotlarda talmehga alohida ta’rif berib o‘tiladi. Bunday adabiyotlar sirasida muayyan lug‘atlarni ham aytib o‘tish mumkin. Xususan, Attoulloh Husayniyning „Badoye us-sanoye” asarida talmeh san’atiga quyidagicha ta’rif beriladi: „Talmeh kalomda mashhur qissa yo mashhur nodir she’r yoki mashhur maqolg‘a ishorat etmakin iborattur. Talmeh lug‘atga bir nimaga nazar solmoqtur va bu san’atga she’r va andin o‘zga nimalarga ishorat etilgani uchun ani talmeh atapturlar”. [Atoulloh Husayniy, 1981: 43]. Asarda muallif talmeh san’ati bilan bog‘liq turli ulamolar fikrlarini ham keltirib o‘tadi. Xususan, Allomayi Taftazoniyning talmeh va tamlihni alohida-alohida ta’kidlaganligini aytib o‘tadi. Unga ko‘ra tamlih bir nimani kelturmakturkim, anda malohat-u mahz xatodur va bu xatoning manbayi esa allomayi Sherzoziyga borib taqalishi, u har ikkalasini bir xil talqin qilishi asnosida chalkashlik vujudga kelganligini ta’kidlaydi. Adabiyotshunos olim R.Orzibekov „She’riy san’atlar” nomli o‘quv qo‘llanamsida talmehga kengroq ta’rf berib o‘tadi. V.Rahmonovning „She’r san’atlari” asarida talmeh san’ati haqida quyidagilarni uchratish mumkin: ”Talmeh – arabcha: yashin chaqnashi. Ko‘z qirini tashlash, yalt etib qarash degan ma’nolarni ifodalaydigan so‘zdir. Shoir o‘z fikriy yo‘nalishi davomida tasvirlanayotgan ob’ekt, voqelik yoki obraz holatini yanada yorqinroq ifodalashga erishish uchun dunyo klassik adabiyoti, jahon tarixi va xalq og‘zaki ijodida bo‘lgan hodisalar yoki qahramonlarni yo‘l-yo‘lakay eslatib o‘tadi. [Rahmonov V., 1997, 21]

Talmeh san’atini qo‘llashdan maqsad shu voqeа yoki tipning konkret sharoitdagи ahvolini qadimgi yoki yaqin o‘tmishdagи ma’lum va mashhur hodisalar foni yoniga ko‘chirib, o‘z fikrini ham aniqroq, ham to‘larоq, ham mubolag‘aliroq tarzda gavdalantirishdan iborat. Shuni ham alohida ta’kidlab o‘tish kerakki, eslatilayotgan hodisa yoki shaxs qadimiy bo‘lishi shart emas. Adabiyotshunos Yo.Is’hoqov esa „So‘z san’ati so‘zligi” asarida talmeh san’ati haqidagi nazariy ma’lumotlarni keltirishda shu davrgacha mavjud ilmi bade’ga bag‘ishlangan ayrim manbalardan foydalanadi. Mumtoz she’riyatda keng qo‘llaniladigan ma’naviy

san'atlarning eng xarakterlilaridan biri bo'lib, o'zbek shoirlari ijodida ham uchrab turadi. Mumtoz poetikaga oid bir qator asarlarda berilgan bu san'atning ta'rifi asosan bir-biriga mos keladi. Masalan, „Al mo'jam fi ma'oир-ul ash'or al-Ajam”da: „Shoir ozgina so'z bilan ko'п ma'noni ifodalasa, ana shunga talmeh deyiladi. Bu san'at balog'at egalari nazarida itnobdan (gapni cho'zishdan) ko'ra maqbulroqdir” – deyilsa, „Maboyin ul-insho”da “Talmeh sabqati zikri voqe' o'lmaksizin qissaya yoxud masali soir hukmida bo'lg'on bir she'rga ishorat aylamakdir” – deb izohlanadi.

A.Hojjahmedovning „Mumtoz badiiyat lug'ati”da talmeh san'ati ham keltiriladi. Jumladan, lug'atda quyidagi izohga duch kelish mumkin: „She'r yoki nasrda mashhur tarixiy voqealar, afsonalar qahramonlari, xalq maqollari va iboralariga ishora qilmoq san'atidir. Shoirlar muhabbat mavzisidagi asarlarda, ko'pincha, Sharqda keng tarqalgan “Farhod va Shirin”, “Layli va Majnun”, “Vomiq va Uzro”, “Tohir va Zuhra” kabi qissalar, dostonlarning qahramonlariga ishora qiladilar. O'quvchi u yoki bu nomga ishorani ko'rар ekan, uning ko'z oldida o'sha qissa, doston, afsona mazmuni, uning qahramonlari hayoti, sevgisi, kurashi, fojiali taqdiri jonlanib, shoir demoqchi bo'lgan g'oyani, fikrni, tuyg'uni yorqinroq tasavvur qiladi, chuqurroq anglab yetadi. Zero bu jarayonda o'quvchi o'zi mutolaa qilayotgan asar qahramoni hayoti, tuyg'ulari, ma'naviy qiyofasini o'sha mashhur qissa afsona qahramoni bilan qiyoslaydi. [Hojjahmedov A. 1999: 16]

Bizningcha, Alisher Navoiy ijodida talmeh san'ati qo'llanilishida quyidagi jihatlarga diqqat qilish lozim:

1. Tarixiy shaxslar bilan bog'liq g'azallar. Bunday turdagи g'azallarni ham o'z navbatida quyidagicha kichik guruahlarga ajratish lozim:

- a) payg'ambarlar va ularning hayoti, faoliyatiga ishora qiluvchi g'azallar;
- b) hukmdorlarga ishora qiluvchi g'azallar.

2. Mashhur asarlar qahramonlariga nisbat beruvchi g'azallar.

3. Biror mashhur tarixiy joy, biror tarixiy voqeaga ishora qiluvchi g'azallar.

Navoiy ijodida talmeh san'ati aynan ana shu ko'rsatilgan yo'nalishlar asosida vujudga keladi. Bunda ko'rsatilgan uch yo'nalishdagi talmeh san'ati salmoqli bo'lganligi uchun, ana shu jihatdan tahlil qilish maqsadga muvofiq. Birinchi yo'nalishdagi g'azallar sirasida asosiy o'rinda payg'ambarlar bilan bog'liq baytlar yetakchi o'rinda turadi. Bunda muallif payg'ambarlarning hayoti, shaxsiy sifatlari, karomatlariga nisbat berib o'tadi. Xususan, Navoiy lirikasida asosiy qahramon sifatida Iso Masih obrazi keltiriladi. Bunda Iso(s.a.v) „Masih”, „Masiho nafas”, „Masiho anfos”, „Masihvash” degan tafsiflar bilan keltiriladi. Masih Iso payg'ambarning laqabi. Diniy afsonalarga ko'ra, Isoning o'z nafasi bilan o'lganlarni tiriltirish, jon bag'ishlash qobiliyatiga eg bo'lgan deyiladi. Adabiyotda uning aynan ana shu sifatiga urg'u bergen holda yor va uning labini Masih, Masihoga o'xshatiiladi. Navoiyning „G'aroyib us-sig'ar” devonidan o'rin olgan „Vahki ishqing zohir etsam vahm erur o'lmak manga” g'azalining ikkinchi baytida talmeh an'ati Iso Masih nomi bilan bog'liq ravishda keltiriladi:

Kelgan ermish ul Masih o'lganlarin turguzgali,

Men tirig, vah, yaxshiroq bu umrdin o‘lmak manga.  
(„Garoyib us-sig‘ar”. 11-g‘azal).

G‘azal ishqiy mavzuda. Unda yor vaslidan umidvor oshiq ruhiyati, tuyg‘ulari va holati tasviri keltiriladi. G‘azalning matla’sida ishqni zohir etish va pinhona saqlash oralig‘ida turgan oshiq, oshkor etsa, o‘limning qo‘rquv uyg‘otishi, pinhon saqlasa jon xavfi yana tug‘ilishi haqida yozadi:

Vahki ishqing zohir etsam vahm erur o‘lmak manga,  
Gar nihon tutsam dag‘i jon xavfidur beshak manga.

Matla’ orqali yuqoridagi keltirilgan ikkinchi baytni sharhlash imkoniyati tug‘iladi. G‘azal matla’si bizga talmehga murojaat qilingan ikkinchi bayt mazmunini tushunish imkoniyatini tug‘diradi. Ikkinchi baytda oshiq ma’shuqasiga nisbat bergen holda Masih nomini keltiradi. Masih o‘lganlarni tiriltirmoqlik uchun keladi. Shu sababdan ham oshiq tiriklikdan o‘lumni afzal biladi. Boshqa g‘azallarda ham Iso Masih nomi uning „tiriltiruchi” sifatiga nisbat bergen holda keltiriladi. Anbiyolar tarixiga bag‘ishlangan „Tarixi anbiyo va hukamo” asarida hazarat Navoiy Iso paygambarga ajratilgan o‘rinda uning „masih” sifatiga to‘xtalib, Qur’oni karim oyatlari bilan dalillaydi: „Masih lafzida so‘z ko‘ptur. Va Iso (s. a.v.) valodatida ham so‘z ko‘ptur..” boshqa bir o‘rinda: „Bir yerda bo‘lmas erdi, doyim sayrda erdi. Ro‘zi uchun kasb qilmadi, har ne yetdi qone’ bo‘ldi. Chun havoriyun iltimos qildilarkim, bir markab mingilkim, yayog‘liq mashaqqati kamroq bo‘lg‘ay. Aning yemak va muhofazati tashvishidin rad qildi....Va soyir mujizotidin biri xuffoshdirkim, bolchig‘din ul hay’ot bila yasab, nafasin anga surdi. Va ul nafasdin ruh topib uchdi va endigicha bor”.

Iso alayhissalom yashab o‘tgan davrda tabobat ilmi shu qadar taraqqiy qilgan ekanki, davo topilmagan dard qolmagan emish. O‘liklarga jon bag‘ishlagan Hazrat Isoning mo‘jizaviy nafasi bu jarayonga ravnaq bag‘ishlagan ekan. „Oli Imron” surasining 49-oyatida shunday xabar beriladi: „Men (o‘zimning Haq payg‘ambar ekanligim haqida) sizlarga Parvardigordan oyat dalil keltirdim. Men sizlarga loydan qush timsolini yasab, unga puflasam, U Ollohning izn–irodasi bilan haqiqiy qush bo‘ldi. Va yana ko‘r, pes kasallarni tuzata olaman va Ollohning izni bilan o‘liklarni tiriltiraman hamda sizlarga yeydigan, uylaringizda saqlaydigan narsalariningizni aytib berishga qodirman. Agar mo‘min bo‘lsangizlar, albatta, bu ishlarda sizlarga oyat-dalillar bordur”. Agar Olloh bu karomatini unga ato etib, hayratli mo‘jizlar sirini ochishni xohlamaganida, hatto bir kishiga ham shifo berishni uddalay olmasdi. Ushbu oyati karima yuqorida qayd etilgan „Tarixi muluki Ajam”da ham o‘z ifodasini topgan: “Qolallohu taolo, Ani ahluqu lakum minat-tiyni kahikayut-taayri faanfuhu fihi fayakunu tayran biznillohi ubriul-akmaha val-abrasa” yan ulkim, duo bila o‘lukni turguzdik, va uhyil mavta biiznullohi va ubriul”.

„G‘aroyib us-sig‘ar”dan o‘rin olgan qator g‘azallarda, xususan, „Gar kalomingni Masih anfosi dedim, ey habib” (3.18) “Bu o‘lganlarga umi Xizr bergay

gar yana nogoh” (3.24), “Yer-u ko’kta istabon paydo emas, Xizr-u Masih”(3.57), „Masihim chu faryodim yetmadi” (3.67), “Ko’p Masihodin dam urma” (3.73), Masih ignasi Maryam egirgan ip bila go‘yo chigilib, egniga jon baxshlig‘ to‘ni tikilibtur” (3.146) singarilarda **Masih** obrazi ishtirok etadi. Ushbu nomlari ko‘rsatilgan g‘azallarda ham Iso (a.s)ning „masih” sifatiga nisbat beriladi. “Ey alifdek qomating mayli buzulg‘on jon aro” g‘azalining uchinchi baytida ham Masih obrazini keltirish orqali talmeh san’ati qo‘llangan. G‘azal tadrij san’ati asosiga qurilgan. Unda yorning sifatlari har bir baytda navbati bilan ta’riflab o‘tiladi. To‘qqiz baytdan tarkib topgan ushbu g‘azalning birinchi baytida yorning alifdek qomati ta’rif etilsa, ikkinchi batida yorning guli xandonlarga nisbat berilgan kulgusiga to‘xtaladi. Uchinchi baytda esa, uning kalomi haqida so‘z yuritib, „Masih anfosi” deya ta’rif etiladi:

Gar kalomingni Masih anfosi dedim, ey habib,  
Ayb qilmaki, g‘alat tushar gohe qur’on aro (3.18).

Navoiy she’riyatida hayotiy haqiqatlar, falsafiy-irfoniy mulohazalar ko‘pincha ramz va ishoralar, timsol va tashbehlar tilidan bayon etiladi. Asrlar davomida tadrijiy rivojlanib, turli rang va ohang kasb etgan obrazlar hamda mazkur istiorali hamda ishorali obrazlarning ma’no qatlamlari ko‘payishi muayyan bir bayt yo she’rda aynan qaysi ma’noda kelganini to‘g‘ri belgilash uchun faqat she’riy matnning ichki talabi yoki faqat bosh mohiyatinigina hisobga olish yetarli emas. Buning uchun turli lug‘atlar, diniy, ilmiy, badiiy asarlarga ham murojaat qilishga to‘g‘ri keladi. Yuqoridagi baytda ham muqaddas Qur’oni karimga ishora borligini ilg‘ash mumkin. Yuqorida alohida qayd etilganidek, Iso (a.s) Olloh taolonning izni ila, o‘z nafasi orqali loydan yaralgan qushga jon baxsh etadi. Baytda ham yorning kalomi ana shunday xususiyatga ega ekanligiga nisbat berib o‘tadi.

Mumtoz adabiyotda lab – Masih, xat – Xizr, xol – Bilol, ko‘z – Muhammad (s.a.v) timsollari bilan shunday ramziylik kasb etib, bunda she’riyatning badiiy olami jozibadorligi behad darajada yuksak ramz ma’nosи va majoz ifodasini vujudga keltirganligi ravshan bo‘ladi. Bunda masalan, ko‘z-nabiy, ya’ni komil insonga, uning qoraligi, ya’ni komillikning mukammalligi ma’nosida Muhammad (s.a.v) siy wholemosiga nisbatan ramz vazifasini bajaradi. Xat ham tasvirda alohida ahamiyat kasb etadi. Bunda diniy afsonalarga ko‘ra doim yashil to‘n kiyib yuruvchi, Xizr alayhissalomga nisbat beriladi. Xizr, ya’ni lug‘aviy ma’noga ko‘ra yashil, ko‘karchin singari va uning ayni shu sifatiga, qolaversa, abadiylik suvini ichganligiga ham ishora qiladi. Uning ayni ana shu sifatlariga nisbat berilgaan holda g‘azallarda talmeh bog‘lanadi. Navoiy lirikasida ham Xizr alayhissalom nomi keltirilgan g‘azallar salmoqli o‘rin tutadi:

Labing xat zohir etdi Xizr umr bersalar o‘lgum,  
Xususankim, Xizrg‘a hamdam obi hayvoning (3. 359).

Yuqorida lab orqali Iso alayhissalomning „Masih” sifatiga ishora qilinishi aytib o’tildi. G‘azalda ko‘rinadiki, yor labi xat zohir etgan, ya’ni unda ham „masihli”, ham „yashnatish, tiriltirish” sifatlari uyg‘unlashib mukammallik kasb etgan. Nosiruddin Rabg‘uziyning ”Qissasi Rabg‘uziy”, Alisher Navoiyning „Tarixi anbiyo va hukamo” asarlarida Xizr alayhissalom hayoti va karomatlari bilan bog‘liq hikoytlar keltiriladi. „Tarixi anbiyo va hukamo”da Xizr payg‘ambarga qisqacha ta’rif berib o’tiladi: „Xizr a.sni mursal debdurlar... Zulqarnayn zamonida aning mulozimi erdi. Zulqarnayn hayvon suvi xayoli birla zulomotga kirganda Xizr a.s.ni boshlab kirdi. Va derlarkim, Ilyos a.s dog‘i birga erdi. Ul suvni Tengri taolo bu ikkovga nasib qildi va Zulqarnayn mahrum yondi. Va ba’zi debdurlarkim, haq taolo Xizr a.s ga ilmi ladunni nasib qildi va hayvon suyi iborat ondindur...”. Ko‘rinadiki, obi hayvonni ichishlik Xizr a.s.ga va Ilyos a.s.ga nasib qilgan, abadiylikni da’vo qilgan Zulqarnayn esa bundan benasib qolgan. Shu sababdan Xizr a.s. umri jovidlikka erishgan deb qaraladi. Yuqoridagi baytda yor xati orqali Xizrga nisbat berilsa, quyidagi baytda aynan „Xizr suyi” keltiriladi:

Orzu aylar labing ollida jon bermakni Xizr,  
Xizr suyidin o‘lug umr aylagandek orzu (3.512).

Tiriklik baxsh etmoqqa qodir yor labi oldida umri jovidonlikka erishgan Xizr ham jon bermoqni istaydi. Xuddiki o‘lug umr Xizr suyidin orzu aylagandek. Bunda yorning labi Xizr suyi yanglig‘ hayot baxsh etuvchi, tiriklik beruvchidir. G‘azal boshdan oyoq Xizr (a.s.)ning ana shu sifatiga nisbat berish asosida yaratilgan. Keyingi baytlar fikrlarimizni dalillashga yordam beradi:

Sharbati la’ling qo‘yub no‘sh aylagan hayvon suyi,  
Bo‘lg‘ay andoqkim, qo‘yub hayvon suyi ichkay og‘u.

Xat timsoli majozan ma’shuqa labi ustidagi tuklarga ishora qiladi. Uning badiiy ifodasi esa Xizr, ya’ni yashillik, ko‘karish kabi lug‘aviy ma’nolarni kasb ettirgan badiiy timsolga talmeh sifatida bog‘lanadi. Bunda ham tiriltirish, yashnatish, xizrpaylik, tiriklik esa Xizr timsolida ramziylik kasb etadi. Masih kabi Masihosolik ham, Xizr kabi xizrpaylik ham mumtoz adabiyotimizda turli ma’no qirralariga ega ramzlaridan hisoblanadi. Xat timsolining lab (la’li lab) yoki ko‘z (qaro ko‘z) kabi quyuqlashtiruvchi, bo‘rttiruvchi darajasi yo‘qligi ham uni ramzlashtirishda biror nabiy timsoli emas, balki Xizrga nisbatan olinganga o‘xshaydi. Chunki nubuvvat maqomining o‘zida ham maqom darajalari bor. [33;55] G‘ariyb us-sig‘ar”dan o‘rin olgan „Erur ishq ahli go‘ristoniyu yuz ming mazor anda” (3.24), „O‘lukni turguzar la’ling Masihoso kalom aylab” (3.59), „Kiyik charmi zaif egnimga majnunlig‘ nishoni bas” (3.225), „Yor bo‘lmish o‘rtag‘a hijron tariqin solg‘udek” (3.334), „Jafo sarlavhida qildi alif mashqi, ko‘zung yoxud” (3.59), „Men jahondin kechtimu, kechmas mening jonimdin el”(3.370), „Masihodin labing afsah, quyoshtin orazing ahsan(3.488), „Vahki, ul

sho‘x borib, jonima o‘t soldi yana” (3.542) singari g‘azallarda Xizr alayhissalom sifatiga bog‘langan talmeh san’atini vujudga keltirgan baytlar mavjud.

Talmeh san’ati qo‘llangan g‘azallarda, shaxsllar timsolida payg‘ambarlar, hukmdorlar, tarixiy shaxslar, Navoiyning ustozlari e’tirof etilishi aytib o‘tildi. Hukmdorlarga ishora qiluvchi g‘azallarda asosan Shoh G‘oziy (Husayn Boyqaro) va Jamshid hamda Faridun obrazlariga ishora qiladi.

„G‘aroyib us-sig‘ar”dan o‘rin olgan „Dahr elidin agar naf yo‘qdur, zarar ham bo‘lmasa” nomli g‘azalida „Shoh G‘oziy” nomi keltiriladi. Navoiyning ko‘pgina asarlarida, xususan, „Xamsa” tarkibiga kiruvchi „Hayrat ul-abror”dan ma‘lumki, Shoh G‘oziy deganda Husayn Boyqaro nazarda tutiladi. G‘azalda ham aynan shunday keltiriladi:

Kim, tuzay mastona Shohi G‘oziy avsofida savt,  
Bu ko‘ngul gar bo‘lsa o‘z holida, gar bo‘lmasa ham. (3.27)

Talmeh sana’atining uchinchi ko‘rinishida muayyan tarixiy joy nomalri, voqeа hodisalar va qissalarga ishora qilinishi aytib o‘tiildi. Bunda muallif tasvir haqida aniq tasavvur paydo qilish, holatni ana shu tasvirga yaqin tasvirlashni maqsad qiladi. Mumtoz she’riyatda Xo‘tan go‘zallari tavsifi alohida o‘rin tutadi. Oshiq o‘z mahbubasini tasvirlshda, uni Xo‘tan ohulariga qiyos etadi. Navoiy ijodida ham Xo‘tan vodiysining go‘zallariga nisbat berilgan g‘azallar salmoqli o‘rin tutadi:

Surma bilanmu ul oy ko‘zni qora aylamish,  
Yo‘qsa Xo‘tan jayrani mushk ichida ag‘namish. (3.264)

Xo‘tan sanamlarining ko‘zları mushk yanglug‘ qora bo‘lishiga nisabt bergen holda, ul oy, ya’ni mahbuba ko‘zini surmadan qora aylagan, yoki Xo‘tan jayroni mushk ichida ag‘nagan. Joy nomlari ifodalangan g‘azallarda „Ka’ba”, „Makkayi Madina”, „Dashti Adam” singarilar keltirib o‘tiladi. Xususan, Ka’ba tasviri keltirilgan quyidagi baytda zohiran muqaddas Kabatulloh nazarda tutilsa, aslida ko‘ngil ka’basiga ishora qilinadi:

Ko‘ngul baytulharomi tavfig‘a moni’ xavotirdur,  
Safarg‘a Ka’ba sari o‘ylakim bo‘lg‘ay xatar mone’ (3.294)

„G‘aroyib us-sig‘ar” devonida o‘rin olgan 144, 272 va 462-g‘azallarda Yaqub (a.s) va uning o‘gli Yusuf (a.s) bilan bog‘liq hikoyatga ishora qilinadi. Diniy manbalardan bilamizki, Yusuf (a.s) ni akalari hasad o‘tidan cho‘lda adashtirib, uning liboslarini Yaqub (a.s) ga keltirib berishadi va ukalarini bo‘ri yeb ketganligini aytib yolg‘on gapirishadi. O‘g‘lidan judolikdan tinimsiz ko‘z yosh to‘kkan Ya’qub (a.s)ning ko‘zları ko‘rmay qoladi. Qachonki, Ka’nondan kelayotgan karvonlar safida Yusuf (a.s)ning xabari keltirilgandagina uning

ko‘zlariga nur qaytadi. Yuqorida keltirilgan g‘azallarda ana shu tasvirga ishora seziladi. Birinchi g‘azalda shunday tasvirlanadi:

Noma qosid ilgidin, qosid habibim ollidin,  
Mujdayi jon eldinu, el mohi Kanondin kelur(3.144)

Unga atalgan noma habibining oldidan keltirilgan, bu jon mujdasi eldan, el esa Ka’nondan kelayotganligi aytiladi. Kanondan kelayotgan el olib kelayotgan xabar, oshiq taniga jon bag‘ishlaydi (Xuddi Ya’qub (a.s)ning ko‘zlariga nur qaytgandek).

Xulosa sifatida shuni aytish mumkinki, Alisher Navoiy g‘azallarida qo‘llanilgan Talmeh san’ati o‘quvchi ko‘z o‘ngida voqealar silsilasini birma-bir gavdalantirish, tasvirning qabariqligini ta’minalash, g‘azalxonni baytda tasvirlangan holat va muhitga olib kirish kabi muhim vazifalarni ifoda etganligi bilan ham ahamiyatlidir. Mutafakkir ijodida qo‘llanilgan mazkur badiiy san’at g‘azalning badiiy qimmatini oshirish bilan bir qatorda, o‘quvchiga estetik zavq bag‘ishlash, uni tafakkur qilishga, baytlar zamiridagi yashirin ma’noni ilg‘ashga undaydi. Qolaversa, bunday o‘rinlarda ijodkor badiiy dahosi ham kashf etila boradi. Navoiy ijodiyoti ana shunday keng ko‘lami, ijtimoiy-siyosiy falsafasi, ma’naviy-ma’rifiy g‘oyalari, bashariyat kamolotiga xizmat qiluvchi fikrlari bilan barcha davrlarda va barcha xalqlarda birday qadrlanadi.

#### **ADABIYOTLAR:**

1. Алишер Навоий. Бадоев ул-бидоя. МАТ. 20 томлик, 2- том. – Тошкент: Фан, 1987.
2. Алишер Навоий. Хазойин ул-маоний: Ғаройиб ус-сиғар. МАТ. 20 томлик, 3-том. – Тошкент: Фан, 1988.
3. Ҳусайнин А. Бадоеву-с-саноеъ. –Тошкент: Ғафур Ғулом, 1981.
4. Исҳоқов Ё. Навоий поетикаси. – Тошкент: Фан, 1983.
5. Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. – Тошкент: Зарқалам, 2006.
6. Максуд Шайхзода. Газал мулкининг сultonи. 6 томлик, 4 том. – Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972.

#### **ALISHER NAVOIY G‘AZALLARIDA SHE’RIY SAN’ATLAR (TANOSUB SAN’ATI MISOLIDA)**

*Naima ERGASHEVA  
NamDU talabasi,  
Nozima DADABOYEVA,  
Namangan shahar, 10-maktab o‘qituvchisi.*

**Annotatsiya:** mazkur maqolada g‘azal mulkining sulton, ulkan so‘z ustasi, beba ho va takrorlanmas asarlar muallifi Alisher Navoiyning g‘azallarida qo‘llangan tanosib san’ati namunalari keltirilgan.

**Kalit so‘zlar:** tanosub, lafziy san’atlar, “Shams ul-millat”, g‘azal, uyadosh so‘zlar , “Badoye ul- bidoya “, she’riy san’atlar.

Biz yaxshi bilamizki, Nizomiddin Mir Alisher Navoiy nafaqat turkiy xalqlar, balki jahon adabiyotining yirik namoyandalaridan biridir. Zabardast alloma xalqimizning tengsiz ijodkori ekanligi qalblarimizni faxrlanish tuyg‘ulariga to‘ldirib turadi. Chindan ham, Alisher Navoiy butun bir bashariyat tarixida o‘chmas iz qoldirgan ulug‘ siymodir. Uning ijod sarchashmalaridan bahramand bo‘limgan, umumbashariyat madaniy xazinasidan o‘rin olgan o‘lmas asarlaridan oziqlanmagan kitobxon topilmasa kerak. U bir buyuk daho ediki,u tufayli turkiy til jahon tillari orasida o‘z mavqeyiga ega bo‘ldi, boyidi va takomillashdi. Alisher Navoiy turkiy tilni ulkan boylik sifatida bildi va hikmatlar xazinasini o‘zida jamlagan umrboqiy satrlarini shu tilda bitdi.

G‘azalnavis shoir Alisher Navoiyning badiiy san’atlarni mahorat bilan qo‘llagan baytlaridan bahramand bo‘lar ekanmiz, uning yuksak so‘z san’atkori ekanligidan hayratlanmay ilojimiz yo‘q. Ayniqsa, tanosub san’atining takrorlanmas namunalari ko‘proq uchraydi.

Ma’lumki she’riy san’atlar badiiy asardan o‘rin olgan g‘oyalarning hayotiyroq, ta’sirchanroq ifodalananishiga, lirk va epik timsollarning yorqinroq gavdalantirilishiga, misralar, baytlar, bandlarning lafziy nazokati, musiqiyligi jozibadorlilagini ta’minalashga xizmat qilgan. Sharq poetikasiga doir asarlarda nasr va nazmda qo‘llanilgan badiiy san’atlardan 120 ga yaqini (tarmoqlari bilan yuz ellikdan oshadi) haqida ma’lumot berilgan. Ana shu san’tlar mohiyat e’tibori bilan uch guruhga bo‘lingan: lafziy san’atlar, ma’naviy san’atlar, mushtarak san’atlar.

Lafziy san’atlar - nutqning ifoda usuli bilan aloqador badiiy san’atlar majmuasi. Ushbu san’atlar turiga tajnis , tanosib,tarse, iyhom va boshqa mashhur san’atlarni kiritishimiz mumkin. Tanosub- she’r baytlartida ma’no jihatdan bir-biriga yaqin tushunchalarni anglatuvchi so‘zlarni qo‘llab, ular vositasida obrazli ifodalar, lavhalar yaratish san’atidir. Quyida hazrat Navoiyning durdona baytlarida ifodalangan tanosib san’ati namunalari bilan tanishamiz:

*Jon yetib og‘zimg‘a, topmon dard-u hijrondin xalos ,  
Jonne hijrondin xalos et, yo meni jondin xalos.*

( “Badoye ul-bidoya “ 300-g‘azal )

Baytda oshiq ma’shuqasiga jonim og‘zimga kelib, bir kun dard va hijrondan halos bo‘larman. Sen meni jonimni hijrondan halos et yo meni jondin halos et deya xitob qilmoqda. **Dard, hijron** so‘zlari tanosib san’atini shakllantirib, baytdagi mazmunni kuchaytirib bermoqda.

*Chiqsanjonim, ayb qilma jismi bemoring‘a boq,  
Kuysan jismim, hayrat etma, nolayi zorimg‘a boq.*

( “Badoye ul-bidoya” 421-g‘azal )

Jonim chiqsan ayb qilmagin, ishqingda bemor bo‘lgan jismimga boq. Agar jismim kuysa hayratlanmagin, sen tomonga yo‘llayotgan nola va zorlarimga qulog tutgin demoqda yor hajrida istirob chekayotgan ma’shuq. Ushbu satrlarda **jon** va **jism; nola** va **zor** so‘zlari tanosib san’atini vujudga keltirgan.

*Orazin yopqach ko'zimdin, sochilur har lahza yosh,  
O'yakim, paydo bo'lur yulduz, nihon bo'lg'ach quyosh.*  
( “Badoye ul-bidoya” 285-g‘azal )

Navoiyning eng mashhur g‘azallaridan birining ushbu baytida **oraz**, **ko‘z**; **yopmoq**, **nihon bo‘lmoq** hamda **yulduz** va **quyosh** so‘zlari tanosib san’atini hosil qilgan.

*O‘rtanurmen kechalar hajringda andog‘kim charog’,  
Ravshan ayla: rishta jismimdir, ko‘ngil – o‘t ashk-yog‘.*

Baytda tunni chirog‘ bilan yoritish voqeasi bilan bog‘liq **kecha**, **charog‘**, **rishta**, **o‘t**, **yog‘** hamda hijron iztiroblari bilan aloqador **hajr**, **ko‘ngil jism**, **ashk**, **o‘rtanmoq** so‘zlari o‘zaro bog‘lanib oshiqning ichki olami g‘oyat ta’sirchan ifodalangan.

*Gul chog‘i bog‘ingg‘akim yo‘l bermading, ey bog‘bon,  
Chinmidur day bulg‘ali derlar safosi qolmamish.*

( “Badoye ul-bidoya” 275-g‘azal )

Gul sayli bilan bog‘liq ushbu baytda **gul**, **bog‘**, **bog‘bon** so‘zlari tanosib san’atining go‘zal namunasini yaratgan.

*Labing yetgan qadah taryoqidin yetkurgil, ey soqiy,  
Ki hajr achchig‘lig‘i jonim aro mayni og‘u qilmish.*

(“Badoye ul-bidoya” 277-g‘azal)

Baytda labing yetgan qadaxda ya’ni may ichgan qadaxingda may kelturgin ey soqiy, hajrning achchig‘lig‘i shu qadar kuchaydiki, jonim aro mayni ham og‘uga aylantirmoqda demoqda ma’shuq. Bu yerda **qadah**, **soqiy**, **may** so‘zlari tanosib san’atini shakllantirib kelmoqda .

*Xurram o‘ldi bog‘u bir guldin ichimda g‘am hanuz,  
Kuldi har yon g‘unchavu ko‘nglim ishi motam hanuz.*

( “Badoye ul- bidoya” 243-g‘azal )

G‘arib oshiq butun bir bog‘ xurram bo‘ldi, quvonchga to‘ldi, lekin bir gulning dastidan ichimda hanuz g‘am bordir, har yonda g‘unchalar kului lekin hamon ko‘nglim ishi motamdir, deya mahzun ko‘ngil nolalarini izhor qilmoqda. Tanosib san’atini vujudga keltirgan **bog‘**, **gul**, **g‘uncha** hamda **g‘am**, **motam** so‘zlari baytning yanada ta’sirliroq chiqishini ta’minlamoqda.

She’riy san’atlarning qimmati baytda yaratilgan badiiy lavhalar, timsollarning yangiligi betakrorligi bilan belgilanadi. Navaiyning deyarli barcha baytida shunday ohoriy san’atlarga duch kelamiz. Navoiy ijodi bir ulkan ummondirki, uni bir necha asrlar davomida o‘rganib hali hamon tubiga yetmay kelmoqdamiz. Dolzarb va hayotiy hikmatlaridan bugungi kungacha saboq olishda davom etyapmiz. Navoiy ijodini o‘rganish biz yoshlarda sog‘lom tafakkur tarzi shakklanishiga ,ma’naviy dunyoyimizning mukammal bo‘lishiga va o‘zbek adabiyoti tarixining eng muhim davri haqida ma’lumotga ega bo‘lishimizga katta yordam bermoqda.

## ADABIYOTLAR:

1. Husayniy Atoulloh. Bado‘yiu-s-sanoyi’. Toshkent, 1981.

2. Alisher Navoiy. Mukammal asarlar to‘plami, birinchi tom. Badoye ul-bidoya. - Toshkent: Fan, 1998.
3. Ishoqov Y. So‘z san’ati so‘zligi. – Toshkent: Zarqalam, 2006.
4. Hojiahmedov A. Mumtoz badiiyat malohati. – Toshkent: Sharq, 1999.
5. Sirojiddinov Sh. Alisher Navoiy manbalarining qiyosiy-tipologik, tekstologik tahlili. – T., Akademnashr, 2011.

**ALISHER NAVOIYNING ‘LISON UT-TAYR’ DOSTONIDA  
ME’ROJ TALQINI**  
**(Interpretation of ascension in epic poem “Lisonut-tayr” by Alisher Navai)**

**Shaxnoza GAFUROVA**

Samarqand davlat universiteti mustaqil tadqiqotchisi  
shaxnozagafurova1984@mail.ru

**Abstract.** The interpretation of history of ascension in chapter of epic poem “Lisonut-tayr” is analysed in this article

**Key words:** chapters of ascension, history of ascension, hyperbole

Sharq adabiyotida epik asarlar an'anaviy muqaddima boblar bilan boshlanadi. Avval Ollohga hamd, munojot, so‘ng Payg‘ambar (s.a.v.)ga na’t boblari keltiriladi. Na’t boblari orasida Payg‘ambar (s.a.v)ning vasfi, mo‘jizalari bilan birga Me’rojga bag‘ishlangan boblar va baytlar ham uchraydi. Me’roj hodisasi islom olamida, jumladan, islom adabiyotida muhim o‘rin tutadi. “Me’roj” – zinapoya, ko‘tarilish, yuksalmoq ma’nolarini bildiradi. Navoiy asarlari tilining izohli lug‘atida “Me’roj – Muhammad Payg‘ambar (s.a.v.)ning osmon va arshi a’loga chiqishi” deb keltiriladi [4. 299-bet.]. Alisher Navoiy epik asarlarida an'anaviy muqaddima boblarga alohida ahamiyat beradi hamda ularni to‘liq keltirishga harakat qiladi. Jumladan, me’roj ta’rifiga bag‘ishlangan bob har bitta dostonda bor. “Lison ut-tayr” dostonida IV bob Payg‘ambar (s.a.v.) me’rojiga bag‘ishlangan. Ushbu bob “Xamsa” dagi me’rojnama boblardan nisbatan kichikroq: ellik uch baytdan iborat. Bobda Navoiy me’roj voqeasini hikoya qilib beradi:

Ul kechakim, ul shahi gardunmaqom,  
Kim oni haq istadi gardunxirom.

Baytda gardunmaqom va gardunxirom so‘zлари yordamida ishtiqoq san’ati qo‘llangan. Martabasi falakka yetadigan shohning falakni sayr etishini Haq istagan kecha ta’rifi. Keyingi baytda Navoiy Payg‘ambar (s.a.v.)ni Ummahoniy uyida dam olayotgan edi deb keltiradi:

Ummahoniy hujrasida erdi xush,  
Dahri dun ashg‘olidin osudavash.

“Lison ut-tayr” dostonining nasriy bayonini tayyorlagan Sharafiddin Sharipov “...u tuban falak tashvishlaridan forig‘ bo‘lib, o‘z hujrasida yaxshi

kayfiyatda o‘tirardi”, deb keltiradi [1.287]. Lekin Navoiy me’rojnomalaridagi baytlarni tahlil qilganda boshqacha xulosa kelib chiqadi. “Layli va Majnun” da:

Bir xobgahi nihoni ichra,  
Manzilgohi Ummahoni ichra.

“Sab’ai sayyor”da:

Bo‘yla tun ul mohi Muniri Jahon  
Ummahoni uyida erdi nihon.

“Saddi Iskandariy”da:

Quyoshdek ulusdin nihoni bo‘lub,  
Yeri hujrai Ummahoni bo‘lub.

Baytlarni ko‘rib xulosa qilishimiz mumkinki, Navoiy Payg‘ambar (s.a.v.)ning ammasi – amakisi Abu Tolibning qizi Ummahoniyni nazarda tutgan bo‘lishi mumkin. Biz baytlarni shu jihatdan tahlil qildik.

Keyingi baytlarda Jabroil (a.s.)ning me’roj xabarini keltirishi va Buroq otiga minib safarga chiqishi tasvirlangan. Payg‘ambar (s.a.v.)ning me’rojga chiqishida falaklar tasviri va sayyoralar tasvirini Navoiy juda batafsil tasvirlab beradi. Me’roj tasviri har bir dostonda borligiga qaramasdan ulardagি original tasvirlar, o‘xhatishlar bir-birini takrorlamaydi. Dastlab Oy uchradi va Muhammad (s.a.v.)ning sharofati bilan yo‘lin oyga aylanadi.

Chun qamarg‘a mavkibidin yeti qadr.

Ul quyosh tashrifidin oy bo‘ldi badr.

Navoiy ushbu baytda me’rojning oy oxirlarida – rajab oyining yigirma olti-yigirma yettinchi kechasi voqe bo‘lganligiga ishora qilgan bo‘lishi mumkin. Keyin Atorud, Zuhro, Bahrom, Zuhal, Mushtariy tasvirlari keltiriladi. Sakkizinchи falakda Payg‘ambar (s.a.v.) o‘n ikkita burjga duch keladi va bu burjlar ham uning sharofatidan bahramand bo‘lishadi. Bu baytlarda Navoiy tashbeh va mubolag‘a san’atlaridan foydalanadi:

Farridin topti qo‘zi qo‘chqorlig,  
Savrg‘a yetti asadkirdorlig‘.  
Xidmatig‘a bog‘ladi Javzo kamar,  
Bo‘ldi Saraton rostravliqqa samar.  
Arslon itidek oyog‘ig‘a tushub,  
Xo‘sha tuxumi dur bo‘lurg‘a yovushib...

Yil boshidagi birinchi burj – Hamal qo‘y shaklida tasavvur qilinadi, Navoiy shuni nazarda tutgan holda qo‘zi Payg‘ambar (s.a.v.) sharofatidan qo‘chqorga aylanganini ta’kidlaydi. Ikkinchi burj Savr – buzoq sherlik xususiyatiga ega bo‘ldi. Qisqichbaqa teskari – orqaga qarab yurishi fandan ma’lum. Shoir shu ma’lumotni nazarda tutib, qisqichbaqa rostlik sari yuz burganini aytadi. Arslon esa it kabi yuvosh tortib Rasululloh (s.a.v.)ning oyoqlariga bosh qo‘ydi. Xo‘sha – boshoqning urug‘lari durga aylandi...

Burjlar tasviridan so‘ng Arsh, Kursi maqomlari tasviri hamda Lomakon maydonida Jabroil (a.s.) va Buroq Payg‘ambar (s.a.v.)dan ajrab qolganliklari tasvirlangan. Navoiy bu holatni tasvirlashda Jabroil (a.s.) va Buroqni uchayotgan qushdan tushib qolgan parga o‘xhatib tashbeh san’atini qo‘llaydi:

Payk ila markab qolib ul sayrdin,  
Ikki par tushgan masallik tayrdin.

Bu maqomda Payg‘ambar (s.a.v.) bashariyat yaratilishining asosi bo‘lmish to‘rt unsur – shamol, tuproq, o‘t va suvdan xalos bo‘lganini ta’kidlaydi:

O‘zni o‘zluk qaydidin aylab xalos,  
Topib o‘zdin o‘zgalikka ixtisos.  
Yelu tufrog‘u o‘tu sudin orib,  
Ham menu sen ham ulu budin orib.

Navoiy bundan keyingi misralarda Rasululloh (s.a.v.)ning ‘qoba qavsayn’ (ikki yoy oralig‘icha yaqin) darajasiga erishganini tasvirlaydi:

Li ma’ Olloh ostonin yostonib  
Qoba qavsayn ittihodin qizg‘onib.  
‘Li’ bila ‘ma’ni ham o‘zdin solibon  
Bu soling‘och, ne qolur ul qolibon.  
Yorutub aynini mozog‘ al-basar,  
Raf‘ o‘lub andeshai fiyan-nazar.  
Topibon ul rutbakim topmay kishi,  
Kim emas bu ish kishilikning ishi.

Darhaqiqat, bu martabaga inson zotidan hali hech kim erishmagan. Navoiy hech qaysi asarida Olloh Taolo va Muhammad (s.a.v.) suhbatlarini keltirmaydi. Zero islam dinida Me’roj voqeasini tahlil qilish emas unga ishonish buyurilgan. Navoiy shu aqidaga amal qilgan holda suhbat asnosini keltirmaydi, faqatgina Muhammad (s.a.v.) Olloh Taolodan ummatlarining gunohlarini so‘rab olganini keltiradi:

Osi ummatning gunohin istabon,  
Borchha ahvoli tabohin istabon.  
Har ne istab Hayyi mutlaqdin topib,  
Haq tilab haqdin tilab haqdin topib.

Doston ichida bu haqda bir hikoyat ham keltiriladi. Bu hikoyat Tavhid vodiysiga tegishli: Mansur Xalloj Me’roj voqeasi haqida o‘ylab, Muhammad (s.a.v.) ummatlari gunohini so‘rab olganini mushohada qilib chuqur o‘yga toladi. Uni Payg‘ambar (s.a.v.)ning nega aynan ummatlari gunohini so‘rab olgani hayratga solardi. Shunday kunlarning birida Payg‘ambar (s.a.v.) uning tushiga kirib tanbeh beradi:

K-ey fuzul ayvonida o‘lturg‘uchi,  
Lofi vahdatdin ‘Anal-haq’ urg‘uchi.  
Bilmadingkim, ul sifat oliv buruj  
Kim men aylab erdim ul oqshom uruj.  
Onda menlikning xayoli yo‘q edi,  
Balki bu lafz ehtimoli yo‘q edi.  
Eltg‘an ham ul erdi, boshlag‘on ham ul  
Istag‘on ham ul, bag‘ishlag‘on ham ul.

Ya’ni bu hikoyat orqali Navoiy Me’rojning ilohiy inoyat ekanligini, Rasululloh (s.a.v.)ning so‘ragan tilaklari ham Olloh Taolonning irodasi ekanligini

va o'sha paytda Payg'ambar (s.a.v.)ning istig'roq holatida bo'lganliklarini yana bir bor ta'kidlaydi.

Bob oxirida Payg'ambar (s.a.v.) ushbu maqomdan ajib bir holatda qaytib kelganini tashbeh san'ati yordamida tasvirlaydi:

Borg'onida bore di durri shigarf,  
Lek yong'onda kelib daryoi jarf.

Navoiy me'rojnama boblarning hammasini Olloh Taolodan Rasululloh (s.a.v.) gunohlarini so'rab olgan ummatlar safida bo'lishni istovchi satrlar bilan tugatadi shu jumladan ushbu bobni ham:

Bo'lg'usi ul xayl aro Foniy dog'i,  
Qilmog'oysen noumid oni dog'i.

Xulosa sifatida shuni aytish mumkinki, Navoiy me'rojnama boblarida Payg'ambar (s.a.v.)ning buyukligini, barchaga birdek sevimli ekanligini ta'kidlashga harakat qiladi. Bunda koinot jismlaridan foydalanadi. Payg'ambar (s.a.v.) sharofatidan sayyoralar, burjlar saodat topadi. Hattoki Arsh, Kursi, Lavhga ham uning qadami baxt ato etadi. 'Lison ut-tayr' dostonida me'rojnama bobidan tashqari boshqa hikoyatlarda ham me'roj voqeasiga ko'p murojaat qilingan. 'Qushlarning fano husulidin baqo vusulig'a yetkoni' bobida qushlarning Simurg'ga yetishganlari tasvirlanadi. Bu holatni Navoiy shunday tasvirlaydi:

Ko'rdilar o'zni qayonkim tushti ko'z,  
Olloh-olloh ne ajoyibdur bu so'z.  
Kim qilib Simurg' o'ttiz qush havas,  
O'zlarin ko'rdilar ul si murg'u bas.

Bu baytlar Payg'ambar (s.a.v.)ning 'qoba qavsayn' darajasiga erishganlari tasviri bilan bir xil ma'noga ega. Bu doston haqida juda ko'p fikrlar aytish mukin bo'lsa-da, shoirning quyidagi baytiga zid borishni ma'qul ko'rmaganimiz sababli so'zimizni muxtasar qildik:

Shart bukim, onlag'on sharh etmagay,  
To tilidin boshqa ofat yetmagay.

### **Adabiyotlar:**

1. Muhiddinov M. Sharq xamsachiligidagi Hazrati Payg'ambar siymosi. Navoiyga armug'on. 3-kitob. –Toshkent: Abdulla Qodiriy nomidagi xalq merosi nashriyoti, 2003. 50-61-betlar.
2. Muhiddinov M., Asqarov A. Alisher Navoiy "Xamsa"sida ma'naviy pok inson talqini. –Samarqand, 1991.
3. Navoiy Alisher. Lison ut-tayr. –Toshkent: G'afur G'ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2005.
4. Navoiy Alisher. Layli va Majnun. O'zbek adabiyoti bo'stoni. –Toshkent: G'afur G'ulom nomidagi nashriyot, 1990.
5. Navoiy Alisher. Sab'ai sayyor. O'zbek adabiyoti bo'stoni. –Toshkent: G'afur G'ulom nomidagi nashriyot. 1991.

6. Navoiy Alisher. Saddi Iskandariy. O‘zbek adabiyoti bo‘stoni. –Toshkent: G‘afur G‘ulom nomidagi nashriyot, 1991.
7. Navoiy asarlari tilining izohli lug‘ati. 4 tomlik. 2-tom. –Toshkent: Fan, 1983.

**NAVOIY SHE’RIYATIDA ISHQ MANZILINING MAJOZIY  
IFODALARI**  
**(Metaphorical expressions of love conversion in the poetry  
of Alisher Navoi)**

*U.Sanaqulov*  
*SamDCHTI o‘qituvchisi,*

**Abstract.** The purpose of this article is to reveal the address of love and its figurative interpretation in the gazelle of Alisher Navoi. The article is based on the poems of the poet's gazelles included in the Devons "Badoye ul-bidoya", "Navodir un-nihoya", "Navodir ush-shabbob".

**Key words:** love, vision, separation, pain, sadness, lover, heart, spirit world, steppe, desert, whirlwind, mountain, valley, Farhod, Majnun.

Alisher Navoiy ijodi o‘ziga xos poetik olamdir. Bu badiiy olamning salmoqli qismini shubhasiz, ulug‘ shoirning she’riyati tashkil etadi. Navoiy lirkasining muhim jihatlaridan biri uning turfa xil ramziy va majoziy ifodalarga boyligidir. Jumladan, shoirning ishq manzili borasidagi uslubi haqida ham shu fikrni bildirish mumkin. Alisher Navoiy g‘azallaridan birida ushbu maskanni quyidagicha tasvirlaydi:

*Ko‘ringlar ishq dashtinkim, nasim-u loladin har yon,  
Gahe jonbaxsh salqindur, gahe muhlik sharor anda.*

[Навоий, 1987: 42]

Baytda dasht, shamol, lola, uchqun(sharor) so‘zlariga majoziy tus berilgan bo‘lib, bunda dasht – ruhiy olam, shamol – ishqning tafti, lola – oshiqning g‘amgin qalbi, uchqun esa ishq keltirgan zahmat tuyg‘ulari deyish mumkin. Aytish lozimki, ishqiy mavzudagi g‘azallarda ko‘proq visol, hijron, ashk, oh, dard, firoq, g‘am, balo kabi abstrakt(mavhum) tushunchalar ko‘pchilik uchun aniq bo‘lgan detallar vositasiga ko‘chiriladi. Bu borada hazrat Navoiyning ham tanlovi bor. Oshiqning ishq dardida hijron azoblaridan o‘rtanishi, oh-nola tortishi, fig‘onlari, ko‘z yosh to‘kishi, g‘am chekkan holatlarini muayyan so‘zga sig‘dirib bo‘lmaydi. Shuning uchun Navoiy o‘z g‘azallarida buni kengroq aspektida tasvirlashni maqsad qiladi. Shoirning bu boradagi tanlovi katta asarlarida bo‘lgani kabi dasht, sahro, tog‘, vodiy larga ko‘chadi.

Ulug‘ shoir she’riyatida dasht, sahro, tog‘, biyobon, bog‘, vodiy tasvirlari orqali oshiqlikning turli holat va kechinmalarini tasvirlashni ko‘zda tutadi. Muallif ularning har birini o‘z o‘rnida qo‘llaydi, har biriga alohida poetik vazifa yuklaydi. Shu sabab ular ishq dashti, g‘am(balo)dashti, visol dashti, balo tog‘i, fano dashti,

junun sahrosi kabi o‘ziga xos turli istioralar bilan ifoda etiladi. Bu esa mazmunga aniqlik, estetik ta’sirchanlik olib kiradi:

*Notavon nargisidek ayladi bemor meni,  
Sunbuli domi aro qildi giriftor meni.  
Yor ko ‘yida gar o ‘lsam g ‘am emas o ‘lturadur,  
Ko ‘yidin buki qovar har nafas ag ‘yor meni.  
Dard tog ‘iyu balo dashtida ko ‘rkim, qilmish  
Ishq Farhod ila Majnung ‘a namudor meni..* [Навоий, 1989: 449]

Navoiy she’riyatining ushbu jihatni xususida olimalarimizdan biri “Oshiqona g‘azallarda ma’shuqa tavsifi, oshiqning sharhi holi ifodasida ishq maskani tavsifi ham muhim o‘rin tutadi. Oshiq-shoir bu maskanni goh ishq bog‘i, hayrat vodiysi, goh sarhadsiz sahro, fano dashti, ishq dashti, balo tog‘i, adam sahrosi, goh talab dashti qiyofasida tasavvur etadi... vodiy, sahro, biyobon, dasht, tog‘ singari mafhumlar g‘azallarda, asosan, ruhoniy olam mazmunida qo’llanilgan. Ishq vodiysi – ruhoniyat olami [Mullaxo‘jayeva, 2021: 209], deb aytar ekan, masalaga irfoniy nuqtayi nazardan yondoshmoq kerakligiga e’tiborini qaratadi. Jumladan, quyidagi baytdan ushbu holatni sezish qiyin emas:

*Ne muhlik vodiy ermish ishq dashtikim, kishi anda,  
Qadam urg ‘an dam-o ‘q ko ‘zga bo ‘lur mulki adam paydo.*

[Навоий, 1987: 12]

(Bu ishq dashti qanday halokatli vodiy ekanki, unga qadam bosgan zahoting ko‘zingga yo‘qlik olami paydo bo‘ladi). Baytda muallif ishq dashtining halokatli(muhlik) ekanligiga diqqatimizni qaratib, so‘fiy(solik) qalbiga ishora etgan. Shoирning lirik qahramoni ham bu maydonga sayr qilar ekan, unda ishqning barcha mashaqqat va zahmatlarini boshidan kechiradi. Masalan, tubanda berilgan baytda lirik qahramonning ishq dashtini maskan tutishi va bundan uning qanchalik qayg‘uga botganini bilsa bo‘ladi:

*Meni Majnundek tutubtur dasht, demankim bu dasht,  
Tog ‘lar erdiki, homun qildi ko ‘nglum qayg ‘usi.* [Навоий, 1987: 530]

Keltirilgan baytda dasht, tog‘, va tekislik(vodiy) tasvirlari shoир qalbini aniqroq anglashimizga ko‘maklashadi: “Meni dasht Majnundek o‘z bag‘riga oldi. Dasht demang, u bir paytlar u tog‘lik edi. Ko‘nglimning g‘am-qayg‘ulari esa bu tog‘ni tekislikka aylantirdi. Shoир behad mubolag‘a bilan aytmoqchiki, “mening ko‘nglim qayg‘usi shunchalar o‘g‘ir, uni hatto bu tog‘lar ham ko‘tara olmadi”, deb. Shoир mana shu ahvolini yana turli baytlar bilan asoslaydiki, Majnun, Farhod timsollarini bilan oshiq-shoir dardlari uyg‘unlashib ketadi:

*Tog ‘u vodiy ichra andog ‘sa ‘b holim borkim,  
Ko ‘rsa, gar Farhod, agar Majnunki yuz hayrat qilur.*

[Навоий, 1987: 116]

Ya’ni, oshiq-shoir qiyin, og‘ir dard bilan bu tog‘ va vodiyda qolgan. Agar bu ahvolni Farhod bilan Majnun ko‘rsa yuz hayratda qoladi. Alisher Navoiy g‘azallari borasida tadqiqot olib borgan olim Husniddin Eshonqulov Navoiy she’riyatidagi Farhod va Majnun timsollarini ishq yo‘lida oshiqqa maslakdosh va unga ruhiy-ma’naviy yaqinlik hosil qiluvchi obrazlar sifatida qayd etadi [Eshonqulov, 2020:

77 ]. Bundan Navoiyning bu ishq maskanlarini nima uchun ko‘p bora tilga olishi oydinlashadi:

*Meni gah dasht, gah tog‘ uzra ko‘rgan,*

*Tirilmish, sog‘inur Majnunu Farhod.* [Навоий, 1987: 111]

Shoirning lirik qahramoni xayolan o‘z darddoshlari bilan uchrashish sharfiga muyassar bo‘ladi. Oshiqlik dardlarini tortaverib og‘ir ahvolda yashayotgan lirik qahramon bu dard biyobonida endi mezbon, Majnun va Farhod esa mehmon bo‘lib ishq maskanida gavdalinishadi:

*Yomon holimga hayrat qilmang, ey Farhod ila Majnun,  
Bukun siz mehmonsizkim, tarab birla maoshimdur.*

[Навоий, 1989: 137]

Baytda oshiq-shoir darddoshlarini yomon ahvolidan hayratlanmaslikka chaqiradi. U bunday yashashni o‘ziga xursandchilik deb biladi. Haqiqatdan ham shoir ishq bobida buyuk xayolot egasi. Uning oshiq Farhod ishqiga bo‘lgan e’tiqodi chindan. Zotan, shoir Farhod so‘zining har bir harfiga haqiqiy oshiqqa xos xislatlar: firoq, ashk, rashk, hajr va oh deb joylaganida teran ma’no bor. Majnunning dashtni maskan tutishi ham chin oshiqlikning ko‘rinshi. Ularni zohiriy ma’noda ham botiniy ma’noda ham sharh etish mumkin. Biroq shunisi muhimki, shoirning dasht, vodiy, tog‘, sahro kabi badiiy istioralarini aniqroq tasavvur etish uchun albatta, katta asarlariga e’tibor qaratish lozim. Hazrat Navoiyning ko‘pgina g‘azallarda ana shu maydonda turli majoziy tasvirlarda o‘z holatini ifodalab ko‘rsata olganini guvohi bo‘lamiz:

*Tong yo‘q, urmoq yuz bu sargardonu mahzun har taraf.*

*Ne ajab, ursa quyundek po‘ya Majnun har taraf.*

*Ko‘zlarim bog‘i guliston bo‘lmish ul yuz shavqidin,*

*Bargi gullardur sochilg‘an ashk gulgun har taraf.*

*Dasht aro Majnunmen, ammo tog‘ aro Farhod edim,*

*Tog‘lar dardim yukidin bo‘ldi homun har taraf...* [Навоий, 1987: 221]

G‘azalda bog‘, dasht, tog‘ kabi istioralar ishqiy manzilning majoziy ifodasi sifatida talqin etilib, uning mazmun va badiiy poetik mukammalligini oshirgan. Shuningdek, g‘azalda shoirning shu manzillarga xos bo‘lgan adabiy qahramonlar (Farhod, Majnun) va detallarga (quyun, gul, barg) diqqat qaratgani ham ahamiyatga molik. Shoir o‘zini mashhur oshiq-qahramonlar - Farhod, Majnunga qiyoslab qalban va ruhan ishq manzilini sayr etganini yodga oladi. Demak, buyuk shoir she’riyatida ishq manzili uning qalbiga juda yaqin, o‘z qahramonlarining maskani hisoblanadi. Ya’ni Farhod zahmat chekkan tog‘lar, Majnun darbadar kezgan dasht, sahro, vodiy-u biyobonlardir. Shunday ekan, mohir san’atkor ma’noni o‘ziga mos va turli-tuman suvratlarda jilvalantiradi va har bir suvrat zaminidagi ma’noni ravshanlashtiradi [Рустамов А.1979: 212].

Xullas, Navoiy she’riyatida dasht, bog‘(gulshan), sahro, tog‘, biyobon, vodiy tasvirlari oshiq uchun ishq manzilighi sifatida qaralib, mazkur tasvirlar oshiqning maqsadini, uning turli ruhiy holat va kechinmalarini tasvirlashi bilan muhim ahamiyat kasb etadi. Bu maydonda oshiq ishqning barcha mashaqqat va zahmatlarini boshidan kechiradi. O‘z asarlarida ishq mavzusini nazariy va adabiy

jihatdan tahlil qilgan mutafakkir shoirning bu boradagi qarashlari har jihatdan qimmatli.

### **Adabiyotlar:**

1. Алишер Navoiy. Муқаммал асарлар тўплами. Йигирма жилдлик. 1-жилд. – Тошкент: Фан, 1987. – 689 б.
2. Алишер Navoiy. Муқаммал асарлар тўплами. Йигирма жилдлик. 2-жилд. – Тошкент: Фан, 1987. – 622 б.
3. Алишер Navoiy. Муқаммал асарлар тўплами. Йигирма жилдлик. 4-жилд. – Тошкент: Фан, 1989. – 560 б.
4. Eshonqulov H. Alisher Navoiy g‘azaliyotida ishq poetikasining qiyosiytipologik tahlili (filologiya fanlari doktori Dsc avtoreferati), - Samarqand, 2020.
5. Mullaxo‘jayeva K. Irfoniy ma’noning badiiy talqinida tabiat tasvirining o‘rni (Alisher Navoiy va XXI asr: ilmiy-nazariy materiallar), - Toshkent, 2021, 277 b.
6. Рустамов А. Навоийнинг бадиий маҳорати, Ташкент, 1979, 212-б.

## **“SAB’AI SAYYOR”DOSTONIDA RAMZ VA TIMSOLLAR OLAMI**

*Nigora RASULOVA  
SamDU magistranti*

**Anotatsiya.** *Alisher Navoiy dostonlarining o‘ziga xosligi, ”Sab’ai sayyor”dostonida ramz va timsollarning shoir g‘oyasini berishdagi roli.*

**Kalit so‘zlar:** *“Sab’ai sayyor”, shoh Bahrom, hikoyatlar, timsollar, ramziy obrazlar .*

Yoshlarni yuksak ma’naviyatli,komil insoniy xislatlar ruhida tarbiyalashda badiiy adabiyotning roli katta. Ayniqsa,ulug‘ bobokalonlarimiz adabiy asarlarini o‘rganish, ularda ifodalangan insonparvarlik g‘oyalarini yoshlarga singdirish bugungi kunda muhim ahamiyatga ega.<sup>48</sup>

Bobokalonimiz Mir Alisher Navoiy butun hayoti davomida ona tili mavqieni ko‘tarishga,uning fors tilidan hech bir jihatdan kam emasligini o‘z ijodi orqali isbotlab berishga astoydil harakat qiladi. O‘z maqsadini amalga oshirishda xalq og‘zaki ijodiga ham katta e’tibor qaratadi. Navoiy ”Xamsa”ning to‘rtinchisi dostoni bo‘lmish ”Sab’ai sayyor” dostoni ham xalq og‘zaki ijodidagi qoliplash usulidan unumli foydalananib yaratilgan dostonidir. Navoiy dostonidagi Bahrom Go‘r timsolini yorqin ifodalashda Sharqda mashhur bo‘lgan afsona va rivoyatlarning mazmunidan foydalangan bo‘lsa, Bahrom va Dilorom tarixini bayon qilish asnosida hikoya ichida hikoya tarzda bergen yetti hikoyatida ham qadimgi xalq afsona va rivoyatlari yotadi. ”Sab’ai sayyor”dagi bu yetti hikoyat dostonning g‘oyaviy-badiiy qimmatining oshishiga katta hissa qo‘shgan. Shunga ko‘ra Navoiy ham:

<sup>48</sup> Karimov.I.A. Yuksak manaviyat -yengilmas kuch. - T.: Ma’naviyat, 2008.

Lutf bu nazm aro bag‘oyatdur,  
G‘araz ammo bu yetti hikoyatdur,<sup>49</sup> - degan edi.

Asar bosh qahramoni - shoh Bahrom. Bahrom Sharqda Mars yulduzining nomi. Arabchasi – Mirrix. Bahrom ko‘pincha jang-u jadallar, fitna-yo‘g‘onlar timsoli sifatida keladi. Tarixchilar bu nomni Eronning sosoniy hukmdori Varaxan (420-438-yillar podsholik qilgan) bilan bog‘laydilar. U xalq orasida “Bahrom Go‘r” laqabi bilan mashhur bo‘lgan. Go‘r deb qulonni aytganlar. Navoiy xamsachilik an’anasiga muvofiq Bahromni yetti iqlim shohi deb ta’riflaydi. Shoир podshohning adolatli ekanligini tasvirlash bilan birga xalqni ham bunday zamonda yaxshi yashashini ko‘rsatadi. Ammo o‘rtaga maishat,dabdabavozlik oshiqlik aralashib vaziyat o‘zgaradi. Bu o‘rinda Bahrom timsoli shoир maqsadiga xizmat qiladi. Bahrom timsoli orqali Navoiy zamona podshosi Husayn Boyqaro va temuriy shahzodalarga pand bermoqqa urinadi. Bahrom Moniy ismli rassomdan Diloromning suratini oladi va ishq dardiga mubtalo bo‘ladi. Chin mamlakatidan olinadigan bir yillik xiroji evaziga Diloromni qo‘lga kiritadi. Shoh aysh-u ishratga berilib, xalqini yodidan chiqaradi. Yurtga podsholik qilish va oshiqlik bir-birini inkor etadi. Navoiy buni quyidagicha izohlaydi:

Ishq ila shohlik muvofiq emas,

Ishq lofida shoh sodiq emas.

Navoiy shohning zimmasida yurt tashvishi bilan yashash qismati borligiga alohida urg‘u beradi. Bahrom oshiқ bo‘lib, Diloromni sevadi, lekin shohlik qilib sevgilisining, arzimagan aybi uchun kimsasiz biyobonga tashlab ketadi. Bu voqeadan so‘ng Bahromning ayriliqdagi hayoti boshlanadi. U Diloromini topolmay qattiq iztirobga tushadi. Yetti iqlim hukmdorlari o‘zaro kelishib, yetti kunga atab yetti xil rangdagi yettita qasr qurishga kirishib ketadilar. Bahrom har bir qasrda tunaganda qasr yonidan o‘tib ketayotgan musofirning hikoyasini eshitishni odat qiladi. Shanba (Saturn-Kayvon kuni)-qora qasrda Farrux va Axiy; yakshanba (Quyosh kuni)- sariq qasrda Zayd; dushanba (Oy kuni)-yashil qasrda Sa’d; seshanba (Mars-Mirrix kuni)-qizil qasrda Mas’ud va shoh Juna; chorshanba (Merkuriy-Atorud kuni)-nilufar qasrda Mehr va Suhayl; payshanba (Yupiter-Mushtariy kuni)-sandal tusli qasrda Muqbil va Mudbir; juma (Venera-Zuhra kuni)-oq qasrda xorazmlik mashshoqning hikoyatlarini eshitadi. Bahrom yettinchi hikoyada Diloromning daragini eshitadi va yoriga yetishadi. Shoh yana aysh-u ishratga beriladi, ovni kanda qilmay juda ko‘p hayvonlarning qonini to‘kadi. Oxir-oqibat botqoqqa botib xalok bo‘ladi. Buning yagona sababi Bahromning intizomni buzishidir. Navoiy bejizga yetti kunni yetti sayyora nomi bilan nomlamaydi, sababi ular haq taolo buyurgan intizom asosida harakatlanadi. Shu bilan birga qasrlar bo‘yalgan ranglar ham ramziy ma’no ifodalaydi. Ular bir o‘rinda sayyoralar holatiga nisbat bersa, yana bir o‘rindan Bahromning ruhiy holatini ham ifodalashga xizmat qiladi. Bahrom birinchi hikoyani o‘z ruhiy holati kabi qora qasrda, qora libosda tinglagan edi,chunki u o‘z Diloromidan ayrilgan, hijron zulmatiga giriftor bo‘lgan edi. Yettinchi hikoyani esa oq qasrda oq libosda tinglaydi va bu hikoyat unga visol umididan darak beradi, qalbiga yorug‘lik olib kiradi. Shu kabi dostonda

<sup>49</sup> Alisher Navoiy. Sab’ai sayyor. Mukammal asarlar to’plami. 20-jildlik. 10-jild - T.: Fan, 1992.

ranglardan ustalik bilan foydalanilgan. Shu bilan birga doston qahramonlariga berilgan nomlar ham qahramonlarning fe'l-atvori, taqdiridan darak beruvchi belgi vazifasini bajaradi. Masalan, Sa'd –yaxshilik, Mas'ud-saodatli, Jobir-dushmanlik, Mehr–muhabbatli, Suhayl-yorug‘ yulduz, Muqbil-iqbolli, baxtli, Mudbir–ishi orqaga ketgan, baxtsiz degan ma'nolarni ifodalaydi.

Alisher Navoiy buyuk olim, faylasuf sifatida har bir bayt mazmuniga tarbiyaviy o'git bulog‘ini singdirishga harakat qiladi. Doston so'ngida doston taassurotlari bilan band bo'lgan bir paytda tush ko'rganini, tushida shoh va kaniz uni taxtga o'tqazishga harakat qilayotgani va ijodini maqtaganini yozadi. Suhbatdoshlari nutqidan:

Emdi shohingga de salomimni,  
So'ngra mundoq etur payomimni.  
Ki: Jalon kimsaga vafo qilmas,  
Shohlik tarkiga kiro qilmas.<sup>50</sup>

Bu baytlari orqali shoir o'z zamonasining shoh va shahzodalariga hayotning o'tkinchilagini, vaqtning cheklanganligini uqtirishga intiladi. Har bir inson o'zidan yaxshi nom qoldirishga urunishi lozimligini ta'kidlaydi.

Shunday qilib, hech ikkilanmay aytishimiz mumkinki, "Sab'ai sayyor" dostoni o'zbek mumtoz adabiyotining beba ho namunasidir.

### **ADABIYOTLAR:**

1. Alisher Navoiy. Sab'ai sayyor. Mukammal asarlar to'plami. 20-jildlik. 10-jild. - T.: Fan, 1992.
2. Hasanov C. Navoiyning yetti tuhfasi. -T.: Adabiyot va san'at, 1991.
3. Madayev O. Navoiy suhbatlari. -T.: O'qituvchi, 2018.
4. Muhiddinov M. Nurli qalblar gulshani. -T.: Fan, 2007.
5. Sirojiddinov Sh., Yusupova D., Davlatov O. Navoiyshunoslik. -T.: Tamaddun, 2019.

## **ALISHER NAVOIY RUBOIYLARIDA BADIY SAN`ATLAR**

*Durdonaxon DADAJONOVA  
NamDU talabasi  
Ilhomjon DARMONOV  
AL o'qituvchisi*

**Annotatsiya:** Ushbu maqolada o'zbek adabiy tilining asoschisi Alisher Navoiyning ruboiylarida qo'llanilgan badiiy san`atlar va ularning o'rni, asarga bo'lgan mazmuniy ta'sirini yoritib berishga harakat qilingan.

**Kalit so'zlar:** Alisher Navoiy, badiiy san`at, tazod, tanosub, zulqavofiy, istiora, shoir, ruboiy, to'rtlik, misra.

<sup>50</sup> Alisher Navoiy. Sab'ai sayyor. Mukammal asarlar to'plami. 20-jildlik. 10-jild - T.: Fan, 1992.

Buyuk mutaffakkir, olim, musiqachi, rassom va davlat arbobi, o‘zbek adabiy tilining asoschisi, shoir Nizomiddin Mir Alisher Navoiy o‘z zamonasidan hozirga qadar ma`lum va mashhurdir. Uning mag`zi to‘q va ma`noga boy bo‘lgan adabiy merosi – bitmas-tuganmas xazina sifatida doimo kitobxonlar nigohida. Hazrat Navoiy adabiyot ilmining deyarli barcha sohalarida yetuk ijod namunalarini yaratgan. Lekin adabiyotshunos olim Dilmurod Quronov ta‘kidlaganidek: “Badiiy adabiyotda aytishgina emas, qanday aytish ham muhimdir.”<sup>51</sup> Buyuk bobokalonimiz esa nafaqat yirik asarlarida, balki kichik hajmli ruboiylarida ham mahorat bilan olam haqiqatlari, insoniylik tuyg`ulari va komillikka eltuvchi fazilatlar tog`risida qalam tebratgan.

*Gar oshiq esang zeb-u takallufni unut,  
Yaxshi-yu yomon ishda taxallufni unut.  
O‘tgan gar erur yomon taassufni unut,  
Kelgan gar erur yaxshi tasarrufni unut.<sup>52</sup>*

Yuqoridagi misralarda yaxshi va yomon, o‘tgan va kelgan so‘zlar o‘zaro qarama -qarshi tushunchalarni ifodalab, taqobilu tazod san`atini; takalluf, taxalluf (ixtilof, ziddiyat), taassuf (afsus), tasarruf (egalik qilish) kabi o‘zaro qofiyadosh so‘zlar esa zulqavofiy san`atini yuzaga keltirgan hamda ruboiyning mazmundorlik darajasini oshirgan. Ruboiydagি misralar ma`no-mazmunini quyidagicha ifodalash mumkin:

*Agar oshiq bo‘lsang, yasama soxtalikni unut (ishqda sof bo‘l),  
Yaxshi-yu yomon (har qaysi) ishda kelishmovchilik va ziddiyatlarni unut.  
Boshingdan o‘tgan yomonliklardan afsusni unut va qayta nadomat qilma,  
Kelgan yaxshiliklarga bir o‘zing ega chiqishni unut, birodarlaring birla  
baham ko‘rishni o‘rgan.*

Navoiy qalami ostidan chiqqan beba ho bitiklar o‘z ma`no tovlanishlari bilan namoyon bo‘lar ekan, mutolaa davomida o‘quvchining hayrati ortadi va qalbi huzur topadi. Badiiy san`atlarning yuksak did bilan qo‘llanganligi hamda ruboiy mazmuniga monandligi har jihatdan mukammallik kasb etgan. Quyida keltirilgan ruboiyda ham tanosub (zulf, ko‘z, qosh), tazod (vobasta-qaram qilmoq, vorasta-ozod etmoq), zulqavofiy (vobasta, xasta, payvasta, vorasta) san`atlaridan o‘z o‘rnida, to‘rtlik ma`nosiga mos tarzda foydalanaligan.

*Har zulf xamig`a qilma vobasta meni,  
Har ko‘z xavasidin etmag`il xasta meni.  
Har qosh tamaig`a solma payvasta meni,  
Yo rab, borisidin ayla vorasta meni.*

Ruboiyda tasvirlanishicha oshiq yordan: “Sochlari xamiga bog`lab qaram qilmasligini, ko‘zlarining ehtirosli nigohidan xasta (bemor) etmasligini, qoshlarining tammanosiga payvasta (tutashtirmoq) solmasligini so‘raydi va Allohga iltijo qilib, yo rab, barchasidin xalos et meni!” – deya zorlanadi.

<sup>51</sup> Quronov Dilmurod. Adabiyot nazariyasi asoslari. – Toshkent: Fan, 2018. 183 b.

<sup>52</sup> Rahmatov O`tkir. Abadiyat gulshani. – Toshkent: Sharq, 2016. 172-175 b.

Bilamizki, she`riy san`atlar shoir badiiy iqtidorini namoyish qilish emas, balki ijodkor badiiy tafakkuri dahosining ko`lamini olib berishda muhim ahamiyat kasb etadi. Butun turk millatining dahosi Hazrat Navoiy ruboiyalarida badiiy san`at asosida inson qalbidagi hayajon, quvonch, iztirob, muhabbat, o`z nozikliklari bilan to`la namoyon bo`ladi:

La`lingni qilib nuktasaro, ey qorako‘z,  
Ishq ahli hayotig`a yaro, ey qorako‘z.  
Chekma yana surma ko‘z aro, ey qorako‘z,  
El qonig`a qilma ko‘z qaro, ey qorako‘z.

Ushbu ruboiyda shoir istiora san`atidan o‘rinli tarzda foydalaniib, yoriga qorako‘z deya murojaat qiladi, uning labini esa la`li (yoqut)ga qiyoslaydi. *Ey la`li labli, qorako‘zli yor nuktasaro qilib (chiroyli so‘zlar aytib), ishq ahli hayotig`a yara, Valekin ko‘zlaring aro surma tortma, chunki ul surma elning qonidin yaralmish!*

Alisher Navoiy – bu ona tilimiz, qalbimiz, ehtiroslarimiz, g`am-anduhlarimiz, quvonch-u shodliklarimiz, orzu va umidlarimizning kuychisi, butun millatimizni komillik sari chorlab kelgan alloma. Uning kichik ruboiyalaridan tortib, yirik dostonlarigacha bo‘lgan asarlari kitobxonlar qalbida mudom yashab kelmoqda. Shunday ekan, buyuk bobomizning hayot yo‘li va ijodiy merosi avlodlar qalbida saodat kaliti bo‘lib, mangu qolajak!

### **Adabiyotlar:**

1. B. To‘xliyev va boshq. Adabiyot. Darslik-majmua. – T., 2017.
2. Rahmatov O‘. Abadiyat gulshani. – Toshkent: Sharq, 2016.
3. Quronov D. Adabiyot nazariyasi asoslari. Toshkent, 2018.
4. Hojiahmedov A. Mumtoz badiiyat lug`ati. – Toshkent: Yangi asr avlodi, 2008.
5. Sirojiddinov Sh., Umarova S. O‘zbek matnshunosligi qirralari. - Toshkent, 2015.

## **“LISON UT-TAYR” DOSTONIDA QOLIPLOVCHI HIKOYATLARNING O‘RNI**

*Ximmatov Umarjon, SamDU talabasi  
Ilmiy rahbar: PhD A.Razzoqov*

**Annotation:** This article discusses the importance of Alisher Navoi's stories in “Lison ut-tayr” in illuminating the main content. The author’s methodological skill is proven by comparison and contrast.

**Key words:** Alisher Navoi, Lison ut-tayr, Farididdin Attor, tatabbu, sufism, hudhud.

Hazrat Alisher Navoiyning “Lison ut-tayr” tatabbusi uning ijodida juda muhim o‘rin egallaydi. Va bu tadqiqotlar natijasida yanada oydinlashgan fikrdir. Zero “Lison ut-tayr”ni Navoiy ijodining o‘ziga xos xulosasi, kulminatsion nuqtasi desak, xato bo‘lmaydi. Muallif doston so‘ngida bu asarga umr bo‘yi tayyorlanganini va o‘z lirkasida ushbu dostonning o‘rnini vasf etib shunday deydi:

Turk nazmida chu men tortib alam,  
Ayladim ul mamlakatni yakqalam.  
To‘rt devon birla nazmi panj ganj,  
Dast berdi chekmayin anduhu ranj.  
Nazmu nasrim kotibi taxminshunos,  
Yozsa, yuz ming bayt etar erdi qiyos.  
Munchakim nazm ichra qildim ishtig‘ol,  
Xotirimdin chiqmas erdi bu xayol.  
Kim bu daftarg‘a berib tavfiq haq,  
Tarjuma rasmi bila yozsam varaq.  
Lek so‘z dushvor edi, men notavon  
Bormas erdi xomag‘a ilkim ravon,  
Oqibat ko‘rdumki umr aylar shitob,  
O‘lsamu qolsa deyilmay bu kitob.  
Ul jahon sori bu armon eltkum,  
Bo‘yla o‘tdin dog‘i hirmon eltkum.  
Necha bu ishga ko‘ngul mash’uf edi,  
Go‘iyokim vaqtig‘a mavquf edi.  
Oltmishqa umr qo‘yg‘onda qadam,  
Qush tilin sharh etgali yo‘ndum qalam.

Yoshlik chog‘ida Farididdin Attorning “Mantiq ut-tayr”i yuragiga solgan cho‘g‘ Navoiyga tinchlik bermaydi va umrining so‘nggi yillarda bu dostonni yaratishga azm etadi.

Doston an’anaviy tarzda, hamd va na’t bilan boshlangan. E’tiborlisi shundaki, keyingi qismlarda dostonni yoritishda hikoyatlarning roli muhim o‘rin tutadi. “Lison ut-tayr”da oltmishdan ortiq har xil hikoyatlar bor. Ularda tariqat va shariat, irfoniy bilish masalalari bilan bog‘liq bo‘lgan, shuningdek, inson axloqiga oid masalalar ustida fikr yuritilali. Hikoyatlar xalq ijodiyoti xazinasidan olingan. Ammo ulardan kelib chiqadigan ibratli xulosalar (“qissadan hissa”) so‘fiyona ma’nolar talqiniga moslashtiriladi” [Komilov, 2009: 146].

Qushlar o‘rtasidagi har bir suhbat va shonasar (Hudhud)ning ularga javobidan so‘ng bir hikoyat keltiriladi va aytilgan fikr dalillanadi. Shu tariqa doston bir maromdagи uslub bilan yoritib boriladi. Attorning “qush tili”sidan Navoiyning

“qush tili”sining bir farqi ham shunda ko‘zga tashlanadi. “Mantiq ut-tayr”da esa bir qancha hikoyatlar ketma-ket kelgan holatlarni ham ko‘p uchratamiz.

Attorning qushlar tilidan yozilgan dostonida irfoniy ehtiros nihoyatda jo‘shqindir. Navoiy esa bosiq voqeband tasvirga urg‘u beradi, qushlar sarguzashti va ichki hikoyalarda hayotiylikni kuchaytiradi [Imomnazarov, 2001: 230].

Muallif hikoyatlarni qo‘llashda ularning solik(qushlar) va pir(Hudhud) o‘rtasidagi suhbatga aloqadorligi, dolzarbligi, hayotiyligi va tushunarligi masalalarini yuqori o‘ringa qo‘yadi, zero Navoiy hikoyatlarni mazmunni yorituvchi sham kabi qo‘llaydi. Shu o‘rinda bir misol keltirish joiz: Qushlardan biri Hudhudga biz bu mashaqqatli safarda borar ekanmiz Simurg‘(Alloh) huzuriga qanday sovg‘a bilan borishimiz mumkin, degan g‘ayritabiyy savol bilan murojaat qiladi. Hudhud ham unga neki g‘aroyibotlar bo‘lsa, Simurg‘ dargohida baridan ming karra ortig‘i mavjudligi va unung ehtiyojdan holi ekanini ayta turib, sen unung huzuriga g‘am-tashvish va dard olib borishing mukin deb javob qiladi:

Sen o‘zung birla niyozu dard elt,

Jismi zoru joni g‘amparvard elt.

Kim bu tuhfa yo‘qtur ul dargohda,

Ne tilar ajzu zabunlug‘ shohda.

Bir o‘qishda anglash mushkul bo‘lgan bu xitobni Navoiy keyingi o‘rinda hikoyat bilan sharhlaydi. Hikoyatda keltirilishicha bir podshohning husnu ko‘rkamlikda tengi yo‘q o‘g‘li bo‘lib, uning husnidan olamga o‘t tushmasin uchun o‘g‘lini mudom pana joyda asrar edi. Lekin shoh vafot etib, alal oqibat taxtni o‘g‘li egallyaydi va uning jamoli tajallisidan butun xalq oshiqu devona bo‘lib qoladi. Shoh kimda kim o‘z hunari bilan meni hushnud eta olsa, o‘sha mening yonimda turib, mulozimim bo‘lishga tuyassar boladi, deya shart qo‘yadi. Hamma o‘z hunariga sho‘ng‘ib, shohga yoqish uchun turli g‘aroyibotlarni hozir qiladilar. Ammo bularning barisi shoh xazinasida bisyorligi va hatto bulardanda ortigi borligidan shohning xafsalasi pir bo‘ladi. Xalq ichida shoh husniga mubtalo bo‘gan yana bir majnunsifat bor ediki, uning qo‘lida shohga taqdim etishga o‘tli ishq va hasrat to‘la yuragidan boshqa narsasi yo‘q edi:

Oni qilg‘on ishq jondin noumid,

Hajr paydou nihondin noumid.

Bag‘rining xunobini ul notavon,

Ko‘z yo‘lidin har taraf aylab ravon.

Qon bila tufrog‘ aro ko‘nglida tob,

Nim bismil qushdek aylab iztirob.

Oshiq unga visol nasib etmasligidan tinimsiz nolayu fig‘on chekarkan buni ko‘rgan shoh unung huzuriga kelib, oshig‘iga lutf ko‘rguzadi. Ozurda oshiq bu

holdan hayratga tushib o'sha yerda jon taslim etadi. Navoiy bu holatni go'zal yakun va asl maqsad sifatida tilga oladi:

Bil bu nav' o'lmakni jondin yaxshiroq,  
Ming hayoti jovidondin yaxshiroq.  
Bo'yla o'lma odamig'a bersa dast,  
Odam ermas jong'a bo'lsa poybast.

Shu tariqa muallif g'am bilan o'zni shod etmoq va oliy dargohga bu nav sovg'a bilan bormoq fazilatini sharhlab beradi.

Dostonda boshdan oyoq tasavvufiy ruh ustunlik qilgani uchun uni yoritishda hikoyatlarning o'rni muhim edi va Alisher Navoiy buni yuksak mahorat bilan amalga oshira olgan. Ishq vodiysining tavsifini ham Navoiy birgina Asmaiyl hikoyati bilan dalillay olgan. Farididdin Attor esa bu tavsifda "Ho'ja Bargo'dak Faqoiy ishqisi hikoyati", "Majnun va Layli hikoyati", "Oshiq Ayoz hikoyati" kabi bir qancha hikoyatlarni keltiradi. Albatta, Navoiy va ustozi Attorning bu asarlarini o'zaro tahlil qilish va taqqoslashda uslublar o'rtasidagi farqni ham inobatga olish joiz. Shuningdek, bu yerda ikkalasidan birini yaqqol ustun qo'yish ham to'g'ri bo'lmaydi. Navoiyning o'zi ham bu haqda shunday deydi:

Mundin ortug'roq had ermastur manga,  
Judini vasf aylasam basdur manga.

Lekin Navoiyning hikoyatlar qo'llashdagi mahoratini e'tirof etmay iloji yo'q. Qushlarning timsollari va ularning tilini sharhlashda bevosita hikoyatlarga murojaat etiladi.

Umuman, "Lison ut-tayr" diniy-irfoniy ta'limotlarni majoziy-ramziy timsollar orqali ifodalab bergen yodgorlik sanaladi. E'tibor berilsa, dostondag'i 30 ta qush sayohati manbalarda qayd etilgan 30 ta diniy-irfoniy yo'nalishlarning ramzidek taassurot uyg'otadi [Qobilov, 2008: 63].

Yuqorida aytilganidek tasavvufiy ramz va timsollar bilan sug'orilgan asarning mazmunini yoritishda keltirilgan hikoyatlar nihoyatda muhim ahamiyat kasb etgan va dostonning asosiy tarkibiy qismiga aylangan.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Alisher Navoiy. MAT. 20 jildlik.12-jild – Toshkent: Fan,1993.
2. Komilov N. Tasavvuf. – Toshkent: Mavarounnahr – O'zbekiston, 2009.
3. Imomnazarov M. Alisher Navoiy // Ma'naviyat yulduzları – Toshkent: Abdulla Qodiriy nomidagi xalq merosi nashriyoti, 2001.
4. Qobilov U. Ilohiyat va badiiyat. – Toshkent: Nihol, 2008

## **ALISHER NAVOIY IJODIDA SHAM VA PARVONA OBRAZLARI**

*Lobar Xolmirzayeva Sodiq qizi,  
Qarshi davlat universiteti*

Bugungi adabiyotshunosligimizda Alisher Navoiy asarlarining obrazlar poetikasi tadqiqiga jiddiy e'tibor qaratilmoqda. Zero, "Asarning botiniy mazmunini ochib beruvchi kalit poetik obrazdir" [1;92]. Navoiyshunoslar N.Bozorova shoir g'azallaridagi ko'ngil obrazi [2], O.Avaznazarov esa ulug' so'z san'atkori ijodidagi soqiy obrazini [1] monografik tarzda tadqiq etishdi. Shunga qaramasdan, Navoiy ijodida tadqiqot ob'yekti sifatida maxsus o'rganilishi kerak bo'lgan obrazlar talay. Alisher Navoiy ijodida keng qo'llangan sham va parvona obrazlari ana shular jumlasidan.

Mumtoz asarlarda sham, asosan, "ma'shuq", parvona esa "oshiq inson" ma'nolarida keladi. Bu obrazlar Navoiy asarlarida ham ko'p uchraydi va ularning yangidan-yangi talqinlariga guvoh bo'lishimiz mumkin.

Sham va parvona obrazlari Navoiyning ko'plab g'azallari tarkibida uchraydi. Jumladan, "G'aroyib us-sig'ar"ning "Zihi husnung..." deb boshlanuvchi g'azalida shunday bayt mavjud:

*Jamoling partavidin sham o'ti gar guliston ermas,  
Nedin parvona o't ichra o'zin solur Xalilos? [4;23].*

Ibrohim alayhisalom – Qur'onda nomi zikr qilingan payg'ambarlardan biri. Rivoyat qilishlaricha, butun dunyoga egalik qilgan to'rt sulton o'tgan. Ulardan ikkitasi Sulaymon va Zulqarnayn musulmon, Namrud hamda Buxtnasr kofir bo'lishgan. Ibrohim payg'ambar yakkaxudolikni targ'ib qilgani, musulmonman, mening yaratuvchim Olloh, degani uchun hukmdor Namrud tomonidan olovga yoqishga hukm qilingan. Ibrohimni yoqish uchun minoradek o'tin to'playdilar. Kofirlar Ibrohimni palaxmonga qo'yib olovga otmoqchi bo'ladilar. Undan so'radilar: "Ibrohim, qo'rhmaysanmi?"

Ibrohim esa: "Kimning qalbida Ollohnинг o'ti bo'lsa, u qanday qilib odamlar yondirgan o'tdan qo'rqsin. Mening qalbimdagi olov Olloh taoloning o'tidir. U sizlarning o'tingizdan kuchli" – deydi.

– Ey Ibrohim, tilaging bormi? – so'radi Jabroil. Senga hojatim yo'qdir, ammo Ollohnинг mening holimni bilishi so'rashimga hojat qoldirmaydi, – dedi Ibrohim.

– Ey olov, Ibrohim uchun sovigil va salomat bo'l, – deydi Jabroil. Jabroil o't uzra namozjoy keltirdi. U yerda Ibrohim namoz o'qidi. O't uni kuydirmasdi. Atrofida billur buloq suvlar oqar, bahor chechaklari turfa hidlar taratib tovlanardi.

Olloh uni o‘tdan asradi. Ollohning qudrati tufayli olov sovidi va Ibrohim payg‘ambar omon qoldi.

Navoiyning har bir g‘azalida ilohiy ishq kuylangan. Ushbu baytda shoir “Ollohning jamoli partavidan nur olgan sham o‘ti go‘yo guliston kabi bo‘limganda, parvona o‘t ichra Xaliloso, ya’ni Ibrohim payg‘ambar misol o‘zini olovga otmasdi”, demoqchi. Baytda sham va parvona obrazlari oshiq va ma’shuq ma’nosida kelib, ilohiy ishqni madh etish, mohiyatini ochib berish, borliqdagi har bir zarra asliyati – Haqqa intilishini isbot etishga xizmat qiladi. Bu mana bu baytda yanada ravshan aks etadi:

*Gul yuzida bulbul sening asroringga notiq,  
Sham o‘tida parvona sening husnungga shaydo [4;25].*

Navoiy quyidagi baytlarda ham ishq mavzusini tasvir etishda ayni obrazlardan foydalanadi. Bu safar sham va parvona oshiq lirik qahramon hamda uning ma’shuqini tamsil etadi:

*Tun oqshom bo ‘ldi-yu kelmas mening shami shabistonim,  
Bu andux o‘tidin har dam kuyar parvonadek jonio [4;423].*

Ya’ni, “Oqshom boshlanib yer yuzini tun qopladi, ammo mening shami shabistonim – tunni yorituvchi shamim kelmadi. Bu g‘am o‘tidan jonio har nafasda parvona kabi kuyadi”.

“Xazoyin ul-maoniy”ning birinchi devoni “G‘aroyib us-sig‘ar”ga kiritilgan va Alisher Navoiyda ham uchraydigan taxallussiz g‘azallardan biri “Erur ko‘ngilda safo ishq toza dog‘i bila” g‘azali tarkibida ham sham va parvona obrazlarini uchratamiz. G‘azal mavzusi – ilohiy ishq, bu g‘oya mohiyati goh an’anaviy obrazlar – parvona, bulbul, goh tasavvufiy istiloh va tamsillar vositasida ochib beriladi.

*Erur sukuti fano ishq lozimi bulbul,  
Ne voqif oncha fig‘on-u ulug‘ dimog‘i bila.  
Ul o‘tki o‘rtadi parvonani, hamul o‘tdin,  
Ko‘rinki qovruladur sham dog‘i yog‘i bila [3;221].*

Ma’lumki, gap parvona ishq ustida boryapti, ya’ni shoir bulbulning nolali muhabbat bilan parvonaning jim, ammo vujudini kuydiruvchi muhabbatini qiyoslamoqda. Parvona o‘tga shunday ixlos, shiddat bilan intiladiki, olovga qo‘silib yonib kul bo‘limguncha tinchimaydi. Biroq parvona shunchalik oshiqligiga, dardining og‘irligiga qaramay oh-u nola chekmaydi, balki jim-jit o‘tga tomon talpinaveradi. “Ul o‘t”, ya’ni ilohiy ishq alangasi faqat parvonani emas, shamning o‘zini ham yog‘i bilan qo‘sib qovuradi, eritib kuydiradi. Ulug‘ shoir tamsillar vositasida ishqning beintaho kuchi – zarrot-u jonzotlarning barini qamrab oluvchi qudratini tushuntiradi. Shamning shu’iasi – ilohiy ishq, mumi – dunyo,

inson vujudi, parvona – oshiq inson timsollaridir. Parvona – fano timsoli, ya’ni yomon sifatlardan qutilish va yaxshi sifatlarga ega bo‘lish, nafsni tark etish yo‘li.

Shoirning hayotni naqadar teran nigoh ila kuzatgani, kichik bir hayotiy detallarni o‘z ijodiga ustalik bilan olib kirgani namoyon bo‘ladi:

*Qazo mashshotasi parvonalar jismi kuli birla  
Hamonokim, yorutdi shamning mir’oti ruxsorin* [4; 496].

Ya’ni, “Olam qismatiga oroyish beruvchi Zot parvonalarining yongan jismi kulidan go‘yoki sham chehrasining ko‘zgusiga sayqal berib, uni yanada porloq qildi”. Kirlangan ko‘zgu kul – ishqor bilan poklab sayqallanishini bilamiz. Baytga ko‘ra, yonib turgan shamning nuriga intilgan parvona oxir oqibat uning taftida kuyib kulga aylanadi. Bu kul esa sham yuziga yanada sayqal beradi. Shamning nurafshonligi, porlab hamma tarafga ziyo taratishi uning ishqida yonib kul bo‘lgan parvonalar tufayli yanada quvvat oladi. Olovning ustini kul qoplasa, cho‘g‘ga aylanib, alanga o‘chadi. Ammo Ishqni qismat qilib yaratgan Husn va Go‘zallik mazhari qudrati bilan muhabbat tufayli yonib ado bo‘lgan parvonalarining kulidan shamlar yanada ravshanroq bo‘ladi.

Borliqdagi har bir zarra ishq sabab asl moya – Zotga intilar ekan, parvonaning shamga intilishi tabiiy hol ekani ayonlashadi. Buyuk shoir esa kichik bir zarra – hayotiy tamsil orqali Kul va juz munosabatini oddiy va sodda shaklda, yuksak mahorat bilan she’rga soladi.

### **Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:**

1. Avaznazarov O.R. Alisher Navoiy ijodida soqiy obrazi. Filol.fan.fals.dok. ...diss. – Qarshi: 2020. – 154 b.
2. Bozorova N.P. Alisher Navoiy g‘azallarida ko‘ngil obrazi (“Badoe’ ul-bidoya” devoni asosida). – Fil.f.n. ... diss. – Toshkent: 2004. – 135 b.
3. Komilov N. Tasavvuf. – Toshkent: Movarounnahr-O‘zbekiston. 2009. – 440 b.
4. Navoiy A. G‘aroyib us-sig‘ar. To‘la asarlar to‘plami, I jild. – Toshkent: G‘afur G‘ulom, 2012.

## **АЛИШЕР НАВОИЙ “БАДОЙИЛЬ УЛ-БИДОЯ” ДЕВОНИДА ШИРИН ОБРАЗИ**

*A.Қодирий номидаги Жиззах ДПИ  
тадқиқотчиси X.Холмуродов*

**Аннотация:** Ушбу илмий мақолада Алишер Навоийнинг “Бадойиль ул-бидоя” девонида образ-тимсоллар трансформацион ҳодисаси ўзига хос бир

поэтик муаммо сифатида тадқиқ этилади. Унда масала тадқиқи шоир девонида Ширин тимсоли орқали ифодаланган ғоявий-бадиий манзаралар таҳлили мисолида очиб берилади. Шу билан бирга мумтоз шеъриятда образ-тимсол трансформациясидаги ўзига хос қонуниятлар ва унинг бадиий-эстетик хусусиятлари ҳақида фикр-мулоҳазалар юритилади.

**Калит сўзлар:** Алишер Навоий шеърияти, мумтоз анъана, образ-тимсол, трансформация, бадиий детал, поэтик функция, адабий қонуният, талқин.

**Аннотация:** В этой научной статье феномена трансформации эмблем изучаются как уникальная поэтическая проблема в Ул-Бидея Алишера Навои Бадыи. В этом, изучение вопроса открывается в примере идеологических и художественных ландшафтов, характерных сладким символистом в устройстве поэта. В то же время классическая поэзия обсуждает обратную связь по конкретным законам в трансформации эмблем и его художественным эстетическим характеристиками.

**Ключевые слова:** Поэзия Алишера Навои, классическая традиция, изображение, трансформация, художественное покрытие, поэтически, литературный закон и литературные интерпретации..

**Abstract:** In this scientific article, the phenomenon of transformation of the emblems is studied as a unique poetic problem in Alisher Navoi Alisher's Badoyi ul-bidoya. In this, the study of the issue opens in the example of ideological and artistic landscapes, characteristic of a Shirin symbolist in the device of the poet. At the same time, classical poetry discusses feedback on specific laws in the transformation of the emblems and its artistic aesthetic characteristics.

**Key words:** Poetry Alisher Navoi, classical tradition, image, transformation, artistic coating, poetically, literary law and literary interpretation.

Алишер Навоий ва умуман Шарқ адабиётининг нодир мавзуларидан бири “Хусрав ва Ширин” ёки “Фарҳод ва Ширин” типидаги асарлар силсиласи ҳисобланади. Шарқ мумтоз адабиётида бу туркумнинг пайдо бўлиши узоқ тарихий босқичларга эгадир. Айрим маълумотларга қараганда ушбу сюжет бевосита халқ оғзаки ижоди анъаналари билан боғланади. Маълумки, бу адабий воқелик хамсанавислик жараёнида ишқий мавзунинг дастлабки эпик талқинларидан саналади. Тадқиқотларга кўра, мавзу талқини ва тасвирида Фарҳод образининг масалалар етакчисига айланиши Алишер Навоий бадиий тафаккури билан амалга оширилади. Шундан бошлиб мумтоз адабиётда Фарҳод комил шахс, ишқ ва маърифат ифодаларида бўлиб таърифланади. Гап шундаки, Фарҳод образи эпик талқинларда ҳам, лирик

тасвиirlарда ҳам Шарқ мумтоз адабиёти поэтик тадрижидаги трансформация масалаларида энг маҳсулдор тимсоллардан бирига айланади. Бунинг натижаси ўлароқ бу образ мумтоз бадиий тафаккур олами бўйлаб оммалашади, халқ онги ва руҳиятида ўлмас мавзу ва тимсол сифатида қолади. Айнан ўзбек адабиётшунослигида образ ва тимсол трасформацияси ҳодисаси маҳсус тадқиқ этилмаганлиги сабаб ушбу мақоламиизда Алишер Навоий “Бадое ул-бидоя” лирик девонида Ширин образи трансформациясига имкон қадар эътибор қаратдик. Шу ўринда айтиш керакки, гарчи Алишер Навоий хамсанавислик анъаналарини янгилаб “Фарҳод ва Ширин” достонида Фарҳод образини бош қаҳрамон сифатида талқин этган бўлса-да, шоирнинг илк лирик девонларидаёқ бу образ етакчи тимсолга айланиб улгурган эди. Бундан кўринадики, Алишер Навоий мавзуни “Фарҳод ва Ширин” тарзида талқин этиш режасини олдиндан амалга ошира бошлаган ва лирик тасвиirlарда бунга риоя қилиб келган. Масаланинг иккинчи яна бир муҳим томони шундаки, образ ёки сюжет миграцияси ҳодисаси бадиий талқинда ҳеч вақт бир ўзгармас ҳолатни такрорламайди, яъни бир сюжет ёки образ турли замон ва ҳар бир ижодкор бадиий тахайюлида мутлоқо янги ҳодисага айланади. Бу, айниқса, образлар лирик тасвири ҳақида гап кетганда яққол намоён бўлади. Бунда эпик образ рубобий қаҳрамон туйғулари ифодачисига хосланади. Шу маънода Фарҳод ва Ширин образлари мумтоз шеъриятда ўзига хос тимсоллик вазифаларини бажаради. Бундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Алишер Навоий шеъриятида тасвиirlанган Ширин тимсоли эпик талқинидаги образнинг нусхаси бўла олмайди, балки у шоир бадиий-эстетик қарашлари ва ҳис-туйғулари рамзий ифодаси сифатида бўй кўрсатади. Алишер Навоий мавжуд лирик девонлари ёки умуман мумтоз шеърият бадиий оламига назар ташланганда Фарҳод образи Ширинга нисбатан анча сермаҳсул ва самарали ҳисобланади. Мумтоз шеъриятимизда Ширин образига камроқ мурожаат этилади. Шунга қарамай маълум маънода мумтоз шеъриятни Ширин тимсоли орқали ифодаланган поэтик манзараларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Мисол учун Алишер Навоий ўзининг “Бадое ул-бидоя” девонида Фарҳод образига елликка яқин мурожаат этган ҳолда Ширин образи атиги олти марта тилга олинади. Бироқ Фарҳод тасвиirlарда Ширин тимсоли маънавий жиҳатлардан бўлса-да сезилиб қолади, бир мавзу сифатида китобхонни ўзига чорлаб туради. Бу ҳолат мумтоз поэтика учун бир ўзига хос бир бадиий-эстетик ҳодисадир. Алишер Навоий лирикасида, хусусан, “Бадойиъ ул-бидоя” девонида Ширин образи тасвиirlарда, албатта, Фарҳод тимсоли ҳам эътироф этилади ёки бошқа бир ҳолатларда “Фарҳод ва Ширин” мавзусига тегишли тимсол, тушунча, деталлардан фойдаланилади. Бу Фарҳод образи ҳақида фикр юритилганда

ҳам кузатилади. Мисол учун шоир “Бадойиъ ул-бидоя” девонининг етмиш учинчи ғазалида Ширин тимсолини талмиҳ сифатида келтиради.

*Ваъдайи васл этса ул Ширин санам, гам тогини*

*Қозгамен тирногларимни тешайи Фарҳод этиб [ББ.72.4].*

Ушбу ғазалда Ширин образи маъшуқа-ёр ифодаси билан ўхшатиш санъати асосида боғланган бўлса, Фарҳод ошиқ образига хослашади. Шундан маъшуқа (“ул Ширин санам”) ошиққа висол ваъдасини таклиф этса, ошиқ бу йўлдаги ғам тоғини қазиша тирнокларини Фарҳоднинг тешасига айлантириб олади. Бу ўринда Ширин бир томондан “санам” образига сифатлаш бўлиб, унинг ширинлигини билдирса, иккинчи томондан “Фарҳод ва Ширин” мавзусидаги эпик манзараларни (Фарҳоднинг тоғда ариқ қазиши воқеаси) лирик ифодага айлантиришга хизмат қилмоқда. Шунга биноан мумтоз шеъриятда эпик воқеликлар лирик манзара ва рамзий-мажозий ифодалар учун ниҳоятда дилбар бўлган замин яратиб беради. Алишер Навоий лирикасида бундай поэтик манзараларни юзага келтирадиган образ-тимсоллар олами кўп учрайди. Демак, образ-тимсоллар трансформацияси ҳодисаси эпик ва лирик талқинлар учун алоҳида бадиий-эстетик тафаккур манбаи ҳамда чуқур рамзий-мажозий ифодаларни вужудга келтирадиган пойдевор бўлиб ҳам хизмат қиласи. Байтга ирфоний руҳда назар ташланса, яна бошқа бир ҳолатлар келиб чиқади. Мисол учун шеърда “санам” тимсолининг келтирилиши ҳам фикрни табиий равишда тасаввуф билан туташтиради. У мумтоз шеъриятда севгили, маъшуқа образи мажози бўлиб келади. Тасаввуф истилоҳида мақсад ва матлабни, бошқа бир сифатлар билан эса солик қалбида зохир бўлувчи нозик маъноларни англатади. Бунда Фарҳод ва Ширин ишқи илоҳий йўлидаги қарашларга тамсил ва тимсол бўлиб қолади, холос. Васл эса ишқи илоҳийнинг энг юқори нуқтасини билдириб, эришиш, қўшилиш маъносини англатади. У тасаввуф истилоҳида зухур ва шуюн, яъни даража ва ҳол орасида восита бўлувчи ҳақиқий ваҳдатни, маъшуқа ишқига ғарқ бўлмоқликни, ўзликдан кечиб Ҳаққа ёр бўлмоқни, ваҳдат завқини билдириб келади. Ғам тасаввуфда илоҳий имтиҳон, солик қалбида шавқ ва қувонч зухурланиши, ортиши демакдир. Шу боис уни Алишер Навоий “ғам тоғи” тарзида келтиради. Имом Ғаззолий фикрича, “у инсонни охират ва Аллоҳга боғлайди. Шунинг учун балодан суюниб, шукур айламоқ керак”, – дейди. Бундан кўринадики, шеърда келтирилган васл, санам, ғам тушунчалари ҳам мажозий, ҳам илоҳий ишқ масалалари ифодаларида талқин этилади. Бу ўз навбатида Фарҳод ва Ширин образлари ўзгариш-кўчиш жараёнида хилма-хил бадиий-маърифий ифодалар юзага келишига ҳам хизмат қилишини тасдиқлайди. Алишер Навоий мазкур ғазалида ҳам Фарҳод ва Ширин тимсолини айни мавзуда ифодалаб беради.

*Лаъли шавқидинки ғам тогин қозарсен, эй кўнгул,  
Не бало Ширин ҳаваслиқ нотавон Фарҳодсен[ББ.558.2].*

Унда юқоридаги байтдан фарқли ўлароқ кўнгилга мурожаат этиш орқали поэтик мазмун ифодаланади. “Эй кўнгил, - дейди шоир, сен ёрнинг доно сўзларидан завқланиб ғам тоғини қозасан, бу томондан сен Ширинга ҳавас қилган ишқ дардида бемор бўлган Фарҳодга ўхшайсан”. Кўринадики, кўнгил Фарҳодга қиёсланиб, Фарҳоднинг Ширинга бўлган муҳаббати бу икки образ орасидаги ички ўхшашликни ҳосил қилмоқда. Бунда Ширин кўнгил тимсолига маҳзар вазифасида талқин этилмоқдаки, бу ҳолат шоирнинг ўзига хос бетакрор бадиий кашфиётидир. Шеърда келтирилган “лаъл”, “шавқ”, “ғам” – буларнинг барчаси ошиқда севгилига ҳавасдан келиб чиқадиган ботиний ҳолларни билдиради. Ушбу шеър намунасида ҳам Фарҳод ва Ширин воқелигига хос талқин, поэтик манзара илоҳий бир жазба учун мажоз бўлиб келмоқдадир. Алишер Навоий бошқа бир ғазалида “севгилиниг ҳикматли сўзларини Ширин лаби яширганлигини айтади, шу боис унинг лаби Фарҳоднинг кўзидан оққан қизил қон ёшидан товланиб турганлигига эътибор қаратади. Бу ўринда ниҳоятда гўзал ўхшатиш кузатилилади, яъни ёрнинг қип-қизил лаби ошиқнинг маъшуқа дардида ғам чекиб кўзидан ёш эмас, балки қон оққанлиги туфайлидир. Бунда лаб қизиллиги билан қон қизиллиги муқояса қилинади.

*Каломингни агар Ширин лабида қилмадинг музмар,  
Недин бас лаъл ўлур Фарҳоднинг қон ёшидин хоро[ББ.2.7]?*

Гап шундаки, лаб ва қон қизиллиги ирфоний талқинларда илоҳий ҳақиқатнинг ниҳоят даражада нозиклигига ишора тарзда анъанавий равища талқин қилинади. Бунда Шириннинг сўзларидаги донолик ва Фарҳоднинг унга мафтункорлиги мана шу илоҳий ҳақиқатлар ифодаси учун мажоз бўлиб олинади. Алишер Навоий “Бадойиъ ул-бидоя” девонида худди шундай манзарани бошқа бир ғазалида ҳам давом эттиради. Бироқ бунда қон ва лаб қизиллиги ўзга поэтик маъноларга йўғрилади. Бу ғазалда лирик қаҳрамон гўё кузатувчи бўлиб иштирок этади. Шеър мазмунига кўра, “ошиқ (Фарҳод) жони билан чизиб, рангни қонидан қилса, яратувчи маъшуқа (Ширин) лабини шакар ёғдирувчи қилди” – тарзида англашилади.

*Магар Фарҳод жонидин сизиб, қонидин этти ранг  
Қадар суратгари Ширин лаби лаъли шакарборин [ББ.566.4].*

Кўринадики, бу байтда Ширин – маъшуқа образи ифодаси учун бир тимсол вазифасини бажаради. Бу эса Ширин образининг аниқ шахсиятдан маъшуқа тимсолига ўзгарганлигини кўрсатади. Демак, Алишер Навоий шеъриятида образ трансформацияси жараёнида хилма-хил поэтик

ифодаларга ҳам хослашади ва рангин бадий функцияларни бажаришга хизмат қилади.

Хуллас, Алишер Навоий “Бадойиъ ул-бидоя” девонида яна бошқа сатрларда ҳам Ширин образига мурожаат этади ва бу образ орқали ўзининг турфа бадий-эстетик фикрларини илгари суради. Бизга равшанки, шоир ижодида, шу жумладан, шеъриятида Ширин образи муҳим ўрин тутади. Бу образ узоқ тарихий босқичлардан ўтиб, янгиланиб, ўзгариб мумтоз шеърият оламида дилбар бир тимсол сифатида тараннум этилади.

### **Адабиётлар:**

1. Alisher Navoiy. To‘la asarlar to‘plami. Farhod va Shirin. – Toshkent: O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligi G‘ofur G‘ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2012. – 812 b.
2. Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. Биринчи том. Бадойиъ ул-бидоя. – Тошкент: “Фан”, 1987. – 724 бет.
3. Навоий асарлари луғати. – Тошкент: F. Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972. – 784 бет.
4. Тоҳиров С. Темурийлар даврида хамсанавислик. Монография. – Самарқанд: СамДУ нашри, 2020, - 172 бет
5. Ҳаққулов И. Тасаввуф ва шеърият. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991. – 184 б.

**АЛИШЕР НАВОИЙ МЕРОСИ ВА АДАБИЙ ТАЪСИР**  
**МАСАЛАЛАРИ** Бисмиллахир роҳманир роҳийм

**“Матлаъ ул-анвор” ва “Ҳайрат ул-аброр” достонларида тил ва  
адабиёт масалаларининг ёритилиши**

*СамДУ, мумтоз адабиёт тарихи кафедраси профессори  
ф.ф.д. М.Қ.Муҳиддинов*

Навоий ва салафлари тил, сўз ҳақида баён этган фикрлари бошқа тадқиқотчиларнинг ҳам дикқатини тортган. Аммо бу масала, биринчидан, бутун Шарқ адабиёти анъаналари контекстида олиб ўрганилган эмас, иккинчидан «Хамса» достонларнинг умумий мазмуни, моҳиятига боғлаб талқин этилмаган. Жумладан, икки улкан шоир Хусрав Дехлавий ва Алишер Навоийнинг тил, тил одоби, бадиий адабиёт борасидаги қарашлари чоғишириб чиқилмаган, уларнинг қарашлари орасидаги фарқлар очилмаган.

Шунинг учун биз бу адибларнинг мазкур масалага оид мулоҳазалари акс этган шеърий байтларини таҳлил қилишни, лозим топдик. Аввало, Хусрав Дехлавий ва Алишер Навоий қарашларидаги муштаракликка эътиборингизни қаратмоқчимиз. Ҳар икки шоир ҳам Сўз – биринчи қудрат турткисини, оламнинг яратилишига нидо – асос бўлган, деган фалсафий тушунчага эътиқод қиласидар. Гўё Мутлақ илоҳ моддий оламни яратиш мақсадида «кун», «факона» – «ярал», «бўл», деб хитоб этган ва дунё яралган экан. Яъни, сўз бирламчи (азалдан), амал иккиламчи, деган тушунча ҳам шундай келиб чиқсан. Мутлақ илоҳ оламни яратгандан кейин Сўзни инсонга бағишлиди. Хусрав Дехлавийнинг фикрича, олам ҳам, одам ҳам сўз учун қолип – илоҳ рух манзилгоҳи.

Инсоннинг тириклиги, жони, ҳаёти сўз туфайли, зеро Одамийдан ўзга сўзловчи тирик вужуд йўқ. Ҳайвонлар ҳам тирик, юради, аммо нутқи назаридан улар ҳам тирик эмас.

*Пас чу чунин аст, сухан ҷони мост,  
В-он ки бад-у зинда бувад, з-они мост<sup>53</sup>.*

(Шундай бўлгач, сўз бизнинг жонимиздир ва нимаики бизни тирилтиrsa, у бизникидир).

Алишер Навоийнинг фикрича ҳам: «Сўз гавҳарининг шарафи» баландлигига сабаб унинг бутун олам қудрати тарафидан тўхфа этилганидир. У «тўрт садаф гавҳарнинг дуржи» – яъни тўрт унсур (сув, ҳаво, ўт, тупроқдан

<sup>53</sup> Амир Хусрав Дехлавий. «Матлаъул аниор». Составление критического текста и предисловие Тахира Ахмед оглы Магеррамова. Вступительная статья Г. Ю. Алиева, «Наука», М., 1975 г., 112-б.

хосил бўлган инсон зотиниг бош хусусиятини белгилайди, инсон нутқи билан инсон, нутқ уни барчадан афзал этади. Сўз, нутқ – рух, қолип ичидағи жон, ҳаёт, ҳаракат демак, тил фақат алоқа қуроли, инсонни мумтоз этган неъматгина эмас, балки инсон учун азоб-изтироблар келтирадиган нарса ҳам, зеро тил – киши бошига кўп фалокатлар келтиради, «руҳни ҳалок этади». Навоийнинг масалага қанчалик чуқур қараганини ҳис этиш қийин эмас. Шоир фикрини давом эттириб ёзадиким, сўзнинг қучи бениҳоя улуғ, «қаломи фасех (гўзал сўз) ўлганни тирилтириши ҳам мумкин. Шоҳнинг бир оғиз сўзи, дейди Навоий, «бедод» – зулмга сабаб бўлади, аммо ўртада жаллод бадном бўлади. Сўз масъулияти қанчалик баланд эканини, одамлар тақдири, кишиларнинг ҳаёти бир сўз билан ҳал этилиши – ё бахтга мұяссар, ё абадул-абад бадбаҳт бўлишини, сўз одамларини жонғидоликка, улуғ мақсадлар сари кўрашга сафарбар этишини қайд этган. Навоий, айни вақтда сўзнинг эстетик таъсир кўчини кўрсатишни унумаган. Шоир қизиқ мисол келтиради: «Гунча оғизлик санами нўшлаб» гўзални курсанг, унинг хуш сурати, зебо қадду қомати кишини лол қолдирса-да, зоҳирлан унинг чиройли суратдан унинг фарқи йўқ. Лекин, агар шу чирой, ҳуснга яраша малоҳатли, жонситан нутқи ҳам бўлса, у:

*Солгуси жинси бани одамга ўт,  
Не бани одам, бари оламга ўт.  
Ҳар дам этиб элни ҳалок ўртагай,  
Балки башар хайлини пок ўртагай<sup>54</sup>.*

Мана шу ерда Навоий бадиий адабиёт, яъни «фасоҳатли сўз»нинг сўзу гудозидан ҳиқоя бошлаб, шеърнинг, шоир сўзининг қудратини усталик билан қайд этади. Бунда ҳам нозик йўл топған: боя ўзи таъриф этган ўша гўзал сўзга чечанлиги билан олам аҳлинини маству сархуш эта олади, аммо у Навоий газалини ўқиса-чи. Унда:

*Ким анга алфоз ўлуб отами фицион,  
Берса улус кўнглига мунгдин нишон.  
Базмда ул лаҳза алолони кўр,  
Кўйи харобот аро гавгони кўр.  
Кўрки нечукдур яқо чок айламак,  
Ўзни фигон бирла ҳалок айламак<sup>55</sup>.*

Шоир умуман бадиий сўзнинг таъсир кучини, жумладан ўз шеърларининг нақадар баланд қадрланиши, одамлар кўнгилига ғулғула солиб, ҳаяжон қўзғашини фаҳр билан тасвирлаган. Шу ерда Навоий бадиий

<sup>54</sup> Алишер Навоий. «Хамса», танқидий матн. Нашрга тайёрловчи П. Шамсиев. Тошкент, «ФАН», 1960 й., 34-б.

<sup>55</sup> Ўша асар, 34-б.

сўзни иккига ажратади: наср ва назм. Анъанага мувофиқ назм(шеър)ни насрдан устун кўяди. Чунки наср – сочма, назм эса тартибга туширилган сўз, шунга кўра унинг таъсири ҳам ўзгача. Бу ақида Низомийда ҳам бор. Навоий бу ерда Низомий фикрини қувватлаган. Хусрав Дехлавийда сўзни бадиий ижод намунаси сифатида олиб қараш йўқ. Шу боис наср сузни хусусидаги мулоҳазалар йўқ. Хусрав Дехлавий тилнинг инсоният жамиятидаги ўрни, ахлоқ-одоб билан боғлиқ жиҳатларига кўпроқ эътибор беради. Тил кишиларни бир-бирига боғлайди ва тил одамларни бир-биридан ажратади, одамлар орасидаги фарқ ҳам тилда акс этади: «Одамийнинг тақвоси ва иккиюзламалиги ундан, ҳам одамлар билан эшаклар орасидаги фарқ ундан». Шоир шунга аминки, тилни сақлаш, тилга эҳтиёт бўлиб юриш кишига ҳаётда кўп фойда келтиради. Тил – хазинадан ҳам афзал, хазинани эҳтиёт қилиш шарт эмас, тилни эҳтиёт қилиш керак, дейди. Одам нутқини ривожлантириши, тарбиялаши, одобли бўлиши, сухбатда ширингуфторлик билан маҳбубу маъқул бўлиши керак. Сўз – олтиндан қиммат:

*Нархи сухан кард нашояд ба мол,  
З-он ки сухан ҷон буваду зар сафол<sup>56</sup>.*

(Сўзниг нархини мол билан ўлчаш ярашмайди, чунки сўз жондир, олтин эса – сафол). Сўзни ҳам маънодон, нуқтадон одамга айтса дуруст, ҳар кимса ҳам яхши сўзниг қадрига етмайди, фахмига етиб, ундан лаззат топмайди. Нозик кўнгилли, сўздаги маъноларни қилни қирқ ёргандай фарқлайдиган одамнинг сухбати хузур-ҳаловат бағишлайди. Сухбатда ҳар нарсани айтавериш одобдан эмас, ундан кўра жим ўтириш афзал. Ёмон сўз ёмон қўшиқ каби ёқимсиз, ёмон қўшиқнинг ёмон куйи эса жонингни арралагандай азоб беради.

Алдов, ёлғон каби ёмон ниятларга сўзни сарфлаш гуноҳ. Ҳолбуки, бу одамлар орасида анча кенг тарқалган. Сўздан фириб, найранг учун фойдаланадилар ва рост қавл кишиларни йўлдан урадилар. Хусрав Дехлавий бундай ёмон сўз билан кун кўрувчилар тоифасидан, айниқса уч гуруҳни ажратиб кўрсатади. Булар: маддоҳ шоирлар, мунажжимлар ва фолбинлар («куръазан»), Буларнинг ишида баракат йўқ, чунки касблари ёлғонга асосланган.

Бу шоирнинг катта журъати эди, негаки мадхиячи шоирлар, куръачилар ва мунажжимлар шоҳлар саройида катта обрўга эга эдилар, нодон, авом халқ ҳам уларга ишонарди. Шоирлар золим шоҳларни одил деб мақтаб, уларни арзимас ишларини кўкларга кўтариб мақтаб, эл назарида бўяб кўрсатар,

<sup>56</sup> Амир Хусрав Дехлавий. «Матлаъул анвор». Составление критическою текста и предисловие Тахира Ахмед оглы Магеррамова. Вступительная статья Г. Ю. Алиева, «Наука», М., 1975 г., 113-6.

қабиҳликларини яширардилар. Бундай адабиёт сўз синъатининг ўзига ҳам зиён етказарди, ҳам зерикарли қасидалар, сўзбозлик авж олар эди. Дехлавий, Жомий, Навоий каби даҳо адиблар ҳеч қачон бу йўлга кирмаганлар ва маддоҳ адибларнинг ишларини қаттиқ қоралаганлар. Масалан, Алишер Навоий «Маҳбуб ул-қулуб» асарида устозлари – Аттор, Румий, Ҳофиз, Жомий, Хусрав ҳақида, уларнинг баланд қадрли шеърияти ҳақида тўхтаб, кейин «адно табақаси» (паст табақа) шоирларни тилга олиб ўтади. Уларнинг «не шоирона таркиблари аҳсан ва не ошиқона сўзу дардлари шўълаафкан. Баъзисидин агар гоҳе бирор яхши байт воқеъ бўлур, аммо ўн онча ямон даъво зохир бўлурки, у ҳам зоеъ бўлур»<sup>57</sup> деб ёзади. Навоий бундай «шоирталаб» сўзи ёлғон ўзи кибру ҳаволи кишилардан безор бўлганини «Хайрат ул-аброр» достонида ҳам сўз маъносига бағишлиланган бобда қайд этган. Турфа буким, деб нолийди улуғ шоир, улар менинг ўзимнинг шеъримни рангу руйини ўзgartириб, тўғрироғи, уни бузиб, яна олдимга олиб келадилар, «шеър»нинг ҳолига йиғлагинг келади:

Зоҳир этиб йиғлагудек ҳол анга,  
Кийдурубон эски қаро шол анга.  
Турфа буким шеър қўюб отиши,  
Еткурбон кўкка мубоҳотини<sup>58</sup>.

Бундай ўғри «тақлидчилар», «бидирмасдан» ўзиники қилиб олиш Хусрав Дехлавий замонида ҳам, Навоий замонида ҳам кўп бўлган. Улар хозир ҳам бор. Ҳозир ҳам талантли шоирларнинг ғоя ва иборалари, образларини ўзлаштирувчи ва Навоий айтганидай, уялмай эълон қилдирувчи, тағин таҳсин қутадиган шоирнамолар кам дейсизми? «Англамайин сўзда туюқ баҳрини, қайси туюқ, балки қўшук баҳрини», «лафзи bemaza, таркиби суст» шоирлар шеър қадрини тушириб келдилар.

Алишер Навоий ёлғончи шоирлар каби мунахжимларга нисбатан ҳам салбий муносабат билдирган. «Маҳбуб ул-қулуб» асарининг «Аҳли нужум зикрида» деб номланувчи йигирма бешинчи фаслида шундай сўзларни ўқиймиз: «Мунажжимки, савобит ва сайёр назоратидан хукм сурар, раммолдекдурки, нукталари ҳисоби била лоғ ураг», яъни, «юлдузлар ва сайёralарга назар солиб, хукм чиқарадиган мунахжим тош соққаларга қараб фол очадиган фолбин кабидир». Уларнинг бутун асбоби ҳийла-найранг, бутун хатти-харакати бефойда ва бесамарадир. Одамларни ёлғон сўзлар, афсоналар билан алдайдиган, кўзбуюмачи бу шахсларни қуидаги ғоят

<sup>57 57</sup> Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами, 9 жилд. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги. F. Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, Т. 2011, 465-б

<sup>58</sup> Алишер Навоий. «Хамса», танқидий матн. Нашрга тайёрловчи П. Шамсиев. Тошкент, «ФАН», 1960 й., 36-б.

оригинал киноя-ташбих орқали фош этиб ташлаган: «Ўз илгидаги бир анор бўлса билмаски, неча донаси бор ва ул дона аччиғмидур ё зумухтваш, ё чучукмудуур...»<sup>59</sup> бироқ, «фалаки мудоввар» ҳақида сиру асрор айтишга бел боғлайдилар. Шунинг учун уларниш «сўзи рост эмас», деб хулосалайди Навоий. Кўриб турибмизки, икки буюк шоирнинг ростлик ва ёлғончилик хусусида билдирган фикрларида ўхшашлик қўп. Шу ҳам маълум бўладики, тил ҳақидаги масаланинг мазмуни чуқур экан, у қўп ижтимоий масалаларни адабий-танқидий қарашларни ҳам қамраб олар экан.

Бироқ Амир Хусравнинг тил ҳақидаги сўзи шу билан тугамайди. У ростқавллик, ростгўйликнинг аҳамиятини анча батафсил тушунтириб, мисоллар орқали исботлашга ҳаракат қиласди. Шоир қўлида ростлик калити бўлган баҳт эшиги – ҳаммавақт очиқ дейди.

*Сар чу сўйи ростӣ овард мард,  
Боди ҳаводис кулаҳаш каҷ накард.  
Ҳар ки ба тан рост аломат бувад,  
Қолаби тавқеъ саломат бувад.  
Сидқ ҷуз аз ростии дил нахост,  
Тир шуд аз колбади рост рост<sup>60</sup>.*

(Ростлик томон бошини бурган кишининг бош кийимини ҳодисалар шамоли олиб кетолмайди: тани-жисми ростликка хизмат қилган, ростлик аломати бўлган одамнинг вужуд қолипи саломат бўлади: садоқат қўнгилнинг ростлигидан бошқани истамайди – тўғри қолипдан чиққан ўқ тўғридир, тўғри учиб боради).

Ростлик, ростқавл тилнинг фазилатидан ростлик йўлида фойдаланиш демак, ростгўй одам ёлғончиларни ёмон кўради, ёлғон ахир одамлар орасини бузадиган, одамларни бир-бирига душман қиласдиган паст хислат: Амир Хусрав ёлғончилик ғийбатни, жанжални, фисқу фасод, тухмат-адоватни келтириб чиқаради, деб таъкидлайди. Шоир шундан кейин насиҳат қилиб айтадики, агар тилини ростлик йўлида, туз мақсадга сарфлай олмасанг, яхшиси жим юр, лақма, беандиша бўлма. Тил одамни оламга танитади, машҳур қиласди, шу билан бир қаторда, тил расвойи жаҳон қилиши, обрўсизлантириши ҳам мумкин. Айниқса, иккиюзламачи, икки хил гап қиласдиган, олдингда мақтаб, орқангдан лой чаплайдиган риёкорлардан қўрқ, деб огоҳлантиради Хусрав Дехлавий. Аммо, шу ҳам борки, икки хил сўзлайдиган ёлғончилар охир-оқибат пушаймон бўладилар. Бу ёмон одат

<sup>59</sup> Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами, 9 жилд. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги. Ф. Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, Т. 2011, 471-б

<sup>60</sup> Амир Хусрав Дехлавий. «Матлаъул анвор». Составление критическою текста и предисловие Тахира Ахмед оглы Магеррамова. Вступительная статья Г. Ю. Алиева, «Наука», М., 1975 г., 116-б.

уларнинг бошини ейди. Икки хил гапириш пичоқни пичоқ билан қайраш ёки илонни арқон билан алдашдай гап, бир кун пичоқ бошингни олиши ёки илон алдаганингни билиб қолиб, заҳар сочиб ўлдириши мумкин.

Ақлли одам кўп гапирмайди, тилни эҳтиёт қиласди:

*Пистаи пурмагз нағұяд сухун,  
Гарчи даҳонаст зи сар то ба бун<sup>61</sup>.*

(Мағзи бутун писта бошдан оёқ оғиз бўлса ҳам индамай туради.) Оғзи бўш, эзма одам ғофил киши, у жиддий муҳокама юритолмайди, ўзининг эзмалиги билан бошқаларга ҳам зарар келтиради. Сергап одамлар кўча-кўйда ғавғо кўтариб, бақириб-қичқириб. Ахоли тинчлигини бузадилар, бу одамийлик фазилатига зид, одамийликни хароб этадиган тубан одам:

*Одамӣ аз арбада бечора гашт,  
К-аз шағаби раъд замин пора гашт.  
Он ки кунад гўш кар овози ў,  
Ноиби каҷной бувад ноиي ў.  
Хар чу кунад бонг ба ҳамсояғӣ,  
Мағзи сар афтад ба тиҳи мояғӣ<sup>62</sup>.*

(Одамзод жанжал, ғавғодан бечора бўлади, чунки момакалдироқнинг ғавғосидан ер парчаланади, овози қулоқни кар қиласидиган одамларнинг томоғи эгри карнайга ноибdir).

Шу тариқа, Амир Хусрав тил ҳақида фикр юритиб, инсон одоби, ўзаро муомала, кишининг жамиятдаги ўрин, ўзини тутиши каби ахлоқий масалалар атрофига муҳим пандомуз фикрларни баён этган. Бу фикрлар ҳеч қачон эскирмайди, ҳар доим яхшиликка чорловчи ҳикмат бўлиб жаранглаб туради.

Алишер Навоийнинг «Ҳайрат ул-аброр» достонидаги тилга бағишиланган бобларда асосан, сўзнинг фалсафий-ижтимоий моҳияти, функциялари ва бадиий адабиёт сифатидаги жозибаси, сўз санъатининг буюк таъсири, тарбиявий-маънавий аҳамияти кўрсатилган. Аммо ўзбек шоири бошқа жойда – ўнинчи мақолатда ростгўйлик фазилати ва ёлғон гапиришнинг зарари ҳақида алоҳида тўхтаган. Навоий ростлик, ростқавлликка жуда катта аҳамият берган. Буни одмийлик, инсонийликнинг муҳим белгиси сифатида олиб қараган. У «Вужуд уйи ана шу туз (рост) сутун била барност» мазкур уйнинг чироғи, баракати ҳам ростлик, дейди. Улуғ шоир бошдан охиргача ростлик билан эгриликни қиёслаб боради, ростлик одамни қандай улуғлаши ва эгрилик, ёлғончилик қандай тубанликларни келтириб чиқаришини қатор мисоллар воситасида исботлашга интилади. Шуни ҳам сезиш мумкинки, агар Амир Хусрав ростликни кўпроқ тил билан боғлаб, росқавллик билан вобаста

<sup>61</sup> Ўша асар, 118-б.

<sup>62</sup> Ўша асар, 119-б.

тарзда изоҳлаган бўлса, Алишер Навоий буни кишининг хулқи, тийнати билан боғлаб тушунтиради, одамнинг табиатидан келиб чиқадиган хислатлар сифатида олиб қарайди. Масалан, у ростлик ва эгриликни мана бундай қиёслаган:

*Ростдор улким назари тўғридур,  
Ким илиги эгридур – ул ўғридур.  
Бўлса илик эгрилик ичра самар,  
Эл ани кесмакда туз этгай магар.  
Кўзки эрур эгри анинг хилқати,  
Бирни икки кўрмак эрур санъати<sup>63</sup>.*

Яъни: назари тўғри бўлган одам ростқавл, рострав бўлади, қўли эгри бўлган киши – ўғридир. Қўл агар эгриликка одатланса, эл уни кесиб, тузата оладими (ёки эл уни кесиб туз сепади). Агар қўзнинг тузилиши эгри бўлса, биттани иккита қилиб кўрсатади – одамни алдайди. Ёлғончилик шоҳларни, вазирларни йўлдан уриб, уруш-қирғинлар, нодуруст ҳукмлар, адолатсизлик, зулм-золимликка сабаб бўлади. Рост йўлдан юрган шоҳ – адолатли шоҳ, ростнавис котиб – ҳақиқат ҳимоячиси, ростгўй одам – ҳақиқат жарчиси. Алишер Навоий ана шу тариқа ростликни шарафлаган. Улуғ шоир шуни ҳам кўзатганки, ростгўй одамнинг ҳаёти енгил эмас, ҳар хил тўсиқларга дуч келади, унга тухмат қиласидилар. Фалакнинг ўзи ҳам ростгўй одамни ёқтирмайди, чунки фалакнинг ўзи кажрафтор – эгрипарвар.

*Ул киишиким, тузлук эрур шон анга,  
Душман эрур гардиши даврон анга.  
Хомаки тузлукка эрур раҳнамун,  
Кесилибон боши бўлур сарнагун<sup>64</sup>.*

Шунаقا, бир тарафдан «rosti rasti», яъни ростлик – қутулмоқлик, камолот, иккинчи томондан, пок виждонлик ҳақиқатгўй одамларнинг оғир саргузаштларни бошидан кечириши, қийинчилик кўриши. Навоий бу зиддиятни илғаб, ростликни ҳақиқатпаратлик, чин сўзлилик, виждон аа садоқат каби тушунчалар билан боғлар экан, жамиятдаги абадий кураш – яхши, адолатҳоҳ одамлар билан найрангбоз, қаллоб, ёлғончи шахслар орасидаги курашни ифодалаб берган ва ўзи ўша ростлик тантанаси учун курашувчилар тарафида туриб, фикр изҳор этган.

Алишер Навоийнинг таъкидига кўра кизб (ёлғон), фирибгарлик билан ном қозонган одамнинг чин сўзига ҳам одамлар ишонмайдилар («чин деса

<sup>63</sup> Алишер Навоий. «Ҳамса», танқидий матн. Нашрга тайёрлоичи П. Шамсиев Тошкент, «ФАН», 1960 й., 90-б.

<sup>64</sup> Ўша асар, 91-б.

хам халқ ишонмас анга»). Бунинг исботи учун боб охирига ёлғончи дуррож (қирғовул) ва шер хикоятини келтиради. Ўрмонда бир баҳайбат шер бор эди, болаларини жуда яхши кўрар, улар билан ўйнаб юрарди. Болаларини тишида олиб юрарди. Ўша ўрмонда бир қирғовул ҳам яшар, шер боласини тишлаб у жойдан бу жойга ўтганда пир этиб учар, шер эса ҳадиксираб тишини боласининг баданига ботирарди ва боласи ҳалок бўларди. Бу ғам шерни эзарди. Бундан қутулиш учун шер дуррож билан дўстлашишга аҳд қилади. Шер дуррожга: менинг сенга ҳеч бир қасдим йўқ, менга дўст бўлсанг, сени душманлардан ҳалос этиб, ҳимоямга оламан, дегач, дуррож ҳам рози бўлади. Лекин дуррож шерни ёлғон нағмалар, сўзлар билан алдар эди. Шер унинг ёлғонларига кўнишиб қолган эди. Бир кун дуррож овчининг тузоғига илиниб, ҳарчанд ёрдамга чақирса ҳам, шер ҳар галгидек алдаяпти деб, пинагини бўзмайди. Натижада дуррож ҳалок бўлади.

Бу ҳикоя орқали шоир ёлғончилик, қозибликнинг охири ҳалокатли эканини кўрсатган. «Инсоннинг ҳамма гуфтори ҳам хуш эмас, қадрланадиган сўз хушдир» дея бобни яқунлаган. Амир Хусрав ҳам охирида бир ҳикоят келтиради. Унда авлиёлардан бири Иброҳим ибни Адҳам йўлда кетаётганда бир йўловчи ундан: бу улуғ мартабани, билим-маърифатни қандай эгалладинг, деб сўрайди. Шунда Иброҳим:

*Гуфт: аз он рӯ, ки забон солу моҳ,  
Доштам аз беҳудагўйи нигоҳ.  
Дурчи даҳонро нагшодам зи банд,  
Ҷуз ба ҳадисе, ки бувад судманд...  
Гуфтани бефоида тарки ҳаёст,  
Қавли муваҷчаҳ сифати анбиёст<sup>65</sup>.*

(Дейди: тилимни ою йиллар беҳуда, бемаъни сўзлар айтишдан сақладим. Оғиз сандиқчасини фойдали сўздан бошқасига очмадим. Фойдасиз сўз айтиш ҳаётга зиддир, асосли, мақбул сўз айтиш пайғамбарлар сифатидир).

Шу тариқа: Амир Хусрав аксар сўзнинг ҳаётдаги амалий аҳамиятини, ростгўйликнинг нафи ва ёлғончиликнинг, сергаплик, беҳудагўйликнинг зарарини таъкидлашга эътиборни қаратса, Алишер Навоий тил масаласига чуқурроқ ёндашиб, рост ва ёлғоннинг ижтимоий моҳиятини очишга, одамлар ҳаёти, жамиятга таъсирини тушуниришга диққат берганлиги маълум бўлади.

Шундай қилиб, тил, сўз ҳақидаги фикрлар Амир Хусрав ва Алишер Навоийда бир-бирига тўғри келади. Аммо Навоийда эҳтирос кучлироқ,

<sup>65</sup> Амир Хусрав Дехлавий. «Матлаъул анвор». Составление критического текста и предисловие Тахира Ахмед оглы Магеррамова. Вступительная статья Г. Ю. Алиева, «Наука». М., 1975, 124-б.

танқид руҳи ўткир. Бундан ташқари сўз бобида Навоий туркий тилнинг имкониятлари хусусида гапириб, ўзи журъат билан бу тилда катта асар бошлаганини ҳам ғурур билан баён этганки, бу ҳам унинг асарининг ўзига хослигини белгилайди.

Умуман олганда сўз – одамнинг шарафи, сўз – фазилат, сўз – ахлоқий камолот воситаси. Шунинг учун уни шу йўлда сарфлаш лозим. Буюк шоирларнинг холосаси – ана шу.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Алишер Навоий. «Хамса», танқидий матн. Нашрга тайёрловчи П. Шамсиев. Тошкент, «ФАН», 1960 й., 56-б.
2. Амир Хусрав Дехлавий. «Матлаъул анвор». Составление критического текста и предисловие Тахира Ахмед оглы Магеррамова. Вступительная статья Г. Ю. Алиева, «Наука», М., 1975 г., 83-б.
3. Низомий Ганжавий Куллиёт, жилди 5, “Махзан ул-асрор”, Душанбе нашриёти “ИРФОН”, 259-308 с.
4. Амир Хусрав Дехлавий, Осори Мунтаҳаб, Дарчаҳор жилд, 1-жилд, Д. “ИРФОН”, 1971.
5. Абдурахмон Жомий. “Ҳафт авранг” литография, Т. 1913
6. Е.Э.Бертельс, Навоий (проф. И.К.Мирзаев таржимаси, Т. “Tafakkur qanoti” нашр 2015)
7. Ян Рипка. История таджикской и персидской литературы, изд. “Прогресс”, М. 1970
8. Брагинский И.С. Из истории таджикской и персидской литературы. - М.: Наука, 1972.
9. Muhiddinov M.K. System of Values and Sufis (The Image of Values and Sufis in the First Epics of "Khamsa"). International Journal of Psychosocial Rehabilitation // Vol. 24, Issue 05, 2020. –Р. 6702-6712. ISSN: 1475-7192
10. Н.Комилов Хизр чашмаси, Т. “Маънавият”, 2005
11. Алиев Г.Ю. Темы и сюжеты Низами в литературах народов Востока, “Наука” М. 1985
12. Имомназаров М. Тўққиз осмон юлдузлари, F.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашри. Т., 1989, 120-304 б.
13. Шамухамедова С.Ш. В поисках идеала. Т. “Фан”, 1982
14. Бақоев М. Ҳаёт ва эжодиёти Хусрави Дехлавий. - Д.: Дониш, 1975.
15. Э.И. Фозилов. Алишер Навоий асарлари луғати I.T. “NISO POLIGRAF” 2013

## НАВОЙНИНГ “ДЕВОНИ ФОНИЙ” АСАРИДА ҒАЗАЛ ЖАНРИНИНГ МАВҚЕИ

**Жума Ҳамро**

*Самарқанд давлат университети  
тоҷик тили ва адабиёти кафедраси мудири,  
филология фанлари доктори, профессор*

*Juma.Hamroh47@mail.ru*

Алишер Навоий ёшлик чоғларидан форс-тожик халқига, унинг адабиётига нисбатан чексиз хурмат ҳамда мисли кўрилмаган меҳр ва муҳаббатни ҳис қилас әди. Ана шу чексиз муҳаббат ва эҳтиром унинг форс-тожик тилида ҳам шеър битишга ундейди. Яъни, у ўзбек шеъриятида “Навоий” тахаллуси билан машҳурликка эришган бўлса, “Фоний” тахаллуси билан форс-тожик назмида ҳам ўчмас из қолдирган. У туркий тилдаги шеърининг “маъноси ширин ва рангли” эканлигини таъкидлаб, форсий тилдаги шеърларини ҳам юқори баҳолаб, “қимматли дур-маржонлар”га ўхшатади ва икки тилдаги шеърларини жуда нозиклик билан қуидагича тасвирлайди:

Маъни ширину рангинам ба туркӣ беҳад аст,  
Форсӣ ҳам лаълу дурҳои симин, чун бингарӣ.  
Гӯиё дар раstabозори сухан бикшуудаам,  
Як тараф дўкони қаннодиву як сў заргарӣ.

Албатта, икки тилда ижод қилиб, шу даражада ном қозонган ижодкор дунё адабиётида саноқли ва улардан биттаси Ҳазрат Навоийдир. Навоийнинг форс тилида шеър ёзиш маҳорати ўз-ўзидан пайдо бўлмаган. Садриддин Айний “Алишер Навоий” номли монографиясида Навоийнинг ёшлигидан форс адабиётига меҳри борлиги, Фирдавсий, Аттор, Низомий, Саъдий, Хофиз каби классик адилларнинг асарларини ўқигани, ўз замондош шоири Абдураҳмон Жомийдан таълим ва тарбия олганлиги туфайли форс адабиётида ҳам ўз назми билан юқори чўққиларга эришганлигини таъкидлаб ўтади.

Агар Навоий ижодига назар ташласак, шеъриятнинг кўплаб жанрларида қалам тебратганлиги ойдинлашади. Жумладан, ғазал, рубоий, туюқ, фард, қитъа, муҳаммас, мусаддас, мусаллам ва бошқа жанрлар унинг шеърий асарларида кўзга ташланади. Ўзбек адабиётида бу каби жанрларда ҳеч бир шоир Навоийчалик ижод қилганлигини гувоҳи бўлмаймиз.

Навоийнинг форс тилида ёзилган “Девони Фоний” асарида ҳам форс-тожик адабиётида маълум ва машҳур бўлган кўплаб шеърий жанрларни кўриш мумкин. XV асрда Абдураҳмон Жомий, Камолиддин Биноий, Сайфий

Бухорий, Абдуллоҳ Хотифий, Мавлоно Осафий, Бадриддин Ҳилолийкаби машҳур форс-тожик шоирларининг ижодида ғазал жанри бошқа жанрларга нисбатан кўпроқ кузатилганидек, Навоийнинг ҳам форс-тожик тилидаги назмида айнан шу жанрга кўпроқ ургу берилганлигини кўрамиз. Унинг бу тилда ёзган ғазалларини ҳисоблаб чиққанда 552 ғазал борлиги аниқланади ҳамда улар ҳаммаси бўлиб 4351 байтни ташкил этади. Кўринадики, Навоийнинг “Девони Фоний” асарида ғазал жанри сон жиҳатдан биринчи ўринда туради.

Шоир уларнинг бир қисмини татаббу тарзида яратган. Навоийнинг татаббулариасосанфорс-тожик классик шоирлари – Саъдий Шерозий, Хусрав Дехлавий, Ҳофиз Шерозий, Камол Хужандий, Абдураҳмон Жомий ғазалларига битилган.

Татаббуъ сўзининг луғавий маъноси бирор нарсанинг кетидан тушиш, изидан бориши англауди; адабиётшуносликда бирор шеърдан таъсирланиб, ундаги вазн, қофияни (радиф бўлса, уни ҳам) сақлаган ҳолда асар ёзишдир. Баъзан бундай шеърлар ўхшатма, жавобия, назира ҳам деб номланади. Агар Навоийнинг форсий девонидаги татаббуъларини таснифласак қуйидаги кўринишга келади:

Навоий «Девони Фоний»да салафларидан бўлмиш Саъдий Шерозийнинг 22 ғазалига татаббуъ қилган ва унинг ғазаллари таврида (шоир девонида айнан “тавр” сўзи келган ва бу сўз услуб, тарз, равиш маъноларини ифода этади) 2 та ғазали ҳам бор.

Алишер Навоий бошқа устози Хусрав Дехлавийни “Хамса”даги ҳар достони аввалида ўзининг мўътабар салафи сифатида таърифлайди, унинг бадиий маҳорати юксак баҳоланади. Навоий Хусрав ғазалларидан “Девони Фоний”да 32 та ғазалига татаббуъ қилган ва таврида битта ғазал битган.

Навоий Ҳожа Ҳофиз ғазалларидаги маҳоратни юксак баҳолаган. “Девони Фоний”да Ҳофизнинг ғазаллари татаббуъида 211, таврида эса 20 ғазал мавжуд. Айтиш керакки, Навоий Ҳофиз ғазалларидан тасаввуфий мазмундагиларни олган. Масалан, Ҳофиз “Девон”ининг охирги тўлдирилган нашрларида ҳаммаси бўлиб 418 ғазални кузатишими мумкин. Бу дегани Ҳазрат Навоий Ҳофиз ғазалларининг ярмидан кўпига мароқ билан жавоб ёзган, улардан таъсирланган. Мисол сифатида қуйидаги машҳур ғазалларни келтириш мақсадга мувофиқдир:

Ҳожа Ҳофиз ғазали:

Воизон, к-ин чилва бар меҳробу минбар мекунанд,  
Чун ба хилват мераванд, он кори дигар мекунанд.

Ҳожа Ҳофиз ғазалига Навоий татаббуъи:

Воизон то чанд манъи чому соғар мекунанд,

Чун димоги хешро ҳам гаҳ-гаҳе тар мекунанд.

Агар Ҳофиз мазкур ғазалда воизларнинг сўзи ўзининг амалига мужассам эмаслигини таъкидласа, Навоий масалани моддий ҳаётда кузатиладиган воқеликка асосланган ҳолда талқин қиласди. Яъни, у воизларнинг одамларга шароб ичишни манъ қилиб, хилватда ўзлари бу айшни суришлари ҳақида жасорат билан сўз юритган. Айнан шу жиҳатлари билан Фонийнинг тасвир услуби соддароқ кўринади. Бундан хулоса қилиш мумкинки, шоирнинг татаббуълари салафлари ғазалларидан ҳар томонлама кам ҳисобланмайди.

Шарқшунос олим, академик Абдулғани Мирзоев ўзининг “Сездах мақола” номли тўпламида Навоийнинг форсча татаббуъ ғазалларини Ҳофиз Шерозий ғазаллари билан қиёслаб, шундай хулосага келган эди: “Умуман олганда Навоийнинг бу икки ғазали (Навоийнинг Ҳожа Ҳофиз ғазалларига битган иккита татаббуъ ғазалини назарда тутган) шу даражада юқори дид ва маҳорат билан ёзилганки, XV аср форс-тожик ғазалчилигининг нодир намуналари деб баҳоласак адашмаган бўламиз”. Шу нуқтаи назардан адабиётшунос Алишер Навоийни “Абдураҳмон Жомийдан кейин XV аср форс-тожик ғазалсаро шоирларининг машҳуррори” дея таърифлайди.

Тожик адабиётшунослигида Навоийнинг татаббуъ тарзида ёзган ғазаллари маълум даражада ўрганилиб, муносиб баҳоланади. Уларда шоирнинг ўзига хос услуг ва маҳорати ёрқин кўринганлиги, татаббуъ айтишда форс шоирлари орасида ном қозонганлиги адоҳида қайд қилиб ўтилади.

Навоийнинг “Девони Фоний”сида татаббуъ тарзида ёзилган ғазаллари билан бир қаторда ўзининг таъбири билан айтганда “мухтараъ” яъни, кашф этилган, ихтиро қилинган ғазаллар ҳам ўз мавқеига эга. Шоирнинг муҳтараъ ғазалларида ўзбекча ғазалларида учрайдиган мавзу ва ғояларни кўриш мумкин. Навоийнинг форсий ғазалларида умуминсоний ғояси – инсонпарварлик, халқпарварлик, адолатпарварлик, дўстлик, тинчлик, меҳр ва садоқат, пок севги ва вафо, маърифатлилик каби гўзал туйғуларнинг юксак бадиий шаклда ифодалashi орқали ўз даври назмини бойитди.

Садриддин Айний “Алишер Навоий” асарида шоирнинг форсий ғазаллари хусусида сўз юритиб, шундай ёзган эди: “Алишер Навоийнинг форс-тожик тилидаги ғазаллари ўзбекча ғазаллари каби юқори бадиийлик рухда яратилган. Муаллиф бу ғазалларида ҳаётнинг яхши ўтган бир лаҳзасини “Хизр”нинг абадий қолгувчи ҳаётидан афзалроқ билади”. Айний назарда тутган ғазалнинг бир байти қуйидагича:

Як дам зи умр гар ба хушӣ бигзарад бас аст,

Чун Хизр нест майли ҳаёти абад маро.

Навоий бу ва шу туркумдаги бошқа ғазалларида инсонни улуғлаб, ҳаётининг ҳар бир лаҳзаси хуррамлиқда ўтиши кераклигини таъкидлайди. Бошқа ғазалида ҳам шу мазмунни учратамиз:

Умрро як-ду замон дор ғанимат, ки чу умр

На сабот аст замонро, на бақо давронро.

Умрни бир-икки лаҳза ғанимат бил, чунки умр каби назамоннинг вафоси бордиру на давроннинг бақоси. Навоийнинг нуқтаи назарига қўра, молу дунёни йиғиши эмас, балки хайрли ишларга, халқ фаровонлиги йўлида сарфлаш керак. Унинг ўзи шундай йул тутади ва бошқаларни ҳам шунга даъват қиласи. Шоирнинг ёзишича, пулу бойликнинг қулига айланган, жонини тикиб молу дунёга интилган киши ҳеч қачон азиз бўлмайди:

Нақди жон шуд як дирам, вобастагони симро,

Нест як жав ганжи Қорун, гар қунад озода харж.

Шоир назарида пул бандалари учун бир танга жон билан баробардир. Саховатаҳлининг сарф-харажати олдида Қорун хазинаси бир арпача эмас. Шоир молпараст ва жоҳил инсонлар танқиди билан чекланиб қолмасдан уларга қаратса яхши инсонларнинг фазилатларини санаб ўтади. Унинг “хуб” яъни, “яхши” радифли қуйидаги ғазалида яхши фазилатларни ўзида мужассам этган лирик қаҳрамон талқини ёрқин кўринади:

Ту хубу хулқи ту хубу такаллумат ҳам хуб,

Набуда чун ту ба хубй касе ба олам хуб.

Ба ҳусн бех зи парй, одамгарй бартар,

Нагашта мисли ту пайдо зи насли одам хуб.

Кушй ба хубию чонбахшй аз сухан, ки чу ту

Набуда, Оллоҳ-Оллоҳ, Масеху Марям хуб.

Ба дил муҳаббати ту бештар шавад ҳар дам,

Ки бештар бинамой ба чашм ҳар дам хуб.

Анису ҳамдам агар ҳаст хуб, хубтар аст,

Ки дар ҷаҳон ба кас афтад анису ҳамдам хуб.

Ба олам омада хубон басе, валек чу ту

Набуда бар ҳама хубон касе мусаллам хуб.

Зи хайлу маҷмаи хубон ба Фонии бедил,

Вафову меҳр бувад хубу зулму кин ҳам хуб.

Навоий бу ва бошқа қўплаб ғазалларида ахлоқлиликнинг энг муҳим мезони одоб деб ҳисоблайди. Одобли, ахлоқли бўлиш инсонга атрофдаги кишилар ўртасида муайян мавқе ҳамда хурматга сазовор бўлишга ёрдам беради. Одобга эга бўлишнинг инсон ҳаётидаги ролини қўрсатиб берар экан, унинг назарида адаб кичик ёшдагиларни улуғлар дуосига сазовор этади ва у

дуо баракати билан умрбод баҳраманд бўлади. Адаб, кичкиналар меҳрини улуғлар кўнглига солади ва у муҳаббат кўнглида абадий қолади.

Навоий орзу қилган ва барчадан талаб этган эзгуликларнинг мазмун-мундарижаси шунчалик кенгки, уларни санаб адо қилолмайсиз. Аслида шоирнинг инсон тарбияси билан пок панд-насиҳатлари, фикр-мулоҳазалари, талаб-кўрсатмалари, орзу-истакларини бир ерга жамлаб, уларни тартиб билан жойлаштириб чиқса, инсоний камолотга эришиш йўллари кўрсатилган ўзига хос дастур, қўлланма вужудга келади.

Шундай қилиб, Навоий форсий ғазаларида инсон тарбияси, камолоти масалаларини аъло даражада кўйлаган. Шоир орзу қилган комиллик йўли бу-етук одоб-ахлоқ соҳиби бўлиш, жами инсоний эзгу фазилатларни эгаллаш, замонасининг барча илму ҳунарларини ўзлаштириш, илм ва ҳунарни бир-биридан ажратмаслиқ, нафақат маънавий, балки жисмоний жиҳатдан ҳам баркамолликка интилиш, ҳамиша элу юрт хизматига шай туриш, ватанга содик фарзанд бўлиш, бурч ва масъулият туйғусини барча нарсадан устун қўйиш ва ҳоказолардир.

Кўринадики, Навоийнинг форсий шеърлари ҳам бадиий баркамоллиги, теран маъноли фикрлар ва ҳикматли сўзларга бойлиги билан ўзбекча ғазалларидан колишмайди. Шунинг учун унинг чуқур мазмунли фалсафий-ахлоқий фикр-мушоҳадаларини ўзида мужассам этган форсий ғазаларини ўқувчиларига қисқа тарзда кўрсатишга ҳаракат қилдик. Зоро, “Девони Фоний” шоир ибрат мактабининг бир устуnidir.

### **Адабиёт:**

1. Абдулғанӣ Мирзоев. Фонӣ ва Ҳофиз / Сездаҳ мақола. – Душанбе: Ирфон, 1977.

2. Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. 20 томлик. Ўн саккизинчи том. Девони Фоний. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси “Фан” нашриёти, 2002.

3. Алишер Навоий. Девони Фоний. Қасоид. Муфрадот. Хамсат ул-мутаҳайирин. ТАТ. 10 жилдлик. – Тошкент: Faafur Fулом номидаги НМИУ, 2011. Ж.5. – 860 б.

4. Афсаҳзод Аълохон. Навоӣ ва адабиёти тоҷик / Пайванди қарнҳо. – Душанбе: Адиб, 1989.

5. Афсаҳзод Аълохон. Адабиёти форсу тоҷик дар нимаи дуввуми асри XV. Китоби аввал. – Душанбе: Дониш, 1987. – 264 с.

6. Бертельс Е.Э. Навоий. Монография / Таржимон Мирзоев И.К. – Тошкент: Tafakkur qanotlari, 2015. – 356 б.

7. Садриддин Айнӣ. Алишер Навоӣ. Куллиёт. Ҷилди XI. – Душанбе: Нашриёти Давлатии Тоҷикистон, 1963.

8. Сирожиддинов Ш. Алишер Навоий: манбаларнинг қиёсий- типологик, текстологик таҳлили. – Тошкент: Akademnashr, 2011. – 326 б.

## «ХАМСА» АЛИШЕРА НАВОИ КАК ЛИТЕРАТУРНЫЙ ВЕЛИКИЙ ШЕЛКОВЫЙ ПУТЬ

*Мусурманов Эркин Раббимович*  
доктор филологических наук, СамГУ.  
[alper25@mail.ru](mailto:alper25@mail.ru)

**Abstract.** The article considers Alisher Navoi's "Hamsa" as a unique literary version of the Great Silk Road, which went from China to Europe. It should be noted that the heroes of "Khamsa", like the son of the Chinese emperor Farhad, as well as the artist Mani, the moon-faced beauty Diloram, were from China and are at the beginning of the symbolic Great Silk Road of Alisher Navoi.

This literary route of the Great Silk Road from China passing through Central Asia (Davan, Samarkand, Termez, etc.) is interpreted in Alisher Navoi's "Khamsa" by such images and symbols as the magical Buddhist temple in Shakhrisabz, in the Persian shah Bahram, in the image of the Indian Sultan Djuna and Prince Farrukh, in the beauty of Transcaucasia Shirin, in fieryly in love young Leyli and Majnun, in the Byzantine jeweler Zayd Zahhob, in Tsar Alexander the Great, etc. In the article, using the example of these images and characters, the literary Silk Road is reconstructed in a peculiar way.

**Key words:** Navoi, Hamsa, Silk Road, Farhad, Shirin, Majnun, Macedonian.

Одна из важных особенностей «Хамсы» [Навои Алишер, 23.04.2021]. Алишера Навои состоит в том, что она сыграла важную роль в формировании, образно говоря, Великого Литературного Шелкового пути. Если сам Великий Шелковый путь в основном развивал экономические и культурные связи между народами расположенных на трансконтинентальной магистрали от Китая до Европы, то «Хамса» Алишера Навои служила Литературным Великим Шелковым путем, воплощавшим в себе образы литературных героев и эпические сюжеты разных народов, независимо от их принадлежности к определённой религии, национальности или расы. Такие герои Хамсы, как сын китайского императора Фархад, а также, художник Мани, луноликая красавица Дилорам

были родом из Китая и находятся в начале символического Великого Шелкового пути Алишера Навои.

Этот литературный маршрут Великого Шелкового пути из Китая прошедший через Среднюю Азию (Давань, Самарканд, Термез и т.д.) интерпретируется в “Хамсе” Алишера Навои таких образах и символах как волшебный буддийский храм в Шахрисабзе, в персидском шахе Бахраме, в образе индийского султана Джуны и принца Фарруха, в красавице закавказия Ширин, в пламенно влюблённых молодых Лейли и Меджнун, в византийском ювелире Зайд Заххоб, в царе Александре Великом и т.д.

Миссия “Хамсы” Алишера Навои как Великого Литературного Шелкового пути на этом не заканчивается. Если главные герои этого произведения систематически отображают художественных персонажей народов расположенных от Китая до Европы, то древние религиозно-мифологические представления регионов, населенных этими народами, сыграли важную роль в сути произведения. Сказать, что Хамса Алишера Навои была основана исключительно на идеях ислама или суфийского мистицизма было бы исключительно односторонне. Потому что этот великий труд был также создан под влиянием китайской философии, концепциях шаманизма, монизма, буддизма и христианства, персидского фольклора и, наконец, мифологии древних шумеро-аккадских и семитских народов благодаря которым произведение было признана и высоко оценена разными народами, усовершенствовано художественная мощь и композиционная зрелость.

Хамса - арабско-ивритское слово и обозначает “пять”. Это не только литературный жанр, но и символ так в еврейской и арабской мифологии талисман из пятипалцевой руки, именующийся как “Рука Мириама”, “Рука Фатимы”, а также “Божественная рука” [Хамса,: 12.02.2021]. Пять пальцев в иудаизме символизирует пять книг Торы, или пять чувств, которые должны были пережить приверженцы Моисея.

В исламе пять пальцев на талисмане символизируют пророка Мухамеда (с.а.в.) и его семью: Фатиму, Имама Али, Имама Хусейна, Имама Хасана [Ипполитов А. ,: 2013. — С. 496.]. Когда Алишер Навои писал эти строки может быть также подразумевал эту мифическую лодонь:

Но на ристалище со мной не он, —  
Я с Низами бороться принужден.  
Рукой схватив такую «Пятерню»,  
В руке надолго ль силу сохраню?  
(“**Эмас осон бу майдон ичра турмок,**  
**Низомий панжасига панжа урмок.**”)

На творчество Алишера Навои повлияла не только эти сюжеты и образы философско-мифологические понятия народов Великого Шелкового пути, но и творчество великого узбекского поэта, очень положительно повлияло на произведения многих тюркоязычных литераторов, проживающих в северном и западном Китае.

В результате научных исследований, проведённых мной в Китае 2006 – 2008 годах, были изучены процессы литературных и культурных международных связей, было выявлено влияние творческого наследия Алишера Навои на литературу северо-западного Китая а также был собран богатый материал о некоторых писателях, которые до сих пор были плохо известны узбекскому научному сообществу.

Кратко рассмотрим творчество некоторых поэтов Китая которые очень плодотворно творили под воздействием произведений Алишера Навои.

**Мулла Пазыл.** Литературный псевдоним “Кичик” (“Младший”, “Малый”). Родился в 1653 году. До нас дошла его поэма “Лейли и Меджнун”, написанная по аналогии поэмы Алишера Навои 1705 году. Главное различие поэмы Пазыля от произведения Алишера Навои - это простота языка при выражении устного народного творчества. Рукопись состоит из 254 страниц, 5592 строк.

Ещё один поэт, который оставил имя как талантливый лирик, это **Навбати Хотани** (1691 – 1760 гг.). На ряду с трудами Абдурахмана Джами, Алишера Навои произведения Навбати изучались в медресах Кашкара. Стихи Навбати в 1954 году были найдены в городе Кучар. Сборник примерно составлен в 1740 году. Рукопись состоит из 107 газелей и 31 рубаи. В книгу также вошли 69 стихов поэта Хувайдо.

Главным критерием в творчестве Навбати Хотани была арузская стихотворная мера рамал. Стихи он писал, подражая произведениям Алишера Навои.

Во вторую четверть XVIII века под псевдонимом Арши творил и составил диван (сборник стихов) правитель-поэт Ходжа Якуб Ходжа Джахан. Приблизительно в 1724 – 1730 годы он учился в медресах Бухары, Коканда. Под псевдонимом Арши сочинял стихи на родном, а также на персидском и арабском языках, сочинял стихи подражая Алишера Навои.

Во время правления Ходжа Якуб Ходжа Джахана, произошёл расцвет местной тюркской литературы, были переведены из персидского и арабского языков на тюркский язык ряд уникальных литературных источников. В этом благородном деле особенно активно участвовали и плодородно творили такие поэты, как его сын правитель Футухи, Молла Ходжа, Хамушохун Яркенди, Мирхалиддин Яркенди, Касими, Мулла Мухаммад Темур Кашгари,

Мухаммад Сиддик Артуши.

Ещё один талантливый представитель этой литературной среды **Абдурахим Низари** (1776-1849) родился в Кашкаре в семье ремесленника. Учился он в религиозной школе, потом в медресе. Вместе с друзьями писцами переписывал и распространял рукописи Фирдоуси, Низами, Саади, Джами и своего любимого поэта Алишера Навои.

Абдурахим Низари успешно продолжил традиции любовной лирики Алишера Навои, посвятил более сорок мухаммасов на газели своего узбекского духовного учителя.

Ещё один поэт того времени жившего и творившего в Кашгаре в XIX веке, Накис Савирахун бин Абдулкадир Янгисари. Помимо чигатая (древнеузбекского), он свободно владел персидским и арабским языками. Он также посвятил множество мухаммасов к газелям Алишера Навои.

Правитель Кашгара Зухриддинбек был большим поклонником “Хамсы” Алишера Навои. По его поручению, **Низари** с талантливыми товарищами по перу **Наурузахун Зияи** и **Турдушахун Гариби** создали своеобразный ответ “Хамсе”, написав между 1841 – 1844 годами “Гарифлар хикояти” (“Повествование бедных”), который состоял из поэм, газелей, мухаммасов и новелл в общем объеме из восемнадцати тысяч байтов. Данная своеобразная пятерица получила название “Поэмы любви”. Это произведение в отличие от “Хамсы” состоит не из пяти поэм, а из десяти: “Зайд ун наджат”, “Фархад и Ширин”, “Лейли и Меджнун”, “Шах Бахрам и Диларам” произведение, которое, было опубликовано 2008 году профессором М. Мухиддиновым [Мухиддинов М. : 2008. — С. 150.], “Вамик и Узра”, “Четыре дервиша”, “Махзун и Гульназ”, “Масъуд и Дилоро”, “Рабия и Саадин”, “Китаби Гариф” и четыре рассказа: “Рассказ о враче Зухриддине”, “Рассказ о справедливости Султана Мааба”, “Рассказ об именах” и “Рассказ о Шейхе Сади Шерази”.

**Турдушахун Гариби** сочинил поэму ответ-комментарий “Китаби Гариф” к поэме Алишера Навои “Лисан ут тайр”.

**Амир Хусейн Сабири**, писавший стихи под псевдонимом Садои, живший в первой половине XIX века, внёс достойный вклад в литературу Северно-Западного Китая.

Его произведение “Макалат” был создан как прозаическое изложение произведений Алишера Навои “Лисанут тайр”, “Хайрат ул аброр”, “Сабъай сайяр”. Произведение было опубликовано в литературном журнале “Булак” (“родник”) [ ҚУҖ: 1982, №3. — С. 12-53.]. Кроме этого поэт создал поэтический сборник “Диван Садои”, а также, 1840 году написал трактат, посвящённый анализу произведения Алишера Навои “Садди Искандари”.

Ещё один поклонник поэм Алишера Навои, поэт, автор ряда поэм

**Мухаммед Сиддик Яркенди.** В 1813 году по предложению правителя Яркенда Мирзы Мухаммеда Хакимбека, он переизложил “Пятерицу” Алишера Навои в прозаический вариант и назвал её “Насри Мирза Мухаммад Хакимбек”. Автор оставил в сборнике четыре поэмы Алишера Навои, а поэму “Хайрат ул абраг”, заменил на произведение “Лисан ут тайр”.

Классическое наследие узбекской лирики продолжалось в последствии в произведениях **Садира Палвана, Билала Назима, Муллы Курбана, Саида Мухаммада Коши, Муллы Шакира** которые творили во второй половине XIX века.

Алишер Навои поэт не только узбекского народа, он как великий поэт и мыслитель востока занимает почётное место в мировой художественной литературе, ярким примером тому может послужить литература Яркентского ханства, где вклад Алишера Навои в её развитие трудно переоценить. Благодаря ей литература Северно-Восточного Китая пережила прогресс не только в жанровом, смысловом и тематическом уровне, но и в методических применениях художественных приёмов в целом.

Актуальными проблемами в современном мировом литературоведении, являются исследования в сфере литературных связей народов Китая и других народов, проживающих на Великом Шёлковом пути, выявление причин возникновения процессов исторических, культурно-литературных связей. Наши комментарии о том, что “Хамса” Алишера Навои сослужила Великим Литературным Шелковым путем среди разных народов на примере литературы народов Китая, это только начало или введение в тему.

Мифологические образы и понятия, возникшие в Индии и Средней Азии при воздействии Буддизма, были переосмыслены в призме стереотипов китайской национальной среды и менталитета. В эпоху перемещения буддизма из Турана на территорию Китая, а оттуда в другие соседние страны, вместе с религиозно-философскими идеями культурно-духовными понятиями, мифологические взгляды нашего края также занимали важное место в формирование китайской художественной фантазии.

Фактически, можно увидеть такие же тесные международные литературные отношения на примере Алишере Навои с персидскими, индийскими, дашти-кипчакскими, закавказскими народами и в будущем создать целый магистраль литературных связей. Думается, что этот Литературный Великий Шелковый путь, прежде всего, будет мотивировать людей, независимо от их религии, расы и национальности, объединяться вокруг великих человеческих идей и творить только добрые дела.

## Литература

1. Навои Алишер – Поэмы. [Электронный ресурс]. URL // Электронная  
221

библиотека RoyalLib.com [https://royallib.com/read/navoi\\_alisher/poemi.html#20480](https://royallib.com/read/navoi_alisher/poemi.html#20480) (время обращение: 23.04.2021).

2. Хамса, или Рука Фатимы: значение талисмана. . [Электронный ресурс]. URL // <https://mistika.temaretik.com/1230046596708698542/hamsa-ili-ruka-fatimy-znachenie-talismana/> (время обращение: 12.02.2021).

3. Ипполитов А. Особенno Ломбардия. Образы Италии XXI. — Азбука-Аттикус, 2013. — С. 496.

4. Гарифий. Шох Бахром ва Дилором. (нашрга тайёрловчи ва сўз боши муаллифи ф.ф.д.. проф. М. Мухиддинов) ЎзР ФА “Фан”нашриёти.2008. – С.150.

5. 1982, №3. 12-53. بۇلاق. جۇڭخوا خەلق جۇمھۇرىيىتى. ئۇرۇمچى

## ALISHER NAVOIYNING FALSAFIY QARASHLARI VA IJODIY AN'ANALAR

*Nasirov Azimidin Normamatovich  
Sammarqand davlat universiteti,  
filologiya fanlari doktori*

**Annotatsiya:** Badiiy adabiyotdagi falsafiy qarashlar, talqinlar zamirida insonni anglash jarayoni o‘z ifodasini topgan. Shu jihatda Mir Alisher Navoiyning ”Mahbubul qulb” asaridagi turli qatlamlar haqidagi qarashlar va talqinlarning zamiridagi hayotiy haqiqat ifodasini anglashga harakat qilingan.

**Kalit so‘zlar:** falsafiylik, talqin, ijodiy mahorat, shaxs olami, psixologizm.

## PHILOSOPHICAL VIEWS OF ALISHER NAVOI AND CREATIVE TRADITIONS

**Annotation:** At the heart of philosophical thought and interpretation in fiction is the process of understanding man. In this regard, an attempt has been made to understand the expression of life reality at the heart of the views and interpretations of different layers in Mir Alisher Navoi's "Mahbubul Quib".

**Keywords:** philosophy, interpretation, creativity, personality, psychology.

Sharq xalqlari adabiyoti zamirida falsafiy qarashlar ham o‘z ifodasini topganligini alohida qayd etish lozim. Tarixiy taraqqiyot davomida har bir xalq o‘z ma’naviy merosi, dunyo sivilizatsiyasiga qo‘shtigan hissasi bilan faxrlanadi. Dunyo xalqlari jahon sivilizatsiyasiga juda ulkan hissa qo‘shtigan bo‘lsa, bu ko‘hna Turon

zamini ham buyuk allomalarining yaratgan asarlari bilan jahoniy shuhrat topdi bu taraqqiyotga betakror hissa qo'shganligi alohida qayd etilmoqda. Bu o'lka buyuk allomalarni, qomusiy olimlarni, adabiyot va san'at taraqqiyotida betakror o'ringa ega bo'lgan o'nlab shaxslarni tarbiyalab voyaga yetkazgan.

Darhaqiqat, asrlar davomida avloddan-avlodga o'tib kelayotgan ma'naviy merosimizga mustaqillik yillariga kelib alohida e'tibor qaratildi va tarix haqiqatidan kelib chiqib, asosli tahlilga tortildi va tortilmoqda. Shu jihatdan qaraydigan bo'lsak, "g'azal mulkining sulton'i" (Maqsud Shayxzoda) Mir Alisher Navoiy ijodi, ma'naviy merosi, falsafiy qarashlari asrlar davomida xalqimiz qalbidan chuqur o'rin olishi ham beziz emas.

O'z zamonasining buyuk shaxsi shoh va shoiri Zahiriddin Muhammad Bobur "Boburnoma" asarida shunday fikrlarni alohida ta'kidlaydi: "Alisherbek naziri yo'q kishi yerdi. Turkiy til bila to she'r aytubturlar, hech kim oncha ko'p va xo'p aytqon emas. Olti masnaviy kitob nazm qilibtur, beshi "Xamsa" javobida, yana biri "Mantiqut-tayr" vaznida "Lisonut-tayr" otliq. To'rt g'azaliyot devoni tartib qilibtur: "G'aroyibus-sig'ar", "Navodirush-shabob", "Baddoyiul-vasat", "Favoidul-kibar" otliq... Ahli fazl va ahli hunarg'a Alisherbekcha murabbiyy va muqavviy ma'lum yemaskim, hargiz paydo bo'lmish bo'lg'ay... Avoyil muhr dor edi, avosit bek bo'lub, necha mahal Astrobodta hukumat qildi, avoxir sipohiliqni tark qildi" (Bobur, 1960: 153-154).

Astirobod hokimligini topshirgandan so'ng, qolgan hayotini tom ma'noda ijodga, badiiy-falsafiy asarlar yaratishga bag'ishlaydi. Mir Alisher Navoiyning eng so'ngi asari "Mahbub ul-qulub" (1500-yil so'ngida yaratilgan)dir. Asar yillar davomida to'plagan sermashaqqat hayot tajribalarining mahsuli ekanligini alohida ta'kidlab, bu asarning yaratilish tarixi haqida shunday yozadi: "...bolalikdan to qarilikka qadar ko'hna davron voqyealaridan, dunyo...- tovlamachiligidan zamonaning rang singari gunogunlig'idan ko'p vaqt va uzoq muddat har xil xayol va taraddudlar bilan daydib yurdim, har tovur va ravishda bo'ldim va turli yo'llarga kirdim, yaxshi-yomonning xizmatini qildim, katta-kichikning suhbatida bo'ldim, goh xorlik va qiyinchilik vayronasida nola qildim, goho izzat va ma'murlik bo'stonida majlis qurdim... Yo'qsullik va kambag'allik paytlarimda, falokatli zamonlarda quyi saflardan joy oldim va olimlar majlisida ilm nuridan ko'nglimni yoritdim... davlat ishi bilan mashg'ul bo'lgan amaldorlik chog'larimda ko'ngil mulkini turli odamlarning hujumi bulg'aladi. Goh amirlik o'mnida o'tirdim va hukumat mahkamasida xalqning arz-dodini so'rdim va goh podshoh yonida vazirlik qildim va menga umidvor nazar bilan qaragan elga muruvvat ko'rsatdim... Maqsadim shuki, har yo'lda yurdim, olamda bo'lmish har nav' odam bilan ko'rishdim, kata-kichikning fe'lru atvorini o'rgandim, yaxshi-yomonning xislatlarini tajribadan o'tkazdim, yaxshilik va yomonliklarning sharbatini ichib,

zahrini totib ko‘rdim...” (Alisher Navoiy, 1983: 11). Yillar davomida hayotning barcha mashaqqatlarini tatib ko‘rgan, quvonchu istiroblarini qalban his qilgan buyuk so‘z san’atkori sifatida shunday falsafiy asarni yaratishga jazm qiladi. Shuning uchun ham hayotning turfa xil sinovlarini, murakkabliklarini ko‘rgandan so‘nggina, hayot haqiqatiga tayanib quyidagi misralarni qayd qilib qoldirgandir:

Gahi topdim falakdin notovonlig‘,  
Gahi ko‘rdim zamondin komronlig‘,  
Base issig‘,sovug‘ ko‘rdim zamonda,  
Base achchig‘, chuchuk tottim jahonda.

Haqiqatdan ham, bu misralar tarkibida hayotning achchiq-chuchigini tatib, falsafiy xulosalar chiqarishga intilgan buyuk adibning foni y dunyo haqidagi asosli qarashlari mujassamlashgan.

“Mahbub ul-qulb” asarida jamiyatdagi turli qatlamlar haqida yillar davomida chiqargan xulosalari asosidagi mulohazalari o‘z ifodasini topganligini alohida qayd etmoq zarurdir. Asar uch qisimdan iborat bo‘lib: birinchi qismi: har xil odamlarning fe'l-atvori va ahvoli haqida, ikkinchi qismi: yaxshi fe'l xosiyati va yomon xislat kasofati haqida, uchinchi qismi: turli toifali kuzatishlar va misollar haqida,- deb izohlanadi. “Mahbub ul-qulb”da Mir Alisher Navoiyning boshqa asarlarida bo‘lgani kabi, inson xarakter xususiyatlari haqida, ijtimoiy tabaqalarning jamiyat taraqqiyotidagi o‘rnini, ijobiy va salbiy qirralari juda mahorat bilan ko‘rsatib berilgan. Insondagi insoniy fazilatlarni juda ulug‘laydi, ba’zi jihatlarini madh etadi, unga qarama-qarshi bo‘lgan illatlardan nafratlanadi. Asar zamirida ijtimoiy tabaqa va guruh vakillari haqida so‘z yuritib, ulardagi yaxshi-yomon fazilatlarni talqin qilar ekan, bu xususiyatlarning qaysi biri, insoniylikka, xalqqa foydali yoki zararli ekanligini asoslaydi. Masalan:

Yuz jafo qilsa manga, bir qatla faryod aylamon,  
Elga qilsa bir jafo, yuz qatla faryod aylaram.

Bu misralar zamirida lirik qahramonga yuz jafo, mehrsizlik, shafqatsizlik qilsa ham, bir marta faryod chekmasligini, ammo xalqqa bir jafo qilsa, “yuz qatla faryod chekishi” qayd etilganligini kuzatish mumkin. Mir Alisher Navoiy butun hayoti davomida xalq dardi, uning g‘ami, quvonchi bilan yashagan siymodir. Eng og‘ir va murakkab vaziyatlarda ham xalq bilan birga bo‘lishga intiladi. Bu xususiyatning o‘ziyoq uning insoniy fazilatlarining naqadar yuksakligidan dalolat beradi.

G‘arb faylasuflari inson umrini ikki qisimga ajratadi. Birinchisida, kuch-quvvatga, shijoatga to‘liq paytda, u havoiy xayollarga ergashadi, ularni tezroq ro‘yobga chiqarish uchun kunini, umrini sarflaydi, ikkinchi yarmida esa ishonganlari ko‘pincha puch, izlaganlari o‘tkinchi va topganlari beqadr ekanligini payqab o‘yga botadi. Yashamoqning bu g‘aroyib qonuni haqida bosh qotirmagan,

undan istirob tortmagan zot yo‘qligini qayd etishadi. Yoki, Garvard universitetida ta’lim olgan faylasuf Genri Torro (1817-1862) shunday yozadi: “Sivilizatsiya uylarimizni yaxshiladi, ammo ularda yashaydigan odamlarni u yaxshilamadi. Sivilizatsiya hashamatli saroylar yaratdi, ammo oliyjanob ritsarlar va qirollarni mushkul ekanligini, - o‘z davridayoq qayd qilib o‘tgan”.

Fransuz faylasufi Jan Pol Sartr badiiy-falsafiy asarlari uchun Nobel mukofotiga sazovor bo‘lganda “Shon-shuhrat erkimga xalaqit berishini istamayman”, - deb mukofotdan voz kechganligi bejiz emasdir.

Mir Alisher Navoiy esa temuriylar toju taxt uchun kurashib turgan bir vaqtida, berilgan barcha mansablardan voz kechadi, qolgan umrini ijodga bag‘ishlamoqchi bo‘ladi. Bu holat ham bejiz emas, Alisher Navoiy hayotning o‘tkinchilagini, shafqatsizligini ancha yillar oldin teran his eta olgan siymo edi. Shuning uchun umrining so‘nggi lahzalarida “Mahbub ul-qulub”dek asar yaratishga jazm qilishi ham bejiz emas, - degan tushunchani uyg‘otadi. Asar tarkibidagi har bir hikoyat yoki badiiy talqin insonning o‘zligini anglashga, jamiyat va hayotdagi o‘rnini his qilishga, yashashning ma’nisini anglashga xizmat qiladi.

Xullas, asar tarkibidan turli mavzudagi pand-nasihatlardan iborat hikmatli so‘zlar yoki hikoyatlar o‘rin olgan bo‘lib, bularning barchasi Mir Alisher Navoiyning uzoq va murakkab hayot tajribalari haqida chiqarilgan umumiy xulosalari, deb qarash mumkin. Shuning uchun ham shoir bir o‘rinda shunday yozadi:

Afsuski, umri navjavonlig‘ ketti,  
Tanga qariliqda notavonlig‘ yetti,  
Gar yuz yil ulki komronlig‘ etti,  
Chu topmadi margdin amonlig‘ netti?

Umuman olganda, yoshlikning beg‘ubor onlarida, yoki har bir lahzasida bilim olish, jamiyat taraqqiyotining u yoki bu jarayoniga baxshida etish, har birimizning asosiy vazifamiz bo‘lib qolishi zarurdir.

XX asrning birinchi yarmida Abdulhamid Sulaymon o‘g‘li Cho‘lpon “Adabiyot nadur?” maqolasida shunday fikrlarni qayd qilib qoldirgan: “Adabiyot yashasa – millat yashar. Adabiyoti o‘limg‘on va adabiyotining taraqqiysiga chalishmagan va adiblar yetishtirmag‘on millat oxiri bir kun hissiyotdan, fikrdan mahrum qolub, sekin-sekin inqiroz bo‘lur...”. Shuning uchun ham mustaqillik yillariga kelib, adabiyotga, san’atning barcha turlariga, ma’naviyatimizga alohida e’tibor qaratilayotgani ham bejiz emasligini har birimiz teran his etmog‘imiz zarurdir.

### **Adabiyotlar:**

1. Zahreddin Muhammad Bobur. Boburnoma. -T., 1960. 514 b.
2. Navoiy Alisher. Mahbub ul-qulub”. -T., 1983. 112 b.

# **АРУЗ ТЕРМИНАЛОГИЯСИДА АЙРИМ ЗИХОФ ВА ФУРУЛЬЛАР ХАМДА УЛАРНИНГ ФОЪИЛОТУН РУКНИГА АЛОҚАСИ**

**(Some Zihof and Furu, also their connection with Rukn Foilotoon in Aruz terminology)**

**Ф.ф.н., доц. Тоҳиров Собиржон Қобилжонович,  
Сабриев Алишер Аслиддинович  
alisher.sabriyev95@gmail.com**

**Аннотация:** Ушбу мақола машҳур шеършунос ва аruz назариётчиси Шамс Қайс Розийнинг “Ал-муъжам” асари ва Алишер Навоийнинг “Мезон ул-авзон” рисолаларининг қиёсий таҳлилига бағишиланади. Унда иккала манбадаги айрим зихоф ва фурульлар назарияси ва амалиётининг тавсифи, таҳлиллари, муштарак ва фарқли жиҳатлари тадқиқ этилади.

**Калит сўзлар:** аruz назарияси, кичик ритмик бўлаклар, зихоф – рукнларнинг ўзгариши, қиёсий таҳлил, мақтуъ, аслам, абтар.

**Аннотация:** Данная статья посвящена сравнительному анализу трактатов “Аль-Муъжам” известного теоретика науки стихосложения Кайса Рози и “Мезон ул-авзон” Алишера Навои. В ней на примере двух источников исследуется сходства и своеобразие трактования теории малых ритмических частиц.

**Ключевые слова:** теория метрики аруз, малые ритмические частицы, зихоф – изменение частиц, сравнительный анализ, макту, аслам, абтар.

**Annotation:** This article is dedicated to comparative analysis of treatises of famous theoretician of the versification's science Kaisa Rozy – “Al-Mujam” and “Mezon ul-avzon” of Alisher Navoi. In this article investigated using the example of two sources of interpretation of the theory of small rhythmic particles such as similarities and uniqueness.

**Keywords:** the metric theory aruz, small rhythmic particles, zikhof – particle change, comparative analysis, maktu, aslam, abtar.

Ҳар бир фанда бўлганидек, аruzшуносликда ҳам терминологик кесишувлар, атама ва у ифодалайдиган тушунча орасидаги номутаносиблик ҳолатлари кўзга ташланиб туради. Аruz тизимидағи терминлар нафақат сон жиҳатдан салмоқдорлиги, балки уларнинг араб тилидан олиниб, бадавийлар майший ҳаёти – хусусан, уй анжомлари ҳамда чорвачиликка оид лексик бирликлар билан ифодалангани ҳам бугунги кунда аruz вазнларини ўрганмоқчи бўлган ўқувчи учун бироз қийинчилликни юзага келтиради. Бундан ташқари, “аруз илми тадқиқ ва таҳлил этиладиган ўқув ва илмий адабиётларда у ёки бу истилоҳнинг маъноси муайян тарихий манба асосида

берилади. Натижада, турли манбаларга таянган олимларнинг фикр ва маълумотларида баъзан тафовутлар юзага келади” [Тохиров, 2020: 104]. Бундай чалкашликлар эса ўрганувчининг мاشаққатини икки чандон оширади. Демак, мана шундай терминологик муаммоларни аниқлаб, манбаларни солиштириб, ўқувчиларга яқдил хулосаларни тақдим этиш бугунги кун арузшунослигининг долзарб масалаларидан ҳисобланади. Шуни инобатга олиб, жорий мақоламиизда аruz истилоҳиётида турлича тавсифланадиган “қатъ” (луғ. маън. – кесиши), “салм” (луғ. маън. – чиноқ қилиши, қулоқни тагидан кесиши), “батр” (луғ. маън. – чўнтоқ қилиши, думини кесиши) зихофлари ва уларнинг руқнлар (хусусан, фоъилотун)га киритадиган ўзгариши – “мақтӯй”, “аслам” ва “абтар” фуруъларини Алишер Навоийнинг “Мезон ул-авзон” ва Шамсиддин Қайс Розийнинг “Ал-мўъжам фи маъйири ашъорил ажам” рисолалари асосида кўриб чиқишига ҳаракат қиласиз. Қайс Розийнинг қарашларига кўп изоҳ ва муносабат билдирилгани учун Атоуллоҳ Ҳусайнининг “Бадоэъ ус-саноеъ” асарига ҳам мурожаат қилиш мақсадга мувофиқдир.

Маълумки, ҳар бир зихофнинг ўз содир бўлиш ўрни мавжуд. Руқннинг қаерида, тўғрироғи, руқннинг қайси жузвида амал қилиши зихофларнинг характеристини белгилайди. Сабаби хафиғда содир бўладиган ўзгариш исталган афоъийлнинг айни шу жузвига таъсир қилиши мумкин, ватади мажмуъда амал қиладигани ҳам инчунин. Шунга кўра, ҳар бир зихоф ўзи қамраб оладиган қайси руқнда бўлмасин, бир хил амал бажариши, пировардда руқн табиатидан келиб чиқиб қатъий ҳосила – фуруъ чиқиши лозим.

Алишер Навоийнинг “Мезон ул-авзон” рисолаларида “қатъ” зихофиға шундай таъриф берилади: “Қатъ – фоъилотунда сўнгғи сабаб исқотидур ва ватад сокинининг ҳам исқоти ва мокабли искони, бас фоъил қолгай ва фаълун анинг ўрниға қўярлар, аммо баъзи ани салм дебдурлар” [Навоий, 2013: 537]. Ҳазрат Навоийнинг тавсифларига кўра, қатъ зихофида фоъилотун руқнидаги охирги сабаби хафиғ (тун) чиқарилади, ватад (ъило) сокини (о) ҳам чиқариб ташланади ва мокабли (ўшандан олдинги ҳарф) сокин қилинади, натижада фоъилотундан фоъил қолади, фоъил бир хил хоссага эга бўлган фаълунга айлантирилади, лекин баъзилар уни салм дейди (“салм” ҳақида кейинроқ тўхталамиз – А.С.):

**Фоъилотун → фоъило → фоъила → фоъил = фаълун**

Қайс Розийнинг “Ал-мўъжам”ида “қатъ” атамаси қўйидагича берилади: “Қатъ дар мустафъилун он аст, ки “нун” (Ն) биандозӣ ва “лом”-ро (Լ) сокин гардонӣ, мустафъил бимонад ба сукуни лом, мафъулун ба ҷои он биниҳӣ ва мафъулун чун аз ин мустафъилун хезад, онро мақтӯй хонанд барои он ки ҳар чи аз ватад кам кунанд, ба қатъ тавон кард...” [Розий, 1991: 55]. Демак, Қайс Розий таъбирича, қатъ зихофида мустафъилун руқнининг “нун”ини тушириб, “лом”ни сокинга айлантиришади, натижада сокин “лом” билан тугалланувчи мустафъил қолади, унинг ўрнига мафъувлун қўйилади ва мустафъилундан мафъувлун ҳосил бўлса, мақтӯй дейилади, сабаби, ватаддан фақат қатъ зихофи орқалигина ниманидир тушириш мумкин. Жараён тартиби шундай:

**Мустафъилун → мустафъилу → мустафъил = мафъувлун**

Юкоридаги икки ҳолатни солиширадиган бўлсак, Ҳазрат Навоий тавсифлаган “қатъ” зихофида битта “ҳазф” (луг. *маън*. – *ташлаб юбориши*, *тушириб қолдириши*) қисқаришига тенг амал (охирги сабаби хаифининг туширилиши) иккинчи ҳолатдагидан кўп. Кейинги амаллар Қайс Розийнинг “ватаддан фақат қатъ зихофи орқалигина ниманидир тушира биладилар” деган таъкидига мувофиқ ватади мажмуъда содир бўлади: фо-**ъило**-тун, мустаф-**ъилун**.

Алишер Навоий мустафъилун рукни зихофлари доирасида ҳам “қатъ”га тўхталадилар ва бу энди Қайс Розийнинг юқоридаги таърифига тўла мос келади: “Қатъ” – мустафъилуннинг “нун”ининг исқотидур ва “лом”ининг аскани, мустафъил қолур, мафъулун аниг ўрниға қўярлар” [Навоий, 2013: 537].

Атоуллоҳ Ҳусайнининг “Бадоев ус-саноеъ” асарида бу атама ҳақида: “Қатъ – Ватад-и мажмуънинг сокин ҳарфин тушурмак ва иккинчи мутахаррик ҳарфин сокин қилмоқтур. Чунончи мустафъилунни мустафъил қилурлар ва аниг ўрниға мафъувлунни қўярлар ва ул жузвни мақтуъ дерлар...” [Ҳусайн, 1981: 14], дейилади.

Юкоридагилардан билинадики, “қатъ” – бу ватади мажмуънинг сокин ҳарфини тушириш ва туширилган сокиндан олдин келган ҳаракатли ҳарфни сокинга айтанириш. Қайс Розий айтмоқчи, ватад жузвларидағи қатъ зихофи сабаб жузвларидағи қаср зихофида ўхшайди. Булар орасидаги ягона фарқ – бирининг ватад жузвида, иккинчисининг сабаб жузвида воқеъланишида. Бинобарин, “Мезон ул-авzon”даги фоъилотун рукни зихофоти таркибида “қатъ” атамаси остида келтирилган ўзгариш бошқа арузшунослар тилга олган “қатъ” зихофи характерига номувофиқ. Фоъилотун рукнида содир бўлган у ўзгаришнинг арузшуносликда бошқа сахих номи бўлиши керак. Ҳазрат Навоийнинг “...аммо баъзи ани салм дебурлар” деб илова қилган маълумотларига эргашиб “Мезон ул-авzon”, “Ал-мўъжам” ва “Бадоев ус-саноеъ” рисолаларидан “салм” зихофи ҳақидаги маълумотларни кўздан кечирамиз.

“Мезон ул-авzon”да “салм” зихофи мафъувлоту рукнларига оид ўзгаришлар қисмида берилади ва Алишер Навоий қисқагина қилиб: “Салм” – мафъувлоту ватадининг исқотидур – мафъувл (*нашрда хато кетган, аслида “мафъув” бўлиши керак – A.C.*) қолур, фаълун аниг ўрниға қўярлар” [Навоий, 2013: 538], деб изоҳлайдилар.

Қайс Розий “салм” зихофида шундай таъриф беради: “Салм дар фоилотун он аст, ки сабаби ў биандозӣ ва ватадро қатъ кунӣ ва қатъ дар автод (ватадҳо) ҳамчунон аст, ки қаср дар асбоб (сабабҳо), яъне сокини онро биандозанд ва моқабли сокинро сокин гардонанд ва бад-он зихоф аз фоилотун фоил монад ба сукуни “лом”, фаълун ба чои он биниханд ва фаълун чун аз фоилотун хезад, онро аслам хонанд, яъне гӯш аз бун бурида. Ва бад-ин зихоф сабабе аз буни чузв кам шудааст ва ватад ноқис гашта, онро ба гӯши аз бун бурида ташбех карданд” [Розий, 1991: 53]. (Маъноси:

Фоъилотундаги “салм” шуки, унинг сабабини тушириб қолдиргайсан ва ватадни “қать” қилгайсан ва ватадлардаги “қать” сабаблардаги “қаср”га ўхшайди, яъни унинг сокинини тушириб қолдирадилар ва (туширилган) сокиндан олдиндаги (ҳаракатли ҳарф)ни сокинга айлантирадилар, бу зихоф натижасида фоъилотундан сокин “лом”ли фоъил қолади, унинг ўрнига фаълунни қўярлар ва фоъилотундан фаълун ҳосил бўлса, уни аслам ўқурлар, яъни қулоғи тагидан кесилган. Бу зихоф таъсирида руқннинг тагидан (охиридан) сабаб камайгани ва ватад нуқсонли бўлгани учун уни тагидан кесилган қулоққа ўхшатмишлар.)

“Ал-мўъжам”да мафъувлоту руқни зихофлари сирасида ҳам “салм”га тўхтаб ўтилади: “Салам (“салм” ва “салам” араб ёзувида бир хил – **صلّم**” кўринишида ёзилади. Транслетирация пайтида айрим ўринда “салм”, айримида “салам” деб бериб кетишган. – A.C.) исқоти ватади мафъўлоту аст, мафъў бимонад, фаълун ба чои он биниҳанд ва фаълун чун аз мафъўлоту хезад, онро аслам хонанд. Ва баъзе арўзиён ин зихофро ҳазаз хонанд, аз баҳри он ки суқути ватад аст аз охири ҷузв ва ҳамчунон, ки дар арўзи тозӣ суқути ватади мутафоилунро ҳазаз хонанд ва ин исм бад-ин зихоф лоиктар аст ва салам ба қатъи ватади фоилотун лоиктар, чунон ки он чо баён кардем” [Розий, 1991: 57]. (Таржимаси: “Салм” мафъувлоту ватадининг чиқариб ташланишидир, мафъув қолур, унинг ўрнига фаълун қўярлар ва мафъувлотудан фаълун ҳосил бўлса, уни аслам ўқурлар. Ва баъзи арузийлар араб арузидаги мутафоилун [руқни] ватадининг чиқариб ташланишига ўхшаб бунда ҳам руқн охиридан ватадининг ташлаб юборилганлиги учун бу зихофни “ҳазаз” (луг. маън. – қисқартириши) дерлар ва ушбу ном бу зихофга лойикроқдир. Юқорида айтиб ўтганимиздек, “салм” фоъилотун ватадининг “қатъ” қилинишига лойикроқ.)

“Бадоеъ ус-саноеъ”да: “Ссалм (мафъувлоту (ва фоъилотун) руқнига хос бўлмиши “сад”ли салм (**صلّم**) зихофини фаъувлун руқнига мансуб “се”ли салм (**سلم**) зихофидан фарқлаш учун “Бадоеъ ус-саноеъ” ва “Мухтасар”нинг транслетирациясида “сад”ли салм қўшиша “с” билан берилган. – A.C.) – жузв охиридин ватади мафрукни тушурмакдур. Чунончи мафъувлотуни мафъув қилурлар ва аниг ўрнига фаълун қўярлар. Шамси-и Қайс дептурки, фоъилотундафи ссалм улдурки, аниг сабабини тушургайсан ва ватадин олиб ташлағайсан (?), фоъил қолур ва аниг ўрнига фаълунни қўйғайсан. Ўзгармиш жузвни асслам дерлар...”

Йўл-йўлакай мазкур иқтибосдаги “ватадин олиб ташлағайсан” бирикмаси устида мулоҳаза юритсак. Фоъилотун руқнидан аввал сабаби хафиф (тун)ни тушириб, кейин ватад (ъило)ни ҳам олиб ташласак, фоъил эмас, фо қолади. Аслиятдаги “ватадро қатъ кунй” бирикмасини мутаржим “ватадин олиб ташлағайсан” деб берган. “Ватадин “қатъ” қилурсан”, деб берилса, кўзланган мақсад юзага чиқади. Буни юқорида кўриб ўтгандик.

Қайс Розий “салм” зихофи иккита руқн – фоъилотун ва мафъувлотуда, гарчи иккала руқннинг ҳосиласи “фаълун” чиқса-да, икки хил амал бажараётганини кўриб, баъзи арузшунос олимлар мафъувлоту руқнидаги

ватаднинг соқит қилинишини ҳазаз деб аташлари ва бу мантиқан тўғрирок эканлигини эътироф этади. Бунда, биринчидан, араб арузидағи мутафоъилун ва арабу ажам арузидағи мағъувлоту рукнларидан тушиб қолаётган жузвлар ҳам сифат жиҳатидан жуда яқин (иккаласида ҳам ватад жузви), ҳам рукндаги ўрни ўхшаш (иккала тушиб қолаётган жузв ҳам рукннинг охирида жойлашган) эканлиги; иккинчидан, “салм” зихофининг икки рукнда икки хил амални бажариши тағин чалкашлик ва қийинчиликларни юзага келтириши мумкинлиги назарда тутилган бўлса ажаб эмас. Бинобарин, Қайс Розий рукнларнинг фуруйини берар экан, фоъилотуннинг фаълун ҳосиласини “аслам” деб, мағъувлотунинг фаълун кўринишини “ахазз” деб белгилайди [Розий, 1991: 59-60].

Арузшунослар орасида фоъилотун рукнининг фаълун фуруъи ҳосил бўлиши ва номланишига оид яна бир қараш бор. Жумладан, Ҳусайнин “Бадоев ус-саноеъ”да “батр” зихофи хусусида шундай дейди: “Батр – Ҳазф била қатънинг жамъидур. Чунончи фаъувлунни фаъ қилурлар; фоъилотунни фоъил қилурлар, ўрниға фаълунни қўярлар ва ўзгарган жузвни абтар дерлар... ...фоъилотунда батр форс ашъоринда кўп воқеъ бўлур, гарчи ул ани ссалм деб атаптур” [Ҳусайнин, 1981: 15].

Захириддин Мухаммад Бобур ҳам “Мухтасар”да шундай фикрни баён этади: “Батр” – ҳазф била қатънинг ижмоидур, нечукким фаъувлун – фаъ бўлур ва фоъилотун фоъил бўлур, фаълунни фоъилотуннинг ерига қўярлар, муғайярни абтар дерлар...” [Бобур, 1971: 20]. Бунда, Ҳусайнин фикрига ҳамоҳанг тарзда Бобур ҳам “ҳазф” билан “қатъ” зихофларининг биргалиқда қўлланишидан “батр” зихофи юзага келиши, бу зихоф таъсирида фаъувлун рукнидан фаъ, фоъилотундан фоъил (ўрниға фаълун қўйилиши) ҳосил бўлиши таъкидлайди [Тоҳиров, 2020: 104-108].

Аслида, “батр” зихофи араб аруз қонуниятида фаъувлун рукнидан фаъ ҳосил қилишини Қайс Розий қайд қилиб ўтади: “Батар дар азоҳифи араб исқоти ватади фаўлун аст, лун бимонад, фаъ ба чои он биниҳанд ва онро абтар хонанд. Ва баъзе гуфтанд, ки батар дар фаўлун (! –A.C.) иҷтимои ҳазфу қатъ аст ва ҳар ду якест” [Розий, 1991: 58]. (Араб зихофотида “батр” фаъувлун ватади (фаъув)нинг чиқариб ташланишидур, лун қолади, унинг ўрниға фаъ қўярлар ва уни абтар дерлар. Ва баъзилар “батр” фаъувлунда ҳазф ва қатънинг бирга қўлланишидир, дейдилар ва (моҳиятан) иккаласи ҳам бир.)

Қайс Розий “батр” борасидаги мазкур фикрида фаъувлун ва фоъилотун рукнларида эмас, айнан фаъувлун рукнининг ўзида бу зихоф воқеъланишини ва фақат араб арузшунослигига амал қилишини айтиб ўтади. Аммо Атоуллоҳ Ҳусайнин ва Бобурнинг фоъилотун рукнига ҳам бу зихофни татбиқ қилишлари мантиқ ва имкондан ташқари эмас. Зотан, фаъувлун ва фоъилотун рукнларининг мазкур зихоф таъсир этадиган соҳаси бир хил жузвлардан: рукн охиридан бошига қараб сабаби хафиф ва ватади мажмуъдан иборат. Буни арузшунос С. Тоҳиров чизмада қуйидагича кўрсатадилар:

Фаъувлун → фаъув → фаъу → фаъ

**Фоъилотун → фоъило → фоъила → фоъил = фаълан**

[Тоҳиров, 2020: 106]

Хулоса, “қатъ” зиҳофи, “Мезон ул-авзон”да берилганидек, фоъилотун рукнидан фаълан фуруйини ҳосил қилмайди, балки ватади мажмӯъ жузвининг сокинини тушириб, ундан олдинги ҳаракатли ҳарфни сокинга айлантиради. Бу сабаби хафиғ жузвида содир бўладиган “қаср” зиҳофиға ўхшаб кетади. Шундай экан, фоъилотун рукнининг фаълун фуруъи “мақтуъ” деб номланиши мумкин эмас. “Салм” зиҳофи ҳам фоъилотун ва мағъувлоту рукнларида фарқли амалларни бажариб келар экан, иккиланиш ва чалкашиш давом этаверади. Агар фоъилотун рукнида “ҳазф” ва “қатъ”нинг биргаликда қўлланишини “салм” десак, мағъувлоту рукнидаги ватади мафруқнинг тушириб қолдирилиши “ҳазаз” зиҳофиға нисбат берилиши керак бўлади. Бунда ҳам кичик муаммо бор: гарчи араб арузидаги мутафоъилун ва арабу ажам арузидаги мағъувлоту рукнларидан тушиб қолаётган жузвлар жойлашиш ўрнига кўра бир хил, турига кўра ҳам ўхшаш бўлса-да, мажмӯъ (мутафоъилун) ва мафрук (мағъувлоту) эканлигига кўра кичик тафовутга эга. Бу эса мағъувлоту рукнидаги ватаднинг тушириб қолдирилишини “ҳазаз” зиҳофиға мансуб деб билишда истиснони тақозо этади. Бундан чиқди, “ҳазф” ва “қатъ” зиҳофлари жамланмаси “батр” деб белгиланиши ва фоъилотун рукнидан “ҳазф” ва “қатъ” амаллари таъсирида ҳосил бўлган фаълун фуруъи “абтар” деб номланиши ҳар жиҳатдан тўғрироқ. Демак, юқорида кўриб ўтилган рукнларнинг ўзгаришга учраган ҳолати, бизнингча, шундай берилгани маъқул:

- Мустафъилун → мустафъилу → **мустафъил = мағъувлун** (мақтуъ);
- Фоъилотун → фоъило → фоъила → **фоъил = фаълун** (абтар);
- Фаъувлун → фаъув → фаъу → **фаъ** (абтар);
- Мағъувлоту → **мағъув = фаълун** (аслам);
- Мутафоъилун → **мутафо = фаъилун** (ахазз)

### **АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. Шамси Қайси Розӣ. Ал-мӯъчам: Душанбе: Адиб, 1991, – 464 сах.
2. A.Navoiy. TAT: 10 jildlik; nashrga tayyorlovchilar: S.G‘aniyeva va boshq; O‘zR FA, A.Navoiy nomidagi til va adabiyot in-ti. –T.: G‘afur G‘ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyি, 2013. – 684 bet.
3. Атоуллоҳ Ҳусайнӣ. Бадойиъ-с-санойиъ: (Аруз вазни ва бадиӣ воситалар ҳақида) Форс. А. Рустамов тарж. – Т.: Адабтёт ва санъат нашриёти, 1981. – 400 бет.
4. Tohiroв S.Q. Aruz vazni qoidaları. O‘quv qo‘llanma. – Sam.: SamDU nashri, 2020. 148 bet.  
Бобур. Мухтасар (Нашрга тайёрловчи С.Ҳасанов). – Т.: Фан, 1971.

## **“ТАРИХИ МУЛУКИ АЖАМ”ДА ИЖТИМОИЙ МАСАЛАЛАР ТАЛҚИННИ**

**Қодиржон Эргашев,**  
*филология фанлари номзоди, доцент*  
*ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори*  
*институти катта илмий ходими*  
*E-mail: alpbek2010@mail.ru*

**Аннотация:** Мазкур мақолада буюк мутафаккир Алишер Навоийнинг “Тарихи мулуки Ажам” асарида ифода топган ижтимоий масалалар хусусида баҳс юритилган. Ёритилган масалаларнинг бугунги кун учун аҳамияти ва долзарблик жиҳатлари ҳар томонлама кенг таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** тарих, масала, давлат арбоби, ижтимоий адолат, инсонпарварлик, “Тарихи мулуки Ажам”.

### **INTERPRETATION OF SOCIAL ISSUES IN " TARIXI MULUKI AJAM "**

**Qodirjon Ergashev,**  
candidate of philological Sciences,  
Associate Professor Senior researcher of the  
Institute of Uzbek language, literature and folklore  
E-mail: alpbek2010@mail.ru

**Annotation:** This article discusses the social issues expressed in the work of the great thinker Alisher Navoi “Tarihi muluki Ajam”. Comprehensive analysis of the importance and relevance of the issues covered for today has been made.

**Keywords:** history, issue, statesman, social justice, humanism, “Tarihi muluki Ajam”.

Маълумки, Шарқ тарихий насли синкретик характерга эга. Бир томондан тарихий-илмий манбаларга, бошқа томондан, адабий ёдгорликларга хос хусусиятларни ўзида бирлаштирган тарихий наср намуналарида, табиийки, муайян қарашлар ва ғояларнинг инъикосини ҳам кўриш мумкин. Алишер Навоий қаламига мансуб “Тарихи мулуки Ажам”нинг қимматли жиҳатларидан бири ҳам унда Навоийнинг ижтимоий - сиёсий қарашлари, тарихга давлат арбоби сифатида ёндашуви ўз аксини топганлигидир. Асарнинг бу хусусиятини проф. А.Хайитметов ҳам қайд

қилган ва “Буюк шоир ва мутафаккир, олим ва давлат арбоби Навоий бу асарини ҳам жуда муҳим ижтимоий-сиёсий ва адабий мақсадларни кўзда тутиб ёзди” деб таъкидлаган эди. [Ўзбек адабиёти тарихи, 1977: 44] Биз ҳам “Тарихи мулуки Ажам”га бағишиланган мақолаларимизда бунга эътибор қаратганимиз. Адабиётшунос С.Фаниева асарнинг ижтимоий моҳияти ҳақида шундай ёзади: “Навоий бутун ижодиётида ва фалолиятида илгари сурган идеал шоҳ ғоясини бу асарида ҳам ўтказади. Ҳар бир подшоҳ ҳақида сўз юритар экан унинг халқ ва мамлакат учун фойдали фаолиятини кўрсатиб ўтади. Бу момент асарнинг ижтимоий моҳиятини белгилаб беради.” [С.Фаниева, 1981:23]

Чиндан ҳам Навоий ҳукмдорлар ҳақида сўз юритганда, уларнинг фаолиятига баҳо берганда ўзи тасаввур қилган ижтимоий адолат принципларидан келиб чиқади. Асардан шу нарсалар маълум бўладики, Навоий тасаввуридаги ижтимоий адолат, энг аввало, халқ фаровонлигини, халқнинг тинч меҳнат қилиши ва ўз меҳнатлари самарасидан баҳраманд бўлишини таъминлашдан иборатдир. Ана шу вазифанинг уddасидан чиқолмаган ҳукмдор мамлакатни бошқаришга лойиқ эмас. Бундай подшоҳнинг кўл остидаги мамлакат гўё эгаси йўқ мулкка ўхшайди. Бунга мисол сифатида Навоийнинг Сосоний ҳукмдорлардан Яздижурд бинни Баҳром тўғрисидаги ёзган сўзларини келтириш мумкин: “Яздижурд бинни Баҳром чун мамлакат эгаси бўлди, гўёки мулк эгасиз қолдиким, у золим ва нодон киши эди. Ардашер Бобокондин бери сосонийнажод салотиндин халойикқа хар неча шафқат ва адолат етти, ул барчанинг эвази таади ва бедод еткурди”. [Алишер Навоий, 2011: 631]

Мазмуни: Яздижурд бинни Баҳром подшоҳ бўлгандан сўнг гўё юрт эгасиз қолгандек бўлди. Чунки у золим ва нодон киши эди. Ардашер Бобокондан бери Сосонийлардан бўлган подшоҳлардан халққа қанча шафқат ва адолат етган бўлса, бу ўшанча зулм ва зўравонлик қилди.

Муаллифнинг “Тарихи мулуки Ажам”да акс этган ижтимоий қарашлари, энг аввало, инсонпарварликка, халқпарварликка асослангани яққол сезилиб турди. Маълумки, Навоийнинг ўзи давлат арбоби сифатида ана шу тамойилларга содик бўлган эди [К.Эргашев, 2009: 46]. “Тарихи мулуки Ажам” даги маълумотлар, фактлардан маълум бўлишича, халқнинг ахволини енгиллаштиришга интилган, хатто солиқларни камайтирган, айrim ҳолларда бутунлай бекор қилган подшоҳлар ҳам бўлган экан. Навоий уларнинг номини ва қилган ишларини алоҳида таъкидлаб ўтади. Факат бугина эмас. Асардан яна шуни ҳам билиб олиш мумкинки, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, унинг айrim қатламларига давлат томонидан ёрдам кўрсатилиши шарқ давлатчилигида қадимдан мавжуд бўлган экан. Бу ҳақда Навоий Ажам

шоҳларидан Феруз бинни Яздижурд зикрида шундай ёзади: “Кўпрак муҳтоҷларга хазинасидин важҳи маош муқаррар қилди” [Алишер Навоий, 2011: 631].

Шуни айтиб ўтиш керакки, Навоийнинг мазкур масалаларга алоҳида эътибор бериши фақат унинг инсонпарварлиги, ундаги гуманизм билан изоҳланмайди. Бу ўринда муаллифнинг масалага тажрибали давлат арбобининг кўзи билан қарагани сезилади.

Муаллиф давлатнинг заифлашуви, мамлакатнинг ҳаробликка юз тутишига сабаб бўлувчи салбий омилларни айтиб ўтар экан, кўп ўринда юқорида тилга олиб ўтилган икки масалага ургу беради: биринчиси, халқдан олинадиган солиқлар, иккинчиси, гуноҳларни жазолашда адолат мезонларига риоя қилмаслик. Унинг фикрича, ана шу икки масалада эътидолни, яъни энг мақбул ва маъқул меъёрни сақламаслик давлатнинг заволига олиб келади. Шунинг учун хукмдор солиқларни ҳаддан ташқари кўпайтириб юбормаслиги ва халқни қийнамаслиги лозим. Иккинчи томондан, гуноҳкорлари жазолашда бериладиган жазо гуноҳига яраша бўлиши керак, оз гунох, арзимаган айб учун қаттиқ, шафқатсиз жазо чораларини тайинлаш кишиларнинг норозилигига сабаб бўлади ва халқнинг адолатга ишончи йўқолади. Ана шундай ҳолат Хурмуз бинни Анушервон давлатининг қулашига сабаб бўлғанлиги ҳақида Навоий шундай ёзади: “Аммо оз гуноҳга кўп сиёsat қилур жихатидин эл андин мутаваҳҳим бўлдилар ва мудиби танаффур бўлди... Раоёга хирожни орттурди ва сипоҳига жузвий жарима учун қатлни лозим тутти. Чун эл бир йўла навмид бўлдилар, атрофидин душманлар мулкит амаъига юз қўйдилар: Румдан қайсар ва арабдин Аббосул-аҳвал ва мағрибдин Амрул- Азрак ва Туркистондин хоқони Чин” [Алишер Навоий, 2011: 639].

Навоийнинг фикрича, давлат, мамлакат подшоҳсиз бўлмайди. Ўз навбатида, халқсиз, элсиз подшоҳлик ҳам мумкин эмас. Энг қудратли шоҳ ҳам агар унинг ёнида ҳеч ким бўлмаса, одамлар ундан юз ўғирсалар, ожиз бир кимсага айланади. Шу муносабат билан Навоий Баҳром бинни Баҳром зикрида қизиқ ва ибраторуз бир воқеани ҳикоя қилади. Бу подшоҳ ўта такаббур ва золим бўлиб, кишилар томонидан йўл қўйилган кичик хато, арзимас гуноҳлар учун ҳам қаттиқ жазолар берар экан. Унининг бу феълидан безор бўлган одамлар маслаҳат сўраб ҳакимларга ва муъбадларга мурожаат қиладилар. Уларнинг маслаҳати билан шундай қарорга келадилар: эртаси куни тонгдан бошлаб ҳечким подшоҳ ҳузурига кирмасин.

Шундай қилиб, эртасига подшоҳ ўз атрофида бирон кишини топа олмайди ва ҳайрон бўлиб нима қилишини билмай қолади. Шунда ҳакимлар келиб унга насиҳат қиладилар:”Мўъбадлар келиб, насиҳатлар қилдиларким,

подшоҳ улус ва эл билан подшоҳдур. Эл бўлмаса салтанат мумкин эмас. Сен элни мижозинг тундлиғидин ўзунгдин рамида қилдинг, ложарам сендин йироқлик тиладилар” [Алишер Навоий, 2011: 626].

Мазкур воқеани ҳикоя қилиш билан Навоий халқнинг ўзига ҳам кўп нарса боғлиқ эканини қўрсатади. Ҳукмдордан хайиқмай, ҳар қандай ҳолатда ҳам тўғри сўзни айта олган ёки жабр-зулм ҳаддан ошганда унга қарши чиқа олган кишилар ҳақидаги маълумотларни ёки афсоналарни баён қиласр экан, муаллифнинг улар қилган ишларни маъқуллаши сезилиб туради. Бундай ҳолни асардаги Захҳок зулмига қарши бош кўтарган темирчи Кова ҳақида, золимлиги туфайли қўзғолон кўтарган халқ томонидан ўлдирилган Баҳром бинни Шопур тўғрисида битилган сўзларда кўриш мумкин. Асарда Ҳурмуз бинни Насри зикрида баён қилинган воқеа ҳам диққатга сазовордир. Бу ҳукмдор ҳам ўта золим экан. У ҳали тахтга ўтирмасдан олдин одамлар унинг бу феълини яхши билганлар ва шу сабабли у отаси ўрнига ҳукмдор бўлганда улар ваҳимага тушиб қоладилар. Ўзи ана шундай, Навоий сўзлари билан айтганда “бафоят мутажаббир” киши бўлишига қарамай, мазкур шахс ўз хулқ-атвори тўғрисида жуда юқори фикрда эди. Кунларнинг бирида у бир ҳакимдан “Менинг феъл-атворимда нима етишмайди, қандай фазилат ва сифатлар керак?”, - деб сўрайди. Бундан мақсади ҳакимдан хушомад эшитиш бўлиб, у “Сизга ҳеч нарса керак эмас, сиз барча яхши хислатларга эгасиз”, - деган жавобни кутади. Лекин ҳаким бутун халқни қўрқитиб, юрагини олиб қўйган подшоҳнинг юзига тўғри сўзни айтишга журъат қила оладиган киши бўлиб чиқади ва унга шундай дейди:“Халойиқقا ҳоким ва соҳибиҳтиёр бўлганингдек ўз нафсинга ҳам ҳоким ва соҳибиҳтиёр бўлмоқлик сенга кераклитур” [Алишер Навоий, 2011: 627]. Навоийнинг ёзишича, мазкур жавоб ҳукмдорга қаттиқ таъсир қилган ва у ўз феъл-атворини ўзгартирган:” Ул бу сўздин, чун зотий жавҳари бор эрди, гафлат уйқусидин сесканиб, ўз қилиғи теграсига уюрулиб, мустаҳсан атвор тутуб, марзи ахлоқ пеша қилди”.

Навоийнинг “Тарихи мулуки Ажам”да ўз аксини топган ижтимоий-сиёсий қарашлари улуғ шоир ва мутафаккирнинг илфор дунёқараси ва гуманизмидан далолат беради. Буни муаллифнинг халқقا ғамхўрлик қилган, мамлакат учун фойдали ишларни амалга оширган ҳукмдорлар фаолиятига юқори баҳо бериши, аксинча, халқни талаш ҳисобига бойлик ортириб, ҳашаматда яшаб, майшат билан машғул бўлган шоҳларни кескин қоралашида ҳам кўриш мумкин. Мамлакат ва халқ манфаати йўлида қилинган ишларни қайд этар зкан, Навоий бунда бунёдкорликка алоҳида урғу беради, турли ҳукмдорлар даврида қурилган бинолар, шаҳарлар ҳақидаги маълумотларни батафсил келтиради. Масалан, Шопур бинни Ардашер зикрида унинг Нишопурни обод қилгани, Хузистонда Жандшопур, Қазвинда ёки Сийстонда

Шодшопур номли шаҳар ва мавзеъ барпо этгани ҳақида шундай ёзади: “Ва анинг осоридин Хурсонда Нишопурдурким, ани Тахмурас бунёд қилиб эрди, туганмасдин бурун юз бузуқлуққа қўйди. Аммо Шопур ани янги боштин шатранж бисоти вазъи била ободон қилди... Ва ул ясаған ерлардин бири Жандшопур Хузистонда ва Шодшопурдур, Қазвин ё Сийстонда” [Алишер Навоий, 2011: 625]. Худди шундай маълумотлар Шопури Зулактоф зикрида ҳам келтирилади: “Анинг осоридин Қазвиннинг шаҳристонидур ва Мадойин шаҳрининг таждиdi ва Шустарда Шодурвон ва Фирузшопур ва Сийстонда баъзи ер ва Ҳиндистонда неча шаҳр” [Алишер Навоий, 2011: 630].

“Тарихи мулуки Ажам”да келтирилган бир қатор маълумотлар қадимги шарқ давлатчилигини ўрганиш нуқтаи назаридан ҳам диққатга сазовордир. Навоийнинг ашконийлар сулоласининг асосчиси Ашқ бинни Доро зикрида ёзганлари шулар жумласига киради. Маълумки, ашконийлар сулоласи ҳокимият тепасига келгунига қадар Ажамда “мулук тавойиф” ҳукм сурган, яъни ягона марказий ҳокимият мавжуд бўлмай, турли вилоятлар маҳаллий ҳукмдорлар қўл остида бўлган. Ашқ бинни Доро уларни куч билан эмас, ихтиёрий равишда бирлаштирган. Бу бирлашув қандай шартлар асосида бўлгани ҳақида Навоий шундай ёзади: “Сойир мулуки таойиф била мувофиқат қилди. Ва алар ани бағоят ҳурмат туттилар ва мундоқ муқаррар қилдиларким, нишонларида ўз отларидин бурун анинг отин битгайлар ва ёт ёғи ароға кирса, бир-бирига мадад еткургайлар ва улуг-кичиклик орада бўлғай” [Алишер Навоий, 2011: 620]. Демак, келишувга кўра, “мулук тавойиф” Ашқ бинни Дорони ўзларидан юкори турувчи ҳукмдор сифатида тан олганлар, расмий ҳужжатлар икки ҳукмдорнинг номидан чиқарилган, бунда аввал Ашқ бинни Доронинг, сўнгра маҳаллий ҳукмдорнинг оти битилган, ташқи душман хавфи туғилганда бир-бирларига ҳарбий ёрдам бериш кўзда тутилган. Ашқ бинни Доро бундан ортигини “мулук тавойиф”дан талаб қила олмаган.

Кўринадики, бу мутлақ (абсолют) монархия эмас, уни ҳатто чекланган монархия ҳам деб бўлмайди, балки ўзига хос иттифоқ, конфедерация дейиш тўғрироқдир. Давлатчиликнинг бундай шакли ашконийлар даврида қанча вақт мавжуд бўлгани маълум эмас. Улкан ҳудудда жойлашган ва манфаатлари хар доим ҳам бир-бирига мос келавермайдиган, ўз маҳаллий ҳукмдорига эга бўлган вилоятларни тинч йўл билан бирлаштиришга, давлатчиликнинг ўша пайт учун мақбул бўлган бундай ўзига хос шаклини вужудга келтиришга муваффақ бўлганлиги Ашконийлар сулоласи асосчисининг давлат арбоби ва сиёsatчи сифатидаги катта иқтидоридан далолат беради.

Алишер Навоийнинг сосонийлар сулоласига мансуб шоҳ Нўширавон зикрида битган қўйидаги сўзларидан ҳам давлатчиликка оид айрим хуносаларни чиқариш мумкин: ”Нўширавон ул-одил бинни Қубод чун салтанат тахтин мушарраф қилди ва хилофат тожин сарафroz этти, Ардашер Бобокон қоида ва русумин ихё қилди ва анинг васиятларин мутолаа қилиб, ул дастур била амал қилурга муртакиб бўлди” [Алишер Навоий, 2011: 637]. Демак, Сосонийлар давридаёқ давлатни қандай бошқариш борасида ҳукмдорларга йўл-йўриқ кўрсатувчи дастур мавжуд бўлган. Навоийнинг Нўширавон ўша дастурни мутолаа қилгани ҳақида ёзишига қараганда, у ёзма, китоб шаклида бўлган ва Ардашер Бобоконга нисбат берилган.

“Тарихи мулуки Ажам”да муаллифнинг ижтимоий-сиёсий қарашларининг, тарихга давлат арбоби сифатидаги ёндашувининг акс этиши ҳақида сўз юритганда бу омилнинг асар услубига кўрсатган таъсирини ҳам таъкидлаб ўтиш лозим бўлади. Тарихий воқеаларни баён этар экан, тарихчининг ўз-ўзидан муайян лексик қатламларга мансуб сўзлардан фойдаланишига тўғри келади. “Тарихи мулуки Ажам” услубига хос хусусият – унда ижтимоий, сиёсий, ҳарбий, иқтисодий соҳаларга оид сўзларнинг фаол қўлланиши ана шу билан боғлиқ равишда юзага келган. Асар тилида бундай сўзлар ва ибораларнинг жуда катта пласти мавжуд. Жумладан, салтанат, салтанат асбоби, раият, бошиға тож қўймоқ, валиаҳд, подшоҳ, мулк, адл, сипохий, қонун, қоида, зулм, синон, ҳарба, мамолик, қалқон, истило, волий, сипохсолор,adolat, дор ул-мулк, яраш, хуруж, насаб, ислоҳ, хирож, ободонлиқ, ҳазойин, черик, уруш, мусолаҳа, банд қилмоқ, қатл, низоъ, иликка тушмоқ, истеъро, шикаст топмоқ, мулк очмоқ, қайсар, гумашта, асир қилмоқ, қўргон беркитмоқ, фатҳ, дин, миллат, аҳднома, фармон, раёсат, сипоҳилиқ қоидаси, черик ясамоқ, яроғ, яроғ қилмоқ, инқиёд, забт қилмоқ, вазир, золим, ноиб, онт, дабир, нишон, мунқод қилмоқ, васият, қойим мақом, тобеъ, мансаб, ҳукумат, истиқлол, муҳосара, тасарруф, ҳужжат, жазо, салаф, гунаҳ, сиёсат, улус, эл, мутажаббир, мазлум, мулк вориси, мамлакат эгаси, маъмурлук, бузуғлуқ ва бошқалар.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Алишер Навоий. “Тарихи мулуки Ажам”. Тўла асарлар тўплами, саккизинчи жилд. Т., 2011. 786 б.
2. Эргашев Қ.. “Тарихи мулуки Ажам”да тарихий ҳақиқат ва афсонавий-романтик талқин//Ўзбек тили ва адабиёти, 2006 йил, 5-сон, 23-бет.
3. Эргашев Қ.. “Тарихи мулуки Ажам”да давлатлараро муносабатлар талқини//Ўзбек тили ва адабиёти, 2013 йил, 1-сон, 25-29-бетлар.

4. Эргашев К.. Тарих аҳлининг ихтилофи кўптур(Навоийнинг тарихий асарлари ҳақида). Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 2000 йил. 22 декабрь.
5. Эргашев К.. Некоторые аспекты государственной деятельности Алишера Навои. Т., 2009. – 48 с.
6. Ўзбек адабиёти тарихи. 5 томлик, 2-том. Т., 1977. 544 б.
7. Фаниева С. Алишер Навоийнинг прозаик асарлари. Т., Ўзбекистон, 1981. 134 б.

## КОМРОН МИРЗО ИЖОДИДА МУМТОЗ АНЬАНАЛАРГА ИЗДОШЛИК

*Холиқулова Гулсанам Ёрқуловна,  
Ф.ф.н., СамДУ докторанти,  
[gulsanamyorqulovna@mail.ru](mailto:gulsanamyorqulovna@mail.ru)*

**Аннотация:** Бобур адабий мактаби вакилларидан Комрон Мирзо ижодида ўзбек мумтоз адабиёти вакиллари, хусусан, Алишер Навоий, Захириддин Муҳаммад Бобур ижодининг таъсири катта. Бу “туркий” номи билан юритилувчи жанрдаги шеърларда ҳам яққол кўзга ташланади. Мақолада ана шу мавзу ёритилган.

**Калит сўзлар:** Комрон Мирзо, “туркий” шеър, туркий тил, ошиқона мавзу, содда ва равон услугуб, рамал баҳри.

## SEARCH FOR CLASSIK TRADITIONS IN KOMRON MIRZI'S WORK

*Holikulova Gulsanam Yorkulovna,  
Ph.D., SamDU doctoral  
[gulsanamyorqulovna@mail.ru](mailto:gulsanamyorqulovna@mail.ru)*

**Abstract:** Komron Mirzo, one of the representatives of the Babur literary school, was greatly influenced by the representatives of the classic uzbek literature, in particular, Alisher Navoiy and Zahiriddin Muhammad Babur. This is also evident in the poems of the genre called “turkish”. This is the subject of the article.

**Key words:** Komron Mirzo, “turkish” poem, Turkish language, romantic theme, simple and flowing style, weight gain, sea urchins

Бобур адабий мактаби вакили Комрон Мирзонинг истеъдодли ижодкор сифатида камол топишида ўзидан олдин ўтган ўзбек мумтоз адабиётининг вакиллари, хусусан, Алишер Навоий, Захириддин Муҳаммад Бобур ижодининг таъсири катта. Комрон Мирзо устоз ижодкорлар ижоди ва шахсининг кучли ихлосманди сифатида кўзга ташланади. Буни Комрон Мирзо туркий жанрда яратилган шеърларида тез-тез учратишимииз мумкин.

“Туркий” шеър атамаси билан юритиладиган жанр Шарқ ғазалчилигининг ошиқона турига мансуб бўлиб, дастлаб Разғузий, Хоразмий

ижодида кўзга ташланади. XV асрнинг биринчи ярмида сайқаллашиб, кенгайиб, ошиқона ғазалнинг ажойиб турига айланган бу жанр Алишер Навоий, Хусайн Бойқаро, Захириддин Муҳаммад Бобур, Комрон Мирзо лирикасида янада янги хусусиятларни касб этди.

Комрон Мирзо “Девон”идан ўрин олган 38 та ғазалнинг 12 таси туркий жанрда яратилган. Улардан туркий жанрнинг барча хусусиятлари яққол кўзга ташланади. Аввало, 12 ғазалнинг барчаси эски ўзбек тилида ёзилган. Маълумки, мазкур жанрнинг “туркий” деб номланишига сабаб ҳам унинг туркий тилда битилишидир. Алишер навоий “туркий”га шеър жанри сифатида қараб, унинг жанрий хусусиятларини кўрсатиб ўтар экан, “бу лафз анга алам бўлубтур” дея эътироф этади [Салохий, 2003: 11]. Жумладан,

Лолаву гул равнақи ҳусну жамолингча йўқ,  
Сарви санавбар тақи тоза ниҳолингча йўқ.

Гулшан аро гар ҳазор бўлса мену кунжи ғам,  
Гулшану боғу баҳор манга ҳаёлингча йўқ.

Сарв қаддингча эмас, лола ҳаддингча эмас,  
Сабза хатингча эмас, вард жамолингча йўқ.

Эйки, кўзум уйида мардумаки дийдасен,  
Мардумаки дийда лек ҳиндуий холингча йўқ.

Мону манол, эй кўнгул, ёр ғаму дардидур,  
Икки жаҳон ҳосили молу манолингча йўқ.

Гулни басе Комрон кўрдию, эй гул, сени,  
Обиу тоби анинг чеҳрайи олингча йўқ. [Комрон, 1993:13-14]

Иккинчидан, Комрон Мирзонинг «туркий» ғазалларининг барчаси ошиқона мавзуда бўлиб, уларда ишқ-муҳаббат, маҳбубанинг таҳриф-тавсифи, лирик қаҳрамоннинг руҳий кечинмалари, қайфияти ифода этилган. Туркий шеърда асосий мавзунинг ошиқона эканлиги, яъники мавзунинг аниқлиги мазкур жанрнинг тузилиш жиҳатдан яхлитлигини таъминлайди. Академик Б.Валихўжаев бу ҳақда шундай ёзади: “Мавзунинг маълум даражада конкретлиги туркийнинг (туркий жанрнинг – Х.Г.) мазмунан изчилиги ва композицион жиҳатдан яхлитлигини, ундаги байтларнинг ўзаро мантиқий тарзда боғланишини таъминлайди” [Валихўжаев, 1988: 58]. Шу нуқтаи назардан юқоридаги ғазал тузилишига кўра якпорадир. Ҳолбуки, девон тартиб беришда якпора ғазалларга эътибор қаратиш муҳим саналган. Алишер Навоий бундай ғазаллар яратишни маъқул билгани ҳолди, пароканда ғазаллар ҳақида ўзининг “Бадоеъ ул-бидоя” девони дебочасида шундай ёзади: “матлаъи маҳсус навъда воқеъ бўлғон бўлса, ҳамул матлаъ услуби била итмом хилъатин на анжом кисватин кийдурмайдурурлар, балки тугагунча агар бир байт мазмуни висол баҳорида гулоройлик қилса, яна бири

фироқ ҳазонида хорнамойлиқ қилибдур” [Салихий, 2004:28]. Маълум бўладики, “туркий” жанрнинг бу жиҳати айни Навоийнинг ижод аҳли олдига қўйган девон тартиб бериш ҳақидаги талабларигамуфиқдир. Энг асосийси, туркийнинг жанр хусусияти унинг ошиқона мазмуни “руҳафзо, дилписанд, руҳпарвар” (Навоий), яъни ҳаётни севувчилар, ҳаётий ишқ муҳислари “судманд”дир. Комрон Мирзонинг юқорида матни келтирилган ғазали ушбу талабга ҳам том маънода жавоб бера олади.

Комрон Мирзонинг туркий шеърларининг ўзига хос жиҳатаридан яна бири, уларнинг содда, равон тилди, юксак бадий маҳорат билан ёзилганлигидадир. Юқоридаги ғазалда тасвирланган маҳбубанинг жамоли “лола”, “гул”, “вард” (атиргул)дан, ниҳоли (қади) “сарв”, “санавбар”дан, хати “сабза”дан, ҳиндуйи (қора) холи “мардумаки дийда” (кўз қорачифи)дан, чехраи оли (қизил юзи) гулнинг “обию тоби”дан устунлиги таносиб, тазод, ташбех, лафф ва нашр санъатларининг уйғунлашуви асносида гўзал тарзда намоён бўлган. Зеро, туркий шеърнинг учинчи жанрий хусусияти ҳам айни шуни талаб этади. Яъники, туркий шеърда фикр равон тил ва бадий жиҳатдан нозиклик билан ифодаланиши лозим. Шу жиҳатдан Комрон Мирzonинг Алишер Навоийнинг

Кўкрагимдур субҳнинг пироҳонидин чокроқ,

Кипригим шабнам тўкилган сабзадин намрокроқ. [Навоий, 1988: 370]  
байти билан бошланувчи ғазалига эргашиб ёзган қуйидаги ғазали ҳам ибратлидир:

Сендин айру ҳар замон кўнглум менинг ғамнокроқ,

Кўкрагим ҳажр илгидин пироҳанимдин чокроқ.

Тиги мужгон тез этиб мастона боқсанг, эй қуёш,

Ханжаринг бепоку андин кўзларинг бепокроқ.

Бир назар бирла билиб дардимму даво айладинг,

Йўқтуур ҳусн аҳлида сендин киши даррокроқ.

Поклар кўнгли мақомингдур магар наққоши сунъ,

Чекмади сурат бу сафҳа Узросиндин покроқ.

Комрон қулдур қаду рафторингаким, йўқтуур

Қоматиигдин боғ аро сарви сихий чолокроқ. [Комрон, 1993:15]

Ушбу ғазалдан маълум бўладики, Комрон Мирзо туркий шеър яратишда Алишер Навоий ижодига бевосита мурожаат этиб, устоз шоирга издошлиқ қилган. Комрон Мирzonинг мумтоз адабиёт анъаналарига издошлиги, айниқса, ўз падари бузурквори Захириддин Муҳаммад Бобур ижодига эргашишида яққол кўзга ташланади. Бу масала адабиётшуносликда алоҳида тадқиқот мавзуси ҳисобланади.

Ниҳоят, туркий шеърнинг жанрий хусусияти унинг “рамали мусаммани мақсур” (фоилотун, фоилотун, фоилотун, фоilon) вазнида ёзилиши билан

ҳам белгиланади. Аҳамиятлиси, Комрон Мирзо туркий шеърнинг бу анъанасини ҳам давом эттирид деб айтиш мумкин. Унинг туркий шеър деб эътироф этганимиз 12 та ғазали айни шу вазнадидир. Шунингдек, шоирнинг туркий ғазаллари ичидаги “рамали мусаммани маҳзуф” (фоилотун, фоилотун, фоилотун, фоилун) вазнида ёзилганлари ҳам, баъзан бир ғазал икки хил вазн (мақсур ва маҳзуф)да яратилганлиги ҳам кузатилади. Масалан,

Рамали мусаммани мақсур:

То қаро туф/роққа қилдим/ мен бу дайр ич/ра нишаст,  
Маснади жам/ қадрина бил/миш менинг ер/бирла паст. [Комрон, 1993:9]

-V - - | - V - - | - V - - | - V - ~

фоилотун, фоилотун, фоилотун, фоилон

Рамали мусаммани маҳзуф:

Барқдек, ан/вори ҳуснинг/кўзларимга/чақилиб,  
Кўздин оқиз/динг кўнгулни/ қатра-қатра/ қон қилиб. [Комрон, 1993:8]

-V - - | - V - - | - V - - | - V - -

фоилотун, фоилотун, фоилотун, фоилон

Бу ҳолат туркий шеърда ижод қилган бошқа шоирлар ижодида ҳам кузатилади. “Гарчи “рамали мусаммани мақсур” ва “рамали мусаммани маҳзуф” икки вазнде кўринса ҳам, аслида улар ўзрао жуда яқин бўлиб, бу иккисининг аралашаши ғайри қонуний ҳисобланмас эди” [Валихўжаев, 1988:60].

Хулоса қилиб айтганда, Комрон Мирзо ижоди мумтоз анъаналардан унумли озиқланган бўлиб, туркий шеърлари “туркий” деб аталган (Навоий) жанрнинг барча талабларига жавоб бергани ҳолда, Алишер Навоий, Захириддин Мухаммад Бобур анъаналарининг XVI асрда кенг миқёсда давом этганигини кўрсатади. Туркий шеър тадқиқи эса индивидуал услугуб ҳамда давр ижодий методини белгилашда муҳим аҳамиятга эгадир.

### Адабиётлар:

1. Алишер Навоий. Қаро кўзим. –Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти. 1988. – 768 б.
2. Комрон Мирзо. Девон. Газаллар. (Нашрга тайёрловчи С.Ҳасанов). – Тошкент: Ёзувчи, 1993. – 80 б.
3. Валихўжаев Б. Алишер Навоий туркий ва туркийгўйлик ҳақида. // Адабий жанрлар ва бадиий маҳорат масалалари. Илмий мақолалар тўплами. – Самарқанд: 1988.
4. Салоҳий Д. Алишер Навоий шеъриятида туркона услугуб анъаналари. Услубий кўлланма. – Самарқанд: 2003. – 36 б.
5. Салоҳий Д. Бадоев ул-бидоя малоҳати. – Тошкент: Фан, 2004. – 135 б.
6. Даминова Р. Туркона услугуб бадиияти масалалари. филология фанлари бўйича фалсафа доктори (phd) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Самарқанд: 2019. – 147 б.

# АЛИШЕР НАВОИЙ ВА ОЧИЛДИМУРОД МИРИЙ

*Сирдарёхон ЎТАНОВА,  
филология фанлари номзоди, ЎзР ФА  
Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори  
институти катта илмий ходими*

**Аннотация:** Мазкур мақолада Алишер Навоининг XIX асрда яшаган издошларидан бири Очилдимурод Мирий ижодига таъсири масаласи тадқиқ қилинган. Хусусан, Мирийнинг Навоий 8 та ғазалига боғланган, аммо ҳали илмий муомалага киритилмаган мухаммаслари анъана ва новаторлик, бадиий маҳорат нуқтаи назаридан ўрганилган. Ҳар икки шоир шеъриягининг муштараклигини таъминлаган образлар атрофлича таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** анъана, новаторлик, адабий таъсир, бадиий маҳорат, образ, тимсол, тил хусусиятлари.

## ALISHER NAVOI AND OCHILDIMUROD MIRI

**Annotation;** This article examines the influence of Alisher Navoi on the work of Ochildimurod Miri, one of his followers in the XIX century. In particular, Miri's muhammas, which are connected with 8 ghazals of Navoi, but have not yet been put into scientific circulation, have been studied in terms of tradition and innovation, artistic mastery. The images that ensure the commonality of the poetry of both poets are analyzed in detail.

Самарқанд (Каттакўрғон) адабий муҳитининг кўзга кўринган вакилларидан бири, XIX асрда яшаб ўтган лирик шоир, сермаҳсул достоннавис Очилдимурод Мирий, шубҳасиз, ўзбек адабиёти тарихида алоҳида ўрин эгаллайди. Қўлёзма ва тошбосма манбаларга таяниб айтиш мумкинки, шоирнинг ўзбекча-форсча шеърлардан иборат девони ҳамда 4 йирик ҳажмли достон ёзгани маълум. Шунингдек, у яшаган даврга тегишли турли баёзлардан унинг бир қанча шеърлари ўрин олган. Афсуски, бугунги кунгача унинг аниқланган ва манбаларда мавжуд асарлари табдил қилиниб, китобхонлар қўлига яхлит шаклда етиб борган эмас. Бундан ташқари, хорижий мамлакатларда сақланаётган қўлёзмалар орасида Мирий қаламига мансуб ижод намуналари бўлиши эҳтимоли юқори бўлиб, бу борада зарур изланишлар амалга ошириш матншунос ва манбашунос олимларнинг навбатдаги долзарб вазифаларидан биридир. Шу маънода илк навбатда ўлкамиздаги қўлёзмалар сақланадиган фондлар ва кутубхоналарда кенг

ҳажмдаги тадқиқот ишларини йўлга қўйиш Мирийнинг ҳаёти ва адабий меросига доир кўплаб янги қирраларнинг кашф этилишига йўл очади.

“Юқоридагилардан маълум бўладики, мирийшуносликда бир қатор изланишларнинг натижаси ўлароқ муайян ютуқларга эришилган бўлса-да, бугунги кунда амалга оширилиши керак бўлган вазифалар ҳам йўқ эмас. Жумладан, Мирий ҳаёти ва ижодини муайян фактлар, қўлёзмалар асосида ўрганишни давом эттириш, асарларини нашр эттириш бугунги куннинг долзарб масалаларидан”[11:17].

Мирий қаламига оид асарлар билан танишиш шуни кўрсатадики, у ижод жараёнида янги йўллар ахтарган, жанрлар такомили ва образлар яратишда ўзига хосликка интилган, айниқса, назира ва тахмиснависликда тамомила охорли шакл ва нафис санъатларни кашф этишга жидду жаҳд кўрсатган қалам соҳибидир. Албатта, шоирнинг муваффақиятлари илк навбатда бадиий ижод қонунларини пухта эгаллаганида, қалбидаги серзавқ шоирлик маҳоратида, анъаналарга ижодий ёндашгани билан алоқадор. Айниқса, унинг “Хамса” ёзишга уриниб, бу йўлда тўрт достон битгани туркий ва Шарқ халқлари адабиёти билан яхши таниш бўлганининг очиқ исботидир.

Очилдимурод Мирийнинг лирик мероси ўтган аср бошларидаёқ Абдулҳамид Мажидий, С.Айний, Олим Шарафиддинов, М.Маҳмудов, М.Салоҳиддинов, С.Сирожиддинов, Б.Валихўжаев сингари устоз адабиётшунос олимлар томонидан у ёки бу жиҳатдан ўрганилган, М.Маҳмудов ва Г.Холиқулловалар номзодлик иши ёқлаганлар.

Маълумки, 1965 йилда адабиётшунос Муҳаммаджон Маҳмудов томонидан Мирийнинг “Танланган асарлар”и нашрга тайёрланган. [8:312] Биз “Ўзбек адабиёти дурдоналари” 100 жилдлигини тайёрлаш лойиҳаси доирасида Мирий девонига қайтадан мурожаат қилдик. Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик қўлёзмалар институтидаги №1408 рақамли форс-тожикча ва ўзбекча шеърларидан иборат девонида мавжуд, аммо юқорида кўрсатилган нашрга кирмай қолган жами 43 ғазал, 1 тазмин ғазал, 8 мухаммас, 1 мусаддас, 1 қитъя ва 3 рубоийни аниқлаб, уни жорий алифбога табдил қилдик ҳамда чоп этиш учун топширдик.

Юқорида таъкидланганидек, Мирий поэзиясининг ўзига хослиги, бадиий баркамоллиги, услубан рангдорлиги қатор омилларга бориб тақалади. Ана шундай муҳим манбалардан бири шоирнинг ҳазрат Алишер Навоийни ўзига маънавий пир ва устоз деб билгани, руҳан ниҳоятда қаттиқ боғлангани, издошлика астойдил бўлгани билан изоҳлаш мумкин.

Бу ҳақда А.Мажидий[6:34-38], М.Маҳмудов[7:5], В.Абдуллаев ва Б.Валихўжаев, [2:132] Ш.Сирожиддинов[10:96], Г.Холиқулова[11:182] ишларида маҳсус тўхталиб ўтилган бўлиб, анъана доирасида яратилган

асарларнинг бадиий маҳорат ва поэтик етуклик қирралари ёритиб берилган. Шунга қарамасдан, совет мағкурасининг тазиқлари остида бажарилган ушбу тадқиқотларда (Г.Холиқулованинг диссертациясидан ташқари) масалага бирёклама ёндашилганидан шоирнинг муҳим ижодий оригиналлиги четда қолиб кетган. Боз устига, “Танланган асарлар”га кирмаган, кейин аниқланган 8 та мухаммасининг бари Алишер Навоий ғазалларига боғланган бўлиб, мақола мавзуси улар ҳақида фикр-мулоҳаза юритишни тақозо қиласди.

Аввало, Мирийнинг мутафаккир Алишер Навоий анъаналарини давом қилдиришини тўртта асосий жиҳатларда кузатиш мумкин бўлади;

биринчидан, шоир ғазалнавислик доирасида ўзига хос услугуб, янгилик қилишга уринган, қофия ва радифларда бевосита эргашган ўринлар талайгина.

иккинчидан, “Хамса”га қўл урди. “Қиссаи Салим Жавҳарий”, “Мажидиддин ва Фахриннисо”, “Рустам ва Суҳроб” ва тожикча “Раъно ва Зебо” достонлари орқали бешлик намунасини яратишга уринган;

учинчидан, Мирий ўз “Соқийнома”си билан бу жанрнинг яна бир ажиб, сероҳанг ва бадиий жиҳатдан пишиқ бир кўринишини ижод қилди;

тўртинчидан, Навоий ғазалларига боғланган назира ва мухаммаслари шоир ижодининг эътиборли қиррасини ташкил этади.

Демак, аввало, Мирий шеъриятида салафларига, хусусан, ҳазрат Навоий назмидан чексиз илҳом олароқ қўплаб гўзал ғазаллар битгани хусусида. “Ғаройиб ус-сигар” девонидан ўрин олган “Кўнглум ўртансун агар ғайрингға парво айласа” деб бошланувчи ғазалдаги қофиялар Мирийнинг “Телба бўлмай найлай, ул гул ўзни раъно айласа” сатрлари билан воқеланганд ғазалида деярли такрорланади:

Навоийда:

*Келтурунг дафъи жунунумга парихон, йўқ табиб*

*Ким ул ансабдур пари ҳар кимни шайдо айласа[3:26].<sup>66</sup>*

Мирийда:

*Тари-тарини очиб, ҳар ён тақиб туморлар,*

*Ҳусн туморин тақиб, кўнглумни шайдо айласа[9:17].<sup>67</sup>*

Навоийда:

*Офият жонимга етти, эй хуши ул музким, мени*

<sup>66</sup> Бундан кейинги мисоллар ҳам МАТдан олинганда, китобнинг сахифаси ва ғазал рақами кўрсатилади. - С.Ў.

<sup>67</sup> Бундан кейинги мисоллар ҳам мазкур асардан олинганда, китобнинг сахифаси ва ғазал рақами кўрсатилади. - С.Ў.

*Бир қадаҳ бирла харобот ичра расво айласа.*

Мирийда:

*Эй хирад аҳли, оғиз таънимға очманлар мени,*

*Ким, пари кўрмиш, ажаб йўқ, ўзни расво айласа.*

Кўринадики, ҳар икки ғазалда “тумор”, “париҳон”, “муғ”, “харобот”, “қадаҳ”, “жунун” сингари сўзлар мазмунан уйғунлик ҳосил қилган. Гарчи келтирилган лафзлар айнан келмаса-да, жафокор ёрнинг ноз-у итобларини турли томондан акс эттирган. Улуғ шоир Навоийнинг машҳур матлаъли ғазалига:

*Эй гадойингнинг гадойи барча аҳли тахту тож,*

*Ким гадойингдур, анга йўқ тахт ила тож эҳтиёж, - (3-93)*

Мирий қуидаги тарзда жавоб битган:

*Эй гадойи даргаҳинг гар бенаводур аҳли тож*

*Ким, гадойингдур анга йўқ тож истар эҳтиёж. (Ўша китоб, 49-б.)*

Мутафаккир Навоийнинг мазкур ғазалида мурожаат қилинаётган объект бир қадар мавҳумроқдек таассурот уйғотгани учун ҳам навоийшунос О.Давлатов унинг “Султон Ҳусайн Бойқаро, севикли маҳбуба ёхуд Аллоҳ таоло эканлигини англаш қийинлигини ёзади”.[5:240-246] Аммо Мирийнинг ғазали билан танишиш лирик қаҳрамон диққати Пайғамбаримиз Мухаммад (с.а.в.)га қаратилаётгани ёрқин ифода қилинган. Инчунин, 3-4 байтларда Пайғамбаримизга берилган хос мўъжизалар: “شاққи садр” ҳамда “Меърож” воқеасига очиқ ишоралар англашилади.

*Бир ишорат бирла илкинг қилдию аниоқ ал-қамар,*

*Бир қадам бирла фалак аҳлига бердинг ибтиҳож.*

*Жаброил айлаб уруж оқиоми сенга ҳамраҳлиғ,*

*Зоҳир айлаб ажз қолди пўядин очиб қулоч. (Ўша китоб, 49-б.)*

Мирийнинг устозининг ушбу ғазали мавзусини пайғамбарга наът кўринишида давом эттириши шоирнинг муайян асарга ёндашувда ижодий мезонга таянганини кўрсатса, бошқа томондан, Навоий девонидан ўрин олган ҳар бир асар нечоғли серқатлам маъно товланишларига эга эканига яна бир бор таниқлик этади.

Мирий шеърларининг мутолаасида унинг Навоий назмига бениҳоя ошуфта бўлгани, ич-ичдан қўнгилдош ҳис қилгани, шунингдек, бадиий маҳорат бобида устозига эргашиш асносида ўз шеърий салоҳиятини янада оширишга интилгани кўзга ташланади:

*Қаро кўзум келу мардумлуғ эмди фан қилғил,*

*Кўзум қаросида мардум киби ватан қилғил. (3-371)*

Навоийнинг мазкур “Қилғил” радифли ғазалига Мирий ниҳоятда ажиб назира боғлаган.

*Қаро кўзум, келу кўз мардумида айла ватан,*

*Кўзумни мардумисен, мардумак сенга маскан. (ўша асар, 176)*

У вазнда муштаракликни сақлаб қолишга ҳамда мазмунан янги асар яратишга эришган.

Навоий ижодида алоҳида ўрин тутувчи жанрлардан бири соқийнома бўлиб, унгача бўлган туркий адабиётда бирор намунаси учрамайди. Шунингдек, мазкур жанрда Навоийда кейин ҳам у қадар кўп соқийномалар битилмагани маълум.<sup>68</sup> Мирий қаламига мансуб З бандли соқийнома ҳам у ёки бу қадар уйғунлик, бирликни ташкил қиласди. Адабиётшунос М.Асадовга кўра, Мирий соқийномаси қофияланиш тарзига кўра, арабча-форсча сўзларнинг ишлатилиш салмоғи, ҳасби ҳол руҳининг устуворлиги ҳамда маъно, оҳанг, тасвир усулига кўра ҳам яққол ўхшашлигини таъкидлайди.

Навоий соқийномаси:

*Соқиё, бодай мастана кетур,*

*Дайрдин бодапарастона кетур.*

Мирий соқийномаси:

*Кетур, соқиё, майли табъим – шароб,*

*Хумор этгуудек хаста кўнглум хароб.*

Кўринадики, Мирий ижодида Навоий анъаналарини давом эттиришга интилиш кучли бўлган, айниқса, соқийномалар тадқиқида бу мақсади бир қадар ҳосил бўлгани равшаналашади.

Боз устига, Навоий сингари “Ҳамса” ёзишга киришгани ҳам унинг эътирофга лойиқ журъатли қалб соҳиби эканлигини кўрсатади. Проф. А.Абдуғафуров Алишер Навоийнинг улкан адабий мероси кейинги беш аср давомида барча туркий халқлар миллий адабиётларининг умумий йўналиши ва тараққиётида ҳал қилувчи омиллардан бири бўлгани, уларнинг ривожи ва гоявий-бадиий камолотига бевосита ва баракали таъсир кўрсатиб келгани ҳақида ёзар экан, “Навоий ижодининг илҳомбахш анъаналари мавзуси ниҳоятда кенг ва сирқирра бўлиб, ҳар бир қалам аҳли фаолиятида ўзига хос кўриниш ва даражаларда юзага чиқадики, бу ҳол аниқ ва далилли таҳлилни талаб қиласди” [1:154], дейди. Навоий эпик шеъриятининг Мирий ижодига бевосита ва билвосита таъсирини тадқиқ этиш эса Устоз адабиётшуноснинг мулоҳазаларини тўла қувватлади. Зоро, Мирийнинг ўзи “Эй саодат чархининг авжида меҳросо юзинг” деб бошланувчи ғазалининг бешинчи байтида “Ҳамса” ёзиш орзусини ошкор этиб, шундай ёзганди:

<sup>68</sup> Ф.ф.доктори М.Асадов соқийномаларга доир монографиясида ушбу жанр Алишер Навоийдан кейин Мажзуб Наманғоний, Нодим Наманғоний, Табибий, Мирий, Аваз ижодида учрашини қайд этади.

*Беш жузвим ахтарурда истадим олти жиҳат,  
Назми “Раъно”ни тиларда айладим туғро юзинг.  
Беш жузвимга мадад еткурса беш оли або,  
“Хамса” услубида беш тарҳ айлайин иниш юзинг. (1380/148)*

Мисраларда зикр этилаётган ва, умуман, яхлит ғазалда учрайдиган “саодат чархи”, “хотиринг аблас”, “тилинг афсаҳ”, “сўзинг акмал”, “комиллиф”, “беш оли або”, олти жиҳат” сингари калималардан ҳам англашилиб турибдики, Мирий ўз салафларига эргашган ҳолда “Хамса” ёзишга киришар экан, у орқали Расулуллоҳ с.а.в. руҳи покларига эзгу ҳурматини билдиromoқчи бўлган ҳамда чин муҳлис, солиҳ уммат бўлишни тилаган ҳолда ижод жараёнига киришган.

Тўғри, Мирий “Хамса”ни якунига етказа олмаган, бироқ адабиётшунос олимлар В.Абдуллаев ва Б.Валихўжаевларнинг тадқиқотларидан аён бўлишича, “Бироқ “Қиссаи Салим Жавҳарий”, “Мажидиддин ва Фахриннисо”, “Рустам ва Сухроб” ва тожикча “Раъно ва Зебо” поэмалари орқали эпик поэзиянинг бадиий маҳорат, кўламдорлик, оригиналлик нуқтаи назаридан салмоқли намуналарини яратишга муваффақ бўлган”. [2:132]

Мирий ижодининг характерли хусусиятларидан сўз кетганда, унинг мумтоз адабий анъаналар доирасида янгича йўл ахтариб, бир қатор оригинал маънавий мерос қолдириш шарафини қўлга киритганидан хабардор бўламиз. Илк навбатда, ҳазрат Алишер Навоийнинг “Ашрақат мин акси шамсил-каъси анвор ул-худо” деб бошланган ғазалига ёзган назираси жуда муҳимдир. Девонда шоирнинг ўзи унга “тазмини Мирий ғазали ҳазрат Навоий” тарзида ном қўйган[8:117 а варак]. “Мирий тазмин санъатининг деярли учрамайдиган усулидан фойдаланиб, маънавий устози ғазалининг барча байтларига ўз мисралари билан эргашиб боради:

*Токи қилмиши масканат майхонаси файз иқтизо, - M.  
“Ашрақат мин акси шамсил-каъси анвор ул-худо ”. – H.*

*Бода мавжи қулқули соғарни хуши пайғоми бор, - M.  
“Ёр аксин майда кўр, деб жомдин чиқти садо ”. - H.  
“Ғайр нақшидин кўнгул жомида бўлса занги зам ”, - H.  
Соғари ваҳдатдин ул зангор орит бергил жило. – M.*

Албатта, Навоий ижодида юксак мавқе эгаллаган бундай ғазалга тазмин боғлаш ҳар қандай ижодкордан катта масъулият, баланд иқтидор, нафис дид талаб қиласди. Адабиётшунос Г.Холиқулова ўз тадқиқотида бу гўзал шеър хусусида маҳсус тўхталар экан, тазмин тўлиғича таҳлилга тортиб, илмий нуқтаи назаридан асосли хулосаларини баён этган: “*Мирий ушибу ғазал орқали тазмин боғлашда Навоийга бўлган шогирдлик ҳурмати ва муносабатини*

билдириши билан бирга, ўзининг диний-тасаввуфий билимини ҳам намоён этган. Шоир газал моҳиятига чуқур етиб борадики, натижада Навоий мисраларига ҳар жиҳатдан мос келадиган ва уларни тўла очиб берадиган байтлар яратади. Эътиборли томони шундаки, Мирий мисралари Навоий газалининг шарҳи ва ўзига хос талқини сифатида кўзга ташланади. Бу эса Мирийнинг ҳам шоир, ҳам адабиётшунос сифатидаги маҳоратини белгилайди ҳамда мумтоз анъаналарни ўзига хос тарзда давом эттирганигини кўрсатади”[11:13]. Ҳақиқатан, нозик қалб қаламкаш Мирийнинг ушбу тазмини лирик назмнинг поэтик талабларига мослигини кўрсатади.

Яна шуни қайд ўтиш керакки, Очилдимурод Мирийнинг шу асрдаги замондош шоираси Дилшоди Барно адабий меросида ҳам Навоийни ўзига устоз билиб, унинг айни шу ғазалига издошлиқ қилишга уриниш қузатилади:

*Бу муҳаббат жомидур, деб даҳрдин чиқди нидо,  
“Ёр аксин майда кўр” деб жомдин чиқди садо*[12:12].

Бундан мулоҳаза қилиш мумкинки, Амирийнинг “Қошунгга тегузмагил қаламни” ғазалига пайров сифатидла тахмис боғлаш муайян анъанага айлангани сингари, Навоийнинг тасаввуфий-ирфоний ҳам бадииятига кўра мукаммал саналган маълум шеърларидан илҳомланиб, шеър битиш ҳам Мовароуннахр ҳудудида ўзига хос ворисийлик кўринишини олган экан.

Мирий лирик меросида мухаммаслар ҳам алоҳида ўрин тутади. Унинг қўлёзма ва тошбосма манбалардан ҳозиргача аниқланган тахмислари 29 та бўлиб, шундан 16 таси Навоий ғазалига боғланган.

XVI асрдан кейинги ўзбек мумтоз адабиёти тарихидаги мухаммаснавислик анъаналари кўздан кечирилиб, хулоса қилинса, ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкинки, Мирийнинг Алишер Навоий ғазалларига боғлаган тахмислари бир жиҳати билан алоҳида ажralиб туради. У аксарият ўринларда салафининг ҳамд ва наът ғазалларига шеър боғлаш йўлини тутган. Умуман олганда, Мирий қатор ғазал ва достонларида устози, пири Алишер Навоийни кўп маротаба зикр этади.

*Ҳазин Мирий наво истар Навоий мисраъидин кўп,  
Ул ойни ишиқида, ё Раб, мени мундин батар зор эт.*

Уларнинг барида шогирдлик эҳтироми, Навоий ҳазратларига нисбатан чуқур ҳурмати, илҳом манбаи эканлиги кўриниб туради.

### **Адабиётлар рўйхати:**

1. Абдуғафуров А. Буюк бешлик сабоқлари. Мақолалар. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1995.

2. Абдуллаев В. ва Б.Валихўжаев. Мирий ва унинг замондошлари. – Тошкент: Фан, 1977.
3. Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. 20 жилдлик. З-жилд. – Тошкент: Фан, 1988.
4. М.Асадов. “Соқийнома: тарих ва поэтика”. – Тошкент: Тафаккур, 2020.
5. Давлатов О. Маънолар хазинаси. Иккинчи китоб. – Тошкент: Тамаддун, 2021.
6. Мажидий А. Шоир Мирий // Маориф ва ўқитчувчи, 1927, 6-сон.
7. Маҳмудов М. Навоий ва Мирий. / “Ўзбекистон маданияти” газетаси, 1966 йил 26 февраль.
8. Мирий. Девон. – ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Шарқ қўлёзмалари фонди. №1408.
9. Мирий. Танланган асарлар. Нашрга тайёрловчи М.Маҳмудов. – Тошкент: Фан, 1965.
10. Сирожиддинов Ш. Навоий навосидан баҳра олиб... – Самарқанд: “Зарафшон”, 1996.
11. Холиқулова Г. “Мирийнинг “Рустам ва Сухроб” достони бадиияти”. – Т.: Мумтоз сўз, 2013.
12. Шарқ классиклари меросидан. Зебунисо, Дильтод ва Анбар отин. – Тошкент, 1981.

## NAVOIY IJODIDA AYOLLAR TA’RIFI

***Mo’minjon SULAYMONOV***

*NamDU o‘zbek adabiyotshunosligi*

*kafedrasi dotsenti*

***Gulnoz XOLDOROVA***

*NamDU magistranti*

Alisher Navoiyning “Xamsa” asariga xos ajoyib bir an’ana bor. Dostonlarning odatda, so‘nggi boblari Navoiy o‘zi uchun aziz deb bilgan shaxslar yoxud joylar ta’rif-yu tavsifiga bag‘ishlangan. “Xamsa”ning birinchi dostoni “Hayrat ul-abror”ning 19-maqolotida Hirot va Xuroson madhi keltirilgan. [1, 304]

Muallif tomonidan “Shavq dostoni” deb nomlangan, mutaxassislar tomonidan sarguzasht tipidagi asarlarning o‘zbek adabiyotidagi eng birinchi namunasi deb qaralayotgan ikkinchi doston “Farhod va Shirin”ning 53-bobi Husayn Boyqaroning

o‘g‘li Shoh G‘arib Mirzo madhiga bag‘ishlangan. Navoiy faqatgina madh etish bilan cheklanib qolmay, unga bir necha maslahatlar beradi. [2,460]

Muhabbat haqida bitilgan qissalarning eng g‘amlisi hisoblangan uchinchi doston “Layli va Majnun”da Sulton Husayn Boyqaro madhi (7-bob) va Badiuzzamon (8-bob) madhi beriladi.

Ko‘plab qiziqarli syujetlarga boy, to‘rtinchi doston “Sab’ayi sayyor”da Husayn Boyqaroning suykli xotini Xadichabegin madhi keltiriladi. Navoiy an’anadan biroz chetlashgandek bo‘ladi. Boisi bag‘ishlov boblar dostonlarning oxirida joylashgan. “Sab’ayi sayyor”da esa avvalgi boblardan biri, ya’ni 10-bobda o‘rin olgan. [3,67]

“Xamsa”ning so‘nggi dostoni “Saddi Iskandariy”da esa (84-bob) Husayn Boyqaro va shahzodalar madhiga bag‘ishlangan.[4,369]

Ko‘rib turganimizdek “Xamsa” dostonlarining faqat bittasida ayol madhi berilgan. Bob shunday nomlanadi, “Ismat bahoristonining shukufta bog‘i va iffat shabistonining gavhari shabcharog‘i, ro‘po‘shlig‘ Qofining asmoi parisi, mahjublig‘ sipehrining mehri xovariysi, axloqi hamida va avsofi pisandasidin shammai izhor qilmoq” (Tabdili: Poklik bahorining ochilgan bog‘i va iffat kechasining chiroq kabi yoritadigan gavhari, hayo Qofining pari ismlisi, o‘ralgan, pardalangan falak quyoshining yoqimli sifatlaridan aytib o‘tmoq)

Navoiy Xadichabeginni ta’riflar ekan talmeh san’ati vositasida kutilmagan tashbehlar yaratadi. Shunday baytlardan bir nechtasini keltirib o‘tamiz.

*Ham Sulaymoni ahdg‘a hamdam,*

*Hamdamu hamnishinu munis ham.*

Baytda Sulaymoni ahd deganda Husayn Boyqaro nazarda tutilib, Xadichabeginning unga do‘s, hamsuhbat, doimo birga yuruvchi kishi ekanligi aytib o‘tilgan.

*Chin Sulaymong‘a yor erur ne ajab,*

*Anga Bilqisi soniy o‘lsa laqab.*

Bilqis – Sulaymon payg‘ambarning suykli xotini. Navoiy Xadichabeginni “Bilqisi soniy (ikkinchi Bilqis)” deb ta’riflamoqda. Keyingi baytlarda uni Sorai Uzmo, Xadichai Kubro degan ta’riflarini ham keltiradi.

*Oyu kun yo‘q agarchi monanding,*

*Ikki sa’d axtar ikki farzanding.*

Navoiy ikki sa’d axtar (baxt yulduzi) deganda uning ikki o‘g‘li Muzaffar Mirzo va Shoh G‘arib Mirzoga ishora qiladi. Shu o‘rinda Alisher Navoiyning “Badoye ul-bidoya” devonida Xadichabeginiga atalgan maxsus g‘azal borligi ham diqqatga sazovordir. [5,59]

*Behi rangidek o‘lmish dardi hajringdin manga siymo,*

*Dimog‘im ichra har bir tuxmi yanglig‘ donayi savdo.*

*Mazallat tufrog ‘i sorig ‘yuzumda bordur andoqkim,  
Behida gard o ‘turg ‘on masallik tuk bo ‘lur paydo.*

*Oqartib ishq boshimni, nihon bo ‘ldi sarig ‘chehram,  
Qomug ‘ichra behini chirmag ‘on yanglig ‘kishi umdo.*

*Yuzimda tiyg ‘i hajring zaxmi har sori erur bevajh,  
Behini tiyg ‘ila chun qat ‘qilmoq rasm emas qat’o.*

*Yuzum tufrog ‘dadur har dam qurug ‘on jism ranjidin,  
Behiga sarnigunlik shoxi za ‘fidin bo ‘lur go ‘yo.*

*Bu gulshan ichra behbud istagan doim behi yanglig ‘  
Kiyib pashminayi toat qadin ham asramoq avlo.*

*Navoiy gar quyosh noranjidin behrak ko ‘rar, tong yo ‘q,  
Behikim lutf qilmish mahdi ulyo ismatud-dunyo*

Navoiy ushbu g‘azalda o‘zi bemor bo‘lib qolganida (matla’dan shunday mazmun anglashiladi), Xadichabeginning behi jo‘natgani haqida aytadi. Behi sharq tabobatida uzoq-umr ko‘rishlik, salomatlik ramzi. Behi rangi sarig‘lik esa bemorlikni bildiradi. Navoiy har ikki jihatdan o‘ta oqilona foydalangan.

G‘azalning maqta’sida esa “behi lutf qilgan ayol”ni “mahdi ulyo”, “ismatud-dunyo” sifatlari bilan ta’riflaydi.

### **Foydalnilgan adabiyotlar:**

1. Navoiy, Asarlar, 15 jildlik , 7-jild, 1991 , 304 - bet
2. Navoiy, Mukammal asarlar to‘plami, 20 jildlik , 8-jild, 1991, 460- bet
3. Navoiy, Mukammal asarlar to‘plami, 20 jildlik, 10-jild, 1992, 67- bet
4. Navoiy, Mukammal asarlar to‘plami, 20 jildlik , 11-jild, 1993, 90- bet
5. Navoiy, Mukammal asarlar to‘plami, 20 jildlik , 1-jild, 1987, 59- bet

## **ALISHER NAVOIYNING “MAHBUB UL-QULUB” ASARINING BADIY XUSUSIYATLARI**

**Mo‘minjon Sulaymonov, Namangan davlat universiteti  
o‘zbek adabiyotshunosligi kafedrasи dotsenti,  
Sanobar Abduraxmanova, Namangan davlat universiteti  
o‘zbek adabiyotshunosligi kafedrasи o‘qituvchisi**

Alisher Navoiy - yuksak badiiy tafakkur egasi. Ulug` adib chuqur bilim, keng dunyoqarash, katta hayotiy tajribaga egaligi, inson hayoti va umrning mazmun-mohiyati, ezgulik va yovuzlik, muhabbat va nafrat, halol va harom, diyonat va xiyonat, do‘slik va dushmanlik kabi azaliy va abadiy tushunchalarni, fikrmulohazalarini o‘z asarlarida turli badiiy tasvir vositalari yordamida mahorat bilan aniq, lo‘nda va ta’sirchan ifodalaganligi bois ham mutafakkirlarning mutafakkiri, shoirlarning sultonidey deya ulug`lanadi.

Navoiy ijodining salmoqli qismini uning nasriy asarlari tashkil qiladi.”Vaqfiya”, “Xamsat ul-mutahayyirin”, “Holoti Sayid Hasan Ardasher”, “Holoti Pahlavon Mahmud”, “Munshaot”, “Muhokamat ul-lug`atayn”, “Tarixi anbiyo va hukamo”, “Tarixi muluki ajam”, “Mahbub ul-qulub” kabi asarlari shular jumlasidandir.

“Mahbub ul-qulub ” asari Alisher Navoiy umrining so‘nggi yillarda yaratgan yirik asari bo‘lib, unda ulug` mutafakkirning hayoti davomidagi kuzatishlari, boy tajribasi, yillarda pand-nasihatlari, dil dardlari, hayot saboqlari jamlangan didaktik asardir. Navoiyning mazkur asari nasriy-she’riy usulda yaratilgan.

“Mahbub ul-qulub” asari muqaddima, uch qism va xotimadan iboratdir. Asarda jami 29 ta qit’a, 20 ta ruboiy, 22 ta masnaviy, 89ta bayt, 6ta nazm va bitta tarix kabi she’riy janrlar qo‘llanilgan. Jumladan, muqaddimada ikkita qit’a, ikkita masnaviy, bitta ruboiy, bitta bayt; avvalgi qism qirq fasldan tashkil topgan bo‘lib, unda 6ta ruboiy, 7 ta qit’a, 7 ta masnaviy, 16 ta bayt, 3 ta nazm; 2-qism 10 bobdan iborat bo‘lib, 4ta ruboiy, 3 ta qit’a, 14 ta bayt, 1 ta masnaviy; 3-qism 127 ta tanbehdan tashkil topgan bo‘lib, bu qismda 8 ta ruboiy, 16 ta qit’a, 12 ta masnaviy, 56 ta bayt, 3 ta nazm; xotimada 2 ta bayt, 1 ta ruboiy, 1 ta tarix kabi she’riy janrlardan foydalangan.

Asarning muqaddimasida keltirilgan dastlabki ruboiyga e’tiborni qaratsak:

Gardun gah manga jafou dunliq qildi,  
Baxtim kibi har ishta zabunliq qildi,  
Gah kom sari rahnamunliq qildi,  
Alqissa: base buqalamunliq qildi.

Sharhi: Falak menga goh jafo-yu razilllik qildi, baxtim kabi har ishda ojizlik qildi goho maqsadim sari yo‘l boshladi, xullas, buqalamunlik qildi.

Ruboiy a-a-a-a, ya’ni taronai ruboiy shaklida qofiyalangan. Bunda falakni jlonlantirib, tashxis san’atidan foydalangan. “baxtim kibi”, ya’ni baxtim kabi tasvirini keltirib, tashbehning tashbehi sareh, tashbehi mutlaq (ochiq o‘xhatish)dan go‘zal namuna keltirgan.

Ruboioyning birinchi misrasi falakdan shikoyat bilan boshlangan. Ikkinci misrasidagi g`oya ham birinchi misraning davomidir. Uchinchi misrasida yuqoridagi fikrni inkor qilib, falakka nisbatan ijobiy fikr bildirib, shoir o‘z maqsadlariga yetishida falakning unga yo‘lboshchilik qilganligini ta’kidlaydi.. Navoiy xulosaga tayyorlanar ekan, falakning, ya’ni dunyoning o‘zgaruvchanligini judayam chiroyli tashbeh qilib, buqalamunga qiyoslaydi.

Birinchi qismning 5-faslida vazirlarga ta’rif berar ekan, vazir so‘zi „vizr“ – gunoh so‘zidan kelib chiqqani, bu fe’l ular tabiatiga juda mos va loyiqligini, ya’ni ularni xaloyiqqa ziyon keltiruvchi chayonga o‘xhatib, shoh bularni daf qilishi kerakligini aytib, quyidagi ruboyni keltirish orqali o‘z fikrini asoslaydi:

Bulardin gar a’lo gar adno durur

Kim, andin xaloyiqqa izodurur.

Shah o‘lturmak avlodur ul elni bot

Ki, debdur nabiy “uqtulul – mu’ziyat”.

Sharhi: Bularning ichida xoh balandi, xoh pasdi bo‘lsin, ulardin, albatta, haloyiqqa jabr etadi. Shoh undaylarni qatl qilmog‘i a’lodur. Chunki Payg`ambar (s. a. v.) ”Zararkunandalarni o‘ldiring”, - debdurlar.

Ruboiy a-a-a-a, ya’ni taronai ruboiy shaklida qofiyalangan. To‘rtlikda a’lo va adno, ya’ni baland-past so‘zları orqali tazod san’atidan go‘zal namuna keltirgan. ”Shah, el, xaloyiq” kabi bir-biriga mutanosib so‘zlar orqali tanosib san’atidan ham foydalangan. Navoiy o‘z fikrini dalillash uchun Payg`ambar (s. a. v.)ning “uqtulul – mu’ziyat”, ya’ni ”Zararkunandalarni o‘ldiring” so‘zlarini misol qilib keltirib, iqtibos san’atidan o‘rinli foydalangan.

13-faslda ”Qonunshunos muftiyalar haqida” yozar ekan, ularni halol, adolatli, hiyladan yiroq bo‘lihga, fosiq, johil, mayxo‘r, shafqatsiz bo‘lmaslikka chaqiradi va quyidagi ruboyni keltirish orqali o‘z fikrini xulosalaydi:

Muftikim, ishiga muzd olib qilsa raqam,

Muzd ortuq esa mayl kerak qilg‘ay kam,

Fatvoda chu bo‘ldi muzd uchun “lo” vu “naam”,

Qilmoq kerak ul qalamzan ilgini qalam.

Sharhi: Muftiy xizmati uchun xaq olib, qalam tebratsa, haqi ortiq bo‘lsa, kamroq olmog‘i kerak. Fatvo berishda pul evaziga “ha” yoki “yo‘q” deb hukm qilsa, unday qo‘lni qalam kabi kesish kerak.

Ushbu ruboiy a-a-a-a, ya’ni taronai ruboiy shaklida qofiyalangan. Navoiy misralarda ”ortuq, kam” so‘zları orqali tazod san’atiga qo‘l urgan. Asardagi boshqa

ruboiylardan farqli bunda qaytarish san'atining “radd- ul hashv ilal hashv”, ya’ni birinchi misra o‘rtasidagi so‘zni keyingi misra ichida qaytarilishi (“muzd” so‘zi qaytarilgan)dan foydalangan. “lo” vu “naam” orqali kitobat san’ati yuzaga kelgan. Ruboiyning oxirgi misrasida “qalamzan ilgini qalam” deya tajnis san’ati, ya’ni jinsdosh so‘zlarni ham ishlatgan.

16-fasl ”Nazm gulistonining xushovoz qushlari zikrida”, ya’ni shoirlarga bag`ishlangan bo‘lib, Navoiy ko‘plab buyuk tarixiy allomalar, ustoz shoirlar nomlarini keltirib, ular haqida bir qator ijobjiy fikrlarini bildiradi va xulosa o‘rnida quyidagi ruboiyni keltiradi:

A’lolaridur nedinki dersen a’lo,  
Adnolari ham barcha danidin adno,  
Avsatlarikim, hech nimaga yaramas  
Bilkim, nafas urmamoq alardin avlo.

Sharhi: Shoirlarning a’losi, barcha narsadan a’lodir, past tabaqasi esa barcha narsadan tubandir. O‘rtachalari esa hech bir narsaga yaramaydi, bilginkim, ulardan so‘z ochmaslik yaxshiroqdir.

Bu ruboiy a-a-b-a oddiy ruboiy tarzida qofiyalangan. A’lo-a’lo, adno-adno so‘zlarini takrorlab qaytarish san’atining Radd — us sadr ilal aruz (bayt boshidagi so‘zning birinchi misra oxirida kelishi) Radd — ul ibrido ilal ajuz (ikkinchi misra boshidagi so‘zning bayt oxirida kelishi turlarini yuzaga keltirgan. “A’lo va adno”, ya’ni a’lo va tuban kabi ma’nosи zid so‘zlarni keltirib, tazod san’atidan foydalangan.

20-faslda muazzinlar zikrida fikr yuritib, azon chaqiruvchilarning ham yaxshi va yomon toifalarga ajratadi hamda quyidagi ruboiyni keltirish orqali o‘z fikrini dalillaydi:

Muqriyki, erur pokro‘ va zohidvash,  
Alhoni hush va husni adosi dilkash.  
Jon anga fidoki, rux etar andin g‘ash,  
Gar bo‘lsa munung aksi nafas urmasa hush.

Sharhi: Muazzin, pok yuzli va zohid (zuhd-taqvoli)bo‘lsa, uning ovozi yoqimli va azoni dilkash. Jon fido bo‘lsin shunday kishiga! Aytilganlarning teskarisi bo‘lgan kishi azon aytmasa tuzuk.

Ruboiy a-a-a-a, ya’ni taronai ruboiy shaklida qofiyalangan. “Muqriy”, “alho”, “ado”, ya’ni muazzin, ovoz, azon so‘zlarini to‘rtlik ichida qo‘llab, tanosib san’atidan unumli foydalangan.

39-faslda xarobot ahli zikrida gap ketadi. Mazkur bobda mayparast rindni ahli suluk, piri murshidga bay’at qilgan va shu yo‘lda kamolga yetgan ahli tariqat vakiliga ta’rif berar ekan, shoirla rind va gadolar yetishgan davlat va saodatga hatto shohlar orzu va hasrat bilan qarashlarini ta’kidlab, quyidagi ruboiyni keltiradi:

Rindeki, fano jomini tortar payvast,  
Dunyo bila ohiratqa ermas pobast.  
Haq rahmati umidi bila tun-kun mast,  
Ko‘p ortiqroqki, zohidi zarqparast.

Sharhi: Yo‘qlik jomini paydar-pay ko‘targan rindning dunyo bilan oxiratga mayli, qiziqishi yo‘q. chunki u Haq rahmati umidi bilan tun-u kun mast. U firibgar zohiddan ko‘p ortiqdir.

Ruboiy a-a-a-a, ya’ni taronai ruboiy shaklida qofiyalangan. „Jom“ „rind“ „mast“ so‘zлari orqali tanosib san’ati yuzaga kelgan. „Dunyo“, „oxirat“, „Haq rahmati“ kabi mutanosib so‘zlar orqali yana bir bor tanosib san’atiga qo‘l urgan. “Tun-kun” so‘zlarini zidlab, tazod san’atini yuzaga chiqazgan.

Navoiy 40-fasl xulosasida darveshlar haqidagi fikrlarini quyidagi ruboiy orqali ifofalaydi:

Yo rabki, fano qushin romim ayla,  
Romim demayinki, saydi domim ayla.  
Ham faqr tariqida xiromim ayla,  
Ham zoviyai fano maqomim ayla.

Sharhi: Yo Rab, menga fano qushini tobe qilgin, tobe emas, tuzog`imga ilintirgin. Ham faqr (tariqat) yo‘lida yurishni nasib etgin hamda fano (yo‘qlik; baqosizlik) burchagini mening maqomim qilgin.

Bu ruboiy ham a-a-a-a, ya’ni taronai ruboiy shaklida qofiyalangan. “qo‘shin”, “romim ayla”, “saydidom”, “xiromim ayla” so‘zлari she’riy san’atlarning durdonasi tanosib san’atiga asos bo‘lgan.

Xulosa qilib aytganda, Alisher Navoiy biror-bir masala yuzasidan fikr yuritar ekan, mulohazalarini she’ruy parchalar bilan yakunlaydi, bu esa ta’sirchanlikni oshirishga xizmat qiladi. Kuzatishlarimizdan shu narsa ayon bo‘ladiki, Navoiyning “Mahbub ul-qulub” asaridagi she’riy parchalar bayon qilingan fikrlarning she’riy ifodasigina emas, balki mavzu xususidagi mustaqil asardir, deb xulosa chiqarish mumkin.

## MUHAMMAD G‘OZIY DEVONLARIDA ALISHER NAVOIY AN'ANALARI (HAMD, NA'T G‘AZALLAR TAHLILI MISOLIDA)

*SamDU dotsenti,  
Nazmiya Muxitdinova  
muxitdinovanazmiya@gmail.com*

**Annotation.** Literary continuity is a unique cultural, high-level literary phenomenon in which the concepts of creative inspiration, imitation and the

continuation of great talent are one of the most important features of Eastern classical literature. Regardless of which branch of art is formed in this cultural and literary process, it becomes clear that the main goal is to "renew", learning "from the past" and developing their ideas and artistic abilities.

The article examines the issues of tradition and originality of poems by Muhammad Gazi, who grew up in the workshop of Alisher Navoi. The poet poems analyze the artistic perfection of the Salaf traditions on this topic from an ideological and artistic point of view.

**Key words:** devan, theme, idea, artistic symbol, art, tradition and originality.

O‘zbek adabiyoti Alisher Navoiy asos solgan Hirot adabiy muhitidan keyin Qo‘qonda Amir Umarxon va uning umr yo‘ldoshi Mohlaroyim Nodira zamonida rivojlanishning yangi cho‘qqisiga ko‘tarildi. Hirot adabiy muhitidan afzal o‘laroq, Qo‘qon adabiy muhitida o‘zbek tilida yaratilgan adabiy asarlarning salmog‘i hamda shoirlarning miqdori oshib bordi. Natijada, ushbu davrda 20 dan ortiq sohibdevon o‘zbek shoirlari qatorida XVIII asr oxiri – XIX asr birinchi yarmida yashab ijod etgan ko‘zga ko‘ringan yirik namoyandasi –G‘oziy<sup>69</sup> barhayot ma'rifiy g‘oyalardan bahramand bo‘lgan mumtoz she'riyatimizni boyitishga baqadri hol hissa qo‘shdilar.

G‘oziy devoni, oldinroq ham qayd qilib o‘tganimizdek, asosan g‘azal janridan tarkib topgan. Ikkala devondagi g‘azallarining mazmun-mundarijasi rang-barang. An'anaga ko‘ra, devonlar hamd va munojot mavzuidagi g‘azallar bilan boshlanadi. Farq shundaki, G‘oziyning defonidagi hamd va munojot ohangidagi g‘azallar alifbo tartibiga rioya etilmasdan, to‘qqizta g‘azal ikki tilda joylashtirilgan. Qayd qilish kerakki, devon tartib berishda dastlabki g‘azallarni hamd va munojot, na’t va manqaba mavzularida bitish an'anasiga Alisher Navoiy asos solgan bo‘lib, bu haqda Navoiyning o‘zi “Badoye’ ul-bidoya” devonining debochasida batafsil to‘xtalib o‘tgan [Badoye’ ul-bidoya. 1987: 19]. Albatta, Navoiydan oldingi turkiygo‘y shoirlarda ham hamd va na’t mavzusidagi g‘azallar uchraydi. Ammo ularning devonlari keng tarqalmagani bois, mazkur an'analing sarchashmasi Navoiy devonlaridan boshlanadi, deyishga to‘laqonli asosimiz bor.

Alisher Navoiyning “alif” turkumidagi g‘azallarning dastlabki to‘qqiz g‘azali hamd, munojot va na’t mavzusiga bag‘ishlanganini e'tiborga olsak, bundan G‘oziy mavzu yagonaligini hisobga olib, “alif”, “be”, “dol”, “nun” harflari bilan tugallangan g‘azallarni devonning boshiga joylashganiga asos bo‘lgani oydinlashadi.

G‘oziyning birinchi g‘azali esa fors tilida bitilgan bo‘lib, Zindapil Ahmad

<sup>69</sup> Қаранг: Фозий. Девон. Инвентарь №121 Шарқшунослик институти қўлёзмалар фонди. Монографияда шоир шеърларининг рақамланишида ушбу манба асос қилиб олинди.

Jomiy<sup>70</sup> devonining fotiha g‘azaliga javob tariqasida yozilgan. Ahmad Jomiyning g‘azali quyidagi bayt bilan boshlanadi:

Xudovando, ba lutfi xesh go‘yo kun zabonamro,  
Ba didorat musharraf soz chashmi xunfishonamro.

(Mazmuni: Parvardigoro, o‘z lufting bilan tilimni burro qil; qonli yosh to‘kuvchi ikki ko‘zimni diydoringga musharraf et).

G‘oziyning g‘azali esa ayni shu vazn, qofiya turkumi va mavzuda bitilgan bo‘lib, nazira talablariga to‘laqonli javob beradi. Uning g‘azali ham salafi kabi munojot ohangida bitilgan bo‘lib, umidvor bandaning tavba-tazarrusi, Haq taolo dargohi ostonasining oliy ekanligi, kalom mulkida sohibqiron bo‘lishlik faqat Uning ilhomni va madai tufayli bo‘lishi mumkinligi haqida. G‘oziy Ahmad Jomiy g‘azali matla‘ining ikkinchi misrasini tazmin etib, shu yo‘l bilan ma’naviy sarchashmasining manzilini ham o‘quvchiga nozik ishora bilan bildirib o‘tgan:

Iloho deh, zi nomat zeb avroqi bayonamro,  
Muhallo az sanoi xesh kun teg‘i zabonamro.  
Dar on so‘at, ki bo xosoni xud didor binmoi,  
Ba didorat musharraf soz chashmi xunfishonamro.

[G‘oziy. №121: 2a]

Hamd g‘azallarida izdoshlik hodisasining yana bir original ko‘rinishini G‘oziyning ikkinchi g‘azalida mushohada etish mumkin. G‘oziy devonidagi ikkinchi g‘azal ham fors tilida yozilgan bo‘lib, quyidagi matla‘ bilan boshlanadi:

Ey bar qadami zoti tu shohid hama ash‘yo,  
Avsofi kamoli tu zi ta‘rif mubarro. [G‘oziy. №121: 2b]

Mazkur g‘azal Alisher Navoiyning “G‘aroyib us-sig‘ar” devonidagi quyidagi matla‘ bilan boshlanadigan g‘azal bilan mavzu-mundarija hamda g‘oyaviy-badiiy yo‘nalishi bo‘yicha hamohang bo‘lib, bundan G‘oziyning forsiy g‘azali Navoiyning o‘zbekcha hamd g‘azali javobida yozilgan, degan xulosani ilgari suradi:

Ey safhayi ruxsoring azal xattidin insho,  
Debochayi husnungda abad nuqtasi tug‘ro.

[G‘aroyib us-sig‘ar. 2011: 23]

Shu bilan birga, G‘oziyning bu g‘azali faqat Navoiyning ushbu g‘azali ta’sirida yozilgan, degan fikr ham birtomonlama qarash bo‘lardi. G‘oziy fors-tojik va o‘zbek hamda ozarboyjon mumtoz adabiyotlariining yetuk bilimdoni sifatida boshqa mumtoz shoirlarning ijodidan ham yaxshi xabardor bo‘lgan. Uning mazkur g‘azali yaralishida Sa‘diy Sheraziyning “Tayyibot” devonidagi shu qofiya turkumida yozilgan quyidagi hamd g‘azali ilhom va ijodiy ta’sirlanish manbai

<sup>70</sup> Зиндапил Ахмад Жомий (1048-1141) – Хурросоннинг Жом вилоятида туғилган сўфий шоир. “Минҳож уннажот”, “Анис ут-тобеин”, “Канз ул-ҳақиқа” каби тасаввуфга оид асарлари шухрат топган.

vazifasini bajargan:

Avvali daftar ba nomi Ezidi dono,  
Soni'i Parvardigori Hayyi tavono.  
[Sa'diy Sheraziy. Kulliyot. 1375: 358]

G'oziy ushbu g'azalida Sa'diy va Navoiyning ayrim fikr va qaq rashlarini boshqacha badiiy yo'sinda ifodalashga harakat qilgan. Jumladan, quyidagi baytida Sa'diy Sheraziy matla'i hamda Navoiyning g'azalidagi oltinchi baytning (Muhtoj sening dargahinga xusravu darvesh, Parvarda sening ne'matinga johilu dono) ma'no-mohiyatini qayta ijodiy yaratish yo'li bilan quyidagi tarzda bayon etgan:

Muhtoji saxoi tu, chi sultonu chi darvesh,  
Ro'zixuri xoni tu, chi nodonu chi dono. [G'oziy. №121: 2b]

G'oziyning mazkur g'azaldagi originalligi talmih san'atini keng qo'llanilganida namoyon bo'ladi. Uning ushbu g'azalida Yusuf, Zulayxo, Ayyub, Zakariyo kabi payg'ambarlar qismatidagi voqealarga ishora qilinadi. Shu orqali shoir hamd g'azalida qur'oniy qissalarning mazmunini ham singdirib, hamd g'azallardagi motivlarni yanada kengaytirishga harakat qilgan.

G'oziyning devonda hamd va munojot mavzusida yozilgan o'zbekcha g'azallar ko'zga tashlanmadı. Hamd g'azallardan ko'ra uning devonda na't g'azallarning hissasi ko'proq. Shuningdek, na't g'azallari ikki tilda yozilgan bo'lib, shulardan uchtasi fors-tojik tilida, to'rttasi o'zbek tilida yozilgan. Forsiy na'tlardan devonda 3-raqam bilan belgilangan g'azal alohida e'tibor talab qiladi. Shoир ushbu na'tning har bir baytini muayyan oyat yo hadis mazmuniga muvofiq tuzib, ko'p hollarda tegishli oyat va hadisdan iqtiboslar keltiradi. Jumladan, g'azalning ikkinchi baytida Qur'oni karimning ikki surasidan iqtibos keltirib, tanosub, tazod va iqtibos san'atlarining qorishiq holatidagi yuksak badiiy manzarasini yaratishga erishgan:

Az ҳа'dи mushkbori tu "Val – layl"<sup>71</sup> – turrae,  
Dar mus'hafī jamoli tu satr ast "Vaz-Zuhō"<sup>72</sup>.

Ayni shu manzarani biz o'zbekcha na'tlarda ham mushohada etamiz:  
Oyati "Vash-shams"<sup>73</sup> nozildur uzoring sha'nida,  
Surai "Val-layl" keldi vasfi zulfi anbarin<sup>74</sup>.

Ma'lum bo'ladiki, G'oziyning na'tlari ikki tilda yozilgani bilan poetik ifoda

<sup>71</sup> Шоир бу байтларда Мұхаммад пайғамбар с.а.в.ни сифатларини келтиради ва Қуръони карим сураларини оятларига келган баъзи сўзларни келтириб ташбех килади: ﴿وَاللَّيْلُ إِذَا يَغْشَى﴾ (Вал – лайли иза яғшо) - оят маъноси: «мен қоронғу тун билан қасам ичаман».

<sup>72</sup> - «Ваз-зухо» маъноси: «куннинг чошгохига қасам» ёки «қуёшга қасам». Шоир Пайғамбаримиз с.а.в. жамолларини қуёшга ташбех қилмоқда.

<sup>73</sup> (Ваш-шамси ваззухоҳа) - оят маъноси: «Күёш билан ва унинг зиёси билан қасам.»

<sup>74</sup> Ваш-шасм ояти сени (Мұхаммад с.а.в) чиройли юзингдан нусха кўчирилган. Вал-лайл оятларида эса сени анбаросо зулфингни сифати келган.

uslublari mushtarak bo‘lib, bu bilan G‘oziy o‘zbek va fors-tojik tillari imkoniyatlaridan teng ravishda foydalana olish mahoratini namoyish etgan. Shuningdek, diniy motivlar e’tiqodi yagona bo‘lgan o‘zbek va tojik xalqlarining badiiy tafakkurida ham mushtaraklik borligi, poetik til ham deyarli bir xil ekanini amaliy tarzda ko‘rsatgan.

G‘oziy devonining yana bir xarakterli jihat – uning muxammas va musaddaslari joy olgan qismlari ham na’t mavzusi bilan boshlanadi. Ayniqsa, tab‘i xud taxmisida bir bandida xulafoyi roshidin – Abubakr Siddiq, Umar Foruq, Usmon Zinnurayn, Ali Murtazo raziyallohu anhum ismlari keltirilib, shu tariqa shoir ahli sunnat va jamoat e’tiqodida ekanini badiiy tarzda ifodalagan:

Bud Siddiqi tahi yor turo andar g‘or,  
Umar on bahri saxo, qotili qavmi kuffor,  
Hast Usmon – sadafi durri hayo, ko‘hi viqor,  
Sheri Yazdon, shahi mardon Alii shohsavar,  
Marhabo Sayyidi kavnayn, alayka-s-salavot. [G‘oziy. №121: 34 b]

Muxammaslarining birini G‘oziy “shiru shakar” – ikki tilda yozib, unda bir bandini o‘zbekcha, bir bandini tojik tilida taxmis qiladi. Ushbu muxammasda shoir Rasululloh (s.a.v.)ning shafoat mo‘jizasi haqida so‘z yuritadi. Aytish kerakki, oxirzamon payg‘ambarining mo‘jizalari ko‘p bo‘lgani bilan, ulardan ikkitasi – me’roj va shafoat mo‘jizalari alohida tilga olinadi. Qur‘oni karimga ko‘ra, me’roj mo‘jizasi sodir bo‘lgandan so‘ng kufr va imon ahli o‘rtasida aniq chegara belgilab berildi. Shafoat hodisasi esa hali sodir bo‘lmagan mo‘jiza bo‘lib, qiyomat kuni amalga oshishi oyat va hadislarda bayon etilgan. Jumladan, “Yunus” surasining 10-oyatida shafoat mo‘jizasi haqida bayon etilgan. Ammo bu mo‘jizaga ayrim buzg‘unchi oqimlar shubha bilan qaraydilar. Shu sababdan, sof e’tiqod va islam dinining pokligi uchun kurashadigan mutafakkir shoir va adiblarimiz, jumladan G‘oziy ham ushbu mo‘jiza haqida qator badiiy asarlar yaratganlar. G‘oziyning talmi‘ san‘ati asosida yaratilgan muxammasining birinchi bandi ikki tilda, qolgan bandlar esa tartib bilan o‘zbekcha va tojik tillarida yozilgan:

Ey mehri ruxing shamsai ayvoni shafoat,  
Qoshing madi “Bismillohi” devoni shafoat,  
Og‘zing o‘la bir chashmai hayvoni shafoat,  
Rayhoni xating – sabzai bo‘stoni shafoat,  
Alqissaki, boshdin ayog‘ing – koni shafoat. [G‘oziy. №121: 44 a]

G‘oziyning g‘azaliyotida ham mav‘iza ohangida bitilgan g‘azallar anchagina. Uning she’rlarida eng avvalo insonning qadr-qimmati, obro‘-e’tibori ulug‘lanadi. Shoirning qat‘iy inonchiga ko‘ra, inson tabiatning gultoji, eng aziz va mukarram zot etib yaratilgan ekan, u har qanday holatda odamiylik maqomiga munosib a‘mol va e’tiqodga ega bo‘lmog‘i lozim. Insonning xilqatidagi ilohiylikka eltuvchi aql va

ruh hamda tubanlashishga etaklovchi nafs bor ekan, hayoti hamisha ikki qutbni tashkil etuvchi nafs va ruh o'rtasidagi kurashdan iborat bo'ladi. Bu kurashda inson havoyi istaklarga izn bermasdan, qanoat, rizo, shukronalik, o'z izzatini bilish, xoksorlik, halimlik, sabr, hayo va vafo kabi ezgu xislatlar bilan botiniy olamini ziynatlab bormog'i zarur. Aksincha, nafsnii junbushga keltiruvchi behuda va o'tkinchi narsalar yo'lida o'z obro'-e'tiborini qo'ldan boy berib, ikki olamda xorlikka yuz tutib, nadomat va pushaymonlik iskanjasida qolajak:

Bo'lma komi nafs uchun, har siflani oldida xam,

Obro'sizliq yukin chekmoqqa muzdur so'lmag'il. [G'oziy. №121: 10 a]

G'oziy ayniqsa takabburlikni, mol-dunyo va vaqtinchalik muvaffaqiyatga g'ururlanib, kibrga berilishni qattiq qoralaydi. Uning aqidasiga ko'ra, dunyo va undagi barcha ishlar foniylar ekan, isnon oxirat dunyosining g'amini eb, bir lahma Haqning yodidan g'ofil qolmasligi kerak. Lahzada ming tusda jilvalangan dunyo qaysidir vaqtida har bir bandaga yaxshi damlarni "in'om" etishi mumkin. Ammo shodlik paytida ham, qayg'u va musibat chog'ida ham shukr va sabrni esdan chiqarmagan, qaysi sifat bilan eslanishidan qat'i nazar, barchasi o'tkinchi ekanini anglagan inson g'am kelganda qayg'u chekmay, shodlik bo'lganda kibrga berilmay yashay oladi. Ko'hna dunyo minglab shohu sultonlar, olimu fozillar, pahlavonu notavonlarni ko'rgan. Ularning barchasi ajai etkach, bu olamni tark etganlar. O'lim haqligini bilaturib, o'tkinchi amalga mag'rurlanib kibrga ketish nodonlikning eng tuban ko'rinishidir. Shu sababdan, har bir inson G'oziyning ushbu o'gitiga amal qilib yashashi lozim bo'ladi:

Pur mashav masti mayi davlat,ki in tabboli charx,

Mezanad har dam ba nome navbati sultonie. [G'oziy. №121: 9 a]

Qanoat go'shasini maskan tutgan G'oziy eski bo'yranning ustida dunyoning o'tkinchilagini o'ylab dard to'la ko'ngildan chiqargan sovuq ohi Doro taxtidagi Xusrav toji va Jamshid jomidan afzal ko'rindi. Tilga olingan podshohlarning saltanati zamon gardishi bilan fanoga yuz tutdi, ammo Haq yodida chiqargan oh oxiratgacha G'oziyning hamrohi bo'ladi. Xayrli oqibat talabidagi insonning maqom va martabasi o'tkinchi dunyodagi podshohlikdan ham yuksakdir:

G'oziyo! Eski hasirda ohi sardu dog'i dil –

Taxti Doro, toji Xusrav, sog'ari Jamdur mango.

[G'oziy. №121: 5 a]

G'oziyning aqidasiga ko'ra, bu dunyo va unga bog'liq bo'lgan barcha ishlar faqat anduh va g'ussa keltiradi. Ammo ana shu qayg'ularni shodlikka aylantiruvchi bir dard borki, uning tig'iga ko'ksini qalqon qilgan kishi albatta barcha musibatlari shodlikka, g'am-alamlari quvonchga do'nadi. Bu – ishq g'ami. Aynan ishq tufayli inson o'zining odamiylik qiyofasini saqlab qolib, pirovardida o'zligi va Haq taolonning O'zini taniy boshlaydi. G'oziy ilgari surgan falsafa bugungi kunda ham

o‘z ahamiyatini yo‘qotgan emas.

G‘oziyning devonida hamd va munojotdan ko‘ra na’t g‘azallar nisbatan ko‘proq bo‘lib, manqabat mavzusida ham na’t asarlari doirasida munosabat bildirgan. Mav’iza – didaktik xarakteridagi g‘azallardan ko‘ra, shu mazmunda bitilgan baytlar boshqa mavzudagi g‘azallar tarkibida keltirilgan. G‘oziy ikki tilda ham ushbu mavzularga daxl qilib, shu tariqa ikki adabiyotning badiiy tafakkur xazinasiga aloqadri hol o‘z hissasini qo‘shishga harakat qilgan. Bu ham Qo‘qon adabiy muhiti namoyandalarining har birida o‘ziga xos ijodiy prinsiplari, uslub va raviyalari borligidan dalolat beradi.

G‘oziy ma'rifatparvar shoirdir. Uning ijodi sharq shye'riyatining eng yaxshi an'analari asosida, birinchi navbatda ulug‘ Alishyer Navoiy lirik me'rosi ta'sirida shakllandı. Shoır buyuk Navoiy dahosidan, shye'riyat tilida inson haqida fikr yuritishni, ishq mavzusida so‘zlashni o‘rgandilar. Asarlari g‘oyaviy-badiiy, mavzu mazmun sohasidagi takomilida, o‘zining byeqiyos shye'riyat ustasi bo‘lib yetishuvida Navoiy dahosining ilhomlantiruvchi kuchi nihoyatda katta bo‘lgan. Bu o‘z navbatida Muhammad G‘oziy ijodining undan keyingi shoirlar uchun ijod maktabi vazifasini o‘taganligida ham ko‘rinadi.

### **Adabiyotlar:**

1. Navoiy Alisher. Badoye' ul-bidoya. MAT. 20 jildlik. T. 1. – T.: Fan, 1987. – 723 b.
2. Navoiy Alisher. To‘la asarlar to‘plami. 10 jildlik. 10-jild. Majolis un-nafois. – T.: G‘ulom nomidagi NMIU, 2011. –B.348.
3. Sa'diy Sheroy. Kulliyot. – Tehron: Intishoroti Nohid, 1375. – B.358.
4. Komilov N. Tasavvuf. – Toshkent: Movaraunnahr – O‘zbekiston, 2009. – 290 b.
5. Qayumov A. Qo‘qon adabiy muhiti. O‘n jild. ettinchi jild. – Toshkent: Mumtoz so‘z, 2010. – 278 b.
6. G‘oziy. Devon. Inventar №121 Sharqshunoslik instituti qo‘lyozmalar fondi.

## **НАВОИЙ ДОСТОНЛАРИДА НИЗОМИЙ АНЪАНАЛАРИ**

*Джабборов Рустамжон Мадиевич,  
Филология фанлари бўйияла фалсафа доктори*

Шарқ алломаларидан бири Низомий Ганжавий сиймосини, унинг юксак истеъдоди, донолигини ўтмишнинг кўплаб шоиру фозиллари олиму уламолари эътироф этиб келганлар. Кўпгина ғарб тадқиқотчилари уни

исломга қадар ва ундан кейинги Шарқ дунёсини бирлаштирган мутафаккир сифатида тилга олишган. [Chelkowski, 1975: 117]

Абу Мұхаммад Иләс ибн Юсуф ибн Закий Муайяд Низомий Ганжавий 1141 йилда Озарбойжоннинг кўхна маданият марказларидан бири, Ганжа шахрида, зиёли оиласда дунёга келади. Отаси Юсуф ибн Муайяд ўз даврининг таниқли арбобларидан бири, онаси Ганжа шаҳрига ҳукмронлик қилган Шаддодийлар наслидан эди. [Гянджеви, 1986 6]

У болалигидан илм-фан ва адабиётга меҳр қўйиб улғайди. Ганжадаги мактаб ва мадрасаларда таҳсил олди. Ўз она тилидан ташқари форс, араб ва юонон тилларини ўрганди. Шу орқали қадимий Шарқ ав Юонон фалсафасини, Форобий, Ибн Сино, Беруний, Арасту, Афлотун, Сукрот асарларини атрофлича ўрганди. Мантиқ, математика, астрономия фанларини чукур ўзлаштириди.

Маълумотлага кўра, у умр бўйи ўзи туғилиб ўсган Ганжа шахрида яшаб ижод этган. Ёшлик чоғларидан Низомий тахаллуси билан шеърлар ёза бошлаган. (Низом сўзи араб тилида назм этмоқ, тартибга солмоқ деган маънони беради.) Ўша давр адабий муҳити фақат форсий тилда асарлар битишни тақозо этарди. Шу боис у асарларини асосан ўз даврининг адабий тили ҳисобланган форсийда ёзди. Тадқиқотчиларнинг фикрича, унинг ўз она тили – туркийда ёзган девони ҳам мавжуд бўлиб, у ҳозир Мисрнинг Ҳадавия кутубхонасида сақланмоқда. [<https://www.azadliq.org/a/24957009.html>]

Маълумотларга кўра, унинг девони йигирма минг байтни ташкил этган. Аммо, бизгача бу бой маънавий мероснинг кичик бир қисми етиб келган, холос.

Низомийнинг шеърий истеъоди ўз даврининг ҳукмдорлари эътиборидан ҳам четда қолмади. Барда ҳокими Сайфиддин Музаффар уни ўз саройига чорлаб, шу ерда ижод қилишни таклиф этади. Аммо, шоир табиатан ортиқча дабдабани ёқтирумасди. У оддий, камтарин ҳаёт кечиришни истарди.

Сайфиддин Музаффар унинг истеъодини юксак қадрлар эди. У асли қипчоқлардан бўлган ёш каниз Офоқни шоирга ҳадя қилади. Низомий эса, канизакни озод қилиб, ўз никоҳига олади. Офоқдан туғилган ёлғиз ўғли Муҳаммадни ҳам оқил ва қобил фарзанд қилиб тарбиялайди. Ўз асарларида унга насиҳатлар қилади. Низомий маълумотларга кўра, хижрий 605 йил рамазон ойининг тўртинчи куни, милодий 1209 йилнинг 12 мартада ҳаётдан кўз юмади ва она шаҳри Ганжада дафн этилади. Унинг мақбараси бугунги кунда муҳташам зиёратгоҳга айлантиилган.

Низомий туғилган давр салжуқийлар ҳукмронлиги даврига тўғри келган. Гарчи салжуқийлар туркий сулола бўлишса-да, улар форсий тил ва адабиёт

ривожига катта ҳисса қўшишган, шу боис Низомий ўз асарларини форсийда битган эди [Grousset, 1970: 718].

Низомий, Шарқ адабиётида кенг тарқалган “Хамса”чилик анъанасининг асосчиси саналади. Аммо, унинг дастлаб беш китобдан иборат яхлит асар ёзиш фикри бўлмаган. Кейинчалик “бешлик” номини олган бу достонларнинг ҳар бирини алоҳида кишилар тавсияси билан, турли даврларда ёзган. Шарқ адабиётида йирик асарлар кўпинча ҳукмдорлар, давлат арбоблари топшириғига асосан ёзилгани ёки кейинчалик уларга тортиқ қилингани яхши маълум.

Низомий ҳам дастлаб 1177 йилда маънавий-ахлоқий мавзудаги “Махзанул-асрор” достонини ёзиб, уни Арзинжон ҳокими Фахриддин Баҳромшоҳга бағишлайди. Маснавий жанрида битилган бу асар одоб-ахлоқ, инсоний фазилатларни тараннум этувчи бир қатор мақолатлар ва ҳикоятларни ўз ичига оларди. Достон тез орада халқ оғзига тушади, шоирнинг шуҳратини тилларда достон бўлади.

1180 йилда эса, Низомий навбатдаги йирик достони “Хусрав ва Ширин”ни ёзади. Унда шарқда машҳур бўлган Эрон шоҳи Хисрав ва унинг арман маликаси Ширинга бўлган муҳаббати ҳақидаги машҳур ривоят асос қилиб олинган эди. Бу асар Ироқ ҳукмдори Тўғрул III нинг илтиосига қўра битилган эди [Orsatti, Iranica: 2006].

Шарқдаги энг ҳазин ишқ қиссаларидан бири “Лайли ва Мажнун” халқ орасида кенг тарқалган бўлса-да, ҳали бирор шоир уни назмга солишга журъат этолмаган эди. Ширвоншоҳлардан бўлмиш Аҳсатан 1 ана шу мавзуда достон ёзишни Низомийдан илтимос қиласи. Гарчи даставвал шоир бунга унамаса-да, ўғли Муҳаммаднинг қистови билан яна қўлига қалам олади. 1188 йилда араб халқ афсонаси асосидаги бу достонни ҳам ёзиб тугатади.

1196 йилда эса, Алоуддин Кўрпа Арслоннинг топшириғи билан “Ҳафт пайкар” яъни “Етти гўзал” достонини қаламга олади. Бунда шарқ адабиётидаги “ҳикоя ичиди ҳикоя” усулидан фойдаланиб, Сосонийларнинг забардаст вакили Баҳроми Гўр ва унинг маҳбубаси Фитнанинг ишқий саргузаштлари ҳикоя қилинади.[Ganjavī, 1995; 307 ]

1196-1201 йиллар давомида эса, у яна бир йирик достон “Искандарнома”ни яратади. Бу асар икки қисм “Шарафнома” ва “Иқболнома”ни ўз ичига олади. [Biois, Iranica, 1998] Шу тахлит ўз-ўзидан беш йирик достон “Хамса” (бешлик)вужудга келади. Кейинчалик бу бешлик “Панж ганж” (беш хазина) номи билан ҳам машҳур бўлади.

Низомий “Хамса”си асрлар давомида туркий ва форсий адабиёт ривожига катта таъсир қўрсатиб келган. Жумладан XIV асрда яшаган ўзбек

шиори Ҳайдар Хоразмий унинг “Махзанул-асрор” асарини, Қутб эса, “Хусрав ва Ширин” достонини ўзбек тилига таржима қиласидилар.

“Хамса”чилик анъанасини Шарқнинг кўплаб забардаст шоирлари давом эттирганлар. Жумладан, Хусрав Дехлавий (1253-1325) ҳамда Абдураҳмон Жомий яратган форс тилидаги “Хамса” Низомийга хос хассослик, нафосат уфуриб туради.

“Фарҳод ва Ширин” достонида Алишер Навоий “Хамса” яратишга жазм этгани хусусида ёзаркан, ҳақли равишда ифтихор билан:

Осон эрмас бу майдон ичра турмоқ,  
Низомий панжасига панжа урмоқ,  
-дея лутф қилган эди.

Буюк ўзбек мутафаккири Мир Алишер Навоий эса, бу анъанада муҳим бурилиш ясади. Ўзидан аввалги уч буюк шоирдан фарли ўлароқ, “Хамса”сини туркий тилда битди. У ўз “Хамса”сининг ҳар бир достонида бу уч шоир сиймосига буюк ҳурмат ва эҳтиромини ифода этади. Хусусан, Низомий Ганжавийга бўлган буюк ҳурмати, Низомий шахсияти ва ижодига чексиз муҳаббатини баён этади.

“Сабъай сайёр” достонида шундай мисраларни ўқиймиз:

Аҳли назм афсаҳул қаломи ул,  
“Хамса”нинг нозими – Низомий ул.  
“Хамса” йўқ, панж ганжи Қоруний,  
Ёйибон элга Ганжа мадфуни.  
Лек ҳар ким бўлуб жавоҳирсанж,  
Топиб ул ганжларда юз минг ганж [Навоий, 1991: 47].

Яъни у назм аҳли орасида сўзларни ғоят фасоҳат билан сўзловчи, “Хамса”ни биринчи бўлиб тартиб этган Низомийдир. У “Хамса” эмас, балки Қоруннинг беш хазинасидир. (Хасис Қорунни бутун бойлиги билан ер ютган бўлса) Ганжада дағн этилган шоир бутун бойлигини элга ёйди. Агар кимки жавоҳирларни ажратишга қодир бўлса, бу хазиналарнинг ҳар биридан юз минг хазина топади.

«Садди Искандарий» достонида эса, Алишер Навоий ҳақли равишда ўзини ва Низомийни энг ноёб иқтидорли инсонлар сифатида қайд этади:

Фалак кўрмади мен киби нодире,  
Низомий киби даҳр аро қодире. [Навоий, 1994: 487]

Дарҳақиқат Навоий ҳам ғойибона устози Низомий Ганжавийнинг хазинасидан унумли баҳраланган ва ўзининг бебаҳо беш достонини яратган эди.

Албатта, Алишер Навоий ўз «Хамса»сини туркий тилда, ўзига хос ўйналишда яратган. Гарчи достонлар мавзуси, уларнинг вазни бир хзил

бўлса-да, Навоий ҳар бир достонга янгича рух, янгича мазмун бағишлиади. Янги ҳикоятлар, мавзулар, бадиий санъатлардан фойдаланади. Бироқ, шунга қарамай, Навоий қалламига мансуб ҳар бешала достонда Низомийга бўлган буюк эҳтиром, унинг ижодий анъаналарига изчил амал қилиш ҳоллари яққол кўзга ташланали. Биз буни «Хамса»нинг ilk мисраларидаёқ яққол кўришимиз мумкин. «Ҳайрул-аброр»да ўқиймиз:

Бисмиллаҳир-роҳманир-роҳим,  
Риштаға чекди неча дурри ятим [Навоий, 1989:5]

Низомийнинг «Махзанул-асрор» достони эса, қуидаги мисралар билан бошланади.

Бисмиллаҳир-роҳманир-роҳим  
Ҳаст қалиди дари ганжи ҳаким [Низомий, 2012: 18]

Ҳар икки байтнинг биринчи мисраси Қуръони каримда 113 маротаба қайтарилиган «басмала» оятининг вазнга солиниши билан бошланади. Фақат иккинчи мисрада мазмун ҳам, қофия ҳам ўзгаради. Навоий ушбу оятнинг ҳар бир ҳарфини ипга тизилган қимматбаҳо дурларга ўхшатса, Низомий бу илоҳий жумлани Ҳикматли парвардигор хазинасининг эшигига қиёслайди.

Ҳар икки мутафаккир «Хамса»сининг учинчи достонида араб яриморолида машҳур бўлган, кейинчалик бутун Шарққа ёйилган «Лайли ва Мажнун» манзумаси қаламга олинган.

Низомий Ширвоншоҳлар сулоласининг машҳур вакили Аҳситан иккинчи бу достонни арабий ёки форсий тилда ёзишни топширганини айтади. Аҳситан туркий тил унинг ўзига муносиб эмаслигини айтиб, бу тилда достон битишдан қайтаради.

«Туркий сифати вафои мо нест,  
Туркона сухан – сазои мо нест» [Низомий, 2012: 34]

Шундан сўнг Низомий ҳукмдорга қуллик расмини бажо келтириб, бу достонни форсий тилда битганини таъкидлайди. Шу мисралар Низомий шахсияти ва ижоди ҳақидаги бир масалага ойдинлик киритади, назаримда. Шу пайтга қадар кўпгина илмий давраларда Низомий туркий қавмга мансуб эмаслиги, у туркий тилда асар ёзмаганини таъкидлаб келишади. Турк ва озарбайжон адабиётшунослири унинг оталари қипчоқ ёки ўғуз туркларига мансуб эканлиги, фақатгина давр ва вазият тақозоси туфайли форсий тилда ёзишга мажбур бўлганини таъкидлашади<sup>75</sup>.

Юқоридаги байтни айрим тадқиқотчилар Низомийнинг туркий тилни билмаслиги ва унга хайриҳоҳ эмаслиги билан изоҳлашади. Аммо, эътибор қилинса, бу мисралар Низомий эмас, балки Аҳситан тилидан айтилган, унинг

<sup>75</sup> Aydin, Şadi. ‘Türkoloji’ye Kaynaklık Bakımından İran Sahası, Yağmur Dergisi, Haziran, 28–08- 2012. – S. 23-24.

мактубидан олинган иқтибос эди. Шундан Низомий туркий тилни ҳам билғанлиги, у ушбу достонни туркий тилда ёзиши мумкинлиги, аммо фақат буюртмачининг хоҳиши билан форсийда битганини ҳам тушуниш мумкин.

Алишер Навоий ҳам ўз достонини туркий тилда битганини фахр билан таъкидлайди.

Мен туркча бошлабон ривоят,  
Қилдим бу фасонани ҳикоят;  
Ким шухрати бу жаҳонга тўлғай,  
Туркий била дағи баҳра олғай.  
Чунки бу кун жаҳонда атрок  
Кўптур хуш табъ, соф идрок...[Навоий, 1992: 311]

Достонда Навоий Қайснинг Мажнун номини олишини қуидагича тавсифлайди.

“Лайли, Лайли” деб ул чекиб ун,  
Эл “Мажнундур, деб, ушбу Мажнун.  
Бу вазият Низомийнинг достонида қуидагича жаранглайди:  
Ў мешуду мезаданд ҳар кас  
«Мажнун! Мажнун!..» зи пешу аз пас [Низомий, 2012: 53].

(У қаерда бўлса, ҳамма унинг олдию ортидан «Мажнун, Мажнун» деб чакиради)

Навоий умрининг сўнгги йилларида битган “Насойимул-муҳаббат” асарида ҳам Низомийнинг ҳаёти ва ижодига алоҳида тўхталади. “Аларға зоҳирий улум ва расмий истилоҳотдан баҳраи тамом бор эмиш” дейилади мазкур асарда [Навоий, 2001:432].

Яна бир ўзбек шоири, етук саркарда ва давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам Низомий Ганжавийнинг ганжинасидан етарлича хабардор эди. “Бобурнома”да ёзилишича, унинг отаси Умаршайх Мирзо ҳам кўпинча Низомий ва Дехлавийнинг “Хамса”си мутолааси билан машғул бўлган.

Бобур темурийзода ҳукмдор, буюк Олим Мирзо Улуғбекнинг ўз ўғли Абдуллатиф томонидан фожиали ўлдирилиши ҳақида афсусланиб ёзаркан, Низомийнинг “Хусрав ва Ширин” достонидан иқтибос келтиради:

Падаркуш подшоҳеро нашояд,  
Агар шояд ба шаш моҳаш напояд, [Бобур, 1989: 148]

яъни “отасини ўлдирган подшоҳ бўлолмайди. Агар тож-тахт унга насиб этган такдирда ҳам олти ойдан зиёд шоҳлик қилолмайди.

Низомий бу ўринда ўз отаси Хусравни салтанати ва гўзал аёли – ўгай онаси Ширинга етишиш учун ўлдирган Шеруянинг қисматига ишора қилга эди. Достонда айтилишича, олти ой ўтиб, саройда юз берган фитна туфайли

Шеруя ўлдирилади. Шу воқеаларни баён этиб, Низомий юқоридаги байтни битган эди. Не ажабки, унинг бу каромати орадан икки ярим асрдан кўпроқ вақт ўтиб, яна бир падаркуш шаҳзода Абдуллатиф қисматида ҳам ўз тасдифини топади.

Низомийнинг барҳаёт ижоди нафақат Шарқ, балки, Ғарб адабиётига ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Кўплаб Европа шарқшуносарининг фикрича Италия уйғониш даврининг етук намояндаси Ж.Боккаччонинг “Амето”, Ж.Пуччинининг “Турандот” асалари Низомийнинг “Ҳафт пайкар” (етти гўзал) достони сюжети асосида яратилган. Немис шоири И.В.Гёте ўзининг “Ғарбу Шарқ девони”да Низомийга алоҳида боб ажратган.<sup>76</sup> [Низами, 2006: 28]

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Алишер Навоий Ҳайратул-аброр. МАТ. 20 жилдлик. Т.7 – Тошкент. Фан.1989. – Б.5.
2. Алишер Навоий. Лайли ва Мажнун. МАТ. 20 жилдлик. Т.9 – Тошкент., Фан, 1992. – Б. 311.
3. Алишер Навоий. Сабъаи сайёр (насрий баёни билан). Тахрир ҳайъати: А.Қаюмов ва бошқ. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1991. – Б. 47.
4. Алишер Навоий Садди Искандарий. МАТ. 20 жилдлик. Т.11 – Тошкент. Фан.1994. – Б.487.
5. Алишер Навоий. Насойим ул-мухаббат. МАТ. 20 жилдлик. Т.17– Тошкент: Фан, 2001. – Б.432.
- 7..Заҳириддин мұхаммад Бобур. Бобурнома. Нашрға тайёрловчи П.Шамсиев. – Тошкент: Юлдузча, 1989. – Б. 148.
8. Низомии Ганчавӣ. Хамса. Махӯанул-асрор. Чилди 18. – Душанбе, Адиб. 2012. – Б.18.<sup>1</sup>
9. Низомии Ганчавӣ. Хамса. Лайли ва Мачнун. Чилди 19. – Душанбе, Адиб. 2012. – Б.34.
10. Низомии Ганчавӣ. Хамса. Чилди 18. – Душанбе, Адиб. 2012. – Б.53.
11. Низами Гянджеви. Избранное. — Баку: «Азернешр», 1989. — 6 с.
12. Aydin, Şadi. ‘Türkoloji’ye Kaynaklık Bakımından İran Sahası, Yağmur Dergisi, Haziran, 28–08- 2012. – S. 23-24.
13. François de Blois. Eskandar-nāma of Neżāmī (англ.). Iranica (15 december 1998).

<sup>76</sup> “Nizāmī”Ganjavī, Jamāl al-Dīn Abū Muhammād Ilyās, Poet (англ.). Persian Literature in Translation. The Packard Humanities Institute.

14. Nizāmī Ganjavī. The haft paykar: a medieval Persian romance (англ.) / Julie Scott Meisami. — Oxford: Oxford University Press, 1995. — 307 p.
15. “Nizāmī” Ganjavī, Jamāl al-Dīn Abū Muhammād Ilyās, Persian Literature in Translation. The Packard Humanities Institute. — 2006 vol 4.
16. Peter J. Chelkowski. "Mirror of the Invisible World". — New York: Metropolitan Museum of Art, 1975. — C. 6. — 117 c.

## ЛУТФИЙНИНГ ШОХРУХ МИРЗОГА БАҒИШЛАНГАН ҚАСИДАСИ

**Хасанова Машхура Жумановна**  
СамДУ, мумтоз адабиёт тарихи кафедраси  
каптта ўқитувчиси, PhD

### Аннотация

Ушбу мақола Мавлоно Лутфийнинг Шохрух мирзога бағишиланган қасидаси ҳақидадир. Мақолада муаллиф қасидани таҳлил этиш асносида XV аср Хурросон воқелиги, Шохрух темурийнинг маданият соҳасида тутган ўрни ҳақида фикр юритган.

XV асрда Хурросонда Шохрух Мирзо буйруғи билан Бойсунқур Мирзо томонидан ташкил қилинган улкан кутубхонада юзлаб қимматли қўлёзмалар тўпланди. Унда 40дан ортиқ хаттотлар, мусавирлар, заркорлар, сахҳофлар ана шу кўхна қўлёзмалардан нусха кўчириши. Алишер Навоийнинг сўзларига қараганда, Шохрух дунёвий илмлар ичida тарихни хуш кўрганлиги боис, кўпгина йирик тарихнависларни саройига таклиф қилган. Шарафиддин Али Яздий, Ҳофизи Абрӯ, Абдураззоқ Самарқандийлар шулар жумласидандир.

Мавлоно Лутфийнинг бизгача 4та қасидаси етиб келган бўлиб, 1таси Шохрух мирзо, иккитаси Бойсунқур мирзо, 1таси Аловуллавлага бағишиланган. Шохрух Мирзога бағишиланган қасидаси унинг оғир қасалликдан соғайганлиги муносабати билан ёзилган.

Абдураззоқ Самарқандий ўша давр ҳақида шундай ёзади:

«... Рабиъ ас-сонийнинг йигирма учинчисида (1427 йил 21 февраль) жума куни одат бўйича у (Шохрух Мирзо – таъкид бизники) ўз вужуди била масжидни шарафли қилди ва намозни тамомлаб, барча ишларни осон этувчи подшоҳ (Аллоҳ)га арзу ниёзларини изҳор этиб бўлгач, ташқарига чиқиш учун

жойнамоздан турди. У ҳали масжид ичида юриб кетаётганида ногоҳ мавлоно Фазлуллоҳ Астрободийнинг муридларидан Аҳмад лур номли намадпўш бир шахс шикоятчи сифатида қўлига бир қофозни ушлаб яқин келди. Онҳазрат «Унинг сўзини маълум қилиб арзга етказинглар», - деган маънода мулозимлардан бирига ишорат қилди, бироқ беандиша Аҳмад лур олдинга югурди ва сув қатрасидек пичоқни онҳазратнинг қорнига урди... гўшанишинлар дилу жондан самимий дуода бўлганликлари учун пичоқ кор қилмади; заҳм кучли эмас эди...

Шундай қилиб ҳақ таоло (хоқони сайдга) тўла сиҳатлик каромат қилди...» [27, 351-353].

Мавлоно Лутфийнинг шу муносабат билан ёзилган, ҳазаж баҳрининг солим (мафоийлун, мафоийлун, мафоийлун, мафоийлун) шаклидаги қасидаси 29 байт бўлиб, қуйидаги байт билан бошланади:

Туман минг шукрким, қилди мадад таъйиди субҳоний

Ким, оғриқтан шифо топти Фаридунфар жами соний[14, 17].

Қасида композицион жиҳатдан анъанавий тарзда тузилмаган. Унинг муқаддимаси тугун бўлиб, у кейинги қисмларда ечилади. Яъни, бошида, биринчи байтда шоир Тангри Таоло улуғ подшоҳга сиҳатлик ато этганлиги учун шукрлар айтади. Иккинчи байтдан бошлаб Шоҳруҳ мирзони шариат мулкининг шоҳи, вилоят чархининг қутби, саодат жисмининг руҳи, хилофат таҳтининг хони; Сулаймон салтанатлиқ; Муъин уд-дин вад-дунё; очуннинг ёруғи, ҳавову хилмнинг баҳри, сафову сидқнинг кони; Темурбек хонадонининг чироғи ёруқ кўзи, малак сийрат, Набий ҳилқат деб мақтайди. Шоҳруҳ сulton ҳукмронлиги давридаги адолатли жамият, Жамшид, Искандар, Маҳмуд, Санжарлар орзу қилган, улар ўрганиши лозим бўлган ҳукмдорлик, подшоҳлик ҳақида фикр юритади. Унинг давлатида санамлар социдан ўзга ёмонлик қилгувчи йўқ эканлиги, заифлар учун подшоҳнинг адолати кучли эканлиги, унинг даврида бўри таёғига таяниб қўйларга чўпонлик қилаётганлиги, унинг сингари ҳақиқий подшоҳни ер қиёматгача айланиб топмаслигини уқтиради.

Кейинги байтда эса, яна тугунга қайтилади. Яъни, Шоҳруҳ Султоннинг касал бўлганлиги воқеаси барча эл-улусни, хусусан Маҳди улё - Гавҳаршодбегимни қаттиқ ташвишга солиб қўйгани, унинг изтироблари, доду фарёди, Оллоҳга илтижолари туфайли Оллоҳ инояти билан шоҳнинг шифо топгани ҳақида гап боради:

Шаҳо, бир неча кун сизга такассур бўлмағай воқеъ,

Жаҳон барҳам ура ёзди, улуснинг қолмади жони.

Бегимни шукрлиллаҳким, ниёзи бўлмади зоеъ,

Ўған фарёдига етти, чу кўктин ошти аффони.

Бу ҳолатдин хабар боргач, Мухаммад Жўги Мирзоға,  
Нагу қатлонға қилди деб юз урди минг пушаймони[14, 18].

Кейинги байтда бир кулфат келмасдан қадр билинмаслигидек, шундай жаҳон подшосининг қадрини эл-улус энди билганини баён этади. Охирги 5 байт дуо қисми бўлиб, унда подшоҳга (Шоҳруҳ сultonга) Гавҳаршодбегим билан умрбокийликда ҳаёт кечиришини, жаҳон омонлиги учун иқболи абадий бўлишини, қуёшнинг нурича, бани одам ер юзида турганча боқий бўлишини тилайди.

Юқоридаги қасидада нафақат Мавлоно Лутфийнинг, балки, Ҳуросон халқининг одил подшоҳ, комил инсон ҳақидаги ғоялари акс этади. Қасида халқпарвар, миллатпарвар шахснинг фазилатларини улуғлаш, унинг халқ ва миллат олдидаги бурчларини эслатиш, эзгу мақсадлар, эзгу ғоялар сари етаклаш, инсон сифатидаги қадр-қимматини юқори тутишга чорлаш каби ҳаётбахш мавзуларни қамраб олганлиги билан ҳам катта аҳамиятга эга.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Мавлоно Лутфий, Манзумалар, “Meriyus” – Тошкент – 2010, 11-17-бетлар
2. Навоий асарлари лугати, Т., Fafur Fulom nomidagi Adabiёт va san'yat nashriёti, 1972
3. Алишер Навоий, Мажолис ун-нафоис, Ўзбекистон давлат нашриёти, 1948
4. Б.Аҳмедов, Давлатшоҳ Самарқандий, Фан, 1967, 55 бет
5. Абдураззок Самарқандий, Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн, Тошкент, «Ўзбекистон» НМИУ, 2008
6. Давлатшоҳ Самарқандий, Fafur Fulom nomidagi Adabiёт va san'yat nashriёti, 1981
7. Хасанова М.Ж. Лутфийнинг Бойсунқур Мирзога бағишлиланган қасидалари. СамДУ ахборотномаси. Самарқанд. СамДУ, 2019. 6-сон, 15-18-бетлар.

#### **ALISHER NAVOIYNING “HAYRATUL-ABROR” DOSTONIDA YUKSAK INSONIY FAZILATLAR MADHI**

*Obidjon KARIMOV, NamDU dotsenti,  
filologiya fanlari nomzodi.*

Shoirlar sultonni, ko‘hna Sharq mutafakkiri Alisher Navoiy “Xamsa”sini o‘qish-o‘rganishda davom etarkanmiz, allomaning “Hayrat ul-abror” dostoni teran

mazmuni va yuksak badiiyati bilan asrlar davomida ko‘pchilik adabiyot ixlosmandlari qalbini hayratga solib kelayotganini yana bir bor ta’kidlagimiz keladi. Bu, shubhasiz. Xususan, didaktik xarakterga ega bo‘lgan mazkur dostonda qo‘llangan har bir so‘z o‘zining ma’no nozikliklari va ko‘plab qirralari bilan yuksak san’atkorona tarzda ifodalanganiga guvoh bo‘lamiz.

Ki har kim ayon etsa yaxshi qilig‘,  
Yetar yaxshiliqdan anga yaxshilig‘.

Mazkur baytlar Alisher Navoiyning “Hayrat-ul-abror” dostonida to‘laligicha o‘zgacha mazmun kasb etgan. Shoir o‘zini yuksak fazilat sohibi deb bilgan har qaysi inson xalq g‘amidan yiroq, ular uchun kuyinmay, faqat o‘z manfaatini o‘ylaydiganlarni odam qatoriga qo‘shmaslikni ta’kidlayapti. Bizga ayonki, Alisher Navoiy butun hayoti va ijodiy faoliyati davomida bu g‘oyaga sodiq qoladi. Shu o‘rinda dostonning “Yaxshi kishilarning hayratlanishi” deb nomlanishida ham chuqur ma’no bor.

Ulug‘ shoir qaysi mavzuda fikr yuritmasin, asl maqsadini insonga qaratadi va haqli ravishda deydi: “ Inson degan nomni oqlashga harakat qil, intil, bu nomga dog‘ tushiruvchi unsurlardan o‘zingni yiroq tut! Toki sen bu olamni tark etganingda ham kishilar seni yaxshi nom bilan yod etsinlar”. Chunki Alisher Navoiy tangrining yaratgan yaratig‘lari ichida insonni koinotning sarvari va gultoji deb baholaydi. Shuning uchun ham inson bu ulug‘ nomga munosib bo‘lmog‘i lozimligini bot-bot ta’kidlaganday bo‘laveradi...

Birgina “quyosh” kalomining hadsiz jilosiyu, hadsiz jilvasidan bahramandligimiz besamar ketmasin-da, uqqanlarimizni sizlarga ham imkon doirasida yuqtirishga jazm ayladik.Turkiyzabon shoirimiz qirq yoshdan o‘tgach, yanayam aniqrog‘i, nazmiy nuktodonlikda anchayin tajriba va mahorat kasb etgach, o‘z oldiga bag‘oyat mushkul ishni qo‘ya oldi. Hazrat Navoiy Nizomiy panjasiga panja urib, “Xamsa”dek buyuk asarni yaratdi. “Xamsa”chilikning yalovbardori (bayroqdori) bilan bahslashishning mas’uliyati naqadar yuksakligini chuqur anglagani uchun uni chinakamiga ko‘klarda ko‘rdi:

Ganja **quyoshini** ko‘targach alam,  
Ayladi so‘z mamlakatin yakqalam.

Do‘sti va ustozи, “nuran maxdum” deya tavsiflangan Abdurahmon Jomiyning ta’rifida ham xuddi shu qiyosni qo‘llaydi:

Vaqti **quyoshin** chu qilib pardapo‘sh,  
Kilki qaro abrdek aylab xurush.  
**Mehrdin** ofoq aro gar nurdir,  
Zarra aning mehrida mashhurdir.

Bu yerda Navoiy kamtarona holatda Jomiyni ko‘kdagi quyoshgayu, o‘zini zamindagi tuproqqa mengzayapti.Shoirning nazdida Quyosh faqat nurbuloq emas,

go'zallar go'zali timsoliga tenglangan. Chunonchi:

**Turki Xo'tan** yopti chu zebo jamol,  
Mushkfishon bo'ldi nasimi shamol.

Yuqoridagi bayt kechqurun quyosh botib, qorong'u tusha boshlashi xususida. "Xo'tan go'zali" - Quyosh. Xo'tan Sharqiy Turkistonidagi shaharlardan biri. U bu yerda quyosh chiqadigan sharq ramzi ifodasi sifatida qo'llangan.

Lu'batli Chin chehra nihon ayladi,  
Zulfin ochib mushkfishon ayladi.

Endi esa quyosh Chin qo'g'irchog'iday yuzini o'girib olib, sochini yoyib qora mushk socha boshladi ma'nosini uqamiz. Quyosh - Navoiyning eng suyumli, sevimli so'zi, uning bilan nazmining nozik navolarini tasvirlay olishi nihoyasiz. Ko'ngil kezar gulshan (osmon) husniga oshiqona baytlarni bitishda davom etar ekan, yana quyoshni unutolmaydi:

Anda nihon erdi pari paykare,  
Durji sipehr ichra samin **gavhare**.

E'tibor qilsak, quyidagi ma'noni anglaymiz: U yana bir boshqa gulshan (osmon) ga ko'chdi, undagi har bir chamanni kezdi. O'sha yerda shunday bir pari paykar o'ltilardiki, u osmon qutisining eng qimmatbaho gavhari (ya'ni quyoshi) edi. Xayru ehson vasfida qalam yo'nganida saxovatning nainki suratiga, balki siyratigacha nazar tashlaydi. Quyoshning xatti harakati bilan boyligi bisyorlarning isrofgarchiligi, telba va mastligini taqqoslab, idrokimizni tobora teranlashtiradi:

Charxki, **mehr** oltunin aylar nihon,  
Yuzini oning qaro aylar jahon.

Demak, quyosh oltinni berkitgani uchun jahon osmonning yuzini (kechasi) qaro qiladi. Quyosh go'zali yulduz kumushlarini yashirgani uchun osmon uni boshi bilan yerga ko'madi. Kuz kelib oltin varaqlarini qo'li bilan sochgani uchun har bir yaproq quyosh rangida bo'lishini shoir badiiy jihatdan hayotiy tarzda xayru saxovatga qiyoslab dalillaydi. Adab bobida to'xtalganida tunu kunungga nur berib turadiganlar ota-onaligini, ularning oy va quyoshday yakkayu yagonaligini, qoshida hamisha farzandlik burchini a'lo darajada o'tashlik bola odobining umrbo'yi betugal talabi bo'lib qolaverishini anglashga chaqiradi:

Boshni fido ayla, ato qoshiga,  
Jismni qil sadqa ano boshig'a.  
Tun kununga aylagali nur fosh,  
Birini oy angla, birini **quyosh**.

Qanoatlining ta'madan yiroqliginiyu, tamagirning xorlikka duchorligidan so'z ochib, mol-mulkiga mag'rur kimsalarni yana ko'kning betama ehsonchisini hamma uchun qadrli ne'mat - nonga o'xshatadi, uning osmonga ko'tarilganiga havaslantiradi. "Charxki, bir qurs ila tuzdi maosh" deya butun bir osmon bitta qurs

bilan kun kechirishini aytib boy insonlarni o‘zlarini katta bilmaslikka, qanoat boyligini boshda ko‘tarib yurishga da’vat etib, quyoshday qadr-qimmat topishlariga umidvor bo‘ladi.

Rostlikni yolg‘onga, to‘g‘rilikni egrilikka zidlab odamlarning ko‘ngliga ezgulik urug‘larini sochmoq istagan shoir g‘oyat hayotiy va haqqoniy o‘xshatishlarni birin-ketin shunchalar taxlayveradiki, bu tag‘in quyosh so‘zisiz kechmaydi. Uadolatli podshoni ko‘klarga ko‘tarib uning tojini eng tik turgan quyoshga o‘z soyasini solganday tasavvurlaydi. Egrilikning yolg‘onga, to‘g‘rilikning haqiqatga egizlaydi. U to‘g‘rilikka ham yuksak talablar qo‘yadi. Ya’ni, tekisga tep-tekislik darajasini mezon hisoblaydi. Fikrini jim turgan suvda quyosh to‘g‘ri aks etishiga, chayqalganida esa egrilanishiga bog‘lab, beinkor dalil keltiradi:

Tuz ko‘runur **mehr** chu turg‘on suvda,  
Egri bo‘lur ushturak urg‘on suvda.

Ulug‘ ijodkor odamlar orasida tong kabi kumush sochishga o‘rgangan kishilarning mehrini quyosh bilar ekan, ularning atrofida hasadgo‘ylarning, iblismijozlarning ham borligigacha unutmaydi. Elga mehri baxshidalarini madh etadi, xudbinlarni qoralaydi. Quyosh nurini to‘smoqqa chirangan bulutlarga achinadi:

**Mehrki** - ravshanliq etar fosh ani,  
Kimga gunah - ko‘rmasa xuffosh ani.  
Lek **quyosh** javhari chun keldi pok,  
Bo‘lsa bulut nurig‘a mone’ ne bok.

Ya’ni: Quyosh yorug‘lik berib, nur sochib turadi. Ko‘rshapalak buni ko‘rmasa kimga foyda?! Quyoshning javhari pok yaratilgani uchun bulut uning nurini to‘sishga intilsa ne qo‘rqinchli. Shoir yaxshi insonlar bee’tibor qolmasligiga, yaxshilikning umri ziyodaligiga ishonadi. Buni hayotiy hodisalarining badiiy talqiniga singdirib yuboradi:

Zulfu sanamlarning erur mushkfosh,  
Kim oni ruxsor uza asrar **quyosh**.

Tushunimizcha: shisha o‘zidagi gulobni odamlar yuziga sepgani tufayli uni avaylab tokchaning ustida asrashadi. Sanamlarning sochlari anvoyi xid tarqatib turgani uchun quyoshdek yuzining o‘rin olganlar.

Navoiy tasavvurida dunyoning eng saxovatli yaratig‘i quyosh bo‘lsa, zoti sharif insonda unga tenglashgudek qudrat bor. Shuni xayoldan forig‘ etmagan saxyilar ko‘paysa, olam gulistoniga aylanadi. Quyosh panjasidek qo‘lini ochib, unda bor boyligini dunyoga sochib yashagan inson charxi falakni dog‘da qoldirish imkoniyatiga ega:

Panjai **xurshiddek**, ilgingni och,

Anda nekim siym esa, olamga soch!

Navro‘zning butun borliqni ziynatlashi haqida to‘lib-toshib tabiat tasvirlarini berayotgan shoir hamal ayvonini quyosh yorita boshlashi bilan ko‘kning zaminga mehr izhori kuchayganidan darak berayotganini zavq-shavq ila olqishlaydi. Bu bejiz emas, umr gulshanida ham xuddi shunday quyosh charaqlaydigan bahoriy yoshlik pallalarda inson tanasi hamalga kirishidan hayot g‘animatligini, uning har lahzasi ezgulikka yo‘g‘rilishini juda-juda istagan ulug‘ ijodkor.

Chun hamal ayvonini yorutti **mehr**,

Dahrg‘a mehr ayladi zohir sipehr.

Umr **quyoshig‘a** chu bo‘ldi mahal,

Inson baytush- sharafidin hamal.

Navoiy sadoqatli ishq bandalarini beba ho tuyg‘ular ardog‘idagi “jabri jafo”lariyu, fidoyiliklaridan hikoyat aylarkan, sevgilisiga sodiq oshiqning paxsa devor orasida azoblanib tursa-da, zarracha nola qilmaganini sharaflaydi va kech kirish pallasidagi quyoshni shunga yarasha g‘oyat chirolyi nom bilan ataydi:

Tog‘ aro yoshundi chu **zarrin g‘izol**,

Mushki Xo‘tan sochdi nasimi shamol.

G‘izol bu ohudir. Uning tog‘ orasiga yashirinish holatiga uyg‘unlab, ulug‘ ijodkor hayratona tarzdagi ta’rifni topa olganki, bu ham ibratlanarlidir.

Alisher Navoiy adolatparastlikning haddi a’losiga yetgan, mavqeい yuksakdan-da yuksak zot edi. So‘zda ham, amalda ham o‘sha noyob mezoniy shaynni muvozanatda mahkam tuta olishga qodirligi bilan xalqqa yaqinlashib ketgandi. U uch harfdan iborat adl so‘zining bosh harfi “ayn”ni tafti betugal quyosh kabi adolatdan iboratligini tavsiflab, bu kalomning dunyonи munavvarlovchi sharofatbaxshligini sharaflaydi:

“Ayn”i aning **mehre** erur tob nok,

Zulm qaro shomini qilmoqqa pok.

Ulug‘ ijodkorning Xuroson hukmdori Husayn Boyqaro yonida turib, uning davlatiga rivoj qo‘shishga intilishida ham adolat tug‘ini baland ko‘tarish ishtiyoqining ko‘nglida ustuvorligi namoyon. SHu davlatda badiiy tafakkur olamida birinchi va oxirgi “Xamsa”ni yarata oldi, yaratganda ham yakka-yu yagona turkiyonasini. “Hayratul-abror” asari shu sababdan oltinchi yuz yillik muxlislarigacha maroqli mutolaaga munosiblik martabasida yashayapti. Biz navoiyxonlikda o‘zgacharoq yo‘ldan borib, ul zoti sharifning “Xamsa”navislikdagi betakror salohiyatini quyoshli qalbida tug‘ilgan quyoshli so‘zlarning ming bir jilosiga joylay olish layoqatidan izlashga va anglashga intildik. Besh dostonning birinchisi, ya’ni muallifning ta’rificha “zebo yuzli gulruh”ining qimmatini ziyodalovchi ziynatlari – badiiy ifoda san’atining takrortsiz takrorlari, yanayam yorqinrog‘i, quyoshning ko‘pdan-ko‘p qiyosiy qiyofasining tahlili va talqiniga bir

ozgina to‘xtalish bilan kifoyalandik, xolos.

So‘z mulkining sultoni xayoliy hayratini hayotiy hayratga omuxtalab yuborish maqsadida beba ho qalamini mohirona tebratgan. Birgina quyosh kalomi o‘rnida uning qator sinonimlari tizimini, ya’ni xurshid, shams, alam, gavhar, nuri tob, zarli bayroq, zarrin ohu, bitta non, Chin qo‘g‘irchog‘i va yana turli shakllardagi so‘z va iboralar bilan ifodalab, asar mazmun-mohiyatini teran ochishga va kuchaytirishga behad san’atkorona mahorat bag‘ishlay olganki, hayratlanmay, lol qolmay iloj yo‘q. Osmomonning, undagi oy, yulduz va boshqa jismlarning ko‘rinishi, holati, harakati va vazifasigacha quyoshga bog‘lab aks ettirilgan. Bu kabi hayratomuz ifoda vositalari yana uzoq asrlar davomida Alisher Navoiy muxlislari qalbini larzaga solishiga, rom etishiga ishonch bildirib qolaveramiz. Jumladan, donishmand shoir aytganlariday:

Navosiz ulusning navobaxshi bo‘l,  
Navoiy yomon bo‘lsa, sen yaxshi bo‘l!

Bu hikmatomuz misralar alloma shoir ijodining barcha jihatlarini ifodalab berdi:shoir navosiz xalqining, millatining navobaxshiga aylandi, xalq orzu-armonlarini ko‘klarga ko‘tardi. Faxrlanib ayta olamizki, Alisher Navoiy o‘zining yuksak g‘oyalari bilan ikkinchi umrini davom ettirmoqda.

## **ALISHER NAVOIY ASARLARIDA YUKSAK INSONIY FAZILATLAR MADHI (“HAYRATUL ABROR” DOSTONI MISOLIDA)**

**Obidjon KARIMOV  
NamDU dotsenti, filologiya fanlari nomzodi.**

**Annotation:** The article presents a unique plot, poetic structure and compositional features, as well as a chain of compositions that distinguishes — “Hayrat ul-abror” from the other — “Khamsa’s” poems.

**Keywords:** the poem, composition, image, analysis, classification, national spirit, genre, artistic, skill.

Biz yaxshi bilamizki, Sharq adabiyoti didaktikaga – pand-nasihatga asoslangan. Chindan ham, uadolat, shafqat, hurriyat sog‘inchi bilan to‘lib-toshgan adabiyot (Ibrohim HAQQUL), yana ham aniqroq aytadigan bo‘lsak, haqiqiy ma’noda shaxsning tarbiyasiga bag‘ishlangan adabiyotdir. Badiiy asarlarda barcha ezgu ishlar ulug‘lanadi, insonlarga xos ijobiy sifatlar ishtirok etadigan qahramonlarning suratu siyratlarida gavdalantiriladi. Shuningdek, hayot qarama-qarshiliklardan iborat bo‘lgani kabi yovuzlik, o‘z manfaatini xalq manfaatidan

yuqori qo‘yishlik, ikkiyuzlamachilik kabi yaramas illatlar ham aks ettiriladi.

Ko‘hna Sharqning buyuk mutafakkir shoiri Alisher Navoiyning “Hayrat ul-abror” dostoni teran mazmuni va yuksak badiiyati bilan asrlar davomida ko‘pchilik adabiyot ixlosmandlari qalbini hayratga solib kelayotgani shubhasiz. Didaktik xarakterga ega bo‘lgan mazkur dostonda qo‘llangan har bir so‘z o‘zining ma’no nozikliklari va ko‘plab qirralari bilan yuksak san’atkorona tarzda ifodalanganiga guvoh bo‘lamiz. Quyidagi baytga e’tibor qarataylik:

...Ki har kim ayon etsa yaxshi qilig‘,

Yetar yaxshiliqdan anga yaxshilig‘[2.12].

Mazkur baytlar Alisher Navoiyning “Hayrat-ul-abror” dostonida to‘laligicha o‘zgacha mazmun kasb etgan. Shoир o‘zini yuksak fazilat sohibi deb bilgan har qaysi inson xalq g‘amidan yiroq, ular uchun kuyinmay, faqat o‘z manfaatini o‘ylaydiganlarni odam qatoriga qo‘shmaslikni ta’kidlayapti. Bizga ayonki, Alisher Navoiy butun hayoti va ijodiy faoliyati davomida bu g‘oyaga sodiq qoladi. Shu o‘rinda dostonning “Yaxshi kishilarning hayratlanishi” deb nomlanishida ham chuqur ma’no bor.

Ulug‘ shoир qaysi mavzuda fikr yuritmasin, asl maqsadini insonga qaratadi va haqli ravishda deydi: “Inson degan nomni oqlashga harakat qil, intil, bu nomga dog‘ tushiruvchi unsurlardan o‘zingni yiroq tut! Toki sen bu olamni tark etganingda ham kishilar seni yaxshi nom bilan yod etsinlar”. Chunki Alisher Navoiy tangrining yaratgan yaratig‘lari ichida insonni koinotning sarvari va gultoji deb baholaydi. Shuning uchun ham inson bu ulug‘ nomga munosib bo‘lmog‘i lozimligini bot-bot ta’kidlaganday bo‘laveradi...

Birgina “quyosh” kalomining hadsiz jilosiyu, hadsiz jilvasidan bahramandligimiz besamar ketmasin-da, uqqanlarimizni sizlarga ham imkon doirasida yuqtirishga jazm ayladik. Turkiyzabon shoirimiz qirq yoshdan o‘tgach, yanayam aniqrog‘i, nazmiy nuktodonlikda anchayin tajriba va mahorat kasb etgach, o‘z oldiga bag‘oyat mushkul ishni qo‘ya oldi. Hazrat Navoiy Nizomiy panjasiga panja urib, “Xamsa”dek buyuk asarni yaratdi. “Xamsa”chilikning yalovbardori (bayroqdori) bilan bahslashishning mas’uliyati naqadar yuksakligini chuqur anglagani uchun uni chinakamiga ko‘klarda ko‘rdi:

Ganja **quyoshini** ko‘targach alam,

Ayladi so‘z mamlakatin yakqalam[2.26].

Do‘sti va ustozи, “nuran maxdum” deya tavsiflangan Abdurahmon Jomiyning ta’rifida ham xuddi shu qiyosni qo‘llaydi:

Vaqti **quyoshin** chu qilib pardapo‘sh,

Kilki qaro abrdek aylab xurush.

Mehrdin ofoq aro gar nurdir,

Zarra aning mehrida mashhurdir.

Bu yerda Navoiy kamtarona holatda Jomiyni ko'kdagi quyoshgayu, o'zini zamindagi tuproqqa mengzayapti. Shoirning nazdida Quyosh faqat nurbuloq emas, go'zallar go'zali timsoliga tenglangan. Chunonchi:

**Turki Xo'tan** yopti chu zebo jamol,  
Mushkfishon bo'ldi nasimi shamol[2.28].

Yuqoridagi bayt kechqurun quyosh botib, qorong'u tusha boshlashi xususida. "Xo'tan go'zali" - Quyosh. Xo'tan Sharqiy Turkistondagi shaharlardan biri. U bu yerda quyosh chiqadigan sharq ramzi ifodasi sifatida qo'llangan.

Lu'bat Chin chehra nihon ayladi,  
Zulfin ochib mushkfishon ayladi[2.48].

Endi esa quyosh Chin qo'g'irchog'iday yuzini o'girib olib, sochini yoyib qora mushk socha boshladi ma'nosini uqamiz. Quyosh - Navoiyning eng suyumli, sevimli so'zi, uning bilan nazmining nozik navolarini tasvirlay olishi nihoyasiz. Ko'ngil kezar gulshan (osmon) husniga oshiqona baytlarni bitishda davom etar ekan, yana quyoshni unutolmaydi:

Anda nihon erdi pari paykare,  
Durji sipehr ichra samin **gavhare**[2.52].

E'tibor qilsak, quyidagi ma'noni anglaymiz: U yana bir boshqa gulshan (osmon) ga ko'chdi, undagi har bir chamanni kezdi. O'sha yerda shunday bir pari paykar o'ltirardiki, u osmon qutisining eng qimmatbaho gavhari (ya'ni quyoshi) edi. Xayru ehson vasfida qalam yo'nganida saxovatning nainki suratiga, balki siyratigacha nazar tashlaydi. Quyoshning xatti harakati bilan boyligi bisyorlarning isrofgarchiligi, telba va mastligini taqqoslab, idrokimizni tobora teranlashtiradi:

Charxki, **mehr** oltunin aylar nihon,  
Yuzini oning qaro aylar jahon.

Demak, quyosh oltinni berkitgani uchun jahon osmonning yuzini (kechasi) qaro qiladi. Quyosh go'zali yulduz kumushlarini yashirgani uchun osmon uni boshi bilan yerga ko'madi. Kuz kelib oltin varaqlarini qo'li bilan sochgani uchun har bir yaproq quyosh rangida bo'lishini shoir badiiy jihatdan hayotiy tarzda xayru saxovatga qiyoslab dalillaydi. Adab bobida to'xtalganida tunu kunungga nur berib turadiganlar ota-onaligini, ularning oy va quyoshday yakkayu yagonaligini, qoshida hamisha farzandlik burchini a'lo darajada o'tashlik bola odobining umrbo'yi betugal talabi bo'lib qolaverishini anglashga chaqiradi:

Boshni fido ayla, ato qoshiga,  
Jismni qil sadqa ano boshig'a.  
Tun kununga aylagali nur fosh,  
Birini oy angla, birini **quyosh**[2.65].

Qanoatlining ta'madan yiroqliginiyu, tamagirning xorlikka duchorligidan so'z ochib, mol-mulkiga mag'rur kimsalarni yana ko'knинг betama ehsonchisini

hamma uchun qadrli ne'mat - nonga o'xshatadi, uning osmonga ko'tarilganiga havaslantiradi. "Charxki, bir qurs ila tuzdi maosh" deya butun bir osmon bitta qurs bilan kun kechirishini aytib boy insonlarni o'zlarini katta bilmaslikka, qanoat boyligini boshda ko'tarib yurishga da'vat etib, quyoshday qadr-qimmat topishlariga umidvor bo'ladi.

Ulug' ijodkor odamlar orasida tong kabi kumush sochishga o'rgangan kishilarining mehrini quyosh bilar ekan, ularning atrofida hasadgo'ylarning, iblismijozlarning ham borligigacha unutmaydi. Elga mehri baxshidalarini madh etadi, xudbinlarni qoralaydi. Quyosh nurini to'smoqqa chirangan bulutlarga achinadi:

**Mehrki** - ravshanliq etar fosh ani,  
Kimga gunah - ko'rmasa xuffosh ani.  
Lek **quyosh** javhari chun keldi pok,  
Bo'lsa bulut nurig'a mone' ne bok[2.145].

Ya'ni: Quyosh yorug'lik berib, nur sochib turadi. Ko'rshapalak buni ko'rmasa kimga foyda?! Quyoshning javhari pok yaratilgani uchun bulut uning nurini to'sishga intilsa ne qo'rqinchli. Shoir yaxshi insonlar bee'tibor qolmasligiga, yaxshilikning umri ziyodaligiga ishonadi. Buni hayotiy hodisalarning badiiy talqiniga singdirib yuboradi:

Zulfa sanamlarning erur mushkfosh,  
Kim oni ruxsor uza asrar **quyosh**[2.157].

Tushunimizcha: shisha o'zidagi gulobni odamlar yuziga sepgani tufayli uni avaylab tokchaning ustida asrashadi. Sanamlarning sochlari anvoysi xid tarqatib turgani uchun quyoshdek yuzining tepasidan o'rinn olganlar.

Navoiy tasavvurida dunyoning eng saxovatli yaratig'i quyosh bo'lsa, zoti sharif insonda unga tenglashgudek qudrat bor. Shuni xayoldan forig' etmagan saxiylar ko'paysa, olam gulistonga aylanadi. Quyosh panjasidek qo'lini ochib, unda bor boyligini dunyoga sochib yashagan inson charxi falakni dog'da qoldirish imkoniyatiga ega:

Chun hamal ayvonini yorutti **mehr**,  
Dahrg'a mehr ayladi zohir sipehr.  
Umr **quyoshig'a** chu bo'ldi mahal,  
Inson baytush- sharafidin hamal [2.167].

Alisher Navoiyadolatparastlikning haddi a'losiga yetgan, mavqeい yuksakdan-da yuksak zot edi. So'zda ham, amalda ham o'sha noyob mezoniy shaynni muvozanatda mahkam tuta olishga qodirligi bilan xalqqa yaqinlashib ketgandi. Ulug' ijodkorning Xuroson hukmdori Husayn Boyqaro yonida turib, uning davlatiga rivoj qo'shishga intilishida hamadolat tug'ini baland ko'tarish ishtiyoqining ko'nglida ustuvorligi namoyon. Shu davlatda badiiy tafakkur olamida

birinchi va oxirgi “Xamsa”ni yarata oldi, yaratganda ham yakka-yu yagona turkiyonasini. “Hayratul-abror” asari shu sababdan oltinchi yuz yillik muxlislari gacha maroqli mutolaaga munosiblik martabasida yashayapti. Biz navoiyxonlikda o‘zgacharoq yo‘ldan borib, ul zoti sharifning “Xamsa”navislikdagi betakror salohiyatini quyoshli qalbida tug‘ilgan quyoshli so‘zlarning ming bir jilosiga joylay olish layoqatidan izlashga va anglashga intildik. Besh dostonning birinchisi, ya’ni muallifning ta’rificha “zebo yuzli gulruh”ining qimmatini ziyyodalovchi ziynatlari – badiiy ifoda san’atining takrorsiz takrorlari, yanayam yorqinrog‘i, quyoshning ko‘pdan-ko‘p qiyosiy qiyofasining tahlili va talqiniga bir ozgina to‘xtalish bilan kifoyalandik, xolos.

So‘z mulkining sultoni xayoliy hayratini hayotiy hayratga omuxtalab yuborish maqsadida beba ho qalamini mohirona tebratgan. Birgina quyosh kalomi o‘rnida uning qator sinonimlari tizimini, ya’ni xurshid, shams, alam, gavhar, nuri tob, zarli bayroq, zarrin ohu, bitta non, Chin qo‘g‘irchog‘i va yana turli shakllardagi so‘z va iboralar bilan ifodalab, asar mazmun-mohiyatini kuchaytirishga behad san’atkorona mahorat bag‘ishlay olganki, hayratlanmay, lol qolmay iloj yo‘q. Osmomonning, undagi oy, yulduz va boshqa jismlarning ko‘rinishi, holati, harakati va vazifasigacha quyoshga bog‘lab aks ettirilgan. Bu kabi hayratomuz ifoda vositalari yana uzoq asrlar davomida Alisher Navoiy muxlislari qalbini larzaga solishiga, rom etishiga ishonch bildirib qolaveramiz. Jumladan, donishmand shoir aytganlariday:

Navosiz ulusning navobaxshi bo‘l,  
Navoiy yomon bo‘lsa, sen yaxshi bo‘l! [4.156].

Bu hikmatomuz misralar alloma ijodining barcha jihatlarini ifodalab berdi: shoir navosiz xalqining, millatining navobaxshiga aylandi, xalq orzu-armonlarini ko‘klarga ko‘tardi. Ishonch bilan ayta olamizki, Alisher Navoiy o‘zining yuksak g‘oyalarni tarannum qiluvchi dilbar asarlari bilan xalq qalbida yashashda davom etmoqda.

### **Foydalilanilgan adabiyotlar:**

1. Алишер Навоий. “Хамса”, Тошкент: “Янги аср авлоди”, 2014 йил.
2. Алишер Навоий. “Хайрат ул-аброр”. Тўла асарлар тўплами. Ўн жилдлик. Тўққизинчи жилд. – Т.: Фан, 2011.
3. Алишер Навоий. Қомусий луғат. 1-2-жиллар. – Т.: — “Шарқ”. 2017.
4. Алишер Навоий. “Шоҳбайтлар” Иккинчи китоб.-Т: “Тамаддун”, 2016.–208
5. Жўракулов У. Алишер Навоий “Хамса”сида хронотоп поэтикаси. – Т.: Turoniqbol, 2017.

## ТАТАББҮЙИ ФОНӢ БА ҒАЗАЛИЁТИ ҲОФИЗИ ШЕРОЗӢ

Акмал ШЕРНАЗАРОВ  
СамДУ тожик тили ва адабиёти  
кафедраси ўқитувчиси,  
(PhD)  
[akijon.85@mail.ru](mailto:akijon.85@mail.ru)

### ҲОФИЗ ШЕРОЗӢ ҒАЗАЛИЁТИДА ФОНӢ ТАТАББӮЛАРИ

**Аннотация:** Мазкур мақолада шоир, мутафаккир ва давлат арбоби Мир Алишер Навоий томонидан тожик тилида яратилган “Девони Фонӣ” ғазалларининг Ҳофиз Шерозӣ ғазалларига татаббӯй ва назиралари тадқиқ этилган бўлиб, шоирнинг бадиий маҳорати ҳамда Фонӣ ғазалларидаги янгича мазмун ва тасвир ифодаланганлиги кўрсатилган.

**Калид сўзар:** Девони Фонӣ, Мир Алишер Навоий, Ҳофиз Шерозӣ, ғазал, бадиий маҳорат, татаббӯй ва назира

### TATABBU FONI IN GAZELS OF HOFIZI SHEROZI

Akmal SHERNAZAROV  
Teacher of the Tajik language and literature  
department of SamSU, (PhD)  
[akijon.85@mail.ru](mailto:akijon.85@mail.ru)

**Annotation:** This article examines the applications and views of the Tajik-language ghazals "Devoni Foni" written by the poet, thinker and statesman Mir Alisher Navoi to the ghazals of Hafiz Sherozi, poet's literary skill and new explanation of Foni gazels are noted.

**Keywords:** Devoni Foni, Mir Alisher Navoi, Hafiz Sherozi, ghazal, artistic skill, medicine and nazira Topic: Faniy tababs in the ghazals of Hafiz Shirazi

Шоир ва мутафаккири бузурги халқи ўзбек, олими варзида ва арбоби давлат Мир Алишер Навоӣ, ки дар ашъори тоҷикии хеш Фонӣ таҳаллус дошт, бо эҷодиёти ғании форсии худ ва ҳам ба василаи тарбияи аҳли илму адаб дар ташаккули адабиёти тоҷик саҳми арзанде гузоштааст. Аз ин рӯ дар таърихи адабиёти форсу тоҷик ва робитаи адабию фарҳангии он Навоӣ мақоми арзанда дорад.

Аз осори тоҷикӣ Навоӣ муҳимтаринаш «Девони Фонӣ» мебошад, ки ҳаҷми онро худи шоир 6000 байт ҳабар медиҳад ва асосан аз ғазал ташкил ёфтааст. Мунтахаби “Девони Фонӣ” дар Техрон[Навоӣ (Фонӣ), 1375 ҳ.ш.], Душанбе[Навоӣ (Фонӣ), 1993] якборӣ ва дар Тошканд се бор ба дасти чоп расидааст.

Ашъори тоҷикӣ-форсии Мир Алишер Навоӣ оғаридаҳои муҳталифи ҳаёти ӯ буда, аз давраҳои ҷавонӣ то ба даврони пиронсолиро дар бар мегирад. Қисмати асосии девони Фониро ғазал ташкил мекунад. Дар чопи охирини “Куллиёти Алишер Навоӣ” 552 ғазали тоҷикӣ чоп шудааст.

Ғазалҳои Фонӣ асосан ғазалҳои ишқӣ буда, дар пайравиу татаббӯоти ғазалҳои шоирони бузурги ғазалсарои форсу тоҷик Саъдӣ Шерозӣ, Амир Ҳисрави Дехлавӣ, Ҳасани Дехлавӣ, Ҳофиз, Камол, Ҷомӣ ва дигарон суруда шудаанд. Миқдори ками он ғазалҳо дар шаклу услугуб аз ибтикороти худи ӯст. Ин навъ ғазалҳоро худи ӯ бо истилоҳи **муҳтараъ** ё **ихтироъ** таъкид менамояд.

Р.Қурбониён миқдори ин гуна ғазалҳорои Фониро чунин муайян намудааст: “Ҳамчунин аксари ғазалиёти Фонӣ ҷавобияи ғазалиёти Шайх Саъдӣ (22 татаббӯъ, 2 тавр), Хоҷа Ҳофизи Шерозӣ (211 татаббӯъ), Амир Ҳусрави Дехлавӣ (32 татаббӯъ), Амир Низомиддин Суҳайлӣ (3 татаббӯъ), Мавлоно Ҷалолиддини Румӣ (1 тавр), Салмони Совачӣ (2 татаббӯъ), Амиршоҳии Сабзаворӣ (1 татаббӯъ, 1 тавр), Камоли Ҳучандӣ (4 татаббӯъ), Соҳиби Балҳӣ (1 татаббӯъ), Шамсиддин Муҳаммади Котибӣ (1 татаббӯъ), Мавлоно Ҷомӣ (31 татаббӯъ, 8 тавр) ва дигарон мебошад”[Қурбониён, 2012: 7].

Вале дар байнӣ бузургоне, ки зикрашон дар боло рафт мақоми Ҳофиз дар назди Фонӣ бузургтар аст. Ҷаро ки Навоӣ зиёда аз 200 ғазал дорад, ки бар онҳо “Татаббӯъи Хоҷа” ном ниҳодааст. Ҳамчунин атрофи 30 ғазали Фонӣ дар таври ғазалҳои Ҳофиз эҷод шудааст.

Инак он ғазалиёти истиқболие, ки дар ҷавоби ғазалиёти Ҳофизи Шерозӣ рӯи сафҳа омадааст:

1

Ҳофиз:

Ало ё айюҳассоқӣ адир каъсан вановилҳо,

Ки ишқ осон намуд аввал, вале афтод мушкилҳо[Ҳофиз, 2015: 41]

Фонӣ:

Румузул-ишқ конат мушкилан бил-каъси ҳаллилҳо,

Ки он ёқути маҳлутат намояд ҳалли мушкилҳо[Навоӣ, 2011: 9].

2

Ҳофиз:

Агар он турки шерозӣ ба даст орад дили моро,  
Ба холи ҳиндуяш бахшам Самарқанду Бухороро (Ҳофиз, 2015: 43-44).  
Фонӣ:

Гар он турки хитоӣ нӯш созад ҷоми саҳборо,  
Наҳуст орад сӯи мо турктозу қатли яғморо (Навоий, 2011: 22) .

3

Ҳофиз:

Сабо ба лутф бигӯ он ғизоли раъноро,  
Ки сар ба кӯху биёбон ту додай моро (Ҳофиз, 2015: 44-45)

Фонӣ:

Насими субҳ бигӯ он ҳизоли раъноро,  
Ки боғи умр ҳазондида аз ту шуд моро (Навоий, 2011: 33)

4

Ҳофиз:

Дӯш аз масcid омад сӯи майхона омад пири мо,  
Чист, ёрони тариқат, баъд аз ин тадбири мо? (Ҳофиз, 2015: 47)

Фонӣ:

Дӣ сӯи дайри муғон омад зи масcid пири мо,  
Чист ҷуз зуннор бастан баъд аз ин татбири мо? (Навоий, 2011: 35)

5

Ҳофиз:

Равнақи аҳди шубоб аст дигар бӯstonро,  
Мерасад муждаи гул булбули хушилҳонро (Ҳофиз, 2015: 46)

Фонӣ:

Базмгаҳ соҳт дигар шоҳиди гул бӯstonро,  
Мужда дех, боди сабо, булбули хушилҳонро (Навоий, 2011: 36)

6

Ҳофиз:

Сӯфӣ биё, ки оина соғист ҷомро,  
То бингарӣ сафои май лаълғомро (Ҳофиз, 2015: 45)

Фонӣ:

Соқӣ, биёр ҷоми май лаълғомро,  
Бехавф соз пайкари ёқутҷомро (Навоий, 2011: 39)

Аммо бояд гуфт, ки Навоӣ факат назирасаро ё худ пайравӣ бехувияти шоирони форсу тоҷик набуда, бо ин кор ӯ, мавқеяти шоириашро дар заманаи ғазали форсии тоҷикӣ сабит карданӣ буд. Муқоисаи баъзе назираҳои Навоӣ ба ғазалҳои Ҳофизи Шерозӣ ҷойгоҳи шоирии ӯро дар таърихи адаб нишон медиҳанд.

Академик Абдулғанӣ Мирзоев ду ғазали Ҳофизро, ки бо мисраъҳои “Воизон к-ин чилва бар меҳробу минбар мекунанд” ва “Биё то гул барафшонему май дар соғар андозем” сар мешаванд, бо назираҳои Навоӣ-“Воизон то чанд маъни чому соғар мекунанд” ва “Баҳорон гар ба гулшан тарҳи чому соғар андозем” муқоиса карда, иброз медорад, ки “умуман маъни тоза ва тасвири латифи бадеъ дар ин ду ғазали ҷавобияи Алишер Навоӣ то дараҷае зиёд ва моҳирона оварда шудаанд, ки онҳоро ба ғазалҳои ба қуллӣ мустақил ва ашъори дараҷаи якуми нимаи дуюми асри XV-и форсу тоҷик мубаддал гардонидаанд”[Мирзоев, 1977: 222].

Дар ин бора адабиётшинос Ҷ.Ҳамроев таъкид менамояд, ки “Ғазалҳои форсии тоҷикии шоир бо мазмуни тоза ва тасвирҳои ҳаёлангез, аз ҳама муҳимаш сабқати ҳунарӣ, далели шаҳомат ва мавқеи ин шахсияти бузург дар ҳавзаи адабӣ ва фарҳангии форсии тоҷикӣ низ ҳаст, ки бо гузашти замон қадру манзalаташ кам намешавад, балки меафзояд”[Ҳамроев, 2020: 68].

Дар поён байти матлаъи ин ду ғазали Ҳоча Ҳофиз ва Фониро барои мисол меорем:

Ҳофиз:

Воизон, к-ин чилва дар меҳробу минбар мекунанд,

Чун ба хилват мераванд, он кори дигар мекунанд (Ҳофиз, 2015: 193).

Фонӣ:

Воизон то чанд маъни чому соғар мекунанд?

Чун димоғи хешро ҳам гаҳ-гаҳе тар мекунанд (Навоӣ, 2011: 238).

Ҳофиз:

Биё, то гул барафшонему май дар соғар андозем,

Фалакро сақф бишкофему тарҳи нав дарандозем (Ҳофиз, 2015: 333).

Фонӣ:

Баҳорон гар ба гулшан тарҳи чому соғар андозем,

Беҳ ар ин сақф бишкофему тарҳи нав дарандозем (Навоӣ, 2011: 395).

Чуноне, ки мебинем ғазалҳои таврий ва назирау татаббӯҳои Фонӣ дар шаклу мазмун ғазалҳои аслро акс намуда, дар ҷузъиёти тарзи баён ба тарзи тоза ҷилвагар мешаванд. Ҳамин тариқ, ғазалиёти таврий низ як навъ ғазалҳоеанд, ки дар татаббӯъ ё назираи ғазалиёти шоирони номбурда иншо шудаанд. Ғазалҳои **32, 52, 53, 54, 56, 60, 63, 69, 112, 116, 147, 148, 151, 152, 163, 180, 218, 219, 231, 250, 259, 283, 358, 390, 392, 434, 474** ва **475**-уми Девони Фонӣ<sup>[1]</sup> ғазалҳоеанд, ки дар таври Ҳоча Ҳофиз иншо гардидаанд.

**Адабиёт:**

1. Алишер Навоӣ. Тӯла асарлат тӯплами. Ўн жилдлик. Бешинчи жилд – Тошкент:Faafur Fулом, 2011.

2. Амир Алишер Фонӣ. Мунтахаби девон (бо алифбои ниёгон). – Душанбе: Ирфон, 1993.
3. Девони Амир Низомиддин Алишер Навоӣ (Фонӣ). – Техрон: Асотир, 1375 ҳ.ш.
4. Девони Хоҷа Шамсиддин Муҳаммад Ҳофизи Шерозӣ. Таҳияи матн аз Шарифмурод Исроғилниё. – Душанбе: Адиб, 2015.
5. Мирзоев А. Сездаҳ мақола. -Душанбе: “Ирфон”, 1977/
6. Р.Курбониён. Навоий мукаммал асарларининг янги ўн жилдлиги. Дар Моҳвораи “Ulug‘ yo‘l”, 7 марта соли 2012/
7. Ҳамроев Ҷ. Мир Алишер Навоӣ ва адабиёти форсу тоҷик. Темурийлар даврида яратилган “Ҳамса”ларнинг компаративистик тадқики ва уларнинг Шарқ адабиёти тараққиётидаги ўрни. Халқаро конференция материаллари. –Самарқанд, 2020.

## НАВОИЙ ВА МАШРАБ ИЖОДИДА ҲАМОҲАНГЛИК МОТИВЛАРИ

*Мўмин Ҳошимхонов<sup>77</sup>*

**Аннотация:** Мазкур илмий мақолада Алишер Навоий ва Бобораҳим Машраб шеъриятидаги ҳамоҳанглик мотивлари қаламга олиниб, ундаги бири-бирига ўхшаш хусусиятлар, мумтоз адабиётнинг ўзига хос жилолари, шу билан бирга ҳар иккала ижодкорда ҳам тасаввуфнинг анънавийлиги жиҳатлари таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** Аллома, ислом, зоҳидлик, қаландарлик, пир, сўфий, шайх, валийлик, ҳаж, илҳом, мақом.

## ГАРМОНИЯ МОТИВОВ В ТВОРЧЕСТВЕ НАВОИ И МАШРАБА

**Аннотации:** В данной научной статье раскрываются гармония мотивов в поэзии Алишера Навои и Боборахима Машраба, анализируются сходства, особенности классической литературы, а также традиционные аспекты суфизма в творчестве обоих авторов.

**Ключевые слова:** аллома(учёный богослов), ислам, аскетизм, каландарность (суфийский, аскетический образ жизни), пир, суфий, шейх, доверенность, хадж, вдохновение, чин (должность, ранг).

---

<sup>77</sup> Фалсафа фанлари доктори, доцент, ЖДПИ.

## HARMONY OF MOTIVES IN THE WORKS OF NAVOI AND MASHRAB

**Annotations:** This scientific article reveals the harmony of motives in the poetry of Alisher Navoi and Boborahim Mashrab, analyzes the similarities, features of classical literature, as well as traditional aspects of Sufism in the works of both authors.

**Key words:** Alloma (learned theologian), Islam, asceticism, qalandarity (Sufi, ascetic lifestyle), pir, Sufi, sheikh, faith, Hajj, inspiration, rank (position).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жаҳон илмфани равнақига ҳисса қўшган улуғ алломалар ҳақида қуйидаги фикрларни келтирган: Имом Бухорий, Бурхониддин Марғиноний, Исо ва Ҳаким Термизийлар, Маҳмуд Замахшарий, Муҳаммад Қаффол Шоший, Баҳоуддин Нақшбанд, Ҳожа Аҳрор Валий, Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улугбек, Алишер Навоий, Бобораҳим Машраб ва бошқа қўплаб даҳолар нафақат ислом, айни пайтда жаҳон цивилизацияси тарихида ҳақли равишда олтин ҳарфлар билан битилган[Мирзиёев Ш., 2017: 28]<sup>78</sup>.

Зоҳидлик, қаландарлик каби ҳаракатлар асрлар давомида ўзининг бирламчи қиёфасидан жамиятнинг ижтимоий ҳолатини белгиловчи кўрсаткичга айланди. Сўфийларга уйланиш ва тириклик мақсадида дехқончилик, хунармандчилик каби ҳалол касблар билан шуғулланишга рухсат берилди. Ҳожа Аҳрор (XV аср) томонидан сўфийларнинг сиёсатга аралашуви ва хайрия мақсадларида мол-мулк йифиши қонунийлаштирилди. Афсуски, Ҳожа Аҳрорнинг фаолияти ибрат намунасига айланиб баъзи шайхлар пирликка даромад манбаи сифатида қарай бошладилар. Аҳвол шу даражага етдики, тариқат мол-мулк ва обрў орттиришга қулай имконият яратадиган “имтиёзли” ташкилотга айланди. Сон-саноқсиз пирлар, сўфий жамоаларнинг халқ орасида обрў-эътиборининг тобора кучайиб бораётгани, ўз навбатида, тариқатлар тузилмалари иерархиясида ҳам турли табақаларнинг вужудга келишига замин яратди. Маърифатли зотларда уларга нисбатан муросасиз муносабат шаклланди. Ўз даврида Алишер Навоий бундай риёкор шайхларни кескин танқид қилган. Навоийшунос олим Шуҳрат Сирожиддинов Шарқнинг улуғ мутафаккирлари, сўфий ижодкорлари маънавиятидан рух олганлигини қайд этган [Сирожиддинов Ш, 2011: 6]<sup>79</sup>. Айни шу даврда тасаввуф тарихида биринчи бўлиб Абдураҳмон

<sup>78</sup> Мирзиёев Ш. Миллий тараққиёт йўлнимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. -Т.: “Ўзбекистон”, 2017. –Б.28.

<sup>79</sup> Сирожиддинов Шуҳрат. Илм ва таҳайюл сарҳадлари. -Т.: Янги аср авлоди, 2011. –Б.6.

Жомий асл сўфийларни сохта сўфийлардан ажратиш мақсадида уларнинг сифат даражаларини батафсил тасниф этиб берди [Сирожиддинов Ш, Имом ал-Бухорий сабоқлари, 2005, №3.: 25-29]<sup>80</sup>.

XV асрга келиб тариқатларнинг олтин даври, тасаввуфнинг такомил даври бўлиб, у Марказий Осиё, Араб, Хинд, Африка, Туркия ўлкаларида фаолият кўрсатиб қудратли тизимга айланди. Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий каби улуғ мутафаккирлар нақшбандий пирларининг валийлик даражасига етган зотларнинг, улуғ машойихларнинг аъмоллари, ҳақида эҳтиром ила қайд этиб, уларнинг Ҳақ йўлларини асарларида тараннум этдилар.

Адабиётшунос-навоийшунос                    Муслиҳиддин                    Муҳиддинов  
Э.Мусурмановнинг ушбу монографияси дебочасига қуйидаги фикрларни келтирган: Мазкур китоб бундан олдин нашр этилган “Раҳимбобо Машраб фаолияти ва руҳияти талқини” номли монографиянинг мантиқий давомидир. Ушбу китобда муаллиф ўзи томонидан топилган “Девонаи Машраб” асари араб ёзувидаги нусхаси асосида бошқа манбаларда учрамаган ҳикоятларни келтириб, бу топилмаларнинг биринчи ва нозик таҳлилчиси сифатида ўзини намоён қиласи, Машрабнинг манбалардан тушиб қолган чет эллардаги йигирма йиллик ҳаёт йўлини мазкур нусха асосида тиклашга уринади. Шу жараёнда Машрабнинг илмий жамоатчиликка маълум бўлмаган Самарқандга келиб-кетганлиги, унинг ҳаж зиёрати аввалида Озарбайжон, Туркия, Арабистон каби юртларга қилган сафари билан боғлиқ матнларни келтириб таҳлил доирасига тортадики, бу янгиликлар шубҳасиз Машраб фаолиятига аниқликлар киритишда муҳим аҳамият касб этади [Проф.М.Муҳиддинов сўзбошиси, 2015: 5]<sup>81</sup>.

Яна бир адабиётшунос Абдусаттор Жуманазар “Машраб муаммо ва ечимлар” (Т., “Akademnashr”, 2015) илмий-тадқиқот асарини китобхонларга тақдим этди. Китобга адабиётшунос, биринчи даражали Давлат мукофоти совриндори Шуҳрат Сирожиддинов сўзбоши ёзиб, қуйидаги фикрни таъкидлаган: Абдусаттор Жуманазар бугунги давримизнинг забардаст манбашуносларидан, халқимиз маънавий ҳаёти тарихига бағишлиланган кўплаб асарлар яратишга бел боғлаган ҳақиқий заҳматкаш ватанпарвар олимдир. Ҳазрат Алишер Навоийнинг ғойибона дуоларини олимимизга бағишлиймиз:

<sup>80</sup> Сирожиддинов Шуҳрат. Жомий ва Навоий: сўфийларнинг тоифа ва даражалари // Имом ал-Бухорий сабоқлари, 2005, №3. –Б.25-29.

<sup>81</sup> Проф.М.Муҳиддинов сўзбошиси / Э.Мусурманов. Раҳимбобо Машраб ҳақида янги маълумотлар. - Самарқанд, 2015. Б. 5.

“Ҳаёт боғи тоза ва ул боғда мурод раёхини беандоза бўлсин!” [Ш. Сирожиддинов, 2015: 3]<sup>82</sup>

Ўзбек мумтоз адабиётининг машҳур вакили Бобораҳим Машраб ҳаёти ва ижоди тўғрисида кўплаб тадқиқотлар амалга оширилганига қарамай, мазкур мавзу юзасидан ҳозиргача мунозаралар тўхтагани йўқ. Сўнгги қизғин баҳслар 2010 йил сентябр ва 2011 йил август оралиғида бўлиб ўтди. Ушбу мунозаралар ўзбекнинг суюкли ва машҳур шоири Бобораҳим Машраб ҳаёти тарихига баъзи қимматли маълумотларни олиб кирди [Ш. Сирожиддинов, 2015: 3]<sup>83</sup>.

Адабиётшунос А.Абдуғафуров Машраб Навоий шеърий анъаналарини давомчиси эканлиги ҳақида қуйидаги иқтибосни келтирган: “Машраб ижодий меросидаги «Ўртар» радифли ғазали ҳам Навоий анъаналарининг оташзабон шоир томонидан изчил давом эттирилганини исботловчи далиллар жумласига киритиш мумкин. Бу ўта таъсирчан ва кенг шухрат тутган ғазал мисралари жисми ва руҳига ҳам Машраб дунёқарашига хос сўфиёна таълимотнинг асосий ғоя-образлари усталик билан жойлаб юборилган.

Иброҳим Гафуров Машрабнинг инсони комил ҳақидаги қарашларини таҳлил этар экан, уни сўз қидиришда Навоий тили билан айтганда «Сўздирки ҳаёт эрур ўликка жондин» мисрасидагидек доим илҳом, ақл қидирганини сўзлайди: “Ақлга ақл қўшиш ўз-ўзидан бўлмайди. Қидириш билан бўлади. Пайғамбаримиз қирқ ёшларигача илҳом қидириб юрдилар, ўзларини ғайб сўзига ҳозирлаб бордилар. Ҳазрат султонул орифин Яссавий ҳақиқат нурини қидириб олтмиш учда ер остига кириб кетдилар ва яна шунча яшасалар ҳам қайта чиқмадилар. Бобораҳим Машраб жуда эрта излаш мақомига кирди. Яратганинг васли ва ҳақиқатини қидириб жаҳонни тўхтамай кезди. Бир зумгина бўлсин қадамини ишқ кўчасидан узмади. Бошини ишқ йўлида саргардонликдан қутқарай демади. Ўзини жаҳолатнинг дорига тайёрлади”[ Гафуров И., 2006: 290]<sup>84</sup>.

Машраб улуғ салафлари қатори форс адабиёти ғазалчилигига улкан ҳисса қўшган Ҳофиз Шерозий ижодий анъаналарини давом эттирган десак янглишмаймиз. Шу ҳақда Ҳофиз Шерозий ғазалларини нашрга тайёрлаган Эргаш Очилов ёзади: “Ҳофиз ўзбек адабиётига кучли таъсир ўтказди. Шоирларимиз ундан таъсирланиб, шеърлар битишиди, ҳатто девонлар тартиб беришиди. Сайфи Саройи, Ҳофиз Хоразмий, Саккокий, Атоий, Лутфий,

<sup>82</sup> Шухрат Сирожиддинов. Ўзни англаш услуби. Сўзбоши / Абдусаттор Жуманазар. Вахшувор ҳаммаси Сўфи Оллоёр ҳакида. -Т.: “Akademnashr”, 2015. –Б.3.

<sup>83</sup> Шухрат Сирожиддинов. Ўзни англаш услуби. Сўзбоши / Абдусаттор Жуманазар. Вахшувор ҳаммаси Сўфи Оллоёр ҳакида. -Т.: “Akademnashr”, 2015. –Б.3.

<sup>84</sup> Гафуров И. Ҳаё-халоскор. -Т.: “Шарқ”, 2006. –Б.290.

Алишер Навоий, Бобур, Машраб, Нодира, Амирий, Мунис, Огаҳий, Муқимий, Фурқат, Ҳамза каби деярли барча ўзбек шоирлари Хожа Ҳофизни ўзларига устоз деб билганлар. Ривоятларга кўра, Бобораҳим Машраб:

- Ер юзида оят ва ҳадис кўтарилганда Ҳофиз девони уларни боса олади!  
— деган экан”[ Очилов Э., 1997: 98]<sup>85</sup>.

Машрабнинг ижодий камолотида айниқса, Навоий меросининг ижобий таъсири катта бўлди. Шоирнинг энг яхши асарларида Навоий ижодига хос фалсафийлик ва дунёсеварликни кўрамиз, мазмуннинг ҳаётйлиги, халқчиллигини, вазн равонлиги ва ўйноқилигини, уни бадиий талқинида яқинлик ва ўхшашликни учратамиз.

Алишер Навоийнинг муножот ёзиш услубига эргашиб, Бобораҳим Машраб ҳам Ҳақ таолодан ўзининг ёзган асарларини, халққа марғуби матлуб этишни, маълум бир шахс учун унинг гуноҳини ва ривожини раҳмондан сўраган ҳамда авлодларга дуогўйлик қилган Машраб ғазалиётининг ҳозирга қадар севиб ўқилишининг сабабларидан бири унинг ўз ҳаёти учун ташвишидан кўра, келажак авлод учун кўпроқ қайғурганидир. «Қиссаи Машраб»да анъанага кўра 13 бандли мухаммас жанридаги муножот берилган. Бунда Аллоҳнинг мадҳи аввал араб, сўнгра туркий тилда маъноси келтирилган:

Ибтидо қилдимки, бисмиллоҳир раҳмонир раҳим,  
«Қулҳуваллоҳу аҳад» зотинг эрур исми азим.  
«Кунту канзан махфиян» ҳар банда кўнглида муқим,  
Минг бир исмингни сифотини бири эрмиш карим,  
Оlamу одамни қилмасдин бор эрдинг сан қадим.  
Ё илоҳи, эмди қилғайсан бу бандангга назар,  
Жандами, бар дўш этиб кирдим бу йўлға дарбадар,  
Дашту сахраву биёбонларни излаб сарбасар,  
Тобмади ҳаргиз бу Машраб ўз вужудидин хабар,  
Бир назар қилсанг, ки роҳат тобқум жону таним.

Пайғамбар (с.а.в.) юксак ахлоқнинг намунаси эдилар. У кишининг башарият, унинг иқболи, келажаги учун қолдирган ўгит-насиҳатлари, панду-аъмоллари, ахлоқий-таълимий, намуна ва ибрат бўладиган ижтимоий-маънавий мероси, дидактик қарашлари Машраб ижодида такомил даражасида, ижодиётида қаламга олинди:

Расулнинг умматиман, Мустафодин ўзга ёrim йўқ.

Машраб муножотлари ҳам Навоий муножотларига қиёсан ўхшайди.

<sup>85</sup> Очилов Э. Муборак сарчашмалар.—Т.: Ўқитувчи, 1997. —Б.98.

Алишер Навоийнинг «Насойимул-муҳаббат шамойим ул-футувват» асарида ёзилишича, шикорга чиқсан Иброҳимга ғойибдан огоҳлантириш келади ва ҳаётда яшашдан мақсади нима эканлигини унга эслатиб қўяди. Шундан сўнггина у Аллоҳни ёдга олиб, тавба қиласиди ва тоат-ибодатга берилади. Шоҳликдан факирликни афзал кўради.

Унинг ҳаёти гарчи фожия билан тугаса-да, у Аллоҳ васлига етиш учун ҳамма нарсадан воз кечган. Машраб Иброҳим Адҳам таълимотидан ўрнак олади ва уни ғазалларида қайта-қайта тилга олган.

Негаки, унинг ҳаёти Машраб учун ибрат, ёзган дидактик асарларидан эса у илҳом олган. У ҳақида халқ китоблари туркумида қўплаб асарлар яратилган ва улар ахлоқий-таълимий, дидактик мазмуни билан севиб ўқилган, ўрганилган. Фаридиддин Аттор, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Исмат Бухорий, Абдуллатиф Балхий, Муҳаммад Сиддиқ Рушдий, Абу Нуотма кабиларнинг тазкираларида бу улуғ зот ҳақида сўз юритилади.

Мир Алишер Навоийнинг «Насойим-ул-муҳаббат» асарида ҳам Иброҳим Адҳамнинг дастлабки сўфийлардан бири эканлиги қайд этилган. Ҳазрат Алишер Навоий «Насойим-ул-муҳаббат» асарида Иброҳим Адҳам ҳақида: “Аввалқи табақадинdur, кунияти Абу Исҳоқ ва оти ва нисбати Иброҳим Адҳам бинни Сулаймон бинни Мансур Балхий. Мулукдин эркони худ машҳурдир. Йигитликда тавба тавфиқи топди.

Иброҳим Адҳамнинг ҳолати бағоят қўптур. Бир китоб битиса бўлур. Аммо бу муҳтасарда мунча зикри била иктиро қилинди”[Навоий, 2001: 38]<sup>86</sup>.

Шунингдек: “Алишер Навоий Иброҳим Адҳамнинг шоҳ бўлганлиги, йигитлик пайтида тавба қилиб, сўфийлик ихтиёр этганлигини ҳам кўрсатган. Навоий уни Шом (Сурия)да (мелодий 777-778) йиллари вафот этганлигини қайд этган” [ Қ.Тоҳиров, 1993: 94]<sup>87</sup>.

Алишер Навоий “Насойимул-муҳаббат” асарида Насимий ҳақида: “Сайид Насимий қаддасаллоҳу руҳахул азиз (Аллоҳ унинг азиз руҳини муқаддас қилсин). Ироқ ва Рум тарафидаги мулқдин эркантур. Румий ва туркмоний тил била назм айтибдур ва назмида хақойиқ ва маориф бағоят қўп мундариждур. Мазкур бўлғон мулқ аҳлига ани шеъри муқобаласида ҳамоноки шеър йўқдур. Ҳамоно тақлид аҳли анинг мазҳабида қусур тухматига муттаҳам қилиб, шаҳид қилдилар. Машҳур мундоқдурки, терисин сўяр ҳукм бўлибдур. Ул ҳолатда бу шеърни дебдурки:

Қибладур юзунг, нигоро, қошларинг меҳроблар,  
Суратинг Мусҳаф вале ҳолу хатинг эроблар

<sup>86</sup> Алишер Навоий. «Насойим-ул-муҳаббат». –Т.: Фан, 2001. –Б.38

<sup>87</sup> Қиссаи Иброҳим Адҳам. Сўзбоши: Қ.Тоҳировники. -Самарқанд, «Зарафшон», 1993. –Б.94.

Насимий ўзидан кейинги туркий адабиётга жумладан Фузулий, Воқиф, Лутфий, Навоий, Машраб, Махтумкули каби шоирларга кучли таъсир ўтказган.

Бобораҳим Машраб ижодига Баҳоуддин Нақшбанд ва Аҳмад Яссавий, Фаридиддин Аттор ва Жалолиддин Румий, Боязид Бистомий ва Иброҳим Адҳам, Мансур Ҳаллож ва Саид Имодиддин Насимий, Саъдий ва Ҳофиз Шерозийлар, Лутфий ва Жомий, Фузулий ва Навоий, Мушфиқий ва Мирзо Бедил, Сўфи Оллоёр ва бошқа жуда кўплаб сўфий мутасаввифлар таъсир этди. Машраб улар қолдирган ижодий намуналардан баҳраманд бўлди, уларнинг илгари сурган таълимот ва ғояларидан илҳом олди, уни ривожлантиришга ҳисса қўшди. У мутасаввифлардан Жалолиддин Румийга увайс бўлди, айниқса, пири комили Офоқхожа илмини, унинг ўгит ва насиҳатларига риоя қилди, шеърларида уларни эътироф этди.

Машраб доимо халқ ичида юрди, унинг дарди ва ғами билан яшади, халқ ва Ҳақ фидоийсига айланди. Буюк Алишер Навоийга эргашиб, инсонни ниҳоятда улуғ, олий мавжудот эканлигини, унинг қадри улуғ зиёратгоҳлардан ҳам буюкроқлигини қўйидагича таърифлади:

Тавофи олами дил қил жаҳонда ҳар башардин сен,  
Агар бир дилни оғритсанг, юзар Каъба бузулмасму?

Иброҳим Ғафуров Машрабдаги илмни, унинг шеъриятдаги салоҳиятини, азизу авлиёлардан олинган сабоқни, салафлардан ўрганган тажрибани, ундаги нуктадонликни, киши руҳиятини забт этувчи илоҳийликни қўйидагича тасвир этади: «Бобораҳим бир ўқишига тушса, тўхтамасдан соатлаб ўқирди. Ҳазрат Навоийдан бошлаб, Лутфийга, ундан ҳазрат Атойи ва Саккокийга, улардан Оқ Сарой ва Кўк сарой шоирларига, улардан Румий, Насимий, Жомий, Дехлавийга ўтарди. Саъдий ва Ҳофиз девонларини «Шоҳнома», Навоий «Хамса»сини ёддан биларди ва ҳеч тутилмай айтарди. У ўқиганда ҳамма танг қотиб қоларди. Овозида аллақандай киши руҳини бутунлай ром қиладиган шира пайдо бўларди».

Дилором Салоҳий таъкидича, Шарқ маънавий тафаккури булоқлари, адабиёти анъаналарини XV асрда Навоий, XVI асрда Бобур, XVII-XVIII асрларда эса Бобораҳим Машраб давом эттириди. Унинг тадрижий-тариҳий давомийлигини Машраб «Кимё», «Вайс ул-Қараний», «Қиссайи меърожи Расули Ақрам с.а.в.» каби тасаввуфий асаллари билан давом эттириди.

Тасаввуф Хуросон ва Мовароуннаҳрга ислом дини билан бирга кириб келди. Бунинг натижаси ўлароқ Фаридиддин Аттор, Жалолиддин Румий, Шайх Саъдий, Ҳофиз Шерозий, Низомий, Хисрав Дехлавий, Аҳмад Яссавий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Бобораҳим Машраб каби жаҳоний алломалар етишиб чиқди.

### **Адабиётлар рўйхати:**

1. Мирзиёев Ш. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. -Т.: “Ўзбекистон”, 2017.
2. Сирожиддинов Шуҳрат. Илм ва тахайюл сарҳадлари. -Т.: Янги аср авлоди, 2011.
3. Сирожиддинов Шуҳрат. Жомий ва Навоий: сўфийларнинг тоифа ва даражалари // Имом ал-Бухорий сабоқлари, 2005, №3.
4. Проф.М.Муҳиддинов сўзбоиси / Э.Мусурманов. Раҳимбобо Машраб ҳакида янги маълумотлар. -Самарқанд, 2015.
5. Шуҳрат Сирожиддинов. Ўзни англаш услуби. Сўзбоши / Абдусаттор Жуманазар. Вахшувор ҳаммаси Сўфи Оллоёр ҳакида. -Т.: “Akademnashr”, 2015.
6. Фафуров И. Ҳаё-халоскор. -Т.: “Шарқ”, 2006.
7. Очилов Э. Муборак сарчашмалар.—Т.: Ўқитувчи, 1997.
8. Алишер Навоий. «Насойим-ул-муҳаббат». –Т.: Фан, 2001.
9. Қиссаи Иброҳим Адҳам. Сўзбоши: Қ.Тоҳировники. -Самарқанд, «Зарафшон», 1993.

### **«МАЖОЛИС УН-НАФОИС» ВА «МУҲОКАМАТ УЛ-ЛУҒАТАЙН»ДА ГАДОИЙГА ТАЪРИФ**

*Ҳафиза Асланова Самбу  
Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)*

**Аннотация.** В статье были анализированы особенности узбекской поэзии первой половины XV века и значимость поэзии Гадаи, новаторские особенности, стиль и традиционность в поэзии Гадаи.

**Ключевые слова:** илми бадеъ, деван, псевдоним, искусство, тазод, талмех, ташбех, таносуб, хусни таълил, ирсолу масал, тажохул-ул-ориф, лафф и издательство, тарсөъ, тарди акс, тажнис, ийҳом.

Ўзбек мумтоз адабиёти тарихида чуқур из қолдирган шоирлардан бири Мавлоно Гадоий ҳаёти ва ижодига оид маълумотларни, юқорида айтилганидек, Алишер Навоининг “Мажолис ун-нафоис” номли тазкирасида ҳамда “Муҳокамат ул-луғатайн” номли асаридагина учратамиз. Унинг шахсиятига алоқадор бўлган ёзма ва бошқа хил манбалар ҳозирча деярли йўқ даражада бўлганидек, лирик мероси, яъни ғазаллар девони ҳам мамлакатимиздан ташқарида эди. Алишер Навоий Гадоий ҳакида ёзар экан, шундай дейди: «Мавлоно Гадоий туркийда ёзган буюк шоирлардан бири.

Унинг ижоди Бобир Мирзо замонида шухрат тутти. У фақатгина битта шеърий шаклдан фойдаланади. Унинг машхур бир матласида шундай дейилади:

Оҳқим девона кўнглум мубтало бўлди яна,  
Бу кўнгулнинг илкидин жонға бало бўлди яна.

Мавлононинг ёши тўқсондан ошган. Кейинги матлаъда яна шундай дейилади:

Дилрабо сенсиз тириклик балойи жон эмиш,  
Ким анинг дарди қошида юз ўлум ҳайрон эмиш» [1, 156].

Алишер Навоийнинг «Мажолисун-нафойис» асарининг кириш қисмидан маълумки, у Жомийнинг «Баҳористон» (Баҳор боғи, 1488) ва Давлатшоҳнинг «Тазкират уш-шуаро» (Шоирлар ҳақида хотиралар) асарларидан таъсиранганд ҳолда ўзи ҳам шундай асар ёзишга киришади. У бунинг сабабини шундай изоҳлайди. Яъни юқоридаги икки муаллиф ҳам фақат ўзидан олдин ўтган адабиётга даҳлдор бўлган шахслар ҳақида ёзган бўлса, Алишер Навоий аксинча Ҳусайн Бойқаро даврида ижод қилган шоирлар ва уларнинг хатлар алмашинувини ўз асарида келтирилишини «Ҳусайн Бойқаронинг қутлуғ туғилишидан шонли ҳукмронлигигача бўлган даврдаги адабий муҳитни ёритишни ҳохлаган» [3, 3-5]. Шоирнинг 1960 йилда Туркияда, 1965, 1966 йилларда Ўзбекистонда эълон қилинган лирик девонидан парча, намуналар шоир ижодига бўлган қизиқиши кучайтиради. Шоир девонининг тўлиқ нашр этилиши Гадоий ижоди билан янада кенгрок, чуқурроқ танишиш имконини берди. Мамлакатимиз ва чет эллардаги айrim тадқиқотчи олимларнинг баъзи асарларида шоир Гадоий ва унинг ижоди тилга олинган бўлса-да, улардаги маълумотлар жуда қисқа ва мунозарали бўлган. Гадоийнинг салкам бир асрлик баракали ҳаётининг айrim моментларини ва у яшаган даврни ёритишда Алишер Навоий ёзib қолдирган, илмий аҳамиятга эга бўлган бебаҳо маълумотларга суюнилади. Гадоийнинг ўз даври, ҳаёти ва умуман ижоди тўғрисида девонида келтирилган қисқа бўлсада ғоят қимматли маълумотлар, факт ва далиллар шоирнинг ҳаётини ёритишда асосий манба ҳисобланади.

Шоир Гадоий таҳминан XV асрнинг бошидан охирига қадар бўлган бир асрга яқин даврда Хурсонда яшаб ижод этган. Гадоийнинг номи, отонаси, унинг қандай оиласдан эканлиги, унинг болалик ва ўсмирлик йиллар номаълум бўлиб, “Гадоий” – “Гадо” эса шоирнинг адабий таҳаллусидир.

Шоирнинг таҳаллуси чет эл ва ўзбек тадқиқотчилари томонидан турлича талқин этилган. Адабиётшунос Э.Рустамов шоирнинг адабий таҳаллуси – “Гадоий” кўпроқ унинг нақшбандийлик билан алоқада бўлганлигидан дарак беради, деган фикрни илгари суради [7, 126].

Гадоийнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида озгина маълумот сақланиб қолган. Ҳатто, унинг номи маълум эмас, Навоий ўзининг “Мажолис ун-нафоис” номли асарида унинг фақат Гадоий тахаллусини келтирган, холос. Шоир эса Гадо (камбағал, қашшоқ маъносини англатувчи) тахаллусини истифода қилган. Алишер Навоий «Мухокаматул-луғатайин» асарида Саккокий, Ҳайдар Хоразмий, Атойи, Яқиний, Юсуф Амирий, Лутфий каби туркигүй шоирлар ҳақида сўз юритиб, яна Гадоий тўғрисида шундай ёзади: “Хулогухон замонидир Султони соҳибқирон Темур Кўрагон замонидин фарзанди халафи Шоҳруҳ Султоннинг замонанинг охиригача турк тили била шуаро пайдо бўлдилар. Ва ул ҳазратнинг авлод ва аҳфодидин ҳам хуш табъ салотине зухурға келди: шуаро Саккокий, Ҳайдар Хоразмий, Атойи ва Муқимий (бу ўринда XV асрда ҳам Муқимий тахаллусли шоир ҳақида сўз юритилмоқда) ва Яқиний ва Юсуф Амирий ва Гадоийдеклар” [1, 128]. Алишер Навоий айни шу ўринда ўзининг Гадоийга бўлган самимий ҳурматининг ифодаси сифатида шоирнинг номига «Мавлоно» сўзини рутба (мумтоз адабиётимизда замонасининг энг кўзга кўринган, машҳур олим ва фозил кишиларга нисбатан бўлган ҳурматини ифодаловчи, юксак мартаба, даражани англатувчи сўз)ни кўшиб ёзади.

Гадоий ҳақида Навоийдан сўнг маълумот берувчилардан бири турк адабиётшунос олими Муҳаммад Фуод Кўпрулу бўлиб, у 1914-йилда ёзилган (“Тўққизинчи ва ўнинчи асрлардаги Чифатой шоирлари”) номли мақоласида шоир Гадоий номини ҳам зикр этиб, у Навоийнинг “Мухокамат ул-луғатайн” асарида келтирилган Гадоий ҳақидаги маълумотгагина таянади.

Яна М.Ф.Кўпрулу 1945-йилда “Ислом энсиклопедияси”да “Чифатой адабиёти” номли каттагина мақола эълон қилди. Кўпрулунинг бу мақоласида келтирилган маълумотлар ҳақида Я. Экман шундай ёзади:

“Кўпрулу ўзининг 1945-йилда “Ислом энсиклопедияси”да нашр қилинган Чифатой адабиёти тарихи ҳақидаги мукаммал мақоласида шоир ҳақида кўпроқ маълумот беради. Кўпрулунинг ўзи Гадоийнинг “Девон”ини кўрган эмас. Унга Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис”и ва Блошенинг котологи манба сифатида хизмат қилган. Шоир ўзининг узоқ йиллик ҳаётида бошқа асарлар ҳам ёзган, айниқса, улар ҳақидаги айrim фрагментлар баъзи бир эски Чифатой луғатларида сақланганлиги кўрсатилади. Афсуски, Кўпрулу ўзининг шундай хуносага келишига асос бўлган манбаларни кўрсатмайди” [5, 10].

Маълумки, Гадоийнинг ниҳоятда гўзал, бадиий тасвирга бой ижоди билан қисман бўлса – да, бизни дастлаб таништирган киши туркшунос олим Я. Экман бўлади. У 1960 йилда Туркияда “Турк тили ва адабиёти” журналининг 10 – сонида шоир Гадоийнинг Париж “Миллий кутубхона”сида

сақланаётган девонидан парча эълон қиласи.

Я.Экман Гадоий девонидан парчаларга ёзган сўз бошиси охирида шоирнинг бутун девонини нашр этиш ниятидамиз деб ёзган эди. У ўзининг бу ниятини орадан ўн бир йил ўтгандан сўнг, яъни 1971 йилда амалга ошириди.

Гадоий шеърларидан намуналарни китобча шаклида нашр эттирган олима Суйима Ғаниева тўпламга ёзган кириш сўзида шоирнинг ҳаёти ва ижодига алоқадор бўлган айrim маълумотларни келтиради.

Гадоий лирикаси мавзуи жихатдан замондошлари лирикаси билан ҳамоҳанг. Унинг лирик меросининг мундарижасини ишқий мазмундаги шеърлар ва уларга боғлиқ ҳолда турли ўринларда келган ижтимоий-сиёсий, фалсафий мотивларни ташувчи ғазаллар, байт ва мисралар ташкил этади. Бироқ Гадоий етук санъаткор сифатида ҳаётни кенг ва чуқур, ёрқин ва рангбаранг акс эттира олди.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Алишер Навоий. МАТ. 20 томлик. 16-том. Мажолис ун-нафоис. – Тошкент: ФАН, 2000.
2. Аҳмадхўжаев Э. Гадоий ҳаёти ва ижоди. – Тошкент, 1978.
3. J.Eckmann The Devan of Gadai. Published by Indian Univesity, Bloomington Mouton &Co. The Hague, The Netherlands. Copyright 1971 by Indian Univesity.
4. Гадоий. Девон. (Нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи С. Ғаниева). – Тошкент, 1965.
5. Гадоий девонининг лугати ва матни. (Нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи М. Рустамов). – Тошкент, 2007.
6. Мухиддинов М. Адабий анъана ва ижодий о'зига хослик. – Тошкент, 1990.

## **АЛИШЕР НАВОЙНИНГ ДАВЛАТ ВА ЖАМОАТ АРБОБИ СИФАТИДАГИ ФАОЛИЯТИ**

Содик Назаров, тарих фанлари номзоди,  
доцент, СамИСИ академик лицейи.

Алишер Тўхтамишов,  
тиллар кафедраси катта ўқитувчиси

Бугун юртимизда кенг кўламли демократик ўзгаришлар авж олиб, Янги Ўзбекистонни бунёд этиш, Янги Ренессанс, яъни учинчи Уйғониш

даври пойдеворини яратишни асосий мақсад қилиб, барча жабҳада янги дунёқараш асосида умумхалқ ҳаракати бошланган шиддатли даврда Биринчи - Иккинчи Уйғониш даврлари тамал тошини қўйган, машъаласини ёқкан буюк аждодларимизнинг, алломалар-маърифатпарварларимизнинг бетакрор ва ноёб илмий-маънавий меросини ўрганиш халқимиз учун, айниқса ёшларимиз учун камолот машъали, мустаҳкам таянч ва қувват бўлиб хизмат қиласди.

Юртимиз тарихида Иккинчи Шарқ Уйғониши, Ренессанс даври асосчилари соҳибқиран Амир Темур, Мирзо Улуғбек асос солган ва юксалтирган муҳташам салтанатлар руҳи ва шуҳратидан нафас олиб илм-маърифат майдонида дунёга танилган ва Иккинчи Шарқ Уйғониш даврига бекиёс ҳисса қўшган аждодимиз Алишер Навоийнинг ўрни юксак бўлиб, унинг маънавий, ижодий мероси бекиёсdir. У Учинчи Ренессанс учун пойдевор, қувват ва нур бўлиб хизмат қиласди.

Она заминимизда кўплаб буюк олиму уламолар, мутафаккирлар етишиб чиқкан бўлиб, улар ўзларининг ақлу тафаккури, илмий-ижодий қашфиётлари билан жаҳон илм-фани ва маданияти, санъати ривожига бекиёс ҳисса қўшиб, халқимизнинг фахри ва ғурурига айланганлар. Шу туфайли ҳам юртимизда Улуғларни улуғлашга, уларнинг меросини ўрганиш – руҳи, илмий-маърифий, маънавий меросидан қувват ва илҳом олишга катта эътибор қаратиб келинмоқда.

Бунинг ёрқин тимсоли сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”<sup>88</sup>ги 2020 йил 19 октябрда имзолаган Қарорини кўрсатиш мумкин. Буюк шоир ва мутафаккир, атоқли давлат ва жамоат арбоби Алишер Навоийнинг бебаҳо ижодий-илмий мероси нафақат халқимиз, балки жаҳон адабиёти тарихида, миллий маданиятимиз ва адабий эстетик тафаккуримиз ривожига алоҳида ўрин тутади ва уни ўрганиш долзарб, аҳамияти бениҳоя катта.

Алишер Навоийнинг ижодий-илмий ва маънавий мероси салмоғи шу даражада залворлики, Тинч океанидек тубсиз, чегарасиз, буюқдир. Айни пайтда биз ҳазрат Навоийнинг сиёсий қарашлари, давлат ва жамоат арбоби сифатидаги фаолиятига назар ташлашни мақсад қилиб, унинг адолатли ҳукмдор, халқ манфаатини ҳимоя қилиш, тинчликни сақлашга интилиш, илм-маърифатпарварлик, саховатпешалик, ёшларни қўллаб-қўвватлаш борасидаги қарашлари асосида бутун дунёда ягона, адолатли, тартибли давлатни қарор топтириш ғоялари, интилишлари, орзу-ниятларининг бугунги замон билан ҳамнафас эканлигини кўрсатиш ўта муҳим эканлигига ўқувчи эътиборини қаратмоқчимиз.

Ҳусайн Бойқаро 1469 йилда Алишер Навоийни Самарқанддан Ҳиротга чақириб олади ва муҳрдор қилиб тайинлади. Шу пайтдан шоирнинг эл хизматидаги фаолияти бошланади.

<sup>88</sup> Халқ сўзи газетаси. 2020 йил 20 октябрь.

Кўп ўтмай Бойқаро дўстининг норозилигига қарамай, 1472 йил февралида Алишер Навоийни вазир лавозимига тайнинлайди ва “амири кабир” (улуг амир) унвонини беради. Бу лавозимда Навоий эл-улус манфаати, шаҳар ва мамлакат ободончилиги, маданият равнақи, адолат тантанаси учун фойдаланадики, буларнинг барчаси Султон Ҳусайн давлатининг барқарорлиги ва нуфузини таъминлайди.

Ҳирот бу даврда ниҳоятда қўркамлашади, халқ турмуши яхшиланади, илму маърифат ривожланади. Мадраса, шифохоналар қурилиб, табиблар, мударрисларга ойлик маош, озуқа, кийим-бош белгилайди. 70 дан ортиқ хаттоллар амир кутубхонасида қўлёзмаларни окқа кўчириш билан машғул бўлади.

Навоий дехқончилик ишларини йўлга қўйиб, юрт ободлиги йўлида жуда яхши натижаларга эришган. Тарихчиларнинг ёзишича, Навоийнинг бир кунлик даромади 18 минг шоҳрухий динор миқдорида бўлган. Улуғ амир бу даромаднинг кўп қисмини хайрли ишларга сарф қилган. Тарихчи Хондамир Навоий курган 52 работ, 20 ховуз, 16 кўприк, бир қанча тўғон, ариқ, ҳаммол, масжид-мадрасаларни тилга олади. Навоий турли соҳа олимларига ҳомийлик қилиб, ўнлаб илмий асарлар, рисолалар битилишига бевосита сабабчи ва раҳбар илхом манбаи, ҳомий бўлган.

Хондамир ўзининг “Макорим ул-ахлоқ” номли асарида Алишер Навоийнинг иирик давлат арбоби бўлганлиги, олимлар, хусусан, кўзга кўринган шайхларга қилган катта ҳиммати, марҳаматлари, улар учун қурдирган хонақоҳлари, мамлакат ободонлиги йўлида барпо қилган бошқа қурилишлари (работлар, лангарлар, кўприклар, ҳаммоллар, ховузлар) ва бошқалар хусусида ҳикоя қиласди.

Навоий эл-юртни ободонлаштиришда катта хизмат кўрсатади, бу ишга ўз жамғармасидан катта маблағ сарфлайди. Унинг 1499 йилда Ҳирот атрофида улкан Жомий масжид қурдиргани, Фиёсиддин ибн Муҳаммад ибн Сом даврида Ҳиротда қурила бошланган, кейинчалик вайрон бўлиб кетган Жомий масжидни қайта тикланганлиги, шунингдек, Ҳирот ва бошқа шаҳар ҳамда қишлоқлардаги 12 масжидни таъмирлатганлиги ҳақида сўз юритади. Навоий умрининг сўнгги (1499-1500) йилларда тожу тахт учун кураш авжига чиққан йиллари, Темурийлар империясининг инқирозга юз тутиб бораётган биносини ўзининг зўр обрўси ва тадбиркорлиги билан вақтинча тутиб турганлиги ҳақида сўз юритади.

Бир вақт султон Ҳусайн мирзо Хурросондан 3000 оилани Хоразмга кўчириб юбормоқчи бўлганида, Навоий бу одамларга, мамлакат аҳволига путур етказишини подшога очиқ айтади. Султон Ҳусайн бир оз ўйланиб, сўнг бу фикридан қайтади. 1501 йилда Султон Ҳусайн Астрободдаги исённи бостириш билан банд бўлиб юрганида, Ҳирот ҳокими янгидан туғилган харажатлар учун аҳолидан 100 минг динор кепакий тўлашни талаб қиласди. Бироқ аҳоли томонидан фақат унинг ярми тўпланади. Ана шундай шароитда ҳоким Ҳирот аҳолисидан “сари шумо”, яъни жон солиғи сифатида пул ундиришга қарор қиласди. Бу меҳнаткаш халққа ўша вақтда бениҳоят оғир

бўларди. Ана шу вақтда Навоий Ҳирот аҳолисининг зиммасидаги 50 минг динорни ўзининг хусусий жамғармасидан тўлаб юборади<sup>89</sup>.

Ҳазрат Навоий – давлат арбоби сифатида назариётчи ва амалиётчи вазир фаолиятида ишлаб, давлат сиёсатининг адолатли асосларини ва унинг маънавий мезонларини ривожлантиришга катта ҳисса қўши. Ул буюк зот ўзининг иш фаолияти ҳақида қисқача тўхталар экан “Гоҳ амирлик ўрнида ўтиридим ва ҳукумат маҳкамасида халқнинг арз-додини сўрдим ва гоҳ подшоҳ ёнида вазирлик қилдим ва менга умидвор назар билан қараб турган элга мурувват кўрсатдим”<sup>90</sup> – дейди.

Алишер Навоий давлат ишида фолият юритганида ҳеч қачон халқни эсидан чиқармади. У давлатни халқ манфаатларини кўзловчи, халқ орзуларини амалга оширувчи воситага, давлат арбобларини халқ хизматчиларига айлантиришга интилди ва унинг ўзи бу ишда намуна бўлди. У давлат ишларини тартибга солишга, ҳукумат идораларини, саройни халқ хисобига яшаб амалпастлик қилувчилардан тозалашга қўлидан келганича ҳаракат қилди.

Улуғ Алишер Навоийнинг атоқли давлат ва жамоат арбоби, бош вазир сифатидаги шахсий хислатлари ва фаолияти дунё олимлари томонидан ҳам ўрганилиб, қимматли таърифлар билдирилганлигини қўйида кўрсатилган манбаларда қўришимиз мумкин. 1991 йилда АҚШлик олимлар Томас Лентс ва Гленн Лоуврилар Алишер Навоий меросини ўрганиб: “XV асрнинг охирида темурийлар салтанатининг маданий ҳаётига жуда муҳим таъсирини ўтказган инсон Мир Алишер Навоий бўлиб, у янги сиёсий ва иқтисодий шароитни яратишда ғоят катта ёрдам берди. Султон Ҳусайннинг “Кўкаaldoши” (бирга ўсган) ва яқин дўсти Мир Алишер муҳтожларга хайру эҳсон қилувчиларнинг машҳури, шоир ва олим эди”<sup>91</sup>, – деб ёзадилар.

Шунингдек, Буюк Британия музейи қўлёзмалар фонди раҳбари, профессор Майл Жеймс Эрдмен 2019 йилда эълон қилган “Навоий мероси – бутун инсониятга дахлдор мерос” номли мақоласида “Алишер Навоий – Шарқ Ренессансининг йирик намояндаси сифатида жаҳон цивилизацияси тарихида алоҳида ўрин эгаллади.

Ҳазрат Алишер Навоий бутун ҳаётини халқининг илм-фани ва салтанатини ривожлантиришга, мамлакат равнақи, халқ ва миллатнинг тинчтотув яшаши ҳамда давлат қудратини мустаҳкамлашга бағишилади.

Султон Ҳусайн Бойқаро ул зотни “Мамлакат устуни, давлат таянчи” – деб бежиз айтмаган. Алишер Навоийдаги бағрикенглик, одиллик, донолик, сиёсатдонлик ва фуқароларга ғамхўрлик фазилатлари Бойқарога давлатни адолатли бошқаришда яқиндан ёрдам берди. Уларнинг дўстлиги давлатни мустаҳкамлаш, юртда адолатни ўрнатиш, тил, илм-фан ва санъат, маданиятни ривожлантириш билан бирга, давлатнинг мудофаа қудрати, халқаро обрў-эътиборини оширишга хизмат қилди.

<sup>89</sup> Б.Ахмедов. Тарихдан сабоқлар. Тошкент. “Ўқитувчи” 1994 й. 356-357 бетлар.

<sup>90</sup> Алишер Навоий. Маҳбуб ул – кулуб. Тошкент. F.Фулом номли адабиёт ва санъат нашриёти. 1983 й. 12-бет.

<sup>91</sup> Халқ сўзи. 1991 йил 29 май. Ш.Каримов. Р.Шамсутдинов. Ватан тарихи (биринчи китоб). Тошкент – “Ўқитувчи” – 1997 й. 498-бет

Ҳазрат Навоий гарчи ҳаёти мазмунини ижод қилишда деб билса ҳам, давлат ва халқ манфаатини ўйлаб, эл-юрт осудалиги йўлида муҳим давлат ишларини бажарди. Алишер Навоий амири-кабир – бош вазир сифатида узок йиллар давлат бошқарувининг энг муҳим ва нозик бўғинларида, суд-адлия, ички ишлар, солиқ тизими, ташқи дипломатик алоқалар, ички низолар, чегара муаммолари, умумхалқ йигинлари ҳамда тадбирларида давлат ва халқ манфаатларини уйғунлаштириди, ҳимоя қилди. Ҳазрат Навоий давлат хизматини мансаб ва обрў учун эмас, балки миллат қадриятларини тиклаш ҳамда бутун дунёга тан олдиришдек улкан вазифани амалга ошириш учун бир имконият ва восита деб билди”<sup>92</sup>, - деб ёзади.

Ҳазрат Алишер Навоий яшаган даврдан буён олти аср ўтишига қарамай, ҳазратнингadolatli жамият,adolatparvar хукмдор, халққа хизмат, халқ манфаати, илму маърифат, саховат, тинчлик учун кураш, дехқончиликни ривожлантириш, халқлар дўстлиги каби эзгу фикрлари, ўлмас ғоялари, орзулари бугун юртимизда ва дунёда ўзининг ифодасини топаётганга ўхшайди.

Маърифатпарвар ҳазрат Маҳдуми Аъзам “Фикр кўринмайди, аммо у кўринадиган улут ишларни бажаради”, – деб кўрсатганларидек, буюк Алишер Навоийнинг теран фикрлари, порлоқ ғоялари ҳаётда ўзининг исботини топмоқда. Юртимизда Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан 2017 йилнинг “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари или” деб эълон қилиниши, “Инсон манфаати ҳар нарсадан улут” деган эзгу тоя асосида ишлар ташкил этилиши, “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” – деган тоя асосида фаолиятнинг йўлга қўйилиши, “Халқ қабулхоналари”нинг ташкил этилиб, халқ дарди ва муаммоларини эшлиши, ҳал қилишга эътиборнинг оширилиши, “Мехр ва Саховат” хайрия фонdlари, камбағалликни тугатиш борасидаги ишлар, кам таъминланганлар ва ногиронларга арzon уйжойларнинг берилиши, илм-маърифатни ривожлантириш ва бошқа кенг кўламли ўзгаришлар ҳазрат Алишер Навоий бобомизнинг “Одамий эрсанг демагил одами, Ониким, йўқ ҳалқ ғамидин ғами” деган ўлмас фикр ва ғояларининг ҳаётий ифодаси эканлиги, шубҳасиздир.

Ҳазрат Навоийнинг юрт тинчлиги ва хавфсизлиги учун курашга масъул кишилар, раҳбарлар ҳақидаги фикрлари, бу борадаги ўйтлари бугунги мураккаб таҳликали замонда ўта муҳимдир.

Бугун дунёдаги мураккаб вазият, алғов-далғовлар, уруш-жанжаллар давом этаётган даврда, Алишер Навоийнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти муҳташам биноси пештоқига ҳамда Москва шаҳрининг марказида ўрнатилган Ҳазратнинг ҳайкал тоқига ёзилган мана бу машхур байти:

Оlam аҳли! Билингизким, иш эмас душманлиғ,  
Ёр ўлинг бир-бирингизга, ким эрур ёрлиғ иш!

<sup>92</sup> Халқ сўзи. 2019 йил 12 февраль.

ўта муҳим ва долзарб бўлиб, Алишер Навоийнинг баланд осмондан, кўқдан туриб бугунги олам аҳлига, сиёсатдонларга, давлат раҳбарларига, тинчлик учун қурашга даъватлари эмасми?

Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллиги халқаро миқёсда юбилей сифатида нишонланиши катта аҳамиятга эга бўлиб, ҳазрат Алишер Навоий меросининг ўрганилмаган янги-янги сахифалари очилади ва халқимизни, айниқса, ёшларни нурли маърифий-маънавий қурол билан қуроллантиради.

Ҳазрат Навоийнинг давлат ва жамият бошқаруви, адолатли жамият халқпарвар раҳбар тўғрисидаги фикр ва ўйтлари бугунги кундаги ва келгусидаги, турли тоифа раҳбарлар, турли лавозим ва мансабдорликка тайёрланаётган шахслар, кадрлар учун маънавий дастур бўлиб хизмат қилиш асносида Янги Ўзбекистонни барпо этишда, халқ фаровонлигини оширишда, комил инсонларни тарбиялашда камолот йўлини ёритувчи машъала ва ҳаракат, дастуруламал бўлиб хизмат қиласди.

## ALISHER NAVOIY MEROSIDA TA'LIM VA TARBIYA MASALALARI

*Alimova Komila Dekanovna,  
Toshkent davlat stomatologiya instituti  
O'zbek tili va xorijiy tillar kafedrasи  
katta o'qituvchisi*

**Annotatsiya.** Maqolada Navoiy merosining yoshlar falsafiy tafakkurini shakllantirishdagi roli ochib berilgan. SHu bilan birga Navoiy asarlarining estetik ahamiyati va komil insonni tarbiyalash masalalari ilmiy-nazariy jihatdan yoritilgan. Alisher Navoiy badiiy-estetik merosining yurtimizda amalga oshirilayotgan ta'lif jarayonlari bilan bog'liq jihatlari tadqiqot ob'ekti sifatida o'r ganilgan.

**Kalit so'zlar:** yoshlar, madaniyat, ezgulik, tasavvur, Olloh, badiiy-estetik meros, komil inson, milliy tarbiya, ta'lif.

**Аннотация.** В статье раскрывается роль наследия Навои в формировании философского мышления молодежи. При этом эстетическая значимость произведений Навои и вопросы воспитания совершенного человека освещаются в научном и теоретическом плане. Объектом исследования являются аспекты художественно-эстетического наследия Алишера Навои, связанные с образовательным процессом в нашей стране.

**Ключевые слова:** молодежь, культура, доброта, воображение, Аллах, художественно-эстетическое наследие, совершенный человек, национальное воспитание, образование.

**Annotation.** The article reveals the role of Navoi's legacy in the formation of the philosophical thinking of young people. At the same time, the aesthetic significance of Navoi's works and the issues of educating a perfect person are highlighted in the scientific and theoretical terms. The object of the research is aspects of the artistic and aesthetic heritage of Alisher Navoi, associated with the educational process in our country.

**Key words:** youth, culture, kindgees, imagination, Allah, artistic and aesthetic heritage, perfect man, national upbringing, edication.

Alisher Navoiyning adabiy-estetik dunyoqarashi uning badiiy ijodida, «Majolisun-nafois», «Muhokamatul-lug‘atayn», «Tarixi anbiyo va hukamo», «Nasoimul-muhabbat» kabi ilmiy asarlarida ham o‘z ifodasini topgan. Navoiyning badiiy-estetik dunyoqarashida go‘zallikka munosabat, nafosat sirlarini anglash, yuksak aql-zakovat bilan ifodalagan fikrlarni yoshlar ma’naviy ozuqa sifatida qabul qiladi. Navoiy talabchan ustoz va xayrixoh, ham odil kitobxon sifatida yoshlarga o‘z merosini qoldirgan. Navoiy o‘z faoliyatida adabiyot va san’atning tub nazariy asoslarini tahlil qilib, zamonasini qiziqtirgan muammolarga javob topadi, adabiyotning badiiy-estetik vazifasini eng muhim masala sifatida o‘rganadi.

Navoiyning o‘zidan keyingi avlodga ustozlik qilganligi borasida SH.M.Mirziyoev ham o‘z fikrlarini bildiradi. “Ulug‘ shoir qalamiga mansub «Boy bo‘lay deb, izzatingdan ayrılma», «Ta’lim bergen ustozingdan ayrılma», «Yuz yil yashab, tushsang ajal qo‘liga, O‘ngingdan chapingga boqqancha bo‘lmas», «Har yigitning aslin bilay desangiz, Davrada o‘tirib-turishin ko‘ring» singari hikmatli satrlari xalqona maqolga aylanib ketgan. Maxtumqulining Xivadagi Sherg‘ozixon madrasasida tahsil olgani, Alisher Navoiydek buyuk san’atkorni o‘ziga ustoz deb bilgani xalqlarimiz o‘rtasidagi abadiy do‘stlikning ajoyib namunasidir. Ta’kidlash joizki, Maxtumqulining otasi, shoir Davlatmamat Ozodiy ham o‘z vaqtida Xivada tahsil olgan edi. Maxtumquli Xivada juda ko‘p xonardonlarda bo‘lib, tuz totgan, ustozlar, do‘st-yorlar orttirgan, u yerda kechirgan yillarini minnatdorlik bilan eslab, go‘zal she’rlar bitganini o‘zbek kitobxonlari yaxshi biladilar. Navoiyni o‘ziga ustoz deb bilish har bir davr ijodkori uchun faxr va iftixon bo‘lgan. Yangi badiiy-estetik g‘oyalarning yoshlar ta’lim-tarbiyasi bilan bog‘liq jihatlari doimo adabiyotshunos va faylasuf olimlarning diqqat markazida turgan. Barcha yozilgan asarlarida “uning merosi falsafiy fikrlarga boy bo‘lib, jamiyat taraqqiyoti, insonning baxt-saodati, komil inson va fozil jamoa, ta’lim-tarbiya haqidagi fikr-

o‘ylari o‘z ifodasini topgan. Shoir ijtimoiy-falsafiy qarashlarining muhim xususiyati shundan iboratki, unda falsafiy fikrlar majoziy tarzda, badiiy o‘xshatish va ramziy iboralar yordamida, zohiriy va botiniy ma’nolarda bayon qilinadi”. Bu esa, Navoiyning o‘z davrida insonni qadrlash, uning yuksak ma’naviy olamini boyitish uchun barchaning hammaslak bo‘lib mehnat qilishlari lozimligini ko‘rsatadi.

Mutafakkirning asarlarida falsafiy g‘oyalar panteistik tarzda ifodalangan bo‘lib, unda birinchi galda insoniy xususiyatlarning har bir fuqaro kamolot uchun zarurligi ko‘rsatib o‘tiladi. Insoniyat Odam Atoning avlodi sifatida Olloh tomonidan yaratilgan mavjudot ekanligi, unda salbiy va ijobiy g‘oyalarning aks etishi xudo bilan bog‘lab tushuntiriladi. Shuning uchun ham Navoiy asarlarida islomning axloqiy arkonlari bo‘lgan imon, e’tiqod, tayhid, vijdon, shariat, tariqat, komillik masalalari diniy va dunyoviylikka bog‘lagan. Bunda olamning estetik qiyofasini Ollohning jamoli sifatida e’tirof etilishi, inson esa ongu tafakkuri orqali uni o‘zgartirib, badiiy-estetik qadriyatlarni yaratishiga ishora qilinadi. Uning Olloh ishqiga oshiqlik bilan sug‘orilgan g‘azallarida komillikning sir-sinoatlari tahlil etiladi. So‘zning buyuk qudrati, ezgu niyatning butun borliq nazokatiga egaligi, shijoatning salobati, hasratning hayrat bilan uyg‘unligi Navoiy asarlarida sevishgan qalblar misolida namoyon bo‘ladi. Uning komillikka intilish g‘oyasi olamning nafosati orqali Ollohoi anglashni o‘zida ifodalaydi. Uning adabiyot orqali borliqni badiiy-estetik tarzda ifodalishi o‘ziga xos xilma-xilliklarni aks ettiradi. Uningcha, “adabiyotning vazifasi – o‘sha borliqni, vogelikni xalqning manfaatlarini ko‘zlash nuqtai nazaridan to‘g‘ri, foydali, o‘rnak olarli, aktiv holda aks ettirishdir, go‘zal liboslar bilan bezab ko‘rsatish, ifodalash, izohlash, yomonlarni fosh etish, insonlarni yomonlikka, yomonlarga qarshi kurashga chorlash, ularga baxt yo‘lini ko‘rsatib berishdir”. Shu yo‘llar barchasi insonni oxir-oqibat yagona olama olib kirishi, maqsad esa olamda odamning benuqson ezgulikka intilishi va bu jarayonda haqiqat(Oolloh)ni topishi zarurligi ta’kidlanadi.

Shoirning yaratgan g‘azallari, ruboiliali, hikmatlari va asarlarida insonning oliy zot sifatida e’tirof etilishi diqqatga sazovordir. Uningcha, inson barcha mavjudotlarning eng go‘zali, uning tafakkuri esa o‘ziga xos badiiy-estetik merosni yarabi qolmasdan, ularni asrab-avaylaydi, kelajak avlodlar uchun vorislik vazifasini bajaradi. Borliqning sir-sinoatlarini anglab yetishdek noizk xilqatni inson o‘z qalbi bilan anglab yetadi. SHu asosdada Ollohga bo‘lgan ishqni ham o‘z ko‘ngliga tuyadi. Navoiy nazdida, “tabiatda turli-tuman go‘zalliklar, g‘oyat yoqimli, qiymatli narsalar, vogeliklar bordir. Lekin ularning oralarida bir borliq bordirki, u o‘zining qiymatbaholigi, go‘zalligi, martabasi bilan boshqalarning hammasidan yuqori turadi. U, insondir. Navoiyning eng asosiy mahbubi shu insondir. Butun boshqa narsalar, butun boshqa mavjudot shu inson uchundir, shu

inson xizmatiga, uning baxti, saodatiga xizmatiga qo‘yilgandir. Inson mavjudotning markaziy figurasiadir, eng qiymatli “javhari pokdir”” Navoiyning asarlarida poklik, ezgulik va ma’naviyat masalalari yuksak axloqiy ideal bilan uyg‘unlashgan. Unda komil insonni turlicha ko‘rinishlarda ifodalaydi. Jumladan, uning asarlarida orif, zoxid, darvesh kabilar asosida insonlar axloqi borasida fikr yurititadi.

Navoiyning badiiy-estetik asarlaridan bo‘lgan “Nasoyim ul-muhabbat” hamda “Lison ut-tayr”larda darveshlarning siyрати, xulq-atvorigagi ishqqa muhabbat va javonmardlikni targ‘ib etuvchi xususiyatlar ta’riflanadi. Navoiy dunyodagi barcha haqiqatlar va hodisalarga o‘zining muonsabatiin bildirishga harakat qiladi. Bunda u ezgulik va poklik, to‘g‘rilik va rostlikni insonning yuzi sifatida baholaydi. Bunda badiiy-estetik jihatlar obrazlar orqali yoritib beriladi. Mutafakkirning asarlarida insonning qadri ulug‘lanib, axloq birinchi darajaga chiqadi. Chunki or-nomus, uyat va oriyat, nafs va nafsoniyat, go‘zallik va ishq tushunchalari insonning bezagi sifatida o‘ziga xos tarzda talqin etiladi. Ollohning izmida bo‘lgan dunyo, tabiat hamisha go‘zaldir, yoqimlidir, lazzatlidir. U aldamchilikni yoqtirmaydi, undan faqat oqilona foydalana olish zarur. Uningcha, xudo oliy borliq bo‘lib, bu tabiat undagi hayot go‘zalliklaridan, lazzatlaridan foydalanishda bosh tortish kerak emas. Shu bilan birga bu dunyodan, tabiatdan, undagi hayotdan boshqa dunyo, hayot ham mavjuddir. Shu boisdan, “Navoiy o‘z falsafasida butun olam, borliq, koinotning xudo tomonidan yaratilganligini e’tirof etadi. Butun olam jumladan, tabiat va jamiyat ollohning namoyon bo‘lishi, zuhr etilishidir. Uning bu fikri tasavvuf ta’limotidagi xudo butun mavjudotning, borliqning yaratuvchisi, qolgan barcha narsa va hodisalar jumladan, inson ham uning zarralaridir”, deyiladi.

Navoiyning badiiy-estetik qarashlarida borliqni tushunib yetish, voqelikdagи go‘zallikni inson bilan uyg‘unlashtirish muhim sanaladi. U imkoniyati boricha voqelikning estetik qiyofasini chuqur anglab yetishga, borliqdagi ichki va tashqi ziddiyatlarni mohirona o‘rganishga, turli lahzalardagi holatlarni shoirona yoritishga intiladi. Unda yaxshilikning ertasi farovonligi, xalqqa xizmat qilish foydali ish ekanligi, olamning bu go‘zalaliklaridan bahra olish inson uchun nozik hislar ekanligini o‘rtaga tashlaydi. Yaratgan asarlaridagi qahramonlarining qiyofalari orqali ishqqa yetish yo‘llarini izlaydi. Navoiy shaxs bilan jamoa orasida turgan ommaga o‘zining munosabatini bildirib, davrning g‘oyalarini o‘zi yaratgan qahramonlar hayoti orqali osib berishga intiladi. Uning qahramonlari orqasida muayyan ijtimoiy guruqlar, xalq ommasi turishi asosiy o‘rinda ko‘rsatiladi. SHular orqali jamiyatning, insoniyatning xarakteri va badiiy-estetik qiyofasini yaratib beradi. Shoир mohirlik bilan ob‘ektni tadqiq etib, unga jozibadorlik, yangicha hayot va go‘zallik baxsh etish yo‘llari bilan ijod qiladi. Har bir qiyofani o‘rganar ekan, mohiyatni yaqqol ko‘rsatadigan, zamonaviylik kasb etadigan estetik dunyoqarashni

yaratishga intiladi. O‘z davrida “Navoiy madrasa talabalari, yosh iqtidorli shoirlar, rassomlar va olimlarni moddiy jihatdan qo‘llab turganligi manbalardan ma’lum”.

Demak, boylik egasi bo‘lish solikning bu dunyoni ishlari sirasiga, zohiriyligi foliyatiga kiradi. Agar u qalbida Olloohni esdan chiqarmay, ma’rifat bilan shug‘ullansa, boylik xudoning fasliga yetishishi uchun xalaqit bermas, u holda boylik to‘plash qoralanmaydi”. Shoир barcha to‘plagan boyliklarini o‘z yurtining kelajagi uchun sarf qilgan. U xayrli ishlarni rivojlantirib, jamiyat va xalq uchun masjid va madrasalar, ko‘priklar, rabot va karvonsaroylar, hammom va shifoxonalar qudirib, odamlarning dehqonchilik qilishlari uchun kanallar qazdirgan. Shu boisdan Navoiy davrida san’at, me’morchilik, rassomchilik, she’riyat, haykaltaroshlik kabi sohalarning rivojlanganligini “Xamsa” va boshqa asarlardagi o‘xshatishlar orqali bilib olishimiz mumkin. Ularda tabiatdagi go‘zallik, turli-tuman manzaralar, odatiy turmush uchun ishlatiladigan estetik qiyoғadagi narsalar, insonlar o‘rtasidagi o‘zaro aloqalari, fikrlash tarzi, insonni zavqlanish va ilhom berish kabilar asosiy o‘rinni egalaydi. Taniqli tarixchi va faylasuf Muxammadjon Abdurahmonov Navoiy va Bobur ijodi, ularning tarbiyaviy ahamiyati haqida so‘z yuritar ekan, “Navoiydan so‘ng adib, san’atkor, rassom va hunarmandlarga Bobur xuddi Navoiy kabi sarparastlikni zimmasiga olib, yosh qalamkashlarga sharoit yaratish, ularni moddiy ta’minalash, davr tashvishlaridan holi ijod qilishlariga bosh bo‘lgan. Boburning o‘zi Alisher Navoiy va o‘sha davr shoиру adiblari, mo‘yqalam ustalari, san’atkorlari ijodining munaqqidi sifatida yuksak adabiy-estetik qarashlari bilan adabiyotni xalq manfaati sari yo‘llashga, asarlarga xolisona baho berishga harakat qilgan, yozuvchi yoxud shoirning axloqi, asarlari qadar go‘zal va ma’naviy yuksak bo‘lishini tilab fikr bildirgan”, deb yozadi.

Navoiy badiiy-estetik merosida ta’lim-tarbiya masalasi asosiy o‘rinlardan bo‘lib, unda tarbiyaning nozik jihatlari badiiy qiyoғada ifodalanadi. Badiiy adabiyot vositasi orqali Navoiyning asarlarida inson ko‘ngiliga yo‘l topuvchi nozik xilqatlar, qahramonlar siyosining ifodasi, umuminsoniy fazilatlar, chuqur falsafiy mazmun, yuksak badiiy tasvirlar qiyoғasi ifodalanadi. Badiiy-estetik ideallar asosida davrning mafkuraviy qiyoғasida tarbiyaning roli ochib beriladi. Jamiyatning axloqini esa faqat mafkuraviy tarbiya yo‘llari bilan amalga oshirishning samarasi xususida so‘z yuritadi. Navoiyning asarlarida go‘zallikni inson va dunyo o‘rtasidagi hamohanglik holati sifatida qaraladi. Bunda, tarbiyani eng avvalo qalbning go‘zalligi bilan she’riyatning ma’nosini anglash asosida tushunish va uni ruhiyatga singdirish, his etish lozimligi ta’kidlanadi. Navoiyning fikricha, yoshlar ta’lim-tarbiyasi avvalo maktabdagagi faoliyatga uyg‘unlashishi kerak.

Maktab jamiyatda ta’lim-tarbiya va bilimning o‘chog‘iga aylanishi, yosh avlodni yoshi ulug‘lar pand-nasihatlari bilan bog‘lashi lozim. Navoiyning bu qarashlari ayni paytlarda ham muhim faesafiy-estetik ahamiyat kasb etadi. Birinchidan, yoshlarning ta’lim-tarbiyasi jarayonida estetik madaniyat, estetik tuyg‘u, estetik did va tasavvur, e’tiqod va ideallarni shakllantirishda Navoiyning badiiy-estetik merosi ulkan ma’naviy manba va nodir xazina bo‘lib xizmat qiladi. Ikkinchidan, yoshlarning axloqiy-estetik tarbiyasi jarayonida maktabgacha ta’limdan tortib, oliv ta’lim muassasalaridagi ma’naviy-mafkuraviy ishlarni tashkil etishda shoir asarlari o‘ziga xos va betakror rang-baranglik kasb etadi.

Ajdodlarimiz o‘tmishda yoshlarning jismonan baquvvat, ruhan sog‘lom, aqlan yetuk bo‘lishlariga katta e’tibor qaratganlar. Ushbu zavqiy munosbat yoshlar estetik tarbiyasi va dunyoqarashi rivojlanishiga katta xizmat qilgan. Navoiy badiiy-estetik merosining yoshlar kamolotidagi o‘rni halol mehnat bilan tarbiya topishda ham dolzarb omil sanaladi. Naqshbandiyning “Dast ba koru dil ba yor” shioriga amal qilish har bir insonni halol mehnat qilishga, oilaviy farovonlikka, jamiyat taraqqiyotiga o‘z hissasini qo‘sishsga undab kelgan. Bu da’vat yurtimizda fuqarolarning ijtimoiy faolliklarini oshirishga, moddiy vama’naviy ishlab chiqarish jarayonini rivojlantirishga xizmat qiladi. Yoshlarning tasavvurlari, aql-idroki,estetik tafakkuri falsafiy dunyoqarashni boyitadi, ularning irodasini chiniqtiradi va xarakterini mustahkamlaydi.

#### **ADABIYOTLAR RO‘YXATI:**

1. Mirziyoyev Sh. Milliy taraqqiyot yo‘limizni qat’iyat bilan davom ettirib, yangi bosqichga ko‘taramiz. – T.: O‘zbekiston, 1-jild, 2017. 368-b.
2. Zohidov V. Ulug‘ shoir ijodining qalbi.–T.:O‘zbekiston,1970.233-234-b.
3. Davronov Z. Falsafa. O‘quv qo‘llanma. –T.: Iqtisod-moliya, 2006. 165-b.
4. Nazarov Q. O‘zbek falsafasi.–T.:O‘zbekiston faylasuflari milliy jamiyat, 2013.139-b.
5. O‘zbekistonda ijtimoiy-axloqiy va gumanistik fikrlar tarixining muhim bosqichlari. –T.: Falsafa va huquq instituti nashriyoti, 2007. 198-b.
6. Ma’naviy tarbiya: Xrestomatiya.-T.: Turon zamin ziyo, 2014. 111-b.

#### **ALISHER NAVOIY VA XORAZMIY IJODIDA GO‘ZALLIK TIMSOLI**

**D. D. Muminova**

*SamDU o'qituvchisi*

*muminova-d@list.ru*

**M. Sobirova**

*SamDU 2-kurs talabasi*

**Annotatsiya:** Maqolada Xorazmiy "Muhabbatnoma"si va Alisher Navoiyning "Xamsa" sida keltirilgan obrazlarning o'zaro hamohangligi va adabiyotimizda baytlar tarkibidagi go'zallik simvoli haqida so'z boradi.

**Kalit so'zlar:** noma, timsol, ma'shuqa, oshiq, she'riy san'at, bayt, obraz.

**Аннотация:** В статье рассматривается гармония образов в хорезмском «Любовном письме» и «Хамсе» Алишера Навои и символа красоты в нашей литературе.

**Ключевые слова:** письмо, логотип, любовник, любовница, поэтическое искусство, байт, изображение.

**Annotation:** The article deals with the harmony of the images in Khorezmi's "Love Letter" and Alisher Navoi's "Khamsa" and the symbol of beauty in our literature.

**Keywords:** letter, logo, lover, lover, poetic art, byte, image.

Adabiyot ravnaqi va bezagining yorqin ko'rinishini mumtoz adabiyotimizning yirik namoyondalaridan Alisher Navoiy ijodida ko'rish mumkin. Navoiyga qadar esa Xorazmiy turkiy adabiyot boyishining asoschilaridan biri sifatida ta'kidlash o'rinnlidir. Bizga ma'lumki, Navoiy ijodida 16 turdag'i janrlar bo'yicha ijod qilgan shaxs sifatida nom qozongan bo'lib, shu janrlarda adabiyotimizga ma'lum bo'lgan barcha badiiy san'atlardan foydalangan. "Muhabbatnoma"da berilgan nomalardan biriga nazar tashlaydigan bo'lsak, Navoiy ijodida keltirilgan tartibda Xorazmiy ijodiga bog'liq yoki namuna bo'lgan bir asar sifatida «Muhabbatnoma»dagi nomalarda ko'proq ma'shuqa tasviri chizgilariga bag'ishlangan baytlarni ko'rish mumkin. Bunga «Avvalgi nomani aytur» bobida ma'shuqa siymosini yorqinroq chizish, uning fazilatlarini bo'rttirib ko'rsatish va ulug'lash uchun o'z mahoratini to'laligicha safarbar etadi. Masalan:

Ayo ko'rk ichra olam podshohi,

Jahon tutti sening husnung sipohi.

Pari ruxsoralarning ko'rka boyi,

Yuzung navro'z-u, qoshing bayram oyi [Muborak maktublar 16-b].

Anglashiladiki, oshiq so‘zning boshidanoq mahbubasini go‘zallik bobida barcha go‘zallarning podshohi deb ta’riflarkan, husnini podshohning lashkarlariga o‘xshatadi va ana shu lashkar bilan jahonni mahv etgani mubolag‘a qilindi, ikkinchi baytda esa yorning ta’rifini yana yuksaltiradi. Uni farishta yuzlilarning ham go‘zalrog‘i deb ta’riflarkan, yuzini yangi chiqqan oyga o‘xshatadi. Shu o‘rinda aytib o‘tish joizki, shoir (Xorazmiy) ma’shuqa ta’rifida o‘z novatorligini namoyon etadi. U har bir ta’rifida imkon qadar yangi bir jumлага murojaat etadi. Yuqorida yorning yuzi navro‘z, ya’ni yangi kunga, qoshi esa bayram oyi – yangi chiqqan oyga o‘xshatilishining o‘ziyoq buning isboti, quyidagi baytlarda ham ana shu navatorlik sezilib turadi.

Ko‘ngul Shirin so‘zungg‘a bo‘ldi Farhod,  
Ko‘zung Kashmir jodusig‘a ustod.  
Qaro meng ol yangoqingda yaroshur,  
Boshim doyim adoqingqa yaroshur [Muborak maktublar 16-b].

Shoir yorning Shirin so‘zlariga maftunlikni Farhod hajrida kuyish holati bilan tenglasa, ko‘zlarining maftunkorligini Kashmir jodusi (Kashmirning go‘zalligi azaldan kishilar e’tiborini o‘ziga tortib kelgan va Kashmir she’riyatda go‘zallik simvoli sifatida vositaga aylangan)ga ustozlikka qiyoslaydi. Hatto shunday go‘zallik diyor tarovati mahbubani ko‘zlari oldida ip esholmasligi orqali kitobxon e’tiborini o‘ziga tortadi.

Keyingi baytda ma’shuqaning qizil yonoqlari ustidagi qaro xoli (meng)ning joylashuviga ishora qiladi. Demak ko‘z o‘ngimizda beixtiyor yuzlari tiniq beg‘ubor (tong kabi), qoshlari hilol, ko‘zlari joduvash, yonoqlari qizil, yonoqlari ustidagi xol qop – qora, so‘zlari shirin bir parivash namoyon bo‘ladi.

Shoir oshiqning sevgilisi qaddi bastini quyidagicha tavsiflaydi.  
Bo‘yung sarvu sanubardek beling qil,  
Vafo qilg‘on kishilarga vafo qil [Muborak maktublar 16-b].

Ma’shuqaning qaddi qomati sarv sanobar daraxtining tikligiga, belining ingichkaligi soch tolasiga o‘xshatiladi, qaddi qomatining sarv daraxtiga o‘xshatilishi an’anaviy tasvir bo‘lsa-da, ammo bu mantiqiylik asosida keltirilgan tashbeh. Belning qilga o‘xshatilishi ham mubolag‘ali tashbeh asosida to‘g‘ri ta’riflangan.

Aqiqing suhbatindin jon bo‘lur so‘z,  
Qamartek chehringga boqsa qamar ko‘z [Muborak maktublar 16-b].

E’tibor beradigan bo‘lsak, yorning lablari aqiqqa – qizg‘ish rangli qimmatbaho toshga o‘xshatilibgina qolmay to‘g‘ridan to‘g‘ri aqiq deb atalib beriladi. Yorning yuzi endi yuqoridagi ta’rifga ham qanoatlanmay endi kamar oyning yor – chehrasiga boqqanda ko‘zi qamashishi bilan baholanadi, izoh

beriladi. Keyingi baytlarda esa yorning ko‘zi nargiz deb, kipriklarini novak deb ta’riflasa, yuzining kulib turishi arg‘uvon gullariga o‘xshatiladi.

Urur nargislaring novakni jong‘a,

Kular chehrang chechaktek arg‘uvong‘a [Muborak maktublar 16-b].

Shundan keyingi baytlarda shoir yana o‘z sevgilisining husni ta’rifini berarkan, uning ta’rifini hatto Chin – Mochin, ya’ni Xitoy va Turkistonning uzoq yerlariga ham borib yetganligini, dunyodagi jami shohlar uning oldida yer o‘pishlarini mubolag‘a qiladi-da, so‘ng yana ma’shuqaning tashqi qiyofasiga chizgilar beriladi.

Tabassum qilsangiz shakkar uyolur,

Tishing injusidan gavhar uyolur.

Jamoling yetti olamg‘a sipahlar,

Qotingda yer o‘parlar jumla shahlar.

Falak ishqing yo‘linda besaru poy,

Isirg‘ang donasi Zuhra, yuzing oy,

Latofat mulkida sultonsen, ey jon,

Qamuq boshdin – ayoqqa jon sen, ey jon.

Qatiq kulsang magar og‘zing bilurgay,

Pari ko‘rsa seni mendek telurgay.

Soching bir torina ming hur yetmas,

Yuzungnung nurina ming nur yetmas [Muborak maktublar 17-b]..

Ma’shuqaning tabassumi shu qadar yoqimli va shirinki hatto shakar ham uyaladi. Tishining injusidan esa sof va tozalikda yorning tishlari o‘zidan a’loligini ko‘rgach uyaladi. Oshiqning nazaridan yor qulqlaridagi sirg‘a – ziraklari ham chetda qolmaydi. Ma’shuqaning har bir ko‘zga ko‘ringan detali oshiq tilidan mubolag‘a va tashbehlar bilan ta’riflanadi. Ziraklar yorug‘likda go‘yo Zuhro yulduzidek yorqin va nafis bo‘lsa, yorning yuzi oy kabidir. Oshiq mahbubasining yuzi oydek nafis, beg‘ubor va yorug‘ligini bot-bot takrorlaydi. Og‘zini esa shu qadar kichikligidan faqatgina qattiq kulganda bilinishini va bu holatni hatto pari – farishta ham ko‘rganda o‘zidek bilishini zukkolik bilan chizadi. Birinchi nomanинг so‘nggi baytlarida oshiqning go‘zallikda tengsiz ma’shuqa tufayli chekayotgan iztiroblari, ichki kechinmalar go‘zal satrlarda ifoda etiladi. Birinchi nomadagi ta’rif-u tavsiflar kitobxon uchun ma’shuqa obrazini, aniqrog‘i, tasvirini tasavvur qilishi uchun yetarli manba hisoblanadi va oy yuzli, hilol yuzli, nargiz ko‘zli, aqiq labli, sarv qomatli beli qildek, tabassumi shakardan nozik, tishlari inju, yuzlari nurli, joduvash ko‘zli, faqatgina kulganda (og‘zi) borligi bilinadigan darajada nozik og‘izli go‘zal parivash ko‘z o‘ngimizda ko‘zgudagi aks kabi namoyon bo‘ladi. Ammo shoir faqat shu bilan cheklanib qolmaydi, aksincha, keyingi

nomalarda ham yorining go‘zalligini yanada nafis ta’riflar bilan ta’riflash orqali uning qiymat bahosini oshiradi.

Noma davomida oshiq shoir mahbubasining ta’rif, go‘zalligining kuch qudratini shunday izohlaydi;

Qilur zulfung qamuq olamni shaydo,

Bo‘lur jodu ko‘zingdin fitna paydo.

Yarar ming jon bir ashkoling fidosi,

Ko‘zum mardumi xolningning fidosi.

Seni ko‘rgan o‘zindin yot bo‘lur,

Ruhungni ko‘rsa, ming shoh mot bo‘lur.

Ikki zulfung ko‘ngullarni panohi,

Eshiking tuprog‘i jon sajdagohi [Muborak maktublar 16-b].

Oshiq ta’riflagan ma’shuq shu qadar go‘zalki, uning birgina qaro sochlari butun olamni o‘ziga shaydo qiladi, joduvash ko‘zлari esa dunyodagi jami fitnalarni paydo qiladi. Bu go‘zallarni ko‘rgan har qanday kishi esa hushini yo‘qotadi. Shohlarning ko‘zi uning yuziga tushsa, haddi shahmatda mot bo‘lgan, taxtadek qotadi. Xuddi shu asnoda davom ettirilgan ta’riflarda shoir endi ma’shuqani gulga, chechakka qiyoslaydi. Sen toza bir gulsanki sening dushmaning tikandir deydi. O‘z fikrini esa:

Raqibingdur tikan, siz toza gulsiz,

Chechak chimgan aro bo‘lmas tikansiz[Muborak maktublar 19-b]..

jumlasini keltirish orqali isbotlaydi. Yana quyidagi baytda:

Shakardin totli so‘zli dilrabosen,

Dareg‘okim, chechaktek bevafosen[Muborak maktublar 19-b]..

deya ma’shuqa ta’rifiga, guldek bevafosan deb xolis baho beradi.

Shoir uchinchi nomada ma’shuqa ta’rifi yanada mukammalroq ifoda etishga va shu yo‘l bilan oshiqning ma’shuqaga munosabatini yanada kuchliroq bog‘lab uning vasliga yetish yo‘li naqadar olis va xavf-xatarga boyligi hamda visol yo‘lida umidsizlikka tushish sababini izohlab beradi.

Shoir birinchi va uchinchi nomalarda ma’shuqa obrazini umumlashma xarakterda bersa-da, tasvir usuli an’anaviy ko‘tarinki ruhda borsa-da biroq ba’zan u bilan bog‘liq detallarda aniq ta’riflar shuningdek ma’shuqaning tashqi qiyofasi bilan birga ichki dunyosini nazardan chetda qoldirmaydi. Beshinchi nomada xuddi ana shu holat yaqqol ko‘zga tashlanadi.

Ayo gulchehralar molik rikobi,

Qamuq olam sening g‘amzang xarobi.

Latofat mulkinining sohibqironi,

Muvofiq surating birla maoniy.

Hiradni ozdurur g‘amzang xumori,

Yonoqlaring Xalillulloh nori[Muborak maktublar 21-b]..

Ko‘rinadiki, shoir ma’shuqani ham ichki, ham tashqi dunyosiga chizgi berish orqali tom ma’nodagi go‘zallik ichki va tashqi fazilatlarini uyg‘unligidan yuzaga chiqishni bayon etadi.

Bu kabi tasvirni Alisher Navoiy “Xamsa”sida keltirilgan obrazlardagi oshiq va ma’shuqalarda ko‘rish mumkin. Asosan, Farhod va Shirin tasvirida berilgan ta’riflarda ham “Muhabbatnoma”da keltirilgan ta’rif va tavsiflarni o‘zaro o‘xhash deyish mumkin:

Sochim fikrida tunlay aylasang pech,  
Qarorurmu jahoning tun kibi hech?  
Qoshim mehrobini yod aylagan dam,  
Yangi oydek bo‘lurmi qomating xam?  
Chu mijgonim g‘amidin chiqsa xo‘yung,  
Bo‘lurmu bir tikon har tora mo‘yung [MAT 124-b]?

hamda “Layli va Majnun” asaridagi obrazlarda ham bunga yorqin o‘xhash jihatlari mavjud. Shu kabi asarlar o‘z davrining va keyingi davr adabiyot shinavandalari ijodida namuna sifatida foydalanishgan va oshiq va ma’shuqalarning bir birlariga bo‘lgan sadoqatlarini hayot tarzida ham dastur sifatida ishlatilgan.

### **FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:**

1. Муборак мактублар. – Тошкент, Г.Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987.
2. А.Навоий МАТ (Муқаммал асарлар тўплами), 20 томлик, –Тошкент: Фан, 2001,
3. Y.Isoqov. So‘z san’ati so‘zlari. T.: 2014. 192-б.
4. Vohidov R., Eshonqulov H. O‘zbek mumtoz adabiyoti tarixi. –T.: O‘zbekiston

### **XIX asr Qo‘qon adabiy muhit : Xon (Muhammad Alixon) shaxsiyati va ijodi**

**Hoshimova Mohigul Ahmadovna**  
*SamDU magistranti*

**Annotatsiya:** Ushbu maqolada O‘zbek xonliklaridan biri bo‘lgan Qo‘qon xonligida XIX asr adabiy muhitida alohida ahamiyatga ega bo‘lgan ham xon, ham shoir sifatida nom qozongan Mohlar oyim va Amir Umarxonning farzandi bo‘lgan

Muhammad Alixonning ijodi va shaxsiyatini talqin etishdagi ilk qadamlardan biri sifatida uning ijodiga xos xususiyatlar bilan tanishtirish. Mazkur maqolada Xonning ijodini qaysi manbalar orqali o‘rganish, xonning ijodiga nima va kimlar ta’sir etganligini aniqlashdan iborat..

**Kalit so‘zlar:**madaniy hayot,adabiyot,badiiy san’atlar,qo‘lyozma,adabiy tur, badiiy usul.

O‘zbek xalqining tarixi va madaniyati bir necha ming yilliklarni o‘z ichiga oladi. Ajdodlar qoldirgan, asrlar davomida yaratilgan moddiy va ma’naviy meros esa insoniyat tarixinining boy takrorlanmas qismini tashkil etadi. Ularning katta qismi esa madaniyat sohasida toplangan boyliklardir. Mustaqillik yillarda barcha sohalar kabi adabiyot va tariximiz uchun qorong‘u sahifalarni yanada oydinroq yoritish imkoniyatini yaratib berdi. O‘tgan yillar mobaynida ajdodlarimizning yuzlab qo‘lyozma asarlari dunyo yuzini ko‘rdi, respublikamizda va xorijda minglab nusxalarda nashr etildi. Bu ham tariximizning boy o‘tmishiga va merosiga ko‘rsatilgan ehtirom va e’tirofdir. Ayniqsa, o‘zbek xonliklari davrida yaratilgan yuzlab noyob qo‘lyozma asarlar bugungi kunda xalqimizning bebafo ma’naviy merosi sifatida o‘z tarkibida madaniy hayotning turli sohalariga ko‘plab ma’lumotlarni yetkazib kelayotganligi bilan bir qatorda davlatchilik jarayonlarida sodir bo‘layotgan voqealarga ham o‘z ta’sini ko‘rsatmoqda.

Mustaqillik yillarda amalga oshirilgan tadqiqotlar va ilmiy adabiyotlarning o‘rganilishi masalaning mohiyatiga bo‘lgan yondashuvni tubdan o‘zgarib,tarix haqiqatlarini ilmiy nuqtayi nazardan o‘rganishni talab qilmoqda. Bu davrga oid ko‘plab manbalarning guvoh berishicha ham ilmiy ham badiiy adabiyotda yuksalishlar ro‘y bergen. Xusan, Qo‘qon xonligi tarixini yoritishda H.Ziyoyev, H.Bobobekov, SH.Vohidov, N.A.Ahmadjonov, Z.Ilhomov, V.Ishquvvatov, S.Tillaboyev, Is’hoqxon Junaydullo o‘g‘li - Ibratning “Tarixi Farg‘ona”<sup>93</sup> va boshqa ko‘plab asarlarni keltirish mumkin.

Qo‘qon xonligining tarixiga oid manbalarni ko‘zdan kechirib qarasak,XIX asr madaniy va adabiy muhiti alohida ahamiyatga ega hisoblangan. Xusan, Qo‘qon hukmdorlarning qator namoyandalari temuriylar an’anasini davom ettirib, o‘zlar ham ilm-ma’rifat bilan shug‘ullanib bu sohani ravnaq topdirishga katta sa’y-harakat qilganlar. Ayniqsa, bunda Qo‘qon xonlaridan Umarxon va Muhammad Alixon davrlari yaqqol ajralib turadi.

Muhammad Alixonning shaxsiyatiga oid manbalarni ko‘rib chiqar ekanmiz, unda ijobiy fikrlar bilan bir qatorda salbiy ma’lumotlar borligi ham ko‘zga tashlanadi. Shu bilan birga undagi she’riyatni sevishi,adolatli bo‘lish, shoirlarga

<sup>93</sup> Is’hoqxon To’ra Ibrat “Tarixi Farg‘ona”, Toshkent,”Ma’naviyat”.2005,16-b.

keng yo‘l ovhin berishi kabi olижаноб tuyg‘ular ham mujassam ekanligini ko‘rishimiz mumkin. Is’hoqxon Ibratning “Tarixi Farg‘она” асарида quyidagi ma’lumotlar berilgan<sup>94</sup>. Umarxon vafotidan so‘ng Muhammad Alixon o‘g‘li o‘n besh yosхларинда taxtga julus etdi. Xalq мuni sifati madh ilan Ma’dalixon deb, ya’ni manbai adluadolat deb zikr qilur erdilar. Bul vaqtida Jahongirxo‘ja g‘alabasida bul kishi ham Qoshg‘arga Xitoy ilan g‘azot qilmoq bo‘lub borib, Gulbog‘ degan mavze‘da Xitoy ilan muhoraba qilib, g‘oziylik laqabiga sodiq bo‘lubdurki, Xo‘qand xonlaridan mundan bo‘lak hech lishi kuffor bilan muhoraba qilmay g‘oziylik laqabiga noyil o‘lmag‘on екан. Ushbu ma’lumotlardan Muhammad Alixon shaxsining naqadar bilimli va yurt tinchligini o‘ylaydigan xon еканлиги ko‘rinadi.

Abdulla Qodiriyning “Mehrobdan chayon” romanining “Amir Umarxonning kanizi “qismida ham Madalixon shaxsiyati va tarixiga oid ma’lumot ham keltirilgan<sup>95</sup>. Shu bo‘yicha Abdulla Qodiriy alohida roman yozmoqchi bo‘lib manbalar to‘plagani ham ma’lum.

Uvaysiyning “Voqeayi Muhammad Alixon” manzumasida ham Muhammad Alixonning ijodiga to‘xtalib o‘tgani<sup>96</sup>.

Xонning ijodiga ko‘z tashlar ekanmiz uning ijodi mavzu ko‘lamida ham, she‘r badiiy san’atlarini qo‘llashida ham o‘ziga xoslikni ko‘rishimiz mumkin. Xon ijodi Qo‘qon adabiy muhitining bir qismini tashkil etsa-da undagi ham shohlik va ham shoirlilik jihatlari mujassam bo‘lgan. Уни “Yuzu qaddingg‘a in ermas..” deb boshlanuvchi g‘azaliga e’tibor qaratadigan bo‘lsak, undagi so‘z ma’nolarini teran anglab o‘z joyiga munosib tarzda terganligiga guvoh bo‘lamiz. G‘azalning matla’sida shoir nima demoqchi bo‘lganligi anglashiladi.

Yuzu qaddingg‘a ermas bu chamanning sarv ra’nosi,  
Suv hayvon chashmasiga bo‘lsa bil Isoning anfosi.

Унга ко‘ра yorning go‘zalligi ta’riflanadi va uning nafasi kuchlilagini ifodalash uchun Isoning anfosi so‘zi yordamga keladi. Уни ijodida Fuzuliyning g‘azallariga yaqinlikni va ergashishni ko‘rishimiz mumkin. Fuzuliy bir ga’zalida podshohlarni,hukmdorlarni ta’magir, riyokor bo‘lmaslikka,adolatli bo‘lishga, xalq manfaatini o‘ylashga, rahm-shafqat bilan yashashga chaqiradi<sup>97</sup>.Bu narsa Ma’dalixon hayotining me’zoniga aylangan edi<sup>98</sup>. Ozarbayjon shoiri Muhammad Fuzuliyning jahon adabiyoti xazinasiga qimmatbaho durdona bo‘lib qo‘shilgan shoh asarlari nafaqat Ozarbayjonning, balki o‘zbek xalqining ham yurak sadolari

<sup>94</sup> Is’hoqxon To’ra Ibrat “Tarixi Farg‘она”, Toshkent,”Ma’naviyat”.2005,16-b.

<sup>95</sup> Abdulla Qodiriy.Mehrobdan chayon”,

<sup>96</sup> Po’lat Qayumov “Tazkirai Qayyumi” Toshkent.1998.168-bet.

<sup>97</sup> Fuzuliy.”Devon”,”G’ofur Gulom nomidagi badiiy adabiyot nashriyoti:Toshkent,1968.

<sup>98</sup> Po’lat Qayumov “Tazkirai Qayyumi” Toshkent.1998.169-bet.

sifatida yangrab kelmoqda. Fuzuliy she'rlari ko'p asrlardan beri o'zbek shoirlarining sevimli she'rlari sifatida o'qib kelinadi.

### Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Po'lat Qayumov. "Tazkirai Qayyumiyy". Toshkent, 1998-yil.
2. Is'hoqxon To'ra Ibrat. "Tarixi Farg'ona". Toshkent, "Ma'naviyat". 2005-yil.
3. Abdulla Qodiriy. "Mehrobdan chayon". Toshkent, "Yangi asr avlodi", 2008-yil.
4. Fuzuliy. "Devon". G'ofur Gulom nomidagi badiiy adabiyot nashriyoti: Toshkent, 1968-yil.

### ISHQKI IKKI JAHONDUR...

Tog'ayeva Shaxnoza  
SamDU magistranti  
Ilmiy rahbar: M.Q. Muhiddinov

*Bo 'lmasa ishq, ikki jahon  
bo 'lmasun,  
Illi jahon demaki, jon  
bo 'lmasun.  
(A.Navoiy).*

Badiiy adabiyot deb atalmish bir bo'ston bor ekanki, bu bo'stonga har bir so'z ijodkori o'z niholini qadamoq istaydi. Bu san'at gulshaniga har qanday iste'dodli san'atkor o'z ustozlarining ko'magi bilan qadam qo'yadi. Chunki yosh san'at egasi badiiy adabiyotda ochmoqchi bo'lgan be'takror kashfiyotlarini ungacha ochilgan yo'llar zamiridan topadi. Busiz iloji yo'q, chunki badiiy adabiyotda qayta-qayta ta'kidlanganidek "ilhomlanish" degan bir nozik jarayon borki, bu jarayon ustozlar ijodisiz vujudga kelmaydi. Mustahkam asosga tayanmagan novatorlik - "changlanmagan gulga o'xshaydi-meva tugmaydi" (A.Qahhor). Xullas, iste'dodning o'sib kamol topishida traditsyaning roli katta.

Mumtoz she'riyatda g'azal shoirning salohiyati ko'lamenti anglatuvchi asosiy janr hisoblangan. Har bir ijodkorning maqomi uning g'azalchilikdagi mahorat darajasi bilan belgilangan. Shuningdek, devon tuzishda ham g'azal alohida mavqe kasb etgan. O'tmishda g'azal yozmagan ijodkorning devon tartib berishi mumkin bo'lmanan.

Ushbu maqolamizda ham she'riyat gulshanining ikki buyuk bog'boni, tom ma'noda o'zbek g'azalchiligining ustoz-shogirdlari bo'lgan Mavlono Atoyi va Navoiy xususida so'z boradi. Navoiy Amir Xusrav Dehlaviyni oshiqona g'azallarning, Hofiz She'roziyning rindona g'azallarning, Abdurahmon Jomiyning esa orifona g'azallarning buyuk ustalari deb, ularni o'ziga ustoz hisoblagan va doim ulardan ilhomlanib ijod qilgan. Bu o'rinda shuni ta'kidlab o'tishimiz joizki, Atoyi va Navoiyning ustoz shogirdlik munosabatlari aynan keltirilgan o'rinlar kuzatilgan adabiyotlarda uchramaydi, lekin "Navoiydek so'zga talabchan she'riyat sultonining e'tirofiga sazovor bo'lgan" Atoyi o'zining go'zal oshiqona-orifona g'azallari bilan Navoiyga uztozlik qilgan desak yanglishmaymiz (f.f.n Ergash Ochilov).

Bu ikki shoir adabiy me'rosini o'rganish tadqiqotlari shuni ko'rsatadiki, Atoyidan ko'ra Navoiyning ijodi ko'plab yoritilgan. Afsuski, Atoyining g'azaliyoti darsliklarda, ilmiy tadqiqotlarda juda kam o'rganilgan. Borlari ham ijodidan ko'ra taxallusi atrofida qo'zg'alan bahslar yuzasidan yozilgan. Garchi undan bizgacha Navoiyga nisbatan ancha oz - 260 g'azalni o'z ichiga olgan yagona devon yetib kelgan bo'lsa-da, mavzu va mazmun ko'lamidan salmoqlidir. Shuning uchun, ushbu kichik tadqiqotimizda asosiy e'tiborni qaysidir jihatlari bilan Navoiyning orifona she'rlariga ilhom berolgan Atoyi ijodiga qaratamiz.

O'n beshinchi asrning mashhur shoirlaridan, Alisher Navoiygacha bo'lgan adabiyotining iste'dodli vakillaridan biri Atoyidir. U shu davrda yashab ijod qilgan Haydar Xorazmiy, Gadoiy, Sakkokiy, Lutfiy, Durbek, Hofiz Xorazmiy va boshqa shoirlar qatori turkiy adabiyotning rivojlanishiga, keyinchalik Navoiydek buyuk zotning yetishib chiqishiga zamin hozirlaydi. Uning she'rlari o'z davrida Movarounnahr hamda Xurosonda shuhrat topganligi ma'lum. Shoirning hayot yo'li, shaxsiyati haqida de'yarli ma'lumotlar yo'q. Buyuk Navoiy "Majolis un-nafois" ("Nafis majlislar") kitobida shunday yozadi: "Mavlono Atoyi Balxda bo'lur erdi. Ismoil ato farzandlaridindur, darveshvash va xushxulq, munbasit<sup>1</sup> kishi erdi. Turkiygo'y erdi. O'z zamonida she'ri atrok<sup>2</sup> orasida ko'p shuhrat tutti... Mavlono ko'p turkona aytur erdi... qabri Balx navo-hisidadur"<sup>3</sup>. "Muhokamat ul-lug'atayn" asarida turkiy shoirlar Sakkokiy, Haydar Xorazmiy, Muqimi, Yaqiniy, Amiriy va Gadoiylar qatorida Atoyini ham hurmat bilan tilga oladi<sup>4</sup>.

Atoyi g'azallari mavzu jihatdan rang-barang. Ularni quyidagicha tasniflash mumkin: Oshiqona g'azallar. Diniy-tasavvufiy g'azallar. Peyzaj xarakteridagi g'azallar. Sharq lirkasida ishq-muhabbatni kuylash asosiy mavzulardan bo'lib kelgan. Atoyi g'azallarining ham bosh g'oyasi va asosiy ohanglarini ishq va u bilan bog'liq kechinmalar tashkil etadi. Shoир ta'biricha, ishq «gavhari qimmatbaho», «azaliy hidoyat»dir. Atoyi g'azallarida faqat dunyoviy ishq va u bilan bog'liq kechinmalargina kuylangan emas. Haqiqiy ishq kuylangan g'azallar ham bor. Shoир

haqiqiy ishqni kuylaganda go‘zallik, hayot, koinot, inson haqida fikr yuritib, ularni ta'riflaydi va ulug‘laydi. Shoir hayot, umrning o‘tkinchi, g‘animatligini ta'kidlaydi. U Navoiy ta'biri bilan aytganda “majoz tariqi bilan haqiqat asrori”ni kuylagan shoirdir. Uning har bir satridan oshiqligi, darveshligi, dini iymonda sobitligi sezilib turadi.

Dini iymonimdan ayirma, dami oxir meni,  
Ey sanamlar zulfini belimga zunnor aylagan.

Atoyi ushbu baytda oshiqligi dini iymonidan ayirishdan qo‘rqib, ma’shuqaga iltijo qilib munojot qilsa, Navoiy:

Tavqlar bo‘lmish jeli tortarg‘a iymon ahlini,  
Halqalar zanjiri zulfung rishtasi zunnorida<sup>5</sup>

baytida, iymon,din ahlini yorning zulfi halqa bo‘lib tuzoqqa tushurayotganini ta'riflaydi. Bu ikki ramziy o‘xshatishlarning zamirida chin orifona ishq yotadi. Shoirlar shu ishqni ta'riflashda bir xil yo‘ldan borganini kuzatamiz. Yoki bo‘lmasa, Atoyi orifligini:

Jannatda gar tajalli husningni ko‘rmasam,  
Kavsar suvi sug‘olsinu ham hur bo‘lmasin.

ya’ni, jannatga tushib ham senga yetishmasam,jannat suvi qurub, hurler bo‘lmasin. Jannat sen bilan totli, deb izhor etsa, Navoiy:

Ko‘yung borida qilmom jannatga go‘zar hargez,  
Qadding qoshida solmom tubig‘a<sup>6</sup> nazar hargez<sup>7</sup>.

deya yorning ko‘yida o‘rtanmoqni jannatda kezmoqdan ustun bilib, oldida yor bo‘lsa, jannatning eng go‘zal daraxtiga ham nazar solmasligi bilan izhor qiladi.

Tasavvuf lug‘atlarida, xususan “G‘iyos ul-lug‘ot”da “orif” – irfon sohibi, anglagan va tanigan degan ma’nolarda keladi. So‘fylarning nuqtai nazarida irfon Alloh tuhfasi bo‘lgani uchun ilmdan ustun erur. Orif–Allohnning shuhud, asmo va sifotlarini idrok etgan, mavhum borlig`idan kechib, Haq borlig`i ila bor bo‘lgan kishidir. Atoyining ilohiy ishq, tasavvufga bag‘ishlangan bir necha yaxlit g‘azallarida orifona ishq mavjudligi yaqqol ko‘rinadi. Jumladan, “Har necha bo‘lsa yorda kibri anovu martabat”, “Ayoqing tuprog‘i birla qasamkim” satrlari bilan boshlanadigan g‘azallar shoirning tariqatga bo‘lgan munosabatini, irfoniy qarashlarini ifodalishi bilan ahamiyatlidir. Atoyi g‘azallarida majoz va haqiqat o‘ziga xos tarzda uyg‘unlashadi. Majozda oshiqligi va ma’shuqlar haqiqiy insonlar bo‘lib, ularning bir-biriga muhabbat izhori, oshiqligi izziroblari, ma’shuqning tashqi va

ichki go‘zalligi, xarakter hususiyatlari hayotiy tarzda gavdalanadi. Ishqi haqiqiyda esa, oshiqning ilohiy visolga intilishi, murshid va muridlik munosabatlari, faqru fanolik, oshiqni kamolga etkaradigan turli vositalar, so‘fiyona axloq kuyylanadi. Atoyini ba'zi g‘azallarida ma'joziy ishq, ba'zilarida sof ilohiy ishq, ayrim g‘azallarda majoziy ishq bilan haqiqiy ishq qorishib tasvirlanadi. Shoirning ilohiy ishq vasf etilgan g‘azallari majoziy mazmundagi g‘azallaridan ohangi, obrazlari, mazmuni bilan farq qiladi. Bunday g‘azallardagi «xol», «zulf», «gul», «bulbul», «raqib», «may», «mayxona», «dilbar», «husn», «shohid», «oshiq», «ma'shuq» kabi obrazlar o‘zgacha ma'no kasb etadi. Atoyining: “Har necha bo‘lsa yorda kibru anovu martabat, Bandadin olida hamin faqru niyozu maskanat...”, “Ulki derlar jumlai olamda g‘olib husn erur, Muntaxoyi vosili matlubu tolib husn erur...”, “Ayoqing tuprog‘i birla qasamkim, Manga sensiz pari qaysi, sanam kim?”- deb boshlanuvchi uch g‘azali tasavvufiy g‘azallar sifatida talqin etiladi. Ayrim g‘azallarning esa ba'zi baytlari shu ruhda bitilgan.

Atoyi o‘z she'rlarida nozik xayol, sinchkov nigoh, baland did egasi ekanligini namoyish etadi. Go'zal, esda qoladigan o'xshatishlar, kutilmagan mubolag'ali tasvirlar yaratadi. She'rlari ko'proq ishq-muhabbat haqida. Shoir yorning qaddi-qomatini, yuzi, ko'zi, qoshi, sochi, kipriklarini, og'zi, labi, xoli kabilarni ta'rif-tavsif etadi. Ularni sifatlash orqali yorning go'zallikda tengsiz timsolini chizadi. Har daqiqada o'zining ma'shuqaga bo'lган sevgi-sadoqatini izhor yetib boradi. O'zini „qul”, yorni „shoh” ko'rsatish orqali bir tomonidan, go'zal yorga sevgi- sadoqatini bildirsa, ikkinchi tomonidan, bu sevgining tengsizligini („shoh”— „qul”) ta'kidlab turadi. Bu ma'shuqa go'zallikda deyarli hamisha nuqson siz, har jihatdan mukammal bir siymo sifatida namoyon bo'ladi. Shu sababli, ko'pincha, uning jamoli Alloh jamolini esga tushiradi. Shoir goho “husn”ni “Mus'haf” (“Qur'on')ga, “meng” (“xol”)ni oyatga o'xshatib, yor go'zalligini tasvirlashdan maqsad Alloh ekanligiga ishora ham qiladi. Shunday o'rinnarda shoir ishqining ilohiy ekanligi anglashiladi:

Ey mushafi husnung'a menging nuqtasi oyat,  
Islom eliga bo'ldi yuzing nuri hidoyat.

Baytda yor yuzi Mus'haf — Qur'onga o'xshatilgan. Buning zamirida muqaddaslikka ishora bor. Oyat Qur'on suralarining tugal ma'noli jumlesi. Tugagan jumлага nuqta qo'yiladi. Shoir yorning yuzidagi meng (xol)ni ayni shu ma'noda qo'llamoqda.

Navoiyda bunday o'xshatishlar quyidagicha tasvirlanadi:

Orazing zar huqqalardin<sup>8</sup>, ey malohat mash'ali,  
Mus'hafedur lojuvardu oltun oning jadvali.<sup>9</sup>

Ma'shuqaning yuzi go'yoki qimmatbaho toshlar solinadigan porlab turadigan bir narsaki, go'yo Qur'on kitobi-yu, undagi jadvallar lojuvard, dur, oltun bilan chizilganidek. Yorni bu qadar ulug'lash, go'zalligini ko'klarga ko'tarish har ikki shoirda ham o'xhash bir mahorat bilan tasvirlangan.

Atoyining mahorati shundaki, ilohiy tushunchalar qo'llanishi bilan dunyoviy tushunchalar keltirilishi orqali ilohiy ma'no anglashadi. Shoirning oshiqligi shu darajadaki, u ma'shuqasiz hayotdan o'limni afzal biladi va bu gapni chin dildan izhor etadi. G'azalning:

Bu kun vaslingni tark aylab, tilar jannatni zohidlar,

Berurlar nasyag'a naqdni, bu ne nodon xaloyiqtur?

satrlarida so'fiyona ruh yaqqol seziladi. Chunki tariqat ahli, oriflar ya'ni mutasavviflar Allohnin jannatga kirish uchun emas, balki o'n sakkiz ming olamning yaratuvchisi, butun borliqning moyasi bo'lgani uchun, jamolini ko'rish uchun sevish lozim deb hisoblaydilar. Ular qiyomatda yaxshi qismatga ega bo'lish uchun toat-ibodat qilish pora evaziga ish bitirishga o'xhash narsadir, chin muhabbat beg'araz bo'lishi, ya'ni oshiq hech narsa ta'ma qilmay, Yaratganga ko'ngil bog'lashi lozim deb hisoblashadi. Atoyining nazdida jannatga kirish uchun Allohga muhabbat qo'ygan kimsa naqdni nasiyaga almashgan nodon kabitdir. Allohnin jamoli, go'zalligi oldida jannatning chiroyi hechdir. Shu baytning o'zini majoziy nuqtayi nazardan talqin qilish ham mumkin. Mumtoz shoirlarimizning mumtozligi ham shundaki, bir so'z bilan bir necha ma'noni ifodalay olganlar.

Bunday go'zal irfoniy tasvirlar Navoiyda yanayam chiroyli, yanayam ma'noli tasvirlanganki, zohidlarni may ichib mast bo'lishdan ham lazzatli visol borligiga chaqiradi. Bu bilan Navoiy ishqidan ishqida xosga o'tishga ishora qiladi. Haqiqiy ishq bilan hoy-u havasni farqini ochib beradi:

Sen gumon qilg'ondin o'zga jomu may<sup>10</sup> mavjud erur,

Bilmayin nafy<sup>11</sup> etma bu mayxona ahlin, zohido.<sup>12</sup>

Xulosa o'rnida aytadigan bo'lsak, bu ikki ORIFlarning bitmas xazinasini o'rganish, ularni badiiy tadqiq qilish yosh avlodning saviyasini yuksaltiradi, qalbini poklaydi. Atoyi o'z g'azallari bilan har bir qalbga xush yoquvchi tili ravon, serjilo, o'ynoqi baytlarni kitobxon qalbiga joylasa, Navoiy ongni te'ran qiladigan, inson atalmish xilqatning dur-u gavhari bo'lgan qalbining bor-u yo'g'i-ISHQni anglatishga urunadigan lutfi yillardirki umriboqiydir. ularni o'rganish yangi -yangi qalblarni ochaveradi, ishq nurini sochaveradi. Bu ikki shoirning ishqida har ikki jahonga ta'tigulik – oriflar ishqidir. Shu boiski, ishq istaguvchi, ishq bilan payvast qalblar bu she'rlarga qayta-qayta murojaat qilaveradi. Zeroki,

Bo'lmasa ishq, ikki jahon bo'lmasun,

Ikki jahon demaki, jon bo‘lmasun.

### **Adabiyotlar ro‘yhati.**

1. Otoyi. Tanlangan asarlar. T., 1960.
2. <https://www.natlib.uz/search/tot/result?si=TOTAL&st=KWRD&lmtst=&lmtnsn=&lmt0=&q=%D0%9E%D1%82%D0%BE%D0%B9%D0%B8>
3. Атойи лирикаси ҳақида | saviya.uz
4. [https://navoiakm.natlib.uz/search/media/img/CAT000002046408?metsno=000000179200&fileid=M000000179200\\_FILE000001](https://navoiakm.natlib.uz/search/media/img/CAT000002046408?metsno=000000179200&fileid=M000000179200_FILE000001)
5. Alisher Navoiy . Mukammal asarlar to‘plami. 16-jild. –Toshkent, 2000. 35-36-betlar.
6. Berdak Yusuf. Mumtoz adabiy asarlar lug‘ati. Toshkent, 2010
7. Алишер Навоий. Бадойиъул-бидоя. [www.ziyouz.com/ktubxonasi](http://www.ziyouz.com/ktubxonasi)
8. Hayot vasfi. T., 1988.
9. Navoiyning nigohi tushgan. T., 1986.
10. E. Rustamov. Uzbechkay poeziya v pervoy polovine XV veka. M., 1963.
11. Hayitmetov. Navoiy lirikasi. T., 1961.
12. S. Rafiddinov. Majoz va haqiqat. T., 1995.

### **“MAJOLIS-UN NAFOIS” NING BIRINCHI FORSCHA TARJIMASI**

*Zarina Parmonova,  
SamDU 2-kurs magistranti*

**Annotatsiya:** “Majolis-un nafois” asarining dastlabki tarjimalari, xususan, forsiy tildagi tarjimalari. Faxriy Hiraviyning “Latoifnoma”si va “Latoifnoma”dagi qo‘sishimcha majlis tahlili. Hakimshoh Qazviniyning “Hasht behisht”i ,ularning “Majolis un- nafois” dan farqli va o‘xhash jihatlari tahlili.

**Kalit so‘zlar:** Tazkira, 9-majlis, “Majolis-un nafois”, Navoiy, Faxriy Hirotiy, “Latoifnoma” Hakimshoh Qazviniy, “Hasht behisht”, 189-shoir, asliyat, forsiy, turkiy.

**Annotation :**The first translations of the Majlis-un nafois, especially the Persian translations. Analysis of the Honorary Hirawi's Latoifnoma and the Additional Meeting in Latoifnoma. An analysis of Hakim Shah Qazvini's Hasht Behisht, their differences and similarities from Majlis un-nafois.

**Keywords:** Tazkira, 9th session, «Medjlis-un nafois», Navoi, Fakhri Xiroti, «Latoyfnoma» Khakimshaha Kazvini, «Hasht behisht», 189-y poet, original, Persian, Turkish.

**Аннотация:** Первые переводы Majlis-un nafois, особенно персидские переводы. Анализ латоифномы почетного Хирави и дополнительной встречи в латоифнаме. Анализ Хашт Бехишт Хаким Шаха Казвини, их отличия и сходства с Меджлисом ун-нафоис.

**Ключевые слова:** Тазкира, 9-я сессия, «Меджлис-ун нафоис», Навои, Фахри Хироти, «Латойфнома» Хакимшаха Казвини, «Хашт бехишт», 189-й поэт, оригинал, персидский, турецкий.

“Majolis-un nafois” tazkirasi XV asr adabiyoti tarixini o‘rganish uchun eng asosiy manba hisoblanadi va uni tarjimasining zarurati ko‘plab tadqiqotchilar tomonidan ta’kidlab o‘tilgan. Adabiyotshunos olimlarimiz, ustoz Boturxon Valixo‘jayev, Suyuma G‘aniyeva, Dilorom Salohiy va boshqalar o‘zlarining qimmatli adabiy asarlarida ushbu masalaga to‘xtalib “Majolis-un nafois” tazkirasining tarjimalari xususida daqiq ma’lumotlarni aytib o‘tganlar. Mazkur masala bir qancha xorijlik tadqiqodchilarning e’tiborini ham tortgan. Jumladan Eronlik tadqiqodchi, Mashhad Ozod universitetining professori, doktor Rizo Ashrafzoda “Majolis-un nafois”ning tanqidiy tadqiqi nomli maqolasida shunday degan: “Majolis-un nafois” fors adabiyotining eng qimmatli va noyob manbalaridan biridir, shuning uchun uning forscha tarjimalarini o‘rganish va qayta nashr qilish zarur deb bilamiz” [5]. Maqola muallifi “Majolis-un nafois”ning yana bir olamshumul xususiyatiga alohida e’tibor qaratgan. Uning aytishicha, “Majolis-un nafois”ning yuksak bahoga loyiq ekanligini undagi badiiy til jihatidan ham bilib olishimiz mumkin. Bundan oldingi tazkiralarga e’tibor bersak, ko‘p shoirlar haqidagi ma’lumotlar umumiyligi va xalq orasida ommaviy lashgan sodda iboralar bilan bayon etilgan. Ammo Alisher Navoiyning tazkirasi yuksak tarixiy ahamiyatga ega bo‘lganligidan tashqari badiiy til jihatidan ham benihoya muhtasham. Ushbu xususiyatni inobatga olib aytishimiz mumkinki, “Majolis-un nafois” tazkirasidagi shoir va adiblarning barchasi tahsinga sazovor bo‘lgan, zero Hazrat Navoiy tomonidan tanilgan va tariflangan har qanday inson oddiy inson emasligi ma’lumdir [5]. Bundan tashqari yana bir qancha tadqiqodchilar “Majolis-un nafois” tazkirasini o‘rganilishining zarurati xususida fikr bildirganlar. Ko‘rinib turibdiki, “Majolis-un nafois” tazkirasining olamshumul ahamiyati butun dunyo ahli tomonidan e’tirof etilgan va uning har tomonlama o‘rganilishi va tadqiq etilishi hanuzgacha davom etmoqda.

Tadqiqotchilar va tazkirashunos olimlarning fikrlaridan shu xulosaga kelish mumkinki, “Majolis-un nafois” tarjimalarining eng sarasi va eng qadimiysi Faxriy Hiraviy (ba’zi manbalarda Hirotiy) nomi bilan mashhur bo‘lgan Sulton Muhammad Amiriyning tarjimasidir. Faxriy Hiraviy ushbu asarini “Latoifnoma” deb nomlagan. “Latoifnoma” asari “Majolis-un nafois”ning boshqa tarjimalaridan farqi shundaki, muallif unga yana bitta majlis ya’ni to‘qqizinchisini ilova qilgan. Bu majlisda Hazrat Navoiyning ismlari va “Majolis-un nafois”da Navoiy tomonidan ismlari aytilmagan yana 189 ta shoir haqida ma’lumot berilgan. “Latoifnoma”ning birinchi tarjima ekanligini bir qancha tadqiqodlar isbotlab bergen. Mazkur tarjimaning yana bir xususiyati shundaki, u badiiy til va nutq jihatidan ravon va tushunilishi osondir. Biz “Latoifnoma” tazkirasini boshqa tarjimalar bilan solishtirib shu xulosaga keldik. Xususan “Hasht bihisht”, ya’ni “Majolis-un nafois” tazkirasining Hakimshoh Qazviniy tomonidan tarjima qilingan variant bilan solishtirganda, “Latoifnoma”ning nutq va bayon hamda kompozitsiya jihatidan ancha mukammal ekanligiga amin bo‘ldik. Yosh tadqiqotchi Hodi Bedakiyning [6] ta’kidlashicha, Faxriy Hiraviy Qazviniydan farqli o‘laroq asar tarkibining buzilmasligiga va undagi ma’lumotlarni to‘liq forsiyga tarjima qilishga harakat qilgan [6]. Buni biz “Latoifnomadagi” afzallik jihatlaridan biri sifatida qabul qilishimiz mumkin. Chunki tarjima qilingan har qanday asarning asliyatini saqlash uchun uning har bir jabhasiga, eng kichik detaligacha e’tibor berish zarur. Buni tarjima etikasi deb ham baholash mumkin. Aynan shu tarjima etikasiga Faxriy Hiraviy yuksak e’tibor bilan qaragan. “Latoifnoma” ning yana bir diqqatga sazovor jihat shundan iboratki, u “Majolis-un nafois”ning keying davrlarda amalga oshirilgan tarjimalari uchun namuna vazifasini o‘tagan. “Arofat ul-oshiqin”, “Riyoz ash-shuaro”, “Haft iqlim” (Yettim iqlim), “Xulosat ul-ash’or” va “Xazinayi ganji ilohiy” kabi asarlarning muallifi o‘z asarlarini “Majolis un-nafois” va “Latoyifnoma” tazkiralari ta’siri ostida “Az-zaria”, “Farhangi suxanvaron”, “Torixi nazmu nasri forsiy” (Frosiy nazm va nasr tarixi) va “Torixi adabiyot dar Eron” (Eron adabiyoti tarixi) kabi asarlar misolida ko‘rishimiz mumkin.

Hozirgi kunlarga qadar “Latoifnoma” tazkirasining tadqiqi davom etmoqda, ammo uning o‘rganilmagan va tadqiq etilmagan tomonlari haligacha juda ko‘p. “Latoifnoma” tazkirasini biz eng nodir asarlar qatoriga kiritishimiz mumkin, chunki uning faqatgina qadimiy nusxalari mavjud bo‘lib, uning oxirgi nusxasi bir necha yil oldin (1945-46 yillar) bir marotaba eronlik adabiyotshunos Aliasg‘ar Hikmat tomonidan nashr etilgan, ammo u ham mukammal emas. “Latoifnoma” tazkirasini namunali va eng mukammal nusxasini (bir nechta qadimiy nusxalardan foydalangan holda) nashr etish va uni kirill yozuvidagi transliterasiyasini nashr qilish, hamda o‘zbek tiliga tarjima qilish va uni o‘zbek adab ahli e’tiboriga havola etish zarur deb bilamiz.

### Foydalangan adabiyotlar:

1. Valixo‘jayev B. O‘zbek adabiyotshunosligi tarixi, Toshkent 1993.
2. Sirojiddinov Sh. Alisher Navoiy. Manbalarning qiyosiy-tipologik, tekstologik taxlili. - T.: Akademnashr, 2011.
3. G‘aniyeva S. “Majolis un-nafois”ning forsiy tarjimalari” // Alisher Navoiy va fors-tojik adabiyoti konferensiyasi materiallari. 2002, 30- yanvar.
4. Sirojiddinov Sh., Yusupova D., Davlatov O. Navoiyshunoslik. Darslik. - T.: TAMADDUN, 2018.
5. [www.SID.ir](http://www.SID.ir)
6. <https://mashhad.academia.edu>

## ALISHER NAVOIY SHE`RIYATIDA FOLKLOR AN`ANALAR

Mashhura TOSHQUVATOVA  
SamDU talabasi

**Annotatsiya.** Ushbu maqola Alisher Navoiy ijodida folklor an`analarining tutgan o‘rnining tadqiqiga bag`ishlangan. Sharq mumtoz adabiyotida insonlarni tarbiyaga, odob-axloqqa chorlovchi g`oyalar asosidagi asarlar yaratiladi. Bu kabi asarlar xalq og`zaki ijod namunalarini o‘zida mujassam etgani bilan o‘ziga xos xususiyatga ega bo‘ldi. Davrning mashhur ijodkorlaridan biri Alisher Navoiyning adabiy merosi hozirgi kunga qadar turli nuqtai nazarlarda, turli darajalarda talqin qilinib kelindi. Shoир aksariyat asarlarida hamma uchun ma`lum bo‘lgan xalqona ohanglardan foydalandi. Shuningdek, asarlarining asl mazmun mohiyat insonlarni komillikka chorlash bo‘lganligi uchun ham katta e`tiborga molikdir.

**Kalit so‘zlar:** mushtaraklik, obi hayot, maqol, payg`ambarlar timsoli, g‘oya, badiiyat.

Insonlarning qalbiga kirib borish, ruhiyatiga ijobiy ta`sir qilish, ya’ni ta’bini kamolga yetkazish badiiy adabiyotning asosiy maqsadidir. Badiiy adabiyotning xoh og`zaki, xoh yozma turi bo‘lsin inson dunyoqarashining shakllanishi uchun xizmat qiladi. Insoniyat tamadduni bayoti bo‘lgan og`zaki adabiyot unsurlaridan yozma adabiyotning bahramandligi badiiyatni xalq qalbiga joylash va inson kamoloti yo‘liga qaratilgan mumtoz an`analardan biridir. Ulug` mutafakkir Alisher Navoiy ijodida ham qadimgi mifologiya va afsonalar chuqur iz qoldirgan. Alisher Navoiy mif va afsonalar bilan turli manbalar orqali tanishgan edi. Bu manbalar tarix kitoblari, ilmiy asarlar, badiiy adabiyot, diniy kitoblar va boshqalardan iboratdir. Alisher Navoiy mif va afsonalar bilan bevosita tanish bo‘lishida

ayniqsa, “Shohnoma” asari alohida o‘rin tutadi. Chunki “Shohnoma” asarining yaratilish manbalari asosini xalq mifologiyasi, xalq og`zaki ijodi tashkil qiladi.

Alisher Navoiy asarlarida ko‘pincha payg`ambarlar timsoli tasviri talaygina. Buni Iso, Xizr timsoli misolida ko‘rishimiz mumkin. Ayniqsa, “Xamsa” dostonlarida eng ko‘p uchraydigan payg`ambarlardan biri Xizr payg`ambardir. Xizr bilan bog`liq tiriklik suvi haqidagi baytlar anchagina. Ko‘pgina manbalarda Xizr payg`ambar, ba`zi o‘rinlarda avliyo, ba`zan esa mifologik obraz tarzida talqin etiladi. Bizningcha, Xizr ega bo‘lgan “obi hayot”, “tiriklik bulog`i” tushunchalari mifologik tasavvurlar bilan bog`liq. Hayot suvi, “obi hayot”, uning zulmat olamida ekanligi, bu suvni Xizr, Ilyos va Iskandar izlagani haqidagi tafsilotlar manbalarda qayd etilgan. Obi hayot haqida N. Komilov shunday yozadi: “Hayvon suvi deb go‘yo odamzod ichganda abadiy umr topadigan afsonaviy yer osti mamlakatining chashmasini ataganlar. Tasavvufda u ishq-muhabbat bulog`i, haqiqat nurining manbaini anglatadi”. “Sab`ayi sayyor” asaridagi Xizr talqiniga nazar tashlasak unda shunday bayt bor:

Qora shol ichra o‘ylakim, zulmot,

Xizrdek no‘sh qildi obi hayot. [1]

Bu hikoyat Hindiston shohi Jasratxonning o‘g`li Farrux sarguzashtlari haqida. Farruxning tushida parimonand qizni ko‘rib sevib qolishi, uni izlab Quds, Halab shaharlariga borishi, Halabda Axiy ismli badavlat mehmondo‘s, saxiy kishi bilan uchrashishi, ishq izardorlarini gapirib berishi, sevib qolgani Axiyning xotini ekanligi, Axiy xotinini taloq qilib, Farruxga nikohlab berishi, keyinchalik Farrux voqealardan xabardor bo‘lib, u bilan aka-singil tutunishi voqealari yaxshilik bilan yakun topishi tasvirlanadi. Yuqoridagi misralarda Axiyning o‘z xotini bilan qayta topishishi, go‘yo Xizr obi hayotni topganiga qiyoslanmoqda. Qora shol – zulmat ifodasi. Chunki Farrux ham, Axiy ham qiyin holatda qolganda qora sholga o‘ranib, g`ariblar makonidan qaror topishadi, bir-birlarini shu holatda uchratishadi. Obi hayot-sevimli yor. Axiy uzoq ayriliqdan so‘ng topgan xotini–Gulchehrasi. Demak, zulmat, Xizr, obi hayot, qora shol, Axiy va uning yori tarzida qiyoslangan.

Asarda Xizr obrazi bilan aloqador o‘rinlar ko‘p. Shoir Bahromning ruhiy holatini tun zulmatiga o‘xshatgan va ana shu qorong`ulik o‘z bag`rida obi hayot chashmasini jo etgan zulmatdan ko‘ra dahshatliroq ekanligi tasvirlangan. Bundan shoirning talmeh san`atini qanchalik mahorat bilan foydalanganligini ko‘rishimiz mumkin:

Bari olam yuzin tutib zulmat,

Lek mumkin yo‘q anda obi hayot.

Ming Xizr anda gar makon aylab,

Borisig`a haloki jon aylab.

Bo‘lubon charx javfi qiyr andud,

Elga aylab nafas yo‘lin masdud .  
Dam yo‘li chun tutuldi qiyr ila pok,  
Ne ajab anda Xizr bo‘lsa halok.  
Balki zulmat emas edi ul tun,  
Hajr o‘tidin tutub jahonni tutun. [2]

Bu dostondan parchada shoir: “Barcha olamning yuzini zulmat qoplaganiligi sababli obi hayot yo‘q edi, agar u o‘z nafasini yubormasa, mingta Xizr makon qilsa ham, o‘z jonini qurbon qilsa ham, dunyo jabr chekardi. Nafasi tutilganligi sababli Xizr halok bo‘lishi mumkinmi. Balki u tunda zulmat emas hajr sababli o‘t chiqib jahonni tutun qoplagandir. “Bu o‘rinda yer ostida, zulmat dunyosida joylashgan deb tasavvur qilinadigan hayot suvi chashmasi va uni izlab Xizrnинг quyi olamga safar qilishi to‘g`risidagi mifologik afsonaning badiiy talqinini ko‘rib turibmiz. Xalq qarashlariga ko‘ra, Xizr abadiy barhayotlikka erishgan mifologik personaj. Uning hech qachon o‘lmasligi, ya`ni barhayotligiga sabab bo‘lgan narsa yer qa`rida oqib turgan tiriklik suvi “obi hayot “( uni “ obi hayvon “ deb ham ataydilar) ni topib ichganlidir.

Xalq maqollari Alisher Navoiy uchun ma`no va ifoda maktabi bo‘lgan deyish mumkin. Ulardagi ixchamlik, soddalik zamiridagi mazmun ko‘lami, qatrada olamni jamlash xususiyati ulug` shoirni, albatta, ilhomlashtirgan va bu ilhom samarasi, ayniqsa, “Mahbub ul-qulub” asarida yorqin ko‘ringan. Navoiy asarlarida maqollardan foydalanish bilan birga o‘zi ham chuqur mazmunli shohbayt va shohmisralar ijod qilgan. Shoirning “Tilga ixtiyorsiz, elga e’tiborsiz“, “Chin so‘z mo‘tabar, yaxshi so‘z- muxtasar” kabi hikmatli so‘zlari hozirga kelib xalq tilida maqolga aylangan. Alisher Navoiy asarlarida asosan pand-nasihat, o‘git, hikmat, tanbeh so‘zlar ko‘p uchraydi. Ammo shoir “Mahbub ul-qulub” da tanbeh kalimasiga alohida e`tibor qaratadi. Shoir bu kabi tanbehlarda asosan til odobi, tilni tiyish foydalari haqida aytib o‘tadi. Asarda keltirilgan tanbehda: “Yamon tillik andoqkim, el ko‘ngliga jarohat yetkurur, o‘z boshiga ofat yetkurur”, -deb aytib o‘tgan. Bu xalq orasida: Til yomoni boshga sirtmoq solar, Til uzuni bosh yeydi, kabi izohlanadi. Mutafakkir shoirning maqollardan ta`sirlanishi hamda ulug` shoir hikmatlarining maqolga ko‘chishini tadqiq etish bevosita xalq og`zaki ijodiga ta`sir etish tamoyillarini nazariy jihatdan hal etishda muhim ahamiyat kasb etadi.

Alisher Navoiyning deyarli barcha asarlarida-she`riyat va epik ijodida xalq hikmatlarining qo‘llanishi badiiy nafosat darajasiga ko‘tarilgan.

Yetti jon og`zimakim chiqmas uyidin ul hur:  
“Chiqmag` on jonga umid “- Ushbu masaldur mashhur. [3]

Shoir bu baytda: “Jonim og`zimga kelsa ham u hur(pari) chiqmaydi, shunday bo‘lsada ”chiqmagan jondan umid“, -deb shoir yoridan umid uzmaydi.“ Chiqmagan jondan umid” degan xalq hikmati hozir ham xalq orasida keng

foydalilanidi. Ushbu maqol lirik qahramonning ruhiy dunyosini yaxshiroq tasvirlashda juda qo‘l kelgan.

Maqolning shakli saqlangan holda baytning har bir misrasida qo‘llanishi juda kam tarqalgandir. Buni quidagi g`azalda ko‘rishimiz mumkin:

Olam ahli bilingizkim:”Ish emas dushmanlig”,

Yor o‘lung bir-biringizg`aki:“Erur yorlig` ish”.

Bu g`azal shoirning olam ahliga murojaati bilan boshlanadi, ya`ni: “Olam ahli shuni bilingki, dushmanlik bu ish emas, balki, bir –biringgiz uchun yor-birodar bo‘ling”. Bu baytda shoir asrlar qa`ridan kelajakka yuzlanib,turli-tuman xatarlar va tahdidlarni oldindan ko‘ra olgan, insoniyatni to‘g`ri yo‘lga solishga intilgan bu buyuk mutafakkirning asarlarini o‘qisak, bugungi murakkab muammolar yechimiga yo‘l topgandek bo‘lamiz. Bu kabi mavzular hozir ham juda dolzarb.

Yerdin desa qozib chiqoray: “Yer erur qotiq “,-

Ko‘k konidin desaki olay: “Ko‘k yiroq erur”. [4]

Baytda shoir “Osmon yiroq, yer qattiq” maqolidan foydalangan. Ya`ni: yer qanchalik qattiq bo‘lmasin, osmon qanchalik uzoq bo‘lmasin baribir yor- birodar bo‘lish kabi g`oyani ilgari surilgan. Bu g`azalda “Ish emas dushmanlig, yorlig` ish”, “yer qattiq, ko‘k (osmon) yiroq “ maqollari shaklini saqlagan holda berilgan.

Navoiy she`riyatida maqol yoki matalning mazmuni she`r vazni talablariga ko‘ra baytga singdirib yuboriladi, natijada ma`lum bir maqol, matal mazmuni zaminida yangicha shaklda ifodalangan hikmatli so‘z yuzaga keladi. Shuning uchun ham matnda xalq maqoli keltirilayotgani yaqqol sezilib turadi. Maqol mazmunidan foydalanim yangidan ijod qilingan hikmatli so‘zlar Alisher Navoiyda tez-tez uchraydi:

Zumurrad qadri bor oz ersa, lekin

Xush ermas behadu poyon zumurrad.

Bu g`azalda:“Agar zumrad toshi oz bo‘lsa, qadri bo‘ladi. Lekin zumradlar behad-cheksiz bo‘lsa qadri bo‘lmaydi”. Ya`ni, insonlarning bir – biriga bo‘lgan mehri me`yorida bo‘lsa,qadri bo‘ladi, ko‘payib ketsa yoki haddan oshib ketsa odamlar orasida qadrsiz bo‘lishi mumkinligi nazarda tutilgan.Bu baytda insonlarga xos yaxshi hislatlar zumradga qiyoslangan.

Yuqar yomonlig` angakim , kirar yomon el aro,

Ko‘mur aro ilik urg`on ilur ilgini qaro. [5]

Baytda: “Agar el orasiga yomon odam bo‘lsa,uning yomonligi elga ham yuqadi, xuddi, qo‘lni ko‘mirga tekkizganimizda qo‘limiz qora bo‘lganidek. “ Xalqimizda: “Qozonga yaqinlashsa, qorasi yuqadi, yomonga yaqinlashsa, balosi yuqadi”, -degan maqol mavjud. Bu baytda birinchi misrasining izohi sifatida ikkinchi misrada maqol qo‘llangan. Navoiyning bu kabi g`azallarida irsoli masal yoki tamsil kabi badiiy san`atlar asosan parallellizm usuli bilan bиргаликда

qo'llanadi. Shoir o'zi ifodalamoqchi bo'lgan fikrni dalillash uchun maqollardan foydalangan.

Navoiy she`riyatida xalq og`zaki ijodi namunalari keng foydalanilishining asosiy sababi shoir doim xalq bilan hamnafas bo'lgan, uning dardi bilan yashagan va bu asarlarining ta`sirchanliligini oshirgandir. Shoir xoh payg`ambarlar haqida so'z yuritsin, xoh oddiy iboralarni she`rlarida qo'llasin birdek betakordir. Navoiy she`riyatini tushunish juda murakkabdir. Ul zotni anglash o'zlikni anglash bilan barobardir. Shoirning shunday misralari mavjud:

Odamiy ersang, demagil odamiy,

Oniki, yo'q xalq g`amidin g`ami.[6]

Agar sen inson bo'lsang, xalq g`am –tashvishi bilan birga bo'l, yo'qsa seni odam deb atab bo'lmaydi. Chunki, ushbu satrlar davrimizning shoirga, har bir vatandoshimizning faoliyat mezoniga aylanmog`i lozim. Haqiqiy inson faqat o'zinigina emas atrofidagi insonlar haqida qayg`urganligi sababli ham boshqa jonzotlardan ajralib turadi. Zero, Inson bu olamning gultoji ekan doim odamiyligi, iymoni, aql-zakovati bilan boshqa jonzotlardan farq qilishi lozim.

### **Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. Alisher Navoiy. Sab`ayi sayyor.-T: G` .G`ulom nomidagi NMIU,2006. 20-bob.154-bet.
2. Alisher Navoiy. Sab`ayi sayyor. (nasriy bayoni bilan). Tahrir hay`ati: A.Qayumov va boshq. -T: Adabiyot va san`at, 1991. 16-bob.
3. Alisher Navoiy.Navodir ush-Shabob.-T:G` .G`ulom nomidagi NMIU,2006.
4. Alisher Navoiy.Xazoyin ul- maoniy.G` aroyib us-sig`ar.-T: Fan.1989
5. Alisher Navoiy. Favoid ul-Kibar. 1-qism. -T: G` .G`ulom nomidagi NMIU, 2006.
6. Alisher Navoiy. Hayrat ul-abror. -T: Fan.1991.

## **ZAHIRIDDIN MUHAMMAD BOBUR SHAXSIYATI VA FAOLIYATIDA JAVONMARDLIK SIFATLARINING NAMOYON BO'LISHI**

*Muhayyo NURITDINOVA,  
SamDu magistranti*

**Annotatsiya:** Zahiriddin Muhammad Bobur shoh va shoir bo'lish bilan birlgilikda tariqat vakillaridan biridir. Ijodi va faoliyatida naqshbandiya tariqatiga amal qilib yashadi. Tariqat vakilariga xos bo'lган javonmardlik sifatlarini ko'rsata oldi. O'z aybini ochiqdan ochiq tan olib, o'zini kamtarin tutish bilan malomatiylik

sifatlarini ham namoyon qildi. Qiyinchilikda toblangan ruhi har doim ezgulikka intildi, dushmanlariga ham do'stlik qo'lini cho'zadigan haqiqiy javonmard insonligi tarixan bizga malum.

**Kalit so'zlar:** Javonmard, futuvvat, naqshbandiya tariqati, malomatiya suluki, kamtarlik, shoh va shoir.

Zahiriddin Muhammad Bobur ijodiga chuqurroq kirib borgan sari uning yangi dunyosini kashf qilamiz. Bobur faqat shoh va shoir emas, shoh desak shohlikdan ham, shoir desak shoirlidkan ham ustun bo'lga qalb dunyosiga egadir. Bobur "siyratida javonmardlik sifatlari bilan tug'ilgan inson" [6,104]. Javonmardlik tushunchasining ta'rifi va shartlarini sanab o'tsak, uning hayoti va faoliyati javonmardlik bilan yo'g'rilganining guvohi bo'lamiz.

Tasavvufda jamiyat manfaatini o'z manfaatlaridan ustun biluvchi futuvvat (javonmardlik) yo'nalishiga mansub kishi fato yoki javonmard deb atalgan [5,105]. "Javon" - yosh, baquvvat, jonzotlarning yoshi, navjuvoni, "mard" - inson hamda er, kishi ma'nosini anglatgan. Javonmardlik so'zi futuvvat so'zi bilan yonma-yon teng ishlatilgan. "Futuvvat" so'zi ham lug'aviy jihatdan yoshlik, yigitlik, oliyjanoblik ma'nosini anglatgan [7,143]. Yosh yigitni fatiy deyishgan. Lug'aviy jihatdan "yosh yigit", "kishi" ma'nosini anglatgan ushbu so'z istilohda juda keng qamrovlidir. Istiloh sifatida javonmard deb, omma orasida yaxshi sifatlar va namunali axloq bilan mashhur bo'lishni aytadilar, shu vajdankim, bunday odam hamisha axloqi bilan o'z kasbdoshlari, toifa-tabaqasi orasida mumtoz bo'ladi [4,16].

Javonmardlik- barcha insonlarga yaxshilik qilish, ortiqcha mol-dunyoga ruju qo'ymaslik, o'z qo'li kuchi, ko'z nuri evaziga kun kechirish, birovlarining dardiga darmon bo'lish, iloji boricha qo'lga kiritgan nonini yarmini bir muhtojga berish, dilozor bo'lmaslik, farz va sunnatlarni birovga ko'rsatish uchun emas, balki qalbdan xufya bajarishni tashkil etadi [8,180]. Tasavvuf allomalaridan Hakim at-Termiziyy "Javonmardlik- ya'ni saxiylik uldurkim, kelaturg'on va qoshida turg'oni ehson qilurda yakson bo'lg'ay", - deya ta'rif beradi" [9,30]

Garchi Boburning butun hayoti va faoliyati davlat ishlari, jang va siyosat maydonlarida kechgan bo'lsa-da, Ollohga muhabbat va unga chin e'tiqot bilan yashadi. Boshqacha qilib aytganda, o'zining tanlagan tariqatidan bir zum ham og'ishmadi. Bahouddin Naqshbandiyning "Dilba yor-u dasba kor" shiorini butun hayotining amaliga aylantirdi. Shundan ham uning naqshbandiya tariqatining vakili ekanligini anglashimiz mumkin.

XVI asrda yaratilgan tazkiralardan Hasanxo'ja Nisoriyning "Muzakkiri ahbob"ida Boburning tasavvufiy qarashlari, kimlarga ixlosmand ekani haqida shunday deydi: "Oliy mansabligiga qaramay niyoz boshini darveshlar tomon o'girgan edi va o'zini ular vujudidan ehtiyojsiz sezmasdi. Va hazrat Xojayı

buzrugvor Bahouddin Naqshbandiyning ulug‘ xonadoniga mehr hamda Xoja Ahrorning majid avlodiga bo‘lgan muhabbat urug‘ini pursokin siynasi mazra’siga qadagan edi” [10,56]. Boburning Xoja Ahror xonadoniga hurmatining balandligi, Hazrat eshon Ubaydulloxonni o‘ziga pir tutishining sabablaridan yana biri otabobolari azaldan shu tariqat vakillari edi. O‘zining tili bilan “Boburnoma” asarida aytganiday otasi “hanafiy mazhabliq, pokiza e’tiqodliq kishi edi, besh vaqt namozni tark qilmas edi... Hazrat Xoja Ubaydullog‘a irodati bor erdi, suhbatlarig‘a bisyor musharraf bo‘lub edi. Hazrat Xoja ham farzand deb erdilar”. Hatto Boburning ismini Xoja Ubaydulloxon “Zahiriddin Muhammad ismi bilan musharraf qilgan” [3,250]liklari tarixan ma’lum.

Bobur nomigagina naqshbandiya tariqatiga amal qilmadi. U bu tariqatning yorqin namoyondasi sifatida javonmardlik ko‘rsatdi. Bizga ma’lumki, tasavvuf yo‘liga kirgan har bir solik o‘z maqsadiga erishish yo‘lida turli qiyinchiliklar va mashaqqatlarni bosib o‘tishi kerak. Boburning hayotiga nazar tashlasak hech qaysi solikda uchramaydigan qiyinchiliklarga ham o‘zining javonmardligi bilan yengib o‘tganining guvohi bo‘lamiz. Tasavvufda qiyinchilik va mashaqqatlar muridni poklovchi omildir deyiladi. Naqshbandiya tariqatiga muridga safarga chiqish ham aytildi. Zero, musulmonlar amiri Hazrat Ali aytganlariday “Safar- do‘zaxning bir parchasi”. Do‘zaxda turli azob uqubatlardan so‘ng inson poklanganiday, safardagi qiyinchiliklar ham muridni poklaydi. Mirzo Haydarning “Tarixi Rashidiy” asarida Boburning Shayboniyxondan yengilib Farg‘ona tog‘lariga ketib, ko‘plab qiyinchilik va mashaqqatlarni boshidan kechirganini aytib: “... makkor falakning zulumkorligiga ko‘ra har bir aziz va gavhar kabi pok kishilar uchun tayyorlagan jafokirligi va dushmanligi, xorlikka solishlari qancha bo‘lsa, ularning hammasini ana shu safarda Bobur podshoh va uning safdoshlari boshida yog‘ildi”, - deydi. Bobur irodasini do‘zaxning parchasi ham sindira olmadi, balki shijoatini alanga oldirdi. Ana shu qiyinchiliklar samasi o‘laroq, o‘zi aytganiday u qaytadan paydo bo‘ldi:

Shodlig‘ni-yu farog‘atni qo‘yub, oshiq bo‘lub,

Mehnat-u g‘amni qilib men o‘zuma paydo yana. [2,53]

Tasavvufning qaysi yo‘lidan bo‘lishidan qat’i nazar barcha tariqat vakillarining maqsadlari bir- Ollojamoli. Bu uchun ularga javonmardlik daraxtining idizi- pok muhabbat bo‘lmog‘i zarur.

Boburda ana shu muhabbat mavjud edi, lekin bu muhabbatga osonlikcha yetishmadi. To o‘zini g‘am-u mehnatda toblab, qiyinchiliklar natijasida soflanmaguncha ishq ham tashrif buyurmadi:

Kelmadi ko‘nglumga ishqining sururu davlati,

To o‘zumni mehnat-u g‘amg‘a sazovor etmadim.[2,39]

Javonmardlikning asl manbai pok muhabbat Bobur ijodining asosiy mazmunini tashkil qiladi. Bundan tashqari javonmardlar muayyan qoida talablaridan bo‘lgan ma’naviy va jismoniy yetuklikka intilishlari, qayerdaki bo‘lmasinlar nima ish bilan shug‘ullanmasinlar, mardlik va olivyjanoblilik namunasini ko‘rsatar, zulm va haqsizlikka qarshi kurashardilar. Yordamga muhtojlarga g‘amxo‘rlik qilardilar. Bobur hayot yo‘liga nazar solgan kimsa borki, shoh bo‘la turib ham muhtojlarga g‘amxo‘rlik qilish sifatlaridan xoli emasligining guvohi bo‘ladi. Xususan, xolasining o‘g‘li Mirzo Haydar otasi va yaqinlaridan ayrilib, Bobur podshoh oldiga kelganda otalarcha munosabatda bo‘lgani “Tarixi Rashidiy”da ham o‘z tasdig‘ini topgan: “Shunda u menga bu gapni aytdi: “Sening otang, pochcham, mening tog‘am- xon, aka-ukalaring, qarindosh urug‘laring shahidlik sharbatini ichib, Allohga shukurki, sen yonimga eson-omon kelding. Endi ulardan ayrilganingga hech g‘am chekma, chunki ularning o‘rnini ortig‘i bilan bosaman. Ulardan qanchalik mehr-muhabbat va rahm-shavqat kutish mumkin bo‘lsa, shularning hammasini, hatto, undan ham ko‘pini senga beraman”.

U mudom mehribonchilik bilan boshimni silab, goh iltifot bilan, goh qat’i amr bilan meni ilm egallashga undardi. Agar ozgina bilim egallaganimni sezsa, u yanada iltifotiroq bo‘lib, hammaga bu haqida gapirar va meni ruhlantirishni talab qilardi. O‘sha o‘g‘ir paytlarimga u menga shunday mehr-muhabbat va rahm-shavqat ko‘rsatdiki, faqat mushfiq ota-onalargina o‘z farzandlariga shunday muomalada bo‘lishlari mumkin. Podshohning mehribonchiliklari tufayli hech qachon g‘am-g‘ussa-yu baxtsizliklarga to‘la kunlardan iborat bo‘lgan davrni esga olmadim.... Qisqasi, saboq olish paytimdan tashqari biror lahza ham yonidan jildirmas, darsdan bo‘shasam meni olib ketishga odam yuborar, shu taxlit mudom otalarcha g‘amxo‘rlik qilardi” [3,344-345].

Ammo Bobur “Boburnoma”sida bu joylarni kiritmaydi. Bu esa uning kamtarligidan nishona. Haqiqiy naqshbandiya tariqatidagi javonmard qilgan yaxshilagini unutadi. Uni elga oshkor qilmay, xilvatda saqlaydi. Bobur ham naqshbandiya tariqining vakili sifatida umri davomida kamtarlik ruhi bilan yashadi. Falak uni sarafroz etganda ham shod bo‘lmadi, zero o‘zi aytganday qancha falak ko‘kka ko‘tarsa, shuncha yerga ham uradi:

Sarafroz etsa dahr shod o‘lma,  
K-oxirul-amr poymol qilur.[2,24]

Butun umri davomida kamtarlikni kasb etgan shoir ijodida bunday mazmundagi she’rlar bisyor. U nafaqat o‘ziga, do‘s-t-dushmanlariga ham bu aldamchi dunyo bir necha kun seni ko‘kka ko‘targani bilan g‘am yema-ki, oxiri chiqqan joydan tushish bor deydi. Ruboilyari misolida ham buni ko‘rishimiz mumkin:

Dushmanniki, bu dahr zabardast qilur,

Naxvat mayidin birnecha kun mast qilur.

G‘am yemaki, yetkursa boshini ko‘kka,

Oxir yana yer kibi oni past qilur. [2,71]

Bobur hayot yo‘liga nazar tashlaganimizda kamtarlik bilan birga o‘zini malomatiy tutish hollarining guvohi bo‘lamiz. Bobur o‘z faoliyatiga ham adolat ko‘zi bilan qarab xolis baho beradi. O‘zining hatto nuqsonlarini ochiq aytishdan tortinmaydi. Uning qalbi, ruhiyati eshigi barcha uchun ochiq; kitobxon nazaridan yashirib qo‘yilgan sir-u asror yo‘q. O‘z ijodida kitobxonidan yashirmay xatosi va undan pushaymonligini ochiqdan ochiq aytadi:

Qotingda agar gunoh gohi qildim,

Yuz qotla nadomat bila ohi qildim.

Qildim yomon-u asru tabohi qildim,

Lutfing bila sen kechur- gunohi qildim. [2,85]

Bobur shuncha buyuk ish qilgan bo‘lishidan qat’i nazar o‘z ishlaridan ko‘ngli to‘lmaydi, hamma vaqt o‘zidan kamchilik qidiradi:

Besabrmen-u besar-u somondurmen,

Bir g‘amzadadurmen-u parishondurmen.

Ne dinning ishin qildim-u ne dunyoning,

Yo rab, netay o‘z ishimga hayrondurmen. [2,91]

Bunday yo‘l naqshbandiyaning shakllanishida muhim rol o‘ynagan malomatiya sulukiga taalluqli. Haqiqiy malomatiy uchun tahsin bilan ta’na - ma’lomatning farqi yo‘q. Bobur ham xuddiy shunday malomatiylardan. U inson zotiga xos bo‘lgan maqtovga o‘ch emas. U uchun xalqining ta’nasi ham maqtovga teng:

Ulusning ta’n-u ta’rifi manga, Bobur, barobardur,

Bu olamda o‘zumni chun yamon-yaxshidin o‘tkardim. [2,39]

Javonmardlik Boburning nafaqat hayot yo‘lini balki, ijodi yo‘lini ham tashkil qilishining guvohi bo‘ldik. Ayniqsa shoir umrining keyingi yillarida ko‘proq dunyoning o‘tkinchiligi haqida yozib, bundan oldin yozgan ayrim hazil va hayosizroq she’rlari uchun pushaymonligini aytadi. Shoir umrini mastlikda o‘tkazgan damini behudalik hisoblab, shuncha vaqt o‘z holatini anglamay yashagani uchun o‘tgan umrini g‘aflat uyqusida o‘tgan deb biladi. Mast bo‘lib umrini behuda o‘tkazgani, har doim g‘aflat uyqusida yotganidan pushaymon qiladi. Endi bundan buyon murodga yetishning yo‘li bodani tark etib, xushyor yurishdir:

Mastu behudliq bila umrungni o‘tkarding, darig‘,

Ey ko‘ngul, mundin bori bo‘l bir nima hushyorroq.

G‘aflat uyqusidin uyg‘on, gar tilar bo‘lsang murod,

Kim, yetar maqsadg‘a har kim bo‘lsa ul bedorroq. [2,32]

Xullas, futuvvat – mardlik tariqati, o‘zaro yordam, muruvvat va mehribonlik ko‘rsatish, fidoyilik va fidokorlik ilmidir. Javonmard odamning so‘zi ham, ishi ham, niyati fikrlari ham, pok bo‘lgan. Ular xalqimiz axloqini tarbiyalashga katta xizmat qilganlar. Javonmardlar axloqi bizning milliy axloqimizga aylanishi kerak, chunki futuvvatning ko‘p jihatlari odamlarimiz orasida to hanuz yashab kelmoqda. Zahiriddin Muhammad Bobur ham butun hayoti davomida ana shunday ilmlarga amal qilib yashadi va bu ilmlarni kelajak avlod uchun ham qoldirdi. Biz ham buyuk ajdodlarimiz e’tiqod qilib kelgan milliy axloqimizni ko‘z qorachig‘imizday asrashimiz va kelajak avlodga ham yetkazishimiz zarur. Zero, Fariddin Attor aytganiday:

Ko‘ngil ko‘zi futuvvat birla ravshan.

Va jon bog‘i futuvvat birla gulshan.

Agar sen ushbu ilmni zabit etarsan,

Safo oftobiday balqib ketarsan. [4,15]

### **Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:**

1. Захириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома.-Т.: Юлдузча, 1989.
2. Захириддин Муҳаммад Бобур. Девон. Тошкент, Фан, 1994.
3. Муҳаммад Ҳайдар Мирзо. Тарихи Рашидий.-Т.: Шарқ, 2010.
4. Ҳусайн Воиз Кошофий. Футувватномаи султоний.-Т., 2011.
5. Комилов Н. Тасаввуф.- Т., 2009.
6. Исҳоқов Ё. Нақшбандия таълимоти ва ўзбек адабиёти.-Т., 2002.
7. А. Навоий асарлари лугати.-Т.: F. Ғулом номидаги адаб. ва сан. нашрёти, 1972.
8. Ҳомидий Ҳ. Тасаввуф алломалари.-Т.: Шарқ, 2009.
9. Увватов. “Ал Ҳаким ат-Термизий”.-Т., 2001.
10. Ҳасанхўжа Нисорий. Музаккири аҳбоб. Т.: Халқ меъроси, 1993.

## **“ISKANDARNOMA” VA “SADDI ISKANDARIY”DA ADOLAT MASALASI**

**The question of justice in “Iskander-name” and “Saddi Alexandria”**

*Umida OTAYOROVA  
SamDU magistranti  
[umida.bolibekovna@gmail.com](mailto:umida.bolibekovna@gmail.com)*

**Annotatsiya.** Ushbu tezisda Alisher Navoiy va ustozি Nizomiy Ganjaviyning adolat borasidagi mulohazalari Iskandar haqidagi doston misolida talqin etilgan.

**Kalit so‘zlar:** podshohlik, adolat, saxovat, ezgulik, mulk-u mamlakat obodligi, hikoyatlar.

**Annotation:** In this thesis, the notions of Alisher Navoi and his mentor Nizami Ganjavi about justice are interpreted in the example of the epic about Alexander the Great

**Key words:** Kingdom, justice, generosity, kindness, property and the prosperity of the country, stories

Hazrat Navoiy o‘z asarlarida yuksak insoniy fazilatlar: adolat, vijdon, qanoat, shijoat, rostgo‘ylik, hilm kabi fazilatlarni targ‘ib etadi. Ayniqsa, shoh uchun eng yaxshi sifat adolat ekanligi g‘oyasini ilgari suradi. Shoir “Xamsa”sining ilk dostoni bo‘lmish “Hayrat ul-abror” dostonida Badiuzzamonga “Shohki ish adl ila bunyod etar, Adl buzuq mulkni obod etar”, deya nasihat qiladi. Demak, bundan ma’lum bo‘ladiki, shoh mamlakatni adolat bilangina obod qilishi mumkin. Biz bunday g‘oyalarning yuksak namunasini "Saddi Iskandariy" dostonida ham uchratamiz. Shoir bu asarida Iskandarning shohligiga emas, uning insoniy sifatlariga e’tibor qaratadi. Zero hazrat Navoiy umr bo‘yi xalqparvar, odil shohni orzu qildi va shu orzusi bilan yashadi. Mamlakat uchun eng mahkam bog‘ich bu adolat bo‘lib, asrlar osha bu g‘oya targ‘ib etilib kelinmoqda.

Alisher Navoiy ustozlari an’anasini davom ettirgan holda o‘z dostonida adolat masalasiga keng o‘rin ajratadi. Jumladan, ushbu dostonning XX bobi mazkur sifatning targ‘ibiga bag‘ishlangan. Nimaiki ezgulikka daxldor bo‘lsa, hammasi Haqning sifati bilan bog‘liqdir.

*Ne shahkim, aning adl kirdoridur,*

*Desam, yo‘q ajabkim, Xudo yoridur.* [Alisher Navoiy, 2006: 89] Ya’ni qaysi shohning ishida adolat bor ekan unga Xudo yor bo‘ladi.

Navoiy adolat mezoni haqida gapirar ekan, uning yuksakligini e’tirof etadi. Talmeh san’ati vositasida Anushervon nomini tilga olib, uning adolati yuksakligini; garchi kofirning joyi do‘zax bo‘lsa-da adolati sabab arofatga doxil bo‘lganini bayon qiladi:

*Agar adl yo‘q oshkoru nihon*

*Yaqin bilki, zeru zabardur jahon.*

*Anushirvon garchi kofir edi,*

*Vale adl zotida zohir edi.*

*O‘run garchi kofirg‘a do‘zaxdurur,*

*Aning adldin o‘rni barzaxdurur.*

*Agar kufr rizvon sori qo‘ymadi,*

*Vale adl niyron sori qo‘ymadi.*

*Ul o ‘tgandin ar ming yil andozadur,*

*Adolatdin ovozasi tozadur.* [Alisher Navoiy, 2006: 89]

“Saddi Iskandariy”da Iskandar taxtga o‘tirgach,adolat bilan mamlakatni boshqara boshlaydi. Xalqni ikki yillik xirojdan ozod etadi va shu o‘rinda adolatning ta’rifi beriladi. “Bir soatlik adolat farishtalarning, dunyodagi barcha insonlarning toatidan afzal”, - degan hadis keltiriladi. So‘ng shoh Mas’udning bir kuni tushida otasi Mahmudni nurga g‘arq bo‘lgan holda jannat bog‘larida yurganini ko‘rgani va otasidan bu holga qanday sazovor bo‘lganini so‘raganida, otasi Hindistonni egallash vaqtida elga qilgan birgina adolati tufayli Alloh unga shunday martabani loyiq ko‘rgani haqida so‘zlab bergeniga doir hikoya ilova qilinadi. “Hikmat” bobida esa Iskandarning Arastu bilan adolat haqidagi savolvjavobi keltiriladi.

XXVIII bobda shohlik tartib-qoidalari haqida bayon qilingan bo‘lib, Alisher Navoiy kimki, shohlik qilishni istasa, barcha askarlarning holidan voqif bo‘lishi, ularning ta’minoti masalasini hal qilganda har kishining darajasiga qarab, izzatini bajo keltirishi lozimligini ta’kidlaydi. Ulug‘ martaba egasiga ulug‘ iltifot ko‘rsatib, kichigiga kichikcha saxovat aylasa, har bir ishda adolat mezoni asosida ish tutsa, uning mulk-u mamlakati obod, xalqi badavlat bo‘ladi. Xalq badavlat bo‘lsa, askarlarning maoshi ham ortadi va qo‘shin hamisha g‘olib bo‘ladi.

Navoiy adolat masalasiga doir fikrlarini shu asosda asar mazmuniga singdirgan. Zero, adolat zamonlar va tuzum o‘zgarsa-da hech qachon o‘z qadr-qimmatini yo‘qotmaydigan beabajo ne’mat hisoblanadi. Nizomiy Ganjaviyning “Iskandarnoma” dostonida ham, Alisher Navoiyning “Saddi Iskandariy” dosonidagi kabi Iskandar xazina orttirish maqsadida yurish qilmaydi, balki zulm ostida ezilgan xalqni adolat nuri bilan yoritish maqsadida jang qiladi.

Dastlab “Sharafnama” xususida to‘xtalsak, Iskandar ota taxtiga o‘tirgach, Nizomiy Ganjaviyda Iskandarning Zangiborilar bilan olib borgan jangi tasvirlangan bo‘lib, Misr eli Iskandardan Zangiyalar zulmidan xalos etish uchun yordam so‘raydi:

*Xabar eltdi sohibxabar nazdi shoh,*

*Ki bir to ‘p sitamdiydayi dodxoh.*

*Tazallum etishgayla Rum shohiga,*

*Ki to misrilarni yetar ohiga,*

*Bosib marz-u bumin qarolarki zang,*

*Biyobonda bo ‘ldi guzargoh tang.*

*Savodi jahoniga yozdi chunon,*

*Ki savdoga botdi u dasht qora qon.*

*Biyobonilarki chu qatron siyoh,*

*Edi ko ‘p biyobonda “chem” “az giyoh”.*

*Chu ko 'sa bari piri go 'daksirisht,  
Ktishsin xo 'blik-la, gardur-la xsift.  
Na yuzdir, ko 'rinmas hay-sharmiyo,  
Na bir kasga bor mehr-u ozarmiyo.  
Bari odamixo 'ru mardumtalar,  
Misrni zulm-la ezishdi alar.  
Madad bergusidir magar shahriyor,  
Yo 'q ersa, toroj erur ul diyor.* [Nizomiy Ganjaviy, 2016: 464]

Iskandar hali yosh hukmdor bo‘lgani va biror jangda ishtirot etmagani bois nima qilishni bilmay, Arastudan maslahat so‘raydi va ustozni omadini sinab ko‘rishini maslahat beradi. Adolat yo‘lida olib borilgan bu jang Iskandarning g‘alabasi bilan yakunlanadi. Shundan so‘ng xiroj sababli Doro bilan jang olib boradi va Doroni yengib, Eron mamlakatida adolat o‘rnatadi. Uning odil podshoh ekanligi Eron ulug‘ari bilan bo‘lgan suhbatida ham namoyon bo‘ladi. Iskandar Ray, Nishopur, Marv, Balx mamlakatlarini kezib, u yelarda adolat o‘rnatadi. Mamlakatlarning aholisi ham Iskandarni yaxshi kutib oladi:

*Borar ersa har shahriga shodumon,  
Ochar erdi shohga eshigin shu on.* [ Nizomiy Ganjaviy, 2016: 539]

Iskandarning Hind, Xitoy, Rus kabi mamlakatlar bilan qilgan janglarida ham uning adolati yuksak baholanadi.

“Iqbolnoma” qismida ham Iskandarning adolati, ilm rahnamosi ekanligi bayon qilinadi. “Benavo novvoy va uning o‘g‘li toleyiga boyigani” nomli hikoyatda novvoyning haqiqatgo‘yligini ko‘rgan Iskandar uni o‘zining yaqin mahramiga aylantiradi.

Xulosa qilib aytganda, Iskandar haqidagi dostonlarda adolat masalasiga alohida e’tibor qaratilgan. Har ikki so‘z san’atkori ham adolatli podshoh borasidagi orzularini ushbu asarlar mazmuniga singdirishgan.

#### **Foydalangan adabiyotlar ro‘yxati:**

1. Абдуғафуров А. Буюк бешлик сабоқлари. – Т: Фафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1995;
2. Alisher Navoiy. Saddi Iskandariy. T.: G‘.G‘ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2006
3. Бертельс Е.Э. Навоий. Монография (И.К.Мирзаев таржимаси). Т.: Тафаккур қаноти.2015.
4. Низомий Ганжавий. Хамса (форсийдан Олимжон Бўриев таржимаси). Т.: Истиқлол нури.2016.
5. Эркинов А. Алишер Навоий «Хамса»си талқини манбалари. – Т.: Тамаддун, 2018.

6. Shayx Nizomiy Ganjaviy. Iqbolnoma. (Forschadan Jamol Kamol tarjimasi). T.: “Extremum – press”. 2017.

## АЛИШЕР НАВОИЙ ДЕВОНЧИЛИК АНЪАНАЛАРИНИНГ ЭРКИН ВОҲИДОВ ИЖОДИДА АҚС ЭТИШИ

*Шомуродова Ситора Хошим қизи*  
*Самарқанд давлат университети таянч докторанти*  
*E-mail: [sita\\_bonu92@mail.ru](mailto:sita_bonu92@mail.ru)*

**Аннотация:** Ушбу мақолада Алишер Навоийнинг девон тузиш тўғрисидаги қарашлари ҳамда бу анъананинг замонавий ињикоси борасида сўз юритилади. “Бадое ул-бидоя”нинг “Дебоча” қисмида келтирилган тадвин анъанаси билан боғлиқ бўлган фикрлар таҳлилга тортилган. Шунингдек, Эркин Воҳидовнинг “Ёшлик девони” тўпламида Алишер Навоий анъаналарига эргашишнинг айрим қўринишлари тадқиқ этилган.

**Калит сўзлар:** девончилик анъанаси, Алишер Навоий девончилиги, Дебоча, адабий-эстетик қарашлар, алифбо тартиби, ғазаллар мавзуси, жанрлар таркиби.

## REFLECTION OF ALISHER NAVOI DEVONCY TRADITIONS IN THE WORK OF ERKIN VOHIDOV

*Shomurodova Sitora Khoshim qizi*  
*Basic doctoral student*  
*Samarkand State University*  
*E-mail: [sita\\_bonu92@mail.ru](mailto:sita_bonu92@mail.ru)*

**Annotation:** This article discusses the views of Alisher Navoi on the creation of the Devonian and the modern perception of this tradition. The analysis involved thoughts related to the Tadvin tradition presented in the Debocha saection of the Badoe ul-Bidoya book. Also, in the collection "Yoshlik devoni" by Erkin Vohidov, some manifestations of the observance of the traditions of Alisher Navoi were studied.

**Key words:** devonist tradition, devonism of Alisher Navoi, foreword, literary and aesthetic views, alphabetical order, gazelle themes, composition of genres.

Қадимдан Мусулмон Шарқи санъат, адабиёт, илм фан ўчоғи сифатида донг таратиб келган. Аруз вазни, ғазалчилик дастлаб араб адабиётида, сўнgra

форс-тожик адабиётида ва ниҳоят, ўзбек адабиётида ҳам ривожлана бошлагач, бу шеърларни тўплам ҳолида жамлаш эҳтиёжи туғилгани табиий ҳолат. Девон дастлаб араб ва форс-тожик адабиётида юзага келди. Ўзбекистон Миллий энциклопедиясида девон ҳақида қуйидаги фиклар келтирилган: “Девонда бирор шоир шеърлари қофия ёки радифларига кўра араб алифбоси тартибида (қофияланиб келувчи сўзларнинг охирги харфлари асосида) жойлаштирилади. Шарқда девон тузиш шоирнинг етуклиқ белиси бўлган, шоирлар ўз девонларининг мазмунан ва шаклан ранг-баранг бўлишига эътибор берганлар. Девон тузиш X-XI асрлардан бошланган, унинг шаклланиш даври Шайх Саъдий замонасига тўғри келади. Ўзбек адабиётида девон тузиш Лутфий, Саккокий, Атоий, Гадоий каби шоирлар ижоди билан боғлиқ”. [Навоий, 1987: 228]

Ўтган аср бошларида аruz вазнига ихтисослашган шеъриятилизга жадид шоирларимиздан Фитрат, Чўлпон кабилар бармоқ ва эркин вазни олиб киришди. “Бизнингча, ўзбек адабиётида шеърий шаклларнинг том маънодаги янгиланиш жараёни аruz ва қофия ичидаги ўзгаришлардан ташқари, ҳалқ қўшиқлари йўналишидаги шеърларнинг пайдо бўлишидан бошланди. Вазн, қофия ва банд тузилишига кўра бутунлай ўзига хос бўлган, анъанавий аruz вазnidаги шеърлар шаклидан кескин фарқланувчи ҳалқ қўшиқлари йўлидаги шеърларнинг пайдо бўлишига олиб келган ҳодиса, албатта, мазмуннинг янгиланиши, адабиёт вазифасининг ўзгариши, мумтоз поэтика қоидаларидаги тарангликнинг заифлашуви бўлди”, деб ёзади Нодира Афоқова.[Афоқова, 2005: 62] Жадид шеърияти ўзбек адабиётида аruz вазни етакчи бўлган босқич бўлса-да, Ҳамза, Абдулла Авлоний, Чўлпон, Фитрат каби ижодкорлар бу вазннинг қатъий қоидаларини четлаб ўтиб, уни янгича оҳанглар билан бойитди. Бу жараённинг тезлашуви эса аста-секинлик билан арузнинг рад этилишига, аruz вазnidан бармоқ ва сарбаст вазнларига ўтиб кетилишига замин ҳозирлади. Фитрат ўзининг “Адабиёт қоидалари” дарслигига “Арузнинг бизнинг тилга ярамоғонлиғи” деган алоҳида фасл ажратган. [Фитрат, 1995: 22] Олим бу фаслда мумтоз адабиётимиз намуналаридан талаффузда сунъийликни келтириб чиқарадиган мисоллар олиб, арузнинг ўзбек тили хусусиятлари доирасида бўлмаган жиҳатларини қайд этади. Арузнинг ўзбек тилига мослиги, бу мосликни сўз бўғинларини хоҳлаганда чўзиб, хоҳлаганда қисқа талаффуз қилишнинг сўз маъноига таъсир қилмаслиги Алибек Рустамов ва бошқа олимлар томонидан кўп бора таъкидланган. Аммо Фитратнинг илмий мулоҳазалари ҳам ўз даврида илм аҳли томонидан қабул қилингани ҳақиқатдир.

XX аср 60-70-йилларига келиб, аruz вазнида ижод қилиш камайиб кетди. Бу ҳақида адабиётшунос Абдулла Аъзам ёш шоир Алишер Муқимовнинг

“Хушқадам” номли китоби сўзбошисида шундай фикрларни келтиради: “XX асрнинг бошида арузи унудиши жараёни бошланган ва бу аср ўрталарига келиб интиҳосига яқинлашиб ҳам қолган – деярли унудилган. Бунинг оқибатида ҳозир ҳам кўпчилик “ғазал – бу бор йўғи а-а, б-а, в-а... тарзида қофияланадиган бармоқ вазнидаги шеър” деган тушунчага эга”. [Муқимов, 2019: 3] Эркин Воҳидов ўша даврда “Эскилик сарқити” сифатида четга суреб қўйилган вазн – арузда ғазаллар битиб, уларни “Ёшлик девони”да жамлади. Девон 1969 йилда нашрдан чиқди. Девонни ўқир эканмиз, муаллифнинг Ҳазрат Навоий анъаналарини муносаб давом эттирганига гувоҳ бўламиз. Девоннинг биринчи ғазали “Дебоча” деб номланади. Айни шу дебочада Эркин Воҳидов арузнинг эътибордан қолаётгани ҳақида ҳам ўз мuloҳазаларини бериб ўтади:

Эй мунаққид, сен ғазални кўхна деб камситмагил,

Севги ҳам Одам Атодан қолган инсон қонида. [Воҳидов, 2018: 61]

Севги абадий экан, ғазал ҳам абадий бўлаверади, зотан, ғазал сўзининг маъноси ҳам аёлларга чиройли сўзламоқдир. Ишқ-муҳаббат покловчи куч сифатида Низомий, Дехлавий ва Алишер Навоий асарларининг асосини ташкил этиши олимлар томонидан эътироф этилган. [Муҳиддинов, 2020: 1] Демак, кўхна деб камситилган ғазал жанрида, аруз вазнида чинакам замонавий асарлар яратган шоир Эркин Воҳидовдир. Абдулла Аъзам бу ҳақида шундай ёзади: “...“Ёшлик девони” ўзбек адабиёти тарихида ниҳоятда муҳим ўрин тутади. У ғазал жанри ҳам бемалол замонавий бўла олишини исботлади, ижод ахлида қайтадан мумтоз адабиётга қизиқиш уйғотди, арузни жонлантириш учун замин яратди”. [Муқимов, 2019: 10] Ҳақиқатан ҳам, “Ёшлик девони” девоннинг замонавий версияси сифатида дунёга келди. Ундаги мавзуу ранг-баранглиги, Эркин Воҳидовгагина хос бўлган юмор, сўз ўйинлари ўқувчида мумтоз шакллардан баҳраманд бўлиш ва завқланиш кўнилмаларини шакллантириди. Шу билан бирга, Эркин Воҳидов ўз девонини тузишда Алишер Навоийнинг девонларини дастуриламал қилиб олганини ҳам таъкидлаш ўринли бўлади.

Алишер Навоий ҳам “Бадое ул-бидоя” девонига “Дебоча” битган. Унда ғазалчилик, умуман, девон тузишнинг ўзига хос қоидаларини баён этган эди. Эркин Воҳидов эса ўз “Дебоча”сида ғазалнинг эскирмас жанр эканлигини таъкидлаган ҳолда йўл қўйган хатолари учун ўқуввидан маъзур тутишини сўрайди:

Дўстларим, шоир деманг, Эркин ғазал шайдосидур,

Ёш дeng-у маъзур тутиинг сахв ўлса гар девонида. [Воҳидов Э., 2018: 61]

Алишер Навоий ҳам девонига дебоча ёзар экан, ўзининг ҳали девон тартиб беришга қодир эмаслигини қўйидаги байт орқали ниҳоятда камтарлик билан ифодалайди:

Иш анга жунун, манзил анга майхона,

Девон ясамоқни не билур девона?! [Навоий, 1987: 11]

дэя ниҳоятда камтарлик билан, Хусрав Дехлавий, Ҳофиз Шерозий, Лутфий, Саккокий каби шоирларнинг девон тузгани ҳақида ёзади ва бундай буюк даҳолар олдида тадвинга (девон тартиб беришга) журъат қилолмаслигини таъкидлайди.

Шу ўринда Ҳазрат Навоийнинг “Девон” тартиб беришдаги ilk талаби ҳам алифбо бўлганини ёдга олиш лозим. Чунончи, шоир девондаги ғазаллар араб ёзувидаги 28 ҳарфгагина эмас, балки, форслар бу ёзувга қўшган 4 ҳарфни ҳам ҳисоблаган ҳолда, 32 та ҳарфга ғазал ёзиши кераклигини таъкидлайди: “ҳар кишиким девон тартиб қилибдуур, ўттиз икки ҳарфдинки, халойик иборатида воқиъдуур ва улус китобатида шойиъ, тўрт ҳарфга таарруз қилмайдуурлар. Чун сўз аруси назм ҳарирининг матбуъ кисватин ва мавзун хилъатин кийиб, жилва оғоз қилса, ҳуққайи ёқути доғи ўттуз иккита гавҳардин қачонким тўртиға нуқсон воқиъ бўлса, муқаррардурким, жамолига андин қусур ва каломиға андин футур воқиъ бўлғусидуур”. [Навоий, 1987: 20] “Ёшлик девони”да “о” ва “ў” ҳарфларидан ташқари, кирилл алифбосидаги барча ҳарфларга ғазаллар бор. Ўзбек тили хусусиятларидан келиб чиқкан ҳолда, “Ҷ” ҳарфи билан тугаган ғазаллар йўқ. Девонда “н”, “р” ҳамда “а” ҳарфи билан тугаган ғазаллар нисбатан кўпчиликни ташкил қиласиди. Бу ҳолатни ўзбек тилининг лексик-фонетик хусусиятлари билан изоҳлаш мумкин.

Алишер Навоий “Дебоча”да ғазалларнинг жойлашиш ўрни ҳақида ҳам тўхталар экан, ғазалларни жойлаштиришда уларнинг мазмунига аҳамият бериш лозимлиги, ҳамд (Яратганга мақтov ) ва наът (пайғамбаримизга алқов) мазмунидаги ғазаллар энг биринчи, ундан сўнг маъвиза (панд-насиҳат) туридаги ғазаллар жойлашсагина мақсадга мувофиқ бўлишини айтиб ўтган: “Муқаррардурким, ҳар амрда бир лаҳза ҳақ субҳонаҳу ва таоло ҳамдидин ё расул алайҳис-салом наътидин, ё бу икки ишга далолат қилурдек бир амрдин ғофил бўлмамоғлиқ авлодуур. ...Девон топилғайким, анда маърифатомиз бир ғазал топилмағай ва ғазал бўлғайким, анда мавъизатангиз бир байт бўлмағай”. [Навоий, 1987: 21]

Эркин Воҳидовнинг девонидаги ғазалларнинг мазмуний тартибида Навоиёна ёндашишни учратмадик. Агар “Ёшлик девони”нинг яратилган даври, ўша даврдаги цензурани ҳисобга оладиган бўлсак, бу девонга тартиб беришнинг ўзи ҳам катта жасорат бўлганини ҳис қилиш қийин эмас. Ҳазрат

Навоий ғазаллар мазмунидан узоқлашмаган ҳолда фикр юритар экан, матлаъдаги мазмуннинг мақтаъга келиб ўзгариб кетишини (пароканда ғазал турини) қаттиқ қоралайди. Бундай ғазалларнинг бир байти баҳорни, бир байти хазонни куйлашини, бу мазмуний яхлитлиқдан четланишга олиб келишини айтади: “Ва агар аҳёнан матлаъе махсус навъда воқиъ бўлғон бўлса, ҳамул матлаъ услуби била итмол ҳилъатин ва анжом кисватин кийдурмайдурурлар, балки тутганғунча агар бир байт мазмуни висол баҳорида гулоройлик қилса, яна бири фироқ хазонида хорнамойлик қилибдуур”. [Навоий, 1987: 22] Девонни ўқиш давомида шунга амин бўлдикки, Эркин Воҳидовнинг деярли барча ғазаллари якпора ғазал, айримлари мусалсал ғазал сирасига киради. Чунончи, “Йўқ эмиш орзуда айб...” ғазалида Алишер Навоийнинг “Жонға чун дермен” ғазалининг таъсири сезилади. Умуман олганда, Эркин Воҳидов Ҳазрат Навоийнинг юқоридаги талабига ҳам жавоб бера оладиган ғазаллар яратган.

Навоий ҳазратлари девонларнинг таркибий тузилиши ҳақида ёзаркан, уларда ғазал ва қасидадан ташқари, мусаммат турлари, рубоийлар, қитъалар, мустазодлар, фард, муаммо, туюқ, луғз, таржиъбанд ва таркибандлар бўлиши лозимлиги, бу девоннинг рангинлигини таъминлашини таъкидлаб ўтган: “Яна маснавий била қасойиддин бошқаким, иншооллоҳ, алар доғи ҳар қайси бошқа мужаллад бўлғай, ҳар навъ шеърдин, масалан, руҳафзо мухаммаслар, барча хамсазийнат; ва равоносо мусаддаслар, барча ситтазийнат; ва муфид рубоиёт, барча латофатомиз; ва ноғиъ муқаттаот, барча манфаатангиз; ва дилпазир мустазодлар, барчанинг васфи зойидул-ҳад; ва беназир фардлар, барча лутфу равонлиқда муфрад; ва номий муаммолар, барчаси от ёшурмоқда сотир; ва киромий луғзлар, барчанинг мабтунлуғи зоҳир; ва мусалсал таржиълар, барча марғуб; ва мұттадил туюғлар, барча туркий услугуб бу абёт зайлida мухайял ва бу ашъор хайлида музайян бўлди”. [Навоий, 1987: 23] “Ёшлик девони”нинг жанрий таркиби ҳақида тўхталадиган бўлсак, девонда 62 ғазал, 4 мухаммас, 4 ҳажвия ва 1 қасида мавжуд. Девон тузиш анъаналаридан бизга маълумки, ғазал Девонда етакчи жанр хисобланган. Мусамматлар ғазалдан кейин, мусамматлардан сўнг эса кичик лирик жанрлар жойлаштирилган. Тўрт мухаммаснинг барчаси тахмис мухаммаслар сирасига киради: муаллиф Алишер Навоий, Фузулий, Бобур ва қозоқ шоири Жумакент Нажмидинов ғазалларига мухаммас боғлаган.

Гарчи Навоий вазн ҳақида “Дебоча”да тўхталмаган бўлса-да, “Бадое ул-бидоя” ёки бошқа девонларидан билиш мумкинки, буюк шоир арузнинг турли-туман баҳрларида ижод қилган. Шу маънода, “Ёшлик девони”даги ғазалларнинг вазни ҳақида тўхталадиган бўлсак, ғазалларнинг аксарияти

рамал баҳрида, қолган қисми эса музоре ва ҳазаж баҳрларида ёзилганининг гувоҳи бўламиз. Агар аниқ статистикаси бўйича айтадиган бўлсак, девондаги олтмиш битта шеър рамал баҳрида, ўнтаси ҳазаж ва тўққизтаси музореъ баҳрларида ёзилган. Рамал баҳридаги шеърларнинг кўплигига объектив ва субъектив сабаблар бор, албатта. Ўтган асрда аruz деярли ўрганилмас, ажратилган соатлар ҳам арузнинг эскирганию замонавий талабларга жавоб бермаслигини исботлашга сарфланар эди. Шу боис ҳам Эркин Воҳидов билан бўлган сухбатлардан бирида шоир: “Аруз бу фоилотунга тушадиган шеър, деган тушунчадан нарига ўтилмаган. Тасодифанми ё йўқми, бошқа баҳрлардаги шеърлар деярли ўқилмас эди”, деган эди. Демак, рамал баҳри (фоилотун - чўзиқ, қисқа ва иккита чўзиқ ҳижо) туркона сўзларга мослиги билан бирга, муаллиф тасаввурида ҳам аruz вазнининг очқичи вазифасини ўтаган.

Эркин Воҳидов “Ёшлик девони”ни яратгач, турли хил фикрлар билдирилди. Баъзи мунаққидлар шоирнинг бу ишини ёқламаган бўлса, баъзилари қўллаб қувватлаши. Чунончи, адабиётшунос Норбой Худойберганов 1971-йилда “Шарқ юлдози” журналида Эркин Воҳидовнинг “Рубобим тори иккидур” деб бошланадиган ғазалини танқид қилиб чиққач, [Худайберганов Н., 1971: 190-211] унга қарши Салоҳиддин Мамажонов [Мамажонов С., 1978: 26-27], Ортиқ Абдуллаев, Усмон Қосимов [Қосимов У., Абдуллаев О., 1987: 187-195] каби адабиётшуносларнинг раддия ёзиб еълон қилганларини ҳисобга олсак, Эркин Воҳидовнинг мазкур девони кўплаб муҳокамаларга сабаб бўлганини биламиз.

Юкоридаги мулоҳазаларимиз асосида хулоса қиласиган бўлсак, Эркин Воҳидов ўз девонини Алишер Навоий қўйган талабларга жавоб бера оладиган даражада бўлиши учун астойдил ҳаракат қилган. Биз буни “Девон”нинг тузилиши, таркиби, ундаги ғазалларнинг мазмун-моҳияти ва бадиияти мисолида кўришимиз мумкин бўлади. Шунингдек, бу девон замонавий девончиликда илк қадам сифатида кейинги авлод тадвин анъанасига ҳам сезиларни таъсир кўрсатган.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Афоқова Н. “Эркин аruz”да ёзилган шеърлар. // Ўзбек тили ва адабиёти, 2005 йил, 3-сон. 61-62 бетлар.
2. Валихўжаев Б. Ўзбек адабиётшунослиги тарихи. - Тошкент: Ўзбекистон, 1993. - 191 б.
3. Воҳидов Э. Танланган асарлар. – Т.: “Sharq”, 2018. 687 б.
4. Мамажонов С. Ранглар ва оҳанглар. – Т.: Фан, 1978, 26-27-бетлар.
5. Муқимов А. Хушқадам. Газаллар. – Тошкент: О‘qituvchi, 2019. 166 б.

6. Муҳиддинов М. Комил инсон адабиёт – адабиёт идеали. – Тошкент: Маънавият, 2005.

7. Навоий Алишер. МАТ. Йигирма томлик. Биринчи том. – Тошкент: “Фан”, 1987. 689 б.

8. Содикова Т. Эл устозим: Адабий талқинлар. – Тошкент: “Маънавият”, 1997. – 64 б.

9. Фитрат. Адабиёт қоидалари. Тошкент: 1995. 22-бет.

10. Худайберганов Н. Бадиий кашфиёт талаби билан. // “Шарқ юлдузи”, 1971 й., 8-сон, 190-211-бет.

11. Юсупова Д. Ўзбек мумтоз адабиёти тарихи. – Т.: Академнашр, 2013, - 272 б.

12. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. З-жилд. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2002.-228-б.

13. Қосимов У., Абдуллаев О. Қаҳр эмас, меҳр керак. // “Шарқ юлдузи”, 1987 й., 2-сон, 187-195-бет.

14. Mukhiddinov M.K. Love is the cleansing power. // <http://sersc.org/journals/index.php/IJAST/article/view/26457/14342>

## “LAYLI VA MAJNUN” SYUJETINING PAYDO BO‘LISHI: TARIXIY HAQIQAT VA BADIIY HAQIQAT

*Tamikayeva Ozoda  
SamDU magistranti*

**Annotatsiya:** Ushbu maqolada “Layli va Majnun” turkumidagi dostonlarning kelib chiqish tarixi, undagi obrazlarning tarixiy jihatlari, genezisi haqida mulohaza yuritiladi. Majnun obrazining tarixiyligi, u real hayotda mavjud inson bo‘lganligi haqidagi ma’lumotlar maqolada keltiriladi. Shuningdek, “Layli va Majnun” turkumidagi dostonlarni o‘rgangan olimlarning ishlari ham tahlilga tortilgan.

**Kalit so‘zlar:** Majnun obrazi, Layli obrazi, Qays ibn Mulavvah, Qays ibn Muod, tarixiy haqiqat va badiiy haqiqat.

## THE APPEARANCE OF THE STORY OF "LAYLI AND MAJNUN": HISTORICAL TRUTH AND ARTISTIC TRUTH

**Abstract:** This article discusses the history of the origin of the epics in the series "Layli and Majnun", the historical aspects of the images in it, the genesis. The article discusses the history of the image of the madman, the fact that he was a

real person. The works of scholars who studied the epics of the series "Layli and Majnun" are also analyzed.

**Keywords:** Majnun, Layli, Qays ibn Mulawwah, Qays ibn Mu'adh, historical truth and artistic truth.

"Layli va Majnun" jahon adabiyotida sevgi haqida yaratilgan eng g'amgin qissalardan biridir. Biz, boshqa biron-bir sevgi asarining "Layli va Majnun" chalik fojiaviy, sevishganlar ma'naviy-ruhiy olamining chuqur va o'ta ta'sirli ochilganini bilmaymiz. Shuning uchun ham Alisher Navoiy o'z "Layli va Majnun" ining so'ngida quyidagi baytni keltirgan:

So'gin nechakim uzatdim oxir,  
Yig'lay-yig'lay tugatdim oxir.<sup>99</sup>

"Layli va Majnun" ko'p asrlik tarixga ega. Uning ildizlari, mashhur adabiyotshunos-matnshunos akademik I.Krachkovskiy ta'kidlaganidek, VII asrning ikkinchi yarmiga borib taqaladi. Ayrim arab manbalarining ma'lumotiga ko'ra, Majnun tarixiy shaxs. U Bani Omar qabilasidan chiqqan, uning asl nomi Qays ibn Mulavvah (yoki Qays ibn Muod) bo'lgan. U qabiladoshi Laylini sevgan va o'z sevgisi, hijron azoblari haqida mungli she'rlar bitgan. Bunday ma'lumot ibn Qutaybaning "Kitobushshe'r va shuar" asarida ham keltiriladi. Shu bilan birga, boshqa manbalar bu ma'lumotlarni rad etadi. Jumladan, arab olimi Avon ibn Hakim al-Qalbiy (764 yilda vafot etgan), arab tarixchisi Hishom al-Qalbiy (819 yilda vafot etgan)lar Majnun tarixiy shaxs emas, uning nomi majoziy, sevgi, hijron she'rlari esa umaviy xonadoniga mansub bir oshiq yigit tomonidan bitilgan va asl nomini oshkor etmaslik uchun Majnun taxallusini qo'llagan, deyishadi. Shu tariqa VII asrning ikkinchi yarmidan boshlab arab poeziyasida Majnun taxallusli mungli she'rlar ko'payib, keng tarqalib boradi. Vaqtlar o'tishi bilan ko'plab afsonalar, rivoyatlar to'qiladi va ular turli manbalardan joy ola boradi.

"Layli va Majnun" nomi ostidagi syujet XII asrgacha arab xalq adabiyotida ertak shaklida namoyon bo'lgan. Keyinchalik bu mavzudagi asar Bobil (Iroq) adabiyotida nomi keltirib o'tilsa-da, lekin asar haqidagi ma'lumotlar saqlanmagan.<sup>100</sup> XI asrning o'rtalarida fors sayohatchisi Nosir Xusravga ko'chmanchilar Toif (Saudiya Arabistonning g'arbida joylashgan shahar) yaqinidagi Aravyada Layli yashagan qal'a xarobalarini ko'rsatishganligini, shu bilan birgalikda, bu yerda ko'chmanchi Amir qabilasidan Al-Mulavvahning o'g'li Qays Layliga oshiq bo'lib, undan ayrilgandan so'ng sahroda halok bo'lganligi haqida

<sup>99</sup> Navoiy A. Layli va Majnun. – Toshkent: G'afur G'ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2006. 208-bet.

<sup>100</sup> Передисловие Е.Дунаевского к поэме Незами Гянжеви: Лейла и Меджнун, перевод А. Глоби, М., 1935, стр. 17.

hikoyani so‘zlab berishganini aytib o‘tgan.<sup>101</sup> Keyinchalik og‘zaki shakldagi ertak syujeti yozma adabiyot shaklida namoyon bo‘la boshladi.<sup>102</sup>

Badiiy adabiyotda bu qissa doston shaklida ilk bor Nizomiy Ganjaviy tomonidan 1188-yilda vujudga keldi. Nizomiy xalq orasida tarqalgan rivoyatlardan ijodiy foydalangan holda “Layli va Majnun” qissasini g‘oyaviy jihatdan mukammal va badiiy jihatdan yuksak asar darajasiga ko‘tardi. Keyinchalik, Sharq adabiyotida Nizomiy an’anasini davom ettirgan bir qancha salaflar paydo bo‘ldi. Bular: Amir Xusrav Dehlaviy (“Majnun va Layli”), Jamoliy (“Mahzun va Mahbub” nomi ostida “Layli va Majnun” dostoniga tatabbu’), Ashraf Marog‘iy (“Ishqnama” nomi ostida 1438-yilda yaratilgan bo‘lib, bu ham tatabbu’), Abdurahmon Jomiy, Kotibi Turshiziyy (“Layli va Majnun”), Abdulloh Xotifiy (“Layli va Majnun”), Badriddin Hiloliy (“Layli va Majnun”), Shahobiddin Jomiy (“Layli va Majnun”), Shayxim Suhayliy, Ali Ohiy, Xoja Imod Loriy, Xoja Hasan Xizrshoh, Nosirxoja valadi Mansurxoja va yana bir qator ijodkorlar yuzdan ortiq bu dostonga javob tariqasida o‘z asarlarini yaratishadi. Alisher Navoiy o‘zining “Mahbub ul-qulub” asarida o‘z davrigacha 12 ta “Layli va Majnun” dostoniga javob yozganlarning ism sharifini keltirib o‘tadi<sup>103</sup>. Bu ijodkorlarning asarlarida Qaysning nomi o‘zgartirilgan bo‘lsada, Nizomiy Ganjaviy an’anasi asosida yozilgan va hamohang yaratilishi odat tusiga aylangan.

Yozma shakldagi dostonlarning ko‘pligi hamda asar g‘oyasining yetukligidan dostonlar xususiyatini va kelib chiqish genezisini o‘rganishga doir Yevropa adabiyotida XX asr o‘rtalarida yaratilgan tadqiqotlar ham alohida yangilik sifatida vujudga keldi. Xususan, I.Y.Krachkovskiyning “Arab adabiyotida “Layli va Majnun” dostonining ilk tarixi” (Ранняя история повести о Меджнуне и Лейли в арабской литературе)<sup>104</sup> nomli tadqiqoti dostonlar syujetining kelib chiqishi haqida dastlabki manbalar umumlashmasi sifatida maydonga chiqqan bo‘lsa, Y.E.Bertelsning “Arab hikoyalari asosida “Layli va Majnun” dostoni syujeti, Nizomiy va Navoiy dostonlari talqini” (“Лейли и Межнун”, история арабского предания, версия Низами и поэма Навои)<sup>105</sup> nomli tadqiqoti Nizomiy va Navoiy asarlarining qiyosiga bag‘ishlangan dastlabki keng ko‘lamdagi ilmiy tadqiqot edi.

<sup>101</sup> Насир Хусрай. Сафар-наме. Книга путешествия. Перевод и вступительная статья Е.Э.Бертельса, Мос-Лен., 1933, стр 173.

<sup>102</sup> Игнатий Юлианович Крачковский. Избранные сочинения. Том II. Мос-Лен: Академии наук СССР, 1956, стр 588-561.

<sup>103</sup> Abdurahmon Jomiy, Hoja Hasan Xizrshoh, Ahmad Shayx Suhayliy, Mavlono Abdulla, Xoja Imod, Ashraf Marog‘iy Hazrat Shayx – Abdulla Muhammad Illyosa ibn Yusuf ibni Zakiy Muayid Nizomiddin, Mavlona Hiloliy, Mavlono Safiy va boshqalar.

<sup>104</sup> И.Ю. Крачковский. Ранняя история повести о Меджнуне и Лейли в арабской литературе Избранные соч., М., 1956 г.

<sup>105</sup> Е.Э.Бертельс. “Лейли и Межнун”, история арабского предания, версия Низами и поэма Навои. – Т.: “Литература и искусство Узбекистана”, 1940.

Dastlabki o‘zbek adabiyotida “Layli va Majnun” qissalarining tarixiy taraqqiyoti, genezisi va ijodkorlar asarlarining tahliliy jihatdan o‘rganilishi quyidagi ijodkorlar tomonidan amalga oshirilgan:

1. Natan Mallayev.<sup>106</sup> Olim Sharq adabiyotida yaratilgan “Layli va Majnun” asarlari genezisiga to‘xtalar ekan, I.Yu.Krachkovskiy va boshqa ijodkorlar tomonidan keltirilgan ma’lumotlarni umumlashtirishdan tashqari, xamsanavistlar ijodiga ham alohida to‘xtalib o‘tadi. Dastlabki yozma “Layli va Majnun” dostonini yaratgan Nizomiy Ganjaviy an’anasidagi o‘ziga xoslik, Xusrav Dehlaviy va boshqa xalaflarning asar voqealar rivojidagi ta’sir masalari haqida fikr yuritiladi. Shu bilan birgalikda ijodkor Navoiy ijodiga to‘xtalar ekan, shunday degan xulosaga keladi: “... *Navoiy o‘z oldiga qo‘ygan ikki masalani – hayotiy mazmun va til masalasini katta muvaffaqiyat bilan hal etdi*, “Layli va Majnun”ning tarixiy takomilida yangi davrini boshlab berdi... ”<sup>107</sup>

2. Muso Toshmuhammad o‘g‘li Oybek. Ijodkor asarida<sup>108</sup> Navoiy ijodidagi “Layli va Majnun” dostonining badiiy tahlili aks ettirilgandir. Ijodkor shoir asarlari tahlilini boshqa asarlari tahlili jarayonida voqeaviy tarzda mazmunini keltiradi va obrazlardagi ijodkor mahoratiga baho bergen holda: “*Farhod va Majnun, Shirin va Layli ideal qahramonlar. Ular hayotiy bachkanaliklar bilan o‘ralmaydilar, maishiy faktlarga ko‘milmaydilar. Ularning shoirona yorqinligiga, ideyaviy ulug‘vorligiga ko‘lka tashlovchi har nav tasodifly chizg‘ilar, tor maishiy sharoitlar shoir tomonidan ustalik bilan o‘chiriladi...* ”<sup>109</sup> – deya o‘z xulosasini keltiradi.

3. Abduqodir Hayitmetov. Ijodkor Navoiy ijodida “Layli va Majnun” dostonining o‘rni haqida gap yuritar ekan, davr tazyiqlarini inobatga olishga, ishq-muhabbat mojarolarini davr voqealariga moslashtirishga (Navoiy davrini XX asrning 70-yillariga qiyosan o‘rganishga) majbur bo‘lganligiga guvoh bo‘lamiz: “*Alisher Navoiy o‘z qahramonlarining ayanchli taqdiri orqali o‘z davridagi ezilgan xalq ommasining taqdirini ham aks ettirgan va bunday o‘rinlarda xalq ommasining keskin noroziligini ham ifoda etgan...* ”<sup>110</sup>

4. Olim Sharafiddinov.<sup>111</sup> Alisher Navoiy hayoti va ijodi haqida fikr yuritgan ijodkor, shoir hayot yo‘li bilan birgalikda, asarlarining tahliliga ham alohida boblar ajratadi. “Layli va Majnun” nomi ostidagi bobda quyidagi fikrlarni bayoniga guvoh bo‘lamiz: “*Layli va Majnun*” mashhur arab afsonasi syujetida yozilgan dostondir.

<sup>106</sup> Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи. – Тошкент: Ўқитувчи, 1965.

<sup>107</sup> Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи. – Тошкент: Ўқитувчи, 1965. 464-bet.

<sup>108</sup> Ойбек. Навоий Гулшани (Навоий ҳақида мақолалар) Тошкент: “Тошкент” бадиий адабиёт нашриёти, 1967-йил. 42-45, 89, 98-111, 122-124 betlar.

<sup>109</sup> O‘sha asar. 89-bet

<sup>110</sup> Ҳайитметов А. Навоий дахоси. – Тошкент: Faafur Fulom нашриёти, 1970-y.

<sup>111</sup> Шарафиддинов О. Алишер Навоий (Ҳаёти ва ижоди) – Тошкент: Faafur Fulom нашриёти, 1971.

*Shoir unda bir-birini sevgan oshiq-ma'shuqning boshidan kechirgan qayg'uli voqealarni, ularning halokatga uchrashlarini ... yozadi”.*

5. Aziz Qayumov. Ijodkor Navoiy yaratgan “Layli va Majnun” asaridagi Qays obraziga alohida to‘xtalganligiga guvoh bo‘lamiz. Ijodkor Qaysning dunyoga kelishi va ta’lim olishidan tortib, Layliga oshiq bo‘lib qolgan “Majnun”ga aylanishini alohida ta’kidlaydi va quyidagicha xulosa yasaydi: “*Dostonning yakulovchi bobida Navoiy bu g‘am dostonini “yig‘lay-yig‘lay tugatdim” deb xabar qiladi, dardman, ishqli kishilarni ulug‘laydi, yasama, qalbaki ishq egalarini qoralaydi... Shoir o‘quvchilarining ishq g‘ami bilan shod bo‘lishlarini va shunda uni ham yod etishlaridan umidvor bo‘ladi*”.<sup>112</sup>

6. Saida Narzullayeva. “Sovet Sharq xalqlari adabiyoti tarixida “Layli va Majnun” mavzusi” (Тема «Лейли и Меджнун» в истории литературы народов Советского Востока) nomli doktorlik dissertatsiyasi muallifi, dostonning kelib chiqish tarixidan tortib obrazlar qiyosi, syujet va kompozitsion tuzilishgacha bo‘lgan barcha ma'lumotlarni o‘scha davr ruhida aks ettirgan bo‘lsa-da, lekin hozirgi kunda ham o‘zining salmog‘ini yo‘qotmaganligiga amin bo‘lamiz. Olima “Layli va Majnun” turkumidagi dostonlarda dastlab Majnun yetakchi obraz bo‘lgani, keyinchalik Layli timsoli ham oldingi planga o‘tgani haqida mulohazalarini bayon etadi.<sup>113</sup>

7. Dilnavoz Yusupova. Navoiy ijodi bilan davomli shug‘ullangan ijodkor o‘zining “O‘zbek mumtoz milliy uyg‘onish adabiyoti” (Alisher Navoiy davri) nomli o‘quv qo‘llanmasida “Layli va Majnun” dostoniga alohida bob ajratib, unda dostonning kelib chiqish tarixi bilan birgalikda uch buyuk daho: Nizomiy Ganjaviy, Amir Xusrav Dehlaviy, Alisher Navoiy dostonlarini tahlil maydoniga tortadi<sup>114</sup>.

Yuqoridagi fikrlar asosida quyidagi xulosalarga kelishimiz mumkin:

1.“Layli va Majnun” turkumidagi dostonlar ko‘p asrlik tarixga ega. Majnun obrazining prototipi Qays ibn Mulavvah yoki Qays ibn Muod ismli tarixiy shaxs bo‘lib, VII asrda Arabistonda yashab o‘tgan. U Layli ismli qizga oshiq bo‘lib, unga bag‘ishlab, sevgi haqida she’rlar yozgan.

2.Adabiyotda ilk bora 1188-yilda Nizomiy Ganjaviy Majnun obraziga murojaat qildi. “Majnun va Layli” dostonida Qays timsoli yordamida ishq masalasiga to‘xtaladi va muhabbat mavzusini yuqori pafosda kuylaydi.

3. “Layli va Majnun” dostonini bir qator olimlar o‘rgangan. Natan Mallayev, Muso Toshmuhammad o‘g‘li Oybek, Abduqodir Hayitmetov, Olim Sharafiddinov,

<sup>112</sup> Каюмов А. Алишер Навоий (шоирнинг хаёти ва ижоди хақида лавҳалар) –Тошкент: Камалак, 1991. 85 б.

<sup>113</sup> Нарзуллаева С. Тема “Лейли и Меджнун” в истории литературы народов советского востока. – Ташкент: Фан, 1983. 10 бет.

<sup>114</sup> Dilnavoz Yusupova. O‘zbek mumtoz va milliy uyg‘onish adabiyoti (Alisher Navoiy davri). T.: Tamaddun, 2016-y.

Aziz Qayumov, Saida Narzullayeva, Dilnavoz Yusupova kabi olimlar “Layli va Majnun” turkumidagi dostonlarni u yoki bu jihatdan o‘rganganlar. Bu dostonlar qahramonlarini qiyosiy tahlil qilish masalasi adabiyotshunoslikning dolzarb masalalaridan biridir.

#### **Adabiyotlar ro‘yxati:**

1. Navoiy A. Layli va Majnun. – Toshkent: G‘afur G‘ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2006.
2. Передисловие Е.Дунаевского к поэме Незами Гянжеви: Лейла и Меджнун, перевод А. Глоби, М., 1935.
3. Насир Хусрау. Сафар-наме. Книга путешествия. Перевод и вступительная статья Е.Э.Бертельса, Мос-Лен., 1933.
4. Игнатий Юлианович Крачковский. Избранные сочинения. Том II. Мос-Лен: Академии наук СССР, 1956.
5. И. Ю. Крачковский. Ранняя история повести о Меджнуне и Лейли в арабской литературе Избранные соч., М., 1956 г.
6. Е.Э.Бертельс. “Лейли и Межнун”, история арабского предания, версия Низами и поэма Навои. – Т.: “Литература и искусство Узбекистана”, 1940.
7. Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи. – Тошкент: Ўқитувчи, 1965.
8. Маллаев Н. Алишер Навоий ва халқ ижодиёти. – Тошкент: “Faafur Fulom” нашриёти, 1974.
9. Ойбек. Навоий Гулшани (Навоий ҳақида мақолалар) Тошкент: “Тошкент” бадиий адабиёт нашриёти, 1967-yil.
10. Ҳайитметов А. Навоий даҳоси. – Тошкент: Faafur Fulom нашриёти, 1970-y.
11. Шарафиддинов О. Алишер Навоий (Ҳаёти ва ижоди) – Тошкент: Faafur Fulom нашриёти, 1971.
12. Қаюмов А. Алишер Навоий (шоирнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида лавҳалар) – Тошкент: Камалак, 1991.
13. Нарзуллаева С. Тема “Лейли и Меджнун” в истории литературы народов советского востока. – Ташкент: Фан, 1983.
14. Dilnavoz Yusupova. O‘zbek mumtoz va milliy uyg‘onish adabiyoti (Alisher Navoiy davri). T.: Tamaddun, 2016-y.

**ALISHER NAVOIY “XAMSA”SINING QO‘LYOZMA MANBALARI  
TADQIQIGA DOIR  
(Porso Shamsiyev faoliyati misolida)**

*Shodmonov G‘iyosiddin Nafasovich*<sup>115</sup>

**Annotatsiya:** Maqola matnshunos olim Porso Shamsiyev ilmiy laboratoriysi tadqiqiga bag‘ishlangan. Unda, asosan, olim tomonidan tuzilgan Alisher Navoiyning “Xamsa” dostonlari ilmiy-tanqidiy matnlari uchun asos bo‘lgan qo‘lyozma manbalar tavsifi va ularning ahamiyati yoritilgan.

**Kalit so‘zlar:** Xamsa, doston, matn, ilmiy-tanqidiy matn, matnshunos, matnshunoslik, kotib, xattot, qo‘lyozma, manba, nashr, toshbosma.

**ON THE STUDY OF MANUSCRIPTS OF ALISHER NAVOI’S  
“KHAMSA”**

*(on the example of Porso Shamsiyev)*

*Shodmonov Giyosiddin Nafasovich*

**Abstract:** The article is devoted to the research of textual scientist Porso Shamsiyev’s scientific laboratory. It mainly describes the manuscript sources and their significance, which are the basis for the scientific and critical texts of Alisher Navoi’s “Khamsa” epics compiled by the scientist. The textologist has introduced many unique copies of Alisher Navoi’s works to us, to Kazan and St. Petersburg. Two manuscripts of Alisher Navoi’s works in the Kazan collection attract the scientist’s attention. One of them is Navoi’s perfect work, the “Khamsa” manuscript, which does not indicate who copied it, when or where.

**KEYWORDS:** “Khamsa”, epic, text, scientific-critical text, textologist, textologist, secretary, calligrapher, manuscript, source, publication, lithograph.

Bugungi kunda jahon qo‘lyozma fondlarida Navoiy asarlarining qadimiy qo‘lyozmalaridan bir qanchasi mavjud. Misol tariqasida Sankt-Peterburgdagi Saltikov-Shedrin nomidagi Davlat xalq kutubxonasi va O‘RFA Sharqshunoslik instituti fondlarini aytish mumkin. Bundan tashqari, Alisher Navoiy asarlarining yana bir qismmini jahonning turli qo‘lyozma fondlaridagina emas, balki ayrim ilm va adabiyot muxlislarining shaxsiy kutubxonalarida ham uchratish mumkin. Shu

---

<sup>115</sup> Qarshi davlat universiteti doktoranti [shodmonov786@gmail.com](mailto:shodmonov786@gmail.com) +998973822131

bois shoir asarlarining jamoatchilikka ma'lum bo'lmagan qo'lyozmalarini qidirib topish va ularning ilmiy qimmatini belgilash matshunoslikning muhim vazifalaridan hisoblanadi.

O'tgan asrning 50-60 yillarida buyuk so'z san'atkori Alisher Navoiy asarlarini tadqiq qilish va ularni nashr ettirish borasida katta ishlar amalga oshirildi. Bu jarayonda matnshunos olimlarimizning faoliy ko'rsatganliklarini ta'kidlash joiz. Mana shunday ulkan olimlardan biri O'zbekistonda xizmat ko'rsatgan fan arbobi, filologiya fanlari doktori Porso Shamsiyev ham matnshunos sifatida Navoiy asarlarining qo'lyozmalari ustida jiddiy izlanishlar olib bordi.

Ma'lumki, mumtoz adabiyotimiz namunalari, jumladan, Navoiy asarlari ustida tekstologik ishlar olib borish uzoq davrlarda har xil saviyadagi xattotlar tomonidan ko'chirilgan matnlardagi jiddiy xatolar, chalkashliklarni bartaraf etish atroficha chuqur bilim, o'tkir ziyraklik va katta mas'uliyat bilan ish olib borishlikni taqazo qilar edi. Porso Shamsiyevning noyob iste'dodi va chuqur bilim egasi ekani ana shunday vaqtarda – tekstologik tadqiqotlar jarayonida juda yorqin namoyon bo'ldi.

Matnshunos Alisher Navoiy asarlarining bizdagi, Qozon va Sankt-Peterburgdagagi ko'plab noyob nusxalarni ilmiy taomilga kiritdi. Qozon fondidagi Alisher Navoiy asarlarining ikki qo'lyozma nusxasi olimning diqqatini tortadi. Ulardan biri Navoiyning mukammal asari "Xamsa" qo'lyozmasi bo'lib, biron yerida kim tomonidan qachon va qayerda ko'chirilgani – kolofoni ko'rsatilmagan ekan. Qo'lyozmada besh dostonning hammasi mukammal mavjud. Porso Shamsiyev uni sinchiklab, qog'ozi, xat uslubi, bezak yo'llarini o'rganib, XVI asrga mansub ekanini aniqlaydi va mufassal tavsifini yaratib, fondga taqdim etadi. Keyinchalik bu manba "Xamsa"ning ilmiy-tanqidiy matnini tayyorlashda jalb qilingan 6 mo'tabar nusxalar qatoriga kiritiladi.

Ma'lum bo'lishicha, XX asrning birinchi yarmigacha "Xamsa" dostonlarining ilmiy-tanqidiy matnlarini tuzish va nashr etdirishda Navoiy merosining ko'plab qo'lyozma nusxalari orasida faqat birgina XV asrning ajoyib xattoti Abduljamil kotib tomonidan ko'chirilgan "Xamsa" qo'lyozmasigagina tayanilgan. Bu qo'lyozma 1930 yilda qo'lga kiritilgan bo'lib, hozirda O'zbekiston FA Beruniy nomidagi Sharqshunoslik institutida 5018 raqami ostida saqlanmoqda [3]. Ana shu nusxa ilmiy nuqtai nazardan ishonchli bo'lgani sababli ilmiy-tanqidiy matnlar va nashrlar uchun asos qilib olingan.

P.Shamsiyev Navoiy "Xamsa"sining ilmiy-tanqidiy matnini tuzish uchun 6 manbadan yuqorida aytilgan Abduljamil qo'lyozmasini asosiy tayanch nusxa sifatida qabul qiladi. Olim qo'lyozmaning xati mayda va chiroyli nasta'liqda bitilgani, qog'ozining ozroq shikastlangani, ba'zi joylarida varaqlar yo'qolganini aniqlaydi. Yana bir joyida varaqlarning boshqacha xatda va boshqa shaxs

tomonidan tiklangani ma'lum bo'ladi. Matnshunos qo'lyozmaning bunday nuqsonlarga ega bo'lishiga qaramay, uning boshqa nusxalar ichida eng e'tiborliligini ta'kidlaydi. Qolaversa, Abduljamilning Navoiy bilan zamondoshligi va asarni u bilan izma-iz ko'chirib borgani qo'lyozmaga bo'lgan ishonchni yanada orttiradi.

"Xamsa"ning ilmiy-tanqidiy matnini tuzish uchun tanlangan ikkinchi manba Saltikov-Shedrin nomidagi Sankt-Peterburg fundamental kutubxonasi fondida 560 raqami ostida saqlanayotgan Sulton Ali Mashhadiya tegishli qo'lyozmadir [4]. Qo'lyozma kolofonida: Xudoning quli Sulton Ali buni 898 (1492/93) yilda yozdi, deb ko'rsatilgan. Bu qo'lyozma ham juda chiroyli ko'chirilgan bo'lib, 325 varaqdan iborat. Lekin bunda ham varaqlar yo'qolgan joylar bor. 3-dostondan 11 varaq, 4-dan 8 ta, hammasi bo'lib 19 varaq yo'qolgan.

Ma'lumki, Sulton Ali Mashhadiy Alisher Navoiyning doimiy xattoti bo'lgan. Bu xususida P.Shamsiyev Xondamirning "Habibu-s-siyar" va Mirxondning "Ravzatu-s-safo" asarining 7-jildida kotib haqida aniq ma'lumotlar borligini aytadi. Shuningdek, olim Zahiriddin Muhammad Boburning Sulton Ali va uning Navoiyga qanchalik yaqin bo'lgani haqidagi quyidagi so'zlarni misol keltiradi: "Garchi Sulton Husayn Mirzo saroyida xattotlar ko'p bo'lsa-da, lekin nasta'liqda Sulton Ali Mashhadiy ularning boshlig'i hisoblanadi. U Mirzo va Alisherbek uchun ko'p yozdi: har kun o'ttiztadan she'r Mirzo uchun, yigirmatadan she'r Alisherbek uchun yozdi". Alisher Navoiyning o'zi ham bu kotibning iste'dodligi va mohir xattotligi haqida "Majolisu-n-nafois" asarida to'xtalib o'tadi: Mavlono Sulton Ali – mashhadlig'dur. Bu kun Xurosonda va olamning aksar bilodida "nasta'liq" xatida qiblatu-l-kuttabdur va kitobat mulkining qalamravi yak qalama anga musallAMDUR. Oncha hamida axloq va guzida atvor bila orosta va pirostadurkim, sharhidin qalam tili ojiz va husni xulqda naziri yo'qtur va tab'i dag'i xub voqe' bo'lubtur [Navoiy, 2011: 387].

Ko'rinadiki, Sulton Ali Mashhadiy ham zamonasining tengsiz kotiblaridan bo'lgan. Shunday qilib, bu qo'lyozmani P.Shamsiyev "Xamsa"ning tanqidiy matnini tuzishda jalb etilgan Abduljamilnikidan keyin ikkinchi yordamchi nusxa sifatida qabul qiladi.

Uchinchi qo'lyozma O'zFA Beruniy nomidagi sharqshunoslik instituti fondidagi 7554 raqamli kolofonsiz nusxadir [5]. Bu "Xamsa" qo'lyozmasida dostonlarning joylashish tartibi quyidagicha:

1. "*Hayratu-l-abror*";
2. "*Farhod va Shirin*";
3. "*Sab'ai sayyor*";
4. "*Layli va Majnun*";
5. "*Saddi Iskandariy*".

Qo‘lyozmada “Sab’ai sayyor” va “Layli va Majnun” dostonlarining o‘rni almashib qolishini olim muqovalanish jarayoni bilan bog‘liq bo‘lishi mumkin, deb taxmin qiladi. Bu nusxa ham to‘la. Kolofoni yo‘q bo‘lishiga qaramasdan, quyidagi ikki muhim belgisiga qarab, olim qo‘lyozmaning qadimiyligini aniqlaydi: birinchidan, qog‘ozi va xati tekshirib ko‘rilganda u XV-XVI asrga tegishli ekanani aniqlandi; ikkinchidan, qo‘lyozmaning birinchi betida tuhfa qilingani haqidagi yozuv bor. Yozuvning yarmi o‘chib ketgan. U Sulton Boyazidning xizmatchisi qandaydir Muhammad Bekka tuhfa qilingan ekan. Qolaversa, yozuvda ta’rix keltirilgani ham uning qadimiyligidan darak beradi: در تاريخ روز پنجم شنبه ۱۴ محرم الحرام (Dar ta’rxi ro‘zi panjshanba, 14-muharramulharomi 979), ya’ni milodiy 1517 yil, 8 iyul. Bulardan ayon bo‘ladiki, qo‘lyozma XV asr oxiri va XVI asr boshlarida ko‘chirilgan. Nusxaning matni ham juda savodli bitilgan.

Saltikov-Shedrin nomidagi Sankt-Peterburg davlat kutubxonasi fondida 55 raqami bilan saqlanayotgan Navoiy “Kulliyoti”dagi “Xamsa” qo‘lyozmasi ham matnshunos tuzayotgan ilmiy-taqnidiy matnga jalb qilingan manbalar qatoridan to‘rtinchisi bo‘lib joy oladi. Bu “Kulliyot”da shoirning 13 ta asari tartibsiz keltirilgan ekan. Birinchi dostonning oxirida kolofon bo‘lib, unda aniq ta’rix keltiriladi – 1258 (1842 y.). Bundan boshqa yana bir ta’rix ham bor. U “Xazoyinul-maoniy”dagi to‘rt devonlarning biri – “G‘aroyibu-s-sig‘ar” kolofonida keltiriladi. Unda ko‘rsatilishicha, “G‘aroyibu-s-sig‘ar” devoni xijriy 904 yil zulhijja oyining yigirma ikkinchisida tugatilgan. Bu ta’rix “Kulliyot”dagi barcha asarlarga tegishli deb qaraladi. Tekshirishlardan P.Shamsiyev bu “Kulliyot” (“Hayratu-l-abror”dan tashqari) XVI asrda ko‘chirilgan degan xulosaga keladi [Shamsiyev, 1986:30]. Matnshunos “Kulliyot”dagi “Xamsa” takstlarida bir qancha tuzatishlar borligi, ya’ni ba’zi tushirib qoldirilgan baytlar o‘rniga kotibning qo‘li bilan va boshqa kishi tomonidan qo‘srimcha qilingan joylar borligini aniqlaydi.

Ilmiy-taqnidiy matn uchun tanlangan beshinchi manba Saltikov-Shedrin nomidagi Sankt-Petrburg davlat kutubxonasi kolleksiyasida 559 raqami ostida saqlanadi. Unda “Xamsa”ning beshinchi dostoni “Saddi Iskandaiy”dan boshqa barcha doston mavjud. Qo‘lyozmada 23 ta miniatyura bor. Xati chiroli nasta’liqda bitilgan. Kolofoni ko‘rsatilmagan. Qo‘lyozmani qadimiyligini olim xatining kattaligi, yozilishi, formati (32x32) va boshqa belgilariga qarab, Buxoroda XVI asrda ko‘chirilganini taxmin qiladi.

“Xamsa”ning ilmiy-taqnidiy matnnini tuzishda jalb qilingan oxirgi – oltinchi manba Qozon universiteti Sharqshunoslik fondida (inv.15334) saqlanadi. Matnshunos bu qo‘lyozmani ham boshdan oyoq ko‘zdan kechiradi. Nusxada dostonlarning boshlanishi tilla rang xoshiyada bezatilgan, matni oddiy xoshiya chizig‘iga olingan. Xati oldingilariga o‘xhash – mayda, chiroli nasta’liq. Qog‘ozi Hirotniki, har bir bet to‘rt ustunga bo‘linib, 21 qatordan iborat. Qog‘oz formati

23x16, matnniki esa 17x11,5. Olimning aytishicha, qo‘lyozmaning muqovasini ruslar qayta ishlagan.

Dostonlarning joylashishi quyidagicha tartibda:

1. “*Hayratu-l-abror*”;
2. “*Farhod va Shirin*”;
3. “*Layli va Majnun*”;
4. “*Sab’ai sayyor*”;
5. “*Saddi Iskandariy*”.

Qo‘lyozmada kotibning nomi va ko‘chirilgan sana ko‘rsatilmagan. Tekshirishlardan ayon bo‘lishicha, xat, format va ayniqsa, matnning sifati qo‘lyozma XVI asrning birinchi yarmida ko‘chirilgan. P.Shamsiyev bu olti qo‘lyozmadan tashqari, “Xamsa”ning 3 litografik nusxasiga ham murojaat qiladi: Xiva nashri, 1880 yil. Ikkita 1904–1905 yilga tegishli Toshkent nashrlari.

Yuqorida ta’kidlanganidek, matnshunos olim ilmiy-tanqidiy matn tuzishda to‘liq Abduljamil nusxasiga tayanadi. Iloji boricha uning xususiyatlarini saqlashga harakat qiladi. Qo‘lyozmadagi har bir baytni keyingi besh nusxa bilan muqoyasa qilib chiqadi. Ma’noga oid farqlarni esa matnning ilmiy apparatida qayd etadi.

Olim ilmiy-tanqidiy matn uchun istifoda etilgan qo‘lyozma nusxalarning shartli belgilarini quyidagicha ko‘rsatadi:

- |   |     |
|---|-----|
| 1. <i>Qo‘lyozma – 5018, Abduljamil ko‘chirgan</i> | – A |
| 2. <i>Qo‘lyozma – 560, Sulton Ali ko‘chirgan</i>  | – B |
| 3. <i>Qo‘lyozma – 7554, Toshkent nusxa</i>        | – V |
| 4. <i>Qo‘lyozma – 55, LGPB</i>                    | – G |
| 5. <i>Qo‘lyozma – 559, LGPB</i>                   | – D |
| 6. <i>Qo‘lyozma – 15334, Qozon universiteti</i>   | – E |

Har bir nusxa matnlarini solishtirishda quyidagi farqlar ko‘rsatilgan:

1. *Ma’noviy xarakterdagi asosiy farqlar;*
2. *Orfografik farqlar;*
3. *Kotibning xatosi;*
4. *Qoldirilgan ayrim so‘z, qator va baytlar.*

Xulosa o‘rnida shuni aytish mumkinki, Porso Shamsiyev tomonidan Alisher Navoiy asarlariga oid qadimiy qo‘lyozmalarning ilmda istifoda etilishi quyidagi jihatlari bilan ahamiyat kasb etgan:

*birinchidan, bu shoir ijodining hali fanga ma’lum bo‘lmagan qirralarini ochishga katta yordam beradi va yangi tadqiqotlarga zamin yaratadi;*

*ikkinchidan, mazkur qadimiy topilmalar Navoiy asarlari, xususan ulug‘ shoirning yuksak badiiy tafakkur mahsuli bo‘lmish “Xamsa” dostonlarining yagona ilmiy-tanqidiy matnlarini yanada takomillashtirish yo‘lida zarur manba vazifasini o‘tagan. Buning isbotini olim faoliyatida ko‘rish mumkin;*

*uchinchidan, Navoiy matnshunosligi bilan bog'liq (asosan, tanqidiy matn tuzishdagi) ayrim chalkashliklar, chigalliklarni bartaraf qilishga ijobiy ta'sir o'tkazgan.*

**Adabiyotlar ro'yxati:**

1. Навоий А. Мажолису-н-нафоис. 10 жилдлик. 9-жилд. Т.: 2011.
2. Шамсиев П. Ўзбек матншунослигига оид тадқиқотлар.—Тошкент: Фан, 1986.

**Qo'lyozma manbalar:**

3. O'zRFA Sharqshunoslik instituti, inv. № 5018.
4. O'zRFA Sharqshunoslik instituti, inv. № 7554.
5. Sankt-Petrburgd Saltikov-Shedrin nomidagi xalq kutubxonasi, inv. № 560.

## АЛИШЕР НАВОИЙ АНЪАНАЛАРИ АВЛОДЛАР СИЛСИЛАСИДА

**Хайдарова Гулҳаё Ахмадалиевна\***

**ҚўқонДПИ тадқиқотчиси**  
**h.gulhayoxon90@gmail.com**

**Annotation.** This article illustrates the influence of the traditions of Alisher Navoi's ghazals on the works of Askarali Hamroali o'gli Charkhi and the ghazals of his close follower Komil Jo'ra. In the process of Alisher Navoi-Charkhi-Kamil Jora series are analyzed the continuity of traditions and the uniqueness of each artist.

**Keywords:** poems, tradition, creative originality, teacher-student, radif, literary influence, image, artistic means

Буюк мутафаккир Алишер Навоий асарлари орқали илгари сурилган ғоялар орадан неча юз йиллар ўтса ҳам ўз аҳамиятини йўқотмайди. Шоир ғазаллари орқали бутун инсониятга эзгулик улашади умуминсоний ғояларни тарғиб этаверади. Бу анъана йиллар ўтиб халафлар ижодида бошқа шаклларда бўй кўрсатаверади. Шундай ижодкорлардан бири XX асрда яшаб ижод этган шоир Асқарали Ҳамроали ўғли Чархийдир. Чархий ҳам бутун ижодини ўша давр адабий муҳити сиқиб чиқаришга уринаётган аруз вазнида ёзилган асарларни тарғиб этишга бағишилаган десак муболаға бўлмайди. Бу ҳакида ўзининг “Девон”и сўзбошисида шундай деган: “Классик адабиётга... ҳажвияга қўпроқ майл сезаман.” [Чархий. Девон, 1972: Сўзбоши] Шоир ўзини “ҳажвияга мойил сез”са-да ғазалиётининг қўп қисмини ҳажвий шеърлар

ташкил этмайди. Ғазаллари турли мавзуларда ёзилгани учун уларни шартли равишда қуидагича гурухлаш мумкин:

- 1)ишқий мавзудаги ғазаллар;
- 2)панднома характеристидаги ғазаллар;
- 3)ижтимоий ҳаёт акс этган ғазаллар.

Шоирнинг ижодини тадқиқ этиш давомида Алишер Навоий анъаналари қуидагича изчилликда етиб келганини аниқладик:

Алишер Навоий ғазалиёти→ Муқимий ғазалиёти→ Чархий ғазалиёти

Бу занжирни узмасдан давом эттириб, кейинги авлодга мазкур анъаналар етказилишида Чархий ғазалиёти ўзига хос кўприк вазифасини бажарган, дейилса муболага бўлмайди. Шоирнинг Кўкон ва атроф туманларда шогирдлари жуда кўп. Улардан Комил Жўра, Назиржон Назаров, Салимхон Назирий, Саминий, Мақсуда эгамбердиева кабилар ҳам ўз ижодида мумтоз адабиёт анъаналарини давом эттиришга интилганлар. Жумладан, 1937-2018-йилларда Кўкон шахри яқинидаги кўхна Ганжиравон қишлоғида яшаган шоир Комил Жўра Чархийнинг энг яқин шогирдларидан бири бўлган. У “Муҳаббат гулшани” номли девон тузиб, устози давом эттириб келаётган анъаналар занжирининг давомчиси сифатида танилиб улгурди. Мазкур девонга Собир Абдулла томонидан маҳсус сўзбоши ёзилган. Сўзбошида Чархий ўз шогирдининг ижодини алоҳида эътироф этиб Собир Абдуллага ёзган мактубидан парча берилган: “Комил Жўраев... шеъриятда балоғатга етаёзганлигига қарамай, ҳамон олдинни кўзлаб кўп мутолаа, кўп машқ билан машғул, унинг ижобий натижалари сиз орқали газетага юборилган бу ғазалларда bemubolaғa кўриниб турибди.”[Комил Жўра.2002: 4]

Комил Жўра ўз девони дебочасида салафлардан кўмак сўрайди:

Эл тузиб эркин Наво, Собиру Чархий, Нихон,

Учқунидин Лутф ила сачради бир оз менга.

Сиз улуғ уммонсиз, кичкина ирмоқчаман,

Сиздан ўтиндим кўмак, қўл туting устоз менга.

Эй азиз устозларим, ушбу чаман ичра мен,

Янги баёзни тузай, сиз беринг овоз менга. [Комил Жўра.2002: 6]

Алишер Навоий-Чархий-Комил Жўра силсиласида анъаналар давомийлиги ва ҳар бир ижодкорнинг ўзига хослиги кўзга ташланади. Алишер Навоий “Хазойин ул-маоний” девонидаги ғазаллардан Чархий ҳам, унинг шогирди Комил Жўра ҳам бирдай илҳом олган дейиш мумкин. Алишер Навоийнинг ғазаллари орасида “яхши” ва “яхшироқ” радифли ғазаллар бор:

Демаки,

қатлима

ушшоқи

нотавон

яхши

Ки, буйла жаврунга бир мен кеби ёмон яхши.

[Алишер Навоий.1990: 405]

Эй, каломи жон физойинг нақди жондин яхшироқ,  
Лаъли жонбахшинг ҳаёти жовидондин яхшироқ.

[Алишер Навоий.1990. Б.219]

Шундай радифли ғазаллар Чархий ижодида ҳам учрайди:

Гар келса мақом, сўзласа сўз хонаси яхши,

Ҳар хонанинг ўз кўзлари мастонаси яхши. [Чархий.1972. Б.27]

Фарзанд ўғилми, қизчами барноси яхшими?

Ёки билимда, хулқда зебоси яхшими? [Чархий. 2010:41]

Комил Жўранинг “Муҳаббат гулшани” девонида ҳам шундай радифли ғазал мавжуд бўлиб, юқоридагилардан фарқли равишда Муқимий таваллудининг 150 йиллиги муносабати билан ёзилган ғазалдир:

Саховатпеша авлод бўлса ғамхўр, меҳрибон яхши,

Махр нури чароғон айлаган кенг осмон яхши.

[Комил Жўра.2002: 21]

Мазкур ғазаллар бир-биридан илҳомланиб ёзилган бўлса-да, уларнинг бошида Навоийнинг ғазали туради. Навоий ғазалининг бешинчи байти қўйидагича:

Қадаҳни ташлаки, бас ташналабмен, эй соқий,  
Менинг сумурмакима баҳри бегарон яхши.

[Алишер Навоий.1990: 219]

Байт мазмунига кўра, шоир соқийга мурожаат қилмоқда. Ундан қўлидаги қадаҳни ташлашини талаб қилмоқда. Чунки, лирик қаҳрамон шунчалик ташнаки, бир қадаҳ майга чанқоғи босилмайди. Унинг “сумурмаки” учун чексиз, бепоён денгиз афзалроқ. Чархий ҳам бу ғазални яхшилаб ўрганганди. Унинг ғазалининг тўртинчи байтида бу таъсирланиш яққол намоён бўлган:

Мен маст ҳаёт нашъасидан соқийи даврон,

Давримнинг азиз улфату майхонаси яхши.[Чархий.1972. Б.27]

Ғазал шоирнинг ўзи ҳаётлигига чоп этилган “Девон”ига киритилган бўлиб, XX асрнинг 30-40-йилларида ёзилган. Тарихдан маълумки, бу даврда жамият рус мустамлакаси бўлиб, фан, таълим, адабиёт ва диний эътиқодларгача шўролар тузуми назоратида эди. Худди шу кайфиятни ғазал руҳиятига сингдирилмаса, ғазал цензурага учраши муқаррар эди. Байтдаги соқий образи ҳам “даврон” учун ва Навоий назарда тутган тасаввуфий тимсол майхона эса, ўз маъносида қўлланган. Демак, бундай ўхшатишларни Чархий иложсиз ҳолатда қўллаганини қатор тарихий факт ва манбаларга таянган ҳолда англашимиз мумкин. Адабиётшунос Валижон Қодировнинг

“Хозирги замон ўзбек ғазаллари поэтиказининг айрим хусусиятлари” номли тадқиқот ишида бундай ҳолатлар ҳаётий мисоллар билан ёритиб берилган. [Кодиров В. Фил.фнал.номз.дисс. – Тошкент:1993]

Чархий мумтоз адабий асарлар ўрнини бармоқ вазни ҳар томонлама эгаллаб бораётган даврда фақат аруз вазнини, шу билан бирга, ғазал жанрини тарғиб қилишга интилди. Шоирнинг бундай маънавий жасоратининг бош сабаби, аввало, Навоий ғазалларидан ижодий илҳомланиш бўлса, иккинчидан, ижтимоий қалтис вазият бўлишига қарамай мумтоз асарларни, хусусан, ғазал жанрини авлодлар унута бошламаслиги учун, Чингиз Айтматов таъбири билан айтганда, манқуртга айланиб қолмаслиги учун жиддий ҳаракат эди.

Комил Жўра ҳам ўз ғазалларида устози Чархий, Чархийнинг устози Муқимий ва устозларнинг устози бўлмиш Алишер Навоийга эргашишга интилади:

Ҳамиша яхшиликни қуйлади, ўргатди устозлар,

Муқимликда Муқимий, домла Чархий нуктадон яхши.[Комил Жўра.2002: 21]

Мазкур ғазал панд-насиҳат руҳида битилган бўлиб, унда Навоий ғазалларида баён этилган умуминсоний ғоялар куйланади. Ғазал мустақиллик даврида (2001 йил) ёзилгани ва ҳеч қандай ижтимоий чекловлар бўлмагани сабабли, унда диний тушунчалар Каъба, Аллоҳ лафзлари bemalol қўлланган. Шоирнинг ишқий ғазалларида ҳам навоийёна оҳангларни сезиш қийин эмас:

Ёр кетди, кетди... найлай, армони жонда қолди,

Хижрон ўти ловуллаб бағримда-қонда қолди...[Комил Жўра.2002: 26]

Одатда, мумтоз адабиётда, хусусан, Навоий ғазалларида ҳам нарғиз гули ёрнинг чиройли кўзига ташбеҳ қилиниб келинган:

Гар бебасарлик айнидин нарғис кўзунгдин лоф урар,  
Аҳли назар англарким, ул ҳам кўр эрур, ҳам бад алаф.

[Алишер Навоий. 1990: 152]

Чархий шеърларида ҳам шундай ўхшатишлар талайгина. Лекин Комил Жўра нарғиз гулини кўзга ташбеҳ қилмасдан, унинг очилишини ташхис ва ҳусни таълил санъатлари билан янада гўзал ҳолга келтира олган:

Шамшод қадди букилмиш, ҳатто булат тўкиб ёш,

Нарғиз ёқа чок айлаб, қалблар фиғонда қолди. [Комил Жўра.2002: 27]

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Асқарали Ҳамроали ўғли Чархий ва унинг шогирди Комил Жўранинг жуда кўплаб ғазалларида Навоийнинг нафаси сезилади. Навоий ғазалиётида қўлланган хилма-хил ўхшатишлар, образлар, ғоялар, бадиий тасвирий воситалар ва ҳаттоки арузнинг турфа баҳрлари ҳам салафлар ғазалиётида қайта ишланиб, сайқалланиб, мустаҳкам

қолипга туширилиб, мумтоз адабиёт анъаналари сифатида ёш авлодга етказилишида устоз-шогирд Чархий ва Комил Жўра ижоди ўзига хос кўприк вазифасини бажара олган.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. 20 жилдлик. 5 жилд.– Тошкент: «Фан» нашриёти. 1990.
2. Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. 20 жилдлик. 6 жилд.– Тошкент: «Фан» нашриёти. 1990.
3. Чархий. Девон. – Тошкент: Faфур Fулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1972.
4. Чархий. Киёлаб ўтди. Шеърлар. – Тошкент: “Академнашр”2010.
5. Комил Жўра. Муҳаббат гулшани(девон). – Тошкент: “Ёзувчи”. 2002.
6. Қодиров В. Ҳозирги замон ўзбек ғазаллари поэтикасининг айrim хусусиятлари. Фил.фанл.номз.дисс. – Тошкент:1993.
7. Рустамов Э.Р. Узбекская поэзия в первой половине 15 века М., ИВЛ, 1963.

## **ДАРВЕШЛАР СУҲБАТЛАРИ ВА АЛИШЕР НАВОИЙ** **CONVERSATIONS OF DERVISHES AND ALISHER NAVOI**

*Қораев Шерхон Пўлатхонович,  
Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек  
тили ва адабиёти университети мустақил тадқиқотчisi,  
[sherxonqorayev@gmail.com](mailto:sherxonqorayev@gmail.com)*

**ANNOTATION.** This scientific article examines the conversations of dervishes, who played an important of the thinking and expansion of knowledge of the great poet and thinker Alisher Navoi.

From his childhood, the great Navoi interacted with great saints and attended their meetings. The conversations of the dervishes took the form of a lesson in which religion and the science of Sufism were taught.

As noted in Alisher Navoi’s Nasayim ul Muhabbat, the mashayiks interpreted the Qur’an, tafsir, hadith, and Sufi literature and explained them to their murids. Alisher Navoi also listened to lectures in such conversations and learned the terms and rules of Sufism.

**Keywords:** Orders of Sufism, mashayiks, ahlullah, conversation-lesson, look,

compliment, prayer, khanaqah.

Алишер Навоий 4 ёшидан Ҳирот, Шероз, Сабзавор шаҳарларидағи мактабларда ўқигани, шундан сўнг Ҳирот, Машҳад ва Самарқанд мадрасаларида таҳсил олгани бизга маълум. Аммо Навоий ёшлиқ даврида улуғ инсонлар, буюк устозлар ва тариқат пирлари суҳбатларида таълим олганини эса қўпчилигимиз билмаймиз. Навоий “Ҳолоти Сайид Ҳасан Ардашер” асарида бу ҳақда шундай ёзган: “Дарвешлар ва аҳлуллоҳ (Аллоҳ ахли) мулизаматиға кўп етибмен”[Навоий, 2012:96]. Бинобарин, мутафаккир фикрини Хондамир ҳам “Навоий ёшлиқ ва йигитлик даврида доимо дарвешлар суҳбатида бўлган”, деб тасдиқлаган: “...Ул зот ёшлиқ ва йигитлик даврининг гуллаб-яшнаган чоғларида ҳар доим “Улар туриб ҳам, ўтириб ҳам, ётиб ҳам Аллоҳни зикр этадилар” (Қуръони Карим “Оли Имрон” сураси, 191-оят) ояти улар борасида туширилган дарвешлар билан мулоқотда бўлишга интилиб юрар, қўлидан келганича ва имконияти етганича иродат ва ихлос билан олий мартабали ушбу тоифага мансуб кишиларнинг хизматида бўлардилар.

(Шундан сўнг ул Ҳазрат) бир неча вақт давомида бу дунёning барча қизиқишлиари ва ҳою ҳавасларидан қўнгил узиб, табаррук макон бўлган Работи Суҳайл деган жойда яшай бошладилар”[Хондамир, 2015:62]. Энг қизиги, Навоийга ёшлигида қироат, аruz, мусиқа каби қатор илмларни ўргатган устозлар – тариқат пешволари бўлишган.

Хўш, нега Навоий кўплаб, улуғ авлиёлар билан суҳбат тутган, деган ҳақли савол туғилади? Биринчидан, азиз-авлиёларнинг суҳбати –дарс йиғини шаклида бўлган. Пиру муршиidlар ўз суҳбатлари, мажлислари орқали тариқат ғояларини тарғиб қилишган. Бу ҳақда Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф шундай фикрларни келтирган: “Бир соатлик илм мажлиси етмиш йиллик ибодатдан афзал, яъни фарзлар устига зиёда қилинган ва киши илмсиз равишда қиласиган ибодатлардан. Аллоҳ зинҳор жоҳилни валий қилиб юбормайди. Агар кимни валий қилиб оладиган бўлса, унга таълим беради. Валий ҳеч қачон ўз дини фикҳида жоҳил бўлмайди. У қандай намоз ўқишни, рўза тутишни, закот беришни ва ҳаж қилишни яхши билади”[Муҳаммад Юсуф, 2016:76]. Бир сўз билан айтганда, шариат аҳкомлари, диний илмларни пухта ўзлаштирган Баҳоуддин Нақшбанд каби тасаввуф шайхларигина суҳбат-мажлисларда толиби илмларга илм ўргатишган. Бу ҳақда Навоийнинг ўзи ҳам “Насойим ул-муҳабbat”да Шайх Илёс ҳақида ёзар экан, жумладан шундай деган: “Атроф ва жавонибдин ҳам илм ўкуғоли, ҳам факр тариқида сулк қилғали анинг хидматиға борур эрдилар. Муридлари сўзи худ будурки, андоқки, анжуманда халойикқа сабак

айтур”[Навоий, 2012:461]. Ҳофиз Таниш Ал-Бухорий ҳам “Абдулланома”да “Талаб қилувчи (толиби илм) бир машойих сұхбати шарафига етса, ўзгаларнинг мاشаққатларидан тамоман қутулади. Шундай бўлса ҳам (киши) машойихлар(нинг) сұхбати билан қанча кўп тарбият топса, унинг камоли ҳам шунча кўп бўлади,[Бухорий, 1999:80]” деб ёзган.

Иккинчидан, тариқатга қадам қўйган солик камолоти учун пирнинг назари ва илтифоти муҳим аҳамият касб этган. Яъни пирнинг назари тушган шахс тасаввуфда етук даражаларга эришган. Жумладан Навоий тўғрисида ҳам шундай фикрларни билдириш мумкин.

Учинчидан, пиру устодлар дуоси мустажоб бўлган. Шунинг учун азизлар сұхбатида бўлган Навоий уларнинг дуосини олишга интилган. “Насойим ул-муҳабbat”да авлиёларнинг дуолари ижобати кароматлардан бир сифатида кўрсатилган. Аниқроқ қилиб айтганда, авлиёлар дуоси сўзсиз қабул бўлган. Аллоҳ азза ва жалла Қуръони Каримда марҳамат қиласи; “Роббингиз: Менга дуо қилинг, сизга ижобат қилурман....деди...”(Фоғур сураси 60 оят). Имом Термизий ривоят қилган ҳадиси шарифда “(Дуоингиз) ижобат бўлишига ишонган ҳолингизда Аллоҳга дуо қилинг, албатта, Аллоҳ таоло ғофил қалбдан дуо қабул қилмайди”, дейилади.

Навоий сұхбат қурган улуғ зотлар–дарвешларнинг аниқ сонини айтиш мушкул. Чунки, мутафаккир рисолаларида улар ҳақида батафсил тўхталмаган. “Насойим ул-муҳабbat” да эса бор-йўғи ўзи сұхбатида бўлган ўнлаб валийлар ҳақида қисқача ёзиб қолдирган. Балки шоирлар сultonи беш –олти ёшдан бошлаб ўттиз ёшгача бўлган даврда юзлаб шайхлар, авлиёлар хизматида бўлгандир. Негаки, бу даврда Хурросон ва Мовароуннахрда жуда кўплаб кароматгўй валийлар истиқомат қилишган. Биз Навоий асарлари асосида уларнинг айримлари ҳақида сўз юрита оламиз, холос. “Насойим ул-муҳабbat”да Навоий **Хожа Шамсаддин Муҳаммад Кусуи Жомий** отаси Ғиёсиддин Баҳодирнинг пири-муршиди эканини ёзар экан, падари билан авлиёнинг хизматида бўлиб, сұхбатини олганини баён этади. Бинобарин, ёш Навоийга ҳам авлиё Хожанинг муборак назари тушган: “Ва фақир ҳам кичик ёшимда аларнинг муборак назарига етиб, илтифот топиб, фотиҳалари(дуолари)га мушарраф бўлубмен ва азим фойда андин умидим бор. Умид улки, ноумид бўлмағаймен”, дейди бу ҳақда Навоий. Шоирлар сultonи болалигида **Мавлоно Ҳумодуддин Қалободий** билан мулоқот қилиш баҳтига ҳам мұяссар бўлган: “Бу ҳақир (Навоий) сиғари синда алар хидматиға мушарраф бўлибмен. Менинг борамда фотиха ўқуб, бир қасаб ёғлиқ иноят қилибдурлар”[Навоий, 2012:462].

Алишер Навоий олти ёшида юқорида биз зикр этган дуоси ижобат бўладиган валий шахслардан бири, тарихчи **Шарофиддин Али Яздий** билан

учрашгани, хизматида бўлгани қўпчиликка маълум: “Даги Мавлоно(Яздий) ўз замони салотини(подшоҳлари) қошида муъаззаз ва сойир ашроф қошида мукаррам эрдилар ва Тафтда хонақоҳ ва шогирдлари ва муридлари бор эрди. Бу ҳақир(Навоий) сиғари синда ул буқъада алар хизматлариға мушарраф бўлиб, менинг борамда фотиҳалар ўқудилар”, - деб ёзади Навоий.

Ўз замонасининг маликул-каломи деб эътироф этилган **Лутфийни** ҳам Навоий “Насойим ул-муҳаббат”да валийлар қаторига қўшади. Ўз ўрнида айтиш жоизки, шоирлар султони дарвешлардан бўлган Мавлоно Лутфийнинг сұхбатида бўлиб, ундан таълим ва дуо олган: “Бу фақир борасида кўп фотиҳалар ўқубтур. Умед улким, чун дарвеш киши эрди, баъзи мустажоб бўлмиш бўлғай”, дея ёзади Навоий бу ҳақда. Навоий ҳақ. Фаридуддин Аттор ҳам дарвешларнинг дуолари Яратган даргоҳида қабул бўлишини айтган: “Дарвешларни Аллоҳнинг ўзи сақлайди. Дунёни тарк этган ҳар бир дарвешнинг халқ узра қилган дуолари мақбулдир. Уларнинг қилган дуоларининг баракатидан мусулмонлар бало ва қийинчиликлардан омон бўладилар”[Аттор, 2013:429]. Лутфий нафақат дуо қилган, балки шоирлар султонини доимо онасини рози қилишга, дуосини олишга даъват этган. Навоийнинг ёзишича, “бу фақир(Навоий) борасида кўп илтифоти бор эрди ва фотиҳалар ўкур эрди ва доим волида мулозаматига ва ризои хотириға(ризолигини олишга) тарғиб қилур эрди”.

“Насойим ул-муҳаббат”да зикр этилишича, **Бобо Пирий** олдидан ўтган одамларни сўкар экан. Шу боис “ҳақир(Навоий) анинг илайидан ўтмас эрдим. Ва ҳол улки, маскани халқ йўли устида эрди. Бир кун бир ҳамроҳ сўрдики, бу ерда етганда, доим йўлни эвуруб, Бобо илайидан ўтмассен, сабаб недур, айт?! Дедимки, бу жиҳатдинки, фаҳш сўкар, манга хуш келмаски, анинг фаҳшин эшитгаймен”. Навоийнинг ҳамроҳи эса бобонинг кароматгўй эканини сўзлар экан, “агар ҳақиқатан каромати бўлса, олдидан ўтганингда сени сўкмайди”, дейди. Навоий унинг маслаҳати билан бобонинг “илайидан” ўтади. Ҳамроҳ ҳақ бўлиб чиқади. Бобо Пирий ёш Алишерни сўкмайди. Аксинча, дуолар қиласи ва сұхбат қуради. Алишер Навоий “улфатлари” **Бобо Шиҳоб ва Бобо Сарифи Пўлод** каби валийлар билан яхши муносабатда бўлиб, дуоларини олган. Шайх Камол Турбатий билан муноқот қилган.

Навоий Яратган даргоҳида дуоси мустажоб бўладиган пири комил **Хожа Пир Аҳмад Наққош** сұхбатида ҳам бўлган:“Бу фақир(Навоий) борасида хайр дуоси кўп қилур эрди. Умид улки, мустажоб бўлмиш бўлғай!” Яъни Навоий таъбири билан айтганда, шоирлар султони ҳаққига қилинган дуолар ижобат бўлган. Шайх-ул-ислом **Хожа Муайяд** Мехна ўз даврининг йирик уламоларидан ҳисобланган. Навоий ўз даврида ваъз мажлислари билан шухрат қозонган бу улуғ зотнинг сұхбатларида иштирок этган: “Бу ҳақирни

фарзандлиқ лафзи била сарафroz қилиб, хайр-дуоси кўп этиб, борамда фотиҳалар ўқиб эрдилар. Умид улки, бири мустажоб бўлгай”.

Замондошлари “Кадуд” деб атаган **Хожа Авҳад Муставфий** илму урфонда ўз даврининг ягонаси ҳисобланган. Навоий Сабзаворлик валий шоир Муставфий сұхбатида таҳсил олган: “Кўпроқ улум ва фунунни билур эрди, батахсис улуми ғарифани, аммо фалакиётда шуҳрати бор эрди. Бу фақир(Навоий) ул бузруквор сұхбатиға етар эрди, кўп илтифотлари бор эрди.”,-дейди шоирлар султони. Хожа Авҳад ҳақида Давлатшоҳ Самарқандий “Тазкират уш-шуаро”да шундай ёзган: “Хожа Фахриддин Авҳадий билимдонлиги, фозил ва камолотга етғанлиги туфайли унда фақиру дарвишона табиат пайдо бўлди. Закий ва истеъодли кишилар ҳаммаси ҳамма вақт унинг сұхбатига бориб, илм қасб қилиш билан машғул эдилар. Хожа форс, араб ва бошқа тилларда битилган минг жилд китоб жамлаган, уларнинг (ўчган жойларини) ўз муборак хати билан тиклаган эди. Бу фоний дунёда ақл орттиришдан бўлак касбга ҳаваси йўқ эди. Ундан яхши сўз ва яхши китоб ёдгор қолди”[Самарқандий, 1981:176].

Азизлардан **Дарвеш Мансур** тасаввуф йўлида кўп риёзат чеккан, тақводор ва дарвеш киши бўлган. Аруз ҳақида иккита рисола ёзиб, Салмон Соважийнинг маснуъ қасидасига жавоб айтган. Ирфоний ғояларни рубоийда, ошиқона кечинмаларни ғазалда ифодалаган. Дарвеш Мансур Навоийга аруз илмидан устозлик қилган. “Кўпроқ авқот сойим эрди, аруз ва саноеъда Мавлоно Яхъё Себак шогирди эрди. Фақир арузни Дарвеш қошида ўқибмен”[Навоий, 2012:320]. “Насойим ул-муҳаббат” асари эса бу фикрларни тўлдиради:“...Замон подшоҳи(Абулқосим Бобур) бу ҳақир(Навоий) кичик эрканда арузи саноеъ ўқумоққа аларға сипойиш қилиб эрдилар. Аммо бу тоифа(тасаввуф ахли)нинг чун истилоҳотин ҳам хуб билур эрдилар. Мундин ҳам кўпрак алардин эшитилур эрди. Бу тоифада алардек хуш табъу дақиқ оз киши воқеъ бўлмиш бўлгай”. Юқоридаги фикрлардан маълум бўладики, Абулқосим Бобур ёш Навоийни устоз Дарвеш Мансур қўлига топширади ва у устоз ҳузурида аруз илмини ўрганади. Нафақат, аруз илми, балки тариқат пиридан Навоий тасаввуф истилоҳларини ўзлаштирган.

Хурсонлик адаб ва тасаввуф таълимотида ўз замонасининг “соҳиб камоли” **Хофиз Али Жомий** қироат илмида ҳам тенгсиз бўлган. Алишер Навоий Ҳофиз Али Жомийнинг сұхбат-мажлисларида бўлиб, ундан сабоқ олишга мушарраф бўлган: “Ўз замонининг соҳиб камоли эрди, батахсис тасаввуф илмида...Ва қироат илмида жамеи курро аниңг шогирдлигига мубоҳат қилурлар эрди. Ва фақир ҳам неча сабак ўқибмен”[Навоий, 2012:311]. Мусиқашунос ва тариқат пири бўлмиш **Хожа Юсуф Бурҳон** шеър ва мусиқа илмини яхши билган, ўзи шеър ёзиб, мусиқа басталаган. Навоий

музиқадан илк сабоқни тоғаси Мұхаммад Али Ғарифийдан олганидан сүнг Юсуф Бурхондан унинг нозик сирларини ўрганади. Бу буюк зотдан Навоий нафақат мусиқа, балки тариқат илмидан таълим олган, ундан ўз ғазалларига мусиқа басталаш ва тасаввуфона оҳанг бағишлишни ўзлаштирган: “Факр ва фано тарийқида сулук қилур эрди. Ва тажарруд ва инқитоъ расмин кўп маслук тутар эрди. Ва жамеи аҳли турукнинг соҳиб тарийқи эрди ва мусиқий илмин ҳам яхши билур эрди ва факир(Навоий) мусиқий фанида анинг шогирдимен”[Навоий, 2012:330]. Тасаввуф намояндаси **Мавлоно Саъдуддин** ўз даврининг етук уламоларидан бири бўлган. Навоий ибораси билан айтганда, “ҳаётлари муддатида “Фаройиз” адосидин сўнгра “Тафсир” ва “Ҳидоя”га машғул бўлурлар эрди... Ва дунё сўзи алар мажлисида ўтмас эрди. Алар сухбатиға етиб, сўзларини эшитган кишига Ҳазрат Расул(С.А.В.) ва бузургвор асҳобининг тариқи ёд бўлур эрди... Бу ҳақир(Навоий) борасида кўп хайр дуолари қилибдурларки, анинг билан бағоят умидвормен”. Демак, Навоий бу буюк зот билан қўришиб, ундан дуои хайлар олиш баробарида, диний илмлардан маърузалар тинглаш баҳтига мушарраф бўлган. У шунингдек, “мажолисларида тафсир ва ҳадисдин ўзга сўз оз ўтган” валий зотлардан **Мавлоно Мұхаммад Амин** сухбатида ҳам бўлган ҳамда “бу рубойи бу факир(Навоий) хотириға аларнинг муборак тилидин қолибдурки”, деб “Насойим ул-муҳаббат”да бир шеърини келтирган.

Йирик шайх ва авлиё шоир **Садриддин Равосий** Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис” ҳамда “Насойим ул-муҳаббат” асарларида юксак эҳтиром билан тилга олинади. У айтган ваъзлар халойиққа манзур бўлган, мажлисига Султон Абусаид Мирзодек давлат арбоблари ҳам иштирок этган. Равосий билан сухбатлашиш баҳтига Навоий ҳам мұяссар бўлган. “Шайх зебо ва раъно эрди. Шакли дилписанд ва ҳақойик (илоҳиёт фани) ва маориф (маърифат) айтмоғи дилфириб (жозибали) эрди. Шариф сухбатига факир (Навоий) мушарраф бўлдум. Бадахшон шоҳиғаким, анга мурид бўлуб эрди. “Фусус” (Иbn ал-Арабийнинг “Фусус ал-ҳикам” асари)дин дарс айтур эрди, кўнглимни басе сайд қилди”[Навоий, 2012:311], дейди Навоий. Шайх Зайниддин халифаси тасаввуф шайхи Равосий билан доимий мулоқотлар ёш Алишер Навоийнинг тафаккури ва дунёқараши ҳамда маънавий дунёси тараққиётида мұхим рол ўйнаган, дейиш мумкин. Адабиётшунос Нажмиддин Комилов ёзганидек, “дарвешларнинг сухбати шундай кимёки , пишмаган хаёлларни пиширади, қалбни қора доғлардан тозалаб, сайқал бера олади. Офтоб “такаббур тожи”ни улар қошида ерга олиб қўяди, фалаку сайёра шунча улуғворлиги билан дарвеш теграсида айланади. Дарвешларнинг узлати, хилватхонаси – тилсимлар тўла ганжdir, бу ганжни қўлга киритиш ҳам “дарвешлар раҳматининг назари” билан бўлади”[Комилов, 1996:185].

Тариқатда сулукка машғул бўлган пиру муршидлардан **Хожа Абдулазиз Жомий** баркамол уламолардан ҳисобланган. Абдулла Ансорий авлодидан бўлмиш бу зоти бобракот қўп вақтини тасаввуфга бағишланган “Футухоти Маккия” асари мутолаасига сарфлаган. Навоий бу авлиё ҳақида сўз юритар экан, “халойиқ ва сойир авлод аларға(Жомийга) мухлису мунқод эрдилар”, деб таъкидлаган. Абдулазиз Жомий ҳам Навоийга илтифот кўрсатиб, мажлисларига таклиф этган ва “кўп қатла фотиҳа била дуои хайр қилган”. **Мавлоно Муҳаммад Табодгоний** Шайх Зайнуддин Хавоийнинг кибор халифаларидан саналган. Навоий “зоҳирий ва ботиний илмда комил” деб эътироф этган фазлу камоли таърифга сифмайдиган тариқат пири бўлмиш Табодгоний панду насиҳат билан ҳалқни ҳидоятга чорлаган. Бу улуғ зотнинг Навоийга “илтифотлари кўп эрди” ва мутафаккир унинг сұхбатларига келиб турган. Иззат Султон Табодгоний Навоийнинг устодларидан бири [Султон, 1969:38] деб қайд этган. **Мавлоно Муҳаммад Хуросоний** “Насойим ул-муҳаббат”да ёзилишича, “кўпрак авқот Пай работида ибодатқа машғул эрди. Бу ҳақир (Навоий) бир-икки қатла сұхбатиға ул мутабаррук манзилда мушарраф бўлди”[Навоий, 2012:451]. Навоий **Дарвеш Сайид Ҳасан** (Ардашер) билан доимо мулоқотда бўлган. Бу зоти бобракот ҳақида шоирлар султони шундай ёзган: “Ул замоннинг машойихининг кўпининг сұхбатиға етиб эрдилар ва бу ҳақирни фарзандликқа маҳсус қилур эрди. Бу ҳақир (Навоий) факр тариқида ва фано жоддасида алардек тамом киши оз кўрибмен”[Навоий, 2012:451]. Бундан ташқари Дарвеш Сайид Ҳасан Навоий билан мулоқотларда тариқатга аъзо бўлишни тарғиб қилган: “...Бу факр(Навоий)ни факр тариқиға далолат ва иршод қилурлар эрди”[Навоий, 2012:8].

Ўз замонасида **Шайх Шоҳ Зиёратгоҳий** ҳам улуғ авлиёлардан бўлган. Алишер Навоийнинг ёзилишича, “Ҳар киши сұхбатиға етса эрди, маҳобатидин далер сўз айта олмас эрди. Ва ҳақойиқу маорифи мұяссар эрди. Ва подшоҳ ва гадоға насиҳату панди алас-савия эрди. Подшоҳга бир кун бу навъ насиҳат қилғандурки, ҳар не ўзингга раво кўрмассан, Тенгрининг ҳеч бандасиға раво кўрма! Бу сўз муассир тушиб, чандин мусулмонларға наф етиб, подшоҳ бу сўзни мазкур қилур эрди. Ва бу ҳақир (Навоий) била кўп илтифоти бор эрди. Кўп қатла хайр дуоси қилиб эрди”. Навоий Зиёратгоҳий йиғинларида иштирок этиб, тасаввуфга оид қатор саволларга жавоб топган.

Навоий йигитлик чоғларидан буюк мутафаккир, авлиё **Абдурраҳмон Жомийни** ўзига пир тутган ва устозининг сұхбатларидан мунтазам баҳраманд бўлган: “Навоийнинг Жомийдан дарс олиши ажойиб ижодий характерга эга эди: агар дарслик ёш Алишерга етарли даражада тушунарли бўлмаса, Жомий бу дарсликка маҳсус шарҳ ёзар эди”. “Ул вақтдаким,

фақир(Навоий) алар(Жомий) хизматида сўфия румуз ва ишорати ва алфоз ва ибрати истилоҳни ўткарур(сўфийлик терминологиясини ўрганар) эрдим, ҳазрати қутбус-соликин шайх Фахриддин Ироқийнинг “Ламаоти” орзуси хаёлға кўп эврулур(келур) эрди. Бир кун тақриб била бу маънини изҳор қилдим. Алар дедиларким: “Тариқат машойихининг форсий кутуб ва расоили(китоб ва рисолалари) оз мутолаа қилибдур, аммо чун ҳавасинг бор, андоқ бўлсун”.

То улким, ул шариф китобни фақирға сабақ айтурға муртакиб бўлдилар(бел боғладилар), ҳар қун ҳар сабақда хушҳол бўлиб, таъриф қилурлар эрди. Биз “Савониҳ” мутолаасида дағи мунча хушҳол бўлмайдур эрдукки, мунда(бўлганидек) деб айтурлар эрди. Бир неча сабақдан сўнгра сўз мушкулроқ бўлиб, шуруҳга(шарҳлашга) эҳтиёж изҳори қилдилар ва шайх Ёали шарҳин ва баъзи шуруҳни муборак назарларига қўюб, ул сабақни айтурлар эрди”[Султон, 1969:68]. Яъни Навоий Шарқ фалсафасини, айниқса тасаввуфни чуқур ўзлаштирган, даврининг энг зўр донишманди ва орифию кошифи Абдураҳмон Жомий ҳузуридаги сухбатларда тариқат сулукининг одоб ва ахлоқидан дарс тинглаган. Навоий қаерга бормасин, ўша ҳудуднинг улуғлари сухбатига ва дуосига мушарраф бўлган. Самарқандда таҳсил олганда, баракатлар ёғиладиган авлиёлар султони **Хожа Аҳрор Валий** сухбатларида иштирок этиб, унинг хурмат-эътиборини қозонган. Абдураззоқ Самарқандийнинг ёзишича, “...Амир Алишер Мовароуннаҳр вилоятида бир қанча вақт – неча йилу ой, сахару шом турли фазилатлар ва камолот касб этиб, олимлар ва муҳаққиқлар пешвоси Хожа Аловиддин Фазлуллоҳ Абу Лайсий мулозаматида диний илмлар таҳсили ва яқиний маърифат такомилида машғул бўлиб, аёлиёлар қутби Хожа Носириддин Убайдуллоҳнинг(Оллоҳ унга тинчлик берсин), файзли бузруквор мажлисидан файз ва офтоб янглиғ мунаvvар сийратидан баҳра олган ”. Албатта Хожа Аҳрор Валий мажлислари Алишер Навоийнинг диний ва тасаввуфий қарашларини шаклланишида етакчи рол ўйнагани эҳтимолдан ҳоли эмас. Бинобарин навоийшунос Шуҳрат Сироҷиддинов ҳам Абдураззоқ Самарқандий “Навоийнинг Самарқандда эканлиги пайтида Хожа Аҳрор Валий сухбатларидан баҳраманд бўлганлигини айтиб ўтганки, бу Навоий дунёқараши ва мафкураси ташаккулининг босқичларини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга”[Сироҷиддинов, 2011:56], деган.

Мухтасар айтганда, Аллоҳнинг дўстлари сухбатида бўлиб, Алишер Навоийнинг билим ва тафаккур доираси, дунёқараши, тушунчаси кенгайган.

Улуғлар, авлиёлар, устозлар дуоси ҳамда сухбатлари, пок эътиқоди, ибодати ва тинимсиз изланиши, ўқиб ўрганиши, етук билим, салоҳият орқали Алишер Навоий шоирлар султони, буюк мутафаккир ва авлиёлар авлиёси

даражасига етган, дейишимиз мумкин.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. Тўққизинчи жилд. Т.Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2012.
2. Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. Ўнинчи жилд. Т. Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2012.
3. Ғиёсиддин Хондамир. Макорим ул-ахлоқ. Т. Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2015.
4. Шайх Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф. Тасаввуф ҳақида тасаввур. Т. Ҳилол-нашр, 2016.
5. Ҳофиз Таниш Ал-Бухорий. Абдулланома. Биринчи китоб. Т. Шарқ НМК БТ, 1999.
6. Фаридуддин Аттор. Тазкират ул-авлиё. Т. Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2013.
7. Давлатшоҳ Самарқандий. Шоирлар бўстони. (“Тазкират ушшуаро”дан). Т. Г.Ғулом номидаги АСН, 1981.
8. Комилов Н. Тасаввуф. Биринчи китоб. Т. Ёзувчи, 1996.
9. Султон И. Навоийнинг қалб дафтари. Т. Ғ.Ғулом номидаги БАН, 1969.
10. Сирожиддинов Ш. Алишер Навоий Манбаларнинг қиёсий-типовологик, текстологик таҳлили. Т. Академнашр, 2011.

### **МЕЪРАДЖНАМЕ В ПОЭЗИИ ХОДЖА АХМАДА ЯССАВИ**

*Дилдора Бахтиёрновна ОЛИМОВА<sup>\*116</sup>,*

**Аннотация.** В данном научном докладе проведен всесторонний анализ стихов великого тюркского шейха и поэта Ходжи Ахмада Яссави, посвященных трактовке меъраджа пророка Магомеда.

На этой основе выдвигаются новые выводы, основанные на данном анализе, освещаются некоторые важные аспекты трактовки меъраджа в хикматах (стихотворениях) и в специальном произведении Ходжи Ахмада Яссави, посвященном этой теме.

**Ключевые слова:** Бог, меърадж, пророк Мухаммад (с. а. в.), Габраил (а.), Яссави, наът.

---

<sup>116</sup>Докторант СамГУ, +998-90-972-18-80, [dilyarahimova 86@gmail.com](mailto:dilyarahimova 86@gmail.com)

**Annotation.** This scientific report provides a comprehensive analysis of the poems of the great Turkic sheikh and poet Khoja Ahmad Yassavi, dedicated to the interpretation of the Meraj of the Prophet Magomed.

On this basis, new conclusions are put forward based on this analysis, some important aspects of the interpretation of meraj in hikmat (poems) and in a special work of Khoja Ahmad Yassavi, dedicated to this topic are highlighted.

**Key words:** God, meraj, prophet Muhammad (s,a,v), Gabrail (a), Yassavi, nat.

1. Алишер Навои – великий узбекский поэт и мыслитель. Его творчество результат развития многовековой узбекской литературы. Он продолжал фактически все основные традиции тюркоязычной и персоязычной поэзии.

2. Хотя Навои в своих произведениях величает Ходжи Ахмада Яссави как великого священника (авлия) [Смотрите: Навоий, 2001: 419], но нигде ни слова не говорит о его поэтическом творчестве. Не смотря на это, поэтические традиции Яссави непосредственно продолжалась в творчестве у ученика и мурида Сулаймана Бакиргани (Хаким Ата), а Навои в своих произведениях приведет стихотворный отрывок из его творчества [Смотрите: Навоий, 2001: 420]. На этой основе можно сказать, что хотя посредственno имеется влияние стихов Яссави на Навои.

3. Меърадж обозначает вознесение на небо, восхождение к Богу и является одним из муъджизат, т. е. чудотворных божественных явлений, совершенных пророком Мухаммадом.

4. Нет почти ни одного средневекового мусульманского поэта, не написавшего стихотворного произведения, посвященного меъраджа Мухаммада. В их числе находится и Ходжа Ахмад Яссави.

5. Меърадж является объектом особого интереса в суфизме. Другими словами, меърадж – великая мечта суфииев. Теоретики этого учения считают, что раз Бог вызвал своего последнего пророка на беседу на девятое небо и Мухаммад с помощью ангела Габраила (Джаброила), летающего коня Бурака и летающего средства Рафрафа поднялся до такой высоты, то и его умматы (последователи) могут надеяться на такое великое вознесение.

6. В годы независимости в узбекском литературоведении появились исследования, посвященные изучению меъраджнаме в творчестве Алишера Навои [Воҳидов, 1994; Faforova, 2018].

Ходжа Ахмад Яссави, как основоположник отдельного тариката (религиозного ордена ислама), и как поэт, воспевающий идеи и принципы данного направления суфизма в художественном языке, полностью

поставил свое стихотворное творчество на службу основных целей и задач яссавии. Восхваление пророка (наът), в том числе его меърадж, непосредственно восходит к этим целям и задачам.

7. Меъраджнаме (специальные произведения или их части, посвященные трактовке меъраджа) занимает весомое место в художественном творчестве Ходжи Ахмада Яссави. Поэтому никак нельзя представить себе поэзию Ходжи Ахмада Яссави без толкований меъраджа.

8. По методам обращения поэта к данной теме, его меъраджнаме можно разделить на две части:

а) стихи, косвенно освещдающие меърадж – некоторые хикматы, «Мунаджатнаме» («Рыдание Богу»);

б) специальное произведение, посвященное меъраджу – «Хикояти меърадж» («Причча о меърадже»).

9. В наследие Яссави есть специальное произведение, посвященное на меърадж, называющееся именно “Хикаяти меърадж” (“Описание меъраджа”). В нем поэт подробно описывает меърадж.

10. Данное произведение составляется четверостишиями. По форме также является хикматом, основным жанром поэзии Яссави, большого размера.

11. Для Яссави понятия меъраджа и вахдата (объединение Богом) обозначает почти одинаковое значение. По этому суфии мечтали о меърадже как вахдат. Это являлась великой мечтой суфиев.

12. Можно утверждать, что если для некоторых поэтов суфизма меърадж является косвенным вопросом, то для Ходжи Ахмада Яссави данная тема стала непосредственной творческой задачей, в известной степени определившей его образ жизни. Так, в одном своих хикматов поэт восклицает:

Меърож узра Ҳақ мустафо рухим кўрди,  
Ул сабабдин олтмиш учда кирдим ерга

[Яссавий, 1990: 48].

Содержание: «Когда пророк Бога совершил меърадж, там он видел мой дух, поэтому я в шестьдесят три года снизошел в землю».

Известно, что пророк Мухаммад (с. а. в.) жил 63 года. Поэт ссылается именно на этот факт. Кроме того, Яссави считает, что во время меъраджа пророк (с. а. в.) видел его дух – дух еще не родившегося авлия.

13. Иучение описания меъраджа в поэзии Яссави помогает пониманию

основную суть его творчества.

14. Исследование меъраджа еще раз показывает, что в его поэзии Яссави пропаганда суфизма тесно связано с пропагандой шариата, то есть основных правил религии ислама.

15. По влиянию яссавия в отдельных регионах среди населения суфизм являлся способом принятия ислама.

16. Исследование меъраджнаме показывает, что образ пророка Мухаммада (с. а. в.) является основным идеальным образом поэзии Ходжи Ахмада Яссави.

### **Список использованных литератур:**

1. Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 17. – Тошкент: Фан, 2001.
2. Входов Р. Алишер Навоий ва илоҳиёт. – Бухоро: Бухоро, 1994.
3. Ҳожа Аҳмад Яссавий. Т.: “Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти”. 1990.
4. Ғаторова З. Н. Алишер Навоий ҳамд ва наът ғазалларининг ғоявий-бадиий таҳлили. – Филол. ф. б. фалс. д. дисс. автореферати. – Самарқанд: Нашриётсиз. 2018.

### **ALISHER NAVOIY “МАНБУБ-УЛ КУЛУБ” АСАРИДА МА`НАВИЯТ МАСАЛАСИ**

*Qo’shmonova Nargiza, Namanangan davlat unversiteti  
filologiya fakulteti 2-kurs talabasi*

Kutubxonada kitoblar ko‘p va turli tuman mavzular ham bisyor, ammo negadir Navoiy kitoblarini so‘rasam, huu ana ko‘rgazmaga qo‘yganmiz deyishadi. Buning sababi mimada, deb qiziqdim va kuzatdim. Kuzatishlarim davomida talabalar orasida o‘z fanining darsligini ham topishga bo‘lgan qiziqish sust ekanligiga amin bo‘ldim, buni qaranki, yengilmaslik, mashaqatlardan o‘tish, ma`naviyat nima ekanligi haqidagi ma`lumotlarni kitobdan emas, fantastik filmlardan turli xil mentalitetimizga mos bo‘lmagan seriallardan, elektron o‘yinlardan olmoqdalar, birgina Navoiy hikmatlarida shunday deyilgan. "Oz - oz o‘rganib dono bo‘lur, qatra-qatra yig`ilib daryo bo‘lur", albatta, yoshlar man`aviyatiga ta`sir qiluvchi bunday bir soatlik o‘yinlar yoshlar ongida g`aliz, nihoyasiga yetmagan, ammo, ancha o‘ylangan bir maqsad ostida namoyish bo‘ladi.

Lekin bir nasra kishini o‘ylantirib qo‘yadi, qadimgi davrlarda ota- bobolarimizning qo‘llarida qimmatbaho telefonlar, turli ko‘ngilochar o‘yinlar va hokazolar bo‘lmasan. Xo‘sish, ular qanday qilib ma`naviyat, odob-axloq kabi insoniy fazilatlarni o‘zlashtirganlar va o‘rgatganlar? Ularning qo‘llarida hozirgi kunda noyob bo‘lib borayotgan kitob va uni o‘qish uchun bir talay vaqt bo‘lgani hammamizga sir emas, shunday ekan biz bir daqiqaga, deb kirayotgan internet bizning bir necha soatlarimizni o‘g‘irlab olib qo‘yayotgani ham ma'lum. Eng asosiysi, bularni ba’zida sezyapmiz, ba’zida esa yo‘q. Shunday ekan zamonaning zayli ila biz Navoiyga qaytsak. Biz unda ko‘p va xo‘p xazinalar topamiz. Navoiy xazinasi o‘zi o‘tgan vaqtida qanchalar qimmatbaho bo‘lsa, bizning davrimizda ham undan yuqoriki, kam emas. Nafaqat bugungi kunning, balki har davrning, yuksak ma‘naviyat dunyoga o‘zini g‘arq etgan ayrim insonlarda noqis ekanligi qadim tariximizning, hayotimizning achinarli qiyafasini o‘zida aks ettiradi. Ammo zamonaning buyuk mutafakkirlari tomonidan insoniy fazilatlar, yuksak ma‘naviyat, mustahkam iymon-e’tiqod, komillik suvlari bilan to‘yingan, mag‘zi to‘q asarlari o‘z vaqtida, shuningdek, hozir ham ohorini to‘kmagan holda ana shu noqislikni to‘ldirishga beminnat xizmat qilib kelmoqda.

Navoiy "Mahbub ul-qulub"ning yozilish sabab va maqsadlari haqida asar muqaddima qismida so‘z yuritar ekan, qisqa jumlalar vositasida o‘z o‘tmishiga nazar tashlab, tanqidiy nazar bilan baho beradi. Unga kora, hayotning ko‘p achchiq-chuchugini totgan shoir qismatning turli sinovlariga duch keladi; falak uni gohida xorlik va bee‘tiborlik bilan, gohida shuhrat va martaba bilan imtihon qiladi; ba’zida aziz zotlarning yaxsxiligidan bahramand boladi, gohida nokas va bezotlarning dastidan aziyat chekadi; gohi muhabbatning ko‘rasida toblansa, gohida zuhd va taqvo riyozatiga mahkum etiladi:

Gahe tooptim falakda notavonlig`,  
Gahe kordum zamondin komronlig`.  
Base issig`-sovug` kordim zamonda  
Base achchiq-chuchuk tottim jahonda.

Hayoti davomida undan kerakli saboq olgan va insoniylik bobida ko‘p tajriba orttirgan mutafakkir ushbu kitobni balog`at bo‘sag`asida turgan yoshlarni to‘g`ri yo‘ldan adashmaslik uchun dasturulamal tariqasida yozganini qayd qiladi. Va u kabi asarlar chin ma’noda insonni ezgu maqsadlar sari chorlaydi, hayotimizni to‘lin oy kabi yoritadi. Shu vaqt biz yuqorida keltirgan savolga Navoiyning kichik, ammo mazmunan salmoqli qit‘asidan javob topganday bo‘lamiz.

Nomai a`molim ul yanglig` qoradur jurmdin  
Kim, nadomat ashkidin ani oritmaq o‘lmasay  
Balki gar Bahri muhit ichra solib, yillar yusang,  
Ul qora bo‘lg`ay sarosar, lek bu oq o‘lmasay.

Bu qanday maqsad edi? Balki bu maqsad g`aliz va bu maqsadli insonlar o`z o`ljalari bo`lmish yosh avlodning ongini qalb qo`rini nishonga olgandirlar?

Albatta, bu kabi mashg`ulotlar bilan band bo`lgan yoshlari man`aviyati oz-ozdan ozuqa olib bora-bora diydalari qotib mehrsiz ko`zlar ila dunyoga be`tibor qaraydilar. Demakki, o`yinlarda shu vaziyatga mos holatlar juda ko`plab uchrashi ma`lum, bularni payqamay qolgan bolalarning ota onalari yuqoridagi holatga tushib qolmaydilar deb kim ayta oladi? Yuqoridagi qit`a ma`nosi esa bunday birinchi va ikkinchi baytlarda.

Mening nomayi a`molim jurm (gunoh) dan shu kabi qoraki, uni nadomat ko`z yoshlari bilan aritib (tozalab) bo`lmaydi. Okean boshdan oyoq qora bo`ladi – yu, nomayi a`molim oq bo`lmaydi. Albatta bunday misollar juda ko`p ammo Alisher Navoiy ijodida bunga misol bo`la olguvchi jumlalar iqtiboslar ko`pligi bilan ajralib turadi. Qit`a:

Nabiy o`g`li tomug`ni qildi maskan,  
Tomug` ahli guruhin chun erishdi.  
Va lekin Jannat ahli payravi it,  
Yetishdi qaydakim ul el yetishti. 123

Tinch ko`ngul bila yovg`on umoch yaxshiroqkim takalluf va mashaqat bila qandiy kuloch. Deya so`z boshlaydi 99-tanbehda birovning minnat to`lla oshiga umid bog`lab zarvob to`n kiyib yonida turmoqdan bu yaxshiroq deydi va yuqoridagi qit`ani sharhi bilan keltiradi yanikim nabiy o`g`li oqni qora deb do`zohga tushdi, ammo qarangki, bir it jannatga erishdi va buni agar bu so`z sanga ko`runsa mahol, As`hobi Kahfila itlaridin hisob ol, deb davom etadi. Navoiy odam sharif ul-kavnavayndur (ikki dunyo bu va nargi dunyoda muqaddas-sharif insondir.) va it najas ul ayn (iflos bo`lmoq), ya`ni ikki dunyoda aziz qilib qo`yilgan inson nima uchun do`zaxiy bo`lib qoldi, nima uchun nopol it jannatga loyiq ko`rildi, degan savollarga shunday qit`a bilan javob qaytaradi:

Bevafo nohaqshunos eldin yirog`lig` istakim,  
Kelmadi hargiz alardin g`ayri bedod-u jafo.  
Itga itlik aylamak jon-u ko`ngul birla bo`lur,  
Haqshunos o`lsa-u bo`lsa anda oyini vafo.

Ya`ni Navoiy ham o`z zamonida vafo ko`rmagani ko`plab ijod namunalarida aks ettiradi. Qarangki, birgina Navoiy emas, shoh va shoир Zahiriddin Muhammad Bobur ham o`z g`azallarida vafo haqida ko`p va xo`p fikr-mulohaza yuritadi. Yana bir shoир o`z g`azalida vafoni anqoning qanotida, deya tasvirlaydi. Navoiy 107-tanbehda Peshayi solikka pir zarur erkoniga odamizod vujud mulkidin xonapardozdur. Va adam kishvarig`a safarsozdur. Bu safar maxsus sanga va manga emas, yo xususiyat qilg`onni kishi shoh-u gadog`a demas. Navoiy ko`plab asarlarida ustoz hurmati haqida so`zlaydi va bunda ham aytmoqchiki, har

bir insonga hayoti davomida bir pir kerak.

Har kim adam nihonxonasidin vujud anjumanig‘a qadam urubtur va bu baqosiz oromgohda bir nafas o‘lturubtur," inson hayoti bir nafaslik diniy dunyodan ketib asliy dunyoga ketyotganda afsuslar chekmasligi uchun bu dunyoning lazzatini ham, achchig‘ini ham birdek tortishi, "yana qaytib asliy vatang‘a azm etmak kerak va qaydin kelibdur yana ul yon ketmak kerak. Besh kun bu dorul fano tirikligiga masrur va davlatig‘a mag‘rur bo‘lmoq kerakdur." Deydi Navoiy va bu dunyoda hech kim abadiy qolmas ekan, demakki insoniylikning eng yuqori darajali ishi bo‘lgan bir narsani aytib o‘tadi. "O‘lumdin guzir yo‘qtur va hech kishiga ul mahlakida dastgir yo‘q. Bas, aning yarog‘ida bo‘lmoq zaruratduri va borur asbobin tuzatmak chorasisiz suratduri. Ul safar asbobi solih a’moldur va hamida xisol. Albatta, bu sahifani o‘qigan yosh avlod kimgadir yordam qo‘lini cho‘zishga urinadi va hech bo‘lmasa yonidagi bo‘lmish ota onasiga aka ukalariga yordam qo‘lini cho‘zadi axir yo‘l yurmoqchi bo‘lgan inson birlinchi qadam tashlaydi. Shunday ekan Navoiyning birgina bu asari bilan cheklanib qolmasdan boshqa bir qator ijod namunalaridan ham bahramand bo‘lish biz kelajak avlodning qarzidir. Buning uchun bizdan qunt va sabr kerak xolos sabr haqida Navoiyning o‘zi "Mahbub-ul qulub" asarining beshinchi bobida shunday deydi."

Bayt:

Ajab ranjeki andin sa’b yo‘q ranj,  
Vale chekkan kishining bahrasi ganj.

Demakki, insoniylikningning yana bir belgisi sabr eta olishi ekan Navoiy o‘z asarida bunga misol qilib hikoyat keltiradi hikoyatda bir kishiga tuhmat qilishib uni o‘g‘ri, deb topganliklari ushbu yerga kelib o‘quvchini hayratga soladi va jafokashlarni o‘ta zolim tasvir etib yana ularni insof olamida muhiq erdi, deb "Chun ta’zib shiddatidin hordilar, ul majma’din sudrab chiqordilar va navmidlig‘din qo‘yaberdilar va insof olamida muhiq erdilar. Davom etadi Navoiy: "Chun jafopeshalar yiroq bordi, jafokash og‘zidin bir usholg‘on diram chiqordi." voqeа davomida, "bu holat ma’lum bo‘ldikim, siyosatining hangomasida manzuri hozir ermish va bir go‘shadin aning holiga nozir ermish. Anga yetarda ul bedod-u sitam tishi ostida ermish ul diram. Azob e’tidoldin o‘tarda diramg‘a tishin berkitur ermish va tish zaxmidin ul diramni pora-pora ushotur ermish va manzur nozir ollida sabr-u tahammul qilur ermish va aning nazzoragar erkanin bilur ermish.

Bundan ko‘rinadiki, Navoiy ijodi hech qachon tugamaydi, uning ma’nolari, mohiyati va mazmun ko‘لامи boyligi bilan ajralib turadi bir inson aytgandi. Xulosa qilib aytganda, men Navoiy asarlarini odamlar bir umr oqib-o‘rganishlari lozim, deb hisoblayman!!!

### **Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. Navoiy, Alisher. Mahbub ul-qulub. – Toshkent: Yoshlar nashriyot uyi, 2018. – 172b.
2. Alisher Navoiy to‘la asarlar to‘plami 10 jildlik. Xazoyin ul-maoniy. G`aroyib us-sig`ar. G`afur G`ulom nomidagi nashriyot – matbaa ijodiy uyi. – Toshkent: 2013. 804-b.
3. Boboyev, To‘xta. Adabiyotshunoslikl asoslari. Alisher Navoiy nomidagi O‘zbekiston Respublikasining davlat kutubxonasi. – T.: O‘zbekiston , 2001. – 560 b.

## **ALISHER NAVOIY ASARLARIDA DO‘STLIK MAVZUSI**

*Ozoda Ravshanbekova, Nargiza Qo‘shmonova*

*NamDU o‘zbek tili yo‘nalishi 2-kurs talabaları*

Navoy ijodi keng qamrovli bo‘lib uni bugungi kun bilan bog`lasak o‘zining yuqori saviyasi bilan bir emas 30 - 40 zamonaviy yozuvchilarning butun bir boshli asarlaridan ustundir. Uning do‘st borasidagi fikrlari ham diniy ham dunyoviyidir. Bunga misol qilib “Hayrat ul abror” dostonidagi ”Ikki vafoli yor” hikoyatini olsak:

Senga bosh kerak bo‘lsa, uning boshiga tegmay, mening boshimni kesa qol, - deb iltijo qila boshladi. Sipoh oldingi hindni qoldirib , kiyengisini o‘ldiray deb tig` ko‘targan edi, o‘rtog‘i qotil oyog`iga bosh qo‘yib o‘zini o‘ldirishini tiladi. Jahli chiqqan sipoh: “ Mayli, ikkalangizning kallangizni olaman” , - deb, qay biriga hanjar ko‘tarsa, ikkinchisi iztirob chekib faryod urardi. Ikki do‘st o‘z boshlarini oldin kestirish uchun bir - birlari bilan talashishardi. Shu hol davvom etar ekan , el orasiga “ al - omon “ , ya`ni o‘ldirishni to‘xtatib, qolganlarni omon qoldiringlar” , degan e`lon – buyruq eshitilgan. Ikki do‘st bir - birlari uchun jonlaridan kechishgan edi, Shoh ham xalq qonidan kechishga farmon berdi. Ikki jonajon do‘st o‘zlarini chinakkam sadoqatlarini namoyon qilishib, o‘zlarini ham omon qoldilar, elning hayotini ham saqlab qoldilar.

Ey Navoiy, Xudo senga shunday yor bersa ,

Sen ham unga boshing bilan joningni fido qilgin.

Hikoyatda ikki do‘stning bir – biriga bo‘lgan sadoqati tufayli butun bir xalq omon qoladi. Bu sadoqat aslida bandaning yaratganga bo‘lgan sadoqati desak mubolag`a bo‘lmaydi. Xuddi shu holatni Abdulla Oripovning “ Jannatga yo‘l “ dramatik dostonida mantiqan davom etadi.

Yigit:

Jannat, do‘zax g`alvasidan bo‘ldim ham bezor,

Do‘stim, senga bir niyatim isxor aylasam

Do'st:

Xo'sh, u qanday niyat ekan.

Yigit:

Rad etma zinhor.

Hozir ikkov kirib borsak, deylik, masalan,

To'larmidi jahannamning cheksiz maskani ?

Do'slik haqqi , iltimosim eshit qatiyyan :

Olgin mendan yetmagan shul ikki paysani!

Do'st:

Aslo! Aslo! Sen olasan!

Yigit:

Yo'q, yo'q mutlaqo !

Do'st:

Sen olasan! Sen olasan! Oxirgi so'zim!

( tepadan guldiragan sado keladi).

Yigit:

Tingla, do'stim, kelayotir qandaydir sado!

Birga o'sdik, birga mayli topaylik to'zim.

Sado

Volda – yu padarlarga qulluq va rahmat!

Tashakkurlar bo'lsin nurli inson zotiga.

Fikringizni lekin bu yon buring bir fursat.

Zehin soling gapning asl tafsilotiga:

Ikki do'sting sadoqatiga, mehri , himmati

Koinotning qadridan ham turgaydir baland.

Hech ne bilan o'lchanmaydi do'stlik qimmati,

Qulatgay u sarhadlarni qudrati bilan.

Inoyatdan murod shulkim, ulug` , muhtaram

Do'sti sodiq nasib etsin har kimga har on,

Jannah ato qilajakman ikkingizga ham!

Jannah yo'li mana sizga ochiq, charog`on.

Abdulla Oripov bu insoniylikga kerak bo'lgan bir qancha hislatlarni bayon etib shu o'rinda bir voqeа keltirib o'tadi. O'z otasini bir marotaba sensirab qo'ygan inson arosatda qolgani haqida so'zlab o'quvchiga bir marta do'stlik qiladi shundan so'ng asar so'ngida do'stlikning yuksak namunasini keltirib kitobxonga ikki karra do'stlik qiladi.

Navoiy do'stlikni bejizga ulug`lamagan. U o'z asarlarida yoritgandek hayotda ham uning haqiqiy chin do'sti Husayin Bayqaro bor edi. Abdulla Qodiriy Navoiyning bolalik xotiralaridan ta'sirlanib " Mehrobdan Chayon " ramonidagi

Anvar va Nasim obrazlarini yaratgan bo'lsa ajab emas .

Husayn Bayqaro o'z davrining to'fonlaridan asrash uchun turli xil yo'llar tutgan buning majoziy ta'rifi sifatida "Mehrobdan Chayon" asaridagi Sultonali va Anvarning do'stligi misolida davom ettirilgan.

Navoiy do'stlikni ulug`lash bilan bir qatorda to'g`ri do'st tanlashga ham e'tibor qaratgan.

Ruboiy

Kimniki bilay desang maqolin angla,  
Aslin desang anlagin fiolin angla  
Ki dorig`a boqib , asli holing angla  
Asliga dalil aning xisoling angla.

Yuqoridagi ruboilyda Navoiy do'st tanlash borasida nimalarga e'tibor berish xususida so'z yuritgan. Birinchi misrada avvalambor do'stning maqoli ( so'z ) ga e'tibor berish lozim. Zero, insonning so'zi uning yuzidir. Ikkinci misrada do'stning fioli ya`ni fe'l-atvoriga e'tibor berish kerak insonning qilgan xatti - harakatlari orqali u haqida taassurot olish mumkin. Ruboilyning uchinchi, to'rtinchisi misralari ham shu yo'sinda davom etib do'stning hislati va holiga nazar tashlash kerakligi aytib o'tiladi. Shu to'rt misrani o'qiboq o'quvchining yodiga "Hayrat ul-abror" dostonidagi "Ikki do'st" hikoyati "Sa'bayi sayyor", "Lisoni ut-tayr" dostonlarida keltirilgan "Muqbil va Mudbir" hikoyatlari keladi. Muqbil sabrli, qanoatli shaxs Mudbir esa uning aksi ya`ni qanoatsiz va sabrsiz obraz. Ular orasidagi farqni izohlash maqsadida "Hayrat ul-abror" dostoning yettinchi maqolati qanoat bobida hikoyatini eslab o'tamiz.

Kim qanoatni hujjat deb bilsa, yaxshi yomonga muhtoj bo'lmaydi. Kimki qanoat sari yo'1 topa olsa, bu yo'1 bilan shoh ham bo'ladi. Mol – dunyo bilan o'zingni boshqalardan yuqori qo'yma, qanoat mulki bilan o'zingni mag'rur tut.

Bu orqali Navoiy safarga otlanganda yaxshi yo'ldosh tanlash kerakligini nazarda tutgan, chunki bu safarda eng muhim qanoatdir.

Do'stlik mavzusi har zamonda ham qadr qimmatli. Eramizdan avvalgi asrda yashab o'tgan Ezop, XIV-XV asrlarda ijod qilgan Navoiy, XIX asrda yorqin yulduzi Abdulla Qodiriy, vaholanki, zamonaviy adabiyot vakili Abdulla Oripovlarning ijodida bir xil ahamiyat kasb etadi. Do'stlik tuyg`ulari aslo eskirmagan. Inson yaralibdiki, bu hislar mavjud.

### Foydalilanigan adabiyotlar:

1. Navoiy, Alisher. Xamsa. "Yangi asr avlod'i". - Toshkent: 2019. - 496 b.
2. Oripov, Abdulla. Jannatga yo'l. - Toshkent: 1980. - 48 b.
3. Navoiy, Alisher. Qit`alar (fardlar, ruboilyar, tuyuqlar). G`afur G`ulom nomidagi badiiy adabiyot nashriyoti. - Toshkent: 1968. - 100 b.

# **АДАБИЁТ ТАЪЛИМИ ВА УНДА АЛИШЕР НАВОЙ ИЖОДИНИ ЎРГАНИШ МУАММОЛАРИ**

*Ойматова Нилуфар Миржамоловна,*

*\*Чирчиқ давлат педагогика институти эркин изланувчиси,*

*nilufar.oymatova@gmail.com*

**Аннотация:** Мақолада Алишер Навоий асарларини умумтаълим мактабларида ўрганишнинг айрим мураккаб жиҳатлари ва уларни бартараф этиш йўллари хусусида сўз юритилади.

**Annotation:** Article is about complex aspects of studying Alisher Navoi's works in schools and the ways of overcoming them.

**Калит сўзлар:** ренессанс, метод, интеллект, компетенция, коррекция, модернизация, инновация.

**Keywords:** renaissance, method, intellect, competence, correction, modernization, innovation.

Ренессанс сари қадам кўядиган ҳар қандай давлатда фан ва таълимга жуда катта эътибор қаратилади. Чунки миллий ва маънавий юксалиш ҳамда тараққиёт таълимдаги ривожланишларсиз бўлиши қийин, албатта. “Ҳар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадурган ойинаи ҳаёти тил ва адабиётидур. Миллий тилни йўқотмак миллатнинг рухини йўқатмакдур”, - дейди ўзбек миллий педагогикасининг улкан намояндаси Абдулла Авлоний “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” асарида. [Абдулла Авлоний, 2018: 36]

Ҳар қандай миллатнинг тил бойлигини унинг бадиий адабиёти кўрсата олади. Шунинг учун ҳам адабиёт фанининг ўқитилиши масалалари педагогиканинг энг долзарб жиҳатларини ташкил этади.

Одатда, таълимда ўқув жараёнини ташкил этишнинг ўзига хос мураккабликлари мавжуд. Ўқиши ва ўқитиш жараёнлари устида асрлар давомида иш олиб борилиши натижасида инсоният турли хил метод ва услубларни яратишга муваффақ бўлган. Мана шу методлар ва услубларнинг барчаси таълим тизимида ўзлаштиришнинг такомиллашувига бевосита ёки билвосита хизмат қиласи.

“Тарбия қанча мукаммал бўлса, ҳалқ шунча баҳтли яшайди”, дейди донишманлар.

“Тарбия мукаммал бўлиши учун эса бу масалада бўшлиқ пайдо бўлишига йўл қўйиб бўлмайди”, – дейди муҳтарам президентимиз Шавкат Мирмонович Мирзиёев.[ Замонов З. ва бошқалар, 2020: 7]

Таълим ва тарбия тушунчалари узвий боғлиқликка эга. Айниқса, адабиёт

фанининг ўқитиши методикаси бевосита тарбия фани билан чамбарчас боғлиқ.

Таълим юқори самарадорликка эришиш учун, энг аввало, ўқитишида энг илгор ҳамда интерфаол усуллардан фойдаланиш, фойдаланганда ҳам, ўз ўрнида фойдаланиш жуда муҳим.

Таълим тизимида янгича қарашлар, интерфаол усулларни қўллаш, айниқса, уларни мавзуларга мослаб танлай билиш ҳар бир педагог олдидаги муҳим вазифа ва маҳорат белгиси ҳисобланади.

“Адабиёт ўқитиши бошқа фанларни ўқитишдан анчайин кескин фарқ қилади. Шунга кўра, уни фан сифатида қарайдиганлар бир гурухни ташкил этса, адабиёт ўқитиши санъат тури сифатида баҳолаб, адабиёт ўқитувчисининг ишини ҳам санъаткорона бир иш сифатида баҳолайдиганлар ҳам кам эмас. Демак, улар адабиёт ўқитиши методикасини ҳам санъат билан тенглаштиришади”, - дейди таниқли олим, филология фанлари доктори Боқижон Тўхлиев. [Тўхлиев Б. 2004: 3]

Таълим тизимида барча синфларда ўқувчиларнинг фан асосларини тил ва нутқ воситасида ўзлаштиришнинг инновацион технологияларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Адабиёт ўқитишдаги муаммолар, айниқса, мумтоз адабиёт намуналарини идрок этиш ва улардан ибратли хulosалар чиқара олиш учун ўқувчиларда бадиий тафаккурни, асар ўқишини ва уқиш кўникма ва малакаларини шакллантириш керак бўлади. Ҳар қандай шоирнинг ўлмас асарлари ўқувчиларини камолот сари ундаши табиийдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4997-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича “Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2018 йил 25 январдаги ПФ-5313-сонли “Ёшларнинг интеллектуал ва ижодий салоҳиятини ривожлантириш, иқтидорли болаларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида “Президент мактабларини очиш тўғрисида”ги қарорлари ҳам бевосита ана шундай таълим жараёнларини янада такомиллаштириш ва иқтидорли, салоҳиятли ёшларнинг ижодий имкониятларини ривожлантиришга қаратилган. Чунки халқаро миқёсдаги дунёning ривожланган давлатларида ижодий компетенцияларни халқаро баҳолаш дастури (PISA, PIRLS, TIMS) натижалари асосида амалиётга татбиқ этиш, таълимни коррекциялаш ҳамда модернизациялаш, хусусан, адабиёт фани ўқитиши методикаси тараққиётида ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш юзасида бир қанча натижаларга эришишмоқда.

Маълумки, ўзбек адабиётида Алишер Навоий ижодини ўрганиш бўйича кўплаб илмий ишлар ёзилган. Бунга мисол тариқасида М.Мухиддиновнинг “Алишер Навоий ва унинг салафлари ижодида инсон концепцияси”

(“Хамса”нинг биринчи достони асосида). М.Шайхзода “Ғазал мулкининг султони”, Алибек Рустамов “Навоийнинг бадиий маҳорати”, С.Олим “Ишқ, ошиқ ва маъшуқ”, А.Ҳайитметов “Навоий ва Ҳасан Дехлавий”, Ё.Исҳоқов “Навоий ва Ҳусайн Бойқаро”, С.Эркинов “Шарқ адабиётида Фарҳод образи”, Воҳид Зоҳидов “Навоий дунёқарашининг асосий манбалари”, Қ. Эргашевнинг “Ўзбек насида иншо” (Навоийнинг “Муншаот”и мисолида), М. Акбарованинг “Алишер Навоий ғазалларида қофия”, Ш. Сирожиддиновнинг “Алишер Навоий ҳаёти ва фаолиятига оид XV – XIX асрларда яратилган форс-тожик манбалари” (қиёсий-типологик, текстологик таҳлил), А. Эркиновнинг “Алишер Навоий “Хамса”си талқинининг XV – XX аср манбалари”, К. Муллахўжаеванинг “Алишер Навоий ғазалиётида тасаввуфий тимсол ва бадиий санъатлар уйғунылиги (“Бадоель ул-бидоя” девони мисолида), С. Ўтанованинг “Алишер Навоий ғазалиётида ранг символикаси”, З. Мамадалиеванинг “Алишер Навоийнинг “Лисон ут-тайр” достонидаги рамзий образлар тизими” каби кўплаб илмий методологик ишларни қўрсатишимиз мумкин.

Адабиётлар таҳлилидан маълум бўладики, Алишер Навоий ижоди асрлар давомида кўплаб тадқиқотларга ҳар томонлама асос бўлган, бу поёнсиз уммон ҳали яна қанчадан қанча илмий тадқиқотлар учун бой ва ишончли манба бўлиб хизмат қиласди. Ҳолбуки, Алишер Навоий асарлари филологик жиҳатдан нафақат ўзбек халқи ва туркийзабон халқлар, балки дунё халқлари томонидан кенг ўрганилган, таҳлил қилинган, ўйлаймизки, жараён бундан кейин ҳам чексиз давом этади.

Афсуски, буюк мутафаккир бобомиз Навоий асарларини ўқитиш масалалари ҳали етарли даражада чукур тадқиқ этилмаган. Айниқса, “Алишер Навоий ижодида комил инсон тарбиясини педагогик таълим инновацион кластери асосида ўрганиш технологияси” мавзуси доирасида Алишер Навоий ижодини ўрганишдаги мураккабликлар ҳали ўрганилиши учун энг долзарб жараён ҳисобланади.

Таълимда бу жиҳатни ўрганиш, мумтоз матнларни, айниқса, Алишер Навоий асарларини ўрганиш борасидаги қийинчиликларни бартараф этиш бугунги кун адабиёт ўқитиш методикасининг долзарб масалаларидан биридир. Чунки педагогик таълимда ҳазрат Навоий асарларининг ўқитилишини тўғри ташкил этиш ўқувчиларда шу миллат, она юрт ва ва юксак қадриятларга муҳаббат руҳини сингдиришда ёрдам беради.

Мамлакатимиз таълим тизимида юксак маънавиятли баркамол шахсни камол топтиришда ўқувчиларнинг нутқ ва тафаккурини ривожлантириш, дунёқараашларини, илмий қарашларини такомиллаштириш ва бу йўлда Навоий яратган ўлмас мероснинг аҳамиятини чукур ҳис эта олишларига

эришиш бугунги адабиёт фани таълимининг энг долзарб муаммолари сирасига киради.

Навоий асарларининг аслиятдан тушуна олиш даражасига етган иқтидорли ўқувчилар юқорида кўрсатилган фармон ва қарорлар замиридаги том маънода салоҳиятли бир инсон бўлиб тарбияландики, ундан нафақат яқинлари, балки, бутун бир жамият ҳам ибрат олади. Бундай ёшлар дунё ареналарида туриб миллат қадриятларини тўла кўрсата олади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Абдулла Авлоний “Туркий гулистон ёхуд ахлок”, “Ёшлар нашриёти”, Т.: 2018, 36-бет.
2. 8-синф Тарбия дарслиги. Замонов З., Махмудов О., Рўзиева Д. ва бошқалар. “Замин нашр”, Т.:2020, 7-бет.
3. Тўхлиев Б. Филологик таълимда инновацион технологиялар. Т.: 2004, ТДПУ. Янги педагогик технологиялар ва адабиёт таълим. 3-бет.

## **“ҲАЙРАТ УЛ-АБРОР” ВА “СУБҲАТ УЛ-АБРОР” ДОСТОНЛАРИДАГИ БАСМАЛА БОБЛАРНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ**

*Дилрабо Назарова,  
мустақил тадқиқотчи (СамДУ)*

Шарқ мумтоз достончилигига “одоби тасниф” бўйича дастлаб ҳамд, наът ва муножот, мадҳ каби мавзуларда алоҳида боблар ажратилиб, сўнг муддаога ўтиш анъанаси борлиги маълум. Мазкур боблар ижодкорнинг қайси даврда яшаганлиги (мадҳ этилган шоҳ ё бошқа юксак лавозимли инсоннинг кимлигига қараб), шунингдек, унинг мазҳаби ва эътиқоди ҳақида ҳам холоса чиқариш мумкин бўлади. Китобнинг асосий мавзуси, йўналиши, нима ҳақида эканлиги ҳақида ҳам айнан муқаддимавий боблардан маълумот ҳосил қилиш мумкин. Афсуски, мазкур боблар шўро ҳукумати даврида эътибордан четда қолиб, нашр пайтида ҳам қисқартирилди. Жумладан, Душанбе шаҳридаги “Адид” нашриётида чиқсан Жомийнинг саккиз жилдлик асарлари таркибидан жой олган “Субҳат ул-аброр” достони қисқартирилган ҳолда эълон қилинди. Шу сабабли, мазкур бобларнинг мазмун-моҳияти ва икки мутафаккир шоирнинг дунёқарашининг бадиий талқини сифатида дунёга келган сатрларни қиёсий равишда ўрганиш кейинги бобларнинг таҳлили учун ҳам асос вазифасини ўтайди, деб ўйлаймиз.

“Субҳат ул-аброр” достони Жомийнинг кичик муқаддимаси билан бошланади. Жомий хамсанависликда жорий қилган янги одати бўйича ўз сўзини рубоий билан бошлайди:

Алминнату лиллаҳ, ки ба хун гар хуфтем,  
Якчанд чу ғунча оқибат бишкуфтем,  
Аз кашмакаши даҳр басе ошуфтем,  
К-аз гавҳари роз субҳаворе суфтем.

Мазмуни: Аллоҳдан миннатдормиз, ки бир неча кун қонга ботиб, оқибатда ғунчадек очилдик; дунёнинг кашмакашидан қўп ошуфта бўлиб, охири сирлар гавҳарларидан бир тасбеҳа етадиганини сайқал бердик.

Кейин “Субҳат ул-аброр”нинг моҳияти ва аҳамияти ҳақида сажли наср билан сўз юритиб, етти байтли маснавий билан достоннинг ёзилишига бошлайди.

“Хамса”нинг биринчи достонларининг илк мисраси бисмиллоҳ ояти билан бошланган бўлса, “Субҳат ул-аброр” муаллифи бу анъанани ривожлантириб, бисмиллоҳ ояти асосида арабча байт яратади:

Ибтадай бисмиллоҳир-раҳмон  
Ар-раҳиймул-мутаволил-эҳсон

Мазмуни: Мехрибон, раҳмли ва қўп яхшиликлар соҳиби Аллоҳ номи билан бошлайман

Жомийнинг бундай иқдомга қўл урганига икки сабаб бор: биринчидан, Мирзо Бобур алоҳида таъкидлаганидек, достоннавислик тарихида олдин умуман қўлланилмаган янги вазн асосида достон яратишида бисмиллоҳ оятини икки қисмга бўлиб, вазн талабига мослаштириш; иккинчидан, анъана замиридан янгилик яратиш – достонни арабча байт билан бошлаш.

Иккинчи байт ҳам алоҳида эътибор талаб қиласи:

Мекунам аз нами ин оби ҳаёт  
Зиндагибахши дили аҳли нажот.

(Ушбу ҳаёт сувининг нами билан Нажот аҳлининг кўнглига тириклик бағищлайман).

“Ҳайрат ул-аброр”нинг басмала бобида бисмиллоҳ ояти икки тоифа – аҳли қабул ва аҳли рад учун икки хил башорат эканлигини таъкидлаб, Навоий ёзади:

Қилғучи бу бодия қатъига майл,  
Аҳли қабулу рад эрур икки хайл.

Навоийнинг талқинида, бисмиллоҳ оятиниң мўъжизавийлиги шундаки, унинг маънолари ва ҳатто ёзув шакли ҳам имон аҳли (аҳли қабул) ва имонсизлар тоифаси (аҳли рад) учун икки хил таъсир кўрсатади. Аҳли рад учун “Раҳбари тавфиқ” – тавфиқ сори йўл бошловчидан ҳеч қандай мадад

олмасдан ҳаёт йўлига қадам қўйганида бисмиллоҳ оягининг “бо” ҳарфи – бало, “син” ҳарфи – юзлаб кемани чўктирган акуланинг орқаси, “мим” ҳарфи – илон, “алиф”лар ва “лом”лар – олти томондан қилич кўтариб, қиёмат солганлар, “ҳойи ҳуттий”си ханжар учидек ўткир, “нун” ҳарфи бундай одамларнинг илдизини қуритувчи ўроқ бўлиб қолгувчидир. Кейинги байтларда эса янада қалтисроқ ва даҳшатлироқ ўхшатишлар қўлланилади:

«Ё»си мухолиф сори ҳарфи нидо,

Яъни эт оллимда ҳаёting фидо.

Нуқталари ул йўл аро тошлар,

Тошлар ўлмайки кесук бошлар.

«Мим»лар анда гириҳ узра гириҳ,

Жазмлар анда зириҳ узра зириҳ,

Ҳар сори «ташдид» тааддуд била,

Зоҳир ўлуб элга ташаддуд била.

Ҳар нечаким нозири мақсад ўлуб,

Аҳли назар қўзига мардуд ўлуб.

Кейинги байтларда эса, аҳли қабул учун бисмиллоҳ ояти қандай хушхабарлар мажмуи эканлиги ҳакида сўз борилади. Навоий талқинига кўра, бисмиллоҳ сўзидағи “бо” ҳарфи башоратга, “син” ҳарфи саломатлик йўлининг зинапоялари ҳамда баҳт-саодат кўзгусига, “мим” – мақсад манзилидаги булоқ кўзи, “алиф”лар – жонни равшанлаштирувчи шамълар, “лом” ҳарфлари – зафар байроқлари, “ҳо” ҳарфи – моҳият жилвагоҳига ва ҳоказо бўлиб қабул аҳлига башорат беришади:

Лек қачон қатъиға аҳли қабул,

Азм қилиб айласа ул ён нузул,

«Бо»си бурун «бо»и башоратдуур

Шамраси кирмакка ишоратдуур.

«Син»и саломат йўлининг зийнаси,

Балки саодат юзи ойинаси.

«Мим»и очиб манзили мақсадға йўл,

Балки бу манзил аро сарчашма ул.

Ҳар «алиф» иким, еридур жон аро,

Шамъ ўлуб ул тоза шабистон аро.

«Лом»лари борча ливои зафар,

Бериданга жилва ҳавои зафар.

«Ҳо»си ҳувиятни қилиб жилвагах,

«Лом»и била қойили «ал-мулку лах».

“Аҳли қабул” ва “аҳли рад” тушунчаси ўрнига Жомий “аҳли нажот” сўзини қўллаганининг ўзига хос сабаби бор. Навоий талқинидаги басмала

ояти бутун инсониятга тегишли бўлса, Жомий ушбу оятнинг нажот саодатига эришган бандалар учун қандай башорат эканлигини талқин қилиш муҳим бўлган. Шундан ҳам маълум бўладики, “Ҳайрат ул-аброр”нинг мавзу кўлами бутун башариятга тегишли бўлган жиҳатларни қамраб олиш мақсад қилинган бўлса, “Субҳат ул-аброр” достонининг муаллифи тасаввуф аҳлини нажот аҳлидан ҳисоблаган ҳолда, уларга басмала ояти нақадар улуғ саодатлар хушхабарини берувчи сўз эканлигини билдиришни ният қилган. Навоий қўллаган ташбех ва истиоралар умумбашарий ғояларни ифодалашга хизмат қилган бўлса, Жомийнинг талқини хослар аҳли – орифларга қаратилган. Жумладан, 3-5-байтларда бу оятга тўлиғича таъриф беради ҳамда унга “нофайи оҳуи тотор” (Хутан жайронининг мушки), “Нафҳайи таблайи аттор” (аттор қутисининг ифори), “ғунчай боғи қидам” (қадимилик боғининг ғунчаси), “тозарас меваи шохи карам” (Лутфу карам дараҳтининг янги етилган меваси) каби ташбех ва истиораларни қўллайди. Бундай ташбех ва истиоралар учинчи байтдан тўққизинчи байтгача давом этади.

Ўнинчи байтдан бисмиллоҳ оятига ҳарфма-ҳарф таъриф берилади. Бунда Навоийнинг “Ҳайрат ул-аброр”даги ташбеҳларга уйғун ҳолатларни ҳам кўриш мумкин. Масалан, “син” ҳарфи Жомий томонидан Арши аъло қасрининг кунгурасига ўхшатилган бўлса, Навоий “син”ни Арш қасри устидаги қандилга ўхшатади.

Жомий:

“Син” аз кунгураи торуми Арш

Тийргун соя ба кофурии фарш.

Мазмуни: “Син”и Арш қасрининг кунгураси устидан оппоқ ер узра тушган қалин соядек кўринур.

Навоий:

Балки булар барчаси таъвил эрур,

Арши муалло аро қандил эрур.

Жомий ҳам, Навоий ҳам шу тариқа басмала оятининг ҳар бир ҳарфи ва ҳаракатига таъриф бериб борадилар. Албатта, басмала оятини ҳарфма-ҳарф шоирона талқинини бериш тажрибаси “Тухфат ул-Аҳрор”да ҳам бўлганди<sup>117</sup>. Аммо унда Жомий ҳаракат ва белгилар ҳақида тўхталмай, ҳарфларнинг ўзи билан кифояланганди. “Субҳат ул-аброр”да эса, Навоийнинг “Ҳайрат ул-аброр”даги янги ёндашувини ижодий ўзлаштирган ҳолда, ҳаракат ва белгиларга ҳам таъриф бериб ўтади:

Ҳаракоташ зи вуфури баракот

Дода жунбиш ба дил осори хаёт.

Саканоташ ба сукун роҳнамой,  
Рухро дар канафи фазли Худой.  
Нуқтаҳояш чу фурӯзанда нужум,  
Ба шаётини қавил-ваҳм ражум.  
Шакли ташдид к-аз ў шонанамост,  
Форуқи маънии шиддат зи ражост.  
Мазмуни:  
Басмаладаги ҳаракатлар баракатни кўплигидан қўнгилга ҳаётбахш таъсир кўрсатади.

Сукун аломатлари эса Аллоҳнинг фазли соясида сокин бўлишга раҳнамолик қиласди.

Нуқталари эса чароғон юлдузлар каби иккиланишга соладиган шайтонлар бошига ёғиладиган тошлар каби ҳисобсиздир.

Тароққа ўхшаш ташдид белгиси эса умид ва хавфнинг ўртасига фарқ қўювчи белгидир.

Алишер Навоий достонида эса белги ва ҳаракатларга икки хил таъриф берилган. Рад аҳли учун сукун ва ташдид аломатлари жазо белгилари сифатида тасвирланган бўлса, қабул аҳлига басмала оятидаги белгилар башорат янглиғ гавдалантирилади:

Нуқтау ташдид анга чақмоқу тош,  
Қилмок учун партав «алиф» шамъи фош.  
Жазми солиб тавқ кўнгул бўйниға,  
Нуқта бақо дуррини жон қўйниға.  
Ҳам ҳаракотидин ионат етиб,  
Етгали мақсадқа таҳрик этиб.  
Ҳам саканоти қилиб ифшо сукун,  
Анда таваққуфқа бўлуб раҳнамун.

Бобнинг хотима қисмида Жомий ўз шогирдининг яна бир янгилигини қўллайди. Гап шундаки, Навоийгача ёзилган “Хамса”ларнинг дастлабки бобларида шоир тахаллуси қўлланилмаганди. Навоий лирик жанрлар, айниқса, ғазалчиликда анъана тусига кирган тахаллус байтини достонда ҳам қўллаб, “Ҳайрат ул-аброр”нинг басмала бобини қуидаги байтлар билан туталлаган:

Истабон, эй хаста Навоий, наво,  
Бўйла сафарға қилур эрсанг ҳаво,  
Йўл ёмону яхшисидин ема ғам,  
Бисмиллоҳ, дегилу қўйғил қадам.

Жомий ҳам айни шу ижодий тажрибани қўллаган ҳолда бобнинг сўнгида тахаллус байтини келтиради. Бундай тажрибани айнан

достончиликка қўллашнинг амалий аҳамияти ҳам бор эди: XV асрда жуда кўп достонлар, маснавийлар ва илмий асарлар муаллифи номаълумлиги сабабли бошқа одамларга нисбат бериларди. Шунингдек, бир шоирнинг асари янглиш равищда бошқа шоирга нисбат берилиши, бир йўналишда яратилган асарларнинг матни бир-бирига араласиб кетгани жиддий матнушнослик тадқиқотларни тақозо этарди. Темурийлар даврида асл матнни тиклаш бўйича илмий мактаб шаклланган бўлиб, Бойсунғур Мирзо томонидан Фирдавсий “Шоҳнома”сининг мукаммал танқидий матни яратилган. Жомий ҳам Навоийнинг илтимоси билан бир қатор асарларни тасҳех ва муқобала усули билан аслиятга яқин матнни тиклаган. Ана шундай ишлар жараёнида тахаллуснинг нақадар муҳимлигини англаган ҳолда Жомий ўз шогирдининг анъана ичидаги янгилик жорий қилиш тажрибасини қўллаган, деган хulosага асос мавжуд.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Абдураҳмон Жомий Субҳат ул-аброр. Нашрга тайёрловчи М.Х.Тарбият. –Москва: Наука, 1965
2. Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 6-жилд. Ҳайрат ул-аброр. –Т.: F.Ғулом номидаги НМИУ, 2011
3. Шодиев Э. Алишер Навоий ва форс-тожик адиблари.– Тошкент: Ўқитувчи, 1989
4. А.Афсаҳзод. Абдураҳмони Жомий – адиб ва мутафаккири номи. Душанбе: Адиб, 2020.
5. О. Давлатов. Алишер Навоий шеъриятида қуръон оятлари ва ҳадисларнинг бадиий талқини. – филол.ф.ф.д. дисс. Самарқанд, 2017.

### **ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ**

**Ишонханова Ирода Абдуваҳитовна**

**Алишер Навоий номидаги**

*Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти  
университети мустақил тадқиқотчиси,*

*ishonhanova74@bk.ru*

**Аннотация.** Ушбу мақолада ўрта ва олий таълим тизимида Алишер Навоий ҳаёти ва ижодининг ўрганилиши ҳақида маълумот берилган. Улуғ мутафаккир ижодининг ўқитилиши борасида мулоҳазалар билдирилган.

**Таянч сўзлар:** адабиёт, дарслик, жадвал, дастур, филология, “Хамса”, “Навоийшунослик”

Алишер Навоий – ўзбек адабий тилининг асосчиси, адабиётимиз ривожида ўз муносиб ўрнига эга бўлган ижодкор. Алишер Навоий ижоди ўзбек адабиётининг улкан хазинасиdirки, 500 йилдан ортиқ вақт мобайнида бизни баҳраманд қилиб келмоқда. Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини ўрганиш “Ўзбек адабиёти” фан дастурининг энг қизиқарли, бой, шу билан бирга, мураккаб қисми ҳам ҳисобланади.

Алишер Навоий ҳақида ўрта умумтаълим мактабларининг 1-синифидан бошлаб маълумот бериб келинади. Дарсликларга биографик маълумотлар, Алишер Навоий асарларидан парчалар ва улуғ шоиримиз ҳақидаги асарлардан парчалар ҳам киритилган. Қуйидаги жадвалда ушбу маълумотлар акс этган:

С ин ф	Дарслик	Муаллифлар	Нашриёт	Мавзу	Соат
1	“Ўқиш”	Т.Гаффорова ва б.	“Шарқ”, 2019	Алишер Навоий “Бир кабутар”	1
				“Ғазал мулкининг сultonи”	1
2	“Ўқиш”	Т.Гаффорова ва б.	“Шарқ”, 2018	Хуршид Даврон “Алишер Навоий”	1
				Абдулла Орипов “Алишернинг онаси”	1
3	“Ўқиш”	М.Умарова ва б.	“Ўқитувчи”, 2019	Абдуқодир Ҳайитметов “Доноларнинг доноси”	2
4	“Ўқиш”	С.Матчонов ва б.	“Янгийўл полиграф сервис”, 2015	Ойбек “Алишернинг ёшлиги”	2
5	“Адабиёт”	С.Аҳмедов ва б.	“Шарқ”, 2015	Миркарим Осим. “Зулмат ичра нур” қиссасидан парчалар	3
				Алишер Навоий ҳаёти. “Ҳайрат ул-аббор” достони. “Шер	4

				билан ҳикояти	Дуррож”	
6	“Адабиёт ”	С.Ахмедов ва б.	“Маънавият”, 2017	Алишер Навоий “Маҳбуб ул-қулуб”	3	
7	“Адабиёт ”	Қ.Йўлдошев ва б.	“Шарқ”, 2017	Алишер Навоий ҳаёти. “Сабъай сайёр” достонидан парча	4	
8	“Адабиёт ”	С.Олим ва б.	F.Ғулом нашриёти, 2019	Алишер Навоийнинг рубоий, туюқ ва фардлари таҳлили	4	
9	“Адабиёт ”	Қ.Йўлдошев ва б.	“Ўзбекистон”, 2019	Алишер Навоий ва хамсачилик анъаналари. “Фарҳод ва Ширин” достони	10	
				Ойбек. “Навоий” романи	4	
10	“Адабиёт ”	Б.Тўхлиев ва б.	“Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2017	Алишер Навоий лирикаси	4	
11	“Адабиёт ”	Б.Тўхлиев ва б.	“Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2018	Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди. “Садди Искандарий” достонидан парча	4	

Агар ўрта мактаб босқичи ҳақида гапирсак, қуйидаги мулоҳазаларни билдириш мумкин:

1. “Хайрат ул-аббор” достонидаги “Шер билан Дуррож” ҳикояти жуда ўринли танланган. Чунки жамиятнинг барча қатламлари, ёши ва касбидан катъи назар, бу ҳикоятнинг мазмунини ёддан чиқаришмаган.
2. “Маҳбуб ул-қулуб” асарининг матни 6-синф ўқувчиларининг тушунишлари учун қийинчилик туғдиради. Ушбу матнни ўзлаштириш учун лугатлардан унумли фойдаланиш зарур.
3. “Мехр ва Суҳайл” ҳикоятининг 7-синф дарслигига берилган бобларидан учтасининг насрый баёни берилмаган. Шу ўринда ўқитувчиларнинг фаоллиги ва билимдонлиги талаб этилади.
4. 8-синф “Адабиёт” дарслигининг аввалги нашрида 8 ғазалнинг матни

изоҳлари билан берилганди, лекин охирги нашрдан ғазаллар таҳлили чиқариб юборилган. Фикримизча, ғазаллардан намуналар келтирилиши керак. Чунки биз ўқувчига Алишер Навоийни ғазал мулкининг султони эканини 5-синфдалигида уқтирамиз, ғазал билан эса 10-синфда таништирамиз.

5. 9-синфда хамсачилик анъаналари ва “Фарҳод ва Ширин” достонидан парчани ўзлаштиришга 10 соат ажратилган. Бизнингча, бу соатлар кўплик қиласи. Аксинча, 10-синфда Алишер Навоийнинг лирик асарларига ажратилган 4 соат камлик қиласи.

6. 11-синфда Хондамирнинг “Макорим ул-ахлоқ” асаридан парчалар берилган. Бу парчалар Алишер Навоий билан замондош бўлган тарихчининг хотираси сифатида ўқувчиларда қизиқарли бўлиши табиий.

Ғазал мулкининг султони ҳаёт ва ижод йўлининг ўрганилиши олий ўқув юртларида ҳам давом этади. Олий ўқув юртларида ўқитиладиган “Ўзбек тили”(рус гурухлари учун), “Ўзбек тилининг соҳада қўлланиши” каби фан дастурларида Алишер Навоий ҳаёти ва ижодига маълум соатлар ажратилган. “Ўзбек тили” фанида “Ўзбек тили – давлат тили” мавзусида Алишер Навоийнинг ҳикматли сўзларидан намуналар берилган, мустақил топшириқлар рўйхатига “Алишер Навоий – ўзбек адабий тилининг асосчиси” мавзуси киритилган. Бу вазифалар русийзабон гурух талабаларининг буюк мутафаккиримизнинг ҳаёти ва ижоди билан яқинроқ танишиш имконини беради.

Нофилологик йўналишларнинг 7-8-семестрлари учун мўлжалланган “Ўзбек тилининг соҳада қўлланиши” фани ўқув дастури мамлакатимиз ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларида давлат тилининг имкониятларидан тўлиқ ва тўғри фойдаланишга ҳамда назарий ва амалий кўнікмаларни ўзбек тилининг адабий нормаларига мувофиқ ҳолда ифодалашга эришишни таъминлаш вазифасини бажаради. Ушбу фан дастурида Алишер Навоий ҳаёти ва ижодига маълум соатлар ажратилган. Ушбу соатларда Алишер Навоийнинг ҳаёти, бунёдкорлик фаолияти, давлат ва жамоат ишларидаги намунавий хизматларига кенг ўрин берилган. Навоийнинг тилшуносликка оид қарашлари ҳақида маълумот берилган ва “Мұҳокамат-ул-луғатайн” асарининг ўзига хос хусусиятлари ўрганилган.

Ушбу фан дастурида Алишер Навоий лирикасига ҳам аҳамият қаратилади, “Хазойин ул-маоний” девони таркибида кирган асарларнинг жанр хусусиятлари, лирик асарларнинг мавзу қўлами, маъно ва шаклий яхлитлиги, бадиий хусусиятлари, вазн ва қофия қўллашдаги маҳорат ҳақида сўз юритилади. Бундан ташқари, хамсачилик анъаналари ва “Хамса” достонларига ҳам тўхтаб ўтилган.

Нофилологик йўналишларда мўлжалланган фан дастурида Алишер

Навоий ҳаёти ва ижодига алоҳида аҳамият қаратилиши бежиз эмас, албатта. Бу ҳолат ҳар бир ўзбек фарзанди, касби ва йўналишидан қатъи назар, улуғ бобокалонимиз ҳақида маълумотга эга бўлиши зарурлигини англатади.

Алишер Навоий ҳаёти ва ижодининг олий таълим муассасаларида ўқитилиши бўйича асосий фан “Навоийшунослик” ҳисобланади. Филология йўналишларига мўлжалланган бу фан Алишер Навоийнинг адабий ва илмий меросини ўрганиш орқали талабаларда маънавият ва маърифатни тарбиялаш вазифасини бажаради. Алишер Навоий шахсияти ҳақида чуқур маълумотга эга бўлган талаба шоирнинг комил инсон ҳақидаги ғояларига муносиб бўлишга ҳаракат қиласди. Ушбу фан дастури 4 модуль асосида ўқитилади:

1- модуль. Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди (Шоир ижодининг ўрганилиши. Навоийнинг лирик мероси. “Хамса” достонлари. “Лисон уттайр”. Алишер Навоийнинг илмий мероси)

2- модуль. Навоий поэтикаси (Алишер Навоийнинг шеърий ва насрой асарлари поэтикаси. Алишер Навоий арузи. Бадиий санъатлар ва қофия тизими)

3- модуль. Навоий лирикасини шарҳлаб ўқитиш (Ғазаллар, қитъалар. Кичик жанрлар: рубой, туюқ ва фардлар. Маснавий, қасида, соқийнома)

4- модуль. Навоий достонлари ва насрой асарларини шарҳлаб ўқитиш (“Хамса” достонлари. “Маҳбуб ул-қулуб”. “Хамсат ул-мутаҳайирин”. “Ҳолоти Сайид Ҳасан Ардашер”. “Ҳолоти Паҳлавон Мухаммад”)

Юқорида келтирилган назарий мавзулардан ташқари, амалий машғулотларда ҳам Алишер Навоий ҳаёти ва ижодига чуқурроқ кириб борилади. Булардан ташқари, семинар машғулотлари ташкил қилинади ва мустақил топшириклар берилади. Дастурда Алишер Навоий ҳаёти ва ижодининг барча томонлари қамраб олинган. Тарихий манбалар, муҳим маълумотлар, жадвал ва чизмалардан унумли фойдаланилган.

Бу модуллар талабаларнинг ўрта мактаб босқичида ўзлаштирган билимларини мустаҳкамлаш билан бирга, келажакда Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди ҳақида кенг маълумот берувчи педагогларни тайёрлашда муҳим аҳамиятга эга. Чунки ҳозирги кунда ўрта умумтаълим мактабларида ўзбек мумтоз адабиётини ўрганиш бироз қийинчилик туғдирмоқда. Адабиёт фани ўқитувчиларининг баъзиларида мумтоз матн билан ишлаш, ғазал вазнини аниқлаш, шеърий санъатлар ҳақида маълумот бериш кўникмалари етишмайди. Бизнингча, ҳар бир она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси иш столида мумтоз адабиёт асарлари ёки Алишер Навоий асарлари учун луғатлар ва, албатта, “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” бўлиши шарт. Бундан ташқари, аруз вазни ва бадиий санъатлар ҳақидаги ўрта мактаб учун мўлжалланган қўлланмалардан ҳар бир устоз унумли фойдаланиши зарур.

Агар ўқитувчи ўз устида ишламаса, ўқув машғулотларининг самараси бўлмайди. Ўқувчининг ҳар бир саволи жавобсиз, ҳар бир тушунмаган сўзи изоҳсиз қолмаслиги жуда муҳим. Шу жиҳатдан “Навоийшунослик” фан дастури келажакда ўрта умумтаълим мактаблари учун билимли ва изланувчан ўқитувчиларни тайёрлаб беришда муҳим аҳамиятга эга. Чунки билимнинг тамал тоши ўрта мактабда қўйилади. Мактаблар ўз устида ишлайдиган устозлар билан таъминланса, келажакда ҳар бир соҳанинг билимдон мутахассисларига эга бўламиз.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Т.Фаффорова ва бошқалар // Ўқиши. Дарслик. Умумий ўрта таълим мактабларининг 1-синф ўқувчилари учун. – Т.: “Шарқ”, 2019
2. Т.Фаффорова ва бошқалар // Ўқиши. Дарслик. Умумий ўрта таълим мактабларининг 2-синф ўқувчилари учун. – Т.: “Шарқ”, 2018
3. М.Умарова ва бошқалар // Ўқиши. Дарслик. Умумий ўрта таълим мактабларининг 3-синф ўқувчилари учун. – Т.: “Ўқитувчи”, 2019
4. С.Матчонов ва бошқалар // Ўқиши. Дарслик. Умумий ўрта таълим мактабларининг 4-синф ўқувчилари учун. – “Янгийўл полиграф сервис”, 2015
5. С.Ахмедов ва бошқалар // Адабиёт. Дарслик. Умумий ўрта таълим мактабларининг 5-синф ўқувчилари учун. – Т.: “Шарқ”, 2015
6. С.Ахмедов ва бошқалар // Адабиёт. Дарслик. Умумий ўрта таълим мактабларининг 6-синф ўқувчилари учун. – Т.: “Маънавият”, 2017
7. Қ.Йўлдошев ва бошқалар // Адабиёт. Дарслик. Умумий ўрта таълим мактабларининг 7-синф ўқувчилари учун. – Т.: “Шарқ”, 2017
8. С.Олим ва бошқалар // Адабиёт. Дарслик. Умумий ўрта таълим мактабларининг 8-синф ўқувчилари учун. – Т.: Ғафур Ғулом нашриёти, 2019
9. Қ.Йўлдошев ва бошқалар // Адабиёт. Дарслик. Умумий ўрта таълим мактабларининг 9-синф ўқувчилари учун. – Т.: “Ўзбекистон”, 2019
10. Б.Тўхлиев ва бошқалар // Адабиёт. Дарслик. Умумий ўрта таълим мактабларининг 10-синф ўқувчилари учун. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2017
11. Б.Тўхлиев ва бошқалар // Адабиёт. Дарслик. Умумий ўрта таълим мактабларининг 11-синф ўқувчилари учун. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2018
12. Қ.Йўлдошев // Адабий сабоқлар. Методик қўлланма. Умумтаълим мактабларининг 7-синф “Адабиёт” дарслиги учун. – Т.: “Билим”, 2003
13. Ш.Сирожиддинов ва бошқалар // Навоийшунослик. Дарслик. – Т.: “Тамаддун”, 2019

## **ALISHER NAVOIY HIKMATLARI TARBIYA MANBAI**

***E'tiborxon G'oyibboyeva***  
***Xalq ta'limi a'lchisi***

Hikmatli so'zlar turli mavzularda yaratilgan bo'lib, buyuk donishmand va allomalarimizning pandu- nasihatlaridir. Ahli donishlar hayotlari davomida ko'rgan - kechirganlari asosida o'zlarining chuqur fikr – mulohazalarini bayon etganlar. Jumladan, ulug' donishmand shoirimiz Alisher Navoiy hikmarli so'zlarini ummonga qiyoslasak, to hozirgi kunimizga qadar undan xoh yosh, xoh keksa bo'lsin, umuman, barcha ilm ahli birdek bahramand bo'lib kelmoqda. Bu bebafo ummondan suv ichgan har bir inson qalbida qandaydir uchqun paydo bo'ladi, chunki turli mavzularda bitilgan hikmatlar nishonga otilgan o'q misol dilimizning qaysidir bir joyiga o'rashadi, o'sha yerga muhrlanadi. Shunday olim - u fozillar vorislari ekanligimiz, ularning pand – nasihatlarga yo'g'rilgan hikmatli so'zlari, tengi yo'q asarlari shuurimizga joylanib, qalbimizdan ichki hech kim bilmas his-tuyg'u yurtimizga mehr – muhabbat, yuksak insoniy fazilatlarni tarkib toptiradi.

Darhaqiqat, Alisher Navoiyning bir necha mavzulardagi hikmatli so'zlari ma'lim. Hikmatli so'zlarni o'qir ekanmiz yuksak insoniy fazilatlar mujassam ekanligini ko'ramiz. Do'stlik haqida quyidagi fikrlarni bayon etadi.

“Ilm egallang! Ilm – sahroda do'st, hayot yo'llarida – yo'ldosh, baxtiyor daqiqalarda – rahbar, qayg'uli onlarda – madadkor, odamlar orasida – zebu ziynat, dushmanlarga qarshi kurashda – quroldir”, - deyilgan.

Ko'rindiki, ilm do'st, yo'ldosh, rahbar, insonga kuch baxsh etuvchi madad, zebu – ziynat, yovga qarshi qurol. Bekorga har bir insonni ilm olishga da'vat etilmayotganligi kunday ravshan. Ilmni yoshlikdan o'rganish, sir – asrorlaridan voqif bo'lish, yuksak insoniy fazilatlarga erishish, komil inson darajasiga yetish uchun zarurdir. Ilm - cheksiz ummon. Undan har bir kishi hovuchiga siqqanini oladi. Bu esa uning aql – zakovatiga, qobiliyatiga, idrokiga, harakatiga, umuman olganda, ezgu maqsadiga yarasha bo'ladi.

Ilm olish, uning sirlarini egallah haqida buyuk alloma Alisher Navoiyning shunday baytlaridan bor:

Bilim orttir va bilim uchun g'ayrat qil,  
Bilim kishiga to'g'ri yo'lni ko'rsatuchidir.

Bundan ko'rilib turibdiki, haqiqiy hayotda yo'limni topaman, ezgu – maqsadlarga erishaman degan har bir kishi, yoshlik davridanoq ilm olishga, uning sirlarini qunt bilan bekamu –ko'st egallahga harakat qilmog'i lozim. Ilm egallahni haqiqiy to'g'ri yo'l bilib, shior qilmog'i kerakligini o'zida his qilib

ulg‘aymog‘i uqtirilgan.

Ilm cho‘qqilarini egallash uchun vaqt, umrning ahamiyati haqida:

“Ilmlarni vaqting va umring yetganicha o‘rganaver”, - degan qutlug' hadisda ilm olishning aniq vaqt yo‘qligi, inson umrining har qanday pallasida olish kerakligi mujassamlanganligini ko‘ramiz. Demak, ilm olishning erta – kechi yo‘q. Faqat yoshlikda emas, umrimiz yetgan vaqtgacha davom ettirishimiz mumkin ekan. Bu esa har bir insonni ma’naviy dunyoqarashini o‘stirib, ma’rifatli bo‘lishiga da’vat qiladi. Ilm olish kabi savobli ishni har kim hamma vaqt, har kuni qilish foydadan holi emasligini anglaymiz.

Betakror siymo, donishmand bobomiz Alisher Navoiy ilm o‘rganishning foydasi haqida yana quyidagi fikrlarini bayon etadilar:

Kishi ta’limdin topsa malolat,

Topar ilm ahli olinda xijolat.

Chunonchi, ilm olish har bir inson uchun farzligini hadislardan bilamiz. Bu suv va havodek zarur bo‘lgan farzni hamma ham anglayvermaydi. Ilmni o‘rganishni his qilish uchun ham chinakam jasorat kerak bo‘ladi. Bu jasoratnigina his qilgan inson ilm ahli oldida hech qachon mulzam bo‘lmaydi, xijolat chekib, afsuslanmaydi. Ilmni misqollab o‘rganganligi tufayli o‘zidan haqli ravishda xursand bo‘ladi.

Shuni ta’kidlash lozimki, ilm o‘rganish, uning sirlaridan bahramand bo‘lish hozirgi kunga qadar eng dolzarb masala bo‘lib kelmoqda. Mustaqillik yillarida bunday ezgu maqsadga keng imkoniyatlar eshigi ochildi. Ta’lim sohasida bir qancha yangiliklar yaratildi va yaratilmoqda. Har bir farzandni barkamol inson qilib tarbiyalashga e’tibor berib, ota- bobolarimizning haqiqiy vorislari bo‘lish uchun barcha sharoit, imkoniyatlardan unumli foydalanishni jadal suratlarda rivojlanib borayotgan davr o‘zi taqozo qilmoqda. Ona - Vatanimiz O‘zbekistonning kelajagi buyuk ekanligi kundan - kunga oydinlashib bormoqda. Demak, kelajagi buyuk rivojlangan, taraqqiy etgan yurtda yashash uchun, unga munosib farzand bo‘lish uchun, albatta, ilm egallash zarurdir.

# **АЛИШЕР НАВОЙ АСАРЛАРИНИНГ ТИЛИ ВА ЎЗБЕК ТИЛИ ТАРИХИ МУАММОЛАРИ**

**Алишер Навоий асарларида боғловчи воситаларнинг қўлланиши  
ҳақида**

**ф.ф.д.А.Б.Пардаев (СамДУ)**

Тилимизда тарихан боғловчиларнинг кам сонли бўлиши ўзбек тилининг аглютинатив тиллар сирасига кириши билан боғлиқ. Маълумки, аглютинатив (лот. *agglutinare*-ёпиштирмоқ) тилларда сўз ва гаплар ўртасидаги грамматик муносабатлар турли қўшимчалар (синтетик формалар) орқали ифодаланади. Кузатишларимизга таяниб айтиш мумкинки, дастлаб қадимги туркий тилнинг синтактик қурилишда содда гаплар хос бўлган, яъни фикр содда гапларни кетма-кет келтириш орқали баён этилган. Шу сабабли боғловчиларга деярли эҳтиёж бўлмаган. Аммо кейинчалик бошқа тиллар таъсирида туркий тилларда ҳам мураккаб синтактик қурилмаларнинг шаклланиши туфайли араб ва форс тилидан 50 дан ортиқ боғловчилар ўзлаштирилиб, фаол қўлланила бошланган.

Э.Фозилов, С.Муталлибов, Ф.Абдураҳмонов, Ш.Шукуров, Т.Рустамов, У.Санақулов, Ж.Ҳамдамов каби тилшунослар қадимги ёзма ёдгорликлардан то XIV асргача бўлган манбаларда қўлланган боғловчиларни маҳсус ўрганишган. Ушбу олимларнинг кузатишларига таяниб айтиш мумкинки, тилимиздаги айрим боғловчилар (*азу, ма, ям* каби) истеъмолдан чиққан, айрим боғловчиларнинг такрор қўлланиш хусусияти барҳам топган, тилимизнинг ички имкониятлари орқали айрим янги боғловчилар пайдо бўлган, бошқа тиллардан боғловчилар ўзлашган, сўз ва сўз бирикмалари боғловчи вазифасини бажара бошлаган, баъзи ёрдамчи сўзлар боғловчилик хусусиятидан кўра кўпроқ юклама сифатида қўллананила бошлаган ва ҳакозо.

XV асрда фаол қўлланишда бўлган боғловчиларни биз бевосита Алишер Навоий асарлари орқали кузатишими мумкин. Алишер Навоийнинг назмий ва насрый асарларида боғловчиларнинг жуда кўп учраши бу даврга келиб тилимизда мураккаб синтактик қурилмалар қолипларининг тўлиқ шакллангани билан боғлиқдир. Ф.Абдураҳмонов XI асрдан кейинги ёзма ёдгорликларда учровчи қўшма гапларнинг қисмлари орасидаги семантик муносабатларнинг ифодаланишида боғловчи ва боғловчи воситалар алоҳида ўрин тутишини таъкидлайди(1, 12-18).

XV асрда ва унгача истеъмолда бўлган боғловчиларнинг ҳозирги боғловчилар билан бир умумий яхлитликка эга эканлигини биз «Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати» (2) орқали аниқлашимиз мумкин. Алишер Навоий ижодида фаол қўлланилган боғловчилар АНАТИЛда берилган. Уларнинг айримларини келтирамиз (Мисоллар охирида лугат томи ва саҳифаси кўрсатилади):

**ва -** Ул ва мен чун маст бўлдуқ ихтиёринг бордур, Хилват айлаб бер ижозат элга ё тутқил қадаҳ (Навоий. Гаройиб-ус сифар), (I, 349-414)

**ҳам -** Мавлоно Риёзий... ҳам мулло ва ҳам ҳофизки, қуръони мажсидни етти қироат била билур ва ўқур эрди (Навоий. Махбуб-ул қулуб), (IV, 147).

**тақы // тақи -** Кишвари Зобил анга арзони,/ Рустами Зол тақи дарбони (Навоий. Фавойид-ул кибор), (III, 211). С.Муталлибов мураккаб гапларни бир-бирига боғлаш учун ишлатилувчи *тақи* боғловчисини Навоий асарларида *тоги*, *доги*, *дахи* вариантларида учрашини айтади (3, 122-124).

**даги // доги -** Ул шўхдин манга гаҳ эрур нозу, гаҳ итоб, / Йўқ анда ихтиёр, доги менда ижтинос (Навоий. Мезон-ул авзон); Шод бўлғилки, у хирадпайванд, /Менга шогирд эрур, даги фарзанд (Навоий. Сабъаи сайёр), (I, 474).

**йа // йаки -** Ҳусну раънолиқ била дастори уза саншибон // Ваҳки, шафтолу гулидур ё эрур олу гули (Навоий. Бадое-ул васат); Бу дўстлуғ айбингни манга ёпти, дўстлуғунг жиҳатидин билмадим: яхши қиласен ё мон (Навоий. Насойимул-муҳаббат); Париму ёки малак, йўқса руҳи покмудур // Ки зоҳир ўлмади мунча латофат инсондин (Навоий. Наводир-уш шабоб), (I, 528-534).

**йаҳуд -** Эй Навоий, ул паридин одамийлиғ кўрмасанг // Айб эмас, ул ҳурдор ёхуд малак, инсон эмас (Навоий. Гаройиб-ус сифар); Жонда қўйдум чирмаган мактубини ҳижрон аро // Билмон ул мактуб эрур ёхуд «алиф»дур жон аро (Навоий. Муншаот), (I, 543-544).

**Хоҳ//хоҳи -** Ҳар қаён борса, чу ул қотилдин айрилмас рақиб // Хоҳ сен қотил анга, хоҳ андин айрил, эй кўнгил (Навоий. ФК); Бировки ёрдин айру эрур асири фироқ // Ародга хоҳ яқин тут йўлини, хоҳ йироқ (Навоий. Муншаот); Кимки восил ўлди, рафъ ўлди ародин қурбу буъд // Каъба сукконига йўл хоҳи йироқ, хоҳи ёвуқ (Навоий. Наводир-уш шабоб), (III, 423).

**гоҳ // гоҳи // гоҳо -** қи кўнглум шуъласин гоҳ сокин этти, гоҳ тез // Гоҳ ўтун бўлди, гоҳ сув урди пайкондин анго (Навоий. Хазойин-ул маоний); Мавлоно Ҳалокий... гоҳи назм айтур (Навоий. Мажолис-ун нафоис); Гоҳ-гоҳи ёд айла надоматни ҳам // Қайси надоматки, қиёматни ҳам (Навоий. Ҳайрат-ул аббор) (I, 406-407).

**не** - Менмуудурменким, кўнгулдин айрумен, жондин дози // Оллоҳ-оллоҳ, не кўнгул, не жонки, жонондин дози (Навоий. Хазойин-ул маоний); **Не бирдам тин, не бир соат таянгил** // Не ҳарбу кийна сурмакдин ўсангил (Навоий. Фарҳод ва Ширин) (II, 452).

**амма // аммо** - Яна бирда сабт айладинг событиот // Анга сайр, аммо буларга сабот (Навоий. Садди Искандарий); Йўқ ул сенда пинҳонки сен анда гум // Жаҳолатдин аммо ишининг уштулум (Навоий. Садди Искандарий), (I, 86).

**лек** - Асра Навоий бу нафас музтанам // Лек дегил ҳар нафаси шукр ҳам (Навоий. Ҳайрат-ул абфор); Жаҳон ичра ҳамдард ком бўлса тонг йўқ // Кидедард кўп, лек дард аҳли камдур (Навоий. Наводир-уш шабоб), (I, 173).

**лекин** - Ҳар тараф чун тийғ чекти рашидин бўлдум ҳалок // Элга жон берди ва лекин бўлди жоним қотили (Навоий. Наводир-уш шабоб); Фикринг чаманида кўп раёҳин // Лекин бўлуб анда халқ гулчин (Навоий. Вақфия), (II, 173).

**вала** - Келди тиргузали заъфим кўруб ул Исо дам // Келгани ҳам ўз ишин қилди вала кетгани ҳам (Навоий. Бадое-ул васат); Борлиқда агар даҳр жафоси кўпдор // Йўқсизда вала фоқа балоси кўпдор (Навоий. Назмул-жавоҳир), (I, 355).

**валек** - Негаким ул кишига оғат эрур // Юкла миннат валек жонингга (Навоий. Арбаин); Валек ул ой узорин оҳ тоби // Назарда қилмиш эрди моҳ тоби (Навоий. Фарҳод ва Ширин); Кирпигингга қатл таълимин ажсал бермиши, валек // Ўзидин устодроқ этмиши онинг устоди кўп (Навоий. Бадое-ул васат), (II, 355).

**валекин** - Тил бирла оғзини айлаб бўйла пок // Тутқай эр отин валекин ҳавлонок (Навоий. Лисон-ут тайр); Тани ранжу балонинг кўҳсори // Валекин оғзи ул кўҳсор гори (Навоий. Фарҳод ва Ширин), (II, 356).

**балки** - Кун эмас олам кўзига мунташир айдар баёз // Тун эмас балки чекар хуришид рухсорига миг (Навоий. Хазойин-ул маоний); Йўқки тигнинг тўкти қоним, балки чекти дам била // Ул ики аждарки кўрсатмиши қиличининг болчоги (Навоий. Хазойин-ул маоний), (II, 201-202).

«АНАТИЛ»да балки сўзининг яна бир маъноси алоҳида **ёки** деб кўрсатилган (II, 202): Агар юздин, балки мингдин бири бу [турк] тилни ўрганиб, сўз айтса ҳам, ҳар киши эшиитса билур ва аниңг сорт эканини фаҳм қилур (Навоий. Муҳокамат-ул луғатайн); Закотчилар ишидин тавочи моҳбамоҳ, балки ҳафта-баҳафта вуқуф топиб арзга еткурсалар (Навоий. Муншаот), (II, 202).

**балким** сўзининг «АНАТИЛ»да кўпмаъноли сўз сифатида уч маъноси берилган. Шулардан бир маъноси «аммо, лекин, бироқ» деб изоҳланган

(II,202): *Хусну лутфи жон аро тутқудек // Бир оёқ сув бирла балким ютқудек* (Навоий. Лисон ут-тайр); *Деди, эй фарзанд, кўрдум эҳтиёж // Йўқ анга, балким санга қилдим иложс* (Навоий. Лисон ут-тайр).

**на** сўзининг «АНАТИЛ»да кўпмаъноли сўз сифатида икки маъноси кўрсатилган. Шулардан бир маъноси «инкор қўшишмчаси» деб изоҳланган: *Не май хуаштур манга, не гул керакликтур, на гулзори // Керак майдин гул очқан ёрниг гулзори руҳсори* (Навоий. Бадое ул-васат), (II, 414).

Хулоса қилиб айтганда, ўзбек тили тарихида боғловчилар асрлар мобайнида ривожланиш жараёнини ўтади. Алишер Навоий ўз ижодида боғловчилардан унумли фойдаланиш билан бирга уларнинг стилистик хусусиятлари ва прагматик имкониятлари ҳам ниҳоятда кенг эканлигини кўрсатган.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

Абдураҳмонов Ф. Тарихий синтаксис. – Тошкент: Фан, 1974. 12-18-бетлар.

Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати, тўрт томлик, I-II-Ш-IU томлар. – Тошкент: Фан, 1983-1985.

Муталибов С. Морфология ва лексика тарихидан қисқача очерк (XI аср ёзма ёдгорликлари асосида) – Т: ЎзФА нашриёти, 1959.

## **ALISHER NAVOIYNING «MUHOKAMAT-UL LUG‘ATAYN» ASARIDAGI AYRIM SO‘ZLAR TAHLILI**

*Suvonova R.A.*

*SamDU dotsenti*

**Annotatsiya.** Alisher Navoiyning «Muhokamat-ul lug‘atayn» asarida talabalar uchun lug‘at talab bo‘lgan so‘zlarning ayrimlari haqida ma’lumot beriladi. Alisher Navoiy tilidan olingan so‘zlar hozirgi o‘zbek adabiy tiliga o‘girildi va o‘quvchi matnni tushunishi uchun bu so‘zlardan foydalanadi.

**Kalit so‘zlar:** Alisher Navoiy, tarixiy asar, tinglovchi, lug‘at, tarjima, adabiy til, turkiy tillar, o‘zbek tili, so‘z gavhari, ikki til muhokamasi.

**Аннотация.** В книге Алишера Навои «Мухокамат-ул лугатайн» содержится информация о некоторых словах, для которых студентам нужен словарь. Слова, взятые из языка Алишера Навои, были переведены на

современный узбекский литературный язык, и читатель использует эти слова для понимания текста.

**Ключевые слова:** Алишер Навои, исторический труд, слушатель, словарь, перевод, литературный язык, тюркские языки, узбекский язык, лексика, двуязычная дискуссия.

**Annotation.** Alisher Navoi's Muhokamat-ul lug'atayn provides information about some of the words that require a dictionary for students. The words taken from Alisher Navoi's language have been translated into modern Uzbek literary language and the reader uses these words to understand the text.

**Key words:** Alisher Navoi, historical work, listener, dictionary, translation, literary language, Turkic languages, Uzbek language, vocabulary, bilingual discussion.

Alisher Navoiy ushbu asarini umrining so‘nggi kezlari- ulkan hayotiy tajriba to‘plagan, ilmiy qarashlari maromiga yetgan, fikri ayni toblangan, tugallik darajasiga erishgan bir chog‘da yaratdi. Asar ikki til – turkiy va forsiyning o‘zaro qiyosiga bag‘ishlangan.

Sharqda turkiy va forsiy tilda so‘zlovchi biron-bir kishi yo‘qki, u Navoiy asarlarini sevmasa va sadoqat, e’tiqod bilan qaramasa. Inson qalbining quvonchu qayg‘usini ezgulik va hayot mazmunini Navoiydek teran ifoda etgan shoir jahon adabiyoti tarixida kamdan kam topiladi.

Alisher Navoiy xalqimizning ongi va tafakkuri badiiy madaniyati tarixida butun bir davrni tashkil etgan buyuk shaxs, milliy adabiyotimizning tengsiz namoyondasidir.

Alisher Navoiy: «Umidim uldurki va xayolimg‘a andoq kelurki, so‘zim martabasi avjdan quyi enmagay va bu yozgan asarlarimning tantanasi a’lo darajadan o‘zga yerni yoqtirmag‘ay», - deb elga manzur bo‘lgan, mazmunan boy, shaklan mumtoz asarlari bilan haqli ravishda faxrlangan edi. Shoir yanglishmadi. O‘lmas asarlari bilan o‘z xalqi adabiyotini jahon adabiyoti miqiyosiga ko‘tarib, jahon adabiyoti xazinasiga ulkan hissa qo‘shtigan, asrlar e’zozi va ta’zimiga sazovor bo‘lib kelgan Alisher Navoiy orzulari, ayniqsa, bizning zamonamizda ro‘yobga chiqdi, shoir asarlari qadrlanib, yuksak baholanmoqda.

Navoiyshunos olimlarimiz shoir asarlarini o‘rganib, uning zamondoshlari yozib qoldirgan adabiy, tarixiy, memuar asarlarga suyanib, bu asarlardan tanqidiy foydalangan holda, Navoiy hayot yo‘lini yorituvchi ko‘plab asarlar yaratdilar. Ko‘zga ko‘ringan sharqshunos va adabiyotshunos olimlar V.Bartold, E.Bertels, A.Borovkov, S.Ayniy, O.Sharafitdinov, Oybek, M.Shayxzoda, V.Zohidov, V.Abdullaev, I.Sultonov, H.Sulaymonov, A.Hayitmetov, N.Mallaev, A.Qayumov

va boshqalarning Navoiy hayoti va ijodini yorituvchi ilmiy ishlari shular jumlasidandir. Navoiy hayoti va ijodini o‘rganish davom etmoqda. Navoiyshunosligimiz bugungi kunda tobora rivojlanib, ulkan yutuqlarni qo‘lga kiritmoqda.

Buyuk mutafakkir Alisher Navoiy o‘zining lug‘atchilik va grammatika sohasida ham, yarim asrlik tajribasidan kelib chiqqan holda o‘zining «Muhokamatul-lug‘atayn» asarini yaratdi. Bu asarda A.Navoiy eski o‘zbek tili bilan fors-tojik tilini bir-biriga chog‘ishtiradi va noqardosh tillarni qiyosiy o‘rganish metodini boshlab berdi. O‘zbek tilini fors-tojik tili bilan chog‘ishtirar ekan, o‘zbek tilining ham boy imkoniyatlari mavjudligini ko‘rsatib beradi.

Alisher Navoiyning «Muhokamat-ul lug‘atayn» asarining muqaddimasida shunday deydilar: «Takallum ahli xirmanining xo‘scha chini va so‘z, durri samini maxzanining amini va nazm gulistonining andalib nag‘ma saroyi, ya’ni Alisher al mutaxallas bin-Navoiy... mundoq arz qilurkim, so‘z durredurkim, aning daryosi ko‘ngildur va ko‘ngul mazharedurkim, jomii maoniyi juzv va kuldur. Andoqki, daryodin gavhar g‘avvos vositasi bila jilva namoyish qilur va aning qiymati javharig‘a ko‘ra zohir bo‘lur».

Alisher Navoiy bu asarida tillarni qiyosiy o‘rganish bilan birga, kitobda umumiyl tilshunoslikka doir fikrlarni ham keltiradi. Asarda til va taffakurni bog‘liqligi tillarning kelib chiqishini afsonalarga bog‘laydi.

A.Navoiy «Muhokamat-ullug‘atayn» asarida keltirgan va turkologiya tarixi uchun qimmatli bo‘lgan fikrlari quyidagilardan iborat:

1. O‘zbek tilini fors-tojik tili bilan chog‘ishtirib, uning fors tilidan qolishmasligini ko‘rsatib, o‘zbek tilida asarlar yaratgan yozuvchilarni rag‘batlantiradi.

2. A.Navoiy ikki tilni chog‘ishtirganda o‘zbek tili lug‘at boyligini ustunligini ko‘rsatdi.

3. Asarda o‘zbek tilining tarixiy fonetikasiga doir original fikrlar beradi.

4. A.Navoiy asarda o‘zbek va fors tillarini qiyoslar ekan, o‘zbek tili uslubyatiga xos xususiyatlarni ham bayon etadi.

Alisher Navoiy davrida va undan keyin uning asarlari tili haqida bir qancha lug‘atlar tuzildi. Shu asnoda A.Navoiy tilidagi leksik va grammatik materiallar yig‘ildi. Bunday asarlar qatoriga «Abushqa» lug‘atini, M.Mehdixonning «Sanglog‘» lug‘atini, Fazlulloxonning «Lug‘atit turkiy», Yoqub Chingiyning «Kelurnoma» asarlarini ko‘rsatish mumkin. Bu asarlarda umumturkiy tillarga xos bo‘lgan ba’zi xususiyatlar bayon etilgan, faktik materiallar esa Alisher Navoiy asarlaridan olingan.

Alisher Navoiyning «Muhokamat-ul lug‘atayn» asaridan misollar keltiramiz va izohlaymiz:

**Abkor** – qizlar, toza.  
**Abr** – bulut;  
**Abribahor** – bahor buluti  
**Azim** – ulug‘, katta, azim  
**Amik** – chuqur  
**Amr** – buyruq, ish  
**Anbar** – xushbo‘ylik  
**Ashk** – ko‘zyoshi  
**Bayoz** – oq  
**Bazl** – himmat, qo‘li ochiqlik, g‘ayrat  
**Bahoyim** – to‘rt oyoqli hayvonlar  
**Biyik un-** kuchli un  
**Ulus** – xalq  
**Ummon** – daryo nomi, umuman daryo  
**Uqubat** – azob  
**Un-** tovush, ovoz  
**Fuzalo** – fozillar, ilm ahillari  
**Favoid** – katta foydalar  
**Volid** – ota  
**Volida** – ona  
**Da’b** – odat  
**Daqiq** – nozik, ingichka (ko‘pligi daqoyiq)  
**Donnish** – bilim  
**Kavkaba** – yulduz  
**Kalam** – so‘z, nutq  
**Kalomi mu’jiz** – mo‘jizali so‘z  
**Kaffa** – palla, tarozi pallasi  
**Koshif** – ochuchi, kashf qiluvchi  
**Kohin** – majusiylarda din boshlig‘i  
**Kushta** – o‘lgan  
**Kuhulat** – qarilik  
**Lavn** – rang, tus  
**Lajoj** – o‘jarlik  
**Layl** – kecha, tun  
**La’l** – qiymatli qiziltosh  
**Latoyif** – latifalar, qiziq so‘zlar  
**Lafs** – so‘z, (og‘izdan chiqqan so‘z)  
**Lisan** – til  
**Loyih** – ochiq, ravshan

**Ma’na** – ma’no, so‘zning ma’nosи  
**Majaz** – so‘zni o‘z ma’nosи emas o‘xshatish ma’nosи  
**Navvob** – noiblar, podshoh nomidan  
**Navisanda** – yozuvchi  
**Navo** – kuy, sayrash  
**Nazr** – teng  
**Nahor** – kunduz  
**Nafahot** – yaxshi hidlar  
**Nizom** – tartib, qoida  
**Nifoq** – ikkiyuzlilik  
**Obdor** – suvli, o‘tkir ma’noli  
**Oraz** – yuz, chehra  
**Orasta** – bezangan, yasalgan  
**Payrav** – ergashuvchi, izidan boruvchi  
**Ravza** – bog‘  
**Risolat** – elchilik  
**Saboq** – dars  
**Saloh** – yaxshi, tuzuk  
**Suxan** – so‘z, so‘zlashish  
**Sarf** – morfologiya.

«El netib topqay menikim, men o‘zimni topmasam» kabi minglab misrlari qatida biz to‘la anglab yetolmagan, suv ostidagi dur misoli, har biri bir kitob bo‘lgulik hikmatlari borligi rost. O‘shal hikmatlar yo‘lchiroq yanglig‘ umr yo‘llarini yoritishi aniq.

Xullas, Alisher Navoiy o‘zbek tilining imkoniyatlaridan foydalanib o‘zining mazkur «Muhokamat-ul lug‘atayn» asarini yaratadi va shoir ta’kidlaganidek, uning so‘zlarini martabasi yuqorida pastga tushmaydi. Hozirgi kunga qadar so‘z mulkinining sultonni Alisher Navoiyning ushbu asari o‘z qiymatini saqlagan holda tilshunoslar uchun ham dasturul amal vazifasini bajarib kelmoqda.

Hozirgi kunda bakalavriat va magistratura talabalari «Muhokamatul-lug‘atayn» asaridan unumli foydalanmoqda.

### **Adabiyotlar:**

1. Alisher Navoiy. Muhokamatul-lug‘atayn. – Toshkent, Akademnashr, 2017.
2. O‘rinboyev B. Turkiy filologiyaga kirish. – Samarqand. 1989.
3. Qo‘chqortoyev I. Oltoyshunoslik. O‘zbek tili va adabiyoti jurnali. – Toshkent, 1986, 3-son, 43- 45 b.
4. Ahmadboyeva M., Ibrohimova S. O‘zbek adabiyoti. – Toshkent, O‘qituvchi nashriyoti, 1985.
5. A. Navoiy. Muhokamatul lug‘atayn. <http://www.ziyyonet.uz>

## **АЛИШЕР НАВОИЙ ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИНИНГ АСОСЧИСИДИР**

*Нормўминов Шерзод Тўйчиевич,  
Самарқанд давлат университети,  
Ўзбек тилишунослиги кафедраси ўқитувчиси,  
PhD.*

Алишер Навоий ўзбек адабий тилининг асосчиси, ўзбек адабиёти ва адабий тилини камолотга етказган, баланд чўққига олиб чиқсан ва ўша даврда ўзбек шоирларини ўз она тилида ижод қилишга чақирган жонкуяр ҳомийсидир. Ўзбек тилида яратган «Хазойин ул-маоний», «Хамса», «Лисон ут-тайр», «Мажолис ун-нафоис», «Мезон ул-авзон», «Муҳокамат ул-лугатайн» каби ўлмас асарлари билан дунёга машҳур бўлган алломадир.

А.Навоийга қадар бўлган адабий тилимиз тарқоқ равишда, айrim ҳудудлардагина юзага келган, яъни ўғуз, қипчоқ, уйғур тили тарзида бўлиб, улар бир-биридан анча фарқ қилган. Шоир жуда катта ҳудуддаги тарқоқ адабий тилни услуб жиҳатидан ҳам, таркиб жиҳатидан ҳам бирлаштириди ва шу ҳудуддаги шевалар, лаҳжалар ва айrim тиллардаги асосий ҳусусиятларни ўзининг бадиий – амалий фаолияти билан ягона умумий тил даражасига келтириди, диалектал тилни сайқаллаштириди, уни кенг кўламга ва янги босқичга олиб чиқди. Масалага ана шу нуқтаи назардан қараганда Алишер Навоий томонидан асосланган адабий тил узок йиллар давомида фақат ўзбеклар учунгина эмас, балки ён атрофимиздаги бошқа туркий халқлар учун ҳам адабий тил сифатида хизмат қилиб келганлигини фахр билан қайд этиб ўтишимиз лозим бўлади. Бу фикрни “Фарҳод ва Ширин” достонининг охирида ғуурланиб ёзилган мисралар ҳам тўла тасдиқлайди:

*Олибмен тахти фармонимға осон,  
Черик чекмай Хитодин то Хуросон.*

*Хуросон демаким, Шерозу Табриз,  
Ки қилмишдур найи қилким шакаррез.*

Алишер Навоийнинг бу мисраларида, у яратган адабий тилнинг беҳад чегараси, бу тилнинг Хитойдан Хуросонгача, жумладан Шероз ва Табризгача тарқалганлиги қайд этилган. Ўзи асослаган адабий тилнинг сифати, унинг юқори даражадаги бадиий белгиси, яъни ширин сўзлиги, бир оғиз сўз билан бўлса-да шакар ташувчи тил эканлиги ҳақида ўзига хос қисқача таъриф берилган.

Шунингдек, ўзбек тилининг кўплаб манбалари, жумладан, шу манбаларда гаплашувчи халқларнинг кенг ва турли-туман этник таркиби ҳам айтилган:

Агар бир қавм, гар юз, йўқса, мингдур,  
Муаян турк улуси худ менингдур.

Кўнгул бермиш сўзумга турк жон ҳам,  
Не ёлғуз турк, балким туркмон ҳам.

Шу нарсани ҳам алоҳида айтиб ўтиш керакки, Навоийнинг фикрича, эски ўзбек адабий тилининг шаклланишига маълум даражада ҳисса қўшган уруғлар қаторига юқорида санаб ўтилган ўзбек уруғларининг юз ва минглардан ташқари адабнинг “Вақфия” асарининг кириш қисмида қайд этилган қўнғиротлар, барлосийлар, арлотийлар, тархонийлар, қиётлар, уйғурийлар, жалойирлар, қовчинлар ва бошқа бир қанча қабила ва уруғлар киради.

Демак, Навоий адабий тил шаклланишида ўзбек қабила, уруғларидан кўпчилигининг алоҳида ўрни борлигини қайта-қайта уқтириб ўтган. Бу жиҳатдан унинг:

Шоҳу тожу хильятиким, мен томоша қилғали,  
Ўзбаким бошида қалпоқ, эгнида ширдоғи бас  
дея ёзилган машҳур мисралари алоҳида мазмун касб этади.

Умуман, Навоий ўзбек миллатининг, халқининг шаклланишида қатнашган ва кейинчалик ўзбек халқининг умумий, ягона номига айланган уруғлардан ўзбек уруғини фахр билан тилга олади. Чунончи, “Садди Искандарий” достонида Дорога қарши курашган бир қанча қабила элатлар қатори ўзбекларнинг ҳам қатнашганлигини айтади:

Боронгор анга хайли Машриқ замин,  
Самарқанддин токи сарҳадди Чин.  
Яна юз минг ўзбек, мўғул бирла зам,  
Юз эллик минг ул сори қалмоқ ҳам.

Шоир ўзбек тилининг имкониятларини ёритишда Хитойдан то Хуросонгача булган худуддаги туркий халқлар ва элатларнинг тил хусусиятларидан фойдаланган. Уларни сайқаллаштириб, такомиллаштирган ва бирлаштириб бутун бир адабий тил ҳолига келтирган. Шунинг учун ҳам шоир бошқа бир жойда ҳақли равишда фахрланиб:

Турк назмида чу мен тортиб аълам,  
Айладим ул мамалакатни як қалам, - деб ёзади.

Навоийнинг ўзбек адабий тилининг асосчиси эканлигининг яна бир омили шундаки, унгача бўлган даврда ўзбек адабиёти ва тили соҳасида

хизмат қилган ижодкорлар тил назарияси билан маҳсус шуғулланмаганлар. Навоий адабий тил яратиш соҳасида бадиий-амалий иш қилганлиги билан бирга, илмий-назарий соҳада ҳам биринчи бўлиб фикр юритган, адабий тил ва унинг таркиби бўйича ўзининг маҳсус концепциясига эга бўлган олимдир.

Адабий тил манбалари қаторига ҳозирги миллий тил учун хос бўлган учта катта лаҳжанинг, яъни қорлук-чигил-уйғур лаҳжаси, қипчоқ лаҳжаси ва ўғуз лаҳжасининг ҳамма шеваларини киритади. Бу шевалар эски ўзбек адабий тилининг бевосита давомчиси бўлган ҳозирги миллий адабий тилимизга ҳам манба бўлиб хизмат қиласди. Бир неча аср илгари айтилган фикрлар бугунги замон етук тилшунослашининг ўзбек адабий тили ва унинг таркиби ҳақида айтган фикрлари билан ҳамоҳанг бўлиб чиқмоқда.

Навоийнинг адабий тилни бошқариш ва меъёrlаштириш кераклиги ҳақидаги фикрларини образли қилиб ўртага ташлаган. У кишининг таъбирича, туркий тил чаманида жуда кўп имкониятлар - сўз чечаклари, гуллар, мавжуд. Лекин шу имкониятлардан кўп кишилар тегишли равишда ўринли фойдалана олмайдилар. Чунки бу гулларнинг ўзига хос хусусияти, ўзига яраша меҳнати, заҳмати, ташвиши ва тиканлари бор: “*кўнгулга андоқ эврулдиким, гёё би тиканлар сарзаниши зараридин назм хайли гулдастабандлари бу гулишандин базм тизгуча гул иликлай олмай тутуптурлар.*”

Шунингдек, қуйидаги фикрлари ҳам она тили учун жуда муҳимдир: “*Андин сўнграким, турк тилининг жомеяти мунча далоил била собит бўлди, керак эрдиким, бу халқ орасидин пайдо бўлғон табъ аҳли салоҳият ва табъларин ўз тиллари турғоч, ўзга тил била зоҳир қилмаса эрди ва ишига буюрмасалар эрди. Ва агар иккаласи тил била айтур қобилиятлари бўлса, ўз тиллари била кўпроқ айтсалар эрди. Ва агар муболовга қилмасалар, иккаласи тил била teng айтсалар эрди.*”

Бобоколонимиз ҳозирги тил билан айтганимизда адабий тилнинг ички ва ташқи манбаларини ўша вақтдаёқ фарқлай олган ва ички манбаларга алоҳида аҳамият бериб қараган, ички манбаларга бойлиги туркий тилнинг ўзига хос хислати эканлигини алоҳида қайд қилиб кўрсатган. У киши туркий ва форсий тилларни қиёслаб, туркий тилнинг ички имконияти кўп эканлигини таъкидлайдилар. Навоий ўзбек тили луғат таркибининг ниҳоят даражада бойлигини кўрсатиб, ўзбек тилидаги юздан ортиқ феълнинг форс тилида эквиваленти йўқлигини исботлайди. Масалан, *думсаймоқ, айланмоқ, қўзғалмоқ, чайқалмоқ, индамак, тергамоқ, инграмоқ, ўртамоқ* ва бошқалар.

Феълларнинг баъзилари умумий, бирлаштирувчи маъноси билан бир парадигмани ҳосил қиласа ҳам, лекин ҳар қайсиси алоҳида маъноларга ҳам эга

эканлигини кўрсатади. Масалан, *инграмоқ*, *синграмоқ*, *ўкирмоқ*, *инчирмоқ*, *йиғламоқ* сўзлари «йиғламоқ» мазмуни билан бир парадигмага мансуб бўлса ҳам, лекин уларнинг ҳар қайсиси йиғлашнинг хилма-хил кўринишларини ифодалашини, бир-биридан йиғлаш даражаси билан фарқланишини таъкидлайди. Ушбу феълларга бадиий асарлардан мисоллар келтиради.

*Йиғламсинмоқ*ка “дард билан яширин оҳиста йиғлаш” белгиси билан фарқ қилувчи *инграмоқ* ва *синграмоқ*ни зид қўяди.

*Сиқтамоқ* феълини *йиғламоқ*ка зид қўяр экан, шоир “йиғлаш” даражаси йиғламоққа нисбатан кучлироқ эканлигини уқтиради.

*Ўкурмак* “кучли овоз билан ҳаддан ортиқ ҳаяжонли” йифи эканлиги билан бошқалардан фарқ қилишини айтади.

*Инчирмоқ* “инчка ун билан йиғлаш” маъноси билан бошқалардан фарқланишини қайд этади.

*Яна ҳой-ҳой йиғламоқ* лафзи ҳам борлиги ва у бошқа парадигма аъзоларидан фарқли белгига эга эканлигини баён қиласди:

Навоий, ул гул учун ҳой-ҳой йиғлама кўп,  
Кихҳе дегунча не гулбун, не ғунча, не гул бор.

Бундан ташқари, «май ичиш» мазмуни билан бирлашган *ичмоқ*, *сипқармоқ*, *тамишимоқ* сўзларининг фарқловчи маъноларини ҳам очиб беради ва ҳар қайсисини байт ичида келтиради. Форс тилида буларнинг ҳаммаси битта *нўшидан* сўзи орқали ифодаланишини баён этади. Алишер Навоий икки тилни қиёсий аспектда солишиди. Масалан, туркийлар *емоқ* билан *ичмоқни* фарқлашини, форсийда *хўрдани* дейиши, турклар *оға-инини* фарқласалар, форсийда фақат *биродар* сўзи билан ифодаланишини таъкидлайди. Шунингдек, туркларда ўрдакнинг ўн иккита, форсийда битта *мурғоби* сўзи билан чекланишини кўрсатади. Отнинг туркийда ўн учта номи мавжудлигини кўрсатиб, форсийда туркчадан фойдаланишини қайт этади.

Алишер Навоий ўзбек тилининг бойлигини кўрсатгани ҳолда, айрим ҳолларда ўзбек тилидаги сўзларнинг бадиий-эстетик ролини кўрсатиб, уларни айнан форс тилига таржима қилиш мумкин эмаслигини исботлайди ва бу билан ҳам ўзбек тилининг гўзал томонларини очишга ҳаракат қиласди.

Алишер Навоий тилшуносликнинг бир қатор соҳалари - фонетика, морфемика, сўз ясалиши, морфология, синтаксис каби масалалар юзасидан ўз қарашларини баён қилган чоғиштирма тилшуносликка асос солган буюк тилшуносдир.

Маълумки, тилшуносликда тил ва нутқ муносабатларини фарқлашни Алишер Навоий биринчилардан бўлиб «Муҳокамат ул-луғатайн» асарида қайд этган. У киши сўзга шарқ услубида образли баҳо бериб, сўз гўё дурдир,

дурнинг жойлашиш туби денгиз бўлса, сўзнинг жойлашиш ўрни кўнгилдир дейди, ҳатточи, “Сўз дуррининг тафовути мундин даги бегоятрок ва мартабаси мундин ҳам бениҳоятрокдур. Андоқчи, шарифидин ўлган баданга руҳи пок етар, касифидин ҳаётлиқ танга заҳри ҳалок ҳосияти зуҳур этар.” сингари фикрлар ҳам учрайдики, олимнинг бу хилдаги шарқий анъана асосида айтилган мажозий услубдаги ифодалари таҳсинга лойикдир. Ҳазрат Навоийнинг тилнинг келиб чиқиши, унинг ижтимоий моҳияти ҳақидаги қуйидаги мисралари ҳам аҳамиятлидир:

Инсонни сўз айлади жудо ҳайвондин,  
Билким гуҳари шарифроқ йўқ андин.

Алишер Навоийнинг тилшунослик соҳасидаги қарашларидан яна бир муҳим томони шундан иборатки, олим ўша даврдаёқ тил ва тафаккурни, шунингдек тил ва нутқни бир биридан биринчилардан бўлиб фарқлай олган. Тил ва нутқнинг бирлик қонунияти ҳақида гапириб, бу қонуниятни бузиш ёмон оқибатларга олиб келишини алоҳида таъкидлаб кўрсатади. Унинг “Маҳбуул-қуулуб” асарида айтиган фикрлари бизнинг мулоҳазаларимизни исботлайди: “*Тил ва кўнгул хўброк аъзодурлар инсонда, савсан ва гунча марғуброқ раёҳиндорлар бўстонда. Одами тил била сойир ҳайвондин мумтоз бўлур ва ҳам анинг била сойир инсонга сарафroz бўлур. Тил мунча шараф била нутқнинг олатидур ва ҳам нутқдорки, агар нописанд зоҳир бўлса тилнинг оғатидур.*”

Алишер Навоийнинг ўзбек тилининг имкониятлари юзасидан айтилган фикрлари ўз даври учунгина эмас, ҳозирги давр учун хам буюк тилшунослик фаолиятини кўрсатган олим деб аташга имкон беради.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Nurmonov A. O‘zbek tilshunosligi tarixi. – Toshkent, 2002, 227-b.
2. Yo‘ldoshev B. “O‘zbek tilshunosligi tarixi” fanidan uslubiy qo‘llanma. – Samarqand: SamDU nashri, 2012. – 164 b.
3. O‘rinboyev B., Qurbanov T. O‘zbek tilshunosligi tarixi. Uslubiy qo‘llanma. - Samarqand, 2006, 7-39-b.
4. Muhokamat ul-lug‘atayn. – Toshkent: Akademnashr, 2017, 118-b.
5. Doniyorov X., Sanaqulov U. Alisher Navoiy - tilshunos olim. – Toshkent: Fan, 1990.
6. [https://uz.wikipedia.org/wiki/Muhokamat\\_ul-lug‘atayn](https://uz.wikipedia.org/wiki/Muhokamat_ul-lug‘atayn)

## **АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИДА ЗООНИМЛАРНИНГ ҚАЙТАРИШ САНЪАТИДАГИ ИШТИРОКИ**

*Зарипов Б.П – НавДПИ Ўзбек тилишунослиги кафедраси доценти.  
Холмуҳаммадов Б.Ф – СамДУ Ўзбек тилишунослиги кафедраси катта  
ўқитувчиси, (PhD)*

Алишер Навоий ўз асарларида бадиий санъатларни ниҳоятда мохирона қўллаган. Улардан бири қайтариш санъатидир. Бунинг моҳияти шундаки, у китобхон диққатини асосий фикрга қаратади. Чунки бир сўзнинг яна ўша мисрада такрорланиши беихтиёр ўқувчида қизиқиш уйғотади ва китобхон ўша луғавий бирлик нима учун ишлатилди деб ўйлашга мажбур бўлади.

Биз шартли равишда қайтариш деб атаган (радд-арабча қайтариш демак) санъат байтдаги сўзларнинг бошқа бир жойда такрорланиши натижасида юзага келади. Айрим асарларда унинг тури олтида деб кўрсатилади. Бу санъатнинг асосий кўринишлари қуйидагилардан иборат:

1. Радд ус-садр ил-ал-ҳашв (байт бошидаги сўзнинг мисра ўртасида келиши);
2. Радд ус-садр ил-ал-ибтидо (байт бошидаги сўзнинг иккинчи мисра бошида келиши);
3. Радд ус-садр ил-ал-ажуз (садрнинг ажузда такрорланиши);
4. Радд ус-садр ил-ал-ҳашв ва ил-ал-ажуз(садрнинг ҳашв ва ажузда такрорланиши);
5. Радд ул-ҳашв ил-ал—ҳашв ил ал ибтидо (биринчи мисрадаги сўзнинг ибтидо сифатида такрор келиши).
6. Радд ул-ҳашв ил-ал-ажуз(мисра ичидаги сўзнинг байт охирида келиши).

«Радд» санъатини яратишда иштирок этадиган сўзларни маъно жиҳатдан қуйидаги группаларга бўлиш мумкин:

1. Байтнинг турли жойларида (садр, аruz, ибтидо, ажуз ва ҳашвда) радд санъатини ҳосил қилган сўзлар шаклан ва мазмунан бир хил бўлади. Бироқ у икки хил контекстда икки хил мақсад учун хизмат қилиши ёки турли маъно оттенкалари яратиши мумкин.
2. Сўзларнинг шакли бир хил, лекин маънолари бошқа - бошқа бўлади, яъни тажниси том (омоним) бўлади.
3. Такрорланган сўзлар асли бир ўзакдан бўлиб, шакл жиҳатидан ҳам, маъно жиҳатдан ҳам бир-бирига яқин бўлади.

Қайтариш санъати шоир олға суроётган фикрнинг эмоционал таъсир кучини ошириш билан бирга у ёки бу фикрнинг нозик ва яширин томонларини ўқувчига етказиш учун хизмат қиласи.

Қайтаришнинг асл номи радд-ул-ажуз ил-ас-садр ёки радд ул-ажуз мин-ас-садр бўлиб, садрдаги сўзни ажузда такрорлашдир. Алишер Навоий ижодида қайтариш санъати зоонимлар воситасида ҳам ясалади. Шоир «Фарҳод ва Ширин» достонида ғазола зоонимини такрорлаб радд-ул-аруз-ил-ал-ажуз санъатини яратади:

*Ёшунди мушк ичинда чин газоли,*

*Дема чинким, фалак заррин газоли.* [1.49-б.]

Бу байтдаги ғазола - арабча сўз бўлиб, урғочи кийик, урғочи оҳу демакдир. [2] Сут эмизувчи, жуфт туёқлилар гуруҳига мансуб бу ҳайвон шоир асарларида кўп учрайди.

Достоннинг ЛIII бобидаги ушбу байтда:

*Чу бўлди нуктадин огоҳ тўми,*

*Ани дерлар халойиқ шоҳ тўми.* [4. 330-б.]

шоир гапира-гапира тўти ҳар нарсани биладиган бўлди деган ғояни ифодалаяпти. Тўти инсонлар дунёсига яқин бўлиб ўзининг хушвоз, ёқимлилиги билан бошқа қушлардан ажralиб туради. Ҳаттоки, у инсонлар сингари гапириш қобилиятига ҳам эга. Шунинг учун халқда бирор кимса кўп гапирадиган бўлса ёки ёш бола эндинга тилга кириб гапиришни бошлаган пайтда тўтидай тили чиқиб қолибди деган ибора юради. Бу ерда тўти сўzlари орқали қайтриқ санъати яратилган.

Бундан ташқари, шарқ мумтоз адабиётида поэтик тимсол сифатида баҳт қуши - хумо образи мавжуд. Бу қуш ҳам такрор ҳолда ишлатилиб, қайтариқ санъатини ҳосил қилган:

*Чу хумога тўъмадур охир бошингда ҳар сўнгак,*

*Ул хумо бошинга беш кун соя густар бўлди, тут.* [5.75-б.]

Худди шунингдек, ит зооними шоир асарларида такрорланиб, қайтариқ санъатини ҳосил қилган:

*Эй Навоий, ўзни солдинг итлари ҳайли аро,*

*Итни гўё одами хайлида мақсуб айладинг.* [4.352-б.]

*Неча ул куй итларига етгай озорим менинг,*

*Кош итлар туъмаси бўлгай тани зорим менинг* [4.354-б.]

*Итингдур, шоҳлар, йўқтур Навоий итча оллингда,*

*Алар иттин кўпу бу ит аёги тупрогидин кам.* [4.397-б.]

«Лайли ва Мажнун» достонидаги қўйидаги байтда ҳам:

*Фарёд қилиб равон ул итдек,*

*Юз наевъ чекиб фигон ул итдек.* [3.]

Ит зооними воситасида қайтариқ санъати ҳосил қилинган. «Фарҳод ва Ширин» достонида ҳам булбул сўз воситасида қайтариқ санъати ҳосил қилинган.

*Бу андоқ тун аро шабхез булбул,  
Шабистон ичра мўр ангиз булбул.* [3.158-б.]

Ушбу достоннинг VI бобида назм мамлакатини эгаллаган икки даҳо Низомий Ганжавий ва Хусрав Дехлавий ҳақида қўйидаги фикр баён этилади: Хусрав Дехлавийдек гавҳар улашувчи йўқ. У ҳинду эмас, балки ширин сўз тўти; тўти ҳам эмас, йўқ паришонхол булбул. Агар уни булбул десанг, Хиндистон - тун. Бу тунни эса қора зулмат деб эмас, анбар ҳидларини сочиб турадиган муанбар тун деб аташ жоиздир. Хусрав Дехлавий ухламайдиган, қоронғу кечада сурон солувчи бир булбулдир. Шоир Хусрав Дехлавийни мажозан булбулга ўхшатади. Достоннинг яна бир бобида ҳашоратларнинг бир тури анкабут иштирокида радд-ул-аруз ил-ал-ажуз санъати яратилган:

*Булбул қорида хардун анкабути,  
Бир устурлоби гардун анкабути.* [3.217-б.]

Анкабут - арабча ўргимчак маъносини англатади.

**Радд-ул-аруз ил-ал-хашв.** Шоир асарларида қайтаришнинг *радд-ул-аруз ил-ал-хашв* тури ҳам учрайди. Бу санъатда биринчи мисра охиридаги сўз кейинги мисра ичидан келади. Қўйидаги байтда **девзод** сўзи орқали ушбу санъат яратилмоқда:

*Куюн йўқким хаюни девзод ул,  
Демонким, девзод ул, девбод ул.* [5.478-б.]

Бу байтда девзод отнинг бир тури ҳисобланиб, дев қоматли девдан туғилган деган маънени билдиради. Бу байтда қайтариқ санъати билан бирга таносуб санъати ҳам мавжуд. Чунки қуюн, хаюн, девзод, девбод бир-бирига яқин маъноли сўзлардир.

«Садди Искандарий» достонининг тўртинчи бобида Хумойнинг жадаллиги ва меъроj тунида нарғиз кўзи билан кўнгил ғунчаси арифидан сероблиғ қилгани таърифида шундай байт бор:

*Чу гарм айлабон чархи атласқа от,  
Тушаб атласин оти олинда бот.* [6.627-б.]

Бу ерда ҳам **радд-ул-аруз ил-ал-хашв** санъати ишлатилган. Бу санъат атлас сўзи воситасида яратилган. Биринчи мисрада атлас сўзи охирда, иккинчи мисрада эса сўз ўртасида ишлатилган.

«Фарҳод ва Ширин» достонининг XXXIV бобида Фарҳоднинг «Айнул ҳаёт» сувини «Бахрун-нажот» ҳовузига очиб, Армания томон бориши, халойиқнинг ул ариқ атрофида томоша қилиб, шовқин-сурон кўтаргани, Шириннинг оти юра олмай қолганда Фарҳод унинг оти билан бирга кўтариб, Армания тоғига элтиши қўйидагича тасвиrlанган:

*Кўтарди орқасига бодпони,  
Нечукким бодпо ул дилрабони.* [1.253-б.]

Бу байтда шоир бодпо сўзи орқали **радд-ул-аруз** ил-ал-хашв санъатини яратган. Бодпо - форсча сўз бўлиб, тез-юрар, елқадам, чопқир от маъноларини ифодалайди.

**Радд-ул-хашв-ил-ал-ажуз.** Бу санъатда биринчи мисрадаги сўз кейинги мисра охирида келади:

*Кўзи жайрон, қораси мушики хўтган,*

*Томизиб холи мушикин ул жайрон.* [7.492-б.]

«Сабъаи сайёра» достонининг XIII бобидан олинган ушбу байтда сут эмизувчилар гуруҳига мансуб жайрон сўзи биринчи мисра бошида келган бўлса, иккинчи мисрада у охирида ишлатилган.

Яна шу достондаги ушбу байтга эътибор берайлик:

*Қочиб шер етган замон ул далер,*

*Қари тулки ул навъким етса шер.* [7.179-б.]

Бу байтда ҳам радд-ул-хашв-ил-ал-ажуз санъати ишлатилган. Шеър сўзини шоир биринчи марта байт бошида иккинчи марта эса байт охирида маҳорат билан ишлатади. Бу байтда шунингдек шер, тулки асрлон сўзлари таносуб санъатини ҳам ҳосил қилган. Бу байтда қайтариқ санъати ҳам бор. Шер, тулки, арслон зоонимлари ёввойи сут эмизувчи ҳайвонлар гуруҳига мансуб. Улар барчаси кишининг салбий хусусиятларини ифодалаш рамзидир.

**Радд-ус-садр-ил-ал-хашв.** Бу санъатда байт бошидаги сўз мисра ўртасида келади. Умуман, шоир асарларида бу санъат кам учрайди. «Фарҳод ва Ширин» достонидан бир мисол келтириш билан чекланамиз:

*Асад бўйнин узуб сарпанжса бирла,*

*Забуни бир асад ҳар панжса бирла* [1.175-б.].

Бу байтда Фарҳоднинг шавқ гулшанида ғунча эканлигига гулдек кўйлаги чок, балки гулгундек кўнгли ғамнок бўлгани, дард муаллими мактабида ишқ китобларини сўзма-сўз ўқигани, муҳаббат варакларини муртоала қилгани баҳодирлик майдонида йигитлик машқларини шижаот билан ўргангани Фарҳоднинг 10 ёшлигидаги кучи 20 ёшли йигитларнинг кучи каби эканлиги ифодаланган.

Бу ерда асад сўзи икки марта ишлатилиб **радд-ус-садр-ил-ал-хашв** санъати яратилган. Асад сўзи биринчи марта мисра бошида, иккинчи марта мисра ўртасида келган. Бу санъат шоирнинг «Маҳбу-ул-кулуб» асарида ҳам учрайди:

*Бевафо ҳақношунос элдин йироқлиг истаким,*

*Келмади ҳаргиз алардин гайри бедоду жафо*

*Итга имлик айламак жону кўнгул бирла бўлур,*

*Ҳақшунос ўлсау бўлса анда ойини вафо.* [8.113-б.]

Ушбу тўртлиқда қуидаги мазмун ифодаланган: киши ҳамма жойда шарафлидир, ит эса нажосатнинг ўзидир. Яхшиликни билмаган киши итдан пастдир. Вафосиз гўзал барно йигитдан, вафоли қўтирилган.

Кўринадики, шоир поэтик мақсадига кўра муайян бадиий матн таркибида айрим луғавий бирликларни такрор қўллаш ҳодисаси сўз қўллаш санъатининг маълум бир турини ташкил этади. Қайтариш санъати ҳам ана шу тизимга мансуб саналади. Шоир асарларидаги бу санъатнинг юзага келишида зоонимлар ҳам фаол лексик восита сифатида иштирок этганлиги яққол намоён бўлган.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Навоий А. Хамса: Фарҳод ва Ширин. - Т., 1964. - Б. 49.
2. Алишер Навоий асарлари луғати. - Т., 1972. - 751 б.
3. Навоий А. Наводир уш-шабоб. - Т., 1959.
4. Навоий А. Хамса: Лайли ва Мажнун. Т., 1960, Б. 374.
5. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати, Т. 1, Т., 1983, 478 б.
6. Навоий А. Хамса: Садди Искандарий. - Т., 1975. - 627 б.
7. Навоий А. Хамса: Сабъаи сайёра. - Т.: 1960. - Б. 492.
8. Алишер Навоий. Маҳбуб-ул-қулуб - Т., 1998. - Б. 113.

### **ТАБОБАТ ТЕРМИНЛАРИНИНГ МУМТОЗ АДАБИЁТЛАРДА ҚЎЛЛАНИШИ (Alisher Navoiy asarlari misolida)**

*Акмалхўжса Сайднўймонов*

*ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори*

*институти кичик илмий ходими*

*E-mail: akmal\_sainumanov@mail.ru*

**Аннотация:** Мазкур мақолада мутафаккир Алишер Навоий асарларида қўлланган тиббий терминлар ва уларнинг маънолари ёритилган. Навоий асарларида қўлланган табобат терминлари бугунги замонавий тиббиёт учун аҳамияти ва долзарблик жиҳатлари ҳар томонлама кенг таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** табобат, замонавий тиббиёт, терминлар, тиббиёт терминологияси, Навоий асарлари.

**Use of medical terms in classical literature (on the example of Alisher Navoi's works)**

*Akmalkhoja Saidnomonov,  
junior researcher of the institute of  
Uzbek Language, literature and  
folklore of the academy of Sciences  
of the republic of Uzbekistan  
E-mail: [akmal\\_sainumanov@mail.ru](mailto:akmal_sainumanov@mail.ru)*

**Annotation:** This article describes the medical terms used in the works of the thinker Alisher Navoi and their meanings. The importance and relevance of medical terms used in Navoi's works for modern medicine has been extensively analyzed.

**Keywords:** medicine, modern medicine, terms, medical terminology, Navoi works.

Навоий ижодини бепоён уммонга қиёслаш мумкин. Уммон тубида ҳали беҳисоб жавоҳирлар ётибди. Унинг асарлари юзасидан юзлаб илмий ишлар қилинган бўлса-да, Навоий оламини тўла-тўқис забт этолганимиз йўқ. Унинг меросини ўрганиш асносида ҳар доим бирор янгиликни кашф этиш мумкин. [Абадият гулшани., 2013. 98-бет.] Зеро, биз ҳам тиббиёт терминологияси юзасидан олиб бораётган илмий изланишларимизнинг бир қисмида буюк шоирнинг асарларидан тадқиқот обьекти сифатида фойдаландик.

Ўзбек тили тиббиёт терминологиясининг тарихи ҳақида гап кетар экан, буни XV-XVI асрларда, яъни Алишер Навоий даврида табобат илми янада тараққий этганилиги билан боғлаш жоиздир. Алишер Навоий хилма-хил илм-фанлар соҳиби бўлиши билан бирга уларни ривожлантиришга ҳам катта ҳисса қўшган улуғ шахсадир. Шоир ўз даврида табобат фанининг ривожланишига ҳам сезиларли таъсир кўрсатган. Бу даврда буюк шоирнинг ташаббуси билан “Дорушшифо” очилган эди. Унда ўнлаб табиблар ҳалқ соғлиғини тиклаш учун хизмат қилган ва табобатга оид кўплаб асарлар яратганлар. Табиийки, тиббиётга оид асар юзага келар экан, унга оид терминлар ҳам ёзма манбаларга муҳрланади.

Навоий асарларини ўрганаар эканмиз, уларда ўнлаб фан ва ишлаб чиқариш соҳаларига оид терминлар қўлланганлигига гувоҳ бўламиз. Ана шундай соҳавий терминлардан бири тиббиёт терминлардир. Буюк аллома ўз асарларида тиббиёт аҳли, яъни табибларнинг киши соғлиғини сақлаш, одамларни соғломлаштиришдаги ўрни ҳақида ҳам керакли маслаҳатлар беради. Масалан, у ўзининг “Маҳбуб ул-қулуб” номли асарининг ўн бешинчи фаслидаги “Атиббо зикрида” (Табиблар тўғрисида) қисмида шундай ёзади: “Табибга ўз фанида ҳазоқат керак ва беморлар ҳолиға шафқат ва марҳамат

керак. Ва нафси тибға табъи муолойим ва ҳукамо қавлиға пайрав ва мулозим. Сўзида ридқу дилжўйлук ва ўзида озарму хушхўйлук”. [Махбуб ул-қулуб., 10-жилд, 68-бет.] (Маъноси: Табибга ўз ишида маҳорат керак ва касаллар ҳолига меҳрибонлик ва раҳмдиллик керак. Асли тибға табиати уйғун ва донишмандлар сўзига эргашувчи ва ҳамроҳ бўлсин. Сўзида юмшоқлик ва кўнгил овлашлик, ўзида хаё ва хушфеъллик бўлсин).

Кўриниб турибдики, мазкур жумлаларнинг ўзидаёқ *табиб, бемор, тиб, ҳукамо* каби тиббий терминлар мужассамлаштирилган. Изланишлар давомида юқорида номи зикр этилган фаслда яна қуйидаги каби тиббий терминлар мавжудлиги кузатилди: *жон, тан, даво, мариз(касал), хаста, шифо, шарбат, оби ҳаёт (тириклиқ), мижоз, тиғ, заҳр (заҳар), мажруҳ*. Аҳамиятлиси эса, ушбу терминларнинг аксарият қисми ҳозирги тиббиёт соҳасида ҳам фоал қўлланиб келинмоқда. Шоирнинг бошқа асарлари ҳам кўздан кечирилар экан, ҳозирги кунда ҳам фаол қўлланилиб, замонавий тиббиёт терминологиясидан мустаҳкам ўрин олган терминлар миқдорини анча кенгайтиришга эришилди: *оғу – “заҳар”, хол, эт, қон, бавосир, сафро, табиб, bemor, бетоб, ташхис, учук, фалаҷ, хафақон, балғам, газак, балогат, кўз оқи, қувват, муолажа, даво, иситма, учук, хала – “санчиқ, оғриқ”, яра, тан ва бошқалар*. Демак, ҳозирги замон тиббиёт терминологиясининг шаклланишида беш юз йил муқаддам яратилган Навоий асарлари мухим манбалардан бири саналади. Аллома бундай терминларидан, биринчидан, бадиий образ яратиш учун фойдаланган бўлса, иккинчидан, давр тақазоси билан уларни ўз асарларига олиб кирган.

Навоий ижоди сидирға кўздан кечирилар экан, унинг асарларида ўз ифодасини топган тиббий терминларнинг бир талайи ҳозирги замон тиббиётининг Европа тиббиёти асосида ривожланганлиги сабабли, бугунги кунда қўлланмай, архаиклашган тиббий терминлар қаторига киритилди. Бундай терминлар жумласига қуйидагиларни мисол қилиб келтириш мумкин: *акмаҳ- “туғма кўр”, аламангиз- “дард қўзгатувчи”, алкан- “гунг, соқов, дудук”, баногўи- “қулоқнинг остки юмишоқ қисми”, мазоқ- “тил, танглай, оғиз каби таъм билиши аъзоларидан бири”, раг- “қон томири”, рамад- “кўздан сув оқиши натижасида кўз оқининг қизарииши”, ранжур- “касал”, амо- “кўрлик”, атиббо- “шифокорлар”, барас- “бадандаги оқ доз, пес”, азм- “суюк” (азми рамим “чириган суюк”), аймон- “үнг қўл”, айн- “кўз”* ва бошқалар. Қуйида шу каби архаик терминлар луғати илова қилинди.

Маълумки, Навоий – серқирра ижод соҳиби. У ўз асарларида нафақат туркий сўзлардан, балки арабча ва форсча-тожикча луғавий бирликлардан ҳам моҳирона фойдаланган. Унинг асарларида қўлланган тиббий терминларни этимологик жиҳатдан қуйидагича гурухлаштириш мумкин:

1. Алишер Навоий асарларида ўз ифодасини топган бир сўзли ёхуд бирикмали терминларнинг асосий қисми, табиийки, ўзбекча (умутуркий) хисобланади ва албатта, юқорида таъкидланганидек, буларнинг маълум бир қисми замонавий тиббиёт терминологиясида ҳам ўз фаоллигини сақлаб келмоқда. Мисоллар келтирамиз: олин манглай- “пешона”, оруқ- “озгин, эти қочган, ориқ киши”, саригогриғ- “сариқ касали”, суд- “сум”, тепук- “қизамиқ, тепки”, титрама- “қалтироқ, беззак”, тоз- “кал, бошида туки йўқ киши”, чипон- “чипқон”, тул- “сўлак”, энгак- “ияқ”, қаро оғриқ- “қорайши касали” ва бошқалар.

2. Аллома асарларида ишлатилган терминларнинг анчагина қисми форс-тожикча эканлигини қуидаги келтирилган мисоллар яққол тасдиқлай олади: гулоб (атиргул баргини қайнатиб, буғлатиб олинадиган хушбўй доривор сув), гулқанд (атиргул япрогини шакар билан аралашибириб офтобда пиширилган дори), гунг, гурда (1. бел; 2. буйрак), гурдагоҳ (биқин), заҳра (ўт, сафро ҳалтаси), камар (бел), мавизоб (майиз шарбати), позаҳр (заҳарни қайтарувчи даво), пушт (зурриёд) ва бошқалар.

3. Аслида араб тилига мансуб бўлган тиббий терминлар Навоий асарларида ҳам ўзига хос ўрин эгаллайди. Фикримизнинг далили учун бунга аниқ мисоллар келтирамиз: заққум (заҳар, огу), каъб (тўпиқ, ошиқ), луоб (сўлак), мадор (қувват, куч), мажзууб (жазаваси тутган), мажзум (мохов), мариз (касал, хаста), марҳам (ярага қўйиладиган дори, малҳам), масруъ (тутқаноқ дардига мубтало бўлган киши), раъша (типроқ, титраш) ва бошқалар.

4. Шоир асарларида ўзбекча (умумтуркий) лексемалар ва сўз ясовчилар ёрдамида форсча-тожикча ёки арабча ўзаклардан бир сўзли ва бирикмали тиббий терминлар ҳам қўлланганлигининг гувоҳи бўламиз. Мисолларга мурожаат қиласиз: мараз(ar.) +лик (ўзб.), кўз (ўзб.) +мардуми (ф-т.) “кўз қорачиги”, маст (ар.) +она (ф-т) +лиғ (ўзб.), орқа (ўзб.) + хати (ар.) аррапушт “одам умуртқасининг устки қисми”, ранжур (ф-т) +лик (ўзб.) “касаллик” кабилар.

5. Шоир асарларида форсча-тожикча ва арабча сўзлар қўшилмасидан ҳосил бўлган бирикмали тиббий терминлар қўлланганлигини ҳам кўрамиз. Бунга мисол тариқасида қуидагиларни кўрсатиш мумкин: луқма (ар.)+гоҳ (ф-т) “қорин, жиғилдон”, мардуми (ф-т)+чашм(ф-т) “кўз қорачиги”, савдо(ар.)+зада (ф-т) “хаёли бузилган, тентак” ва бошқалар.

Тўпланган материаллар таҳлилидан Алишер Навоий асарларида қўлланган айrim тиббий терминларнинг ҳозирги пайтда маънолари бир қадар ўзгарган ҳолда ишлатилаётганлиги аён бўлди. Семантикасида ўзгариш рўй

берган тиббий терминлар ҳақида муайян тасаввур ҳосил қилиш учун айрим мисолларга мурожаат этилди.

Кўп ишқ таркини дема, сўз қўйғил, эй табиб,  
Муҳлик маразга қилмади, эл панд ила илож. (Наводир уш-шабоб)

Мараз – сиҳҳат била бўлғай мубаддал,  
Ано – қувват била бўлғай мубаддал. (Фарҳод ва Ширин)

Маълум бўладики, мазкур байтларда қўлланган *мараз* термини “касаллик” маъносини ифодалаб келмоқда. [Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. 2-жилд. 1983. 232-бет.] Ҳозирги тиббиётда эса мазкур термин маъно торайиши натижасида умумий касалликни эмас, айнан “йиринг олган, фасод боғлаган яра” [Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2-жилд. –Тошкент: 2006. 541-бет.] маъносини ифодалайди. Фикримизни қўйида келтирилган мисол тўла тасдиқлай олади.

Замонавий тиббиёт терминологиясида *пай* термини тана мушакларини сукка бириктириб турувчи мустаҳкам, эластик тўқима [Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 3-жилд. 2007. 199-бет.] маъносини ифодалайди. Масалан: *товор пайи* – болдиринг уч бошли мушагининг пайи бўлиб, у товон суюги дўмбогига келиб бирикади.

Навоий асарларидан келтирилган қўйидаги байтларда эса мазкур термин, асосан, “оёқ” маъносини ифодалаш учун хизмат қилган. [Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. 2-жилд. 1983. 550-бет.]

Чунончи:

Ул пай чу етиб жаворийи ҳай,  
Ҳайдин чиқибон яна ики **пай**. (Лайли ва Мажнун)  
Бу янглиғ муддати йўл қилдилар тай,  
Ки Арман кишвариға қўйдилар **пай**. (Фарҳод ва Ширин)

Шоирнинг “Лисонут тайр” асаридан олинган қўйидаги парчага эътибор берамиз:

Балғаму сафрову савдо бирла қон,  
Дафъ ўлуб, бўлди суманбар нотавон.

Мазкур байтда ифодаланган *савдо* лексемасига Навоий тиббий термин сифатида ёндашган ва у “касаллик номи, меланхолия; инсон танасидаги тўрт унсурнинг бири” [Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. 2-жилд. 1983. 18-бет.] тарзида изоҳланган. Ҳозирги тиббиёт терминологиясида эса мазкур термин учрамайди. Лекин “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да *савдо*

лексемаси омоним сўз тарзида берилиб, унинг изоҳи эскирган тиббий терминни ифодаламоқда ва инсон танасидаги тўрт хил суюқликнинг бирини англатмоқда. [Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 3-жилд. 2007. 414-бет.]

Сўзимиз аввалида Навоий ижодини уммонга қиёс этган эдик, юқорида зикр этилганлар ана шу уммондан бир томчи, холос. Навоий асарларида қўлланган тиббиётга оид терминлар катта миқдорни ташкил этиб, яна *абкам, abras, адовий, акмаҳ, алил, амо, атиббо, аҳвал, барас, бемористон, бехоблиг, варам, жавориҳ, захм, заъфлиг, сақим, солимлиг, судоъ, табхола, табъ, тандуруустлиг, тепук, титрама, тоун, хабт, харифлик* каби юзлаб тиббий терминлар қўлланганки, уларни ўрганиш, биринчидан, ўзбек тиббиёт терминологиясини тадқиқ этиш, иккинчидан, ҳозирги ўзбек тиббиёт терминологиясини миллий терминлар билан бойитища муҳим манба вазифасини бажаради.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ҳақкул И. Юксак бадиият // Абадият гулшани: мақолалар, шеърлар. – Тошкент: Шарқ, 2013.
2. Алишер Навоий. Махбуб ул-қулуб // Тўла асарлар тўплами. Ўн жилдли. 10-жилд. –Т., Ф.Ғулом, 2011.
3. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. Тўрт жилдли. 2-жилд. –Тошкент: Фан. 1983.
4. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. 2-жилд. –Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006.
5. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. 3-жилд. –Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2007.
6. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. Тўрт жилдли. 2-жилд. –Тошкент: Фан. 1983.
7. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. Тўрт жилдли. 2-жилд. –Тошкент: Фан. 1983.
8. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. 3-жилд. –Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2007.

# СЎЗ ЯСАЛИШ ТАРИХИГА ДОИР МУНОСАБАТ VIEWS ON THE WAYS OF WORD FORMATION

**Фазлиддин Шарипов Галиевич**

*Филология фанлари номзоди, доцент,*

*Гулистан давлат университети,*

*E-mail: fazliddindpr@mail.ru*

**Мухиров Равшан Уралович**

*1-курс магистранти,*

*Гулистан давлат университети*

**Abstract.** Special attention to the problems of word formation in linguistics has been paid since the times of Mahmud Koshgariy. In general in world linguistics works have been conducted on such problems of word formation as identifying, classifying and describing the ways of formation. In addition, in linguistics of Turkic languages special attention is paid to problems of word formation in Turkic languages. Moreover, there are number of research studies focused on revealing the essence of word formation in Uzbek linguistics. In this regards, well-known Uzbek linguist A.Gulamov's works on word-formation serves as a baseline study in this problem and A.Gulamov in his work refers to the contribution of A.Hojiev's works in scrutinizing the ways of word formation in Uzbek language.

**Keywords:** *word formation, affixation, composition, syntactic inversion, lexical, phonetic word formation, abbreviation, redereivation, prefix.*

Тилшуносликда сўз ясалиши, тўғрироғи, ясалиш усулларини белгилаш борасидаги фикрлар, қарашлар жуда турли-туман. Бироқ шуни алоҳида таъкидлаш керакки, тилшуносликнинг минг йиллик тарихи давомида сўз ясалишга эътибор қаратилган илк ишлардан бошлаб, то XX асрнинг охирларига қадар ва яратилган илмий тадқиқотларда ҳам сўзлар иккита фаол усулида ясалиши маълумдир. Бу деярли барча тилшунослар томонидан яқдиллик билан қабул қилинган. Лекин бошқа ҳолатлар қайд этилган ўринларда ҳам дастлаб ана шу икки: аффиксация ва композиция-синтактик усулда сўз ясалиши берилган.

XX асрнинг 40-йилларида А.Ғуломовнинг «Ўзбек тилида сўз ясаш йўллари ҳакида» 50 сахифали мақоласи нашр этилади [Ғуломов, 1949: 37-876]. Олим ушбу ишида «Сўз ясаш термини, дунё тилларида сўз ясаш усулларининг бир қанча хил бўлишига қарамай, бизнинг онгимизда, одатда, аффикс орқали янги сўзниң муомалага кириши тушунилади, чунки ҳозирги

тилларда энг кўп қўлланадиган, жуда сингиб кетган усулдир. Бироқ мақоланинг 32-бетида бундан бошқа (аффикссиз) сўз ясаш усуллари ҳам бордир», - дейди. Олим агар аффикссиз бошқа усуллар ҳам бордир, деганда, ёрдамчи сўз сифатида сўз ясашда иштирок этган воситаларни (кам, хуш, қил, бўл, эт...) назарда тутган ҳолда ушбу фикрни айтган бўлса ҳам, барибир, ҳақлидир. А.Ғуломов ушбу мақоласида [Ўзбек тилининг илмий грамматикаси, 1975: 226] ўз қарашларини қисман ўзгартириб, ҳолатларни умумлаштириб, янгича ёндашиб, сўз ясаш усулларини учтага бирлаштириб, грамматик сўз ясаш, лексик-семантик сўз ясаш ва фонетик сўз ясаш тарзида ажратади. Албатта, олим шу ўринда берилган жумлада “...ўзбек тилида сўз ясаш воситалари ҳар хил бўлиб, уларнинг типлари шундай кўринишларга эга: морфологик тип, лексик-семантик тип, морфологик-синтактик тип, фонетик тип” тарзидаги фикрни айтади. Кўринадики, А.Ғуломов ушбу фикрида, ҳақиқатдан ҳам, айрим олимлар тўғри таъкидлаганларидек, гуё “сўз ясаш типи” ва “сўз ясалиш йўли” тушунчаларини қоришириб юборган, уларни эквиваленти сифатида қўллаган. Ҳатто, тип маъносида «модел» сўзини ҳам қўлланганлиги қайд этилади. А.Ғуломов, умуман олганда, сўз ясаш типининг моҳиятини тўғри тушунган, яъни олим ясама сўзларни ўзаро бирлаштирувчи маъно, бир томондан, бир типга оид ясама сўзларнинг ҳаммасини уларнинг сўз ясалиши асосларидан фарқлашини ҳам, иккинчи томондан, сўз ясалишининг шу типини бошқа сўз ясалиши типларидан фарқлашини, учинчи томондан, бир типга оид ҳар бир ясама сўзнинг маъноси гурухловчи маънога teng бўлмаслигини ҳам билган. Шу билан бирга, сўз ясалиш типининг умумийлик билан характерланишини ҳам, бунинг эса системага хос, системани белгиловчилардан ҳисобланишини ҳам билган. Бироқ шу ҳолатларни фарқлаган олим, ҳақиқатан ҳам, А.Хожиев кўрсатганидек, *сўз ясалиш типи* ва *сўз ясаш йўллари*, *сўз ясаш усуллари терминларини эквивалент* сифатида қўллагани ҳам фактдир. Олим сўз ясалиш типи ва моделларини фарқлаб, иккинчиси биринчисининг таркибида бўлишини тўғри кўрсатган.

А.Ғуломов XX аср ўрталарида сўз ясаш усуллари терминини қўллаб, бундай усулларни: морфологик, синтактик, лексик, семантик, фонетик усуллар тарзида белгилаган бўлса [Гулямов, 1955: 76], 70-йилларга келиб учта қолипга келтиради [Хожиев, 1975: 226].

Барча тилшунослар каби рус олимлари сўз ясалиш усули тушунчаси моҳиятини тўғри анлаган ҳолда умумлаштириб, иккита тарзида бир қадар умумлаштирган ҳолда эса тўртта тарзида белгилаганлар. Рус тилининг ўзига хос сўз ясалиши тизими нуқтаи назаридан бунинг қанчалик тўғри ва асосли эканлиги асосланади. 1980 йилда, Н.Ю.Шведова бош муҳарририлигига яратилган «Русская грамматика» (1-китоб) фундаментал ишида

умумлаштирилган тарзда, асосан, иккита сўз ясаш усули, 1970 йилда нашр этилган «Грамматика современного русского литературного языка» [Шведова, 1970: 37-301б] китобидаги сўз ясалишга оид қисмида ҳам шундай ифодаланган. Фақат кейинги китобда сон, олмош ҳамда экспрессивлик ифодаловчи юкламалар, тақлид ва ундовлар, ўзгарувчан сўзларнинг ажратилган шакллариға хос сўз ясалиш структураси, шунингдек, сўз ясалишида морфонологик ҳодисалар қўшимча тарзида берилган бўлиб, рус тилида сўз ясашнинг асосан икки усули қайд этилганлигига гувоҳ бўламиз. Н.М.Шанскийнинг «Очерки по русскому словообразованию»[Шанский, 1968] монографиясида сўз ясалишнинг аббревиация ва редеривация усулларини ҳам бирлаштирган ҳолда тўртта: лексик-семантический; морфологический; лексик-синтаксический; морфологический усуллар алоҳида бобда берилган [Шанский, 1968: 253б]. Сўз ясаш усулларини шу тарзида белгилаш Галкина-Федарук ва бошқалар томонидан тузилган «Современный русский язык» китобида ҳам қайд этилган.

Бошқа туркий тиллардаги адабиётларда, жумладан, қозоқ тилига оид «Современный Казахский язык» китобида сўз ясалиши ҳар бир туркум доирасида берилиб, от, сифат, феъл ва равишларнинг ясалишида асосан аффиксация усули ҳамда сўз қўшиш усул борлиги қайд этилади. Бу китобнинг ўзида: «Аглютинатив тилларда сўз ясалишининг аффиксация усули ягона усул эмас. Қозоқ тилида янги сўзлар турли хил усуллар билан, жумладан, лексик-грамматик усул (сўз қўшиш, иккилантириш, такрорлаш кабилар) билан ҳам ясалиши мумкинлиги қатъий таъкидланган бўлиб, ўзак, негиз, ўзак морфема тушунчалари ва уларнинг моҳияти, шунингдек, аффиксларнинг, асосан ўзакдан кейин қўшилиши қайд этилади.

1975 йилда нашр этилган «Хакас тили грамматикаси»да [Баскакова, 1975: 52] сўз ясашнинг морфологик, синтактик, лексик (лексик-синтактик) усуллари қайд этилган. Морфологик усулнинг энг унумли усул эканлиги, лексик усул изохланар экан, бунда, сўз маъносида туб ўзгариш ҳосил бўлиб, сўзниг иккита сўзга ажралиб кетиши назарда тутилган. Худди шу тарзда Озарбайжон, Коракалпок ва бошқа туркий тиллардаги сўз ясашнинг аффиксация ва композиция усуллари қайд этилиб, лексик ёки лексик-семантический каби бошқа усуллар ҳам мавжудлиги кўрсатиб ўтилади. Шуниси характерлики, қайд этилган адабиётларга эътибор қаратилса, кўрсатилган усуллар қаторида фақат фонетик усулда сўз ясалиши асосан А.Ғуломовнинг шу масалага бағишиланган ишларида кузатилади. Рус тилига оид адабиётларда ҳам, туркий тилларга оид адабиётларда ҳам бошқа олимлар томонидан бу усул қайд этилмайди. Демак, А.Ғуломов ўзбек тилида тарихан, сўз ясалишининг шундай усули мавжуд бўлганлигига эътибор қаратади ва

ўзбек тилининг ўзига хос фонетик материаллари асосида, ясалишнинг қонуниятларини тўғри белгилагани ҳолда, бу усулда кўплаб сўзлар ясалганлигини (тил тарихида) асослаб берган, дейиш мумкин. Албатта, бу усулда сўз ясалиши (олим кўзда тутган тарзда) хозирги кунда кузатилмайди ҳамда ўз фаоллигини йўқотган. А.Ғуломов фонетик усулда сўз ясалишининг биринчи кўриниши бўлган ички ўзгаришлар асосида сўз ясалишига кўп маротаба мурожаат қиласди ва бунинг қонуниятларини ҳам белгилаб беради [Рахматуллаев, 2010]. Бу эса олимнинг ҳақ эканлигига кишини ишонтиради. Кейинги этиологик кузатишлар ҳам кўз-кўр, кун-тун, дада-ада-ота; оғатоға, қўл-қил, кел-кет, олд-орт, ост-уст, ака-ука, ота-она, тош-теш, қатиқ-қаттиқ, тўғри-ўғри, сол-ол, бўз-тўз, сўз-сиз, бос-ос, хирр-ир, югур-йур, сугур-сур, арт-арч, ёй-ёз каби яна бошқа жуфтликларнинг шу усулда ясалганлигини кўрсатади (дам-дим каби қўлланишлар ҳам мавжуд). Бу масала ҳали жиддий тадқиқотларни талаб этади, албатта. Лекин, А.Ғуломовнинг бу усулга алоҳида эътибор қаратганлигини ва бу ҳолат ўзбек тилининг этиологик луғатларини тузишда назарий асослардан бири бўлганлигини ҳамда келгусидаги яна кўп тадқиқотларга манба бўлиш мумкинлигини таъкидлаймиз. Ўзбек тилшунослигида «соддалашиб» ҳодисасига бағишлиланган кейинги бир ишда ҳам юқоридаги каби жуфтликларда фонетик воситалар янги сўзларнинг ясалишида муҳим аҳамият касб этганлиги қайд этиб ўтилади [Усмонова, 2012].

Гап шундаки, А.Ғуломовнинг морфонология ва сўз ясалишига доир ишларида, шунингдек «Феъл» китобида, қон-йоп, бос, бот-бол-болта-босқон; сўз-йўз; йор-йир-жиср-жар (йара), бўз-бур-буши; тим-том-дом; кўр-гўр; кез-кес-кеч ва ҳоказо жуда кўп бир-биридан ясалган, бир-бирига товуш жуфтликлари (фоностома) жиҳатидан ҳамда маъно алоқадорлигига кўра боғланувчи бирликлар борки, улар 3-4 та эмас, яхлит системани ташкил этади. Уларнинг бир-биридан ясалганлигини белгиловчи қонуниятлари ҳам мавжуд. Жумладан, қарама-қарши, яқин тушунчаларни ифодаловчи сўзлар, от-феъл жуфтлиги, от-феъл-сифат жуфтлиги каби алоҳида қонуниятлар асосида юзага келганлиги ишончлидир. Фонетик ўзгариш асосида фарқланиш тарзида янги сўзлар ҳосил бўлиши масаласи А.Ғуломов томонидан жиддий тадқиқ этилган бўлиб, шу усулда сўз ясалиши мавжуд бўлганлиги асослаб берилган. Бизнингча, ўзбек тилига хос, одатда, бир бўғинли, икки товуши бир хил бўлган туб сўзларни, жиддий тадқиқ этилса олимнинг фикрлари тўғри эканлиги янада равшанлашди, ўзининг аниқ исботини топади. Масалан, *йоп* ва қон сўзлари «бекитмоқ» семаси билан бирлашади; сўз-йўз узиш «бирор нарса сатҳи орқали «ўтиши» семаси билан, бўз-бўр сўзлари «хом», «шилов берилмаган», «оқ» семалари билан, тим-том сўзлари «усти бекилган жой»

(тимнинг тагида) семаси билан, *йор-йир* жуфтлиги «аҗратили» семаси билан билан бирлашади. Кўринадики, бари бир, қандайдир фонетик ҳодиса содир бўлган: *кун-тун* жуфтлигига олдинги товуш алмаштирилган ва ҳоказо. Буларнинг барчасида ана шундай фонетик ўзгариш асосида, дейлик кейин фарқланиш рўй бериб янги бир луғавий бирлик юзага келган. Ўзбек тили материаллари тарихда шу усулда янги сўзлар ясалганлигини тўғрисида маълумот беради.

XX аср охири XXI аср бошларида ўзбек тилшунослигига сўз ясалишининг асосан битта усули мавжудлиги тўғрисида маълумотлар бор, лекин барча тилшуносликларда аксарият олимларнинг чиқишиларида композиция усулида сўз ясалиши йўқлиги қайд этила бошланди [Хожиев, 1989]. Академик А.Хожиев ўзининг 1989 йили нашр этган «Ўзбек тили сўз ясалиши» қўлланмасида композиция усулини кўрсатиб беради. Олим аббревиация, лексик-семантиқ, фонетик, синтактик-лексик усулларни алоҳида усуллар тарзида қайд этмасликни баён қилган ҳамда аббревиация усулини сўз ясалиши усули сифатида қарамаслик ҳақидаги фикрлари яхши асосланган. Сўз ясаш муаммолари, жумладан, сўз ясаш усуллари борасида ўзига хос тарзда мукаммал фикрлар айтган, ўз қарашларини билдирган. Олим 80-йилларда композиция усули асосий усуллардан бири эканини тан олган эди. Бироқ тил системасига янгича ёндашувлар, янги кузатишлар асосида ўз фикрини ўзгартирди. «Ўзбек тили сўз ясалиши тизими» қўлланмасида композиция усулида сўз ясалишини алоҳида усул сифатида қарамаслик кераклигини таъкидлаб З пунктдан иборат хулоса беради [Хожиев, 1989: 16-17б]. Албатта, ҳозирги кунгача ҳам, ҳозир ҳам қўшма сўз деб аталиб келинган ва от+сифат, сон+от, феъл+от, тақлидий *сўз+от*, *от+сифат*, *от+сифатдош*, *от+от* типида ясалган бирликлар «сўз ясалиш усули билан ҳосил бўлган сўзлар ҳисобланмайди деб таъкидлаган [Хожиев, 1963]. “Бинобарин, улар сўз ясалиши тизими обьектига кирмайди, таркибида бирдан ортиқ луғавий маъноли қисмнинг борлиги «қўшма сўз»лик белгиси, композиция усули билан ясалганлик белгиси бўла олмайди” каби фикрларнинг тўғри ёки тўғри эмаслиги мунозаралидир. Буларнинг ҳар бири аввало атрофлича асосланиши керак. Жумладан, қўшима сўзлар деб аталиб келинаётган янги луғавий бирликларни тан олмаслик мумкин эмас, чунки лугат, грамматикаларда ҳам қайд этилган. Лекин уларни қўшима сўзлар деб аташ керакми ёки соддалашиб жараёни содир бўлганлиги ва бир тушунчани ифодаловчи бирликка айланганини ҳисобга олиб *содда сўзлар* деб аташ керакми? Соддалашиб жараёни, иккита сўзнинг оддий бирикиши қўшма сўзни - шундай луғавий бирликни юзага келтира оладими? Каби саволларга жавоб топишга ҳам ҳаракатлар қилинган.

А.Ғуломов ҳам бу борада фикр юритиб, сўз бирималари турли хил ўзгаришлардан кейин - шу йўсинда, бирималигини йўқотиб бир тушунчани ифодалайдиган лугавий бирликка - қўшма сўзга айланишини айтади ва ҳатто, тан олинган аффиксация усулида сўз ясалиши ҳам биринчи кўринишдаги сўз ясалиш усулининг янада соддалашишидан ҳосил бўлганингини таъкидлади: «Тарихий жиҳатдан қараганимизда, аффиксация йўли композициядан туғилган: ўзак+ўзак-ўзак+аффикс: аффикслар аслида мустақил сўзлардан келиб чиқсан: ошхона, халқобод, барибир [Ўзбек тили грамматикаси, 1975: 24-25б] деган фикр бизга маълум ёки проф.Ё.Тожиев ўзининг «Ўзбек тилида қўшма сўзларнинг ясалишига доир мақоласида[Тожиев, 2009] «Кўшма сўзлар, ҳақиқатан ҳам, икки сўзниң оддий қўшилувидан ясалмайди, улар, одатда, сўз бирималарининг фонетик, грамматик ва семантик ўзгаришлари натижасида ўзаро сингишиб кетиб яхлитлашишидан, улар орасидаги синтактик муносабатнинг йўқолишидан, лексикализациялаш асосида юзага келади, бу композиция усули тарзида шартли белгиланиши мумкин. Кўшма сўзниң ҳосил бўлиши оддий сўз қўшилиши усулида ҳосил бўлмайди», деган фикрни айтади ва буни асослаб беради. Бундан фақат усулнинг номинигина аниқлаш кераклиги ойдинлашади. Ҳамма қўшма сўзлар шу тахлит сўз бирималарининг уч жиҳатдан ўзгариши ва соддалашишнинг юзага келиши билан ҳосил бўлади, баъзи тарихан ўзгаришлар ҳисобга олинмаса, ясама қўшма сўзларда маъно улар таркибидаги компонентлари маъноларидан ташкил топади, ана шу компонентлар орқали унинг ясалма эканлиги мотивланади: *белнинг бояи- белбоғ, томнинг орқаси - томорқа, ерда ўсадиган ёнғоқ – ерёнғоқ* ва ҳоказолар. Кўшма сўз таркибида иккита ўзбек тилига оид, ҳозир ажратиб олса бўладиган, мустақил ҳолда қўлланиб, маъно англатадиган бирликнинг мавжудлиги уларнинг ясалишини мотивлади. Улардан бири бўлмаса, ясалмалик ўз қимматини йўқотади.

Профессор Ё.Тожиев биримка таркибида фонетик ўзгариш, грамматик ўзгариш - қаратқичли бирималарда қаратқич шаклининг ёки эгалик шаклининг тушиб қолиши, ҳар иккаласининг тушиб қолиши, синтактик алоқанинг, яъни қаратқич-қарашлилик муносабатининг йўқолиши; сифатловчили бирималарда сифатловчи-сифатланмишликнинг йўқолиши; эга-кесим муносабатидаги бирималарда эга-кесимлик муносабатининг йўқолиши: *қумбосди, тяячукди, бўрибосар, отчопар, келин тушиди* оҳангнинг ўзгариши; семантик ўзгариш - маънолар қоришиб, сингишиб кетиши, бир тушунчани ифодалаш ҳолига келиши каби ана уч ўзгариш бўлмаса, биримка қўшма сўзга айланмаслигини кўрсатади (*сув+тупроқ* - улар сингишиб, қоришиб кетишидан бир тушунча ифодаловчи *лой* сўзи вужудга келгани каби). Демак, қўшма сўз тилда бор бўлса, унинг мавжудлиги тан

олинган бўлса, у ҳақиқатан ҳам, тилда мавжуд бирликлар воситасида- шулар асосида ҳосил бўлган бўлса, луғатларда қайд этилса ва луғавий бирлик саналса, кўринадики, у - янги сўз, айнан, янги ясалган, янги ҳосил қилинган сўз - луғавий бирлиқдир. Албатта, у аффиксация усулидаги ясалган эмас, унинг ясалиши бошқа усулда, яъни сўз бирикмасининг юқорида айтилган уч ўзгариши асосида бирикмалиқдан чиқиши, таркибидаги компонентларнинг бир-бирига сингишиши усулида ясалган. Унга аффиксация усулидаги ясалиш ҳолатини татбиқ этиб бўлмайди. Кўшма сўзнинг мотивланиши ҳам, таркибий қисмларининг хусусиятлари ҳам бошқачадир. А.Ғуломов қўшма сўзларга ана шу жиҳатларидан келиб чиқиб, ўзига хос ясалиш усули борлигини ҳисобга олиб ёндашган. Шунга кўра, буни алоҳида усул сифатида белгилаган. Туркий тилшуносликнинг минг йиллик тарихи давомида ҳам олимлар шу ва шунга ўхшаш яна кўп жиҳатларни эътиборга олиб бу усулда янги бирлик вужудга келишини қайд этишган. Юқоридагилардан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, олимнинг XX асрнинг 70 йилларида сўз ясалишига ҳам тарихан, ҳам замонавийлик нуқтаи назаридан ёндашган ҳолда ўзбек тилида сўз ясалишининг учта усулини кўрсатиши, «...улар ичида ҳозирги кунда аффиксация ва композиция усуллари етакчилик қилиши, фонетик усул эса ўз фаоллигини деярли йўқотган», деган фикри ҳамон ўз қучини йўқотган эмас. Аксинча, **биричидан**, ривожланган тилшуносликларнинг барчасида ҳали ҳеч ким композиция усулида сўз ясалиши мавжуд эканлигини асосли тарзда инкор этмаган (уни *синтактик*, *лексик-синтактик*, *семантик-синтактик* усуллар тарзида номлаганлар борлиги маълум), рад эта олган эмас, **иккинчидан**, ҳали туркий тилшуносликда, ҳатто, *опке* типидаги бирликларни префиксация усулида сўз ясалишга киритиб, туркий тилларда ҳам префиксация бор - префикслар мавжуддир - деб олимлар изоҳлаган[Азимов, 1947; Поцелуевский, 1947] ва А.Ғуломов қайд этган фонетик усулда сўз ясалишини асосли тарзда бекор қила олган эмаслар. Бироқ бу усулнинг, ҳақиқатан ҳам, тил тарихида мавжуд бўлганлигини қўллаб-кувватловчи, буни атрофлича ўрганишга даъват этувчи, фактларга асосланган ҳолда, бу усулни тан олувчилар бор. Мазкур ҳолат А.Ғуломов тадқиқотларининг ўзбек тили фактларига тўла асосланганлиги, чукур таҳлиллар асосида хulosалanganligi, тилшунослик тараққиёти учун назарий манба бўлганлигини яна бир бор тасдиқлайди. Олим «Феъл» китобида композиция усулининг ўзига хос жиҳатларини асосли тарзда кўрсатиб берганлигидан ташқари, 1975 йилда бу масалага яна алоҳида эътибор қаратади. «Ўзбек тили грамматикаси» китобининг «Кўшма сўзлар» қисмида улар ясалишининг асосий хусусиятларини, қўшма сўз ясалишидаги қонуниятларни яхши очиб беради

ва «Сўз ясашнинг бу типини ҳам ўзбек тилидаги актив йўллардандир» деган асосли фикрни айтади.

### **АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. Баскаков Н.А. Каракалпакский язык. Москва, 1952. -Б.154.
2. Бердиалиев А. Ўзбек тилида сўз ясовчи қўшма аффикслар, номзодлик дисс. Тошкент, 1970.
3. Грамматика русского языка. Москва: Наука, 1980, 183 §.
4. Гуламов А. Ўзбек тилида тарихий сўз ясалиш масалалари. Фил.фун.док. АРТ.:1955. -Б.13.
5. Мирзакулов Т. Ўзбек тилида шакл ҳосил қилувчи қўшма аффикслар. ном.дисс. Тошкент, 1980.
6. Маъруфов З. Сўз состави, от ва сифат. Тошкент, 1956. -Б.5.
7. Назаров К. Ўзбек халқ шеваларида эгалик аффикслари, ном. дисс. Тошкент, 1963.
8. Сауранбаев Н.Т. Семантика и функции деепричастий в Казахском языке, Алма-Ата, 1944. -Б.14.
9. Виноградов В.В. Словообразование в его отношении к грамматике и лексикологии. сб. Вопросы теории и истории языка.Москва, 1952.
10. Современный русский язык. МГУ нашри, 1962. -Б.263.
11. Суник О.П. О морфологическом составе слов. Москва, -С. 337-339.
12. Тожиев Ё. Ўзбек тили морфемикаси, Тошкент, 1992. -Б.6-40.
13. Ҳозирги ўзбек тили, жамоа, Тошкент, 2007. -Б.145-146.

## МУНДАРИЖА

### I. ХОРИЖИЙ НАВОИЙШУНОСЛИК: ТАДҚИҚ ВА ТАРЖИМА МАСАЛАЛАРИ.

<b>Нəbibbəyli İsa Əkbər oğlu. AZƏRBAYCAN NƏVAİŞÜNASLIĞININ YENİ SƏHİFƏSİ</b>	<b>3</b>
<b>Almaz ÜLVI BİNNATOVA. ƏLİŞİR NƏVAİNİN ƏDƏBİ TƏXƏLLÜSLƏRİ</b>	<b>6</b>
<b>Эркинов А. Франсуа Беленнинг (1817–1877) Алишер Навоий ҳақидаги мақоласи (1861 йил)</b>	<b>10</b>
<b>Тожибоева О. Семёнов - манбашунос, библиограф олим</b>	<b>12</b>
<b>Сотвoldиева М. Хорижий навоийшунослик; тадқиқ ва таржима масалалари</b>	<b>18</b>
<b>Юлдашева Г. Ҳирот маданий ва сиёсий мұхитида Алишер Навоий ролининг аҳамияти (Мария Сабтелни тадқиқотлари асосида)</b>	<b>23</b>
<b>Abduqodirova M, Oripova K. Navoiy asarlarini inglez tiliga tarjima qilishdagi muammolar</b>	<b>28</b>

### II. ЎЗБЕКИСТОНДА НАВОИЙШУНОСЛИК ТАРИХИ. МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА НАВОИЙШУНОСЛИК МАКТАБЛАРИ.

<b>Мирзаев И. Академик Е.Э.Бертельс Абдураҳмон Саъдийнинг докторлик диссертацияси ҳақида</b>	<b>31</b>
<b>Эшонқұлов Ҳ. Самарқанд ва Бухоро илмий-адабий мұхити ҳамкорлиги самаралари</b>	<b>35</b>
<b>Сулаймонов И. Ўзбек навоийшунослигининг тарихий йўли</b>	<b>40</b>
<b>Рустамова Д. Алишер Навоий лирикасининг ўрганилиш тарихидан</b>	<b>45</b>
<b>Бекташева Г. Бегали Қосимовнинг “Замонларни бир-бирига улаган шоир” ҳақидаги қарашлари хусусида</b>	<b>48</b>

### III. АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИГА ЯНГИЧА ҚАРАШ: ШАРҲ ВА ТАЛҚИН МУАММОЛАРИ.

<b>Иброҳим Ҳаққул. Маънавий валодат ва ўзлик камоли</b>	<b>55</b>
<b>Умурев Ҳ. Жон ва рух маънавиятида Алишер Навоий мероси</b>	<b>60</b>
<b>Олимов С. “Лисон ут-тайр”нинг туб моҳияти</b>	<b>65</b>
<b>Жабборов Н. “Сабъаи сайёр”даги Ахий ҳикоятида футувват ғоясининг бадиий ифодаси</b>	<b>92</b>
<b>Рафиддинов С. Алишер Навоий ва нақшбандийлик</b>	<b>100</b>
<b>Қобилов У. Алишер Навоий шеъриятида нубувват ҳақиқатлари бадиий талқинига доир</b>	<b>109</b>
<b>Тоҳиров С. Хамсанавислик анъанасининг айрим жиҳатлари хусусида</b>	<b>115</b>
<b>Давлатов О. Алишер Навоий лирикасида мадҳ мавзуси</b>	<b>121</b>
<b>Жўрабоев О. Алишер Навоийнинг тарих ҳақидаги қарашлари</b>	<b>124</b>
<b>Раззоқов О. Бир рубойй маърифати</b>	<b>131</b>
<b>Олимов Ф. “Хамсат ул-мутахайирин”да Абдураҳмон Жомий нақшбандий сиймо сифатида</b>	<b>135</b>

<b>Асадов М.</b> Навоий шеъриятида ишқ мавзуси ва лирик қаҳрамон талқини	<b>138</b>
<b>Рахмонова З.</b> Аҳли фано ва фақр муршиди	<b>143</b>
<b>Казакбаева Д.</b> Алишер Навоий таркибандида Сайид Ҳасан Ардашер талқини	<b>149</b>
<b>Авазназаров О.</b> “Лисону-т-тайр”да бадиий туш ва сафар уйғунлиги	<b>153</b>
<b>Хайдаров О.</b> Кимки бир шиддат аро сабру таҳаммул айлади...	<b>157</b>
<b>Umarov S.</b> Alisher Navoiy ijodida futuvvat g‘oyalarining badiiy talqini	<b>163</b>
<b>Муминова Д, Ахророва Д.</b> Навоий тахайюли мўъжизаларидан	<b>167</b>
<b>Abdumannatova N.</b> Navoiy she’riyatida talmeh san’atining qo‘llanilishi	<b>170</b>
<b>Ergasheva N.</b> Alisher Navoiy g’azallarida she’riy san’atlar (tanosub san’ati misolida)	<b>177</b>
<b>Gafurova Sh.</b> Alisher Navoiyning ‘Lison ut-tayr’ dostonida me’roj talqini	<b>180</b>
<b>Санақулов У.</b> Navoiy she’riyatida ishq manzilining majoziy ifodalari	<b>184</b>
<b>Rasulova N.</b> “Sab’ai sayyor”dostonida ramz va timsollar olami	<b>187</b>
<b>Dadajonova D, Darmonov I.</b> Alisher Navoiy ruboilarida badiiy san`atlar	<b>189</b>
<b>Ximmatov U.</b> “Lison ut-tayr” dostonida qoliplovchi hikoyatlarning o‘rni	<b>191</b>
<b>Xolmirzayeva L.</b> Alisher Navoiy ijodida sham va parvona obrazlari	<b>195</b>
<b>Холмуродов Х.</b> Алишер Навоий “Бадойиъ ул-бидоя” девонида Ширин образи	<b>197</b>

#### **IV. АЛИШЕР НАВОИЙ МЕРОСИ ВА АДАБИЙ ТАЪСИР МАСАЛАЛАРИ.**

<b>Мухиддинов М.</b> “Матлаъ ул-анвор” ва “Ҳайрат ул-аброр” достонларида тил ва адабиёт масалаларининг ёритилиши	<b>203</b>
<b>Ҳамроев Ж.</b> Навоийнинг “Девони Фоний” асарида ғазал жанрининг мавқеи	<b>212</b>
<b>Мусурманов Э.</b> «Хамса» Алишера Навои как литературный великий шелковый путь	<b>217</b>
<b>Nasirov A.</b> Alisher Navoiyning falsafiy qarashlari va ijodiy an'analar	<b>222</b>
<b>Тоҳиров С, Сабриев А.</b> Аруз терминалогиясида айrim зиҳоф ва фуруълар ҳамда уларнинг фоъилотун руқнига алоқаси	<b>226</b>
<b>Эргашев Қ.</b> “Тарихи мулуки ажам”да ижтимоий масалалар талқини	<b>232</b>
<b>Холиқулова Г.</b> Комрон Мирзо ижодида мумтоз анъаналарга издошлиқ	<b>238</b>
<b>Ўтанова С.</b> Алишер Навоий ва Очилдимурод Мирий	<b>242</b>
<b>Sulaymonov M, Xoldorova G.</b> Navoiy ijodida ayollar ta’rifi	<b>249</b>
<b>Sulaymonov M, Abduraxmanova S.</b> Alisher Navoiyning “Mahbub ul-qulub” asarining badiiy xususiyatlari	<b>252</b>
<b>Muxitdinova N.</b> Muhammad G‘oziy devonlarida Alisher Navoiy an'analari (hamd, na't g‘azallar tahlili misolida)	<b>255</b>
<b>Джабборов Р.</b> Навоий достонларида Низомий анъаналари	<b>261</b>
<b>Хасanova М.</b> Лутфийнинг Шоҳруҳ мирзога бағишланган қасидаси	<b>268</b>
<b>Karimov O.</b> Alisher Navoiyning “Hayratul-abror” dostonida yuksak insoniy fazilatlar madhi	<b>270</b>

<b>Шерназаров А.</b> Татаббӯи Фонӣ ба ғазалиёти Ҳофизи Шерозӣ	<b>275</b>
<b>Хошимхонов М.</b> Навоий ва Машраб ижодида ҳамоҳанглик мотивлари	<b>284</b>
<b>Асланова Х.</b> «Мажолис ун-нафоис» ва «Мухокамат ул-лугатайн»да Гадоийга таъриф	<b>291</b>
<b>Назаров С, Тўхтамишов А.</b> Алишер Навоийнинг давлат ва жамоат арбоби сифатидаги фаолияти	<b>294</b>
<b>Alimova K.</b> Alisher Navoiy merosida ta'lim va tarbiya masalalari	<b>299</b>
<b>Muminova D, Sobirova M.</b> Alisher Navoiy va Xorazmiy ijodida go'zallik timsoli	<b>305</b>
<b>Hoshimova M.</b> XIX asr Qo'qon adabiy muhiti : Xon (Muhammad Alixon) shaxsiyati va ijodi	<b>309</b>
<b>Tog'ayeva Sh.</b> Ishqki ikki jahondur...	<b>312</b>
<b>Parmonova Z.</b> “Majolis-un nafois”ning birinchi forscha tarjimasi	<b>317</b>
<b>Toshquvatova M.</b> Alisher Navoiy she`riyatida folklor an`analar	<b>320</b>
<b>Nuritdinova M.</b> Zahiriddin Muhammad Bobur shaxsiyati va faoliyatida javonmardlik sifatlarining namoyon bo'lishi	<b>324</b>
<b>Otayorova U.</b> “Iskandarnoma” va “Saddi Iskandariy”daadolat masalasi	<b>329</b>
<b>Шомуродова С.</b> Алишер Навоий девончилик анъаналарининг Эркин Воҳидов ижодида акс этиши	<b>333</b>
<b>Tamikayeva O.</b> “Layli va Majnun” syujetining paydo bo'lishi: tarixiy haqiqat va badiiy haqiqat	<b>339</b>
<b>Shodmonov G.</b> Alisher Navoiy “Xamsa”sining qo'lyozma manbalari tadqiqiga doir	<b>345</b>
<b>Хайдарова Г.</b> Алишер Навоий анъаналари авлодлар силсиласида	<b>350</b>
<b>Кораев Ш.</b> Дарвешлар сұхбатлари ва Алишер Навоий	<b>354</b>
<b>Олимова Д.</b> Меъраджнаме в поэзии Ходжа Ахмада Яссави	<b>362</b>
<b>Qo'shmonova N.</b> Alisher Navoiy “Mahbub-ul qulub” asarida ma`naviyat masalasi	<b>365</b>
<b>Ravshanbekova O, Qo'shmonova N.</b> Alisher Navoiy asarlarida do`stlik mavzusi	<b>369</b>
<b>Ойматова Н.</b> Адабиёт таълими ва унда Алишер Навоий ижодини ўрганиш муаммолари	<b>372</b>
<b>Назарова Д.</b> “Ҳайрат ул-аброр” ва “Субҳат ул-аброр” достонларидағи басмала бобларнинг қиёсий таҳлили	<b>375</b>
<b>Ишонханова И.</b> Таълим тизимида Алишер Навоий ижодининг ўрганилиши	<b>380</b>
<b>G'oyibboyeva E.</b> Alisher Navoiy hikmatlari tarbiya manbai	<b>386</b>
<b>V. АЛИШЕР НАВОИЙ АСАРЛАРИНИНГ ТИЛИ ВА ЎЗБЕК ТИЛИ ТАРИХИ МУАММОЛАРИ.</b>	
<b>Пардаев А.</b> Алишер Навоий асарларида боғловчи воситаларнинг кўлланиши ҳақида	<b>388</b>
<b>Suvanova R.</b> Alisher Navoiyning «Muhokamatu-l-lug‘atayn» asaridagi ayrim so‘zlar tahlili	<b>391</b>

<b>Нормўминов Ш.</b> Алишер Навоий ўзбек адабий тилининг асосчисидир	<b>396</b>
<b>Зарипов Б., Холмуҳаммедов Б.</b> Алишер Навоий ижодида зоонимларнинг қайтариш санъатидаги иштироқи	<b>401</b>
<b>Сайднўймонов А.</b> Табобат терминларининг мумтоз адабиётларда қўлланиши	<b>405</b>
<b>Шарипов Ф, Мухиров Р.</b> Сўз ясалиш тарихига доир муносабат	<b>411</b>

# **АЛИШЕР НАВОЙНИНГ ЖАҲОН АДАБИЁТИДА ТУТГАН ЎРНИ**

мавзусидаги республика илмий-амалий анжуман  
(20 май, 2021 йил)

Мухаррир  
Мусаххих  
Техник мухаррир

О. Шарапова  
Х. Рахимова  
Н. Исроилов

2021-йил 12-майда тахририй-нашир иёт бўлимига қабул қилинди.  
2020-йил 17-майда оригинал-макетдан босишига рухсат этилди.  
Қоғоз бичими 60x84.1/16. “Times New Roman” гарнитураси.  
Оффсет қофози. Шартли босма табоги – 26,5.  
Адади 100 нусха. Буюртма № 446.

СамДУ таҳририй-нашриёт бўлимида чоп этилди.  
140104, Самарқанд ш., Университет хиёбони, 15.



